

Набира қизларим
ОЙЗОДА ва СЕВИНЧ ларни,
уларнинг дугоналарини бахтли
ва баркамол кўриш ниятида тўйларига
туҳфа сифатида ёздим
бу китобни.





Хурматли

.....

Камоли эҳтиром ила

.....

.....

.....



57.14

Ц177

Рахима
Шомансурова

ИЗЛАР

КИТОБИ




ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2016

УЎК: 37.018.74:173

КБК: 57.14

Ш - 77

Шомансурова Р.

Қизлар китоби / Р.Шомансурова. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 512 б.

ISBN 978-9943-27-780-9

Ҳамма даврларда ҳам оилада қизлар тарбиясига жуда катта аҳамият бериб келингани сабабли, шарқ китобатида мавзуси қизлар тарбиясига бағишланган асарлар жуда кўп.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган **«ҚИЗЛАР КИТОБИ»** ҳам қизлар тарбиясида, уларни оилавий ҳаётга тайёрлашда, инсоний нозик муносабатларни ўрганишда шарқона одобга оид битилган шундай китоблар шодасидаги бир инжу бўлиб қолади, деган умиддамиз.

УЎК: 37.018.74:173

КБК: 57.14

Лойиҳа муаллифи:

Нозимахон АБДУЛЛАЕВА

Тақризчи:

Яйра САЪДУЛЛАЕВА,

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими

ISBN 978-9943-27-780-9

© Р.Шомансурова, «Қизлар китоби». «Янги аср авлоди», 2016 йил.



КИТОВ ИЧРА КИТОВЛАР

*Қирқ қизнинг ибрати
Ўрганганинг – ўзингга
Қалб тарбияси
Осмонларда кўнглим менинг
Келин бўлиш сирлари
Аёллар иқлими*



Сиз балоғат ёшига етай деяпсиз. Менинг қалбим эса меҳр ила тўлиб, сиз билан боғлиқ умидларим гуркираб боряпти..

Нима умидлар экан, деб сўраяпсизми?

Булар – сизни бахтибекам, кўзлари чақноқ, феъли юмшоқ, қалби меҳрга тўлиқ, ниятлари хайрли, томири ўтлаи, жўшқин ғайратлаи, яхши ишларга шижоатлаи, Олам ва Одамга қизиқиши сўнгсиз, билимга чанқоқ, қўлидан иш кўрқадиган, қадамидан ўт чақнайдиган **қиз - келин - аёл - она** сифатида кўриш, кўрганда ўзимда яшаришни сезиш умидларидир.

Сиз онангиз, бувингизнинг, катта момонгизнинг бу дунёдаги қайтарифсиз. Бизни биздан сўнг ҳам яна кўп-кўп йилларга етказувчи, авлодлар занжирини боғловчисиз!

Ер юзидаги барча гўзаллик – қуёшдан, барча яхшилик инсондан, дейишган донишмандлар. Шу сабабли дунёдаги барча олиму фузалолар ҳаётнинг асл мақсади инсоннинг ҳамиша камолот сари интилишидадир, деб ишонганлар. Мен сизнинг ҳақиқий комила қиз бўлишингизни орзу қилибгина қолмай, бунга ишонаман ҳам.

Ҳар бир авлод ўзи ўрганган, билган хайрли амалларни ўзи билан олиб кетаверса, кейинги авлодлар тобора кучсизланаверади. Қолаверса, бир вақтлар бошингдан ўтказганларни ҳозирда бошидан ўтказётганларга қараб жи-и-и-им туриш – чин инсоний фазилат эмас. «Менинг изтиробларимни у ҳам ўзи бошидан кечириб кўрсин, шунда ақли киради,

ҳақиқий одам бўлади», деган хаёлга амал қилиш, бизнингча, минг азоблар билан тупроқдан олтин заррачаларини излаб топган, уни оқар сувда ювиб, бир кафтгина бўлса-да тиллалик бўлган кишининг шу йиққан зарини яна қайтиб тупроққа сочиши билан баробар. Бу эса нодонликдир.

Мен ўтсам, хайрли амалларимдан кейинги авлодлар баҳраманд бўлади, деган эътиқод билан яшаганлар эса ҳамиша руҳан қувватли, енгилмас, сабри ва бардошлидирлар. Яна бир томони – улар ўзлари сезмаганлари ҳолда эл ичида қадрибад инсонга айланиб борадилар, ахир одамнинг иккинчи умри – кишиликка қолдирган эзгу ишлари-ку.

Ниятимизни англагандирсиз, ойзода қизим?!

Бу китобни сизларга ёзиб қолдиришдан мақсад ҳам аслида шу. Авлодлар олдинги авлодлардан кучлироқ, донороқ, бахтлироқ бўлиши кераклиги ҳақида кўп эшитгансиз. Яна улар ўзларидан олдинги авлодларнинг хатоларини қайтармасликлари – ҳаётнинг, тирикликнинг етакчи сабоғи, одамзоднинг маданий-маърифий, маънавий-ахлоқий ривожининг, умуман тамаддуннинг бирламчи шарти ҳам, талаби ҳам.

Китобда қизларга одоб-ахлоқ, маънавият, қисман тиббиёт, пазандачилик, чеварлик ва яна бошқа турли мавзуларда суҳбат юритишга интиланган бўлсак, бу хайрли ниятимизни амалга ошириш жараёнида ўзимиз ҳам қайта-қайта ўқидик, суҳбатлашдик, баҳслашдик, оқибат кўп нарсаларни қайта кашф қилдик, дилимиз бундан бир қадар равшанлашди, қаддимиз тикроқ, одимимиз дадилроқ бўлди. Чунки биз аввал билганларимиз устидаги кулни қоқиб, билим учқунларини аланга олдирдик. Инсон ҳамиша дилига жило бериб, руҳини поклаб бориши лозимлигига ишонч ҳосил қилдик.

Ким билан суҳбат қурган бўлсак, суҳбатлари-
мизнинг аксари ишдан, адабиётдан, санъату ма-
даниятдан бошланса ҳам, кўпинча турмуш, қиз-
лар-аёллар, ҳаёт, унинг пасту баланд сўқмоқлари,
ёрқин ва хира руҳияти, турфа қарашлар устида
турғун бўлиб қоларди. Айниқса, ёши улуғ момо-
ларимизнинг бир кулиб, бир куйиниб гапиришла-
рида ҳаётда кўп кўрганлари, кўп куйганларининг
изи бўлгани учунми, уларнинг ҳар гапида киши-
нинг кўнглини тозартадиган, умидли яшашга
ўргатадиган ҳикмат, маънавий юксаклик ўзи-
ни яққол намоён этиб турганидан қувондик. Сиз
ҳам, ойим қизим, ҳаётда оқила аёллар суҳбатидан
баҳра олишни ўрганинг.

Охирги кашфимиз ҳам кўҳна дунёдек қадимий
ҳақиқатни таъкидлаш бўлди: инсон билимлар ичи-
га шўнғигани сари, ўзининг ниҳоятда кам били-
шига ишониб боради. Кўпроқ билишга интилади.
Сиз ҳам интилинг!

Инсон ёруғ дунёга келиб, нурга, рангга, ҳидга,
товушга, Она ва Ота меҳрига дуч келганидан бош-
лаб унинг кичик қалбчасида ҳайрат ниш уради, бу
туйғу тобора каттариб ва ривожланиб боради.

Олам нима? Одам нима? У ким, бу нима? Яшаш-
дан мақсад нима?

Одамзодга буларни билиш учун, инсонман деб ер
узра виқор билан қадам ташлаш учун нечоғлик кўп
билим керак, тасаввур керак, ҳайрат, меҳр, ирода,
муҳаббат керак! Буларнинг ҳеч бирига осонликча
эришиб бўлмайди. Сиз ҳам кунма-кун, ойма-ой,
йилма-йил баъзан тез, баъзан машаққат билан
ҲАЁТ аталмиш мактабни ўзлаштириб борасиз.

Қайси мавзуда сўз юритмайлик, биз уни аввало
сизгинани – элда «Онам!», «Ойим!», «Аёвлигим!» си-
фатини олган, ойларга нисбат берилган, демакки,

ойзодаларни – ўзбек қизларимизни кўз олдимизда, қаршимизда деб билиб, сизлар билан ҳаёт ҳақида, қиз-аёлларнинг руҳияти, ички олами, қалбимизга Яратган жо қилган ва бизни тўғри яшашга ундайдиган буюк қудратлар ҳақида самимий суҳбат юритдик.

Шунинг учун ҳам уни «Қизлар китоби», деб атадик. Қизларимизга атаб шундай китоб яратиш ҳақидаги эзгу фикр аслида «Хотин-қизлар энциклопедияси»ни тайёрлаётганда дилимизга жо бўлган эди. Уни амалга оширишга қодир қилган Яратганга беадад шукрлар бўлсин!

Биз фахр ва ифтихор билан «соғлом авлод», «баркамол авлод» деб атаган соғлом насл, жисмонан бақувват, руҳи, фикри тиниқ, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлоднинг тенг ярмини сизлар, яъни қизлар ташкил этасиз.

Эртага сиз Аёл, Она бўласиз. Аёлнинг том маънодаги аёл, ота-боболаримиз айтмоқчи «рисоладагидек аёл» бўлиши учун унинг шаклланиш, яъни қиз болалик даври тарбиясига катта аҳамият бериш керак, айнан шу даврда қиз боланинг кўзига мумкин қадар кўпроқ атроф-муҳитни кўрсатиб, фикр қилишга ўргатиш, «қулоғига кўпроқ нарса қуйиш» керак, деган фикр ва ишонч ғайратимизга ғайрат, идрокимизга қувват бериб турди. Аксарият буви-лар, оналар, хола-аммалар шундай фикрдалар.


Мазкур китоб ҳам ой қизларимизнинг камолот сари интилишларига ёрдам беради деган умид қалбимизни нурлантириб турибди.

Умуман олганда, қизлар тарбиясига аталган рисоалар, бошқа халқу миллатлар адабиётидан ўзбекчага ўтирилган китоблар жуда кўп. Чунки бизда ҳамма даврларда ҳам оилада қизлар тарби-

ясига жуда катта аҳамият бериб келинган. Бундай китобларнинг айримлари билан китоб сўнггидаги **«Фойдаланилган адабиётлар»** бўлимида танишингиз, улар сизни қизиқтирса ва чуқурроқ ўрганмоқчи бўлсангиз, кутубхоналардан, интернетдан топиб ўқишингиз мумкин. **«Қизлар китоби»** ҳам қизлар тарбиясида, уларни оилавий ҳаётга тайёрлашда, инсоний нозик муносабатларни ўрганишда шарқона одобга оид битилган шундай китоблар шодасидаги бир инжу бўлиб қолади деган умиддамиз.

Ушбу китобни яратишда бизни қўллаб-қувватлаган, мавзу берибгина қолмай, ижодий маслаҳатларини аямаган барча ҳамкасбларимиз, дўст ва биродарларимизга, опа-сингилларимизга, хотин-қизлар билан ишлайдиган жамоат ташкилотларига, «Янги аср авлоди» нашриёти раҳбарияти ва талабчан муҳаррирларига ўз самимий ташаккуримизни билдирамиз ва Аллоҳдан шу қилган яхшиликлари учун муносиб ажр сўраб, уларни доим чин дилдан дуо қиламиз.

Раҳима ШОМАНСУРОВА,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист



ҚИРҚ ҚИЗНИНГ ИБРАТИ

Ойзода ва Севинчнинг китоби
Ассалому алайкум!
Қўшни эшик
Ҳавас
Қадр
Бойчечак
Фариштали қизлар
Тақлид
Энг билимдон китоб
«Мен бувимнинг қизиман...»
Опа ва ука
Жамоа қудрати
Қалбнинг қувват олар чашмаси
Тунги кўнгироқ
Қиз боланинг ҳусни – ҳаё ва одоб
Симда ҳам жон бор
Китобларда битилмаган одобнома
Бу – бобомга, бу – бувимга
Қиз – кўнгил малҳами
Биринчи мактуб
“Уй кўтариш” шартми?
Ойимдан ўргандим!
Ҳавас қилинг, яхшиликка интилинг!



ОЙЗОДА ВА СЕВИНЧНИНГ КИТОВИ

(Муқаддима ўрнида)

«Қирқ қизнинг ибрати» рисоласининг ёзилишига ва унинг «Қизлар китоби» га киритилишига набира қизларим **ОЙЗОДА** ва **СЕВИНЧ**лар сабаб бўлишди. Бу китобчадаги ҳикоячаларнинг асосий қаҳрамонлари улар тенги ва улардан каттароқ, ҳозир балоғат ёши остонасида турган қизлардир. Икковлари ҳам анча зийрак ва тийрак қизлар. Ҳамма нарсага қизиқишади. Кўп нарсани билишни иташади. Кўп савол беравериб, кишини шошириб ҳам қўйишади.

– Нима учун мен қаерга борсам, Оймома ҳам ўша ерга ортимдан боради? – сўрайди Севинч.

– Қушлар нега жуда вақтли уйғонадилар? – сўрайди Ойзода.

– Хизр бобо чўнтак телефонининг рақами қандай, улардан бир нарсалар сўрамоқчи эдим? – дейди Севинч.

– Бир мартагина ёлғон гапирсам, нима бўлади? – сўрайди Ойзода.

– Рақсга тушадиган қўғирчоғимнинг ойиси нега ҳеч қизини кўргани келмайди? – сўрайди Севинч.

– Компьютер шунча нарсани қаердан билади, унга ким ўргатган? – сўрайди Ойзода.

– Дунёдаги ҳамма эртақлар тамом бўлиб қолса, мен нима қиламан? – сўрайди Севинч.

– ...?

– ...?

Қизларимга атаб китоб ёзиш истаги ана шунда, яъни уларнинг эртақлар тугаб қолса нима бўлади, деган саволидан кейин пайдо бўлганди.

Мен қызларимга эртақларнинг ҳеч қачон тамом бўлмаслигини, негаки ҳар бир авлод ўз даври эртақларини ўзи тўқиб, аввалгиларига қўшиб бораверишини айтдим. Фақат қизлар катта бўлганлари сари, уларнинг эртақларга қизиқиши сал камайиб боришини, буни улар эртақлар тамом бўлиб қолди-га йўйишлари мумкинлигини тушунтирдим.

– Ўшада биз нимага қизиқамиз, бувижон? – ба-раварига сўрашади набира қызларим.

– Унда сизлар кўпроқ қандай қилиб яхши қиз бўлиш ҳақида ўйлаётган бўласизлар, оппоқ қизларим, – жавоб бердим мен.

– Биз қандай қилиб яхши қиз бўламиз? – сўраш-ди яна.

– Ўзингиздан бошқа яхши қизларни кўрганда ибрат оласизлар, яхши қизлар ҳақида эшитганин-гизда, уларнинг кўп яхши фазилатини ўзингизга юқтириб борасизлар, катталардан панд-насиҳат-лар эшитасизлар, ойим қизларим.

– Бувижон, у яхши қизлар ҳақида ким бизларга гапириб беради?

Мен қизларимнинг бу саволидан жуда хур-санд бўлиб, уларга ўзларидан каттароқ, ибратли одоб-ахлоқини кўриб ҳавасим келган қизлар ҳақи-да гапириб беришни ваъда қилдим.

– Кўп-кўп қизлар ҳақидами, бувижон? – сўрай-ди Севинч.

– Вой қақажонлар-ей! Ҳа, кўп-кўп қизлар ҳақи-да! Нечта яхши қизлар ҳақида айтиб берай? – ке-йин Севинчдан сўрадим: – Нечтагача санашни би-ласиз, доно қизим?

Севинч аввалига шошиб қолиб бармоқларини бука бошлади: саккиз, тўққиз... Кейин бир нарса эсига тушиб, суюниб сакрай кетди:

– Топдим! «Қирқ қиз» эртаги бор-ку, бувижон! Ана шунча қизлар ҳақида эртақ айтиб берасиз! Қирқта! Қирқта! Қирқта!

– Хўп, хўп! Қирқта бўлса, қирқта бўла қолсин!

– Фақат-чи, бувижоним, мен катта қиз бўлганимдан кейин эмас, ҳозир, ҳозир! Эртақларнинг ҳам тамом бўлишини кутиб ўтирмасдан, ҳозирдан бошлаб айта бошлайсиз!

– «Ана холос, пишди гилос! Севинч қизимнинг кўзлари чарос!»

Бу – ҳар галгидек уларга эртақ айтиб беришга кўнганимнинг аломати.

Набира қизларим хурсанд бўлиб кетишди.

«Қирқ қизнинг ибрати» рисоласи шундай дунёга келди. Бу ҳикоячалар сизга ҳам ёқади ва сиз ҳам набира қизларим каби улардан ибрат olasиз, деб умид қиламан.

АССАЛОМУ АЛАЙКУМ

Гулноза ҳовлида ўйнаб юрган экан. Мени кўриши билан югуриб ёнимга келди ва:

– Ассалому алайкум! – деди чиройли табассум билан.

– Ваалайкум ассалом! – дедим уни бағримга босиб. – Баракалла! Раҳмат, она қизим!

Гулноза ҳақиқатда ҳам мақтовларга лойиқ қиз бўлибди. Ойисининг уйда йўқлигини билдирмай, дарров айвонга кўрпача солди, дастурхонга нон ва ширинликларни келтириб қўйди. Кейин қизгина билан чой ичиб, суҳбатлашиб ўтирдик.

– Гулноза, биринчи марта қайси сўзни айтганингни эслайсанми, она қизим? – сўрадим ундан.

– «Ойи», «Ада»ни айтган бўлсам керак-а, оппоқ бувижон! – деди.

Тўғри, Ота ва Она инсон учун энг қадрли кишилар. Инсоннинг тили шу муқаддас сўзлар билан чиқиши табиий. Гулнотанинг ҳам биринчи сўзи «Ойи» бўлган эди.

– Биринчи жумлангни-чи, эслай оласанми, асалим?

Гулноза яна ўйланиб қолди. Анча узоқ ўйлади, кейин шошиб деди:

– Топдим! «Ассалому алайкум». Буни менга бувим ўргатган эдилар. Салом бераётганимда қўлим кўксимда бўлиши кераклигини ҳам айтган эдилар.

Гулноза тўғри айтди. Инсон ўз моҳияти билан яхшилиқ, эзгулик тимсоли. Шунинг учун унинг тилида доим «Ассалому алайкум» бўлиши табиий.

Кейин биз Гулноза билан «Ассалому алайкум»нинг маъноси ҳақида суҳбатлашдик.

«Ассалому алайкум» аслида арабча ибора бўлиб, «Сизга тинчлик, саломатлик тилайман!» деган маънони билдиради.

«Ассалому алайкум» юртлари, миллатларидан қатъи назар дунёдаги барча мусулмонларнинг саломлашув ибораларидир.

Сиз мусулмонлар яшайдиган қайси мамлакатга борманг, у миллат тилини билмасангиз ҳам, «Ассалому алайкум!» десангиз, сизга очиқ юз билан «Ва-алайкум ассалом!» деб жавоб берадилар. Бу уларнинг «Сизга ҳам тинчлик, саломатлик тилайман!» деганларидир.

Демак, «Ассалому алайкум» кишиларнинг ўзаро муомала-муносабатининг боши экан. Саломни сиз нечоғлик мулойим ва самимий айтсангиз, у кишилар билан муносабатингизга ҳам шунчалик илқлик, самимият, очиқ кўнгилик бахш этади.

«Ассалому алайкум»ни ҳаммага эшитиладиган қилиб ва тиниқ овозда айтишнинг яна бир сеҳрли кучи бор. У кишилар ўртасида муҳаббат пайдо қилиб, ўртадаги гина ва кудуратларни кетказади.

Ўзидан катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат юзасидан салом-алиқ қилиш қадим-қадимдан кишиларимиз учун ахлоқий мезон бўлиб қолган.

Муқаддас китобларда таъкидланишича, «Ассалому алайкум» дейиш суннат, жавоб қайтариш, яъни алик олиш эса вожиб ҳисобланади.

«Ассалому алайкум»ни айтишнинг ҳам ўзига яраша одоби мавжуд.

Кўчада кетаётганингизда ўзингиздан катта кишиларга рўпара келсангиз, уларни танимасангиз ҳам, биринчи бўлиб салом берасиз. Сизга жавобан катталар кўпинча «Ваалайкум ассалом!» га «Баракалла!» рағбатини ҳам қўшадилар. Чунки катталар ҳамиша ҳам ёшларнинг одобли, хушхулқли, мулоқим бўлишини истайдилар ва бундайларни кўрганда севинадилар.

Демак, ёши кичиклар катталарга, улов минганлар пиёда кетаётганларга, юриб кетаётган одам ўтирган одамга, озчилик кўпчиликка биринчи бўлиб салом беради. Бир жойга меҳмонга борсангиз, хонада кўпчилик ўтирган бўлса, албатта, биринчи бўлиб саломни сиз беришингиз керак.

«Ассалому алайкум!» – бақриб, баланд овозда эмас, ҳамма эшитадиган ва мулоқим қилиб айтилса, унинг сеҳр кучи анча кўп бўлади.

* * *

Гулноза ҳақидаги ҳикояни Ойзода ҳам, Севинч ҳам жуда диққат билан тинглаб ўтиришди. Ҳикоя тутагач, улар жиддий дедилар:

– Бувижон, энди биз ҳам ҳамма-ҳаммага қўлимизни кўксимизга қўйиб, «Ассалому алайкум» деймиз!

– Ҳа, баракалла, ойим қизларим, шундай қилинглар!

Дилдора супургисини ўйнатиб, жиргойи қилиб кириб келди.

– Мен бугун кўчани биринчи бўлиб супуриб бўлдим! Барно ўртоғим ҳали чиққани ҳам йўқ! – деди у шошиб бувисидан мақтов эшитиш илинжида.

Бироқ нонуштага қатлама пишираётган ойиси ҳам, унга пиёзли зувалачаларни ёйғичда текис ёйиб бериб турган бувиси ҳам уни мақташмади.

– Айтганимдек қилдингми, қизим? – сўради ойиси. – Барноларнинг эшиги олдини ҳам тозалаб супуриб қўйдингми?

– Э-э-э! Ўзи ҳали ҳам ухлаб ётибди-ку! Ўз эшигимиз олдини чиройли қилиб супуриб қўйдим. Энди яхшилаб сув сепиб қўйсам, бўлди!

– Ўртоғинг касал бўлиб қолибди. Тунда доктор чақиртиришган эди, касалхонага олиб кетишди. Барно ўртоғингнинг йўқлигини билдирмай, улар эшиги олдини ҳам супуриб тургин, она қизим! – Бувиси ёғли қўлини артгач, Дилдора билан бирга кўчага чиқди.

Бувиси кўчага чиққанда, Дилдоранинг кўчани супуришдан олдин икки дарвозанинг қоқ ўртасидан узун «чегара» чизик тортиб, кейин фақатгина ўз томонларини супурганини кўриб, бармоғини юзига қўйиб, «Вой, уят!» ишорасини қилди. Кейин Дилдорага:

– Қўшни ҳовлидан биров чиқиб қолмасидан дарров супуриб ола қол, оппоқ қизим! – деди.

Дилдора бувиси айтганини қилиб, қўшни эшик олдини ҳам тез-тез супуриб олар экан ўйларди: «Нега уят? Нима учун бувижоним бу томонни супурмай ташлаб кетганимни биров кўрмасин деяптилар?» Дилдора нима уятли иш қилганини тушунмаса ҳам, нариги ёқни – қўшни томонини тез-тез супурар, ҳақиқатда ҳам Барноларникидан

бирова чиқиб қолмасайди деб, улар эшигига хавотир билан қараб-қараб қўярди.

Дилдора иккала эшик олдига чиройли қилиб сув сепаетганида Барнонинг бувиси супурги кўтариб чиқиб қолдилар. Аммо эшиклари олдининг чинидай тозалигини ва бу ишни Дилдора қилганини кўриб, уни дуо қила кетдилар:

– Ўртоғингнинг йўқлигини билдирмай дебсан-да, она қизим. Илоҳим, умрингдан барака топ! Дилинг ҳамиша ёруғ бўлсин! Аҳилчилигингиз ҳеч қачон бузимасин, болам.

Дилдора бир оз қизарди-ю, сир бой бермай:

– Ўртоғим тузукми? – деб сўради.

– Онаси ҳозир телефон қилди, иссиғи анча тушганмиш. Муаллим опанга айтиб қўйсан ўзинг, Дилдора қизим?

– Албатта, айтиб қўяман, кейин уй вазифаларини Барно ўртоғим учун ҳам ёзиб оламан, бувижон, хавотир олманг!

– Умрингдан барака топ! – яна дуо қилдилар Барнонинг бувиси. – Менинг ишимни ҳам осонлаштирибсан. Дарсингдан кеч қолма, қизим, мактабингга яхши бориб кел.

– Қўшнилари, айниқса, ён қўшнилари жигарлардек бир-бирларига азиз бўлишади, – яхшилаб тушунтирди Дилдоранинг бувиси нонуштадан сўнг қизгинани ёнига олиб. – Яхши-ёмон кунларда ён қўшнилари бир-бирига суянч, ҳамдард бўладилар. Барнонинг бобоси билан бобонг, бувиси билан эса мен қалин ўртоқ бўлиб келганмиз. Адаси билан аданг, ойиси билан эса мана ойинг қандай қадрдон ўртоқ! Сизлар ҳам Барно билан бир синфда билим оласизлар. Байрамларда бир хил кўйлак киясизлар. Кунда бир-бирингизникига қўшни оши олиб чиқасизлар. Қандай яхши! Сен ва уканг туғилганингизда Барнонинг ойиси фақат эшигимиз олдинигина



эмас, ичкари ҳовлимизни ҳам чиннидай қилиб супуриб чиқарди. Барно ва укаси туғилганида ойнинг ҳам яхшиликка яхшилик билан жавоб бердилар: иккала ҳовлини ҳам яшнатиб турдилар...

Дилдора бувисининг гапларини дастурхонга тикилганича, жим ўтириб эшитди. Кейин аста:

– Бувижон, энди мен ҳам Барно ўртоғимнинг йўқлигини билдирмайман. Агар мен супуриб қўймаганимда Барнонинг бувиси кўчага супурги кўтариб чиқаётган эканлар. Бирам уялиб кетдим... Кейин мени дуо қилдилар. Барнонинг ойиси ҳали ҳам касалхонадан келмабдилар. Мактабдан келганимдан кейин Барнонинг олдига бориб келсам майлими?

– Албатта, ақлли қизим. Сен келгунингча яхшилаб мастава қилиб тураман. Серқатиқ қилиб ўзинг ичириб келсанг, тезда тузалиб қолади. Мен ойингта айтаман, сени ҳам бирга олиб боради.

Дилдоранинг ўртоғимдан хабар оламан дегани бувисини жуда хурсанд қилди.

* * *

– Бувижон, менга ўзимга лойиққина личкина супурги олиб беринг, мен ҳам ҳамма ёқни чиройли қилиб супуриб юраман, – деди Севинч Дилдорага ҳаваси келиб.

Мен унинг илтимосини, албатта, бажаришга ваъда бердим.

ҲАВАС

Мадиналарнинг янги ҳовлига кўчиб келишганига бир ҳафта бўлди. Бугун ойисига ёрдамлашиб бўлгач, биринчи марта кўчага чиқди. Ёзги таътил тугаса, янги мактабга боради. Унда дугоналари анча кўпайиб қолади. Ҳозир эса... Ўйнай деса, маҳаллада



ҳали ҳеч ким билан танишмади. Баланд қаватли уй – домда яшаганларида дугоналари кўп эди. Икки дом оралиғидаги ҳовлини тўлдиришиб ҳар хил ўйин ўйнашарди. Биргаликда китоблар ўқишарди. Ҳатто кўғирчоқ театрида томоша қилишган айрим сахналарни кўйишарди. «Театр-театр» ўйнаганлари болаларга, айниқса, кичкинтойларга ёқарди.

Шу пайт кўчаларидан ўтиб кетаётган икки қиз унинг диққатини тортди. Сочлари чиройли қилиб таралган. Улар бежирим сумкаларини елкаларига осиб, қўлларида филофга солинган дутор кўтариб боришарди. Қизлар Мадинадан икки-уч ёш катта-роқ кўринишарди. Беихтиёр уларга қарата:

– Ассалому алайкум! – деди. Қизлар унга жуда ёқиб қолишган эди. Қани энди танишиб олсайди. Балки бу қизларнинг Мадина тенги сингиллари бордир.

– Ваалайкум ассалом! – дейишди қизлар ҳам. – Янги кўчиб келдингларми? Исминг нима?

– Мадина. Сизлар ҳам шу кўчада турасизларми? Мен тенги сингилларингиз борми? Мен улар билан ўртоқ бўлиб олардим, – деди у шошиб.

Қизлар чиройли табассум билан исмларини, шу кўчада, ҳув бурчакдаги ҳовлида яшашлигини айтишди.

– Дутор чалишни биласизларми? – сўради ҳавасини яширолмай Мадина.

– Ҳа, маҳалламизда яхши мусиқа мактаби бор. Янги ўқув йилининг бошланишига концерт тайёр-лаяпмиз. Истасанг сени ҳам олиб борамиз, кўриб келасан.

– Вой, қандай яхши! Мен ойимлардан рухсат олиб чиқаман.

Мадинанинг ойиси қизлар билан танишиб, уларнинг уч ҳовли наридаги новвойлар хонадонидан эканлигини, оналари Зулфияхон билан танишлигини айтиб унга рухсат берди.

Муסיқа ва санъат мактабига кириб борганида Мадина ўзини сирли оламга кириб қолгандек ҳис қилди. Биринчи қаватнинг деворлари рассомлар галереясидан фарқ қилмасди. Иккинчи қават ҳам шундай. Табиат манзаралари, портретлар, натюр-мортлар, гуллар... Жуда чиройли!

– Бўлажак рассомларимиз ҳам мактаб очилишига ижодлари намуналаридан кўргазма тайёрлашган, – тушунтиришди қизлар. – Бу расмларнинг кўпи конкурс, кўргазмаларда соврин олган.

Мадинанинг ҳаваси тобора ошиб борарди. Синфга киришганда девордаги дуторларнинг кўплигини кўриб Мадина шошиб қолди. Иккинчи деворда эса фотосуратлар рамкаларга солиб, илиб қўйилганди. Улар орасида қўшни қизларнинг суратлари ҳам бор эди. Улар бир хил атлас ва адрас либосларда, саҳнадаги ижролари ва синфдаги машғулотлар пайтида олинган экан.

– Вуй, дипломларнинг кўплигини! – Мадина беихтиёр чапак чалиб юборди. Бу дипломларни ўқиб, улар «Севинч» дуторчи қизлар ансамблига туман, шаҳар, республика конкурсларидаги иштироклари учун берилганини билиб олди.

Қизлар Мадинани бир чеккадаги стулга ўтиришга таклиф қилишиб, ўзлари машққа тайёргарлик кўра бошлашди. Бошқа қизлар ҳам йиғилишиб, худди саҳнадагидек айлана ўтириб олишди. Улар ичида Мадина тенгилар ва ундан кичиклар ҳам бор эди. Ҳамма у билан худди танишдек илиқ кўришди.

– Келинлар, қўлларимизни созлаб, устоз келгунларича гаммаларни машқ қилиб турамиз, – деди қўшни қизлардан бири Шодия ва қизларга бошладик, деб имо қилди.

Мадина мактабдаги муסיқа дарсида гаммалар нималигини ўтган, бироқ саккизта қиз аҳилликда худди битта кучли дуторда ижро этаётгандек чал-

ганида гаммаларнинг яхши куйдек жаранглашини тасаввур қила олмаган эди. Қизларга ҳаваси келди.

Ўқитувчилари Азиза опа келганларидан сўнг, қизлар ўтган ўқув йилида яхши кўриб чалган «Дутор баёти», «Роҳат», «Фарғона тановори», «Дилхирож», «Кўнгил гулдастаси» каби бир нечта куйни эслаб, худди саҳнада ижро этаётгандек аҳиллик билан бир неча бор чалиб, машқ қилиб олишди. Мадина маза қилиб эшитди. Концертда қизлар шу куйларни ижро этадиган бўлишди.

– Қизлар, таътил пайтида ҳамма ўрганган куйларингизни машқ қилиб юрганингиз кўриниб турибди. Жуда хурсандман, – деди Азиза опа. – Демак, янги ўқув йилида дадил катта-катта куйларни ўрганаверсак бўлади, – деб репетицияни якунлади.

Янги ўқув йилига бағишланган болалар ижросидаги концертни томоша қилгани Мадина ҳам ойиси билан бирга чиқди. Ўша куни кечқурун бу концертни телевизорда ҳам кўрсатишди. Операторлар ҳамма гуруҳларга кириб кўп сурат олишган экан, мактаб ҳаёти ҳақида яхши кўрсатув тайёрлашибди.

– Ойижон, адажон, мен ҳам мусиқа мактабига чиққим келяпти, – деди Мадина.

Шундай қилиб, Мадина ҳам мусиқа мактабининг дутор гуруҳига қатнай бошлади. Қизларга ҳаваси келиб, кунт билан ноталарни ўрганди. Йил давомида ўрганган куйларини чалиб уйдагиларни, айниқса, бувижон, додажонларни ҳам кўп хурсанд қилди. Мусиқа мактабининг биринчи синфини тугатишига бағишланган мактаб ўқувчиларнинг ҳисобот концертида биринчи марта у катта саҳнада «Табриклайман» куйини чалди. Ҳамма олқишлади.

– Ана, биринчи кўриқдан ҳам ўтиб олдинг. Мадинани ҳам ансамблизмизга қўшиб олсак бўлади-а, устоз?

Шодиянинг гапини бошқа қизлар қарсак чалиб тасдиқлашди.

– Ҳавас жуда яхши нарса экан-а, бувижон. – деди Севинч қувончини яшира олмай. – Қаранг, қўшни қизларга ҳаваси келиб, Мадина ҳам дутор чалишни ўрганиб олди. Энди ҳаммани хурсанд қиляпти. Менинг ҳам уларга ҳавасим келиб, му- сиқа мактабига боргим келяпти!

– Яхшиларга эргашган киши, албатта, муродига етади, она қизим! – жавоб бердим мен.

ҚАДР

Гулруҳ мактабдан келганида бувижониси ҳар доимгидек айвонда иш тикиб ўтирган эканлар.

– Ассалому алайкум, бувижон! Бугунчи, мен икки- та аъло баҳо олдим. Устозим «Баракалла!» дедилар. Аъло баҳоларнинг биттаси сизники, бувижон!

– Ваалайкум ассалом, она қизим. Яхши кел- дингми? Олган аъло баҳоларинг ўзингга буюрсин, оқида қизим. Ҳамиша аълочи қиз бўлгин! Аъло баҳоларни қайси фанлардан олдинг?

– Иккала баҳойим ҳам кеча айтиб берган эрта- гингизга, бувижон! Устоз «Битта аъло – «Меҳнат қилган – қадр топади» мақолининг мазмунини яхши баён қилиб берганинг учун, иккинчи аълони эса имлода биронта хатога йўл қўймаганинг учун қўйдим», дедилар.

Бувижониси Гулруҳнинг дафтаридаги баҳолар- ни кўриб севиниб кетди ва «Баракалла, қизим!» деб унинг пешанасидан ўпиб қўйди.

Кеча Гулруҳнинг ўқитувчиси:

– Болалар, эртага ҳаммангиз халқимизнинг «Меҳнат қилган – қадр топади» мақолига мисол та- риқасида эртақ ёки ҳикоя ёзиб келинглар. Уларни шу ерда ўқиб, биргаликда баҳолаймиз! – деди.

Гулруҳ кўп ўйлади. Аммо ҳеч яхши эртақ ёки ҳикоя ҳаёлига келавермади. Шунда у бувисига:

– Бувижон, «Меҳнат қилган – қадр топади» деган мақолни биласизми? – деб сўради.

– Жуда яхши мақол бу, – деди бувижониси.

Кейин бир эртақ айтиб берди:

... Чевар ўзига янги, бири-бирига тенг, бири-бирига ўхшаш Фотима игна билан Зуҳра игнани сотиб олибди. Фотима игна дарҳол Чевар қўлига мос тушиб, чаққон ишлаб кетибди. Уни Чеварнинг бармоғи қай томонга йўналтирса, оғринмай бораверибди. Ортидан эса чиройли чок из қолаверибди. Бундан Фотима игна жуда суюнибди. Ишлагани сари ўзи ҳам очилаверибди. Қомати зеболашаверибди. Фотима игна шундай шўх, чаққон, ҳаётсевар эканки, уни қўлига олганда Чевар ҳам дили яйраб, ҳатто секин хиргойи қилиб, завқ билан чиройли либослар тикаркан.

Айни пайтда Зуҳра игна эса ғаладоннинг бурчагига беркиниб, ҳеч меҳнат қилгиси келмас экан. Чевар уни қўлига олганида, чеварнинг бармоғига бир қаттиқ санчилиб оғритар, ҳатто қонатиб ҳам юборар экан. Чевар «Вой!» деганича адашиб Зуҳра игнани олганини англаб, тезда уни Фотима игна билан алмаштираркан.

Чевар тикиб берган қўйлақларни кийиб, қувнаган қизларни кўрганда, Фотима игнанинг ўзи ҳам қувониб, севиниб-севиниб ишлайвераркан.

Ишлайвериб-ишлайвериб вақт ўтиши билан Фотима игнанинг қадди дол бўлибди. Лекин буни на ўзи, на Чевар пайқашмас экан. Чевар бу яхши игнасини қўлидан қўйгиси келмас, ҳатто уни ишлатмаган вақтларида ҳам ғаладонидаги жойига солмай, авайлаб юмшоқ ёстиқчага қадаб қўяркан. Бу ёстиқчани атай шу Фотима игна учун тикиб қўйган экан-да. Фотима игна тин оладиган бундай дақиқаларни яхши кўрар экан. У шундай қўли гул Чеварга ёрдамчи эканидан жуда суюнаркан.



– Зухражон, сен ҳам бундай меҳнат қилсанг-чи!
– деркан Фотима игна шундай дақиқаларда ғаладон бурчагига беркиниб олган сингиси – Зухра игнага. – Одамларга қувонч келтириб яшаш қандай яхши! Кўстни бутун қилишдек савоб иш борми! Қолаверса, мен ҳам энди чарчаб қоляпман...

– Э, қўйсанг-чи, – деркан унга жавобан Зухра игна, – ишлайверганинг билан сен нима кўрдинг? Озиб кетганингни қара! Сарвдек қоматинг ҳам дол бўлди.

Шундай деганича Зухра игна ҳар гал яна қайтиб ғаладоннинг бурчагига яшириниб оларкан. Ишсиз ётгани сари у семираверибди. Кўп ўтмай ярқиллаган чехраси хиралашибди. Чунки Зухра игнани занг босиб кетибди.

Унинг аҳволини кўриб Фотима игнанинг юраги ачишибди: наҳотки сингиси дунёга келиб, биронта ҳам кўйлак тикмай, лоақал йиртиқ-ямоққа ярамай ўтиб кетаверса?! Иш ёқмас Зухра игна эса опасига ҳеч қулоқ солгиси келмасмиш, меҳнатга бўйни ёр бермасмиш...

Кунлардан бир куни Фотима игна синиб қолибди. Чевар қадрдон игнасига жуда ачинибди. Лекин, на илож? Аллақачон унут бўлган Зухра игнани қўлига олишга мажбур бўлибди. Чевар одатдагидек иштиёқ билан чиройли кўйлак тикишни ният қилиб, игнага ип ўтказибди. Бироқ шу заҳотиёқ Чеварнинг кўзларидан ёш чиқиб кетибди: ишга уқуви йўқ Зухра игна матонинг толасини қирқиб юборгани майли-я, Чеварнинг бармоғига санчилиб, қонатиб ҳам юборибди.

Чевар аввалига Зухра игнадан жаҳли чиқиб, уни улоқтириб юбормоқчи бўлибди. Бироқ чаққон Фотима игнани эслаб, бундай қилмабди. Ахир бу Фотима игнанинг сингиси-ку, бу ҳам яхши бўлиб кетар деб умид қилибди.

Чевар аввалига Зухра игнани яхшилаб мойлабди. Кейин қаттиққина қийтиқ матога уни қайта-қайта санчиб олибди. Зухра игна аввалига роса қийналибди. Кейин эса секин-секин чехраси очилаверибди, қоматининг занги кетиб, ингичкалашиб борибди. Қўп вақт ўтмай у ўзини ўзи танимайдиган даражада зеболашиб кетибди.

Энди Зухра игна ўзига ўзи ҳам ёқа бошлабди. Чевар ҳам уни худди Фотима игнани қадрлагандек қадрлай бошлабди. Фотима игнага айтган қўшиқларини энди Зухра игнага кўйлай бошлабди. Иккалалари жуда иноқ бўлганлари учун ҳам, тикилган кўйлақлар жуда гўзал чиқа бошлабди.

Фақат баъзи-баъзидагина Зухра игна сал хомуш тортиб қоларкан. Опасининг сўзига кирмай ғаладоннинг бурчагига яшириниб, занг босиб ётган вақтларига қўп ачинаркан. Меҳнат қилган қандай яхши! Чевар уни авайлаб ёстиқчасига санчиб қўйганида Зухра игна секин хўрсиниб қўяркан: авваллари опаси мана шундай дам олаётган вақтларида, у билан бирга ишлаганида Фотима игнанинг умри узунроқ бўлармиди?! Ўзининг Чевар ва бошқа кишилар қўлида қадр топаётганини кўрганида опажониси роса қувонган бўларди-да! Меҳнат қилиб қадр топганлар бошқа меҳнаткашларни ҳам жуда қадрлайдилар!

* * *

– Гулруҳ қизим ана шу эртақни бувисидан қандай эшитган бўлса, шундайлигича дафтарига ёзиб, унга «Меҳнат қилган – қадр топади» деб сарлавҳа қўйибди. Ана шу баёнига «беш» баҳо олиб, бувисини жуда хурсанд қилибди! – мен Гулруҳ ҳақидаги ҳикояни шундай яқунладим.

– Шундай яхши эртақлардан бизга ҳам кўпроқ айтиб беринг! – илтимос қилишди набира қизларим.

Холисон сўйдан ўтиб, адирга кўтарилар экан, тунда ёғган олачалпоқ қор орасидаги нафисгина жажжи гулга кўзи тушди. Ярмигача қатқалоқ муз пардасига кўмилган бўлишига қарамай, гул ўз ғунчасини шу тонгда ёриб чиққан, япроқларини виқор билан тик тутганича ғурурли яшнаб турарди.

– Вой, бойчечак очилибди! – Холисон худди олдида дугоналари бордек қувониб овоз чиқариб юборди. Унинг юраги севинчдан кабутар мисол қанот қоқар эди. Ғўё томирларига баҳор қуёши ўзининг илиқ нурларини киритгандек, беихтиёр пальтосининг тутмаларини ечиб юборди.

Холисон оёғи остидаги юпқа муз пардани қирсиллатганича тезда гулга яқинлашди. Тиз чўкиб озор бермасдан бойчечакни оппоқ илдизи билан авайлаб узиб олди.

Очилиб турган бўлса ҳам, гулнинг оқиш яшил танаси муздек эди. Холисоннинг юраги ачишиб кетди. Гулни кафти орасига олиб, қўлини пальтоси бағрига тикди. Кела-келгунича жонли мавжудотни авайлагандек, бойчечакни авайлаб келди. Тезроқ мактабга ета қолса эди!

Биринчи дарсдаёқ муаллима билан саломлашгач, Холисон ёноқларидан нам кетиб улгурмаган бойчечакни устози Тожихон опага узатди.

Устози ҳам жуда севиниб кетди. У ҳам худди Холисондек бирдан:

– Вой! Бойчечак очилибди, болалар! – деб юборди. Кейин гулни авайлаб кўзларига суртди: – Омонлик, омонлик! Кўрмайлик ҳеч ёмонлик!

Шундан кейин Тожихон опа гулни кафтларида тутганича аста биринчи қаторда ўтирган қизларга бериб дедилар:

– Бу ҳаммамизнинг бу йил кўрган биринчи чечак-гимиз, болажонлар. «Омонлик-омонлик» қилинлар!

Бойчечак бир зумда бутун синфни айланиб чиқди. Болалар буюк бир эзгулик олдида тургандек, кайфиятлари кўтарилиб, кўзлари учқунланди.

– Қаранлар-а, болалар, Холисхон бизга баҳор элчисини олиб келибди! – Муаллима болалар қалбидаги ҳаяжонни сезиб, аниқ таърифлаб турарди. – Ҳадемай ҳамма ёқ яшнаб кетади. Лола сайлига чиқишимизга ҳам, демак, оз қолибди. Холисхон мана шу чиройли чечакни узган адирда оёқларимизни майин майсалар эркалаб, бағримизни чучмомаларга тўлдирамиз...

Тожиҳон опа аслида дарсни чиройли ўтардилар. Бугун бўлса болаларнинг кўнглини худди байрамлардагидек оловлантириб юбордилар. Гўё баҳор аллақачон келгандек. Гўё ташқарида совуқ эмасдек. Гўё тарновлардаги узун-узун сумалаклардан чак-чак қилиб сув томмаётгандек. Гўё аллақачон ҳамма ёқни анвойи гуллар тутгандек...

Болалар ўзларини унутиб, юзларида ажиб табассум билан ўтиришарди.

– Қарагини-а, Холисхон қизим! Бир дона чечак билан ҳаммамизни жуда хурсанд қилдинг-а! Гул нақадар яхши нарса!

Муаллимасига қараб турар экан, Холисхон биринчи баҳор чечакни олиб келган шу кун ҳеч қачон эсидан чиқмаслигини хоҳларди. Нима қилса экан-а?

У муаллимасининг ҳаяжонли юзига тикилар экан, хаёлига келган фикрдан ўзи ҳам қувониб кетди. Топди! У энди ҳар йили илк очилган бойчечакни муаллимасига албатта совға қилади! Кўп-кўп йиллар кейин ўзи ҳам мана шу муаллима опасидай катта ёшли бўлганида ҳар баҳор биринчи муаллимасини кўргани келиб туради!

– Бувижон, менинг биринчи муаллимам ким бўлади? – сўрайди Севинч, мен Холисхон ҳақидаги ҳикояни тугатганимда.

– Бизнинг ҳам биринчи муаллимамиз жуда ажойиб аёллар! Мен ҳам уларни ҳеч қачон унутмайман, – дейди Ойзода.

– Мен ҳали танимасам ҳам, биринчи устозимизни жуда яхши кўриб кетяпман! – дейди Севинч ҳажжон билан.

ФАРИШТАЛИ ҚИЗЛАР

Гулгун устозининг дабдурустдан айтган гапларига ҳайрон бўлди:

– Қизлар, ҳали Гулбаҳор йўлакда менга «Нега айрим қизларни фариштали қизлар, деб аташади? Фариштали қизлар қандай бўлади?» деган савол берди. Эртага қизлар билан алоҳида ўтиладиган одобнома соатимизга мен сизнинг номингиздан Гулгуннинг бувиларини таклиф қилиб, у кишидан шу мавзуда суҳбат ўтказишларини илтимос қилмоқчиман. Нима дейсизлар?

– Жуда яхши! Биз уларни жуда яхши таниймиз, – дейишди қизлар

Ҳақиқатдан ҳам бу кичкина шаҳарчада Гулгуннинг бувисини танимайдиган одам бўлмаса керак. У киши салкам ярим аср шу шаҳарчада шифокор бўлиб ишлаганлар.

Эртасига Гулгун бувисининг мактабга келиб дугоналари билан суҳбат ўтказганларидан жуда хурсанд бўлди. Шундай доно бувиси борлигидан ғурурланиб, дугоналари қаторида бувисининг ҳар бир сўзини жон қулоғи билан эшитиб ўтирди.

– Фариштали қизлар деб озода, ораста, оқила, ҳаёли ва иболи, одобли қизларга нисбатан айтилади, – деб сўз бошладилар Гулгуннинг бувилари. – Қиз-

ларимиз азалдан орасталик, озодалик, саришталик рамзию ҳомили бўлиб келганлар. Ёшликнинг ўзи – гўзаллик. Ёшликнинг ўзи – саломатлик. Бу ҳақида сиз катта ёшдагилар – бувиларингиз, ойингиз, опаларингиздан доим эшитиб келгансиз, албатта. Улар сизга ана шу даврни, яъни ёшлик даврини қадрлаш ҳақида ҳам кўп гапиришади-а? Нега? Келинлар, шу ҳақида яна бир гаплашиб олайлик.

Сиз ҳозир ўша «фаришгадеккина қиз» сифати берила бошланадиган фасл остонасида турибсиз, болажонларим. Аммо бу сифат худди мактабни битираётганингизда бериладиган гувоҳномалардек ҳаммангизга баробар берилмаслиги ҳам мумкин. Чунки ҳаммангиз ҳам бу фаслнинг, яъни ёшлигинингнинг ўзи, саломатлигинингнинг ўзи катта бойлигининг эканини ҳали тўлиқ англаб ета олмайсиз. Сиз ҳадемай баловатнинг, улғайишнинг кейинги босқичига ўтасиз. Ана шунда ҳаётингиз тарзи, хулқ-атворингиз, дунёқарашингиз бир маромга тушиб олади. Ана ўшанда, ишонинг, олам кўзингизга катталар айтганидек мунаввар кўрина бошлайди. Ҳозир эса...

Ҳозир эса соат сайин ўсаётган бўйингиз, айниқса, ўзингизга беўхшов кўринади, чўпдек оёқ-қўларингизни, тароққа бўйсунмаётган сочларингизни, сизнинг ихтиёрингизсиз бодраб чиқаётган хуснбузарларни қайга яширишни билмайсиз-а? Тўғри, сизга қийин. Жуда қийин. Лекин айна пайтда ана шу «қулоқсиз» вужудингизга ҳам парвариш керак. Жудаям керак. Қолаверса, ўз ташқи кўринишингизга эътиборингиз кун сайин ошиб боряпти. Бу эътиборни, яъни танангизни парвариш қилишни тўғри йўналтириш керак. Бунда биринчи маслаҳатчингиз онангиз, опангиз, бувингиз бўлишсин, хўпми, она қизларим!

Рангингизнинг тиниқлиги, терингизнинг силиқлиги, зулфингизнинг қоралиги – ёшлигингиз,

соғломлигингиз белгиси. Уларнинг узоқ вақтгача шундай бўлиб қолишини жуда истайсиз-а? Шуни астойдил истасангиз, кунда эрталаб барвақт туриб, ишни эрталабки бадантарбиядан бошланг. Машқларни тоза ҳавода бажарганингиз маъқул.

Мунтазам бажариладиган баданнинг бундай парвариш-тарбияси, биз уни «гимнастика» деб атаймиз, сизга бутун беўхшов бўлиб кўринаётган гавдангизни расолайди, мушакларингизни тўғри шакл олдиради, бўғинлар фаолиятини, баданда қон айланишини яхшилади. Ўпкаларингиз кенгайиб, овқатингиз ҳазм бўлади. Кун сайин, ҳафта сайин, ой сайин кайфиятингиз яхшиланиб боради. Мунтазам бадантарбия қилиш оқибатида сиз қўлоёқларингизни ўзингизга бўйсундирибгина қолмай, тобора иродали, мақсадли, саботли, бошқаларга меҳрли-мурувватли бўла борасиз. Бу фазилатлар келажак ҳаётингизда сизга жуда зарур бўлади.

Тозалик – сиҳат-саломатликнинг энг бирламчи шарти эканини биласиз. Озодалик, орасталик, покизаликни бир умр ўзингизга ҳамроҳ қилсангиз, ишонинг, вақти келиб «фаришталиккина қиз экан» деганларини, албатта, эшитасиз. Негаки ҳеч бир нарса инсонга озодалик, орасталик, покизалик каби ишонч ва руҳий мувозанат бахш эта олмайди.

Парчаю кимхоблардан либос кийиб, зеб-зийнатлар тақиб бир даврала кирсангиз-у, биринчи табассумингизда тишларингизнинг сариғи кўринса, кишиларнинг сиз ҳақингиздаги фикри ўзгаради. Тўғрими? Бундан сизнинг руҳий мувозанатингиз ўзгаради. Аниқроғи – кайфиятингиз бузилади. Энг кейинги модада кийинсангиз-у, сочларингизни тармаган бўлсангиз, ҳеч қачон сизни ораста қиз деб аташмайди. Бундан сизнинг руҳий мувозанатингиз бузилади. Ўзингизни қайга яширишни билмай қоласиз, орзу қилганингиздек, даврада ҳамманинг



Ўзингизга меҳр билан боқишига эриша олмайсиз, хиром айлаб юра олмайсиз...

Янги кийимлар, чиройли ва қиммат либослар кир баданни яшира олмайди-да! Худди шунга ўхшаб, ювилмаган юзингизга қанча оро бериб, усталик билан қанча пардоз қилманг, терингизнинг тоза эмаслиги билиниб тураверади.

Сездингизми, орсталик аввало сизнинг ўзингизга керак. Инсон ўз баданини биров учун тоза тутуди, дейиш кулгили туюлади. Бу аввало фақат сизга керак.

Ўз хонангизнинг, алоҳида хонангиз бўлма-са, ўқув анжомларингиз турадиган бурчакнинг, ётиб-турадиган жойингизнинг, ички кийимларингизнинг тозаллиги ҳам сизнинг нечоғлик орсталигингизни кўрсатувчи мезонлардир. Уларни бировлар кўрмайди-ку дейсизми? Ўзингиз кўрасиз! Уларнинг бундай аҳволи ҳам сизга сезилмаган ҳолда кайфиятингизга, руҳиятингизга, ҳатто қадам ташлашингизга ҳам таъсир қилади.

Китоб-дафтарингиз, папка, ҳатто ручка ва қаламларингизнинг аҳволи ҳам сизнинг қандай қиз эканингизни намоён этади. Пайпоқларингиз, оёқ кийимларингизнинг ҳам жуда тоза бўлиши кераклиги ҳақида-ку гапирмасак ҳам бўлади.

Буларнинг ҳаммаси ҳақида уйда ойингиз, опангиз ҳам кўп гапирадилар. Улар сўзини, талабларини майда-чуйдага ўчакиш деб қабул қилманг. Улар ҳозирги айрим камчиликларингизни айтиб ўтиш билан сариштасизлик, орстасизлик, палапартишлик кейин сизнинг ҳаёт тарзингизга айланиб қолишидан қўрқадилар.

Оналар ҳамиша ўз қизлари ҳақида «фаришталиккина қиз экан!» деган сифатни эшитишни истайдилар. Сиз ҳамиша шу сифатга лойиқ бўлишга интилинг!

– Бувижон, Гулгуннинг бувилари ҳам қизларга сизнинг доим бизга айтадиган гапларингизни айтибдилар-а. Ҳаммамизнинг бувиларимиз биз – қизларнинг фариштали бўлишимизни жуда исташар экан! Энди биз ҳам бу гапларни ҳеч эсимиздан чиқармаймиз! – Ойзоданинг нияти шундай бўлди. Севинч ҳам унга қўшилди. Дарров сочилиб ётган ўйинчоқларини тартибга келтиришга киришди.

ТАҚЛИД

Нодира мактабдан келганидан кейин дадасининг ишдан қайтишини сабрсизлик билан кута бошлади. Дадаси – олим. Катта институтда дарс беради. Дадаси Нодиранинг ҳамма саволларига доим тўлиқ жавоб бера олади. Фикрини ҳамиша мисоллар билан асослайди. Қанийди бугунги баҳсни унинг ўрнига эртага дадаси яқунлаб берса! Лекин қўнғироқ чалинганда ҳам ҳали тугамаган тортишувга муаллимаси кутилмаган таклиф билан нуқта қўйди:

– Тақлид ҳақидаги бугунги баҳсимизни эртага яқунлаб беришни Нодирадан илтимос қиламиз! Бугун у баҳсда фаол қатнашмади, кўпроқ қулоқ солиб ўтирди. Демак, ҳамма айтилган фикрларни жамлаб, умумий хулоса чиқаради, сизлар билан беш-ўн дақиқали суҳбат ўтказди. Шундайми, Нодира?

Нодира ўрнидан туриб, «Хўп бўлади, устоз!» деди. Аммо ўзининг тинчи йўқолди. Қандай қилиб яқун ясайди? Баҳсда тарафлар иккига бўлиниб қолди. Бировлар тақлид – яхши, тақлид қилиш айб эмас деса, бошқалар ожиз одамлар бировга тақлид қилади, бора-бора ўша тақлид қилаётган одамига сингишиб кетиб, ўз шахсини, ўзлагини йўқотиб қўяди, дейишди. Нодирага иккала томон фикри-



да ҳам жон борга ўхшаб кўринди. Шунинг учун ҳам баҳсга аралашмай, синфдошларининг сўзини диққат билан эшитиб ўтирган эди.

Нодира дадасидан бирон нарса сўраса, аввал китоблардан шу тушунчага таъриф қидириб топишни маслаҳат беради. Ҳозир ҳам дадаси ишдан келгунича луғатни кўриб, таърифни ёзиб олди: «Тақлид – иш, ҳаракатда, юриш-туришда, ижодда ўзгага эргашиш, ўхшаш ёки ўхшатиш ва унинг натижаси; ўхшатма».

Кечқурун дадаси билан шу мавзуда суҳбатлашиб яна кўп нарсаларни билиб олди. Эртасига бир оз ҳаяжонланиб бўлса ҳам, билганларини ўртоқларига гапириб берди.

– Кеча устоз топшириқларини бажариш учун дадамлар билан гаплашдим, оиламиз кутубхонасидаги китобларни кўрдим. Тақлид... Бошқаларга эргашиш, кимгадир ўхшашга ҳаракат қилиш, тақлид қилиш асосан ёшларга хос бўлган хусусият экан, – деди у суҳбат бошида. – Чунки айнан ёшлик даврида инсон кўпроқ олижаноб мақсадларни, мардлик, эзгулик, яхши эътиқодни ўзида мужассамлантирган кишиларга муҳтож бўлади. Ана шундай идеал кишиларга ўхшагиси келади, уларга тақлид қилади. Бу ёшликдаги табиий ҳол.

Болаликда ҳаммамиз ҳам ота-онамизга ўхшагимиз келади. Зўр бериб шунга интиламиз ҳам. Чунки болалик оламимизда улар биз учун идеал. Катта бўла борганимиз сари биз танийдиган кишилар: дўстлар, устозлар, танишлар, жамоалар давраси ҳам кенгайиб боради. Шу билан бирга, биз ўхшашни истаган кишиларнинг хислат-фазилатлари доираси ҳам кенгайиб боради. Ҳеч ким бир-бирига айнан ўхшамайди, ҳеч ким бир-бирини айнан қайтармайди. Ҳар ким ўзича бир оламлигини ҳам тушуна борамиз. Бу

бизнинг кўнглимиз, қалбимиз, онгимиз, дунёқарашимиз, эҳтиёжимиз ҳам ўсиб бораётганидан, ўзлимиз илдири олиб, ниш ураётганидан далолат.

Шу ўсиш жараёнига эътибор бериб, чуқурроқ мушоҳада қилсангиз, биздаги бу ўсишда биз эргашгимиз келган, ўхшашни истаган, тақлид қилган кишиларнинг ҳам хизмати катталигини пайқайсиз. Чунки биз улардан яхши фазилатларни юқтириб, шунинг ҳисобига бойиб борамиз-да! Шунинг учун ҳам синфдошларимизнинг кўпи кеча «Тақлиднинг ҳеч бир ёмон томони йўқ», деганларида, албатта, ҳақ эдилар. Чунки бу – соғлом тақлид.

Халқ ичида «Яхшига эргашсанг – етарсан мурадга», «Шогирд устоздан ўтибди» деган гаплар бор. Бу гаплар инсоннинг бошқаларга ҳавас қилиб, эргашиб, ўзини бойитиб, ўзлигини топиб олган, камолотини намоен қилганда айтилади. Бу – соғлом тақлиднинг яхши меваси.

Кеча баҳсда айрим синфдошларимиз «Тақлид – руҳий ожизлик, у тақлид қилувчини тақлид қилинаётган одам билан сингиштириб юборади», дейишди. Ўйлаб қаралса, улар ҳам ҳақ. Нега?

Чунки одам бошқа бир одамнинг яхши фазилатлари, малакаси, билими, истеъдодига ҳавас қилса, унга ўхшагиси келса-ю, бироқ шу кўрган, билганлари ҳаваси келишидан нарига ўтмаса, яъни ўзи ўсмаса, камол топмаса, бу одам нари борса, ўзи тақлид қилаётган кишининг қай бир хислатларига ўзининг қай бир хислатлари билан сал ўхшаб қолиши мумкин холос. У ўзининг асл томонини, ўзлигини намоен этолмагани учун ҳам ўша тақлид қилаётган одамига сингишиб кетгани бўлади.

Кишининг ўзлигини бўғадиган яна бир хил тақлидлар ҳам бор. Буни айрим синфдош дугоналаримизда кузатса бўлади. Масалан, саҳнада машҳур хонанда аёл чиройли қўшиқ айтяпти дейлик. Унинг

либоси кўпчиликнинг ҳавасини келтиради. Саҳна чироқлари, мусиқа, овоз, либос, қўшиқ сўзлари... ҳаммаси уйғунлашиб, яъни бир бўлиб, тамошабин руҳига яхши таъсир қиляпти. Мақсад ҳам аслида шу эди. Ана шу уйғунлик устида мутахассислар билан хонанда кўп изланган. Оқибат ўзлигини, истеъдодини кўрсатишга эришган.

Лекин кўп ўтмай, ўша хонанда кийиб саҳнага чиққан либосига ўхшаш либосда юрганларни, дарсга, ишга борган қизларни учратамиз. Уларга аста бундай башанг кийиниш ўқувчи қизларга ярашмаслигини, ҳар нарсанинг ўз ўрни борлигини айтсангиз, «Фалончи кийиб саҳнага чиқди-ку, менга нега мумкин эмас?!» деб эътироз билдиришади.

Ана шундай тақлид кишининг руҳий, ақлий ожизлигидан далолат беради.

Нодира шу сўзлар билан кечаги ва бугунги баҳсга яқун ясар экан, устозга қараб қўйди.

– Болажонлар, кеча баҳсимизни яқунлашни Нодирадан илтимос қилиб жуда тўғри қилган эканмиз. У уйда кўп тайёрланибди ўқиб-ўрганибди. Айрим китоблардан иқтибослар ҳам келтирди. Менга жуда маъқул келгани яна шуки, Нодира ўқиган китобларининг кўпи илмий китоблар. Лекин Нодира уларни ўзи тушунгандек, ҳаммамизга ҳам тушунарли қилиб айтиб берди. Китоблар инсон тафаккурини бойитишига мана ўзингиз ҳам яна бир марта шоҳид бўлдингиз. Ҳаммамиз Нодирага мазмунли суҳбати учун раҳмат айтамиз, – деди устоз Нодирадан мамнун бўлганини яширмай.

* * *

– Бувижон, мен ҳам тақлиднинг нималигини энди яхши тушуниб олдим! – деди Ойзода.

Ойзода бобоси берган китобни қўлидан қўйгиси келмайди. Китоби ҳам бир ажойиб. Бошқа китобларга ўхшамайди. Каттакон, салмоқли. Расмлари ҳам жуда кўп. Одатда, китобларни бир бошдан, саҳифама-саҳифа ўқиб борилади. Бу китобни эса бошидан ўқиш шарт эмас. Бу китоб ҳақида дугоналарига айтганида Камола роса ҳайрон бўлган эди:

– Қизиқ-ку! Бу қандай китоб эканки, уни охиридан ҳам, ўртасидан ҳам, бошидан ҳам ўқиб кетилаверса...

Бошида Ойзоданинг ўзи ҳам шундай ҳайрон бўлган эди. Ҳозир эса бу китобдан қандай фойдаланишни билади. Ўзига керак жойини очиб маза қилиб ўқийди. Расмларини узоқ томоша қилади.

Аслида бувасининг бу китобни унга совға қилишига Ойзоданинг тинмай савол беравериши сабаб бўлган эди. Савол бермай эса ҳеч иложи йўқ. Атрофга назар ташласанг, теварак-атрофда қанча қизиқ нарсалар бор. Деразадан ер ҳам, осмон ҳам кўриниб турибди. Ер нима? Осмон нима? Эшиқдан ташқарига чиқсанг, эътиборингни яна ҳам кўпроқ нарсалар тортади. Одамлар кетяпти... Кимдир гутурт қутисидан сал каттароқ телефонни қулоғига тутиб ким биландир гаплашиб кетяпти... Хиёбондаги гулларга турли-туман капалаклар келиб қўняпти... Ернинг сунъий йўлдоши парвоз қилмоқда... Қушлар гир айланиб учмоқда... Уйлар қад кўтармоқда... Баъзида юрагинг ураётганини ҳам эшитиб қоласан... Радионинг кўринмас тўлқинлари таралмоқда...

Буларнинг ҳаммасини билгинг келади-да! Ана шулар ҳақида Ойзода бувасига, ўзидан катталарнинг ҳаммасига саволларини қалаштириб бераверди: Ким? Нима? Қаерда? Қачон? Нима учун?

Бир куни буваси мана шу китобни олиб келиб унга совға қилар экан деди:

– Албатта, одам дунёдаги ҳамма нарсани билиши қийин. Лекин инсоннинг қизиқиши ҳамиша катта. Сен ҳам ёшинг катта бўла боргани сари кўплаб яхши китобларни ўқийсан. Муסיқа ва радио эшиттиришларни тинглайсан, кинотеатр, телевизор, кичкинагина юпқа дискдаги фильмларни томоша қиласан. Турли одамлар билан суҳбатлашганингда улардан анча-мунча ахборот оласан, яъни кўп нарсани ўрганасан. Аста-секин билиминг, дунёқарашинг, тафаккуринг ўсиб, бутун бераётган саволларингнинг кўпига ўзинг жавоб бера оладиган бўласан. Катталарнинг «ЭНЦИКЛОПЕДИЯ» деб аталувчи китоблари бўлади. Сен уларни кутубхонамизда кўргансан. Бирор нарсани билиш, текшириш керак бўлиб қолганда, улар энциклопедияни ўқийдилар. «Болалар энциклопедияси»ни эса болаларга атаб чиқаришибди. Бу китобларинг ичидаги энг билимдон китобдир. Ҳозирча сен ундан ўзингни қизиқтирган кўплаб муҳим саволларингга жавоб олишинг мумкин. Сен яхшиси ушбу китобнинг «Э» ҳарфида жойлашган «Энциклопедия» сўзини топиб, диққат билан ўқиб чиққин. Шунда энциклопедиянинг нақадар билимдон китоб эканини билиб оласан ва албатта у билан ўртоқ бўлиб қоласан.

Дарҳақиқат, китобни варақлаб, Ойзода ундаги ҳамма мақолалар худди уларнинг синф журналида ўртоқларининг фамилияси жойлашгани каби алифбо тартибида берилганини билиб олди. Ҳар янги ҳарфга ўтилган саҳифада шу ҳарф билан бошланадиган мақолалар мундарижасини кўриб хурсанд бўлди. Ўзини қизиқтираётган мақолаларни тез топиб олишни буваси билан қайта-қайта машқ қилиб кўрди.



– Ана, китобдан қандай фойдаланишни ҳам яхши билиб олдинг. Энди «Энциклопедия» мақоласини топиб бер-чи, – деди Ойзоданинг буvasи.

– Хўп бўлади! – деди Ойзода ва «Э» ҳарфи бошланадиган бетни ахтара бошлади. – Мана, буважон, мундарижаси 137- бетда экан. «Энциклопедия» китобимизда «Эман» сўзидан кейин, «Эрон» сўзидан олдин берилган экан. Мана «Энциклопедия» мақоласини ҳам топиб олдик. У 146-бетда экан. Ия буважон, мақола худди эртакка ўхшаб «Бир бор экан, бир йўқ экан, жуда қадим замонда бир подшо яшаган экан...» деб бошланибди! Нима, «Энциклопедия» ҳам эртакми?

– Йўқ, она қизим, «энциклопедия» юнонча «билимлар доираси» дегани бўлиб, илмлар мажмуи маъносини билдиради. Мақола бошида эса энциклопедиянинг қандай дунёга келгани ҳақида ривоят берилибди. Сен уни ўқиб, дугоналарингга гапириб берсанг яхши бўларди.

Буvasининг айтганини қилиб, Ойзода ривоятни диққат билан ўқий бошлади:

«Бир бор экан, бир йўқ экан, жуда қадим замонда бир подшо яшаган экан. У ўз давлатининг куч-қудрати ёки хазинасининг бойлиги билан эмас, балки ҳамма нарсани билишга хоҳиши кучли эканлиги билан дунёга донг таратган экан. Унинг саройидаги кутубхонани жамики янги китоблар билан тўлдириб туришар, подшо ўқигани ўқиган экан. Кунлар ўтиб у кексайиб қолгач, ҳали ўқийдиган китоблари ниҳоятда кўплигини, буларни ўқиб улгуришга кучи ҳам, умри ҳам етмаслигини сезибди, шунда у донишмандларни чақириб, китоблар оламидаги илмларни саралаб тўплаб беришларига фармон берибди.

Донишмандлар йиғилишиб узоқ баҳслашибди: униси бун муҳим деса, бошқаси кейингисини муҳим деб айтибди. Хуллас, сараланган китоб-

лар сарой кутубхонасидаги китоблардан кўпайса кўпайибдики, асло кам бўлмабди. Бу китобларни кўриб подшо шундай дебди:

– Буларнинг орасидан яна энг муҳимларини сараланг. Шундай саралангки, улар ҳув анави хонага сифсин. – Подшо мўъжазгина бир хонани кўрсатибди. – Чунки ўшаларни ўқишга умрим етса ҳам катта гап.

Донишмандлар шундай қилишибди: китобларни ўқиб-ўқиб муҳимлари ичидан муҳимларини ажратиб олаверишибди. Орадан йиллар ўтибди, ниҳоят топшириқни бажаришибди. Бироқ бу пайтга келиб, подшо яна ҳам кексайиб қолибди. Сараланган китобларга қараб донишмандларга дебди:

– Умрим охираб қолди. Илмларни яна сараланг-да, битта китобга жо қилинг, токи ўқиб улгурай.

Донишмандлар ишга киришиб кетишибди. Кунлар кетидан кунлар ўтаверибди, бироқ подшо буюрган китоб ҳадеганда тайёр бўлавермабди. Ахир ҳамма илмларни битта китобга жойлаштиришнинг ўзи бўладими!

Хулласи калом, подшо мункиллаб, кўзлари хира тортиб, зўрға юрадиган бир ҳолатга келиб қолганида у кутган илмлар китоби тайёр бўлибди. Уни «Энциклопедия» деб аташибди. Қанийди подшо уни ўқий олса. Донишмандлардан бири уни ўқиб берса ҳам умри етишига кўзи етмабди. Шунинг учун подшо энг улуғ донишмандни чақириб, ҳамма илмларни битта жумлада ифодалаб беришни сўрабди.

Донишманд узоқ ўйлабди. Ниҳоят шундай дебди:

– Эй, подшоҳи олам, инсон билиши лозим бўлган битта илм бор, у ҳам бўлса «олам бепоён ва мураккаб».

– Ҳар бир ривоятда маълум бир ҳақиқат бўлганидек, юқоридаги ҳикояда ҳам ҳақиқат бор: илмлар олами ниҳоятда бепоён ва мураккаб – уни ўрганишга бир одамнинг умри етмайди, оппоқ қизим, – дедилар буваси. – Бу билимлар китобларга жамланган. Китоб билан дўстлашган кишининг



билимлари тобора кўпайиб боради. Шунинг учун ҳам кўлингдагига ўхшаган энциклопедик китобларни одамлар катта ҳурмат билан «билимдон китоблар», «ақл чироғи» деб аташади.

– Бу менинг энг билимдон китобим! Қаранг, додажон, дилимда қандай савол пайдо бўлса, сиз совға қилган китоб ҳаммасига жавоб топиб бера оларкан! – деди қувониб Ойзода ва шундай ажойиб китоб совға қилгани учун бобосига раҳмат айтди.

«МЕН БУВИМНИНГ ҚИЗИМАН...»

Шукрия иншо ёзмоқчи бўлган дафтарига шундай сарлавҳа қўйди-ю, яна ўйлаб қолди: эркин мавзудаги иншони бувиси ҳақида ёзса бўлармикин? Бувисини кўз олдига келтирди-ю, меҳри товланиб кетди. Албатта, ёзиш керак деган қарорга келди.

Шукрия уйда икки акасидан кейин биттагина қиз. Унинг исмини бувиси қўйган эканлар. Уларнинг ёшлари орасидаги фарқ қарийб ярим аср бўлса ҳам, улар жуда аҳил дугоналарга ўхшашади. Шуларни ўйлар экан, Шукрия енгил табассум билан дафттарини очиб, ёза бошлади:

«Болалигимдан уйимизга меҳмонлар келишганда мендан доим сўрашарди:

– Қани айт-чи, сен кимнинг қизисан?

– Мен бувимнинг қизлариман! – деб жавоб берардим гурур билан.

Яна мени синаш учун қизиқ савол беришарди:

– Уйда ҳаммадан кўра кўпроқ кимни яхши кўрасан?

– Бувимларни! – дердим ҳеч иккиланмасдан.

Чунки бувимлар билан болалигимиздан жуда қалин ўртоқмиз. Ҳозир ҳам кунда мактабдан қайтганимда уйда мени бувижоним кутиб турган бўладилар. Тезда кийимларимни уй кийимларимга

алмаштириб чиқиб, қўлимни совунлаб юваман. Биринчи синфга чиққанимдаёқ, бувижоним қизлар жуда саришта, озода бўлишлари кераклигини тайинлаганлар. Кичкинализимда бувижон хонамга бирга кириб, ўқув жилдимни бир чеккага қўйиш кераклигини, кийимларимни илгичга текис илишни, қўлни тозалаб ювиб, овқатга ўтириш кераклигини ўргатганлар. Энди бувижоним буларни кунда қайтармайдилар, чунки бу ишлар мен учун аллақачон одатга айланиб қолган.

Бувимлар билан бирга овқатланишни жуда ёқтираман. Икковимиз тенгдошлардек суҳбатлашиб ўтирамиз.

– Эрталаб барвақт туриб бажарилган ишлар жуда баракали бўлади, – дейдилар бувижоним. – Унумли иши учун кишилар доим яхши дуо эшитадилар. Дуо олганларнинг юзи фариштали бўлади...

Шундай вақтларда бувим ўзларининг ёш вақтлари ҳақида ҳам гапириб берадилар. Оилада опа-сингиллар қатор ўрин солиб, битта кўрпа ёпишиб ётишар экан. Эрталаб бирлари мактабга кийиб борган этикни улар қайтгандан сўнг, тушдан кейин ўқийдиганлар кийиб боришаркан. Дарсга кечикишса, ундайларни ўқитувчилари ҳам уришмас эканлар. Чунки аҳволни яхши билишар экан...

Мактабга янги чиққан кезларимда бувим дастурхонга қўйиладиган ноз-неъматларнинг барини ўзлари олиб келардилар. Кейинчалик мен уларга ёрдамлаша бошладим. Шундай қилиб, дастурхон тузашни ўрганиб олдим. Энди ҳар кун эрталаб ойимларга нонушта тайёрлашда ҳам ёрдам берман. Бу ишларим дадам билан бобомга жуда маъқул келиб, улар мени мақташади.

– Ана, бизнинг Шукриямиз ҳам энди катта қиз, бувиси ва ойисининг ёрдамчиси бўлиб қолди. Илоҳо, бахтли бўлгин! – дуо қиладилар бобом.

Дарсимни тайёрлаганимдан сўнги, дадам ва ойим келгунларича бувим билан уйларни бир сидра йиғиштираемиз. Кечки овқатни ҳам бирга тайёрлаймиз. Бувим пиширган таомлар доим жуда ширин бўлади. Аммо кечқурун ҳамма йиғилганида улар албатта:

– Невара қизимнинг қўли жуда ширин-да! – деб мақтаб қўядилар.

Ҳар кун шу ҳол такрорланади. Кўпинча бувимлардан:

– Сиз фақат нима қилиш кераклигини айтиб турунг, ҳаммасини ўзим бажараман, – деб илтимос қиламан.

Чунки улардан кўп таомларни пиширишни ўрганиб олганман.

– Идрокнинг яхши экан, зўр пазанда бўласан! – дейдилар бувим, – қизларга бу жуда керак.

Бувижоним мен катта бўлганимда ойимларга ўхшаган болалар шифокори – педиатр бўлишимни орзу қиладилар.

– Кўпга сидқидилдан хизмат қилган одам кўпнинг дуосида юради, – дейдилар бувим ва ойимларни кўп дуо қиладилар.

Бувижоним узоқ йиллар боғчада тарбиячи бўлиб ишлаганлар. Болаларни жуда яхши тушунадилар. Қутиларида «Меҳнат шухрати» ордени ҳам бор.

– Шукрия эркин мавзуда ёзиб берган иншоси учун аъло баҳо олибди, – деб ҳикоямни тугатдим мен. – Устози унинг бувиси ҳақида меҳр билан ёзганларини олтинчи синф ўқувчиларига ўқиб берибди. Шукриянинг буви-бобосини, ота-онасини севиши ва қандай иззат қилишини ҳаммага ибрат қилиб кўрсатибди.



– Бувижон, мен Шукрия опамларга ўхшаган қиз бўламан, – деди Севинч.

– Бунинг учун бувимларнинг ҳамма айтганларини қилишинг керак. Шунда улар жуда кўп нарсга ўргатадилар.

Бу Ойзоданинг мулоҳазали гапи эди.

ОПА ВА УКА

Саодат эрталаб мактабга отланаётганида укаси Сардорнинг ундан аввал шошиб чиқиб кетаётганига ҳайрон бўлди.

– Шошмай тур, мактабга доимгидек бирга кетамиз, – деди Саодат.

– Нима, мен доим опасининг этагини ушлаб юрадиган ёш боламанми? – деди Сардор ва папкасини елкасига осиб, тез чиқиб кетди.

Бироз туриб Саодат мактаб йўлидаги иккинчи муъолишда Сардорнинг бир йўталиб, бир ўхчиб турганини кўриб, югуриб олдига борди.

– Вой, нима бўлди сенга?

– Бошим айланиб кетяпти, – деди Сардор секин.

Шу пайт Сардорнинг ёқаси остидан тутун чиқа бошлади. Сонини нимадир жазиллатиб чақди.


Саодат куйинди ҳидидан огоҳ тортиб, укасининг чўнтагига қўлини тикқан эди, қўли иссиқ нарсага тегди. Шошиб чўнтак астарини ағдарди, сигаретани улоқтириб, чўнтакнинг куйган жойларини шилиб ташлади.

Сардор индамай бошини эгиб турарди.

– Шунинг учун барвақт чиқиб кетганмидинг? – сўради норози оҳангда Саодат.

– Йўқ, опа, бу биринчи марта... – деди Сардор. Унинг боши яна айланиб кетди шекилли, гандирак-лаб деворни ушлаб қолди.

У эрталаб мактабга кетаётганида ўзидан олдин ишга шошиб кетаётган кишининг тамакини улоқти-



риб юборганини кўрди. Тамаки донаси яримлаб қолган, чўғи қизариб турарди. Сардор у кишининг нари кетишини пойлаб турди-да, атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, дарҳол тамакини ердан олди. Мана энди у ҳам маза қиладиган бўлди. Кеча ўртоғи Султондан бир торттиришни сўраганида у бермаган бу эса Сардорга алам қилганди.

Сардор уйнинг муюлишига ўтиб, шошиб тамакини лабига қистирди. У аввал ҳеч тамаки чекмаган эди. Биринчи бор тамаки тутуни ичига кирганида беихтиёр қаттиқ қалқиб кетди. Кейин роса йўталди. Тамакини лабидан олган бўлса ҳам, кўзларидан ёш оқиб кетди. Аммо сигаретани ташлаб юборгиси келмади.

Сал тинчигандан кейин Сардор яна тамакини лабига олди, яна тутунини ичига тортди. Бу гал қаттиқроқ тортиб юбордим, ўхчиб кетди. Кўз олди қоронғилашиб, боши айланди. Деворни маҳкам ушламаса, йиқилиб тушарди.

Шу пайт кимдир унинг елкасидан тутди. Опаси экан. Сардор шошиб Саодат опаси сигаретани кўрмасин деб, уни чўнтагига яширди. Ёқаси орасидан тутун чиқиб, куйинди ҳидидан огоҳ тортган Саодат укаси чўнтагидан тамакини олмаса, кийими ёниб кетар экан. Балки ўзи ҳам куярмиди...

Сардор уялганидан бошини эгиб индамай турар эди. Кўнгли беҳузур бўлди шекилли:

– Бошим... Бошим айланиб кетяпти, опа... – деди беҳол.

– Юр, уйга олиб бораман... – деди Саодат.

– Йўқ, ойим ва дадам билиб қолишса...

– Агар иккинчи бу ишни қайтармайман деб сўз берсанг ва ўз сўзингда турсанг, ҳеч кимга айтмайман. Ахир мен опангман-ку, укамнинг ёмон иш учун уялиб қолишини истамайман, албатта.



Сардорнинг назарида опаси ундан фақат икки ёшгина фарқ қилса ҳам, ойисига жуда ўхшаб кетди. Ойиси эса доим ўз сўзида туради.

Уйга қайтмаса бўлмасди.

– Укам бехосдан йиқилиб, шимини симга тилиб олибди. Ҳозир кийимини алмаштириб, иккинчи соатга етиб борамиз, – деб тушунтирди Саодат бувисига.

Опаси Сардорга бир пиёла қатиқ ичирди. Кийимларини алмаштириб, бир оз ётиб туришни таъинлади. Ўзи эса укасининг кийимларини ваннахонага олиб кириб тез-тез чайиб, ташқарига ёйиб қўйди.

Улар мактабга келишганида мактаб шифокори ҳовлида болалар билан суҳбат ўтказаятган экан:

– Болалар, кеча ўртоғингиз Султоннинг мазаси бўлмай қолибди. Касалхонадан телефон қилишиб, унинг никотиндан заҳарланганини айтишди...

Саодат ялт этиб Сардорга қаради. У бошини эгиб турарди.

– Болалар, чекиш инсон саломатлиги учун зарарли эканини сиз жуда яхши биласиз, – сўзида давом этди мактаб шифокори. – Биринчи навбатда чекиш инсон иродасини заифлаштиради. Киши ўзи билмаган ҳолда тамакига боғланиб қолади, ақли заиф бўлади, чекмаса иши юришмаётгандек, зехни пасайиб, идроки ўтмаслашиб қолгандек туюлаверади. Озгина никотиннинг қудрати катта отни ўлдиришга етади, дейди олимлар. Одамнинг эса жуда тез фурсатда нафас олиш аъзолари ишдан чиқади, тиши сарғаяди. Ўпкаси чиқиб бошлайди, сил касалига йўлиқиши ҳам мумкин. Чекувчининг хотираси чекмайдиганларга нисбатан заифроқ бўлиши, кўзининг тез хира тортиши ҳақида врачлар кўп гапиришади. Шунинг учун бу ёмон одатга ўрганмаслик



керак. Ўртоғингиз Султоннинг аянчли аҳволидан тўғри хулоса чиқаринг. Сизларга ибрат бўлсин...

Сардор бошини кўтариб, атрофига назар ташлашдан ҳам ҳайиқарди. Унинг назарида ҳамма болалар унга қараб туришгандек. Ҳозир мактаб шифокори унинг ҳам исмини айтиб чақиритишдан чўчиб тутарди. Ҳартутур уни тилга олишмади. Синфга киришаётганида опасига кўзи тушган эди, яқинроқ келди ва секин:

– Опа, мен энди ҳеч қачон тамакини қўлимга ҳам олмайман! – деди.

– Сенга ишонаман, – деди опаси ва сўзининг самимийлигини кўрсатиш учун оҳиста укасининг бошини силаб қўйди.

* * *

– Уларга ҳавасим келяпти, опа-ука жуда аҳил эканлар, – деди Севинч қизим нималарнидир ўйлаб, Саодат ва Сардор ҳақидаги ҳикояни тугатганимда. – Мен ҳам укам Бунёдга меҳрибон опа бўлишга ҳаракат қиламан!

ЖАМОА ҚУДРАТИ

Эшик очилиши билан **КАМОЛ**нинг қувноқ овози эшитилди:

– Мен ҳозироқ буни бувимлардан сўраб, билиб оламан. Хоҳласангиз, бизникига юринглар, сизлар ҳам билиб оласизлар.

Салом бериб, беш-олти қиз ҳовлига кириб келишди.

– Ассалому алайкум, бувижон! Бувижон, айтинг-чи, одамларни бир-бирига боғлаб бўладими?

– Вой, она қизларим, у нима деганингиз? Тушунтириброқ гапиринглар.

– Бугун охирги дарсимиз тарбиявий соат бўлди. Унда устозимиз «Бутун синф бир-бирингиз билан



махкам боғланиб иш кўрсангиз, жамоангизни ҳеч ким енга олмайди, мактабимиз спорт олимпиада-сида, албатта, биринчи ўринни эгаллайсизлар!» дедилар. Бувижон, биз қандай қилиб боғланамиз?

– Ҳа-а, шундай демайсизларми? Куни кеча телевизорда «Оталарнинг ҳикмати»ни кўрдинглар-а? Эсингиздами, бир одамнинг бир нечта ўғли бор экан. Аммо улар аҳил бўлмай, бир-бирлари билан кўп уришаверишар экан. Бундан ташвишга тушган болаларнинг отаси уларга ибрат бўлар деб, бир куни ҳар бирига биттадан бўйра чўп бериб, синдиришни буюрибди. Ўғиллари бир зумда бу юмушни уддалаб, «Шу ҳам иш эканми?» дегандек оталарига истеҳзо билан боқишибди. Шунда ота улар қўлига иккитадан бўйра чўп берибди. Ўғиллари уларни ҳам ҳеч қийналмай синдиришибди. Ота бир оз ўйланиб турибди-да, ўрнидан туриб тоқчадан ўрам қилиб боғланган бўйра чўпларни олиб, ўғилларига узатибди:

– Қани, полвонларим, энди мана буни ҳам синдириб беринглар-чи, – деб уларга синовчан назар ташлабди.

Йигитлар қанча уринишмасин, боғлам чўпларини синдира олишмабди...

– Бу ҳикматни ҳаммангиз ота-онангиздан ҳам эшитгансиз. Неча-неча авлодлар шу руҳда тарбияланиб, катта бўлишган. Устозингиз ҳам шуни назарда тутиб, бир-бирингизга маҳкам боғланиб, аҳил бўлсангизлар, жамоангизни ҳеч ким енга олмаслигини айтганлар, – дебдилар Камоланинг бувиси.

– Жамоанинг ўзи нима, бувижон? – деб сўради Камоланинг дугонаси Санобар.

– Жамоа ҳақида мактабнинг ўрта босқичига ўтганингизда дарсларингизда батафсил ўрганасиз ҳали. Мен ўзим тушунганимча айтиб кўрай-чи, болажонларим...

Камоланинг бувиси қулайроқ ўтириб, худди муаллим опаларига ўхшаб вазмин гап бошладилар:

– Қадим-қадим замонлардан бери одамлар ўз табиатларига кўра бир-бирларига яқинроқ бўлиб, бир шаҳарда, бир қишлоқда, бир маконда жамоа-жамоа бўлиб яшашга ҳаракат қилиб келишган. Бундан бошқа иложлари ҳам йўқ эди-да. Бу, биринчидан, уларнинг табиий офатлардан, масалан, сув тошқини, сел, ёнғин, қурғоқчиликлардан ўз вақтида муҳофаза этилишлари, омон қолишлари учун керак бўлган бўлса, иккинчидан, шу яшаб турган маконларининг ташқи босқинчи душманлардан муҳофаза этишлари учун керак бўлган. Табиий офатга қарши курашда ҳам, босқинчиларга қарши курашда ҳам доим ўзаро аҳил бўлганлар энгиб чиқишган.

– Бир жамоода ҳар хил кишилар бўлади, аҳил бўлиш анча қийин-ку?

Бу гапни айтган Камоланинг дугонаси Оқила эди. Оқила – синф сардори. У эртага бўладиган мусобақалар ва унда синфнинг олдинги ўринга чиқиши ҳақида кўп ташвиш чекарди.

– Жуда тўғри айтасан, Оқила қизим. Кўпчиликнинг бошини бир ёқадан чиқариш жуда мушкул иш. Чунки Ҳақ таоло ҳаммамизнинг миждозимизни ҳар турлук қилиб яратган. Шунга кўра ҳар кимнинг феъли, сизлар айтмоқчи, характери ҳам ҳар хил. Инсоннинг бошқа мавжудотлардан фарқи ҳам шундаки, жамоа бўлиб яшаш унинг ҳаётий заруратига айланган. Бу одамларнинг юқорида айтиб ўтганимиздек энгилмаслиги, муҳофазаси учун керак. Ҳаммамиз ҳам туғилганимиздан бошлаб ҳар хил жамоаларда яшаймиз. Масалан, оила бизнинг энг бирламчи жамоамиз ҳисобланади. Кейин боғча, мактаб... Мана синфингиз ҳам устозингиз айтмоқчи сизнинг ҳозирги босқичдаги жамоангиз. Шунини



эсингизда тутинг-ки, ҳар бир меҳнат жамоаси, ўқувчилар жамоаси, ҳатто вақтинча бирлашадиган кишилар гуруҳи – саёҳатчилар жамоаси аъзоларини ҳам бирлаштириб турадиган ўз тартиб-қоидалари бўлади. Ана шу тартиб-қоидалар, Оқила қизим айтмоқчи, ҳар хил характердаги кишиларни муайян тартибга тушириб, ёмонликдан, хатолардан асрайди. Ана шу яхши тартиб-қоидалар сизларни аҳил бўлишга, бир-бирингизни авайлашга, ҳурмат қилишга ундайди. Ҳар бир жамоа аъзоси бошқаларни астойдил ҳурмат қилиши керак. Бу унинг ўз жамоасига фидойилигининг белгиси. Лекин ўзимиздан ортиқ бошқаларни дейишимиз осон эмас. Аммо жамоанинг қудрати айнан шунда. Мустаҳкам занжир бир бўғинида узилса, занжирнинг қуввати, кучи кетганидек, жамоа аъзоларидан бирининг бирон жойда ўртоқларига нисбатан бўштоброқ келиши бутун жамоани ортга суради. Шу сабабдан ҳам устоз бир-бирингизга маҳкам боғланинглар, аҳил бўлинглар, бир-бирингизни қўлланглар деганлар.

* * *

– Камола опамнинг бувилари жуда тўғри айтибдилар, – дейди менинг ҳикоямни диққат билан эшитиб ўтирган Севинч. – Биз ҳам жуда аҳил бўлиб, боғчадаги мусобақада биринчиликни олдик. Энди Камола опамнинг синфлари ҳам мактаб олимпиадасида албатта ғолиб бўлишади.

ҚАЛБНИНГ ҚУВВАТ ОЛАР ЧАШМАСИ

СЕВАРА ўзининг биринчи мучал ёшида опаси Мавлуданинг совғасини ажабланиб қабул қилди. Опаси бир қарашда худди китобга ўхшайдиган чарм муқовали дафтар совға қилган эди-да. Ўқув



анжомлари ичида қалин ва юпқа дафтарлари кўп-у, аммо бундайи йўқ. Дафтар кўзига жуда са-лобатли кўриниб кетди. Ҳатто қайси фанга тутсам дуруст бўларкин, деб ўйлаб турганида опаси уни кучиб деди:

– Сингилжоним, биламан, сен китоб ўқишни яхши кўрасан. Ана шу ўқиган китобларингдан ўзингга ёққан, эслаб қолишни истаганинг яхши фикрларни шу дафтарга ёзиб бор. Улар сенинг қалбингни бойитиб боради.

– Опанг жуда яхши совға ўйлаб топибди, – деди дадаси ҳам. – Мана, масалан, ҳозир ҳамманинг кўлида уяли телефон бор. Ҳар тўрт-беш кунда унинг қуввати тугайди. Кунимиз унингсиз ўтмаслигидан хавотирланиб, биз дарров унинг батареясини қувват билан тўлдирамиз. Қалбимиз қувватини ҳам тўлдириб туриш кераклигини унутмаслигимиз керак, қизим. Чунки қувватсиз, маънавий бўш қалб билан эртанги кунимиз кемтик бўлади. Қалбнинг қувват олар чашмаси – китоб! Китобни уқиб ўқиш, мулоҳаза юритиб ўқиш, унинг қалбимизни нима билан бойитаётганини таҳлил қилиб ўқиш керак. Опанг айтганидек, яхши гапларни дафтарга ёзиб борсанг, турмушда уларга мурожаат қилганингда, улар сенга тўғри йўл кўрсатади...

– Опажон, сизнинг ҳам шундай дафтарингиз борми? – сўради Севара.

– Бор, сингилжоним. Уни менга ойимлар худди сен каби ўн икки ёшга тўлганимда совға қилган эдилар. Бу дафтар менга иншо ва реферат ёзаётганимда кўп ёрдам бергани учун сенинг ҳам шундай дафтаринг бўлишини хоҳладим-да.

– Менга ҳам бир кўрсатинг, нималар ёзиш кераклигини ўрганиб оламан.

– Майли, ўқиб кўр. Фақат ўз дафтарингга, ўзинг ўқиган китоблардан, ўзингга ёққан фикрларнигина кўчирасан, келишдикми?



– Шундай қиламан, – ваъда берди Севара ва опасининг дафтарини аста варақлай бошлади-ю, вақтнинг қандай ўтганини ҳам сезмай қолди.

** Инсон тани учун сиҳат-саломатлик қанчалик зарур бўлса, қалб учун эзгулик ҳам шунчалик муҳим.*

Лев Толстой.

** Китобни севинг, у мушкулнингизни осонлаштиради. Китоб сизга одамларни ва ўзингизни ҳурматлашни ўргатади... Китобни севинг – у билим манбаи...*

Максим Горький.

** ...Ҳаёт зиддиятлар билан олга боради.*

** Одобнинг боши – тил.*

Мақол.

** Ҳар бир одам аввало башариятга, кейин ўзига мансуб.*

Ибн Сино.

** Бўронни севмаса, дил нечун тепур?
Тириклик не керак бемеҳнат, бегам?!
Усмон Носир.*

Усмон Носир.

** Инсон тугилганида камолатли бўлиб тугилмайди, янги чақалоқларнинг орасида аслида фарқ ҳам бўлмайди, хулқи, фаолияти, ҳаёти ўхшаш бўлади. Булар кейинчалик ўзгаради, яъни жамиятда одамлар орасида ўса бошлаганидан кейин шаклланади... Инсон фаолиятининг адолатга яқинлиги ёки узоқлиги унинг хулқига, яшаган жамиятига боғлиқ. Агар унда ёмон фикрлар оз бўлса, адолатга яқин, агар кўп бўлса, адолат ва инсофдан узоқроқдир. Хулқ, албатта, инсон-*

нинг яши ёки ёмон хислатларининг нисбатиغا боғлиқ.

Абу Наср Форобий.

* Бугунги кун зиммасида эртанги кун ҳам бор.

Мақол

* Арпа жойига тушса – бугдой бўлади.

Мақол

* Камтар бўл, барчани этгил баҳраманд,
Сенинг ҳам мартабанг бўлгуси баланд.
Уруғ аралашиб аввал тупроққа,
Сўнгра бўй чўзади осмон фалакка.

Абдураҳмон Жомий

* Карам ва мурувват ато ва анодир,
Вафою ҳаё икки ҳамзод фарзанд.

Алишер Навоий

* Неча минг йиллардан бери инсон ИНСОН бў-
лишига интилиб келади.

Одобнома дарсида

* Молингни олишса – ўлмайсан. Аммо ҳақорат-
ланган қалбингни тиклашинг қийин.

Чингиз Айтматов

* Кўприкка чиқсанг, иккала қирғоқ бирлигини
кўрасан.

Хитой мақоли

* Ёлгон гапириш осон – ҳақиқатни топиш қийин.

Мақол

* «Илм толиблари шундай бўлиши керакки, улар ўзларини соф виждон ва аниқ онг билан, Оллоҳ мададига таянган ҳолда бутун заковатини бир жойга йиғиб, астойдил енг шимариб, кечалари чарчашига қарамай, қадам-бақадам илм чўққиларига кўтарилиб, ўзининг олижаноб мақсадига эришиши за-



рур; улар фандан воз кечмаслиги, ноҳақ туҳмат қилмаслиги, кўзи ожиз туядек фанда ўзларини у соҳадан бу соҳага бемақсад урмаслиги керак. Улар ҳар хил ёмон одатга ўрганмаслиги, ўз табиатини мунофиқлаштирмаслиги, бефойда баҳодан воз кечиши, ҳақиқат қатламларидан назарини олиб қочмаслиги, ҳақиқий нарсани сохтасидан, аниқ нарсани шубҳалигидан фарқлай олиши ва доимо ақлан ҳушёр ва соғлом бўлишлари лозим. Ана шундагина уларга илм-фан ўз жамолини намойиш этади».

Университет ректорининг талабалikka қабул қилинганларни табриклар сўзлаган нутқидан.

Буларни Ал-Мутаххар деган араб олимини йиллардан ҳам аввал ёзган экан.

* Кўчада юрадиган – ўқийдиган, ишлайдиган қиз учун обрў жуда қадрли. Шунинг учун у ўз покизалигини сақлаш учун курашади. Эл элакдан ўтказиб баҳо беришини у яхши билади.

Маънавият дарсида Музайяна Алавия айтган экан.

* Буюк илҳом буюк заҳматдан яралур!

Самад Вургун

* Ўтга, сувга ташланмаган, чиниқмаган юрак – юрак бўлармиди!

Расул Ҳамзатов

* Шоирлар одамларни ҳаёт ҳақидаги олижаноб тушунча ва хаёлларга бошловчи кишилардир. Уларнинг асарларини ўқир эканмиз, биз ҳар қандай қабиллик ва разилликдан нафратланишни, бутун эзгу ва гўзал нарсаларнинг мафтун этувчи кучини тушунишни, барча олижаноб нарсаларни севишни ўрганамиз; уларнинг асарларини ўқир эканмиз, ўзимиз ҳам яхшироқ, эзгуроқ, олижаноброқ бўлиб борамиз.

Адабиёт ўқитувчисининг маърузасидан.



– Дафтарингиз тўлай деб қолибди-ку! – деди жуда ҳаваси келган Севара опасининг дафтаридан кўзини уза олмасдан. – Бўлажак ўқитувчи сифатида касбингизга керак бўлган кўп яхши фикрларни йиғибсиз. Улардан айримларини балки мен ҳам иншоларимда ишлатарман, майлими?

– Одатда, цитаталар, иқтибослар баён этаётган фикрингни яна ҳам бойитиш учун ишлатилади. Чиройли гап экан деб уларни дуч келган жойда ёзмай, ўрнида ишлатиш керак.

– Адабиёт ўқитувчимиз ҳам шундай деб тушунтирадилар. Лекин уйимиз кутубхонасида мана бундай дафтарнинг бўлиши яхши, албатта. Раҳмат, совғангиз мен учун энг қадрли бўлди, – деди Севара опасини кучиб.

* * *

– Бувижон, қизлар бундай яхши дафтарларни неча ёшидан тутиши керак? – сўрайди Севинч. – Мен ҳам шундай дафтар тутаманми?

– Албатта, она қизим, фақат каттароқ бўлганингда. Аввал Ойзода опанг ёза бошлайди, кейин сен... Киши қалбига қувват берадиган чашма бўлади бу дафтарингиз!

ТУНГИ ҚЎНҒИРОҚ

ЗЕБО тун ярмида чалинган қўнғироқдан уйғониб кетди. Аввалига туш кўряпман деб ўйлади, чунки ўқиётган китоби таъсиридан чиқиб улгурмаган эди. Халатини кийиб, тезда йўлакка чиққанида, ойиси эшик очаётган эди. Қўнғироқни кейинги кўчада турадиган қўшни аёл босган экан. Ёш боласи иситмалаб қолибди. «Тез ёрдам» чақиришибди, аммо у кечикаётган экан... Аёл-



нинг кўриниши ташвишли, тез юрганидан ҳансирадди.

Ойиси Зебога қаради. Қиз унинг нима демоқчи эканини дарров тушунди. Жавондан онасининг кийими, пойафзалини олиб, кийинишига ёрдам берди. Турли дорилар солинадиган, оила аъзолари «кичик дорихона» деб атайдиган қутичани ҳам олиб, онасига узатди.

– Даданг ухлаётувдилар... – деди хижолатомуз ойиси.

– Ҳавотир бўлманг, укамдан мен хабар олиб тураман. Қайтгунингизча ухламайман, – тинчлантирди уни Зебо.

– Опажон, сизни ўзимиз яна кузатиб қўямиз, – деди қўшни аёл.

Хотиржам бўлган Зебо улар кетишгач, эшикни беркитиб, яна китобини олиб, юмшоқ диванга ўтирди. Аммо керакли варақни очди-ю ўқий олмади, хаёли онасига кўчди.

Бундай ҳол Зеболарнинг уйида тез-тез бўлиб туради. Унинг ойиси – болалар врачси, олима, педиатрия институтида талабаларга дарс беради. Уни маҳалладагилар яхши танишади ва тез-тез ёрдам сўраб мурожаат қилишади. Ҳозир ойиси нима қилаётганикин? Бола тузукмикин?

Бошқалар ёрдам сўраганда «Лаббай!» дейиш, бор иқтидорию билимини ишга солиш – ойиси учун янгилик эмас. Болалигидан шунга ўрганган. Отаси, Зебонинг буваси ҳам таниқли профессор бўлган экан. Ойисининг айтишича, илгарилари терлама, бруцеллез ва бошқа касалликлар, ҳатто қизамиқдан ҳам кўп болалар нобуд бўлишар экан. У вақтларда касалхоналар ҳам, шифокорлар ҳам кам экан. Бувасини одамлар кечаю кундуз сўраб келишаркан. Уйларидаги бир хона бувасининг беморни кўришига ажратиб қўйилган, бу хона ҳамини



ша озода турар эди. Зебонинг ойиси ҳам буvasи изидан кетиб, шифокор бўлибди.

Зебонинг ойисига ҳаваси келади. Ойисини ҳамма кўли энгил шифокор дейди. Ойиси ҳозир ҳам уй ишларидан қутулгач, тунлари кўп ўқийди, алланарсаларни қалин дафтарига ёзиб олади.

– Институтни битирдингиз, олима ҳам бўлдингиз, лекин ҳали ҳам жуда кўп дарс тайёрлайсиз-а? – Акаси бир куни ойисига шундай деганида, ойиси:

– Талабаларга шу соҳадаги янгиликларни етказишим керак. Тиббиёт жуда ривожланиб борапти, – деб жавоб берган эди.

Ойиси сабоқ берган талабалар ҳозир турли вилоятларда хизмат қилишади. Улар электрон почта орқали онасига тез-тез мурожаат этиб туришади. Ойиси Тошкентдан узоқ жойлардаги болалар шифокорларига керакли илмий мақола, монография, кўлланмалар тавсия қилади, уларни топа олмаганларга топиб жўнатади. Улар устозларига самимий раҳмат дейишади.

Яқинда Зебо ойисининг интернетда бемор болани даволаганининг шоҳиди бўлди. Нукусдаги касалхонада хизмат қиладиган врач ойисига мурожаат қилиб, беморни врачлар хонасига атай олиб келганини, бу ерда интернетга камера уланганини, ойиси компьютерда беморни кўриқдан ўтказиши мумкинлигини айтди. Камера, монитор ва микрофонлар бемор болага шундай уландики, Тошкентда туриб, Зебо боланинг офир-офир нафас олаётганини, ҳатто инграганигача аниқ эшитди.

Ўтказилган текширувлар натижаларини диққат билан эшитар экан, ойиси олдидаги қалин дафтарига нималарнидир тез-тез ёзиб борди. Кейин мониторга рентген суратларини яқинроқ келтиришни илтимос қилди. Уларни чапга, ўнга, тепага, пастга кўтартириб диққат билан кўрди. Боланинг кўкрак

қафасига фонендоскоп қўйишни илтимос қилди ва чап томонида орқа курак атрофига, айниқса, эйтибор берди. Шифокордан болага қандай муолажа қилинаётганини сўради ва жавобни ёзиб олди.

– Болани палатасига қайтаринг, – деди ниҳоят ойиси.

Уни олиб чиқишгач, сўзида давом этди:

– Ҳали айтган тахминингиз тўғрига ўхшаяпти. Зотилжамнинг кам учрайдиган хили... Дориларни ўзгартирманг-у, дозасини кучайтиринг. Яна янгиларидан қўшасиз... Уларнинг буйракка, юракка ёмон таъсири олдини олинг... – Зебо бир четда ойисининг аниқ топшириқ бераётганига ҳаваси келиб ўтирарди. Дориларнинг кўпини у биринчи марта эшитиб турар, қай бирини қанча миқдорда болага игна билан бериш, қай бирларини неча мартадан ичириш кераклигини ойиси бирма-бир айтиб турар, Нукусдаги шифокор эса ёзиб оларди.

Уч кундан сўнг Нукусдаги врач яна ойиси билан боғланди ва суюниб боланинг ҳарорати пасайганини айтди. Устозига чин дилдан ташаккур айтди.

Ойиси узоқ вилоятларга тез-тез бориб туради. Одатда, республика санавиация хизматидагилар қисқа қилиб, ойисининг қайси вилоятга учиши кераклигини ва уни аэропортга элтиш учун машина юборилгани ҳақида хабар беришарди холос.

– Тайёрман! – ойисининг жавоби ҳам шундай қисқа бўларди.

Ойисининг айтишича, улар учадиган самолёт кичикроқ, аммо махсус жиҳозланган бўларкан. Кўпинча об-ҳавога ҳам қаралмасди. Инсон уларнинг ёрдамига муҳтож! Бориш керак! Беморга ёрдам бериш истаги ҳамма ишдан устун эди. Зебо бунни жуда яхши тушунарди ва ойисига кўмаклашарди.

Зебо вақтнинг ўтиб кетганини ҳам сезмади. Бир-икки кириб укасидан хабар олди. Ниҳоят эшик оҳиста чертилди. Ойиси қайтган бўлиши керак!



– Умрингиздан барака топинг, опа! Олти йилда тилаб олган боламиз... – Аёлнинг кўзларида ёш йилтиради.

– Ҳаммаси яхши бўлади, деб умид қиламиз, – уни тинчлантирди ойиси. – Эрталаб ишга кетаётганда яна бир хабар олиб ўтаман.

* * *

– Энг яхши касб – шифокор бўлиш! Зебо ҳам ойисига ўхшаган врач бўлсин! – Ойзода ўзининг врач бўлиш аҳдида маҳкам турганини билдирди.

ҚИЗ БОЛАНИНГ ҲУСНИ – ҲАЁ ВА ОДОБ

– Бошқаларга чиройли кўринишни истасангиз, юзингизга упа-сурмадан эмас, ҳаё ва одобдан пардоз беринг, қизларим!

Дарсдан сўнг қизлар билан алоҳида суҳбат ўтказиш нияти борлигини айтган еттинчи синф раҳбари Мавлуда опа суҳбатни шу сўзлар билан бошлади. Қизлар аста **РУХСОРА** га қараб қўйишди. Бугунги суҳбатга Рухсора сабабчи эканини улар тушуниб туришарди. Эрталаб у мактабга юзларига упа суртилган, лаблари алвон рангида, қош-кўзлари ҳам қоп-қора аҳволда келган эди. Уни ҳеч бу аҳволда кўрмаган дугоналари ҳайрон бўлишди. Ўқувчи қизларнинг мактабга «бўяниб» келишига устозлар рухсат беришмаслигини у биларди. Нега бундай қилди...

– Ойингнинг касалхонада эканликларидан «унумли» фойдаланибсан-да, ўртоқжон, – деди кесатиб синф сардори Ирода.

Чамаси, биринчи дарсни олиб борган кимё фани ўқитувчиси аҳволни синф раҳбарига айтган шекилли, биринчи дарсдан кейиноқ Мавлуда опа Рухсорани бир чеккага олиб, елкасидан қучганича бир оз суҳбатлашди.

– Чиройли бўлгинг келса ҳам ёмон... – деди синфга кирганида Рухсора Иродага эшиттириб. У Мавлуда опага Ирода «етказган» деб ўйлаганди. Аммо ўқитувчи билан суҳбатдан сўнг бир чеккага ўтиб, юз-кўзини, лабини тозалаб артиб ташлаган эди.

– Азиз қизларим! Яқинда бир яхши китоб ўқидим. Шундан бери кўнглим чироқ ёқилгандек чароғон юрибман! Ичимга сиғдиrolмай, сизларга ҳам ўқиганларимдан шингил-шингилни айтиб беришим керак, деб ўйлаб турганимда кимё фани ўқитувчингиз Қодиржон бугун эрталаб: «Қизларингиз билан бир суҳбатлашиб қўйсангиз яхши бўларди. Айримлар сал одоб доирасидан чиқишяпти», деб қолдилар. Ўқиган китобим сизларга ҳам маъқул бўлишига ишонаман. Илоҳо сизнинг ҳам дилингиз ёришсин.

Ичимга чироқ ёққан бу китобнинг номи – «Ахлоқи Муҳсиний». Уни ўн бешинчи асрнинг иккинчи ярми ва ўн олтинчи асрнинг аввалида яшаб ўтган машҳур маърифатпарвар олим Ҳусайн Воиз Кошифий ёзган. Китобни ҳар гал қўлимга олганимда, ота-боболаримиз нақадар фозил ва оқил бўлишганига тан бераман ва улар шаънига охираглари обод бўлсин деб дуо қиламан.

Китобнинг номидан кўриниб турибдики, у бошдан-оёқ комил инсон одоби ва ахлоқига бағишланган. Чунки чиройли хулқ йўлидан юрмаган одам иззат ва шараф манзилига етиб боролмайди. Фейли-кўйи чиройли бўлмаган кишиларни яхши одам деб бўлмаганидек, эл ҳам ўз ҳурматини кишининг ҳусну жамолига қараб белгиламайди. Кишининг камолини ҳар доим унинг яхши хислат ва фазилатлари намоён этади, деб таъкидлайдилар донишманд муаллиф.

Китоб қирқ бобдан иборат бўлиб, ҳар бир бобида инсонни камолга етакловчи ҳамда кишига баҳо

беришда аниқ мезон хизматини ўтайдиган фази-латлар: *ихлос, шукр, сабр, ризо, ҳаё, покизалик, одоб, олийҳимматлик, собитқадамлик, адолат, мулойимлик, шафқат ва марҳамат, саховат ва эҳсон, вафо ва аҳд, авф, ростгўйлик, диёнат, андиша, шижоат, гайрат, фаросат, сир сақлаш, огоҳлик* кабилар ҳақида баён этилади. Китобда кишининг диққатини жалб этадиган кўплаб ҳаётий ва ибратли ҳикоятлар келтирилади.

Сизнинг ҳозир баловат пиллапояларидан дадил кўтарилаётган, олам ва одамни, айниқса, ўзингизни тушуниб етишга ҳаракат қилаётган даврингиз. Сизган бўлсангиз, мазкур китобда таърифланган фази-латларнинг аксарияти қизларимизнинг юзини кўрсатадиган фазилатлардир. Шунинг учун уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз. Айниқса, **ҳаё, одоб, андиша, сабр, шукр, покизалик** кабилар ҳақида яхшилаб суҳбатлашиб олишимиз керак. Бу фази-латларни ўзлаштириб олсангиз, ҳаётингизда кўп келишмовчилик ва англашилмовчиликларнинг олдини олган бўласиз, эл олдида бошингиз эгилмайди, ўзингизга яхши бўлади. Улуғ олим бу ҳақда шундай дейди: «...одамлар ўз табиатига мувофиқ шахрийлигини, яъни улар бир-бирлари билан топишиб, бир шаҳар ёки бир маконда яшигилиб ўтирмасларидан бошқа илож йўқлигини айтиб ўтмоқчимиз. Лекин уларнинг мижозларини Ҳақ таоло ҳар хил қилиб яратган. Демак, уларнинг орасида бир қоида бўлиши керакки, бу билан уларнинг яшашлари тартибга тушиб, ёмонлик ва хатодан узоқ бўладилар». Бир ерда яшаб, ўқиб туриб шу жамоанинг қоидасини бузишлик кишиларнинг эътиборини ўзига қаратишгина эмас, ҳаёсизлик, одобсизлик ҳамдир. Фақат буни айрим қизларимиз ҳали яхши англаб етишмаган холос.

Ҳаёнинг маъносини ёмон иш қилишдан уялишдир, деб тушунтиради олим. Ҳаё бор ерда олам

барқарор туради. Агар шарму ҳаё орадан кўтарилса ва одам ҳеч кишидан уялмаса, оламнинг тартиби издан чиқади, одамлар орасида ҳурмат-иззат йўқолади, ҳаёсизлар ўзларини ҳаммадан кучлиман деб ўйлаб, бошқаларга озор берадилар. Ҳаё шунчалар қудратлики, у одамларга қўнгилларига келган ишни қилишга йўл бермайди. Ҳаё жамоадан ажрамаслик кераклигини эслатиб туради. «...*Каттаю кичикка ҳаёдан катта фойда бор, яхши одатларнинг меваси ҳаё суви ва офтобидан парваршиш топмаса, ҳануз хом тураверади...*» дейди куйиниб Воиз Кошифий ва ҳаёнинг бир неча турларига таъриф берадилар. Шулардан бири, айниқса, сиз яхши билишингиз керак бўлгани – *ҳаёи адабдир*.

Бу нима дегани? Бу – кишининг қилмоқчи бўлган бирон иши ёки амали гарчи жамият ва жамоага қарши бўлмаса ҳам, адаб ҳаёси шу ишни қилишига йўл қўймайди. Бу унинг одамлардан қўрққани белгиси эмас, балки шу одамнинг ҳаёси, андишасининг кучлилигини билдиради. «Андишанинг отини қўрқоқ қўйманг!» ибораси ана шундай вазиятларда айтилган гап.

Донишмандлар адабнинг маъноси ёмон сўздан, ёмон ишдан тийилиш, ўзининг ва бошқа кишиларнинг иззатини сақлаш, обрўсини тўкмасликдир дейишади. Одоби одам ҳамиша ва ҳаммага яхши кўринади. «Бола азиз, одоби ундан азиз», деган гапни кўп эшитгансиз. Чунки ҳар бирингизнинг зебу зийнатингизга қараб эмас, одобингизга қараб баҳо берадилар. Зеб-зийнатга завола етиши мумкин, адаб сарпосини кийганлар эса ўзгармайдилар, чунки адаб олтидан яхшироқдир, деб таъкидлайдилар олим. Мазкур китобда ана шу гўзал фикрнинг, яъни чиройли адабнинг ҳар нарсадан устунлигининг тасдиғи сифатида бир ажойиб ҳикоят келтирилади.

Ҳикоятда айтилишича, Миср подшоҳи Рум султони билан адоват биносини бузиб, дўстлик ришта-

сини боғлади ва унинг ўғлига қизини никоҳлаб берди. У ҳам қизини унинг ўғлига аҳди никоҳ қилади. Бу дўстлик туфайли элчи ва номалар тез-тез, қайта-қайта икки томондан келиб ва бориб турадиган бўлди. Бу икки давлат соҳиби бир-бири билан дўстлашганидан иккала мамлакат ҳам обод ва фаровон бўлиб боради. Улар ҳеч бир ишни маслаҳатсиз адо қилмас эдилар, катта ва кичик ишларда бир-бирига хабар етказиб турар эдилар.

Бир куни Миср подшоҳи Рум шаҳаншоҳига хабар юбориб, унда «фарзандларимиз ҳаётимизнинг асоси ва тирикчилигимиз нишонасидирлар, бизлар вафот этганимиздан кейин «ному нишонимиз ҳаётда улар орқали боқий қолади», – деди. Демак, уларнинг бизлардан кейин хотиржам ва ҳушҳол яшашларининг ғамини ейишимиз керак. Мен ўғлим учун ажойиб нафис матолар ва ҳисобсиз яхши отлар, туялар ва бошқа ҳайвонотлар, қуллар, кўшк ва иморатлар, тегирмону ерларни захира қилиб қўйдим. Сиз ўзингизнинг жаҳонро раъйингиз билан фарзандингизнинг келажаги учун қандай тадбир кўрдингиз ва нима-ларни муҳайё қилиб қўйдингиз», – деб сўради.

Бу хабар Рум подшоҳининг қулоғига етгач, табассум қилди ва дедик: «Мол бевафо, ёру бебақо дилдордир, унинг ҳисобини қилмоқ на керак. Бу беш кунлик ўтар дунёда ўткинчи матоларга алданиш керакмас. Мен фарзандимни адаб сарпоси билан ораста қилдим, яхши сифат ва одобларни унинг учун захира қилдим. Молга завол етади, аммо адаб ўзгармайди ва йўқ бўлмайди».

Бу хабар Миср подшоҳига етиб келгач, у мамнуният билан дўстим рост айтибди, адаб ҳақиқатда ҳам олтиндан қимматроқдир, деган экан.

– Назаримда буни ҳаммангиз ҳам яхши тушуниб етдингиз, – деб суҳбатни тугатган Мавлуда опа сездирмай Рухсорага қараб қўйди.

– Бувижон, устоз айтган китобдан бизга ҳам олиб берсангиз, биз ҳам уни диққат билан ўқиб чиқардик. Севинч иккаламиз сизни ҳеч ҳам уялтирмасликка ҳаракат қиламиз, – деди Ойзода суҳбат сўнггида.

СИМДА ҲАМ ЖОН БОР...

МУМТОЗА ҳовлини супураётганида телефон жиринглаб қолди. Бувиси телефонга яқинроқ жойда эканлар, гўшакни кўтариб, жавоб бердилар:

– Лаббай!

Аммо телефондаги жавобдан бувисининг қулоқлари қоматга келди:

– Жа-а одобли бўлиб кетибсанми!? Нима бало, уйингда совчилар борми? Ҳей, менга қара, тезроқ уларнинг ковшини тўғрилаб, бу ёққа чиқ! Папаш бутун добрий бўлиб келибди. Кўзлари қиё-қиёлигидан фойдаланиб пул сўрасам, қўлига сиққанини берди! Тез чиқ, дискотекага борамиз! Ҳей, ростдан ҳам ўн олтингда сени узатиб юборишса, кейин бундай сакролмайсан! Бўл тез!

– Алло, сизга ким керак ўзи? – деб сўрадилар Асрия буви. Уларнинг ранжиганлари шундай сезилиб турарди.

– Э, ўл! Тажимадингни, Коми? Ким бу ўзи? Алло! – кейин қиз олоҳ тортди шекилли овози ўзгариб: – Менга Комилахэн керак эди, – деди.

– Бу ерда ундай қиз турмайди. Рақамда адашдингиз шекилли...

– Кимни сўрашди, бувижон? – Мумтоза бувисининг ранжиганини сезиб турарди.

– Бир қизгина: «Адашганим йўқ! Ўзи Тошкент телефонлари шунақа. Ҳа, бўпти!» деб телефонни қўйиб қўйди.



– Вой, телефонда катталар билан шундай гаплашадими одам деган?

– Шуни айт! Менинг катта ёшдалигимнинг фарқига ҳам бормади шекилли. «Лаббай!» деб жавоб қилганимга ҳайратланди. Қайсидир ўртоғини дискотекага чақиряпти. Қизлар узатилгандан кейин дискотекага бориб сакролмайдди, ўйнаб қолайлик дейди...

– Сизни бекорга ранжитиб қўйибди. Баъзи қизлар шунақа гаплашишади...

– Тўғри айтдинг, эшигида сурнай чалинай деб турган қизларнинг шунақа муомала қилиши яхши эмас. Симда ҳам жон бор деб тўғри айтишаркан... Бундай муомаладан кишининг безиллаб қолиши ҳеч гап эмас. Ҳа, мана бир-икки оғиз гапи билан кишининг дарду дунёсини қоронғи қилди-қўйди. Телефонга рақами чиққандир, унга бир насиҳат қилиб қўйсаммикан-а?

– Қўйинг, хафа бўлманг, бувижоним! Мана мен ишимни тугатдим. Келинг, икки ўртоқдек бир суҳбатлашайлик. Шунақа суҳбатларингизни бирам яхши кўраман! Мана сизга шарбат ҳам олиб келдим.

Аммо бувисининг қулоғидан ҳалиги овоз ҳеч нари кетмади. Шу сабабдан:

– Ёшлигингда эшитганинг бир умрга қулоғингда қолар экан, қизим, – деб суҳбатни бошладилар Асрия буви. – Дорилфунун талабаси эдим. Амалиёт ўтагани бир идорага юборишди. Идорада бир-иккита менга ўхшаган ёшларни демаса, асосан катта ёшдаги, элга танилган, ҳурматли одамлар ишлашарди. Идорада учта телефон бор эди. Қай бири жиринглашидан, гўшакни ким кўтаришидан қатъи назар, биринчи сўзлари «Лаббай!» бўлар эди. Хонада беш-олти киши ўтирар, кимни сўрашса ҳам, телефонни кўтарган киши ҳеч оғринмай: «Марҳамат, ҳозир!» деб чақириб берар эди. Сўрал-

ган ходим жойида йўқ бўлса: «Келишлари билан мен уларга айтаман, сизга кўнғироқ қиладилар!» дейишар, ходим келганида албатта айтишар эди. Кузатган кишига бу жуда чиройли кўринар экан. Бирам уларга ҳавасим келарди. Очиғи, ўқишни битиргандан кейин шунга ўхшаш маданиятли жойда хизмат қилишни орзу қила бошладим. Бахтимни қараки, ўша идоранинг ўзи мени дорилфунундан сўратиб олди.

Телефон ҳам ярим дийдорлигини, ундаги яхши муомала хизматингни тез ва соз бажаришингга ёрдам беришини шунда яхши тушуниб етдим. «Ассалому алайкум!», «Лаббай!», «Хўп бўлади!», «Бош устига!», «Хотиржам бўлинг!», «Агар малол келмаса...», «Катта раҳмат!», «Кўнглимни кўтардингиз!», «Хизматингизга тайёрман!» каби ибораларнинг сеҳри борлигига ишона бошладим. Чунки улар билан бошланган иш, албатта, тез ва соз битарди.

Идорамизга келиб, иши битиб кетган кишилардан ҳам шунга ўхшаш сеҳрли сўзларни кўп эшитардик: «Раҳмат!», «Ташаккур!», «Ҳорманг!», «Кам бўлманг!», «Саломат бўлинг!», «Ғам кўрманг!», «Кўп яшанг!», «Олтин бошингиз омон бўлсин!», «Пири бадавлат бўлинг!», «Болаларингизнинг ҳузур-ҳаловатини кўринг!», «Орзу-умидларингиз рўёбга чиқсин!». Албатта, буларни эшитганда дилимиз яйраб кетар, ғайратимиз жўш урарди. Ёш эмасманми, бу сўзларни бир умр эсимда сақлаб қолишга ҳаракат қилардим.

Ҳозирги телефондан кейин буларни эслаганим бежиз эмас, қизим! Мени нафақага кузатишганига анча ўтган бўлса ҳам, ҳамкасбларимни юрагим илиб эслайман. Ҳозиргига ўхшаб телефонда айримлар кишининг дилини оғритиб муомала қилишади. Кўпинча телефон жиринглаганда олсанг, ҳалиги қиз каби салом йўқ, алик йўқ, ўзини танитиш

йўқ, «Ким бу» дейилади. Хоҳ телефон қилаётган, хоҳ гўшакни кўтарган одамнинг ана шу қўпол «Ким бу» си кишининг юрагини тешиб ўтади. Телефонда ҳам жуда огоҳ бўлиб гаплашиш керак. Бу ҳам киши маданияти, одобининг бир кўзгуси, она қизим!

– Кеча туғруқхонага келинойимни кўргани борганимизда уларни кўрмасангиз ҳам, телефонда гаплашиб хурсанд бўлганингизни кўриб, мен ҳам суюндим, бувижон! Юзларингиз бирам чиройли бўлиб кетдики... Секин ўзингизга билдирмай суратингизни олиб қўйдим! Суҳбатингизни телефонимга ёзиб олдим. Мана, қўйиб берайми?

«– Ассалому алайкум! Бу – 6-қават навбатчисими?»

– Ҳа, холажон.

– Барака топгур, агар малол келмаса, 8-палатадан Саодатхонни чақириб беринг...

– Хўп бўлади, ҳозир, холажон!

– Раҳмат, умри-жонингизга барака берсин!

– Алло, ассалому алайкум! Мен – Саодатхонман, чақиртирган экансиз...

– Ваалайкум ассалом, келин болам! Омонмисизлар? Мен – ...

– Вой, ойижон, дарров танидим! Овора бўлибсиз-да!

– Овозингизни бир эшитай дедим... Тинчмисизлар, яхши ётибсизларми?

– Яхшимиз, ойижон, раҳмат! Набирангиз ҳам яхши!

– Мана, худога шукр, тетик овозингизни эшитиб, кўнглим анча жойига тушди. Яратган икки жонни ҳам саломат қилсин! Ҳеч нарсани ўйламай тинч ётинглар. Уйдаги болаларингиздан кўнглингиз тўқ бўлсин. Укамизни қачон олиб келасизлар деб, кўзлари тўрт бўлиб кутиб туришибди. Керак гапларни хатга ёзиб қўйиб яхши қилибсиз, мана

олдим. Ҳаммасини тайёрлаб қўйганман, эртага бериб юбораман. Дийдор кўришгунча хайр, болам!

– Яхши боринг, ойижон! Борингизга шукр! Болаларни ўпиб қўйинг!..»

– Уни қара-я, қизим! Ҳа, телефон – инсон заковатининг маҳсули. Мана, бир зумда ёзиб ҳам, суратга тушириб ҳам қўйибсан... Телефон кишилар маданияти, маънавиятининг кўзгуси ҳам. Буни ҳам ҳозирнинг ўзида иккала мисолда ўзинг яққол кўрдинг, қизим! Хулосани ўзинг чиқариб олавергин...

* * *

– Биз ҳам хулоса чиқариб олдик, бувижон! – дейишди бараварига Ойзода ва Севинч.

КИТОБЛАРДА БИТИЛМАГАН ОДОВНОМА

ҲИЛОЛА жавондан олган китобчасини келинойисига кўрсатиб деди:

– Келинойижон, қаранг, мана бу китобчани сизга ойингиз мендек ўсмир пайтингизда совға қилган эканлар. Мен ҳам ўқиб чиқсам майлими?

– Албатта, диққат билан ўқиб чиқинг. Шу китобча баҳона, ойимлар билан ҳеч ерда ёзиб қўйилмаган, лекин одамлар кўпинча риюя қиладиган халқ одоби қоидалари ҳақида сўзлашганимиз ҳам эсимга тушди.

– Шунақа қоидалар ҳам борми? Қизиқ-ку!

– Бор, бунга ўзингиз ҳам кўп тўқнаш келгансиз, бироқ эътибор бермаган бўлишингиз мумкин. Масалан, ўзбекларнинг хонадонидида кичик ёшдаги қизлар ҳам ҳар гал уйга кираётганда ёки ҳовлига чиқаётганларида пойгакдаги оёқ кийимларини йиғиштириб, пар-пари билан текис қилиб, тумшуғини кийишга ўнғай бўлсин учун олдинга қа-



ратиб қўйишади. Мана, сиз ҳам бизникига меҳмон бўлиб келганингиздан бери ҳеч ким айтмаса ҳам шундай қиялпсиз. Биламан, сиз буни ҳеч ерда ўқи-магансиз, лекин эсингизни таниганингиздан бери шундай қиласиз. Чунки уйда ойингиз, опангизнинг ҳаракатларини кузатиб, шуни одат қилгансиз. Эрталаб нонуштага, тушликка, кечки овқатга дастурхон ёзаётганимда, яна ҳеч ким айтмаса ҳам, ўрингиздан туриб менга қарашиб юборяпсиз. Бунга ҳам одатлангансиз. Ҳатто мен келинойимга қарашяпман, деган фикр хаёлингизга ҳам келмайди. Қизларнинг оналар юрагига малҳам бўлиб, эрта дастёрликка киришиб кетиши миллатимизга хос, энг яхши қадрият ҳисобланади. Аслида, қизлар шундай қилсинлар деб ҳеч ерда ёзилмаган.

– Вой, тўғри айтяпсиз, келинойи. Яқинда эшигимиз жиринглади. Акам дарс қилиб ўтирган эдилар, мен оча қолай деб эшик томон кетаётган эдим, ойим мени тўхтаддилар ва акамга эшикни очишни буюрдилар. Акам ҳам жаҳл қилмай эшикни очиб, меҳмон – амакимни бошлаб келди. Ойим билан бирга дастурхон ёзгунимизча акам амаким олдиларида гаплашиб ўтирдилар. Чой қуйиб сўрашиб бўлганимдан сўнг ойимнинг ишоралари билан мен дарсим борлигини айтиб ўз хонамга чиқиб кетдим. Акам эса адам ишдан келгунларича меҳмон олдида ўтирдилар. Кейин дарсларини давом эттирдилар.

– Тўғри қилибсиз, китобларга битилмаган, аммо халқимизнинг одобнома қондасига кўра, бизда қизлар эркак меҳмонлар, катта ёшдагилар олдида кўп ўтирмайдилар. Акангизнинг эшик очишига келсак... Эшик жинғироғи эшитилганда оила аъзоларидан ёшроғи, кўпинча ўғил болалар югуриб эшик очишади. Бу – қизларни аяшганидан. Эшик ҳамиша ёруғ вақтда тақилламайди-да. Қоронғида

қизлар чўчиши мумкин. Яна эшикни ҳар хил одам тақиллатиши мумкин. Шунинг учун эшикни эркак киши очгани маъқул. Келган киши қариндош бўлса кулишиб, сўрашиб бараварига ҳовлига кириб келишади. Кўпинча эшик очган йигитча: «Ойижон, адажон, қаранглар, азиз меҳмон келдилар!» дейди. Ҳамма баравар ўрnidан туриб, меҳмонга иззат билдиришади. Бс_ди-ю, келган меҳмон оила аъзоларининг биронтасига тегишли одам бўлса, лекин киришга фурсати бўлмаса, эшик очган киши оила аъзоларидан тегишли кишини чақириб беради:

– Сизни фалончи акам (ё опам) йўқлаяптилар, – дейди.

Меҳмон билан муомала қилиб қайтган киши оиланинг бошқа аъзоларига, хусусан, ота-онасига, катталарга аввало сўраб келган дўсти ёки ҳамкасбининг тинчлигини билдиради, лозим бўлса келиши сабабини айтади. Бу ҳам китобларда ёзилмаган одоб қоидаси.

– Борди-ю эшик қоққан киши эркак бўлса-ю, уйда менга ўхшаган ёш қиз ёки келиндан бошқа ҳеч ким бўлмаса, унда нима қилиш керак, келинойижон?

– Барибир эшикни қия очасиз, ўзингизни сал эшик панасига олиб, ҳаё билан саломлашасиз. Агар келган одамни танисангиз, илтифот билан «Уйга киринг, марҳамат! Ҳадемай дадам ёки акам келиб қоладилар!» – деб, уйда ўзингиздан бошқа ҳеч ким йўқлигига ишора қиласиз. Агар эркак киши ўзбекона тарбия кўрган, фаросатли бўлса, аёл, айниқса, қиз бола ёлғиз бўлган хонадонга киришни ўзига эп билмайди, албатта. Бундайлар, ҳатто яқин қариндошларимиз ҳам совға-саломини мезбон қизга топшириб, «бир айланиб келиш» баҳонасида вақтинча хайрлашади. Бу китобларда бўлмаса ҳам, халқнинг одоб китобига битилган қоида, ахлоқийлик белгиси.



Сиздек вақтимда ойим бизга кўп насиҳат қилар эдилар:

«Кайфиятингизнинг қандайлиги, ичингиздан нима ўтаётганидан қатъи назар, эшикдан бир одам йўқлаб келганида, кўзингизда нур, лабингизда табассум бўлсин!» дердилар. Театр артистларини кўп ибрат қилиб кўрсатар, улар уйларида бирон ташвишли ҳол бўлса ҳам, театрга келган тамошабинда яхши таассурот қолдириш учун ролни жуда яхши ўйнашади, чунки бу ерга келган кишининг кўнглини кўтариш артистнинг бурчи эканини улар яхши тушунишини айтардилар. Меҳмонни нузли юз билан кутиб олсангиз, унинг қалбига чироқ ёқасиз дердилар. Бу ҳам халқимизнинг энг олижаноб фазилатларидан.

– Қаранг, бир китобча баҳонасида кўп нарсаларни билиб олдим. Мен булар ҳақида дугоналаримга ҳам айтиб бераман.

* * *

– У қандай китобча, бувижон? Бизга ҳам олиб берасизми?

– «Одобнома» дарсликларингизнинг аксариятида мана шундай халқона одобнома қоидаларига кўп аҳамият берилади. Уларни албатта диққат билан ўқисангиз, сиз ҳам Ҳилолага ўхшаган одобли қизлардан бўласиз.

БУ – БОБОМГА, БУ – БУВИМГА

– *НОЗИМА*, келдингми қизим? Бутун бизникига бобожон билан бувижон меҳмон бўлиб келишяпти! – деди ойиси ошхонадан овоз бериб.

Нозима жуда хурсанд бўлиб кетди. Ойисига салом бериб, тезда мактаб кийимини уй кийимига алмаштириб чиқди. Ойисига қарашганида олдида тутадиган чиройли фартугини боғлар экан:

– Ойижон, улар келишларига бугун мен ўзим яхшилаб дастурхон ясатаман, майлими? – сўради у ошхонада хамир қораётган ойисидан.

– Баракалла, қизим, жуда яхши иш қилган бўлардинг. Мен чучварага уннаётган эдим. Эъзога дарсини қилиб бўлган бўлса, уни ҳам чақир, сенга қарашиб юборсин.

Шу дамнинг ўзида Эъзозанинг қувноқ овози эшитилди:

– Опажоним мактабдан келгунларича мен дарсимни тугатиб бўлдим, ойижон! Ҳамма айтганларингизни чиройли ва беҳато ёзиб қўйдим. Энди опагонга қарашаман, кейин чучварани чиройли қилиб тугамиз. Бобожон биз туккан чучвараларни доим мақтаб-мақтаб ейдилар-а! Ойижон, мен уч-тўртта чучваранинг ичига бобом билан бувимларга атаб, бир нарса туғиб қўяман! Айтмайсизлар-а? Мен уларни жуда соғиндим!

– Эъзоганим мактабга чиққанидан бери жуда дастур қиз бўлиб қолди-а, – деди ойиси хурсанд бўлиб. – Ана бугун аъло баҳоларини кўрсатиб, бобо-бувисидан ҳам дуо оладиган бўлди.

– Ойижон, мен уларнинг олдиларидаги тақсимча устига чиройли қилиб қўл сочиқларини безатиб қўяман. Ўртоғимдан ўрганиб олдим. Мана, ҳозир!

Эъзога опаси ёзган оппоқ дастурхон устига:

– Бу – бобомларга, бу – бувимларга, бу – адажон билан ойижонимга, – деб жами саккизта тақсимча қўйиб чиқди-да, улар устига қўл сочиқларни худди қалпоқчага ўхшатиб безатди. – Қаранг, ойижон, чиройлими?

– Ие, оппоқ қизим, мунча чиройли, худди ресторанлардагидек қилиб безатибсан-ку! – рағбатлантирди уни ойиси. – Меҳмонга келганлар хурсанд бўлиб, сизларни ҳали кўп дуо қилишадиган бўлишди.

– Мен яна бошқачасини ҳам ўрганиб олдим. Мана, қаранг! – Эъзога бир дақиқада крахмал-

ланган қўл сочиқни орқа-олди қилиб тахлади-да, шарбат қуядиган идишга қўйган эди, у елпигичдек ёйилиб, чиройли бўлиб қолди.

– Ўҳ-ҳў! Синглингнинг яхши хунарлари ошиб кетибди, Нозима, сен ҳам ўрганиб олгин, – деди ойиси Нозимага кўзини қисиб қўйиб, ошхонага йўл оларкан.

Қизлар бир зумда дастурхон безашди. Ўртасига хўл мева, биллур идишчаларда писта-бодом қўйишди.

– Кекса кишиларнинг писта-бодом чақиб ейиши қийин... – деди Нозима хаёл суриб. – Кел, Эъзо-за, бир иш қиламиз!

– Нима қилмоқчисиз, опагон?

– Ёнғоқ, майиз, баргакни майдалагичдан ўтказиб, асал қўшилса, юмшоқ бўлади. Бир куни ойижон тайёрлаб берганларини кўрган эдим. Биз ҳам бобом ва бувим учун бир пиёладан тайёрлаб, уларнинг олдига қўямиз. Унга яна писта-бодомни ҳам майдалаб қўшамиз. Шимиб-шимиб ейишади, уларга қувват бўлади... – деб тушунтирди Нозима.

– Вой, жуда зўр-ку! – қувониб кетди Эъзоза.

Икковлари майдалагичдан ўтказган туршак ва майиз, писта ва бодомлар бир косадан ошди. Икки ош қошиқда асалдан қўшиб яхшилаб аралаштиришди. Пиёлаларга солишаётган вақтда оналари кўриб, озгина татиб кўрдиларда:

– Жуда яхши қилибсизлар, фақат буни пиёлаларга эмас, мураббо соладиган идишларимизга солиб, олдиларига қўйсангиз чиройли кўринади, – дедилар.

Қизлар хурсанд бўлиб, ойиси айтгандек қилиб столга қўйишди.

Эъзоза меҳмонлар келганда «Ассалому алайкум!» деб, бобоси ва бувиси билан қаттиқ ачомлаб кўришди. Кейин уларни юмшоқ ўриндиқларга бирма-бир ўтказди. Бувиси ва бобосининг меҳри товланиб, унинг пешанасидан ўпиб қўйишди.



– Ойижон, бобом билан бувижоннинг ўрталарига ўтирсам майлими?

– Ана холос! Улар озгина тановул қилиб олишсин, кейин диванга ўтирганларида, майли, ўрталарига ўтирасан, – деди ойиси.

– Майли дея қолинг, ойиси, биз ҳам қизларимизни жуда соғинганмиз, – деди Эъзозанинг бувиси. – Бошқа меҳмонлар йўқ-ку.

– Бир ҳафта бўлди-ку кўрмаганимга, соғинаман-да! – деди Эъзоза улар ўртасига стул қўйиб ўтирар экан.

Эъзоза ўрталарига бекорга ўтирмаганини кўрсатиш учун «Бобожон, бу сизга!», «Бувижон, бу сизга!» деб олдиларига турли неъматларни суриб қўяр, «Қўлимни қайтарманг!» – деб эркаланиб, оғзиларига ширинлик соларди.

Қизлар тайёрлаган ҳамма нарсани бобо ва бувиси мақтаб-мақтаб ейишди.

– Мана бу янгича мурабболаринг жуда яхши бўлибди-да, қандай тайёрланишини айтсангиз, уйга борганда амакингнинг болаларига ҳам ўргатиб қўяман, – деди бувиси қизларни: «Илоҳо меҳрли кўнгилларингиздан топинглар. Пешанангиз кўҳлик бўлсин! Бобо-бувисини, ота-онасини яхши кўриб, иззат қилганлар, албатта, иззат топади!» деб дуо қилар экан.

Чучварага тугилган гилосни кўриб, яна унинг айнан улар косасига тушганидан кўнгиллари яйраб кетди.

– Уйга меҳмон келганида севинишлиги, «Бу – бобомга, бу – бувимга», деб ҳар хил тансиқ таомларни йўғимизда ҳам бизга илинишлари болаларимизни яхши тарбия қилаётганингиз белгиси, – деди бобоси улар юмшоқ ўриндиққа ўтиб ўтирганларида, Эъзозанинг адаси ва ойисига қараб. – Худо хоҳласа, асло кам бўлмайсизлар.



– Бувижоним, мен ҳам сизларни жуда яхши кўраман. Ойим кечки таомга сизларга юмшоққина юпқа пишираётган эдилар. Биз уларга қарашиб юборамиз, – деди Ойзода ва Севинчга «Юрақол!» дегандек ишора қилди.

ҚИЗ – КҮНГИЛ МАЛҲАМИ

«Қиз – кўнгил малҳами». Бу гапни кимдан эшитганим ёдимда йўқ. Лекин жуда тўғри айтилганига неча бор ишонч ҳосил қилганман. Ҳаётда онага яқин ва меҳрибон фарзанд қиз эканига ва бу меҳр қиз боланинг ёшлик чоғиданоқ қалбида ниш уришига бир мисол келтирмоқчиман.

Биринчи дарсдан чиқишга кўнғироқ чалинган, **МАРЖОНА** синфидаги яқин дугонаси, синф сардори Сожидани бир чеккага олиб чиқиб секин деди:

– Сожида, синф раҳбарига бирга учрашиб, бугун менга жавоб олайлик? Ойим тунда иситмалаб чиқдилар ва роса безовта бўдилар...

– Олдиларида ҳеч ким йўқми?

– Нонуштадан сўнг врач айтган керакли дориларини ичирдим. Адажон ишхонага телефон қилиб, ёнларида қолмоқчи эдилар, ойим кўнмадилар. Адажон ишга кетганларидан сўнг, менинг ҳам дарсдан қолмаслигимни тайинлайвердилар. Мен устоздан жавоб сўраб келаман деб, мактабга келавердим. Жуда хавотир оляпман...

Маржона билан Сожиданинг сўзини эшитган синф раҳбари:

– Майли, қизим, сенга рухсат, боравер. Мен бошқа муаллимларга ҳам айтиб қўяман. Қолдирилган дарсларни Сожидадан билиб олгин, – деди.

– Раҳмат, устоз! – деди Маржона ва тез уйига отланди.

– Мен дарсдан сўнг сизларникига, албатта, кириб ўтаман, – деди Сожида.

Маржона ойисининг терлаганини кўриб, тезда сочиқ билан артиб олди-да, қуруқ кийимини кийгазди.

– Дориларингизни ичадиган вақт бўлибди, ойижон. Ҳозир озгинагина иссиқ мастава олиб келаман, серқатиқ қилиб дорилардан олдин ичиб оласиз, тезда тузалиб кетасиз...

– Қўли енгил шифокор қизимдан айланай! Иссиғим тунгига нисбатан сал пасайибди. Энди ўрнимдан турсам бўлар...

– Йўқ, ойижон, бугунча ўрнингиздан турмаганингиз маъқул. Яхшилаб тузалиб олинг аввал!

– Сизлар жуда бесаранжом бўлдинглар. Ҳозир уканг ва аканг ўқишдан келиб қолишади...

– Келишса, мен уларга тушликка сизникига ўхшатиб бир қуймоқ тайёрлаб бераман, мазза қилиб еб олишади. Ўғилларингиз қуймоқни яхши кўришини биласизку, ойижон...

Дам ўтмай акаси ва укаси ҳам келиб қолишди.

– Ойижон, қизингиз мендан чаққонлик қилиб қолибди. Мен ўқитувчилар хонасига кириб, синф раҳбаридан жавоб сўраб турсам, Маржона қизингизнинг синф раҳбари кириб қолди ва унинг сизнинг ёнингизга кетганини айтди. Доим шундай қилади-я бунингиз...

Маржона кулиб чой қўйиб юборди. Чой қайнагунча, тўртта тухумни тоғорачага чақиб солди, яхшилаб ийлаб, озгина ун аралаштирди. Кейин ёғни доғлаб, сал ҳовури пасайгунча оловни пастлатиб кутиб турди-да, кейин атала ҳолида тайёрлаган хамирини аста товага солди. Тоғорачани яхшилаб сидириб, бир четга олиб қўйди. Хамир дам ўтмай товага текис ёйилиб, шишиб чиқди. Асталик билан орқасини ўтирди. Ширмой нондек қуймоқ кўпчиб, қизариб пишди. Маржона уни тақсимчаларга кесиб, пиё-



лаларга сметана солди-да, акаси ва укасига берди. Бир бўлакчасини чой билан ойисига олиб кирди.

– Ойижон, опам қуймоқ пиширишга уста бўлиб кетибдилар-а! Раҳмат, опагон! – деди укаси.

– Шошмасдан егин! – тайинлади унга Маржона худди ойисига ўхшаб.

– «Қиз кўнгил малҳами», деб бекорга айтишмас экан, она қизим! Мана, келдинг-ку, назаримда ҳаммаёқ чароғон бўлиб кетди. Иситмам ҳам тушди. Энди ўрнимдан турсам ҳам бўлар...

– Доктор опа кечки пайт хабар оламан деган эдилар. Рухсат берсалар албатта турасиз, ойижон. Унгача ётинг! – деди Маржона ойисининг елкасини ўрар экан.

– Меҳрингдан топгин, бахтли бўлгин! – деди ойиси уни бағрига босиб.

* * *

– Бувижон, Маржона деган қиз худди Ойзода опамларга ўхшаган яхши қиз экан. Мен ҳам уларга ўхшашга ҳаракат қиламан, ҳамма яхши нарсаларни ўрганиб оламан, – деди Севинч.

БИРИНЧИ МАКТУБ

ГУЛСОРА уй ишларини битириб, бувиси дам олгани кириб кетганларида эртанги дарсларини тайёрлашга ўтирди. Кундалик дафтарининг керакли саҳифаларини очмоқчи бўлганида, унинг ичидан полга чиройли конверт тушди. Ҳайрон бўлганича уни ердан кўтарди-ю, юраги алланарсани сезгандек, юзи дув қизарди. Ҳеч ким кўрмадимикин деб, атрофга қараб қўйди.

«Гули, сен билан дўстлашишни истайман! Сеннинг барча фазилатларинг менга ёқади. Ораста кийинишинг, кулишинг, аъло ўқишинг ҳам бошқа-

ча. Негадир билмаган нарсаларни сендан сўрашга ҳеч тортинмайман. Балки бу – ҳаммамизга бир хил қараганинг учундир. Кўп фазилатларингни ойимларга ўхшатаман. Дўст бўлсак, жуда хурсанд бўлардим. Даврон»

Гулсора мактубни йиртиб ташламоқчи бўлди. Ойиси ёки бошқа биров кўриб қолса, нима бўлади? Акаси ҳам шу мактабда ўқийди, яна Давронга бирон нима деса-я! Аслида Даврон синфидаги энг аълочи бола, хулқи ҳам намунали. Ҳамма қатори синфдош бўлиб юрган эди... Нега бундай мактуб ёздикин? Қизиқ-а шу болалар ҳам.

Яқинда синфдоши Лола ҳам шундай мактуб олган экан, эртасига хат ёзган Адҳамнинг олдига келиб, унинг кўз ўнгида ҳалиги хатни майда-майда қилиб йиртиб ташлади. Бу ҳам етмагандек, ҳаммага эшиттириб:

– Тошингни тер! – деди.

Бутун синф ҳайрон бўлиб қотиб қолишди. Фақат Адҳамнинггина тез-тез нафас олаётгани эшитиларди.

– Узр, хонимча, манзилини нотўғри ёзибман. Афв этсинлар!!! Мана буниси тўғри, – Адҳам қўлини кўтариб...

Агар Рустам чаққонлик қилиб, унинг қўлини ушлаб қолмаганида, Лола яхшигина шапалоқ ерди. Синфдошлар бир энтикиб тушди...

Адҳам сумкасини олди-ю, синфдан чиқиб кетди. Мана бир ойдан ошди, қайтиб келмади... Хужжатларини ота-онаси бошқа мактабга ўтказибди.

Буларнинг ҳаммаси бир зумда Гулсоранинг кўз ўнгидан ўтди. Ўтди-ю мактуб қўлини куйдиргандек, уни қўлидан тушириб юборди.

Гулсора «Нима қилсам экан?» деб узоқ хаёл суриб қолди. Хонага бувиси кириб келганини ҳам сезмади.

– Ҳа, она қизим, хаёл суриб қолибсан, дарсларинг қийинми дейман?

– Дарслар? Дарсларим эмас... Мана бу... – Гулсора кўлидаги мактубни бувисига узатди. У бувиси билан дугоналардек сирдош, уларга ишонади.

– Нима экан? Ҳозир кўзойнагимни олай-чи...

Гулсора бувим уришиб берадиларми деб қўрқиб турган эди, аксинча, бувисининг чеҳраси ўзгармай деди:

– Менинг ойдин қизим ҳам катта қиз бўлиб қолибди-ю!

– Қизиқсиз-а, бувижон, мен бировга хат ёзгин дебманми? Энди нима қиламан? Эртага қайтариб берсам, Лола воқеаси қайтарилмайдими?

Гулсора бўлган воқеани бувисига айтиб берган эди.

– Менимча қайтаришинг тўғри бўлмас. Ахир синфдошинг сени ҳақорат қилаётгани йўқ, аксинча, сенинг кўп фазилатларингга ҳаваси келишини, яхши ўқишингни айтяпти. Сизларнинг ёшингизда бошқа кишида кўп яхши фазилатларни кўрган йигит ёки қиз ўзи ҳам шундай бўлишга ҳаракат қилади. Чунки ўша яхши фазилатли одамнинг ўзи ҳақида ҳам яхши фикрга эга бўлишини истайди-да. Ўзини ўзи тарбиялай бошлайди. Яхши фазилатларини кўпайтиргани сари ёмонлари ўз-ўзидан йўқолиб боради. Биласанми, киши ёшлигида ўзига сингдирган яхши фазилатлар унга умр бўйи ҳамроҳ бўлади. Кейинчалик бу дўстлик, қизларга ҳурмат йигитнинг бир умр қалбида қолиши мумкин. Дўстлик муҳаббатга айланиши ҳам мумкин...

– Вой, бувижон?! Сиз ҳам шу хаёлга боряпсизми?

– Асло ёмон хаёлга бораётганим йўқ, она қизим, мен фақат муҳаббатнинг барча ҳис-туйғуларнинг маликаси, у инсон бахтининг асосчиси эканини айтмоқчиман, холос. У қуруқ ерда ўсмайди, унинг киши қалбида барқ уриши учун бу қалбда дўстлик,

ҳурмат, эътибор, меҳр илдиз отган бўлиши керак. Йигитча сенинг чиройингга шайдо бўлганини ёзганида эди, бошқача фикр юритардим. У эса сени эслик қиз дебди, онасига ҳам ўхшатибди. Бу унинг яхши тарбия кўрганидан, қалбида эътибор, меҳр унишига асос борлигидан далолат беради. Бундай қалбда меҳмон бўлган муҳаббат киши қалбини эзгулик билан тўлдириб, бошқаларга ҳам меҳр-оқибатли бўлишга ундайди. Муҳаббат кўш инсон эҳтиёжи. Яъни ўзинг туйган қувончни бошқа инсон билан ўртоқлашгинг келади, бошқа инсонни ғамташвишлардан ўзингни асрагандек асрагинг келади. Бошқа инсонга ўзингга қарагандек қарай бошлайсан. Ана шунда чин бахтга эришиш мумкин. Ана қара – иккимиз бир бўлиб, бахт формуласини яратдик шекилли. Яъни, **бахт = муҳаббат+яхши муносабат**. Кўряпсанми, бу туйғуларга эгоизм ҳеч ҳам сингишмайди. Лола воқеасида эса... Қизгинада болага нисбатан муҳаббат йўқлиги бир сари, шундай бўлиши мумкин, лекин у «Тошингни тер!» дейиш билан ўзида оддий инсоний муносабатлар ҳам тарбияланмаганини ошкор қилибди, ички маданияти йўқлигини кўрсатибди. Уйда шундай тарбия олган бўлса керак-да. Шу иши билан у нафақат ўзига хат ёзган болани мактабдан «сургун» қилди, ўша бола қалбида қизларга, аёлларга нисбатан нафрат ҳам уйғотган. Йигитнинг қизга қўл кўтариши ана шу нафратнинг белгиси. Ишқилиб бу нафрат юрагида бир умрга қолмасин-да. Йўқса, бошқаларнинг бахтиқаролигига сабаб бўлади. Ахир ҳалиги формуламизнинг акси **бахтсизлик = муҳаббат – яхши муносабат** бўлади-да.

– Энди мен нима қилай, бувижон?

– Саккизинчи, тўққизинчи синфларда қизларнинг бундай мактублар олиши табиий ҳол. Бироқ Лолага ўхшаб сенинг яхши фазилатларингни ҳа-

вас қилган кишининг ҳафсаласини пир қилиш – одобсизлик бўлади. Ўзингнинг «яхши қиз» рейтингингни сақлаб қолишга, хатдаги яхши фазилатларингга яна янгиларини қўшишга ҳаракат қилишинг керакдир...

– Вой, ўзимнинг ақли бувижонимдан айланай! Эртага Давроннинг ўзига (бутун синф эшитиши шарт эмас) унинг мактубини олганимни айтаман. Айрим томонларимни бўрттириб юборибсиз, лекин мен шуларга лойиқ бўлишга ҳаракат қиламан, дейман. Елкамдан тоғ ағдарилди-я! Раҳмат, бувижон, худди шундай қиламан!

* * *

– Ойзода опа, сиз ҳам шундай хат олганмисиз? – сўради Севинч хаёлчан.

– Яхши қизларнинг шундай хат олиши табиий, бу биринчи ҳурмат белгиси ва яна ишонч ҳам бўлса керак.

– Менга ҳам шунақа хатлар ёзишса, нима қиламан?

– Биргалашиб бир нарса қилармиз, – жавоб бердим мен. – Ахир Гулсора ҳам бувисидан ҳеч нарса ни яширмади ва тўғри йўл топди-ку.

«УЙ КЎТАРИШ» ШАРТМИ?

РУХСОРА уйга келиб, уйнинг аҳволини кўрди-ю, боши айланиб, мактаб жилдини қаерга қўйишини ҳам билмай қолди. «Ойим бутун «уй кўтариш»га қарор қилибдилар-да, шартмиди шу?» – ўйлади у бир оз норози бўлиб.

У ойисининг кузда ва баҳорда, баъзан ҳар фаслда «уй кўтариш»ини яхши билади. Бу тадбир, гапнинг рости, унга ҳеч ёқмайди. Нега дейсизми? Чунки уйда ўша кунни ҳамма нарсанинг «оёғи осмонда» бўлиб қолади. Ўрганган тартиб бузилиб,



ҳамма нарсалар ўз жойини тарк этади. Керагин-гизни тополмай қоласиз. Ҳатто ойисидан бирон нарсани қаердан топиши мумкинлигини сўраса, дабдурустдан айтиб бера олмайдилар ҳам.

– Ойижон, папкамни қаерга қўяй? – деб сўради у бугун ҳам.

– Қизгинам, бир оз сабр қилсанг, ҳозир ҳамма ёқни тозалаб, нарсаларни яна жой-жойига қўйиб бераман, – деди ойиси жавон орқасидан туриб.

Рухсора ойим бу ерда нима қияптилар, деб аста жавон ортига мўралади. Онаси супургига намланган латтани ўраб, жавон орқасидаги деворни артиб, шифтдаги исларни олаётган экан. Девор Рухсоранинг кўз ўнгида чиннидай бўлди, ўзиям роса чанг ўтирган экан-а.

Рухсора бесаранжом бўлиб қолган уйидан қочиб кетмоқчи бўлди. Баҳонаси ҳам тайёр:

– Душанба кунига математикадан оғир масала берилганди, уни Сабоҳат ўртоғим билан бирга ечишни келишиб қўйгандик...

Билади, ойиси йўқ демайди. Учинчи-тўртинчи синфларда ўқиётганида ойиси уй кўтараётганида нималарнидир баҳона қилиб, дугонасиникига қочиб қолган. Кечки пайт уйларига келганида эса кўзи чарақлаб кетган эди:

– Вой, уйимиз жуда чиройли экан-а, ойижон! – деганди Рухсора ҳаяжонини босолмай. – Тез-тез уй кўтариб турайлик! Энди мен ҳам қарашаман.

Чунки ойиси буюмлар жойини ўзгартирган эди. «Худди янги уйга ўхшаб қолибди-я!» – деб ўйлаганди ўшанда Рухсора, ҳаммаёқ ярақлаб турганини кўриб. Ойижониси пардаларни ювиб, яхшилаб дазмоллаб илишга, ойналарни ювишга, кўзгуларни артишга ҳам улгурибди... Диван ва креслолар филофларини олиб ювибди. Уйнинг ҳавоси бирам яхши!

Фақат ўтган гал уй кўтарганларида ойиси билан бувиси жуда чарчашган, ҳатто овқат ейишга ҳам ҳоллари қолмаганди. Кечқурун дадаси ишдан, акаси ўқишдан келишганда уларга офарин айтишди. Бу мақтовларга жавобан бувиси ҳам, ойиси ҳам беҳолгина кулиб қўя қолишди холос.

Шулар кўзига кўриниб кетдими, ойижонисига раҳми келдими, «Энди мен ҳам қарашаман», дегани эсига тушдими ёки жавон орқасининг бир зумда топ-тоза бўлиб қолганини кўриб, дили ёруғлашди-ми, ишқилиб, бугун Рухсора қочиб кетиш фикридан қайтди. Папкасини ҳовлидаги сўрига илди-да, ойисининг ёнига келиб сўради:

– Ойижон, мен нима иш қилай?

– Вой, меҳрибон қизимдан ўргилай, – деди бувижониси нариги хонадан. – Қизимиз катта қиз бўлиб қолибди-я! Тез мактаб кийимларингни алиштириб, овқат еб ол, кейин мана шу хонанинг полини тозалаб ювиб берасан, она қизим...

– Сизлар ҳам мен билан бирга овқатланиб олинглар, мен ҳозир ҳовлига жой тайёрлайман, – деди Рухсора. – Кейин биргаликда ишимизни тез битирамиз, дадамни бир қойил қолдирайлик!

Ойиси ҳам, бувиси ҳам унинг сўзларидан мамнун бўлишди.

Рухсора пол юва бошлаганда, ойиси ёнига келди-да:

– Бошингга рўмол ўраб ол, шунда энгашганда сочинг кўзингни тўсмайди. Этагинг ҳам оёғингга ўралашиб, ҳаракатингга ҳалал бермасин, ишинг унумли бўлади. Полларни аввал бир сидра супуриб олиш, кейин яхшилаб қайта-қайта ювиш керак, қизим, – деди. – Уй кўтарганда ёки ҳафтада полни бир яхшилаб ювиб олсанг, кейин кунда бир сидра артиб турилса, хоналар озода туради...



Рухсора бугун полни бир чеккадан, тозалаб ювиш кераклигини, бунинг учун челақда сув олиб келиш, бир бўлак ерни икки марта нам латтани полга босиб туриб, яхшилаб ишқаш, кейин пол латтани тозалаб чайиб, яхшилаб сиқиб, ҳозирги ювилган жойларни қуригунча артиб олиш керак-лигини ўрганиб олди.

Уй кўтарганда иш жуда кўп бўлар экан-а!

Эртасига дам олиш қуни бўлгани учун ҳам, Рухсора ойисининг дарсингни қил, дейишига қарамай, уй кўтаришда ойиси ва бувисига ёрдам берди. Кечгача, эҳ-ҳе, қанча иш бажариб қўйишди: пардаларни бир оз ивитиб, кейин кир машинада ювиб олишди. Дераза кўзларини тозалаб ювишди. Кўзгуларни артишди. Диван ғилофларини ҳовлида қоқиб, яна жойига солиб қўйишдан аввал диван ва креслоларни чангютгич билан ораларигача тозалаб чиқишди.

Ошхонада ҳам иш жуда кўп бўларкан. Аммо қўллари теккан жойнинг тезда ярақлаб бораётганини кўриб, Рухсоранинг ғайратига ғайрат қўшиларди. Йўқ, у энди ҳеч қачон ишдан қочмайди. Ўз хонасини ҳам тез-тез «кўтариб» туради.

* * *

– Бизга ҳам уй кўтаришни ўргатасизми, бувижон? – сўради Севинч Рухсорага ҳаваси келиб.

– Албатта, уй ҳаммамизники бўлгани учун уни тозалаганда ҳаммамиз ҳам қурбимизга қараб ўзимизга иш топиб, ойижонга қарашамиз. – Менинг ўрнимга жавоб берди Ойзода.

Ҳа, бу борада Ойзода қизнинг бир оз тажрибаси бор.



РАЪНО мактабдан сўнг бирга дарс тайёрлаш мақсадида дугонаси Сабоҳат билан бирга қайтди. Аксига уйда ойиси йўқ экан. Музлаткичда ҳам тайинли овқат топилмади. Кечқурун укасининг косасидан ва қозондан кўтариб олинган 4-5 та пишган картошка, нонуштадан қолган бир-икки кесим қотган бринза, бир кесим қотган пишлоқ, кимдир қолдирган яримта тухум... Олиб келинганига бир ҳафтача бўлиб қолган творог... Ноннинг ҳам суви қочиб қолибди...

Ўртоғининг олдида роса уяладиган бўлди-да... Меҳмон ҳам қила олмайди энди...

Аmmo ошхонага дугонасининг ортидан кирган Сабоҳат нима гаплигини билиб:

– Ҳозир иккимиз тезда антиқа зиёфат тайёрлаймиз! Ойинг келсалар, жуда хурсанд бўладилар, – деди. – Қиймалагич қаерда?

У дугонасининг ойисига кўмаклашганида ошхонада киядиган фартугини белига боғлаб олди. Кейин ҳалиги картошкаларни киймалагичдан чиқариб, кичикроқ тоғорачага солди. Кетидан тухум, қотиб қолган бринза ва пишлоқни ҳам чиқариб, ликобчага солиб аралаштирди. Битта тухумни олиб пиёлага чақиб солди-да, дугонасига узатди:

– Сен буни тезгина майин қилиб ийлаб бергин...

Раъно унинг айтганини қилди. У ҳам тезда ишга киришиб кетди. Лекин дугонаси нима қилмоқчи ўзи?

Дугонаси шу орада жавондан товани олиб, ичига ўсимлик ёғидан солди-да, оловга қўйди. Ўзи эса тез-тез картошка қиймадан кафтига ёйиб, котлет ясай бошлади. Қандай дейсизми?

Кафтини текис қилиб, унинг устига бир ош қошиқда картошка қиймадан солиб, уни худди хамирни текис қилиб ёйгандек ёйди. Ёйилган



картошка устига озгина ликобчадаги ҳалиги аралашма (қиймалагичдан чиқарилган, музлаткичда қотиб ётган бринза, пишлоқ, тухум)дан солиб, кафтини аста буккан эди, аралашма картошка қиймасининг ўртасида қолиб, картошка котлет пайдо бўлди. Раъно қараб туриб, агар котлетларни «тугишни» кафтида бажармаса, улар бир-бирига қовушмаслигини англади.

– Буни шундайлигича ёққа солсак, картошкалар сочилиб кетади, котлетнинг шакли бузилади... – деди кулиб Сабоҳат қўлидаги котлетни ийланган тухумга булғаб олар экан. – Шунинг учун уларга, мана, тухум чопон кийгизамиз. Ана энди ёғда қизартириб оламиз. Ана, овқатмисан – овқат бўлди!

Кейин Сабоҳат яна бир-икки кун турса ачийдиган творогни олиб, каттароқ тоғорачага солди. Дугонасидан икки ош қошиқда ун беришни, иккита тухум ва бир пиёла шакар сўради. Уларни яхшилаб аралаштирар экан:

– Озгина сарёғ билан жиндек ванилин қўшсак яна ҳам зўр чиқарди, – деди.

– Сарёғ ҳам, ванилин ҳам бор, берайми? – деди ишга қизиқиб кетган Раъно.

Қизлар уларни ҳам қўшиб ийлашди ва тайёр бўлган хамирни газ духовкасининг кичик патнисига солишди.

– Духовкани ёқиб қўяйми, Сабоҳат? – сўради Раъно.

– Албатта, ўрта оловда ярим соатчада пишади.

– Унгача мен новвойдан иссиққина нон олиб чиқаман, – деди Раъно.

– Мана нон бор экан-ку, исроф қилма, ўртоқ.

– Суви қочиб қолибди-да...

– Пирогимиз пишгунича нонни ҳам маза қилиб ейдиган қиламиз.

Сабоҳат яна ишга тушиб кетди. Ярим буханкача суви қочган нонни кесимларга бўлди ва чуқур



ликобчада озроқ намакоб тайёрлаб, нон устига ялатиб чиқди.

– Нонни сувга ботирсанг, тез бўкиб қолади, – тусунтирди у, – яхшиси ялатиб қўя қоламиз.

Кейин у нонларни ҳозиргина картошкали котлет пиширган товада қолган ёғга солиб, кесимларнинг икки томонини қизартириб, ликобчага олиб сола бошлади. Ҳидининг ўзигаёқ Раънонинг иштаҳаси очилиб кетди.

– Буларнинг ҳаммасини кимдан ўргангансан, ўртоқжон? – сўради у столга картошкали котлет, творогли пирог ва юмшоққина бўлган нонни олиб келганидан сўнг.

Ҳаммасини тайёрлагуналарича ўттиз беш дақиқагина вақт кетибди холос.

– Ойимдан ўрганганман, улар уйда ҳеч нарсани увол қилмайдилар!

– Ана энди мен ҳам билиб олдим. Ҳалигина ўртоғимни нима билан меҳмон қиламан, деб ўйлаб турган эдим. Шунча яхши нарсаларни ўргатдинг. Раҳмат, ўртоқжон!

* * *

– Раъно опам қаторида биз ҳам ўрганиб олдик, бувижон. Энди қолган овқатларни, суви қочган нонларни ҳеч ҳам ташлаб юбормаймиз, – деди Севинч.

ҲАВАС ҚИЛИНГ, ЯХШИЛИККА ИНТИЛИНГ!

(Хотима ўрнида)

– Ана, болажонларим, сизнинг илтимосингизга кўра тенгдошларингиз ҳақидаги «Қирқ қизнинг ибрати» деб аталган ҳаётий ҳикоячаларимизни шу ерда тугатамиз...

– Вой, бувижоним, дарров тамом бўлдими? – деди шошиб Севинч.



– Ҳа, энди бу ёғини ўзингиз давом эттирасиз деган умиддаман, – дедим.

– Ахир сиз ҳикоя қилиб берган қизларнинг сони ҳали қирқта бўлмади-ку!

Севинч бу йил иккинчи синфда ўқияпти. Ҳисобни яхши билишини кўрдингизми?

– Бу ёғига энди ўзингиз давом этасиз, дедингиз, биз сизга ўхшаб ёзувчи бўлмасак... Қандай қилиб ёзамиз?

– Атрофингизга қаранг – яхши қизлар, бирон яхши фазилатини ўзингизга юқтиришни истаган тенгдошларингиз жуда кўп! Уларга ҳавас қилинг, яхши фазилатларини ўзингизга юқтиринг. Ҳаёли, иболи, оқила қиз бўлишга интилинг! Ахир сизга айтиб берилган бу кичик-кичик ҳикоячаларни ҳаётий деб бежиз айтмадик. Чунки унинг қаҳрамонлари ҳикоячаларда бевосита қатнашадилар. Гулноза, Гулгун, Дилдора, Нодира, Гулруҳ, Дилором, Раъно, Зебо, Холисон каби қирқта ўсмир қизнинг ваъда қилингандек ибратли қирралари – салом одоби, меҳнатга меҳр, ростгўйлик, бировларга яхшилик қилишга одатланиш, катталарга ҳурмат, ота-оналарни, муаллим ва устозларни эъзозлаш, бобо ва бувиларига яхшилик илиниш, улар кўнглини овлашга интилиш каби фазилатларини сизга кўрсатишга ҳаракат қилдик.

Инсон сизнинг ёшингизда, яъни болаликда, ўсмирликда ўқигани, эшитганининг маъзини тез илғаб олади, бир умрга эслаб қолади. Яна шуни ҳам айтиш керакки, айти шу даврда қуруқ панд-насиҳатлар сизларга кўп ҳам ёқавермайди. Сизларнинг руҳиятингиз, ички оламингизга бевосита ўзингиз иштирок этган нарсалар кўпроқ таъсир қилади, сизнинг характерингиз, хатти-ҳаракатингизнинг шаклланишига ёрдам беради.

– Тўғри айтдингиз, бувижон. Кеча икки дутонам – **Муяссар** билан **Умида** синфда бир ажойиб

тест ўтказишди. Бирам ҳавасим келди. Биз ҳам Севинч билан шундай тест – имтиҳонлар ўтказиб турсак бўларкан.

– У қандай тест экан, Ойзода опажон?

– Муяссар деган дугонам рус тилини жуда яхши билади. Кўп русча китоблар ўқиб, бизга ҳам гапириб беради. Яқинда қизлар тарбиясига оид бир китоб ўқиган экан. Унга кўра ўзингизнинг ҳам нечоғлик тарбияли қиз эканингизни билиб олса бўларкан. Фақат шарти шундайки, китоб охирида берилган бу тест саволларига тўғриси, ростини айтишингиз керак экан.

– У қандай саволлар экан? – қизиқиши ортди Севинчнинг.

– Ўнтагина савол холос. Мен ҳам ёзиб олган эдим. Хоҳласанг, ҳозир бирга жавоб берамиз. Ҳозир мен сенга ҳам кўчириб бераман. Агар саволга «Ҳа» деб жавоб бергинг келса, варақнинг шу савол ёзилган жойи тўғриси, қизил ҳошияга + (қўшув) белгисини қўясан, агар «Йўқ» бўлса – (айирув) белгисини қўясан, тушундингми? Бувижонимиз эса бизга ҳакамлик қиладилар.

Ойзода бир варақ қоғоз тепасига «Севинч» деб ёзди-да, саволларни кўчира бошлади:

1. *Кутилмаганда мактабда ушланиб қолишингизга тўғри келса ёки бирон ердан қайтишига айтилган вақтдан кечиксангиз, уйдан бирон ерга чиқишига тўғри келиб қолса, уйдагиларни, биринчи навбатда – ота-онангизни, бувингизни қай йўл билан бўлса ҳам (телефон қилиб, хатча ёзиб қолдириб, дугонангиздан айтиб юбориб) огоҳлантириб қўясизми?*

2. *Ота-онангиз бирон каттароқ юмуш (уй кўтариш, уйни таъмирлаш, қишга деб сабзавотларни банкаларга беркитиш) билан банд бўлсалар, сиз-*



ни «оёқ остида ўралашмай тур» деб кўчага ўйнагани ёки қўшни дугонангизникига телевизор кўриб туришга чиқариб юборадиган ҳоллар бўладими?

3. Бир дақиқагина берилиб ўқиётган китобингизни бир чеккага қўйинг-у, атрофингизга онангиз кўзи билан бир назар ташланг: хонангизда «ўз жойини топмаган» нарсалар кўп эмасми?

4. Ҳеч қандай «шпаргалка»сиз ота-онангиз, бобонгиз ва бувингиз, ака-укангиз, опа-синглингиз, сизни қутлаб турадиган яқин қариндошларингизнинг тугилган кунларини айтиб бера оласизми?

5. Ўз эҳтиёжингизни (байрамга чиройли кўйлак, куйлайдиган қўғирчоқ ва ҳоказо), албатта, яхши билсангиз керак. Отангиз ёки онангизга тезда қандай буюм олишлари зарурлигини ва улар ўша зарур нарсани қачон сотиб олмақчи эканликларини биласизми?

6. Ойингиз тайинлаб кетган топшириқнинг ўзинигина бажариб қолмай, ўз ташаббусингиз, фаҳм-фаросатингиз билан ўша топшириққа қўшимча тарзда яна бошқа ишни ҳам бажарган ҳолларингиз бўладими? Дейлик, ойингиз сиздан даҳлиз полини яхшилаб артиб қўйишни илтимос қилган эди, сиз ўзингизча яна пойгакда турган барча пойафзалларни ҳам тозалаб, тартибга келтириб, илгичдаги кийимларни тартибга келтириб қўясизми?

7. Онангиз ёки дадангиз, опа ва акангиз сизни ширинликлар, апельсин, банан ва ширинликлар билан сийлаганларида, бу неъматлардан катталарнинг ўзларига ҳам қолдимикин деган хаёлга борибгина қолмай, текшириб ҳам кўрасизми? (Балки сиз катталарнинг ширинликлар, апельсин, музқаймоқ ва бананларни «яхши кўрмайман» деганларини рост деб ўйларсиз?)

8. Ота-онангизда бир ярлақаб бўш оқшом пайдо бўлибди. Улар меҳмонга ёки театрға отлашияпти. Ўзингизнинг уйда қолгингиз келмаётганини (дейлик, уларнинг уйда қолишини илтимос қилибми, сизни ҳам ўзлари билан бирга олиб кетишларини талаб қилибми, қовоғингизни уйганча бир бурчакка тиқилиб олибми) ошкор этасизми?

9. Уйингизга катта ёшдагилар – дадангизнинг ёки ойингизнинг дўстлари меҳмон бўлиб келишди дейлик. Уйингиздаги катта ёшдагилар сизга меҳмонлар кетгунича ўз хонангизда тўполон қилмасдан, бирон-бир иш (масалан: китоб ўқиш, расм чизиш) билан машғул бўлишингиз, катталарга халақит бермаслигингиз кераклигини, катталар гапига аралашши яхши эмаслигини тез-тез эслатиб туришларига тўғри келмайдими?

10. Уйингизда, меҳмонга борганда, музей ёки бошқа жамоатчилик жойларда онангизга пальтолларини кийгизиб юбориш ёки бошқача эътибор кўрсатишга тортинмайсизми?

– Мана шу саволлар. Энди берган жавобимизга бувижон баҳо берадилар, – деди Ойзода варақни Севинчга узатар экан.

Қизларимнинг бу ажойиб тестга қандай жавоб беришлари мени ҳам қизиқтириб қўйди.

Ойзоданинг жавоблари: + - - + + + - - - бўлибди. Мен уни бағримга босиб, пешанасидан ўпиб қўйдим.

Севинчнинг жавобида фақат битта минус кўпроқ: + - - + + - - - -

– Кўпинча бананимни бўлиб берсам, ойим: «Ўзинг еяқол, мен унча ёқтирмайман», дейдилар... Оналар ҳеч ёлғон гапирмайдилар-ку!? – изоҳ берди у.

– Менинг ростгўй қизимдан ўргилай, – дедим уни ҳам бағримга босиб. – Оналар ҳақиқатда ҳам

ёлгон гапирмайдилар. Ҳамма яхшиликларни болаларига илинганлари учун ҳам гоҳ-гоҳда шундай «ҳийла» ишлатадилар-да, она қизим!

– Энди мен ҳам уларга илинаман, бувижон!

– Баракалла! Лекин мен сенинг жавобларингни ҳам опангники каби ўн балл билан баҳоладим, чунки сен ойингга ишонгансан, уларнинг гапига киргансан.

– Хафа бўлмагин, Севинч! Сенинг жавобингда бувижон айтганларидек, атиги биттагина айирув белгиси кўпроқ бўлибди. Кеча синфимиздаги кўп қизларнинг ҳам жавоби меники каби қўшув ва айирув белгиси бир хил бўлди. Лекин дугоналарим Маъмура, Муниса, Гулчеҳра, Феруза, Шоҳида, Насибаларнинг берган жавобида минуслар плюсларга нисбатан анча кўпроқ бўлди. Шунда ҳам устозимиз Гавҳар опа уларга кўнгилни чўктирмасдан, камчиликларини йўқотиш учун астойдил ҳаракат қилишлари кераклигини тушунтирдилар.

– Устоз жуда тўғри айтибдилар, – дедим набира қизларимга. – Чунки сиз ёшсиз. Ёшлиқда киши кўп орзулар қилади, куч-қудратига ишонади. Келажакка оид катта-катта режалар тузади, чунки ёшлиқ – истиқболнинг бошланиши. Киши истиқболнинг қандай бўлиши эса, кўп жиҳатдан унинг ўзига боғлиқ. «Одамзоднинг ҳамма ғарсаси: қиёфаси ҳам, кийими ҳам, руҳи ҳам, фикри ҳам гўзал бўлиши лозим». Сиз бу гапни кўп эшитгансиз, албатта. Жамиятимизнинг асосини ана шундай гўзал, баркамол, олижаноб кишилар ташкил этиши керак. Баркамолликка эса ҳар куни, ҳар соатда ўзингиз устингизда ишлаш, камчиликларингизни йўқотиш, такомилликка интилиш билан эришасиз.



ЎРГАНГАНИНГ – ЎЗИНГА...

Нондек азиз бўлинг

Уйга меҳмон келди

Чойга марҳамат

Кўрпача нечун?

Дастурхонли хонадон

Байрам дастурхонлари

Нонушта

Тушки овқатлар

Аср чойи

Кечки овқатлар

Тузнинг ортиги-ортиқ

Тансиқ таомлар

Шифобахш таомлар

Сомсалар

Салатлар

Ширин пишириқлар

Меҳмон ётиб қолса...

Совчилар ошхонага нега мўралайдилар?



ҚИЗЛАРЖОН!

«Билганинг – ўзингга фойда, қилаганинг – менга фойда...»

Сиз бу гапни ёшлигингиздан кўп марта эшитгансиз, албатта. Айниқса ойингиз, бувингиз уни кўп айтишган бўлишлиги керак. Мен ҳам набира қизларимга бу мақолни кўп эслатаман. Чунки айнан бувилар ва оналар чин дилдан қизларининг «қўли ширин» пазанда бўлиб, вақти келганда уларга гап теккизмасликларини жуда ишташади! Чунки қизларга, келинларга баҳс беришда айнан пазандалик асосий мезон эканини улар жуда яхши билишади. Қолаверса, қулоғингизга яна бир сирни айтиб қўяй: **айнан қўлингиз ва тилингизнинг «ширин»лиги бадоғатга етган даврингизда, айниқса, келинлик даврингиз ва умрингиз давомида сизнинг бошқа кўп камчиликларингизни ювиб кетишга қодир фазилатлардир.**

Бировлар «Пазандалик бу – санъат!» дейди, бировлар эса, «Йўқ, бу – ҳақиқий илм!» деб таъкидлашади. Иккисига ҳам ишонаверинг. Иккисида ҳам жон бор! Халқимиз тарихида сўнмас юлдуз ҳисобланган буюк олим Абу Райҳон Беруний бобомиз пазандалик ҳақида шундай деган эканлар: **«Пазандалик – кишилар саломатлиги, соғлом турмуш тарзининг асосий мезони бўлиб, кимё, физика, тиббиёт соҳалари ва башарият тажрибасини ўзида мужассамлаштирган фандир».**

Қизлар, келинлар бу фанни жуда яхши ўзлаштирган бўлишлари керак.

Бу фаннинг тарихи жуда узун. Мозийни ёрқин акс этаётган тарих музейларида одамзод яшаш



учун курашиши, меҳнат қилиши кераклигини англаган даврларидаёқ, яъни узоқ аждодларимиз қабил ва уруғ бўлиб яшай бошлаган замонлардаёқ пазандачилик турмуш маданиятининг ажралмас бир қисми эканлигини, кишилик жамиятининг энг қадимий фаолият турларидан бири бўлганлигини кўрсатувчи экспонатлар жуда кўп.

Кутубхоналарда, ҳар бир хонадонда таомнома, миллий таомларнинг тайёрланиш услублари битилган китобларнинг кўплиги ҳам шундан далолат. Ҳозирги кулчамиз уч минг йил илгари ҳам худди шундай шаклга эга бўлганига ишонасизми? Мен бунини юртимиздан анчагина узоқ ерда, Шинжоннинг Самарқандга кўра ҳам кўҳна шаҳри Турпон музейида кўриб, жуда ҳайратланган эдим. Қозон ва чўмичнинг тарихи ундан ҳам кўҳнароқ десак, ишонаверинг.

Ҳа, пазандачиликка оид китоблар кўп.

Биз бу бўлимда нашр этилган шу китоблардан тайёр рецептларни териб-саралаб беришимиз ҳам мумкин эди. Лекин биз бундай қилмадик. Атай илмийликдан қочдик. Уйда, кундалик ҳаётда ва меҳмон келиб қолганда рўзгорингизда боридан фойдаланиб, меҳмоннинг кўнглини олишингизни назарда тутдик. Тасаввурингизга, ижодингизга эрк бердик.

«Бугун фалон таомни пишираман. Бу таомга фалон-фалон нарсалар солиниши шарт. Лекин улар рўзгорда ҳозир йўқ. Демак, бугун ҳеч қандай таом пишира олмайман», деб ўша куни «қозонни сувга ташлашингизга» мутлақо қаршимиз. Сиз «йўқни йўндирадиган»лардан бўлинг! Бу – хоҳишга боғлиқ. Уйдаги сирини сиртга чиқаришни истамаган, шаҳарда яшайдиган бир келин бирров ҳол сўраб келган қайиноғасини пиёз доғига икки бурда ёпган нонни тўғраб, енгилгина қовуриб, устига ик-



китагина тухум (аксига рўзғорда ўша куни бошқа ҳеч нарса йўқ экан) чақиб, уни ҳам бир айлантриб, ликопчага сузиб келганида, бутун қишлоққа «Фалончи келин жуда яхши пазанда бўлибди, ба-ракалла!» деб мақталган экан.

Кўрдингизми, кўп нарса яна атрофдагиларга меҳрингизга ҳам боғлиқ. Шунинг учун бу бўлимда ўзимиз билганларимиздан ташқари уйига меҳмон келса, боши осмонга етадиган **Марғуба** холангиз, **Шоира** ва **Зиёда** опаларингиз каби келинларнинг ўзига хос таом рецептлари ёзилган дафтарларидан фойдаландик. Шуниси яхшики, улар бу дафтарларини узоқ йиллардан бери жуда авайлаб, тартиб билан тутишар экан. Янги ўрганган таом ёки пишириқларини варақчаларга ёзиб, кейин ҳар қаерга ташлаб кетадиган қиз-келинларга бу намуна бўлади, деб ўйлаймиз.

Ўзбекларга, хусусан, ўзбек аёлларига хос бўлган яна бир шукрона фазилатни айтиб ўтмай иложимиз йўқ. Момоларимиз борини эҳтиётлаб ишла-тишга, саранжом-саришталикка жуда риоя этишган. Уволдан кўрқибгина қолмай, музлаткичлар йўқ вақтларда ҳам маҳсулотни узоқ сақлашнинг оқилона чораларини кўра билишган. Ҳар бир хонадонда сабзи ўралар, хум, кўза, ертўлалар бўлгани шундан далолатдир.

Қизиқишингизнинг беқиёслигини, кундалик таомномангизни янги-янги таом турлари билан ўзгартириб туриш истагингизни назарга олиб, мазкур бўлимга байрам ва меҳмон таомлар намуналаридан, ўзимизнинг оддий, лекин кўнгилга урмайдиган таомлар намуналаридан, айрим фас-ларда ва йил мобайнида суйиб тановул қилинади-ган таомлар намуналаридан киритдик. Бундай таомлар бизда жуда кўп. Бу борада биздан олдинги момоларимиз жуда ижодкор бўлишганлиги аниқ.

Булар кўхна, лекин азиз таомлар: юпқа, сумалак, атала, ёвғон шўрва...

Яна бир тавсия: пазандачиликни санъат дедик, илм дедик... Илм ҳам, санъат ҳам Худо лойиқ кўрганларга буюрилган-ку деб, қозонга яқинлашишдан чўчиманг. **Оилангиздагиларга, шунингдек, атрофингиздагиларга бўлган меҳрингиз сизга қувват бериб, пазандачилик истеъдодингиз кундан-кунга ошиб, қўлингиз кундан-кунга «ширинроқ» бўлиб бораверишига ишонинг.** Яна бир гапни унутманг: **«Қатламанинг биринчиси аксарият куйibroқ чиқади»**... Бундан асло кўрқманг! Чунки эртасига пиширган қатламангиз, албатта, яхши чиқади ва сиз дуо ва мақтовлар эшитишингиз аниқ. Худди биз эшитгандек...

Сиз билан суҳбат баҳона, ёшлигимдаги бир воқеа эсимга тушди. Ўтган аср олтмишинчи йилларининг боши эди. Янги талаба бўлган кезларимиз. Бир якшанбада уйда ёлғиз қолиб, жомашов (кир ювиладанган сопол тоғора. У вақтлар кир ювадиган машиналар тушимизга ҳам кирмасди) олдига чўкка тушиб, енгил хиргойи қилганимча, кир юваётганимда эшик очилиб, кичик амаким опоқим билан кириб келишди. Дарров танчамиз курсиси ёнига ичкаридан меҳмонларга солинадиган кўрпачаларни олиб чиқиб солдим. Самоварга олов қаладим. Чой қайнагунча патнис устига уйда бор ноз-неъматлардан келтириб қўйдим. Ойим келинойим ва маҳалламизга келин бўлган катта опам билан яқинда янги меҳмонлик бўлган кичик опамни йўқлаб кетишганини айтиб, улар йўқловга тайёрлашган ҳасипдан (қозонда иссиққина турган экан) икки ликобчага солиб, устига кўкатлар сепиб дастурхонга қўйдим. Меҳмон келганида ойим, келинойим нималар қилишган бўлишарди, деган хаёл миямдан кетмасдан, улар қилган ишни такрорладим.

Қариндошлар бир нафас ўтириб, бир пиёладан чой ичишгач, ишимни давом этишимни тайинлашиб, шу маҳаллада турадиган аммамларни зиёрат қилгани чиқиб кетишди. Улар кетишгач, олиб келган тугунларини очиб кўрдим. Ошнинг хоми экан. Демак, яқиндагина чилласи чиққан янги меҳмонимиз – жиянимни йўқлаб келишибди. Демак, улар чиққунича ош қилишим керак! Аммо шу вақтгача ўзим мустақил равишда ҳеч таом пиширмаганман. Уйда кенжа қиз эдим. Опаларим, келинойим борлари учун ўчоқ бошига кўпда йўламас эдим. Қолаверса, олий ўқув юрти талабаси бўлганим учун қисман аяшарди ҳам шекилли... Лекин ҳозир ойимнинг юзини ерга қаратмаслигим керак. Ошнинг хомини олиб келган меҳмонлар пишган ош еб кетишлари керак... Бошимда фақат шу фикр эди...

Хуллас, китобларим орасидан Карим Маҳмудовнинг (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин!) ўша вақтлар кенг тарқалган **«Ўзбек таомлари»** китобини олиб, палов ҳақидаги тегишли саҳифани очдим ва китобни тандиримизнинг ён тоқчасига, ойим нон ёпаётганларида кичик тоғорачада совуқ сув қўядиган ерга қўйдим. Китобда ёзилгани бўйича хато қилмасликка тиришиб, файласуф ошпазнинг тавсияларини бирма-бир бажардим. Билмадим, қанча вақт ўтди. Охири ойим ва келинойим, опаларимга қарашганимда кўрганим бўйича, гуруч сувни териб бўлгач, анча бўртиб, йириклашган гуручларни қозон ўртасига йиғиб, ёғоч қошиқ дастаси билан бир-икки ерини тешиб ҳам қўйдим. Сўнг тоғорача тўнтариб, қозон қопқоғини ёпдим, унинг устидан кичик кўрпача ҳам ташлаб қўйдим... Димланадиган овқатнинг ёғоч қопқоқдан ҳовури чиқиб кетмасин учун ёпиладиган бу кичик кўрпачани биз «ўчоқ кўрпачаси» деб атардик.

Ўчоқда беш-олтита чўғ қолдириб, қолган оловни танчага солаётганимда, ойимгилар қайтишди.

Танча устидаги меҳмон патнисни, оҳорли кўрпачани кўриб, ойим менга «Ким келди?» деган маънода қараб қўйдилар.

– Шоилёс амаким билан Жамила кеннойим чақалогимизни йўқлаб келишибди. Аммамни кўргани чиқиб кетишди, – дедим.

– Танчанинг оловини янгилаб яхши қилибсан, тоғорада ош ва сомсалар бор эди, ўраб қўямиз, иссиққина туради. Уйдагилар қайтишди, деб чақириб чиқа қол, қизим. Совимасдан ейишсин...

– Ўзлари ошнинг хомини олиб келишибди. Дамлаб қўйдим. Яна ўн беш дақиқадан сўнг пишади. Ўзингиз сузарсиз... – дедим ишончсизлик билан.

– Сен-а! Умрингда ош дамламаган эдинг-ку... Қандай чиқдийкин?! Майли, буларни ҳам ўраб турайлик-чи, мабодо...

Палов дам еб бўлгач, ойим қозон қопқоғини очаётганида мен юрагимни ҳовучлаб, уларга яқинлашишга юрагим бетламай бир чеккада турган эдим. Аммо ойим ошга бир капгир уриши билан менга шундай бир қараб қўйдик, кап-катта қиз ҳеч тортинмай ойимни кучиб олдим. Ойим ҳам мени бағриларига олиб, «Баракалла, она қизим!» деб қўйдилар.

Биринчи ошим жуда ширин чиққан эди. Меҳмонлар ҳам мақтаб, мени дуо қилиб ейишди.

Яхшиларнинг дуоси сизга ҳам ҳамроҳ бўлиб, йўлингизга нур, қалбингизга қувват берсин, ойим қизларим!

НОНДЕК АЗИЗ БЎЛИНГ

Кузатганингиз бордир: уйингизга меҳмон келганда, албатта, қўлида иккитагина бўлса ҳам тандир нон кўтариб келади. Ойингиз меҳмон билан кўришаётиб, нонни қўлларига олар эканлар:

– Раҳмат, бизни нон билан сийлабсиз, илоҳо сиз ҳам нондек азиз бўлиб юринг, – деганларини кўп эшитгансиз.

Уйингизга нон келтиривчига ҳурмат билдириш сизнинг ҳам ёдингиздан кўтариламасин, қизим. Негаки нон биз учун фақат қорин тўйдирадиган, рўзгоримиз бутлигини англадиган неъмат бўлибгина қолмай, маълум даражада бизнинг инсонийлигимиз, тарбиямиз, маданиятимиз, одобимиз ва ахлоқимизни, маънавиятимиз бойлигини ҳам белгилайдиган мезондир. «Нонкўрга берган эсиз ошим, бевафога тўккан эсиз ёшим», деган гапни ҳам эшитгандирсиз. Қаранг: *нонкўр* деб – биров берган туз-намакнинг қадрига етмайдиган, яхшилиқни билмайдиган, кўрнамак, нонтепки одамга айтилади. Минг афсуски, орамизда бундайлар ҳам учраб туради. *Бевафо* деб вафосиз, лафзсиз, садоқатсиз одамга айтилади. Демак, бундай сифатга эга бўлганларнинг ҳеч бирига ҳам ишониб бўлмайди.

«Нонни катта тишласанг ҳам, гапни катта гапирма» деган гап ҳам бор. Катта гапириб, ваъда устидан чиқилмаса, киши уятга қолади. Аксинча, камтар кишилар эса ҳамиша ҳурматда. Иккала мақолда ҳам нон инсонийлик, одамийликнинг ўлчови, мезони, рамзи сифатида келаяпти.

«*Нон – чайналмагунча ютилмас*» деган гапнинг маъносини англашга балки сиз ёшлиқ қиларсиз. Аммо билиб қўйганингиз маъқул. Киши шошма-шошарлик қилса, ҳовриқса, аксарият ўзи уятга қолади. Катталар доим бировнинг гапини, берган маслаҳатини ҳам обдон ўйлаб, маъзини чақиб иш тутиш кераклигини кўп уқтиришади. Бу мақол айнан шунга ишора. Киши ёшлиқданоқ «етти ўлчаб, бир кесишга» ўргангани маъқул. Кўрдингизми, биргина нонимизнинг шунча маънавий салмоғи бор экан. Шу сабабдан юқорида айтганимиз «Нондек азиз бўлинг!» кексаларимизнинг одамларга айтадиган энг яхши дуолари бўлса, «Нон урсин!» энг оғир қарғишдир.

Одатда, стол ёки хонтахта устига дастурхон ёзилгач, биринчи бўлиб нон келтирамиз. Уни




ушатаётганда, албатта: «Бисмиллаҳир раҳмонир раҳийм!» деймиз. Бу иборада халқнинг шукри бор. «...Тандирдан янги узилган ноннинг хушбўй ҳидини туйган, иссиққина бўрсилдоқ бу неъматни татиб кўрган инсон аввало Яратганга шукр қилади, деҳқону новвойга ҳамду сано айтади», деганлар ҳазрат Абу Али ибн Сино.

Нон шундай азиз неъматки, уни минг-минг йиллардан бери истеъмол қилиб келингани билан, кўнгилга урмайди. У халқнинг тириклиги, маънавий қуввати мезонига айланган, муқаддас неъмат мақоми даражасига кўтарилган. Шунинг белгиси ўлароқ, ўзингиз ҳам кўп кузатганингиз бу қоидаларга сўзсиз итоат этасиз: дастурхонга биринчи нон келтирилади, нонни тескари қўйиб бўлмайди, тескари тишланмайди, нон устига бошқа нарса қўйилмайди, устидан ҳатлаб ўтилмайди, ушоғи ҳам ташланмайди, нон бурдаси ерда ётган бўлса, уни олиб, ўпиб, пешанага суртиб жойига қўйилади, исроф қилинмайди. «Нон ҳам нон, ушоғи ҳам нон» эканлиги доим уқтирилади.

Одатга кўра, йигит ва қиз унаштирилаётганда яхши ният билан қўш патир ушатилиб, фотиҳа қилинади. Чақалоқлар бешикка беланганда ёстиғи остига нон қўйилади. Инсон ўзининг биринчи қадамларини қўя бошлаганда, яъни «атак-чечак» қилганда пойига оқ пойандоз ёзиб, ризқи мўл бўлсин деб, кулчалар думалатилади. Уйда нон ёпилганда кичиклигимизда қўлимизга тутилган кулчаларнинг тафти-таровати бир умр димоғимиздан кетмайди. Сафарга кетаётганда нон тишлатилади, «ҳамроҳ бўлсин» деб йўлга нон берилади.

Буларнинг ҳаммаси ноннинг алоҳида мўъжизалигидан далолат.

Буюк ипак йўлидаги Турпон шаҳри музейида уч минг йиллик тарихга эга кулчани кўриб, ҳайрат-



ланган эдим. Кўриниши, катта-кичиклиги худди ҳозирги оби нондек... Кулча ўртасига урилган чакич излари ҳам кечагидек турибди...

Тарихчилар юртимизда, хусусан, Хоразм ва Бухоро вилоятларида ҳам милоддан аввалги мингинчи йилларда ҳозиргидек нон турлари ёпилган, олти минг йил аввал ер тандирлар ихтиро қилинган, ўн беш минг йил мўқаддам Ўрта Осиёда ғаллакорлик билан шуғулланилган, деб таъкидлашмоқда. Шунинг учун қўлига нон ушлаганида киши ўзини абадиятга даҳадор деб ҳис қилади.

Бизнинг нон ўз лаззати, тўйимлиги, шифобахшлиги, хушбўйлиги ва таровати билан алоҳида ажралиб туради ва ҳаммани ўзига мафтун этади.

Тошкентнинг лочираси... Самарқанднинг «нони Осиё»си... Фарғона водийсининг ширмойи... Сурхон воҳасининг қат-қат патири... Гўштли нон... Жизза-пиёзли нон... Седанали нон... Азиз нонимиз турларини санаб охирига етиб бўлмайди. Қаерда бўлишингиздан қатъи назар дастурхонга биринчи нон тортилади.

Энди диққатингизни нонларни қандай тортишга қаратмоқчимиз. Бунинг нимаси мушкул, даста-даста келтирилиб, дастурхонга қўйилаверилади дерсиз. Тўғри, оби нонлар шундай, катта дастурхоннинг ҳар ерига жуфт-жуфт қилиб қўйилади. Аммо ёғли қатлама патирлар, гўштли нонлар, жизза-пиёзли нонлар эса дастурхонга лаганда келтирилгани, аста ушатилиб, меҳмонлар олдидаги ликобчаларга қўйилгани маъқул. Шунда дастурхонингизни доғ бўлишидан асрайсиз. Меҳмонни хижолатдан, ўзингизни дилхиралиқдан қутқарасиз.

– Олинг, ош бўлсин! – дейиш ёдингиздан чиқмасин.



Ўзбеклар азал-азалдан меҳмондўст миллат сифатида донг таратишган. Уйларига-ю юртларига келган меҳмонларни очиқ чеҳра билан кутиб олиш, чин дилдан мулозамат кўрсатиш, уйда борини ўртага қўйиб меҳмонни сийлаш, юртнинг энг чиройли жойларини кўрсатиб қўнгилларини овлаш, яйратиш – миллатимизга хос қадрли фазилат.

Очиқ чеҳра билан кутиб олиш. Меҳмон кутишда очиқ чеҳраликни бежиз биринчи ўринга қўяётганимиз йўқ. Қўнгли тортиб ёки заруратдан келган меҳмоннинг ичкарига кириш-кирмаси, дардини айтиш-айтмаси, шу ерга келиб тўғри қилдимми ёки йўқми саволининг ечими мезбон тарафнинг чеҳрасига боғлиқ. Кўп ерда хонадоннинг кексалари, одатда, ёшларга шундай оқилона насихат қиладилар:

Баъзида қўнглингиз ёришмайроқ турган бўлса ҳам, буни ичингизга яшириб, эшиқдан келган меҳмонни, албатта, очиқ чеҳра билан кутиб олинг. Сиз шу хонадоннинг юзи эканлигингизни унутманг. Инсонлар ўртасидаги алоқанинг қандай бўлиши, борди-келди, дўстлик, ҳамкорлик, қариндошчилик, қудачиликнинг бўлиш-бўлмаслиги асосан сизнинг кишини қандай чеҳра билан кутиб олганингизга боғлиқ. Очиқ чеҳра, ширин муомалага ҳамманинг ҳаваси келади. Келган кишининг қўнгли ёришади, демак, катта савоб иш қилдим деб ҳисоблайверинг...

Ота-онага меҳр, каттага ҳурмат, меҳмонга мулозаматни киши аввал ўз уйида ўрганеди. Шунинг учун хоҳ уйингизда, хоҳ бошқа ерда шундай насихат эшитган бўлсангиз, уни ёдингиздан чиқармай, амал қилсангиз, бу амалнинг ширин мевасини кўп ўтмай, албатта, кўрасиз, она қизим!



Чин дилдан мулозамат кўрсатиш. Бир аёл шундай ҳикоя қилганди: «Бизга таниш бир оила бор. Бир нарсадан диққат бўлсам ёки ҳаётимда бирор қувончли воқеа бўлса, шу хонадонга чиққим келади. Уй эгалари шундай ширинсўз, самимий кишиларки, «ичингга кириб» кетишади. Диққат бўлиб чиққан бўлсам, дам ўтмай ташвишларимни унутаман. Айланиб ўргилишади, дастурхон ёзишади. Кўнгилни ёзадиган гапларни топиб-топиб гапиришади. Қувончимга шерик қилгани чиққан бўлсам, худди ўзлари юлдуз қучган одамдек, яшнаб кетишади. Уларни кўриб, қувончим яна ҳам ошади...»

Аёлнинг тўғри айтаётганини кўпчилик тасдиқлайди: ростдан ҳам уй эгаларининг ҳақиқий, чин дилдан қилган мулозамати кишини қанотлантиради, акси бўлса, кўнглини чўктиради.

Уйда борини ўртага қўйиб, меҳмонни сийлаш. Меҳмон ташрифига хурсанд эканлигини кўрсатишнинг яна бир белгиси олдига дастурхон ёзиб, борингизни ўртага қўйишдир. Она қизим, ҳозир ўзингиз ҳам кўп марта эшитган бир ҳикматни яна бир эслатиб ўтмоқчиман: ота-боболаримиз «Буғдой нонинг бўлмаса ҳам, буғдой сўзинг бўлсин!» деб тайинлашган.

Агар уйда самимият ҳукмрон бўлса, меҳмон олдига оддий чой билан нон қўйилса ҳам, улар тотли туюлади, оддий таом ҳам тансиқ таомдек иштаҳа билан ейилади. Буғдой сўзингиз уйингизда бор-йўғингизни билдирмай, юзингизни ёруғ қиладди. Мезбоннинг ахлоқ ва одоби, ички маданияти, инсонга муносабати меҳмонга нисбатан муомаласида яққол намоён бўлади.

Меҳмон кўнглини овлаш. Уйингизга келган меҳмон кўнглини топиб, хурсанд қилиш осон иш эмас, албатта. Ажаб, бир хил тоифа одамлар бор-



ки, фақат ўз ҳамкасблари, яхши танишлари орасидагина ўзларини «сувда юрган балиқдек» ҳис қиладилар. Қувнаб, очилиб, сермулозамат бўлиб ўтирадилар. Аммо уйингизга келадиган меҳмонни буюртма қилиб бўлмаслигини унутманг. Унинг кимлиги, касби нималиги, бойлигидан қатъи назар, уй бекаси барчага баробар мулозаматли, ўрнида қувноқ, ўрнида мулоҳазали ва босиқ ҳам бўлиши керак. Инсонни таниш, унга илтифот ва такаллуф кўрсатиш осон эмас. Айнан шу ерда кишининг ақлий камолоти, маданияти, ички маънавий даражаси ўзини намоён этади. Айнан шу ерда кишининг ички-ю ташқи гўзаллиги ўзини кўрсатади. Айнан шу ерда кишининг ҳар бир сўзи унинг ички дунёсининг овозига, одоби ва маданиятининг кўзгусига айланади. Бу гаплардан тегишли хулоса чиқариб оласиз, айниқса қизлар ўзларининг маънавий, ақлий-ахлоқий камолоти ҳақида муттасил қайғуришлари керак экан, деган ишончга келасиз, деб умид қиламиз.

ЧОЙГА МАРҲАМАТ

Сиз кунда яхши кўриб ичадиган чойингизнинг биринчи бор қаерда кашф қилинганини биласизми, ойим қизим? Кўп манбаларнинг кўрсатишича, чойнинг ватани ҳам жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшган Хитой экан. Тамаддун ривожига Хитой нима ҳисса қўшган экан деяписизми? Хусусан, қоғоз, компас, порохлар Хитойда кашф қилингани ҳақида болалар қомусида ўқигансиз, албатта. Мана, чой ҳам Хитойдан тарқалган экан.

Яқинда китобда шундай бир ривоят ўқиб қолдим:
«Қадим-қадим замонларда, бундан ўттиз, ўттиз беш аср муқаддам давр сурган бир Хитой хэқонининг жуда кўп канизаклари бўлган экан.

Кунларнинг бирида канизаклардан бири кечириб бўлмайдиган гуноҳ иш қилиб қўйибди. Хоқон уни ўлимга ҳукм қилибди. Бироқ канизакнинг ҳомиладорлигини билиб, ҳукмини ўзгартирибди, чунки канизакни ўлдирши, бегуноҳ гўдакнинг ҳам нобуд бўлишига олиб келарди. Хоқон канизакни бир неча кунлик озиқ-овқат билан таъминлаб, кимсасиз чўлу биёбонга ташлаб келишни буюрибди.

Канизак узоқ вақт бир ўзи чўлда кезиб юрибди. Охири бир тоғ этагига келганида ейишига овқати, ичишига суви қолмабди. Аёл яшаидан умидини узиб, бир бута тагига келиб беҳол чўзилибди. Қорни очиб, лаблари қуруқшаб кетибди. Ётган ерида мадорсиз қўлларини ўзига соя бериб турган бутага чўзиб, унинг баргларидан юлиб, қуруқшаган оғзига солибди. Баргларнинг ҳеч бўлмаса бирикки томчи намлик беришидан умид қилган эканда. Маълум фурсатдан сўнг аёл ўзини бардам ҳис қила бошлабди. Тетиклашиб, ўрnidан туриб юриб кўрибди. Яна бута баргларидан чайнаб ебди. Тобора аҳволи яхшилана борибди. Анча мадори кирганини англагач, ўзига қувват берган бута баргларидан анча териб олиб, келган йўлидан орқасига қайтибди. Шаҳарга келгач, шу мўъжизакор ўсимлик ҳақида одамларга сўзлаб берибди.

Шаҳардан узоқ ерларда учраган ям-яшил баргли бу бута ўсимлигини «ча-ийе» (хитойча) – «яшил барг» деб аташибди. Кўп ўтмай яшил баргнинг довруги сарой аҳлигача етиб борибди. Хоқон собиқ канизагини саройга чақиртириб, унинг аввалгидан ҳам гўзал, соғлом, бардамлигини, юзлари тиниқлигини кўриб ҳайратда қолибди. Унинг амри билан канизак бор гапни хоқонга айтиб берибди.

– Агар менинг табибларимга ўша гиёҳни кўрсатсанг, гуноҳингдан ўтаман! – дебди хоқон.

Канизак табибларни ўзи беҳол чўзилиб қолган ўша бута ёнига олиб борибди. Табиблар бу ўсим-



ликни яхшилаб ўрганишибди. Уни ҳар хил тарзда истеъмол қилганда кўрсатадиган фойдасини обдон ўргангач, «ча-ийе» ни экиб кўпайтиришига қарор қилишибди. Ча-ийе плантациялари пайдо бўлибди.

Аввалига «ча-ийе» – чой доривор ўсимлик сифатида қўлланилибди, табиблар беморларга чой дамлаб ичишни тавсия қилишадиган бўлишибди. Бора-бора чойзорлар кўпайгач, ундан кундалик ичимлик сифатида фойдаланиладиган бўлибди. Савдогарлар, сайёҳлар орқали унинг доверуги кўп юртларга кетибди»...

Ҳар бир юртнинг ўзига яраша урф-одатлари бўлади. Чой Хитойда кашф қилингани учун ҳам, балки бу юртда меҳмон кутиш унга чой қуйиб бериш билан бошланса керак. Ошхона, кафеларга кириб ўтиришингиз биланоқ, буюрган овқатингиз келгунича чиройли идишларга чой қуйиб беришадди. Чой қуйиш, чой билан сийлаш маросимини ҳатто санъаткорона бажаришадди.

Айлана стол атрофига ўтиришингиз билан ингичка жўмрагининг ўзи чамаси бир ярим метрлар келадиган кичкинагина чойгум кўтарган ханзу йигит келиб, қандай чой ичасизлар деб сўрайди. Столда турган чой идишларга турли чой солинган бўлади: кўк чой, қизил чой, «аждарҳо кўзи», жасмин гули чойи, сариқ чой... Хоҳлаганингизни буюрасиз. Ханзу йигит столингиздан бир қадам орқага чекинади-ю, чойгумининг узун жўмрагини чой идишингиздан бир қаричча нарига олиб келиб, шу тарзда уларга санъаткорона қайноқ сув қуюди. Бехтиёр куйиб қолишдан қўрқиб, ўрнингиздан туриб ҳам кетасиз! Чойчи йигит бунингизга берилган юксак баҳо ҳисоблаб, дамо-дам келиб, идишингизни тўлдириб туради...

Чой секин-секин Хитойдан унга яқин – Япония, Ҳиндистон ва бошқа Ҳинди-Хитой мамлакатлари-



га тарқалган. Бизга, яъни Ўзбекистонга ҳам чой ҳойнаҳой Буюк Ипак йўли орқали келган бўлса ажаб эмас.

Фақат меҳмон келганидагина эмас, бизда ҳамма вақт чой дамлашга катта аҳамият бериб келинган. Дастурхон ёзиб, нон ва бошқа керакли неъматлар келтирилгач, чой дамланади.

Бунинг учун меҳмонлар (оила аъзолари) сонига қараб каттароқ ёки кичикроқ чойнакни танлайсиз. Чой дамлашдан олдин эътибор беринг: чойнакда эски шамалар юқи йўқмикин. Қуруқ чой (кўк ёки қора) солишдан аввал чойнак албатта, қайноқ сувга чайилади.

Чойнакка мўлжалдаги қуруқ чойни солгач, унга қайнаган сув қуйилади. Чойнакни жуда тўлдириб юборсангиз, чой қуйишга қийналасиз: чойнак бурнидангина эмас, қопқоғи остидан ҳам қайноқ сув тошиб дастурхонни доғ қилади. Қолаверса, чойнак қопқоғи, жўмрагининг таги қорайганини кўриб, дилингиз хуфтон бўлади. Бундай чойнаклардан ичилган чой кишига ором бериши даргумон.

Чойни қуйиш ва узатишда ҳам гап кўп.

Пиёлага чойни тўлдириб, кишининг олдига «тақ» этиб қўйган қизлар, келинларнинг номи назокатлилар сирасига киритилиши қийин, албатта.

Келинлик остонасида турган қизларга чой қуйиш ва узатишни махсус ўргатиш бежиз эмас. Эътибор берганмисиз? Келинлар чойни пиёлага оз-оздан қуйиб, пиёлани бир чиройли (ўнг қўлларининг бош бармоғи билан пиёланинг четгинасидан, кўрсаткич ва ўрта бармоқлари билан эса пиёланинг остидан) ушлаб, чап қўллари бармоқлари учи билан ўнг қўл тирсагидан нозик тутиб, ҳимо ва тавозе билан узатадилар:

– Олинг, марҳамат!



Биринчи марта меҳмонга кўрпача солганингиз эсингиздами? Ўшанда сиз бутун диққатингизни бериб, дарс тайёрлаётган эдингиз. Ойингиз хамир қораётган эди.

– Қизим, меҳмон келди! Дарров кўрпача солиб юбор, – деди ойингиз қўлларини юваётиб.

Уйдан кўрпача кўтариб чиқдингиз-у, ҳайратингизни яшира олмадингиз.

– Ассалому алайкум, аммажон! Аммам меҳмон эмас, ўзимизнинг одам-ку! Кунда учрашиб турамиз-ку!

– Аммадан азиз меҳмон борми, қизим? – деди ойингиз солган кўрпачангизнинг олди-қочди жойларини тўғрилар экан, кейин меҳмонни сўрига чиқишга таклиф қилди: – Юқорига чиқинг, Шарифахон! Қани, қизим, дарров дастурхон солиб юборгин, мен чой қўйиб келаман!

– Овора бўлманг, кеннойижон, ҳақиқатда ҳам жияним тўғри айтяпти – бегона эмас, ўзингизнинг одамман, – деди аммангиз кулиб.

Аммангизнинг эътирозига қарамай, ойингиз газга чой қўйди, ичкаридан патнисда нон, ширинликлар, олма-анор олиб чиқди. Уларни бир чеккага қўйиб, сиз солган дастурхонни қайтадан тузатиб солганини ҳам эслайсизми? Нега шундай қилди?

Ўн икки яшар қизмидингиз ўшанда?

Аммангиз кетганларидан сўнг ойингиз сизни яна сўрига таклиф қилди ва эринмай чиройли қилиб кўрпача солишни ва дастурхон ёзишни ўргатди.

– Кўрпача солиш, дастурхон ёзиш, бир пиёла чой билан меҳмонни сийлаш – меҳмоннинг иззати, қизим. Ўзимизники-ку деб, эшиқдан келган одамга эътиборсиз бўлиш ярамайди. Аввал ўзимизникиларни иззат қилишимиз керак. Қизлар



чиройли қилиб кўрпача солишни, дастурхон ёзишни билишлари керак. Кўрпачалар хонтахта атрофига бир хил, букланган тарафини тўрга қилиб, қаватини текислаб солинса чиройли чиқади. Ҳали хонтахта устига ёзган дастурхонингнинг бир тарафи осилиб, кўрпача устида ётибди. Иккинчи томони бўлса хонтахтадан тўрт энликкина тушиб турибди. Дастурхоннинг тўрт тарафи хонтахтадан бир хил узунликда тушиб турсин, она қизим! Агар дастурхоннинг нақш ёки бошқача гуллари бўлса, уларнинг хонтахта устида бир хил узун-қисқаликда туришига эътибор бергин. Чиройли кўринади.

Меҳмонга атаб атай кўрпача солаётганинг, дастурхон ёзаётганинг билиниб турсин. Қандай дейсанми? Кўрпача кундаликда ишлатилаётган кўрпачалардан янгироқ, тоза, уринмаган бўлиши керак. Дастурхон ҳам тоза, яхши дазмолланган бўлсин. Тоза-ку деб, ювилган, аммо ҳали дазмол урилмаган дастурхонни ёзиб бўлмайди. Демак, дастурхонлар ювилган куниёқ яхшилаб дазмол урилиб, чиройли қилиб жавонга тахлаб қўйилиши керак. Зарур пайтда бугунгидек олиб ишлатаверасан, кўнглинг хижил бўлмайди, меҳмоннинг ҳам баҳри-дили очилади, она қизим.

Бу гаплар ҳеч эсингдан чиқмайди-а?

ДАСТУРХОНЛИ ХОНАДОН

Сарлавҳани ўқибоқ, «Вой, дастурхони йўқ хонадон ҳам бўларканми?» дейишга шошилманг. Эндиги суҳбатимиз оиланинг маънавий қадрияти ҳақида.

Одатда, «дастурхонли хонадон» деб меҳмондўст хонадонга, «Меҳмон – отангдай улуғ» таомилига риоя этиладиган хонадонга айтилади.

– Баъзан меҳмондўстлик шакли меҳмондўстлик мазмунига зидлигини дарҳол сезиб қоласиз. Бу уй



эгалари ўзларини «дастурхонли хонадон» эгалари қилиб кўрсатишга минг уринмасинлар, аслида ўзларининг «одам иси ёқмайдиғанлар»дан эканликларини тез ошкор қилиб қўядилар, – деб ҳикоя қилади шу мавсумда ўғлига муносиб қиз қидириб, кўп хонадонларга совчи бўлиб кириб чиққан кўшни аёл. – Яқинда бир хонадонга кирдик. Катта меҳмонхоналаридаги тўрт метрлик стол бели букилар даражада безатилган. Йўқ нарсаининг ўзи йўқ! Совчилар, одатда, нари борса икки-уч киши бўлиб юришади, ҳатто баъзида бир пиёла чой ичишга ҳам андиша қилишади. Шунга шунча катта стол ясаши шартми, деб ҳам ўйлайсиз баъзан. Меҳмонни яхши кўришларини билдиришнинг, «дастурхонли хонадон» эканликларини кўрсатишнинг бошқа мезонлари ҳам бор-ку. Масалан, муомала маданияти... Бизга чой олиб кирган она бўлмиш эса тинмай гапирарди, ҳатто бизнинг кимлигимизни, қаердан совчи бўлиб келганимизни ҳам сўрамади:

– Қизимга бир-икки совчи келиши билан хўжайиним «Совчи кутасан!» деб ишдан бўшатиб олдилар. Қизли уй карвонсарой эмиш. Карвонсарой бўлмай ўлсин! Дуч келган одам кириб келаверар экан-да. Дастурхон ёз, чой қўй... Бо худо! Шундан бошқа қиладиган ишим йўқми? Кўпларининг кавушини эшикданоқ тўғрилаб қўядиган бўлдим...

Шундай меҳмон кутган, кишига шу каби муомала қилган хонадондаги қиз қандай бўлишини кўз олдингизга келтириш қийин эмас. Ёзилган бу шоҳона дастурхон ҳам мақтанчоқликдан, мешчанликдан ўзга нарса эмас...

Кўриб турганингиздек, мулозаматнинг қай даражада самимийлигини билиш жуда осон. Уй эгаларининг хатти-ҳаракати, юз-кўзлари, имо-ишоралари уларнинг сизга айтган «Келинг!» деган сўзларини «шунчаки», «йўлига», «мажбуриятдан», «одамгарчи-

лик юзасидан», қўрққандан айтишяптими, сизга муносабатлари самимийми, расмийми, «тил учида»ми, «хўжа кўрсинга»ми, «жонини бериб»ми, хуллас, келганингиздан хурсандми ёки йўқликларини шундайгина ошкор қилиб туради.

Самимият ҳукмронлик қилган хонадонда ёзилган дастурхон шоҳона бўлмаса ҳам, ундаги ҳамма нарса тотли кўринади, оддий овқат бўлса ҳам, тансиқ таомдек иштаҳа билан ейилади. Нега шундай? Ахир ҳамманинг дастурхонида шу нозу неъматлар бор-ку? Буғдой нон топгани билан, буғдой сўз топа олмаганларнинг уйида эса боягидек шоҳона дастурхон устида ҳам киши қисиниб ўтиради.

Мезбоннинг ахлоқ ва одоби, ички маданияти, инсонга муносабати меҳмонга нисбатан муомаласида яққол намоён бўлади.

Меҳмон кутиш, у билан суҳбат қуриш алоҳида санъат эканини, уни мезбон ҳар гал оғринмай бажариши кераклигини унутманг.

Меҳмонга кўрсатилган илтифот, самимият кишининг кайфиятини чоғ қилиши, руҳини кўтариши аниқ. Айнан шулар ташриф буюрганлар билан хонадон эгалари ўртасидаги ораликни яқин қилади.

Уқтингизми, дастурхонингиз устига буғдой нон қўйиш билан бирга, дилингизга буғдой сўзларни маржон қилинг, шунда сизнинг хонадонингиз ҳам «дастурхонли хонадон» мақомини олади.

БАЙРАМ ДАСТУРХОНЛАРИ

Байрам дастурхонлари кундалиқдан бошқачароқ, ҳам тўкин, ҳам чиройли бўлиши керак. Бу фикрга сиз ҳам қўшиласиз, деган умиддамиз.

Биринчи навбатда ёзиладиган дастурхонга аҳамият беринг. У оқ, оч пушти, оч ҳаворанг... Хуллас, оч рангда ва чиройли бўлсин. Чунки байрам дастур-

хони кишининг кўнглини кўтариши, қалбингизда байрам кайфиятини уйғотиши керак. Демак, бу дастурхон яп-янги бўлмаса ҳам, яхшилаб (иложи бўлса крахмаллаб) дазмолланган, топ-тоза бўлиши шарт.

Дастурхон рангидан тортиб, унинг устига қўйиладиганлар ҳам бир-бирига мос бўлса, кўркам кўринади.

Дастурхон устига қўйиладиган неъматлар оила қандай байрамни нишонлаётганига боғлиқ: Ҳайитлар... Туғилган кун... Наврўз... Янги йил...

Ҳайит дастурхонларига, албатта, шу байрамларга атаб тайёрланадиган анъанавий пишириқларимиз – бўғирсоқ, қуштили, чак-чак, юпқа, қатлама кабилар қўйилади. Уларни қандай тайёрлаш эса хонадон бекалари, уларга сидқидилдан қарашадиган қизларимизнинг тасаввурига боғлиқ. Ахир биргина бўғирсоқнинг катта-кичиклиги турличалигидан ташқари, хилининг кўплигини айтмайсизми: оширма бўғирсоқ, патир бўғирсоқ, қатлама бўғирсоқ, оқ ёғли бўғирсоқ... Моҳирона қирқилган қуштилилар эса дастурхонда нафақат қушлар тилининг рамзи, балки киши руҳига енгиллик бахш этиб, парвозга шай турган оқ қушларга ҳам ўхшаб кетади...

Чак-чакларнинг безатилишини ҳам нақ санъат дейсиз. Авваллари чак-чаклар усти ёнғоқ ва майизлар, хўрозқандлар билангина безатилса, эндиликда чак-чаклар ичидан чиқиб келаётгандек туюладиган фавворалар, ранг-баранг мушаклар шаклини шу оддий хамирдан ўхшатиб ясашяпти. Уларни кўрганда қиз ва келинларимизнинг фантазиясига офарин айтмай иложингиз йўқ. Оддий, анъанавий доира шаклидаги қат-қат қатламани ҳам пиширишдан олдин варақи кескичда турли шакллар бериб, улардан лаган устида бир ажо-



йиб пирамидалар ясаб, дастурхонга кўрк бахш этишяпти.

Наврўз байрами дастурхонида эса баҳор, табиатнинг уйғониши, кишилар руҳидаги кўтарилиш акс этиб туриши керак, албатта. Сумалак, кўк қатлама, кўк сомса, кўк чучвара – буларнинг бари баҳор, Наврўз белгиси. Дастурхон устига бинафша, бойчечак каби баҳорнинг илк чечакларидан кичик гулдасталар қўйсангиз, тортиладиган таомларингиз устини ялпиз, кўкатлар билан безашда тасаввурингизга эрк берсангиз, яна ҳам яхши.

Туғилган кун нишонланаётган байрам дастурхони ўртасига кўплар тантана сабабчисининг исми ёзилган торт қўйишни одат қилишган. Бу торт зиёфат охирида кесиб дастурхонга тортилади. Туғилган кун – оилавий байрам. Аксарият ҳолларда унда оила аъзоларининг ўзларигина иштирок этишади. Ҳаммаси ўзимизникилар-ку, деб дастурхон безашга беҳафсала бўлиш ярамайди. Атоқли меҳмонлар келганида ишлатиладиган чинниларингизни бутун ишлатаверинг! Байрам байрамдек бўлиши керак-да! Ёзилган тоза дастурхон, унинг устига қўйилган чиройли ваза ёки лаганлардаги ҳўл мева, конфетлар, пишириқлар, мевали ва сабзавотли салатлар байрам руҳини беради. Кишилар сонига қараб ва хилини хилига мослаб қўйилган ликобчалар, улардаги безатилган қўл сочиқ (салфетка)лар оддий кундалик дастурхонимизга тантанаворлик, байрамон руҳ бахш этади. Ликобчалар ёнига қошиқ, санчқи қўйишни унутманг. Санчқи ликобчанинг чап, қошиқ билан пичоқ – ликобчанинг ўнг, торт ейишга мўлжалланган кичкина қошиқ эса ликобчанинг тепа томонига қўйилгани маъқул.

Безаган дастурхонингиздан ўзингизнинг ҳам кўнглингиз тўлиб, тантана сабабчисини очиқ чеҳра билан дастурхонга тақлиф қилинг:


– Таваллуд кунингиз муборак бўлсин! Дастурхонга марҳамат!

Янги йил дастурхонини бошқа байрам дастурхонларидан кўра ўзгача ҳаяжон билан тайёрлайсиз, тўғрими? Янги йил дастурхони атрофида ўтирганимизда, албатта, ўтган йилимизнинг кўп кунларини эслаймиз. Ютуқларимиздан севинамиз, кексалар шукроналар айтиб дуо қилишади. Бошимизга бирон ташвиш тушган бўлса, у ҳам ҳаётнинг бир синови бўлганини, бу синовдан сабр ва сабот билан ўтганимизни эслаб, яна шукроналар айтамыз. Шукрлардан қалб қувват олади. Ана шу қувват ила Янги йил ҳақида, ундаги режаларимиз, умидларимиз ҳақида тўлқинланиб гапирамыз, бир-биримизга энг яхши тилакларни айтамыз. Ўйин-кулги қиламыз... Янги йил байрами кўпроқ кишини шукроналикка чорлайдиган, қалбда янги умидларни муқим қиладиган фалсафийроқ байрамга ҳам ўхшаб кетади.

Демак, безатган дастурхонимизда ўтган йилимизга шукрларимиз акси, кириб келаётган Янги йилдан умидларимиз рамзи ҳам бўлиши керак. Бу тўкин-сочинлик, салобат ҳам демак.

Янги йил оқшомида, одатда, ташрифлар, телефон орқали табриклар кўп бўлади. Бири-биридан ажойиб теледастурларни, албатта, ўтказиб юборишни истамайсиз. Шуларни ҳисобга олиб, Янги йил дастурхонини, одатда, оқшомдаёқ безата бошлайсиз.

Чиройли дастурхон устига биринчи навбатда ҳамма оила аъзоларига мўлжаллаб ликобчалар, ёнига қошиқ, санчқилар қўйиб чиқилади. Шарбатлар қўйиб ичилишига мўлжалланган идишлар қўйиш ёдингиздан чиқмасин. Дастурхонга эрталабгача бузилмайдиган неъматларни оқшомдаёқ қўйиш мумкин. Масалан, чиройли вазаларда ҳўл мевалар, конфетлар, писта-бодомлар, пишириқлар...



Пишириқларингиз қотиб қолмаслиги учун улар устига ва салатлар, газакларга юпқа махсус плён-ка тортиб қўйганингиз маъқул. Ҳозир улар дастурхонингизни бегаб турса, керак пайтида очиб, та-новул қилиш учун қулайдир.

Кўп оилаларда бекалар, дастёр қизлар ҳам дастурхон атрофида бемалол ўтиришлари учун тортиладиган таомларнинг олдиндан тайёрланадиган турлари танланади. Масалан, норинни кундузи тайёрлаш мумкин, қозон кабобни тортишингиздан уч-тўрт соат олдин жуда паст оловга димлаб қўйсангиз ҳам бўлади.

Дастурхон тўкинлиги, салатлар ва таомлар хилининг кўплиги – Янги йилда меъёрдан кўп овқат ейиш, исрофгарчиликка йўл қўйиш мумкин дегани эмас, асло. Меҳмоннавоз миллат эканимизни унутманг. Қолаверса, тайёрлаган дастурхонимиз Янги йилнинг тўкин бўлишини истаётганимиз рамзи ҳамдир.

НОНУШТА

Эрталабки нонуштада ҳамма иш ва ўқишга шошиб тургани учун аксарият хонадонларда уйда бори ўртага қўйилади: нон, чой, қанд-шакар, сариёғ, қаймоқ, творог, пишлоқ, сметана...

Барвақт туришга одатланган, озгина меҳнатдан қочмаган, уйдагиларга меҳрли бекалар, қизлар, келинлар уйдаги кексаларни, оиланинг ўқишга ва ишга борадиган аъзоларини нонуштада енгил ис-сиқ овқат билан ҳам сийлайдилар.

Эрталаб ҳамма ишга, ўқишга шошиб турганда нонуштага нима тайёрлаш мумкин? Қуйида нонуштабоп таомлардан айримларини айтиб ўтамиз. Имконга қараб ҳар куни эрталаб уларнинг бирини тайёрлаб берсангиз, уйдагилар жуда хурсанд бўлишади.



Қўймоқ

Тез тайёрландиган ва кўпчилик суйиб танову қиладиган тўйимли таом.

Оила аъзоларининг сонига қараб икки-учта тухумни сирли тоғорачага чақиб соласиз ва яхшилаб ийлайсиз. Керагича туз, озгина шакар, бўлса – бир стакан сут, бўлмаса озроқ сув, икки-уч ош қошиқда ун қўшиб яхшилаб аралаштирасиз. Ёғни товада қиздириб, унинг уч-тўрт ерига бир ош қошиқдан хамир солиб чиқасиз. Қўймоқ тез кўпчиб чиқади, шунинг учун тагини куйдирмай тезда орқасини ўгириб сал қизартириб, ликопларга солиб тортасиз.

Блинчик

Бу таомни блинчик деб аташга ўрганиб кетганмиз. Бу сўз русча эканини биласиз-а? Аслида ўзимизнинг қўймоқнинг бир тури. Фақат хамири суюқ тайёрланади ва товада ёйилтириб пиширилади.

Бундай хамирни тайёрлаш учун бир литр илиқ сутга икки ош қошиқ шакар, иккита тухум, бир чимдим туз, бир чой қошиқда қуритилган хамиртуруш (драже), беш ош қошиқда манка ёрмаси, уч ош қошиқда ёғ ва суюқ бўтқа ҳолига келгунча ун солиб, яхшилаб ийлайсиз. Ун қумоқлари эзилиб бўлгач, ярим соат хамирни тиндириб қўйинг.

Шуниси қулайки, вақтдан ютиш учун эргалаб пишириладиган блинчик хамирини кечқурун тайёрлаб, музлаткичда сақласа ҳам бўлади.

Эргалаб тайёр хамирни яна бир бор аралаштириб юборасиз. Қизиган товага ёғ ялатиб, бир чўмич хамирдан соласиз ва суюқ хамир товага бир текис ёйилгунича товани ҳар томонга эгиброқ айлантириб турасиз. Блинчик жуда тез пишади. Куйиб кетмасидан орқасини ўгирасиз. Пишган блинчикни ликобчага устма-уст тахлайсиз. Хамирни пишириб бўлганингиздан сўнг, уюлиб турган кул-



чатой устига олдиндан тайёрлаб қўйилган картошкали қиймадан ярим қошиқ ёки шунча творог солиб ўраб, икки-учтадан ликобчаларга солиб, оила аъзоларига тортасиз.

Уйда творог бўлмаса, қийма ҳам тайёрламаган бўлсангиз, блинчикнинг ўзини буклаб мураббо ёки сметанага ботириб ейилса ҳам бўлади.

Қатлама


Нонуштага қатлама пиширмоқчи бўлсангиз, хамирини кечқурун тайёрлаб қўйганингиз маъқул. Хамир қориб, оз вақт тиндириб қўясиз. Кўплар пиёзли қатламани хуш кўрадилар. Бир бош пиёзни артиб, майин қилиб тўғрайсиз. Хамирни ўқлоғида доира шаклида текис қилиб ёйиб, шу катта доира устига эритилган маргарин ёки мол ёғи сурасиз. Тайёрлаган пиёзни ҳам шу доира устига сочасиз ва хамирни бир чеккадан «илон шаклида» пишиқ қилиб думалоқлаб оласиз. Уни бир қатламага мўлжаллаб бир хил узунликда (3-4 см) бўлакларга бўласиз. Бўлакчалардан кичкина думалоқ кулчалар тайёрлаб, уларни бир-бирига ёпишиб қолмайдиган қилиб лаганга ёйиброқ терасиз ва елим халтачага солиб, музлаткичга қўясиз. Эрталаб энди ишингиз анча осон кечадиган бўлди.

Эрталаб тайёрлаган кулчаларингизни бир чеккадан жўвада ёйиб, қизиб турган ёғда қат-қат бўлиб қизаргунича пишириб оласиз. Қатламаларингиз йирик бўлса, лаганга солиб дастурхон ўртасига қўясиз. Майдароқ бўлса, ликобчаларга солиб, оила аъзолари олдига қўясиз.

Чучвара

Уйда меҳмон бўлса ёки кексаларга манзур бўлсин десангиз, нонуштага оз-оздан чучвара тортсангиз, жуда чиройли иш бўлади.

Эрталаб хамир қилиб, қийма тайёрлаб, чучвара тутиш анча мушкул иш, албатта. Аммо бунинг та-



доригини сал аввалроқ, масалан, дам олиш кунлари кўриш мумкин. Қандай қилиб дейсизми?

Дам олиш кунлари ёки вақтингиз бўшроқ пайтда тухумни унга ийлаб, меъерида туз солинган сувда ўртача зувала чиқишини мўлжаллаб, хамир қорасиз. Уни яхшилаб мушглаб, тиндиргани қўйгач, гўшт қиймалагичдан озроқ гўшт ўтказасиз. Унга қиймалагичдан ўтказилган икки бош пиёз, керагичча туз, зира, бир чимдим мурч, майдаланган кашнич уругидан қўшиб яхшилаб аралаштирасиз. Бу ишларни битиргунча тиниб улгурган зувалани аввал бармоқларингиз орқаси билан кулчага ўхшатиб ёйиб оласиз. Кулча устига ун сепиб, иккига буклайсиз ва яна бармоғингиз орқаси билан текис қилиб ёясиз. Шу тариқа зувалангизни доира шаклида каттароқ очиб олганингиздан сўнг, уни ўқлоғи билан ёясиз. Кафтингизни ўқлоғининг ўртасидан чеккаси томон бир меъёрда думалатиб юргизсангиз, хамирингиз текис чиқади, четлари «клёш» бўлмайди. Керакли қалинликда ёйганингиздан сўнг, хамирга сал кўпроқ ун сепиб, ўқлоғига ҳаммасини ўраб оласиз ва бир чеккасидан худди кўрпача тахлагандек бир текисда тахлаб оласиз. Тахланган хамирни тўрт-беш сантиметр энликда тасмасимон қилиб кесасиз. Тасмаларнинг бир учидан ушлаб очиб, энди бир-бирининг устига саккиз-ўн қават қилиб тахлаб чиқасиз ва уларни яна бояғи энликда кесиб олсангиз, кичкина квадратчалар пайдо бўлади. Уларни лаган ёки патнисга териб, қанзимаслиги учун устини тоза сочиқ билан ёпасиз.

Хамир ёйган столингиз устини тезда артиб олиб, энди чучвараларни туғиб олсангиз бўлади. Квадратча хамир ўртасига ярим чой қошиқда қийма солиб, хамирни икки буклайсиз, хамир четларини қийма солинган тарафга букиб, икки учини бир-бирига



чимдийсиз. Чучвара тугишни сўз билан таърифлаш қийин, албатта, яхшиси бошқаларнинг тугишига қараб ўрганиб олганингиз маъқул.

Тугилган чучвараларни лаган ёки патнисга те-риб, музлаткичга қўйсангиз, тезда музлайди. Ке-йин чучвараларни елим халтачаларга бир марта пиширишингизга етадиган мўлжалда солиб, муз-латкичда керакли вақтгача сақлайверасиз.

Тайёр чучварани эрталаб пишириб бериш учун қозонингизда сув қайнатиб, унга озгина туз, тотли бўлиши учун «Галина бланка» бўлакчаси, керагича чучвара солиб, ўн-ўн икки дақиқа пиширасиз. Ко-саларга сузиб, юзига озроқ сметана ва бир чимдим кўкат солиб, дастурхонга тортасиз.

Ҳолвайтар

Қозонга бир чўмич ёғ солиб, яхшилаб қизди-расиз. Оловини пасайтириб сал совигунча, ик-ки-уч ош қошиқдаги шакарни тоғорачадаги бир литр қайноқ сувга солиб, эригунича аралаштира-сиз. Қозондаги ёғга оз-оздан икки-уч ош қошиқда ун солиб, тугунча бўлмаслиги учун яхшилаб ара-лаштирасиз, тагини куйдирмай ун тўқ жигарранг-га киргунча тез-тез кавлаб турасиз. Ана энди тайёр шарбатни аста қозонга қуясиз ва тез-тез аралаштирасиз. Оловни кўтариб, бир оз қайната-сиз ва қуюқ атала ҳолига келгач, сузасиз.

Ҳолвайтарни кичик косачаларда ёки ликопча-ларда ҳар кишига алоҳида оз-оздан тортасиз.

Ширгуруч

Кексалар ва болалар бор хонадонларда но-нуштага тез-тез пишириб турилса ҳам, кўнгилга урмайдиган суюмли таом.

Ярим литр сув қайнаб чиққандан сўнг унга бир пиёладаги тоза ювилган гуручни солиб аралашти-риб юборасиз, йўқса гуручлар бир-бирига ёпи-шиб қолади. Гуруч саккиз-ўн дақиқа қайнагач,

анча юмшайди. Ана шундан кейин бир чимдим туз солиб аралаштиринг ва қозонга ярим литр сут солинг. Тошиб кетмаслиги учун қайнаб чиққач, оловни сал пасайтириб, тез-тез кавлаб туринг. Бир ош қошиқда шакар солишни унутманг. Беш-ўн дақиқада ширгуруч шира тортиб пишади. Уни ҳам кичик косачаларда ёки ликобчаларда ҳар кишига алоҳида сузилади. Юзига оз-оздан сарёғ солсангиз, яна ҳам яхши.

Манка бўтқаси

Бу таом ҳам кексалар ва болалар бор хонадонларда нонуштага тез-тез тайёрланади. Пишириш усули ҳам ширгуручникига ўхшаш. Фарқи шундаки, ширгуруч пишираётганда қайнаган сувга мўлжалдаги ювилган гуручнинг ҳаммасини солиб аралаштирсангиз, манка қуқунини қайнаб турган озроқ сувга оз-оздан солиб аралаштириб турасиз, токи манка ёрмаси қумоқ-қумоқ бўлиб қолмасин. Тагига олмаслиги учун қуйилгунича аралаштириб турасиз. Сал қуйилгач, мўлжалдаги сутни соласиз ва бўтқа пишгунича ўртача оловда қайнатасиз. Тузни аввал, шакарни эса пишиш олдидан соласиз.

Тайёр бўлган бўтқани ликобчаларга ёки кичик косачаларга сузиб, юзига сарёғ солиб тортасиз.


Тухумли нон

Косага ёки чуқур тақсимчага иккита тухумни чақиб, бир чимдим туз соласиз ва тухумнинг оқи сарифига аралашиб кетгунича яхшилаб ийлайсиз. Кесиб тайёрлаб қўйилган бўлка нон кесмаларининг ҳар томонини шу ийланган тухумга ботириб, товадаги қиздирилган ёғда иккала томонини қизартириб пишириб оласиз.

Айниқса, болалар севган бу таомни ҳам ликобчаларга солиб тортасиз.

Тухумли макарон

Сирли чуқурроқ тоғорача ёки кастрюлга сув солиб қайнатилади ва унга узунлиги 3-4 сантиметрли ма-



карон ва туз солинади. Макаронлар пишгач, қозонда озгина пиёздоғ тайёрлаб, унга пишган макаронлар солинади ва кетма-кет уч-тўрт тухум чақиб, яхшилаб аралаштирилади. Шунда макаронлар тухумдан либос киядилар ва тўйимли овқатга айланадилар.

Ширчай

Ўзбек хонадонидида эрталаб ширчай – сутли чой бериш урфдир. Уни тайёрлаш ҳам унча қийин эмас. Оила аъзоларининг сонига мўлжаллаб қозонга сут солиб қайнатилади. Қайнаб турган сутга аччиқ қилиб дамланган бир чойнак қора чой солинади ва яна озроқ вақт қайнатилади. Ширчайни шопириб-шопириб аралаштирилади ва косаларга сузгач, чой қошиқ учида сарёғ, таъбга кўра мурч солиб берилади.

Кексалар бор хонадонларда ширчай фақат нонуштадагина эмас, бошқа вақтда, масалан, аср чойда ҳам тез-тез тайёрлаб берилади.

Картошкали қўймоқ

Оилангиз 6-8 кишидан иборат бўлиб, ҳаммамнинг нонуштага баравар ўтириш имкони бўлса, уларга картошкали қўймоқ пишириб берсангиз ҳам бўлади. У ҳам кўп вақт олмайди.

5-6 дона ўртача катталиқдаги картошкани қирғичнинг йирик тишидан ўтказасиз. 2-3 та тухумни шу картошка устига чақиб соласиз ва бир чимдим туз, «Галина бланка» бўлакчасини солиб аралаштирасиз. Кейин ўртача қуюқликдаги шу картошкали бўтқани бир ош қошиқдан товадаги қизиб турган ёққа бири-бирига ёпишмайдиган қилиб солиб чиқасиз ва икки ёғини қизартириб пишириб оласиз. Одатда, картошкаларнинг усти кисир-кисир, ичи эса юмшоқ бўлади.

Картошкали рўлет

Оила аъзоларининг сонига қараб, картошкани қайнатиб, пюре қилиб эзасиз. Кичик қозонча ёки

товада доғланган ёғга пиёз ва озроқ қийма солиб пиширасиз.

Столга целлофан пакетни ёйиб унинг устига пюрени текис қилиб соласиз. Ана шу бир-бир ярим сантиметрли хамирдек текис пюре устига тайёрлаган қиймангизни солинг. Кейин елим халтанинг бир ёғидан аста кўтариб, пюрени рулет шаклида ўранг. Халтачанинг сиз ўрай бошлаган тарафи бир айланиб, қиймага яқин келганда, уни пюредан аста кўчириб оласиз ва ўрашни давом эттирасиз. Ҳар гал елим халтачанинг бир тарафи қиймага яқинлашганда уни аста пюредан кўчириб олаверасиз. Рулетни ўраб бўлгач, елим халтачанинг охириги бўлагини олишга шошилманг. Рулетни шу халта билан биргаликда кўтариб газ духовкасининг патнисига қўйиб, сал думалатганингиздан сўнггина елим халтани олинг.

Елим халтача нега керак бўлагинини энди тушунгандирсиз. Ҳа, пюренинг ўзини рулет қилиб ўраб бўлмайди (сочишиб кетади), шунинг учун уни пакет билан бирга ўрадик, лекин пакетни ҳар қаторда кўчириб турдик. Рулетни газ патнисига шу тариқа сочилтирмай жойлаштириб олганингиздан сўнг унинг устига тухум суртиб, духовкага қўясиз. Оила аъзоларининг сонига қараб, газ патнисига иккита ёки учта рулет қўйилса ҳам бўлади.

ТУШКИ ОВҚАТЛАР

Одатда, тушки овқатда кишининг бир сутка давомида ейдиган овқатининг ярмини тановул қилиш тавсия этилади. Шунинг учун ҳам оила аъзоларининг кўпчилиги бирга тушлик қиладиган бўлса (айниқса, шанба ва якшанба кунлари), аксарият хонадонларда ҳамма севиб тановул қиладиган таомлар пиширилади. Шундай таомларнинг



айримларини айтиб ўтамиз. Умуман, ҳамманинг бир дастурхон атрофига баравар йиғилиб ўтиришини кўп оналар байрам деб биладилар. Шунинг учун ҳам улар дурустроқ овқат: палов, лағмон, сомса, чучвара, қозон кабоб каби таомларни пиширишга ҳаракат қиладилар. Сиз эса онангиз ёнларида кўмаклашиб турасиз, албатта.

Лағмон

Оила аъзоларининг сонига қараб, лағмонга солинадиган масаллиқларни мўлжаллаб оласиз. Булар: хамир қориш учун ун ва тухум, қайла учун қўй ёки мол гўшти, ўсимлик ёғи, тухум, картошка, қизил сабзи, пиёз, булғор қалампири, жандиқ, зираворлар, ошкўклар, туз.

Биринчи навбатда хамир қорилиб, тиндириб қўйилади. Шу орада қайлага уннашингиз мумкин. Бунинг учун пиёз билан булғор қалампирини ҳалқасимон қилиб, гўшт, картошка, сабзиларни эса тўртбурчак шаклида тўғрайсиз. Бу масаллиқларни доғланган ўсимлик ёғида яхшилаб қовурасиз ва озгина сув солиб димлаб қўясиз.

Тухумни чақиб, яхшилаб аралаштирасиз, товага озгина доғланган ёғ солиб тухумни кулча шаклида пишириб, совутиб қўясиз.

Сирли кастрюл ёки иккинчи қозонга сув солиб хамирни пишириш учун сув қайнатиб қўйинг. Унга туз солишни унутманг.

Энди тинган хамирни 2 мм. қалинликда ёйиб олинг ва 4 см. кенгликда тўлқинсимон қилиб уст-ма-уст тахланг. Шундай тахланган хамирни кесиш, кейин беш-олтитасини бир қилиб, чеккасидан узун қайлаларни тахидан ажратиш анча қулай бўлади. Тўғралган хамирни унга қориштириб, элақда қоқиб оласиз ва қайнаб турган сувга солиб пиширасиз. Хамир пишгач, човлида сузиб олинади ва оқиб турган совуқ сувда чайилади.



Лағмон косада юзига қайла, тўғралган тухум ва ошқўк солиб тортилади.

Қовурма лағмон

Қовурма лағмон пишириш учун ҳам мўлжалга қараб ун, гўшт, сарёғ, пиёз, помидор, тухум, саримсоқпиёз, туз, мурч ва ошқўклар керак бўлади.

Қовурма лағмоннинг хамири юқорида айтилган лағмонникига ўхшаш тайёрланади, фақат кесишда фарқ бор. Қовурма лағмон хамири 15-20 см. узунликда кесилади. У ҳам тузли сувда пиширилиб, бир-бирига ёпишмаслиги учун човлида сузиб олиб, совуқ сувда чайилади.

Маида тўртбурчак шаклида тўғралган гўштни сарёғда қовуриб оласиз, сўнг унга тўғралган пиёз, саримсоқ, помидор ёки томат пастаси қўшиб аралаштириб оласиз, кейин аввалдан пишириб олган хамирни солиб, ним қизил рангга киргунига қадар яхшилаб қовурасиз. Тухумли қуймоқни сомонча шаклида тўғраб қўшасиз. Қовурма лағмонни лаганга сузиб ўртага қўйишингиз ҳам, ҳар кишига алоҳида ликобчаларга солиб тортишингиз ҳам мумкин.

Кифта шўрва

Кўпчилик, айниқса, кексалар севиб истеъмол қиладиган бу таом учун гўшт, тухум, помидор, сабзи, пиёз, хамир қориш учун ун, тухум керак бўлади.

Биринчи навбатда гўштни лаҳм қисмини суяклардан ажратиб оласиз. Суякли бўлақларни совуқ сувга солиб, шўрва қайнатиб қўясиз. Юзига қалқиган кўпикларни олганингиздан сўнг тўғралган пиёз, помидор ва гулча шаклида кесилган қизил сабзи солинади ва милтиллатиб қайнатилади.

Энди ажратиб олган лаҳм гўшни гўшт қиймалагичдан ўтказиб, унга туз, зираворлар, тухум қўшиб аралаштиринг ва бир оз тиндириб қўйинг. Қийма тингач, ундан ёнғоқдек катталиқда шарчалар ясаб, шўрвага солиб пишинг.



Навбат энди хамирга. Тухум аралаштириб, намакобда ўртача қаттиқликда хамир қориб, бир оз тиндирасиз. Тинган хамирни 2 мм. қалинликда ёйиб, ундан 2-3 см.ли тасмалар кесиб олинг ва уларни майда қилиб тўғранг. Кесилган хамирни тузли сувда алоҳида пишириб олинг.

Таомни косаларда кифталар ва пишириб олинган хамир солиб, юзига тўғралган ошкўклар сепиб дастурхонга тортасиз. Столга қалампир, мурч қўйишни унутманг. Таъбга қараб айримлар уларни шўрвага солишади.

Димлама

Дам олиш кунлари кўпинча дадангиз тайёрлайдиган ва ҳаммангиз севиб тановул қиладиган таом – димлама эканини биласиз. Эркаклар илҳом билан тайёрлайдиган бу таомни негадир эркаклар таоми ҳам дейдилар.

Аслида димламанинг мураккаблик томони йўқ. Аксинча, уйдагиларни тушлик ёки кечқурунда бир яхши таом билан сийламоқчи, айна пайтда уйдаги ишларингизни ҳам битириб олмоқчи бўлсангиз, димлама – «ўзи пишадиган», кам меҳнат ва вақт талаб қиладиган яхши таом.

Димламага мол гўшти, картошка, қизил сабзи, помидор, булғор қалампери, саримсоқпиёз, туз, укроп, пиёз... керак бўлади.

Гўштни бўлакларга бўлиб, ёғоч тўқмоқча билан уриб юмшатасиз ва қозончага соласиз. Сўнгра майда тўртбурчак шаклида тўғралган картошка, сабзи, помидор, булғор қалампери, пиёз, саримсоқпиёз, ошкўклар, озгина сув, сариёғ, ора-орасига оз-оздан туз, бошқа зираворларни солиб, қозон устини маҳкам ёпиб қўясиз. Бу таом паст оловда 40-45 дақиқада пишади.

Димламани лаганларда, юзига ошкўк сепиб, дастурхонга тортасиз.



Палов


Бу сиз учун анча оддий кўринар. Чунки ўзбекнинг миллий таомини тайёрлашни қиз-йигитлар ўрта мактабнинг юқори синфларидаёқ ўрганиб олишга ҳаракат қилишади.

Ойингиз пиширганларида сиз ҳам зеҳнингизни солган бўлсангиз: паловга гўшт, сабзи, гуруч, ёғ, пиёз, туз, зираворлар керак бўлади.

Сабзи сомонча шаклида, пиёз ҳалқасимон қилиб тўғралади, гўшт эса бўлак-бўлак кесилади. Қозондаги доғланган ёққа гўштни солиб, қовуринг, кейин пиёзни солиб қизаргунча яхшилаб қовурасиз. Энди сабзини солиб, уни ҳам ёғ сабзи юзига чиқиб биқиллаб, масаллиқ ялтироқ тусга киргунича қовурасиз. Сув солиб, қайнаб чиққач, туз, зираворлар (кўпчилик саримсоқпиёз, баъзан беҳи ҳам солишади) солиб, гуруч солгунча милдирашиб қайнатиб қўйинг.

Гуруч солаётганда оловни кўтарасиз ва эзилиб кетмаслиги учун беҳи ёки саримсоқпиёзларни ликобчага кўтариб оласиз. Яна бир марта тузини текшириб, ювилган гуручни бир текис қилиб сабзи устига соласиз. Гуруч ботар-ботмас қилиб сувни ҳам расолайсиз. Гуруч сувни «териб олгунича» оловни баланд қиласиз, сўнгра унинг устки қисмини ағдариб қўйсангиз, гуруч текис пишади. Сувнинг ҳаммаси шимилгач, гуручни қозоннинг ўртасига капгир ёрдамида гумбаз шакли ясалади. Ликобчадаги саримсоқпиёз, беҳини унинг устига ботириброқ қўйиб, устини мос тоғорача билан беркитиб, паст оловда йигирма дақиқа дам едирасиз.

Ош анъанага кўра, лаганларга сузилади. «Бир лагандан ош еганга нима етсин!» деган гап бежиз эмас. Устига гўшт, беҳи тўғраб тортилади. Шароитга қараб, ошни косаларда ҳам тортиш мумкин.



Булар қатори кўп хонадонларда шароитга қараб, дам олиш кунлари яна сомсахўрлик, балиқхўрлик ҳам қилинади.

Юқорида айтиб ўтилган бу таомларни қозонга солиб бўлгач, айримларини димлаганингиздан сўнг, уларга муносиб (масалан, ошга – турп, ачиқ-чучук, тузламалар) салатлар тайёрлаш ёдингиздан чиқмасин. Яна ўзингиз фаслга, вақтингизга, имкониятингизга қараб, янги-янгиларини ихтиро этаверасиз.

АСР ЧОЙИ

Тушлик ва кечки овқатлар ораси 6-7 соатдан кўп бўлган айрим хонадонларда соат 16-17 ларда аср чойи берилади. Эмизикли аёллар, ёш болалар, кексалар бор хонадонларда аср чойи, айниқса керак. Аср чойи енгил таомдан иборат бўлиб, кексалар ва болаларга қувват учундир. Одатда, аср чойига атай қозон осилмай, уйда борини баҳам кўрилса ҳам бўлади.

Масалан:

Бир кесим нон билан пишлоқ ва ширин чой.

Қатиқ ёки йогурт билан ширин кулча.

Пиширикларнинг бирон хилидан бўлса, улар билан чой ичилса ҳам бўлади.

Қатлама, блинчик кабилар ҳам аср чойига яхши.

Ширчой, яъни сутли чой...

Кузда қовун, тарвуз...

Хўл мева, салатлар...

Хуллас, пайқаганингиздек, аср чойи болаларнинг очиқиб, кексаларнинг толиқиб қолмаслиги учун дармон чойдир. Уни айрим ерларда шунинг учун ҳам «дармон чой» деб ҳам аташади.



Аксарият хонадонларда, айниқса, кексалар бор оилаларда дастёр қизлар кечки овқатга нима тайёрлайлик деб сўрашади. Кексалар, албатта, кечки овқатнинг енгилроқ бўлишини истайдилар. Шифокорлар ҳам тунги уйқуга яқин вақтда ёғли, ҳазм бўлиши оғир овқатларни тановул қилмаган маъқул дейишади.

Биз ҳам шу қоидаларга риоя этишни лозим билдик.

Қийма шўрва

Керакли масаллиқлар: мол гўшти, картошка, помидор, пиёз, қизил сабзи, шолғом, тухум, зиравор, туз, саримсоқпиёз.

Гўштни суякдан ажратиб, гўшт қиймалагичдан чиқарасиз. Бир чимдим туз, бир пиёла ювилган гуруч, бир дона тухум, зира, кашнич уруғи, озгина мурч қўшиб яхшилаб аралаштириб, шўрвани тайёрлагунингизча тиндириб қўйинг.

Ажратган суяклар йирикроқ бўлса, чопқида косага солишга боп қилиб майдалаб олинг ва тозалаб ювинг. Қозонга юзалатиб (озгина) ёғ солиб, яхшилаб доғланг ва ҳалқасимон тўғралган пиёзни сал қизартириб олинг ва кетма-кет тайёр суякларни, чиройли кесиб қўйганингиз қизил сабзи ва шолғомни, картошкани, укропнинг майда тўғралган қалин бандини, помидорни яхшилаб қовуринг ва охирида оила аъзоларини мўлжаллаб сув солинг.

Шўрванинг суви қайнаб чиққунига қадар тиндириб қўйган қиймангизни ёнғоқдек катталиқда думалоқлаб, патнисчага териб қўйинг. Шўрванинг суви қайнаб чиққач, оловни пасайтиринг, масаллиқлар сал пишгунича, ўн-ўн беш дақиқа милдираб қайнаб турсин. Шундан кейин шўрва юзига тайёрлаган қийма ёнғоқчаларини аста териб



чиқинг, қозондаги шўрва бир текис қайнаб туришига эътибор беринг, чунки қаттиқ қайнаб кетса, қиймангизга тухум қўшганингизга қарамай, очилиб кетиши мумкин.

Қийма шўрва косаларда, юзига майда тўғралган укроп япроқларидан солиб тортилади.

Гречкали палов

Ўзбек хонадонларида гречкали бўтқага нисбатан гречкали паловни кўпроқ хуш кўришларини пайқагандирсиз. Уни қуйидагича тайёрлайсиз: Аввал ёққа тўғралган пиёзни солиб, ранг киргунча қовурасиз, кетма-кет майдароқ тўғралган гўшт, сомонча шаклида тўғралган қизил сабзи, помидор, қизил булғори, картошка солиб, уларни ҳам яхшилаб қовурасиз. Зираворлар, туз солишни ҳам унутманг. Сув солгач, бир оз қайнасин. Шу орада керакли миқдорда гречкани олиб, тозалаб ювиб, милдиллаб турган қозонга солинг ва оловни кўтаринг. Гречка сувга ботиброқ туриши керак, йўқса яхши очилмай, қаттиқ бўлиб қолади. Худди паловга ўхшаб гречка сувни териб олгандан сўнг уни қозон ўртасига йиғиб, димлаб қўясиз.

Бу таомни ҳам лаганга ёки ликобчаларга солиб тортасиз.

Қайнатма шўрва

Аксарият кексалар «тана яйраб» ичадиган суюқ овқат тайёрлаб беришни илтимос қилишади. Демак, кўнгиллари ё қайнатма шўрвани ёки «кўёвларга тортиладиган» маставани тусабди. Уларнинг кўнгилидагини тайёрлаб берсангиз, бир дунё дуо оласиз.

Кексаларга тайёрланадиган қайнатма шўрва юмшоқроқ ва музламаган мол гўштидан бўлгани маъқул. Гўштни майда бўлақларга бўлиб (суяги бўлса, уни ҳам майдалаб), тозалаб ювасиз ва қозондаги сувга солиб, олов ёқасиз. Қайнаб чиққач, оловни пасайтириб, милдиратиб қайнатасиз.



Кўпиги етилиб, олишга қулай бўлгунга қадар шўрвага соладиган масаллиқларни тайёрлаб олинг: пиёз, картошка, қизил сабзи, шолғом, помидор, укроп ва петрушканинг йўғон банди, туз, зира, саримсоқпиёз... Шўрванинг кўпигини олгандан сўнг, ҳалқа шаклида тўғралган пиёздан бошлаб, бошқа масаллиқларни ҳам сал вақт оралатиб, кетма-кет соласиз. Гўшт юмшоқ бўлиб, шўрвангиз шира тортиб пишгунича икки соатдан кўпроқ вақт ўтади. Қаттиқ қайнаб кетмасин.

Қайнатма шўрвани косаларда юзига ошкўк солиб тортасиз.

Маставанинг «куёвларга тортиладигани» қандай бўларкин деб хайрон бўлаётгандирсиз. Аслида маставани тез пишадиган таом, дейдилар. Аммо бу тез тушунчасига суви ва гуручи алоҳида-алоҳида бўлиб турадиган, шира тортмаган, яъни маромига етмаган кўринишдаги таом кирмайди, албатта.

Маставага пиёзни оддий, яъни майин ҳалқасимон қилиб, гўштни майда тўртбурчак шаклида тўғранг. Картошка, қизил сабзи, саримсоқпиёз, шолғомлар ҳам майда тўртбурчак шаклида тўғралади. Доғланган ёққа пиёздан бошлаб аста, навбати билан бошқа масаллиқларни, охирида майин тўғралган помидорни солиб, яхшилаб қовурасиз. Сув солиб, қайнаб чиққач, оловни пасайтириб қўйинг. Масаллиқлар сал етилгунча, милдираб қайнаб турсин. Таомни сузишингиздан 20 дақиқа аввал мўлжалдаги гуручни ювиб, қозонга солиб аралаштирасиз. Оловни кўтариб, яхши қайнаб чиққач, ўртача оловда, гуруч «оёқ-қўлини ёзиб», мастава шира тортунича пиширасиз. Маставани вақтида сузмасангиз, у қуюқлашиб қолади.

Мастава косаларда, юзига кертилган ошкўклар – кашнич, райҳон, бир қошиқ қаттиқ солиб тортилади. Дастурхонга мурчдон ва қалампирдон қў-



йишни унутманг, уларни истаганлар таъбга кўра солишади.

Карамли жаркоп

Бу таом қишда ҳам ёзда ҳам тез-тез тайёрлаб турилади. Карамли жаркопга қуйидаги масаллиқлар ишлатилади: гўшт, картошка, карам, шолғом, қизил сабзи, помидор, булғор қалампири, туз, зира-ворлар...

Доғланган ёққа пиёз, сўнгра кичик-кичик бўлакча қилиб тўғралган гўштни солиб қовурасиз. Шолғом, қизил сабзи, картошкаларни шакл бериб тўғрасангиз, чиройли чиқади. Уларни ҳам бир оз муддат қовуриб олгач, булғор қалампири ва помидор, кейин тўғралган карамни солиб, аралаштириб қовурасиз. Карамнинг сал суви чиқиб, юмшагач, туз ва зира-ворларни расолайсиз, оловни пасайтириб димлаб қўясиз. Тагига олмасин учун бир-икки бор аралаштириб қўйинг.

Карамли жаркоп ҳам лаганларда ёки ликобларда юзига майда тўғралган ошкўклар сепиб тортилади.

ТУЗНИНГ ЭРТИФИ – ОРТИҚ

Тузнинг аҳамияти ҳақида тўхталмасак ҳам бўлади. Тузсиз кун кечира олишимизни ҳатто тасаввур ҳам қила олмаймиз. Шу оддийгина ош тузи организм учун жуда зарур. Уни қадим-қадимдан ишлатишимиз бежиз эмас. Ҳамма овқатимиз туз билан тайёрланади.

Тузнинг биз учун нечоғлик муҳимлигини халқимизнинг кўчма маъноларда ишлатадиган ибораларидан ҳам билса бўлади. «Гапининг тузи йўқ!» дейишади айримлар ҳақида. Бу ўша кишининг сўзида маъно йўқлигини англатади. Тузсиз овқат ҳам бемаза бўлади-да.

Бир кишининг бир йилда олти ярим килограммча туз истеъмол қилишини биласизми? Қаранг,



кунда овқатимизга бир қозонга бир чимдимдан ишлатиб ҳам, киши бошига шунча истеъмол қилиб қўяр эканмиз.

Дунёда том маънодаги тузни ишлатмайдиган мамлакатлар ҳам бор. Аммо туз ўрнини антиқа усулда босишади, масалан, егулик овқатларини кокос пўстлоғига солиб, денгиз сувига ботириб ейдиган халқлар ҳам бор дейишади.

Бизда туз етарли даражада ва сифатли қилиб ишлаб чиқарилади. Лекин туз кўп деб, уни меъеридан ортиқ ишлатиб ҳам бўлмайди.

Халқимизда «*Тузнинг ортиғи – белнинг оғриғи*» деган матал бор. Жуда топиб айтилган гап. Дарҳақиқат, овқатингиз ҳаддан зиёд шўр бўлса, уни еб бўлмаслигидан ташқари, киши саломатлигига ҳам жуда зарар. Керагидан ортиқ туз истеъмол қилиш умуртқа, оёқ ва қўл бўғинларида «туз» йиғилишига, яъни остеохондроз касаллигига сабаб бўлади. Ошқозон-ичак, буйрак, жигар, ўт пуфакнинг касалланишига ҳам олиб келади. Хуллас, тузнинг ортиғи – ортиққина эмас, зарар ҳам.

Демак, овқатга туз солишнинг мейёрини билишимиз керак. Шўрдан кўра, ғўри яхши, дейди халқимиз. Яъни ўта шўрдан кўра, меъеридан кам (*гўр – меъерига етмаган* маъносида) бўлгани маъқул. Бунинг чораси осон – дастурхонга туздон қўясиз холос.

Таом тайёрланаётган вақтда, айниқса, суюқ овқатларда бир неча бор унинг тузи кўриб турилади. Бу – осон. Лекин айрим вақтлар масаллиқ тузини татиб кўриш қийин бўлади. Масалан, қийма тайёрлаяпсиз. Унинг тузини кўриш мушкул, хом гўштни оғизга олишни маслаҳат беришмайди. Қолаверса, овқат пишгандан сўнг тузи қандай бўлади, била олмайсиз. Нима қилиш керак? Яхшиси, мўлжални белгилаб, уни эслаб қолинг.



Билиб қўйган яхши

Гўшти котлетлар ёки тефтел тайёрлаётган бўлсангиз, 1 кг қиймага 20 г (яъни, 2 чой қошиқ) туз солинади.

Қилтаноқлари олинган, пўсти шилинган балиқ қиймасидан тайёрланаётган котлет ва фрикаделькалар учун ҳам 20 г (яъни, 2 чой қошиқ) туз солинади.

Оширма хамир тайёрлаётганда 1 кг унга 12 г туз (1 чой қошиқдан сал кўп) солсангиз етарли.

Овқатларга тузни қай вақтда солиш кераклигини ҳам билиб олинг.

Гўшти шўрва пишираётганда туз овқат пишишдан ярим соат олдин солинади.

Пўсти олинган картошканинг ўзини пиширишда туз олдин солинади.

Мош, нўхат, ловияли овқатларга тузни улар юмшагандан кейин солмасангиз, уларнинг пишиши – «мошнинг очилиши» қийин бўлади.

Гўшт, балиқ, товуқ қовурмоқчи бўлсангиз, уларни қовуришдан олдин тузланг.

Картошка қовураётган бўлсангиз, тузни у пишганда солган маъқул.

ТАНСИҚ ТАОМЛАР

Сумалак

Биз баҳорда севиб тановул қиладиганимиз сумалакни қимматбаҳо доривор ўсимлик – Шарқий Осиёда машҳур **женшень** билан қиёслайдилар. Бу бежиз эмас. Чунки буғдой таркибида токоферол деган модда сероб. У оч жигарранг, ёпишқоқ ёғсимон дармондори хусусиятига эга. Шунга кўра женшень, яъни «Е» дармондорисига ўхшаб кетади. Буғдой ўсимлигида кишига қувват берувчи бундай фойдали



хусусиятлар қўплигини жаҳонга танилган кўп олимлар эътироф этганлар.

Юртимизнинг ҳамма вилоятларидагина эмас, бутун Ўрта Осиёда ҳам баҳор фаслида сумалак сайллари ташкил этилади. Саховатли халқимиз савоб бўлсин деб, маҳалла-кўйга сумалак тарқатиб келади.

Сумалакни тайёрлаш буғдой ундиришдан бошланади. Бунинг учун сиз жайдари ва қайроқи буғдойдан керагича олиб, совуқ сувда яхшилаб ювасиз. Кейин уни сирли идишда уч кун ивitasиз. Ивитилган буғдойлар бўрта бошлагач, ёруғ, лекин кўёш тушмайдиган жойда тоза тахта ёки фанер устига бир-бир ярим сантиметр қалинликда ёйилади ва устига дока ёпилади. Хона ўртача ҳароратли бўлиши керак. Буғдойга қўзғалмасин учун дока устидан сув сешиб турилади. Уч-тўрт кун ичида майса униб чиқади. Майсанинг бўйи бир ярим-икки сантиметрга етганда, фанер устидаги бу яшил «пирог»нинг бўйи ва эни ўн сантиметрлик бўлақларга бўлинади. Бу бўлақлар гўшт қиймалагичдан ўтказилгач, уларга озроқ сув қўшиб, докада сузиб олинади. Шарбати алоҳида олиб қўйилади. Қолганини яна сувга аралаштириб, иккинчи бор сузиб олинади. Иккинчи шарбат ҳам бошқа тоғорага алоҳида олиб қўйилади. Бу жараён учинчи бор такрорланади.

Қозонни тозалаб, қуруқ сочиқ билан артиб олинади. Унга тегишли миқдорда ёғ солиб, қозон атрофига суртиб чиқилади. Кейин биринчи шарбат қозонга қўйилади ва устидан ун солинади. Ун қумоқлари қолмагунча яхшилаб аралаштирилади. Аралашма қайнаб чиққач, иккинчи шарбат қўйилади. Унинг ҳам қайнаб чиқиши кутилади, айни пайтда кавлашни давом эттирилади. Қайнаб чиққач, учинчи шарбат солинади.



Қозондаги суюқлик қайнаган сари қуюқ тортиб бораверади. Сумалак тагига олмаслиги учун ўн-ўн бешта ўрик данаги катталигидаги силлиқ тошлар тозалаб ювилади ва сувда қайнатилиб, сўнгра қозонга солиб юборилади. Сумалак мунтазам кавлаб турилади.

Тансиқ таом ҳисобланган сумалак етилаётганда пуфакчалар ҳосил қилиб, ёрила бошлайди. Ранги тобора тўқ жигарранг тусини ола бошлайди. Атрофни муаттар хушбўй ҳид қоплаб олади. Энди олов тортилиб, қозоннинг қопқоғини ёпиб, бир муддат дам едирса ҳам бўлади.

Қозон қопқоғини очганингизда сумалак юзидаги санъаткорона доира чизиқлар мўъжиза бўлиб кўриниб, сизни лол қолдиради.

Сумалак одамнинг умумий ҳолатига таъсир этиб, тетиклаштиради, руҳини кўтаради. У шундай шифобахш таомдир. Олинг, ош бўлсин!

Юпқа

Имкон бўлса, икки-уч кишилар иштирокида тайёрланадиган бу тансиқ таомга ёғ, ун, гўшт, пиёз ва озроқ сабзи керак бўлади.

Қозонда яхши доғланган ёққа аввал майда тўғралган пиёз солиниб, ранг олгунча қовурилади. Кейин қиймалагичдан ўтказилган гўшт солиниб, уни ҳам яхшилаб қовуриб олинади. Қиймани қовураётганда унга мурч, зираворлар қўшилса, жуда хуштаъм бўлади. Кўплар қиймани қовуриш жараёнида унга озгина сариқ сабзини қирғичдан ўтказиб, солиб юборишади, шунда қийма ҳам юмшоқ, ҳам хушхўр, ҳам тилла рангда бўлади.

Энди юпқанинг хамири ҳақида. У мантининг хамиридек, оддий.

Қиймани қовуриб, пиширгунингизча тиниб турган хамирдан ёнғоқдан каттароқ зувалачалар ясалади. Кейин аввал ясалган зувалачалардан бошлаб



юпқа қилиб ёйила бошланади. Хамирлар бир-бирига ёпишиб қолмаслиги учун урвоқни кўпроқ сепилады. Қизиб турган қозонга (каттароқ това бўлса яна ҳам яхши – текис ва яйраб пишади) ярим қошиқ ёғ суртиб, ёйилган хамирларнинг бири икки томони яхшилаб сингитиб пиширилады. Сўнгра қозонга иккинчи юпқа солиб пиширилады ва қозонда қолдирилиб, бетига тайёр қиймадан бир текис солиниб, устига биринчи пиширилгани ёпилады. Унинг бетига ҳам қиймадан солиниб, устига яна навбатдаги ёйилган хамир ёпилады ва пишириш учун ағдарилиб, янги ёпилган хамир энди пишириш учун таг томонга олинади. Қаватлар сони шу тариқа ўн-ўн иккитага етказилгач, алоҳида лаганга олинади ва алоҳида алоҳида ажратилиб, истаган шаклда тахланади ва лаганга териб совитилады. Юпқалар совигач, ликобчаларга солиб, дастурхонга тортилады.

Айримлар аввал юпқанинг хамирини пишириб олиб, қиймасини хамир тахланаётганда соладилар.

Юпқани жуда паст оловда пишириш ва зарур бўлганда қозонга (товага) ярим қошиқдан ёғ солиб туриш лозим.

Баъзи аёллар ишни тезлатиш учун юпқа хамирини сал бошқачароқ ёйишади. Катта зувала аввал худди манти хамиридек ёйилиб, йирикроқ тўртбурчак шаклда қирқиб олинади. Серурвоқ қилиб столнинг бир чеккасига тахлаб, сўнг битта-биттадан бу тўрт бурчак хамирларни жўва ёрдамида юпқа қилиб ёйиб олинади. Лекин уларни пишириб олиш усули бир хил.

Юпқа тансиқ таомлардан бўлиб, кўпроқ чақалоқни бешикка белаш ҳамда ҳайит маросимларида тайёрланади.

Халқимизда «Урвоғига чидасангиз, юпқа қиласиз, ғавғосига чидасангиз, қуда қиласиз», деган мақол бор. Бу гап мазкур тансиқ таомнинг тайёр-

ланиши кишидан бир оз заҳмат талаб қилинишига шама, албатта.

Аслида бир-икки юпқа пишириб, қўлингиз келишиб қолса, бу ишнинг асло қийинлиги йўқ. Кексалари бор хонадонларда юпқа тез-тез тайёрланиб, кексаларнинг қўнгли олинади.

Яқинларни тансиқ таом билан сийлаганга нима етсин!

Норин

Ўзбеклар, айниқса, Тошкент шаҳри ва воҳа аҳолиси оилавий тантаналарда, яхши кунларда суйиб истеъмол қиладиган, азиз меҳмонларни сийлайдиган тансиқ таом. Уни тайёрлаш сал мураккаброқ ва икки-уч киши иштирокини талаб қилади. Балки шу сабаб у тансиқ таомлар сирасига киритилгандир. Киши бир ўзи ҳам уйдагиларни норин билан сийлашнинг иложини қилиши мумкин.

Норин тайёрлаш учун аввало мўлжалдаги зираланган ва бир хил бўлакдаги гўштларни, агар бўлса, қазини совуқ сув солинган қозонга солиб, оловга қўйилади. Қайнаб чиққач, юзидаги кўпиги олинади. Майда тўғралган озгина пиёз, икки-учта помидор қоқиси ва бошқа зираворлардан солинса, норин шўрвасига маза киради. Шўрва паст оловда милтиллашиб қайнатилади. Қазини солган бўлсангиз, қайнаш жараёнида унинг ёрилиб кетмаслиги учун бир неча жойига игна уриб қўйинг.

Шўрва пишгунига қадар хамир юзига суртилдиган ёғни доғлаб олинг ва нориннинг хамирини ўртача қаттиқликда қориб тиндириб қўйинг.

Гўшт ва қазини пишгач, қозондан кўтариб олинг. Шўрванинг тузи расоланиб, бир қисми сирли идишга солиб олиб қўйилади. Уни ҳали суюқ норин тортишда ишлатасиз. Қозонда қолган қисмига эса сув қўшиб қайнатишга қўясиз ва унда кулча-тойларни пиширасиз.



Шўрва қайнаб чиққунига қадар тинган хамирни 2 мм. қалинликда текис қилиб ёясиз, кейин ундан томонлари 20 см.ли кулчатойлар кесасиз. Ана шу кулчатойларни қайнаб чиққан шўрвада пишириб оласиз. Пиширган қисмини совитиш учун тоза оқ бўз солинган столга бир текис қилиб ёйиб қўясиз. Хамирлар совигач, ёғлаб, чуқур лаганга ёки кичикроқ тоғорага уст-устига тахлаб олинг. Ёланмаган хамирлар бир-бирига ёпишиб қолишини унутманг.

Хамирни пишириб, совитиб, ёғлаб олганингиздан сўнг, улар совитилган бўзни тозалаб ювиб қўйишни унутманг. Кейинги гал яна олиб ишлатасиз.

Энди ёланган кулчатойларни тўғрашга ўтиришингиз мумкин. Олдин кулчатойларни тахтакач устига уч-тўрт қават қилиб текис тахлаб, улардан 3-4 см.ли тасмалар кесиб оласиз ва агар ҳозирда тўғрамайдиган бўлсангиз, уларни ҳам ёғи оқмаслиги учун лаган ёки тоғорачага тўр шаклида (бир қаторини энига, бир қаторини – бўйига қилиб) те-риб чиқасиз. Охирида уч-тўрт қаватли шу тасмачаларни бирма-бир олиб, сомонча шаклида майда (утрадек майин) қилиб тўғрайсиз.

Хамирни тўғраб тугатганингиздан сўнг пишган гўштни ҳам майин сомонча шаклида тўғраб оласиз.

Тўғралган хамирни ранг чиқармайдиган клеёнка устига бир текис ёйилади ва унинг устига озроқ зира сепилади, кейин хамир устига тўғралган гўштни ҳам бир текис қилиб ёясиз. Ана энди бир чеккадан норинни қориб (аралаштириб) олсангиз ҳам бўлади. Аралаштириш кишидан ниҳоятда майинликни талаб этади, чунки бехос қўполлик билан мижғиб юборсангиз, хамир бир-бирига ёпишиб, ликобга солганда сочилмайдиган (диркилламайдиган) бўлиб қолади.

Норин, одатда, меҳмонларга ликобчаларга солиниб, устига қазини парраклари қўйилиб тортила-



ди. Алоҳида идишларда майин тўғралган ва мурчга мижғиб олинган пиёз ҳам киритишни унутманг. Аксарият кишилар норинни пиёз билан қўшиб ейдилар.

Чўпли кабоб

Осиё ва Шарқ халқлари орасида қадимдан кенг тарқалган тансиқ таомларнинг бири – чўпли кабобдир.

Гўшт қиймалагичдан тегишлича гўшт чиқариб, охирида бир-икки бош пиёзни ҳам майдалаб юборилади. Бир-икки кесим бўлка нонни намлаб, қийма билан аралаштирилади. Қиймага керагича туз, зира, майдаланган кашнич уруғи, яна бошқа зираворлардан қўшиб, қийма обдон пишитилади. Қийма бир оз тингач, уни ёнғоқдек катталиқда думалоқлаб, қийма кабобни сихлагандек махсус чўпларга уч-тўрт дондан орасига думба ёки беҳи бўлакчаси қўйиб сихланади ва патнисга терилади.

Текис ва ясси қозонга ёки каттароқ товага ёғ солиб доғланади ва чўпли кабоблар шу қизиган ёғга уч-тўрттадан солиниб, сал қизаргунича айлантириб турилади. Шу тариқа ҳаммаси қизартириб олинган, кабоб куймасин учун қозон остида қолган ёққа картошка тахлаб чиқилади. Унинг устига чўпли кабобларни панжара сифатида (бир қатори энига, бир қатори бўйига) тахлаб, олов пасайтирилади ва қозон қопқоғи ёпиб, димлашга қўйилади. Кабоб 20-30 дақиқада пишади. Ликобчаларга солинган чўпли кабоб устига паррак қилиб тўғралган оқ пиёз қўйиб, дастурхонга тортилади.

Чўпли кабобнинг парҳезли тури ҳам мавжуд бўлиб, уларни ёғда қизартирилмай, газ духовкасида ёки қасқонда парлаб пиширса ҳам бўлади.

Сихга ўхшаш чўпларни қайдан олишни ўйлаб қолдингизми? Шаҳарда бу муаммо эмас. Қишлоқларда эса... Бу ерда ҳам асло муаммо эмас. Ота-боболаримиз тутган йўлдан бормоқ маъқул. Бунинг учун



беҳининг текисроқ ва ингичка новдаларидан 15-20 сантиметрли чўплар кесилиб, пўстлоғи шилиб олинади. Чўпларни тозалаб, бир учи найзабоп қилиб йўнилади. Фойдаланиб бўлгандан сўнг беҳидан тайёрланган бу чўпларни ювиб, қуришиб, кейинги гал ишлатишга олиб қўйишни унутманг. Улардан таралган хушбўй ҳид ҳаммага маъқул бўлади.

Киевча котлет

Кейинги вақтларда кузатган бўлсангиз, кўп хонадонларда ва тўйларда азиз меҳмонларга иккинчи (қуюқ) овқат сифатида «киевча котлет» деб аталадиган, кўпчиликлари манзур бўлаётган таом тортиляпти. Биз ҳам тайёрлаб кўрамызми?

Оилангиз аъзолари саккиз киши бўлса-ю, камида саккизта шундай котлет тайёрламоқчи бўлсангиз, ўртача товуқни суякларидан ажратиб, пўсти билан бирга қиймалагичдан чиқарамиз. Чоракта батоннинг ичини олиб, бир оз сутга ивитиб, уни ҳам қиймалагичдан ўтказамиз. 2 та майдароқ картошкани артамиз ва уни ҳам икки қайта қиймалагичдан ўтказамиз. Туз, зира, кичикроқ боғ укроп, озгина сарёғ, беш-олти ёнғоқ паллалари, товуқ суягининг чўзинчоқроқ еридан саккизта суякча оламиз, битта батоннинг пўстини тўртбурчак шаклида тўғраймиз, иккита тухумни бир идишга чақиб, ийлаб қўямиз. Ана, керакли масаллиқларни тайёрлаб олдик.

Энди «Киевча котлет»ни тайёрлашга ўтамиз. Товуқнинг қиймаси нон, зираворлар билан аралаштирилади. Тайёрланган бу қиймани кафтимизга қўйиб очамиз, яъни бир-бир ярим сантиметр қалинликда кафтимиз юзасида каттароқ қилиб ёямиз. Ана шу кафтимиздаги ёйиқ турган қийманинг бир учига товуқ суягини учини ташқарига сал чиқариб қўямиз. Қийма ўртасига пичоқ учига бир кичкина бўлакча сарёғ, бир чимдим укроп, 2-3 паррак ёнғоқ мағзини қўйиб, иккинчи



қўлимиз ёрдамида қиймани котлет шаклида ўрай-
миз. Тайёрланган котлет устига қуймоқ (ийланган
тухум)дан суртиб, унга тўғралган батон нонни
қоплаб чиқамиз.

Бу котлетларни қизиган ёғда, ўртадан балан-
дроқ оловда оч пушти рангга келгунича аста қо-
вуриб оламиз. Котлетларнинг ҳаммасини қовуриб
олгач, газ духовкаси патнисига териб, қизиган ду-
ховкада, ўртачадан пастроқ оловда маромига ет-
гунича (30-40 дақиқа) пиширамиз.

«Киевча котлет»ларни ликобларга қўйиб, атро-
фига помидор ва бодрингни чиройли тўғраб, озги-
на чўзинчоқ қовурилган картошка билан ёки бош-
қа гарнир билан бирга тортилади.

Гулхоним

Унга намакобли сув, тухум солиб ўртача қаттиқ-
ликда хамир қориб, ярим соатча тиндириб қўйинг.

Хамир тингунига қадар гулхоним қиймасини
тайёрлаб олинг. Бунинг учун керакли миқдордаги
гўштни қиймалагичдан ўтказинг, унга тўғралган
картошка, пиёз, туз, мурч, зира солиб аралашти-
ринг. Баъзан қийма жуда қуруқ бўлиб қолмаслиги
учун бир-икки дона сабзини майин қилиб тўғраб,
қиймага қўшиб юборилади.

Тинган хамирни юпқа қилиб (1-1,5 мм.) ёя-
сиз-да, тайёр қиймани хамир юзига солиб ўрайсиз
ва атиргулга ўхшаш шакл бериб қирқасиз. Гул-
хонимни ҳам қасқон лаппакларига очиқ тарафи-
ни тепага қаратиб териб, 40-45 дақиқа давомида
димлаб пишириб оласиз.

Таом юзига аччиққина помидор қайласи солиб
ва кўкатлар билан беаб, дастурхонга тортинг.



Куз, қиш, эрта баҳорда кишилар орасида шамоллаш кўпаяди. Халқимиз таомномасида қадим-қадимдан халқ табобатига уйғун шифобахш таомлар, халқ тилида – «туркана шифо таомлари» деб аталувчи парҳезли таомларнинг айримларини қандай тайёрланишини билиб қўйсангиз, ҳаётда асқатади.

Ёвғон хўрда

Оилада кексалар шамоллашса, дарров ёвғон хўрда буюришади. Унинг шифобахшлигини ҳамма билади-да. Сиздан ёвғон хўрда тайёрлаб беришни илтимос қилишса-ю, сиз уни қандай пиширилишини билмасангиз ҳам, асло йўқ деманг. Бунинг ҳеч қийинчилиги йўқ.

Бунинг учун ўртача катталиқдаги шолғом, сабзи олиб, катталигини бир сантиметрдан тўртбурчак ёки квадрат, пиёзни эса ҳалқа-ҳалқа қилиб тўғрайсиз. Ҳамма масаллиқни бир ярим литр сувга солиб қайнатасиз. Туз солишни унутманг. Сўнгра қайнаб турган хўрдага бир стакан (ўртача пиёлада – бир пиёла) яхшилаб ювилган гуруч (оқшоқ бўлса, яна яхши) соласиз-да, эзилиб пишгунича ўртача оловда қайнатасиз.

Тайёр таомни косага қуйгач, унга ош қошиғида уч қошиқ қатик, таъбга кўра майда қилиб тўғралган ошкўклардан (кўк пиёз, кашнич) қўшиб, қалампир ёки мурч сепиб беморга беринг.

Ёвғон хўрда ҳам терлатади, пешоб ҳайдади, овқатни тез ҳазм қилдиради, иштаҳани очади-ю тўйдирмайди.

Ёвғон хўрда шамоллашгагина эмас, бошқа хасталикларга ҳам энг яхши парҳез таом эканини унутманг.



Қоқирим

Кичикроқ бир бош пиёзни майин қилиб тўғрай-сиз-да, уни ярим коса қатикқа қўшиб, яхшилаб ий-лайсиз. Сўнгра бир чимдим туз ва шунча мурч ёки қалампир қўшасиз. Устидан шақиллаб қайнаб турган сув қуясиз-да, нон тўғраб, истеъмол қиласиз. Нон қотган бўлса, янада яхши. Бу парҳезли таомни ичган киши терлайди. Шунинг учун уни ичганлар ўралиб ётганлари маъқул. Яна бир яхши хусусияти эрталаб пешоб ҳайдайди. Аъзоларидан илаат чиқиб кетгандек бўлиб, киши ўзини енгил ҳис қилади.

Болаларга қоқирим тайёрлаганда, мурч ёки қалампир қўшилмайди. Мурғак гўдакларга эса пиёз-сиз сувидан бир неча қошиқ ичириш керак.

Мурччой

Шамоллаган кишига кечқурун ётиш олдидан мурччой берилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Бу-нинг учун ярим литрли чойнакка кичик қошиқда кўк ёки қора чой солиб дамланади. Сўнг унинг ярмича ёки бир чимдим мурч аралаштирилади. Мурччойни пиёлага оз-оздан қуйиб, тез-тез ҳўплаб ичилса, кишини яхшигина терлатади. Шамолла-ган болаларга мурччой тайёрлаганда чойнакка бир чой қошиқ қора чой, 10-12 дона мурч, тўрт чой қо-шиқда асал ёки тухум катталигида бир бўлак но-ввот солиш керак бўлади.

Мурччой яхши шифо, бироқ астма хасталиги-га чалинган, шунингдек, аллергия хасталикларга мойил ва ошқозон-ичак яраси безовта қиладиган катта ёшдаги беморлар ва диатези (чилла яраси) бор болаларга мурччой асло тавсия этилмаслигини билиб қўйганингиз маъқул.

Сут билан минерал сус

Бир стакан қайноқ сутга шунча «Тошкент мине-рал суви» (ёки «Фарғона», «Боржоми», «Ессентуки» ва бошқа минерал сувлар) қўшилиб, тез-тез ҳўплаб



ичилади. Бу муолажа эрталаб наҳорда ва кечқурун ётиш олдидан уч кун давомида уч маҳал амалга оширилса, нафас йўлларини очади, терлатади, пешоб ҳайдайди, шамоллашни таққа тўхтатиш билан бирга, таомнинг ҳазм бўлишини яхшилайтиди.

Мева ва сабзавот шарбатлари

Дўконларда олма, узум, анор, олхўри, беҳи каби мевалар, сабзи, лавлаги, карам, помидор сингари сабзавотларнинг шарбатлари доим топилади. Уларнинг ҳаммасидан бир стакандан оласиз-да, ўзингиз ҳам турп, пиёз, хурмодан шарбат эзиб, ҳаммасини бир идишга солиб аралаштирасиз. Бунга яна бир стакан асал қўшиб, қопқоғи жипс ёпиладиган сирли кастрюлда бир қайнатиб оласиз.

Шарбатларнинг бундай аралашмаси ҳар куни овқатдан икки соат олдин ёки овқатдан кейин ярим стакандан уч маҳал ичилса, аъзоларни дармондориларга бойитади, жигар, талоқ ва буйракдаги тикилмаларни очади, танани енгилаштириб, юракка қувват ато қилади. Шамоллаш у ёқда турсин, бошқа касалликларнинг ҳам олдини олади.

Лимон билан асал

Лимонни, айниқса, ўзимизнинг катта, пўсти қалин Тошкент навини ўткир ва зангламайдиган пичоқ билан пўсти аралаш майдалаб тўғрайсиз. Тоза шиша банкага унинг бўлақларидан солиб, бир ош қошиғида эритилган асал қуюсиз. Яна шунча лимон бўлақлари, яна шунча асал. Идишни шу тарзда тўлдириб қўйсангиз, бирор соатлардан сўнг шарбати ажралади.

Шамоллаган кишига ана шу шарбатдан ҳар куни бир қошиқдан уч маҳал ичирсангиз, уч-тўрт кунда шифо топади. Бу парҳез, айниқса, ёш болаларга роҳатижон. Агар қарияларга берилса, улардаги қон босимини ҳам меъёрга келтиради. Лимондаги дармондорилар асалдаги глюкоза, фруктоза



қандлари, яна бир қанча маъдан моддалари микроэлементлар билан бирлашиб, қон таркибини яхшилайти, юракни бақувват қилади. Мутахассисларнинг маълумотиға қараганда, Тошкент лимонининг қалин пўчоғидаги моддалар буйрак, талоқ ва жигар касалликларига ҳам дори экан.

Саримсоқ

Паррақларини пўстидан арчиб, бўлка нон сиртиға суркаб, туз сепиб ейиш керак (қора бўлка бўлса янада соз). Ёки саримсоқни майда тўғраб, нонға қўшиб чайналади. Саримсоқ таркибида фитонцид деган модда кўп бўлиб, оғиз бўшлиғи, ошқозон ва ичаклардаги вирусларни ҳамда зарарли микробларни қиради.

Оғиздан саримсоқнинг ёқимсиз ҳиди келмаслиги учун ярим қошиқ қора чойни чайнаб-чайнаб, кейин оғизни иссиқ сувға чайилса кифоя.

Қишки салат – «фантазия»

Ўртача катталиқдаги турпдан бир донасини олиб, майин қилиб тўғрайсиз. Сабзини ҳам шундай тарзда тўғрайсиз ёки қирасиз. 200 гр. карамни ҳам майдалаб чопасиз. Бир бош пиёзни ҳалқа-ҳалқа қилиб, уч-тўрт дона саримсоқ паррақчасини эса майдалаб тўғрайсиз.

Ярим стакан ўсимлик ёғидан олиб, доғлаганингиздан сўнг пиёз билан саримсоқни солиб жазлайсиз. Бир оз қизаргач, уч ош қошиқ томат пастасидан қўшиб, жазлашни давом эттирасиз. Сўнг томат билан пиёз жазини оловдан олиб, совитасиз-да, ҳалиги тўғралган сабзавотларға қўшиб, аралаштирасиз, туз ва мурч сепишни унутманг.

Мана шундай салатни шамоллаган, гриппға йўлиққан беморға тавсия этиш мумкин. Салатға тўғралган сабзавотлардаги дармондорилар, маъдан моддалари, микроэлементлар бирикиб, гоят шифобахш хусусият касб этади.



Ошқовоқ яхнаси

Яхши пишган ошқовоқнинг хоҳлаган навидан олиб, палла-палла, яъни гугурт қутисидек ва ундан каттароқ қилиб тўғрайсиз-да, уруғи ва пўчоғини олиб ташлайсиз. Бўлаклар юзига майин туз се-пиб, манти қасқон лаппакларига териб, 30 дақиқа буғлатасиз. Тайёр бўлгач, ликопга солиб, юзига сарёғ ёки қаймоқ суртиб, дастурхонга тортасиз.

Бу таом шамоллашни қолдиришдан ташқари ошқозон учун ҳам жуда фойдали.

Шолғом яхнаси

Арчилган шолғомни энига бир сантиметр қа-линликда лаппак-лаппак қилиб тўғрайсиз, юзига майин туз сепиб, манти қасқонга қўясиз ва ярим соат буғлатасиз. Тайёр бўлгач ликопчага солиб, юзига қаймоқ ёки сарёғ суртиб, беморга берасиз. Шамоллаш, нафас олиш йўлларининг дағаллаши-ши, ўпка фижиллашида яхши фойда беради.

Сут, ошқовоқ, сарёғ

Қайнатилган сутга қирқилган ошқовоқ солиб пиширилади (нисбати: 1 литр сутга 200 грамм ошқовоқ). Тайёр бўлгач, косага қуйиб, ҳар порци-ясига бир ош қошиқдан сарёғ (маска) солиб, бе-морга берилади. Бу таом ҳам яхши терлатади, то-моқни юмшатади, нафас олиш йўлларини очади.

Сутли атала

Ўсимлик ёғидан озроқ солиб доғлайсиз ва бир бош кичикроқ пиёзни майин тўғраб, сал қизартириб ола-сиз. Кейин уларга бир ош қошиғида ун солиб, қу-моқлар пайдо бўлмаслиги учун сал ранг киргунича яхшилаб аралаштириб турасиз. Ана энди бир литр сут солиб, қайнаб чиққунича аралаштириб турасиз. Беш дақиқа қайнаб турсин. Росмана аталага ўхшаб қуйилгунича кутманг. Унга нисбатан сут кўп бўлга-ни учун бу таомимиз «сутли атала» деб аталса ҳам, аслида сал қуюқроқ ширчой шаклида бўлади.



Косаларга солаётганингизда чой қошиқ учида сарёғ, хоҳлаганларга бир чимдим мурч ёки мурч ўрнига истаганларга бир чой қошиқда асал солишни унутманг. Иссиғида хўплаб-хўплаб ичилади.

Сутли атала нафас йўлини, томоқни юмшатади, терлатади. Йўтал тўхташига ёрдам беради.

СОМСАЛАР

Ниҳоят энди навбат сиз яхши кўрган, болалигингиздан қизиққан бўлимга – сомсаларга келди. Эсингиздами, доим ойингиз сомса пишираётганларида сиз ошхонадан нари кетгингиз келмасди.

Сомсанинг кўнглингиздагидек чиройли бўлишида хамирнинг аҳамияти жуда катта. Уйда пиширилган сомсаларнинг юзи атиргулдек очилиб туришига аҳамият бергандирсиз. Бу – сомсанинг асосий хамир тури. Шундай хамир тайёрлаб олсангиз, ундан талай хил сомса тугаверасиз. Бундай хамир қуйидагича тайёрланади.

Тоғорачага керакли миқдорда ун солиб, унга бошқа тоғорача ёки косада тайёрланган намакоб қуйиб, хамирни қорамиз ва тиндириб қўямиз. Хамир тингач, уни юпқа қилиб ёямиз ва шу ёйилган хамир устига сифатли маргарин ёки мол ёғини эритиб суртамиз. Ёғ суртилган хамирни текис ва пишиқ қилиб илон шаклида ўраймиз. Ўрамани ҳам бир оз тиндириб олгач, бир чеккасидан 2-3 см. қалинликда кесиб, жўвалаймиз. Тугилган сомсаларимиз атиргул каби очилиб турсин учун, майда кесмаларни жўвалашда кичик кулчатойларнинг чети юпқа, ўртаси эса қалинроқ бўлишига ҳаракат қиламиз. Хамирнинг айнан шу қалин қолдирилган ўрта қисми олов тафтида қат-қат бўлиб очилади.

Сомса хамирининг асоси шундай деб юқорида бекорга айтмадик. Шундай хамирни тайёрлашни



ўрганиб олсангиз, кесилган хамирнинг (зувалачаларнинг) катта ва кичиклигига қараб истаган шаклда: пармуда, бурама, қўшалоқ, учбурчак, чўзинчоқ, банан шаклида ёки чўнқайма сомсалар тутишингиз мумкин. Яна неча турларини ўзингиз «ўйлаб чиқараверасиз».

Сомсаларнинг иккинчи асосий қисми – қиймалардир. Улар ҳам ҳар турли эканини биласиз: гўштли, қовоқли, картошка-пиёзли, кўкатли... Гўштли қиймани тайёрлаш учун гўшти жуда майда қилиб тўғрайсиз ёки қиймалагичдан чиқарасиз. Майда тўғралган пиёз, озроқ думба, зира қўшиб аралаштирасиз. Тайёрлаётган сомсаларнинг катта-кичиклигини мўлжалга олиб, жўваланган хамир юзига қийма солиб тугасиз.

Картошка-пиёзли, қовоқли сомсаларнинг қиймалари ҳам шу тариқа тайёрланади.

Сомсалар электр ва газ духовкалари, хонаки тандирлар, ошхона ва тўйхоналарнинг катта тандирларида ҳам юқори оловда пиширилиши мумкин.

Туркча сомса

Агар оила аъзоларини туркча сомса билан сийламоқчи бўлсангиз, унинг хамири бошқачароқ тайёрланади. Аввалдан керакли масаллиқларни тайёрлаб олинг. 35-36 та шундай сомсага: 300 гр. сифатли маргарин, 3 дона тухум сариғи, 300 гр. қатик, ярим чой қошиқда ичимлик содаси, таъбга қараб туз ва беш ярим стакан ун солинади.

Қийма таркиби: 500 гр. қийма, 2 дона ўртача картошка, 2 дона ўртача пиёз, туз, зира. Ҳаммасини қайта қиймалагичдан чиқариб, зирavorлар солиб аралаштирилади. Тенг учга бўлинган қийманинг ҳар бир бўлагини яна 11-12 қийма зувалачаларига бўлиб олинади.

Хамир қориш учун тоғорачага аввал бир ярим пиёла ун элаб солинади. Унинг устига маргарин



қирғичдан чиқарилиб, уқаланади. Тайёрланган бу массага тухум сариғи, қатиқ, туз солиб аралаштирилади. Қолган урни оз-оздан элаб солинади. Хамирни ўртача қаттиқликда қорасиз. Хамирни елим халтачага солиб, 1-2 соатга музлаткичга солиб қўясиз. Тинган хамирни олиб, тенг уч қисмга бўласиз. Ҳар бир зувалага номига ун сепиб, ўртасидан юпқа қилиб ёйилади ва варақи кесгичда икки энлик узун тасмасимон қилиб кесилади. Ҳар бир тасмага қийма зувалачаларини солиб, рогалик (шоҳсимон) шаклда ўралади. Қуруқ листга терилади ва устига тухум сариғи сурилиб, седана сепилади. Бу сомсалар қизиган духовкага ўрта оловда 35-40 дақиқага қўйилади.


САЛАТЛАР

Ана энди қизларнинг аксарияти қизиқадиган ва яхши кўриб тайёрлайдиган енгил таомлар – салатлар ҳақида озгина гаплашамиз.

Айримларнингиз бу мавзуни китобга киритиш шартмиди, ахир ҳамма китоб дўконларида турли-туман салатлар тайёрлаш усуллари ёзилган, суратлари туширилган китобчалар тўлиб ётибди-ку дейишингиз мумкин.

Тўғри, бунга сабаб ҳозир меҳмон кутишда, тўй дастурхонларини безашда, ҳатто кундалик тушлик ва кечки овқатларда ҳам салатларга алоҳида аҳамият бериляпти. Салатлар байрам дастурхонлари ва кундалик таомномаларимизнинг ажралмас бўлагига айланиб қолди.

Уйда бор маҳсулотларнинг ҳаммасидан, масалан, сабзавотларнинг ҳамма туридан, ҳўл меваларнинг ҳамма хилидан, гўшт, балиқ, тухум ва бошқалардан салатлар тайёрлаш мумкин. Яна шуниси яхшики, салат тайёрлаётганингизда тасаввурингизга эрк



беришингиз, салатларнинг янги-янгисини ўзингиз «ижод қилиш»ингиз ҳам мумкин! Бу «ижодингиз» учун яқинлардан, албатта, олқиш ҳам оласиз.

Салатларни кўрганда кишининг кўзи қувнайди-ган, иштаҳаси очиладиган, еганда мазаси оғизда қоладиган қилиб тайёрлаш кераклигини унутманг. Демак, унинг безатилишига ҳам алоҳида аҳамият бериш керак бўлади.

Салатларнинг фақат бир-икки маҳсулотдангина тайёрланадиган ва оз вақт сарф қилинадиган оддий турлари ва бир неча хил маҳсулотдан тайёрланиб, бир мунча узоқ вақт сарф қилиб тайёрланадиган мураккаб турлари ҳам бор.

Тошкент шаҳри ва унинг атрофларида «аччиқ-чучук» деб аталадиган, кўп вилоятларда «шакароб» деб юритиладиган, ўзи майин қилиб тўғралган помидор, аччиқ гармдори, туз ва пиёздангина иборат хушхўр салатни ким билмайди дейсиз? Фақат, бу оддий салат.

Салатларни улар тайёрланаётган маҳсулот турларига қараб, ҳамма вақт, яъни – эрталаб нонуштада, тушлик овқатлардан олдин, ҳўл мевали салатларни эса кечки овқатлардан кейин – ширинлик ўрнида ҳам тановул қилса бўлаверади.

Айрим салатлар улар қўшилиб ейиладиган таомлар билан бирга тортилади. Масалан, палов тортилаётганда меҳмонлар олдига, албатта, кичик салатдонларда аччиқ-чучук ва кўк бодринг, куз ва қишда эса турп ва маринадланган бодринг қўйилади, товуқ (табака) ёнига помидор ва бодринг майдалаб қўйилади, норинга қўшиб эса майин тўғралган ва мурчланган пиёз берилади...

Хили ва турларидан қатъи назар, байрам ва тўй дастурхонларида, зиёфат ва меҳмондорчиликда салатлар ранг-баранглиги билан дастурхоннинг кўрки бўлади.

Анъанавий салатлардан айримларини кўриб чиқамиз. Анъанавий сўзини бежиз ишлатмаяпмиз. Сабаби, салат тайёрлаётганда, уйда борингизга қараб кўнглингиз тусаганча тасаввурингизга эрк беришингиз мумкин дедик. Кўрқмай кутилмаган янги-янги «аралашмалар» ўйлаб чиқараверинг. Ахир салат дегани турли маҳсулотлар аралашмаси-ку!

Гўшти салат

Меҳмонлар шарафига, байрам дастурхонларига куз, қиш, баҳорда аксарият хонадонларда шу салат тайёрланади. Мазкур салатни тайёрлаш учун 200-300 г сувда қайнатиб пиширилган мол гўшти, икки дона сувда пиширилган ўртача катталиқдаги картошка, 3-4 дона тузланган ёки маринадланган бодринг, бир банка кўк нўхат, 1 дона олма, 2 та пиширилган қизил сабзи, 5-6 та қаттиқ қилиб пиширилган тухум, кичик банкада майонез, бир боғ укроп керак бўлади.

Бу маҳсулотлар бир хил катталиқда, кубик шаклида чиройли тўғралади. Таъбга қараб туз солинади ва майонез билан аралаштирилиб, салатдонларга солинади ва усти кўкатлар билан безатилиб, столга қўйилади.

Тўйимли бўлган бу салатни кўплар европача – «**Оливье**» деб ҳам аташади.

Келинчак салати

Қариндошлар янги келин қўлидан чой ичишни ихтиёр этишибди. Аммо биргина чойнинг ўзи билан бўлади дейсизми? Овқатдан олдин салат бўлса яна яхши. Тез ҳаракат қилмасангиз, улгуролмайсиз.

3 та қизил сабзи, 3 та картошка, 3 та қизил лавлаги, 4 та тухумни яхшилаб ювиб, қайнатишга қўйинг. Улар пишгунича 200 г гўштни сомонча шаклида майин тўғраб, пиёздогога қовуриб олинг. 3 та кўк бодрингни ҳам сомонча шаклида тўғраб, алоҳида идишга солинг. 1 боғ укропни майда қи-



либ тўғранг ва уни ҳам алоҳида ликобчага солинг. 1 банка кўк нўхат ва 500 г майонез тайёрлаб қўйинг.

Бу ишларингиз битгунича пишиб улгурган қизил сабзи, картошка, қизил лавлаги, тухумларни совитиб, қирғичдан чиқариб, алоҳида идишларга солинг.


Салатнинг тайёр бўлган ҳамма масаллиғини иккита узунчоқ салатдонга алоҳида-алоҳида қават қилиб, пирамида шаклида («Шуба» салатидек) солиб чиқасиз. Энг тагига гўшт солинади. Ҳар икки қават орасига майонез, кўк нўхат, укроп ва озгина туз солиб турилади. Тепа қавати безатилса, салатингиз тайёр деяверинг.

Бу салат ҳам тўйимли салатлар сирасига киради.

Французча салат

Номи шундай бўлгани билан, ўзимизнинг масаллиқлардан тайёрланадиган ва ҳамма суйиб истеъмол қиладиган салат.

Бир бўлак пишган гўштни сомонча шаклида, сувда қаттиқ қилиб пиширилган иккита тухумни ҳам сомонча (ёки тўртбурчак) қилиб тўғранг ва лаганнинг ўртасини очиқ қолдириб, доира чеккасидан кетма-кет уйиб боринг. Иккита кўк бодрингни ҳам сомонча шаклида тўғраб, улар қаторига қўйинг. Иккита картошкани артиб, майин қилиб сомонча шаклида тўғраб, қизиган ёғда қизартириб пишириб, уни ҳам масаллиқлар қаторига қўйинг. Пишган қизил лавлаги, бир-икки боғ редискани ҳам сомонча шаклида, икки боғ укропни майдалаб тўғранг. Лаганда жой ҳам қолмади-а? Ҳа, бу салатга уйда бор сабзавот ва меваларнинг ҳамма хилини ишлатса бўлади. Баъзан уйда боридан амалласангиз ҳам, йўфингизнинг ўрни билинмайди. Лаганнинг ўртасидаги очиқ жойга икки ош қошиқда маринадланган жўхори солиб, устига уч-тўрт қошиқ майонез солинг. Лаганингиз камалак шаклига кир-



димиди? Бу чиройли «Камалак» ейишдан олдин аралаштирилади ва ликобчаларга солиб тортилади.

Винегрет

Оилангиз аъзолари тахминан ўн кишидан иборат бўлса ва яна шунча меҳмон кутаётган бўлсангиз, аксарият кишилар севиб тановул қиладиган бу салатни тайёрлаш учун олти дона картошка, иккита қизил лавлаги, иккита қизил сабзи олиндиб, сувда қайнатиб, эзилтирмай пиширилади. Яна винегретга икки дона тузланган бодринг, битта каттароқ олма, юз грамм тузланган карам, бир-икки бош пиёз керак бўлади. Бу масаллиқларнинг ҳаммаси бир хил катталиқда кубик шаклида тўғрилади (пиёздан ташқари – пиёзни майин паррак қилиб тўғрайсиз) ва уч ош қошиқда ўсимлик ёғи, таабга кўра туз ва шакар солиб аралаштирилади. Айримлар бу салатга озгина уксус ва горчица ҳам қўшадилар. Ўсимлик ёғи ўрнига майонез ишлатса ҳам бўлади.

Салатни алоҳида идишга солиб ёки киши бошига алоҳида ликобчаларда ҳам тортиш мумкин.

Пишлоқли салат

Помидор, бодринг, пишлоқ (пишлоқ ўрнига бринза солиш ҳам мумкин) йирикроқ кубик шаклида тўғрилади, чинни ёки сирли идишга солинади. Бир сантиметр узунликда тўғралган озгина укроп қўшсангиз ҳам бўлади. Таабга кўра туз ва икки ош қошиқда майонез ёки сметана солиб, аралаштирилади. Салатдонларга солиб столга қўйилади.

Редискали салат

Редискани яхшилаб ювиб, тукларини тозалаб ингичка қилиб паррак-паррак тўғрайсиз. Қаттиқ қилиб пиширилган тухум сариғини майдалаб сметанали идишга соласиз. Озгина туз сепиб, сметанали идишга майдаланган редиска ва тухум оқини



майда қилиб тўғраб соласиз. Энди яхшилаб аралаштириб, дастурхонга тортсангиз бўлади.

Баҳор салати

Бу салатни сиз баҳорда кўп тайёрлайсиз. Унга редиска, укроп ёки кашнич, қатиқ керак бўлади. Эсладингизми?

Икки боғ редискани яхшилаб ювиб, тукларидан тозалаб, майда қилиб тўғрайсиз. Укроп ёки кашнични ҳам тозалаб ювасиз, сувини яхшилаб силқитиб, уни ҳам майдалаб тўғрайсиз. Уларни сирли тоғарачага солиб, устига бир литр қатиқ қуясиз ва бир чимдим туз солиб, яхшилаб аралаштирасиз. Бу салатни салатдонларга солиб, ўртага қўйсангиз ҳам бўлади, киши бошига катгароқ пиёлада тортсангиз, яна ҳам яхши.

Бодринг ва тухумли салат

Кўкатлар ичида шапалоқ баргли, барг четлари жимжимадор салат баргларини кўп кўргансиз, албатта. Дармондориларга бой бу барглар кўпинча салатларни безаш учун ишлатилади. Аммо уларнинг ўзидан ҳам ажойиб салат тайёрлаш мумкин. Бу баргларни қайта-қайта ювмасангиз, бурамалари орасини тозалаб бўлмайди. Кейин уларнинг нами қолмагунча қуритасиз-да, тўғрайсиз.

Қаттиқ қилиб пиширилган тухумни майин қилиб паррак-паррак тўғрайсиз, сметана ва уксус билан аралаштириб, озроқ туз сепасиз-да, тўғралган салат барглари билан аралаштирасиз. Ҳосил бўлган оқяшил бу бўтқани салатдонга солиб, устини кўк бодринг парраклари, укроп билан безаб, дастурхонга қўясиз.

Мевали салат

Олма, нок, хурмо, апельсин каби бир неча хил мевалардан салат тайёрлаб, овқатдан кейин бериладиган ширинлик ўрнида тортилса ҳам бўлади. Бунинг учун учта олма, битта нок, иккита эзил-

маган хурмо, иккита апельсин ва яна бошқа меваларнинг пўстини артиб, майин паррак қилиб тўғралади ва икки ош қошиқда қаймоқ ва чоракта лимоннинг шарбати билан аралаштирилади.

Салатнинг бу тури учун меваларнинг хоҳлаган хилини олиш мумкин. Фақат олманинг нисбати бошқа мевалардан кўпроқ бўлишига аҳамият беринг.

Қулупнайли салат

Қулупнайли салатни ҳам ширинликлар билан ёки улар ўрнида овқатдан кейин тортилади. Қулупнайга данаги олинган олча ва гилос, малина қўшиш мумкин. Бу мевалар хомлигича аралаштирилиб, таъбга қараб истаганларга шакар сепиб берилади.

Билиб қўйган яхши

Салатлар тайёрлашдан олдин, албатта, уйингизда уларга керакни ҳамма маҳсулотлар борми-йўқлигини текшириб кўринг. Салат тайёрлаганда айрим маҳсулотлар бўлмаса, чўчиманг, улар ўрнини бори билан алиштиришингиз мумкин. Қарабсизки, янги турдаги салат ижодкори бўлиб қолдингиз!

* * *

Кўк, янги пишган бодринглар ярим доира шаклида ёки тўртбурчак (кубик) қилиб тўғралади.

* * *

Майда бодрингларни аввал узунасига кесиб оласиз, кейин ўртасидан иккига бўлиб қўйсангиз ҳам бўлади. Жуда майда, «жимит» бодрингларни бутун қўйсангиз ҳам яхши.

* * *

Тузланган йирик-йирик бодрингларнинг қаттиқ пўстини албатта артиш керак. Акс ҳолда у салатингизни дағаллаштириб, таъмини бузади.

* * *

Помидорнинг пўстини артиш керак бўлса, бир-икки соняга уни қайноқ сувга ботириб олинг, шунда пўсти осонгина артилади.

* * *

Қулупнай, малина, олча, гилосларни эзилмаслиги учун таги тешик чўмичда ювган маъқул.

* * *

Қаттиқ пўсти юпқа қилиб олинган апельсин ва мандаринлар узунасига эмас, кўндалангига парраклаб кесилади. Бирйўла данакларидан тозаланади. Салатга кесилган данак аралашиб қолса, уни тахир қилади. Цитрус меваларнинг юпқа қилиб олинган пўстини ташлаб юборманг, уларни майин утра сифатида тўғраб, апельсин ёки мандаринли салатлар юзини безаш мумкин.

* * *

Янги карамдан олма қўшиб салат тайёрламоқчи бўлсангиз, олманинг пўстини юпқа артиб, қирғичдан ўтказиб майин тўғралган ва эзилган карамга аралаштирганингиз маъқул.

* * *

Салатлар юзини безатишда майдалаб, парраклаб тўғралган ёки турли шакл берилган сабзи, лавлаги, турплардан, майин тўғралган кўк пиёз, озгина кўк нўхат, олма бўлакчаларидан фойдаланиш мумкин. Яна кўкатларнинг шохчалари ёки майда тўғрамлари ҳам фақат салатлардагина эмас, бошқа таомлар юзини безашда ҳам иш беради.

* * *

Салатлар учун бир текис, аммо яхши пишган (қизил) ва қаттиқ помидорлар саралаб олинади.

Бундай помидорлар ўткир пичоқ билан парраклаб ёки тўртбурчак шаклида тўғралганда ҳам узоқ вақт эзилмай туради.

* * *

Кўк барра пиёз майда тўғралади. Бутунлигича ейиш хунук кўринади.

Бошли пиёзни доира шаклида парраклаб майин қилиб тўғралса, чиройли бўлади. Пиёз доирачаларидан салатлар юзини безатишда фойдалансангиз ҳам бўлади.

ШИРИН ПИШИРИҚЛАР

Қадим-қадимдан дастурхонимизни ширин пишириқларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Илгарилари қандолат маҳсулотлари урф бўлган эди. Энди бўлса, қизларимиз саккиз-тўққиз ёшданоқ ойилари, бувижонларига «Торт пиширишни ўргатинг!» «Пирожний пиширишни ўргатинг!» деб тижирлик қилишади. Енгларини шимариб, ойижонлари, опажонлари, кеннойиларига кўмаклашишга киришиб кетишади. Сиз ҳам шундай қилган эдингиз-а? Бу – жуда яхши. Келинг, энди айрим пишириқларни ўзимиз мустақил тайёрлашга уриниб кўрайлик.

Теорогли пирог

Хамир учун керакли масаллиқлар: беш стакан ун, 350 г сифатли маргарин, бир стакан шакар, чой қошиқ учида чой содаси, бир чимдим ванилин.

Тоғорачага беш стакан (пиёла) ун элаб солинади. Маргаринни қирғичдан чиқариб уқаланади. Устига шакар, сода, ванилин солиб аралаштирилади. Хамир сочилувчан, қумоқ-қумоқ (песочний) бўлади. Тайёрланган хамирни тенг иккига бўлиб, бир бўлагини газ духовкаси патнисига сепилади. Оралигини яқин қилиб, бу хамир устига теорогли



аралашма (аралашмани тайёрлаш усулини қуйида айтамыз) солиниб, уни қошиқ учи билан текисланади. Творогли аралашма устидан хамирнинг қолган иккинчи қисмини сепиб, творогли аралашманинг усти яхшилаб ёпилади. Патнисни қизиган духовкага қўйиб, ўртадан паст оловда бир соату ўн беш дақиқа пиширилади. Пирогнинг усти оч пушти рангга кирганида патнисни духовкадан олиб, пирог илиқлигида шакар упаси сепилади.

Сочилма (қумоқ-қумоқ) хамирлар орасига солинадиган творогли аралашма қуйидагича тайёрланади: 1 кг. ўртача қуруқликдаги творог, 1 стакан шакар, 4-5 та тухум, ярим чой қошиқ сода, шунча уксус, бир чимдим ванилинни тоғорачага солиб, бир хил аралашма ҳосил бўлгунига қадар аралаштирилади. Аралашма тайёрлашдан аввал творогни бир соатча тешик човлига солиб, сувини чиқаришни унутманг.

Пахлава

Пахлава хамирига 500 г сифатли маргарин, 7-8 та тухум сариғи, 300 г қатиқ, ярим чой қошиқ ичимлик сода, бир чимдим ванилин, 6-7 пиёла олий навли ун керак бўлади.

Пахлавани тайёрлаш учун тоғорачага 2 пиёла ун элаб солинади. Маргарин қирғичдан чиқарилиб, уқаланади. Устига қатиқ, тухум сариғи, ванилин солиб аралаштирилади. Уннинг қолган қисмини оз-оздан элаб солиб, ўртача юмшоқликда хамир қорилади. Хамирни елим халтачага солиб, 1-2 соат музлаткичга қўйиб тиндирилади. Хамир тиниб, қотиб бўлгач, уни тенг учга бўлинади. Ҳар бир зувала газ плитасининг патнисига лойиқ қилиб ёйилади. Хамирлар орасига солинадиган аралашмани (аралашмани тайёрлаш усули қуйида кўрсатилди) ҳам иккига бўлиб, ярмини биринчи ёйилган хамирнинг устига солиб текисланади.



Аралашма устига иккинчи ёйилган хамир ёпилади ва аралашманинг қолган ярми солиниб текисланади ҳамда унинг усти учинчи ёйилган хамир билан ёпилади. Хамирларнинг четлари босиб қўйилади. Учинчи хамир устига битта тухум ийлаб сурилади. Энг устидаги хамир тўртбурчак шаклида кесиб қўйилади ва ҳар бир тўртбурчак ўртасига ёнғоқнинг ярим палласи ботириб қўйилади.

Пахлава қизиган духовкада ўртадан пастроқ оловда бир ярим соат давомида пиширилади. Патнис олингандан сўнг, пахлава совигаچ, уни кесиш мумкин бўлади.

Аралашмани тайёрлаш учун 7-8 та тухум оқи, икки ярим пиёла шакар, бир коса тозаланган ёнғоқ палласи, бир коса майиз керак бўлади.

Тухум соладиган тоғорача ва тухумни ийлайдиган (кўпиртирадиган) мослама (миксер) қуруқ бўлиши керак. Сирли тоғорачага тухумнинг оқи солиниб, миксерда бир тарафга айлантириб, қаттиқ кўпик тайёрланади. Шакарни бир чой қошиқдан солиб, кўпиртириш давом эттирилади. Ёнғоқ ва майизлар солингач, бир хил аралашма ҳосил бўлгунча қошиқда аралаштириб турилади. Тайёр бўлган аралашмани тенг иккига бўлиб, юқорида айтилгандек, биринчи ва иккинчи хамирлар орасига солинади ва яхшилаб текисланиб, усти учинчи хамир билан ёпилади.

Ўрама ширинлик

Керакли масаллиқлар: 250 г сифатли маргарин, 3 та тухум сариғи, бир чимдимдан туз, сода, ванилин, ярим пиёла совуқ сув, 500 г ун (ярим литрли банкада мўлжал қилиб олсангиз ҳам бўлади).

Ўртача юмшатирилган маргаринни қирғичдан чиқариб, қўлда эзилади ва устига сув солиб яхшилаб аралаштирилади. Сув билан маргарин алоҳида бўлиб туради. Устига тухум сариғи, сода, ванилин,

туз солиб аралаштирилади. Унни оз-оздан элаб солиб, қўлга ёпишмайдиган қилиб хамир қорилди. Зувалани тоғорачадан сидириб, ликобчага солинади ва елим халтачага ўраб, 2-3 соатга музлаткичга қўйиб қотирилади, кейин яхшилаб муштаннади. Тинган ва қотган хамир тўртта бир хил бўлакка бўлинади. Ҳар бир зувалага номигагина ун сепиб, ўртадан юпқа қилиб ёйилади. Ёйилган хамир икки энлик қилиб варақи кескичда кесилади. Ҳар бир тасма найсимон ўрама қолипига ўралади. Ёпилган тарафи газ духовкасининг қуруқ патнисиди бўлади. Ўрама ширинлик терилган патнис қизиган духовкага ўртача оловга 30-40 дақиқага қўйилади. Усти оч пушти бўлиб пишади. Газдан олиб, иссиқлигида қолипдан кўчирилади. Совигач, икки тарафидан крем солиб, шакар упасидан сепилади.

Юқорида айтилган масаллиқдан 32-36 дона ширинлик чиқади. Орасига хоҳлаган кремни солиш мумкин.

Творогли банан

Мўлжалга олишингиз учун айтиб ўтайлик: 40-45 дона творогли банан тайёрлаш учун хамирига 250 г сифатли маргарин, 500 г ёғсиз ва куюқ сметана бир чимдим ванилин, 5-6 стакан ун солинади. Хамирни тайёрлаш учун тоғорачага 2 стакан ун элаб солинади ва маргарин қирғичдан ўтказиб уқаланади. Устига сметана ва ванилин аралаштирилади. Қолган ун оз-оздан элаб солинади ва ўртача қаттиқликда хамир қорилди. Уни елим халтачага ўраб тиниш ва қотиши учун музлаткичга 1-2 соатга қўйилади. Тинган хамирдан ёнғоқдек зувалачалар ясаб, лаган ёки тақсимчага териб қўйилади. Уларни яна елим халтачага ўраб, туни билан музлаткичга қўйилади. Хамир обдон қотди. Уни музлаткичдан олгандан сўнг ҳар бир зувала унга ботирилиб, ўртаси қалин қилиб ёйилади.



Чой қошиқда аралашма (қуйида уни тайёрлашни айтиб ўтамиз) солиб, конфет қилиб тугилади. Тугилган тарафини патнисга ўтириб терилади. Қизилган газ духовкасида 40-45 дақиқа давомида ўртача оловда пиширилади. Творогли бананнинг усти оқиш бўлиб пишади. Илиқлигида устига қанд кукунидан сепилади.

Аралашмани тайёрлаш учун ярим кг ўртача юмшоқликдаги творог, бир стакан шакар, 1-2 та тухум, ярим пиёла ун, чой қошиқ учидан ичимлик сода керак бўлади. Ҳаммаси тоғорачага солиб, аралаштирилади. Юқорида айтиб ўтилгандек, чой қошиқда ёйилган хамир ўртасига солиб тугилади.

Чак-чак

Бу ширинликни пиширишда ойингизга кўп кўмаклашгансиз. Ҳамма жараён кўз ўнгингизга келаётгандир. Эсингиздами, оилангизга мўлжаллаб пиширадиган чак-чакка бешта тухум солардинглар. Тоғорачага унни элаб солганларидан сўнг, унга шу бешта тухумни чақиб солардилар, бир чой қошиқда чой содаси, бир чой қошиқда шакар, уч ош қошиқда сут, озгина ароқ солиб, юмшоқроқ хамир қорардилар. Хамир тинганидан сўнг, мумкин қадар урвоқ ишлатмай ёярдилар. Қозонга ёғ солиб уни яхшилаб доғлаб олиб, хамирни кесишга тушардилар. Хамир ёпишиб, шошириб қўймасин учун ёйилган хамир юзига озгина ёғ суртиб кейин тўғрардилар. Кесишларининг ўзи бир санъат, деб баъзида маҳлиё бўлардингиз, ёдингиздами? Гоҳида сомон шаклида, гоҳида варақи кескичда майда қуштили шаклида, баъзан яна янги-янги шаклар ўйлаб чиқарардилар. Бир гал майда тўртбурчак шаклида кесганлари, уларни ёққа солганларида майда ёстикчаларга ўхшаб шишиб, қаҳрабона доналаридек бир чиройли бўлиб чиққани ҳам эсингиздадир. Ўша бештагина тухумга қорган хамирла-



ри бир тоғора бўлиб кетган эди! Шундай чиройли чиқиши учун хамирни пеш кесиб, пеш ёққа солиш кераклигини тайинлаган эдилар, эсингиздами?

Кейин қиём тайёрлардилар. Бунинг учун кичикроқ қозончага ярим пиёла сув, 250 г асал, ярим пиёла шакар солиб, қиём тобига етгунича тепасидан кетмай, қошиқда аралаштириб турардилар. Чак-чакнинг яхши ёпишиши, лаганга солганда чиройли рангда чиқиши қиёмга боғлиқлигини яхши билардилар-да. Маромидан ўтказиб юборилса, қорайиб, кристаллашиб қолишини ҳам айтганлар. Буларнинг ҳаммаси тўғри, эсингиздан чиқмасин.

Охирги жараён – чак-чакни ёпиштиришда, сиз чўмичда шу қиёмни чак-чак устига айлантириб қуйиб турардингиз, ойингиз эса икки капгирлаб уларни эзилтирмай қориб олардилар, кейин лаганга, ликобчаларга солиб, улар устини безашни ўзингизга қўйиб берардилар. Қора майиз, ёнғоқ паллалари, майда рангли конфетлардан турли шакллар берганингизда, кесишга кишининг кўзи қиймасди.

МЕҲМОН ЁТИБ ҚОЛСА...

Бу камдан-кам бўладиган ҳолат деярлик дирсиз. Дарҳақиқат, тамаддун ривожланиб, ҳаёт фаровонлашиб, автотранспортлар кишиларнинг узоғини яқин қилгач, меҳмонларнинг бир-бириникида ётиб қолиши ҳам анча камайди. Кузатгандирсиз, қишлоқдан шаҳарга, шаҳардан қишлоққа меҳмон бўлиб борганлар ҳам иложи борича ётиб қолмасликка уринишади, яъни ўз «ўлан тўшаклари»га талпинишади.

Аксарият ётиб қолиши мумкин бўлган кишилар – яқинларимиз – бобомиз билан бувимиз, аммамиз, холамиз дегандек... Кўпинча улар бизнинг, айниқса, укаларимиз ёки сингилларимизнинг: «Қолинг!»

деб илтимос қилишгани учун кўзлари қиймай, кўнишади. Тўғрими? Демак, улар кўнглини олишимиз керак.

Бизнинг меҳмондўст миллат эканлигимизни унутманг. Меҳмоннинг ётиб қолиши кам учрайдиган ҳолат бўлса ҳам, ҳар хонадонда бунинг тадориғи аввалдан кўрилган бўлса, мезбон шошиб қолмайди. Қандай тадорик дейсизми?

Дейлик, сизнинг бир эмас, икки бобонгиз, икки бувингиз бор. Улар амакингиз ёки тоғангиз билан туришади. Лекин сизларникида ҳам улар бир неча кун меҳмон бўлишлагини жуда истайсиз. Мана, улар ётиб қолишадиган бўлишди...

Кечқурун суҳбатларини мириқиб эшитиб ўтирибсиз. Бироқ, ана, бобонгиз ва бувингизнинг чарчаганларини сезяпсиз.


– Ҳозир ўрнингизни солиб бераман, – дейсиз уларга меҳр билан боқиб.

Аксарият хонадонларда бобо-бувиларнинг «ўз хоналари», агар бундай хона бўлмаса, «ўз гардероблари», жилла бўлмаса, «ўз тўшчалари» бўлади. Бу ерда уларнинг келиши, ётиб қолишини назарда тутиб, бир-икки чойшаб, кўрпа филофи (пододеяльник), ёстиқ жилдлар, юз сочиқ ва қўл сочиқлар, тунги кўйлақлар, совун ва тиш чўткалар тайёрлаб қўйилади.

Уларга чиройли қилиб ўрин солиб берасиз. Тунги кўйлақни ёстиқлари устига қўясиз ва хайрли тун тилайсиз.

СОВЧИЛАР ОШХОНАГА НЕГА МЎРАЛАЙДИЛАР?

Қани, ойим қизим, бери келинг-чи. Буви ва набира бир сирлашиб олайлик. Кеча келган совчилардан сўнг сиз билан ошхона, қозон-товоқ тутиш



ҳақида гаплашиб олиш вақти етибди, дедим, болажоним. Нега дейсизми? Биламан, ҳозир суҳбатимизда айтиладиган гапларнинг кўпини ойингиздан, келинойингиздан эшитгансиз. Мени хурсанд қилгани – айрим дугоналарингиз каби ошхонадан ётсирамайсиз. Доим ойингиз олдида қарашиб юрасиз. «Уйда аёл-қизларнинг иккинчи иш жойи ошхонадир», деб бежиз айтишмаган. Шукр, сиз буни тўғри қабул қиляпсиз. Худо хоҳласа, келин бўлиб тушган жойингизда қийналмайсиз, ишни келган жойидан давом эттиргандек, билиб-билиб ишингизни қилаверасиз. Бир сидра айтиб ўтиш – бувиларнинг вазифаси-да, болажоним!

Кеча уйимизга илк бор совчилар келишди. Ҳа, нега қовоғингизни уясиз? Тўғри, эндигина ўн олтидасиз... Узатмаймиз-у, барибир совчи кутиш вақтига етганимизга, кўрсатганига шукр, дейман-да, қизим. Ҳамма бувилар ҳам набира қизларининг тўйини кўришни орзу қиладилар!

Аммо мен сизга айтсам, ҳозирги совчилар ҳам қадимги одатларини қўйишмабди. Кеча келганларнинг бири, ўзини куёв бўлмишнинг аммасиман деб таништирган аёл қўлини ювиш баҳонасида киши билмас ҳаммомга, ундан кейин ошхонамизга зеҳнини ташлаб ўтди...

Мен мийиғимда бир кулиб қўйдим. Чунки кўнглим тўқ эди: ойингиз ҳам, сиз ҳам ошхонани жуда саранжом-саришта тутасиз, ичимда сизларни илоҳо тоза кўнглиннгиздан топинг, деб яна бир дуо қилиб қўйдим.

– Совчиларнинг ошхоналарга мўралайдиган одатлари борми? Нега бундай қилишади, бувижон?

– Қизлик уйга баҳо беришда, қиз боланинг нечоғлик саришталикка одатланганини аниқлашда ошхоначалик аниқ мезон йўқ деб ўйлашади-да. Ёш пайтимизда бизга бу ҳақида кўп гапиришарди,

энди мен ҳам сизга айтяпман. Опамгиларга келган совчилар тўғри ошхонага, ўчоқ бошига ўтганларини неча бор кўрганман. Мен ҳам сизга ўхшаб кўп ҳайрон бўлардим. Совчилар келганда опаларим кўпинча «ўғри аёллар»дан яширинишга жой топа олмай, ошхонага беркинишарди. Мен совчилар уларни ошхонадан қидиришяпти деб ўйлардим.

Ошхонамизни кўрган совчилар бизникидан оёқларини узишмасди. Ҳовли ҳамиша супурилган, ўчоқ боши эса бу ерда ҳеч қачон ўтин ёки хас-ҳазон ёқилмагандек чиннидай бўларди. Ойимлар, худди ойингга ўхшаб, ҳамма ёқ озода бўлсин деб қаттиқ турар эдилар. Биринчи навбатда оёқ остини очиб олиш керак, ошхонаси йиғинчоқ, саришта бўлмаган уй бекасининг уйлари саранжом бўлмайди, дердилар. Ҳақиқатда ҳам, ҳаммаёғи саришта, озода бекаларнинг елкасидан фаришта аримайди, дили покизалик ва саришталикдан яйраб кетади.

Лекин, мен сизга айтсам, ошхонани ҳамиша шундай тутиш анча қийин. Буни ойингизга қарашиб юрганингизда ўзингиз ҳам ҳис қилгандирсиз. Чунки кўпинча ошхоналар тор, жиҳозлар эса кўп бўлади. Ошхонадан ҳеч бир буюмни бу керак эмас, деб олиб чиқиб ташлаб юборолмайсиз. Чунки бугун бўлмаса, эртага ўша буюм, албатта, керак бўлади. Варақи кесадиғандан тортиб, гўшт чопадиган ойболтагача, чой қошиқдан тортиб, нисбатан кам ишлатиладиган човлигача – ҳаммаси керак! Улар жой-жойида, тоза ҳолда, ишлатишга доим шай туриши керак.

– Оёқ остини очиш деганда нимани тушуниш керак, бувижон?

– Аввало, газ плитаси, идиш-товоқ турадиган жавон, масаллиқларни тўғраб, тайёрлаб оладиган стол орасида бемалол юриш, чаққон ҳаракат қилишга ҳалақит берадиган буюмларни жой-жойига қўйиш керак.



Рўзфорда катта-кичиклигига, тайёрланадиган таомга қараб ишлатиладиган уч-тўрт хил қозон бўлади. Кўпинча меҳмон келган кунлари ёки дам олиш кунлари тайёрланадиган тансиқ таомлар пиширишда ишлатиладиган ўртанча қозонимизни, йиғинларда ишлатиладиган катта қозонимизни демаса, биласиз, ўзимиз учун бу қозонларнинг фақат биттаси, нисбатан кичикроғи ишлатилади. Қолганларини халақит бермаслиги учун ювиб-тозалаб, керак пайтида олишга қулай жойда ертўлага ёки рўзфор буюмлари турадиган ҳужрачага қўйиш керак. Қозонларни уст-устига қилиб, коса таҳла-гандек таҳлаб бўлмаслигини, ҳар бирининг ичини тозалаб ювиб, қуритиб, ўз қопқоғини ёпиб қўйиш кераклигини ойингиз айтгандирлар.

Меҳмонлар келганида тутиладиган коса, лаган, пиёлалар кундаликда тутиладиганлари билан аралашмагани маъқул. Биринчидан, сони кўпайиб, иш қилишга одамга халал беради. Қолаверса, чувалашиб, ҳуда-беҳудага сув тагига бориб-келавериб, оҳори кетади, бири-бирига урилиб, чети учди, синади. Кейин бундай гули ўчган, чети учган идишларда овқат сузишга кишининг кўнгли бўлмайди, дили хира бўлади.


Борган жойингизни тиндиришингиз учун буларни билишингиз керак.

Кунда тутиладиган ҳамма асбоблар ҳар гал ишлатилгандан кейин тозалаб ювилганидан ташқари, ҳафтада, узоғи билан ўн кунда бир махсус воситалар билан яхшилаб ювиб турилиши керак. Шунда коса-пиёлаларнинг лаби ва ости чирк бўлмайди, сирли тоғора-товоқ, кастрюлларнинг чети қораймайди. Буни сиз яхши биласиз, чунки ойингиз билан тез-тез ошхона анжомларини тозалаб ювиб турасизлар. Менинг ҳам ҳиссам қўшилсин дея, артишиб юборганда буни кўп кўрганман.

Лаган, тақсимча ва ликобчаларни, коса-пиёлаларни тахлашга алоҳида аҳамият беринг. Энг тагига катталари қўйилади. Кейин кичигига қараб улар гули-гули билан, хили-хили билан мослаб тахланади. Коса ва пиёлалар 5-6 тадан, ликобчалар 20 тадан ортиқ тахланмагани маъқул. Шундай қилинса, керагини зарур пайтида тез топиб оласиз ва синди-синдидан асрайсиз. Шуларни ҳам билмайманми, нега бувим эзмалик қилиб буларни айт-яптилар деманг, она қизим. Косанинг ичига пиёла қўйиб, яна устига коса тахлаб кетаверадиганлар, коса-қошиқ-пиёла-қошиқ-коса қилиб тахлайдиганлар ҳам кўп. Лаган-ликобча-тоғорача-ликобча шаклида сув тагига олиб бориб, ювиб яна шундай дасталайдиганлар ҳам бор. Сиз бундай қила кўрманг, болажоним.

Ҳозир энди сизларга узоқ ўтмиш бўлиб кўринадиди, аслида яқин-яқингача хонадонларда самовар қўйиларди. Қиз-келиндар оқланган, руҳланган ўз самоварларини водопровод тагида ёки ариқда оқиб турган сувда кул билан ёки тузланган помидорда ярақлатиб ювишарди. Ҳозиргидек махсус ювиш кукунлари қайда дейсиз? Бизнинг чой чойгумимиз ҳам ўша келинларнинг самоваридек ярақлаб турсин. Орқа-ўнги қорайиб ётган чойгумдан ёки ичи ва таши қорайган чинни чойнақдан дамланган олий навли ҳинд чойи ҳам томоқни қириб ўтади, жон болам!

Ойингиз ишдан келгунларича, кўп овқатларни энди ўзингиз тайёрлаясиз, буни кўриб жуда хурсанд бўляпман. Фартугингиз бирам ўзингизга ярашиб турибди. «Бисмиллаҳир раҳмонир раҳийм!» деб ишни ҳар гал қўлингизни тозалаб ювишдан бошланг, болажоним. Картошка, пиёз ва бошқа нарсаларни артгандан кейин ҳам тез-тез қўл ювиб туришга тўғри келади. Қўл сочиғингиз ҳамиша



ўзингизга қулай жойда шай турсин. Қозон сочиқ билан аралашиб кетмасин.

Масаллиқларни олдиндан ҳар бирини алоҳида идишга тайёрлаб олинг. Биринчидан, мўлжалда адашмайсиз, иккинчидан, уларни қийналмай қозонга бирин-кетин соласиз, куйдирмасдан қовуриб оласиз.

Овқатга сув солганингиздан сўнг қозон қайнаб чиққунича масаллиқлардан бўшаган идишларни дарров ювиб олинг. Ҳали қозон-товоқ билан юваман деб, орқага суриб ўтирманг. Ҳам вақтдан ютасиз, ҳам керак бўлса, яна олиб ишлатаверасиз. Ювиқсиз идишлар сонини кўпайтирсангиз, ўзингизга иш орттирасиз.

Ҳозир кўп хонадонларда ошхонага иссиқ сув ҳам олиб кирилган. Сизга тайинлайдиган яна бир гапим – уйда ҳам, борган жойингизда, яъни келин бўлиб тушган жойингизда ҳам, овқат сузиб олинган заҳоти қозонни ювиб қўйиш канда бўлмасин, она қизим. Қозондаги овқат кўпроқ бўлса, уни овқати билан музлаткичга асло солманг. Бирон сирли идишга кўтариб олсангиз, совигандан кейин музлаткичга қўясиз. Эрталаб ишга кетаётганларга бир дақиқада анави тез иситадиган асбобда иситиб берасиз.

Овқатга фотиҳа ўқилгач, коса-лаганларни ҳам йиғиб, тозалаб ювиб олинг. Дастурхонни четроққа қоқиш кераклигини биласиз-а? Хоҳ уйнинг ичида бўлсин, хоҳ ташқарида, дастурхон кечаю кундуз хонтахта устида ёзиглиқ қолиб кетмасин.

Икки-уч кунда дастурхонни, кунда кечкурун ошхона сочиқларини ойингиз билан ювиб қўясизлар. Бундан ҳар гал оҳорли дастурхон тутаётгандек дилингиз равшан тортади-а? Борган жойингизда ҳам шу одатингиз канда бўлмасин.

Кечки овқатдан сўнг ошхонада бажарадиган яна бир ишингиз ҳам менга жуда ёқади. Ойингиз



анча вақтдан бери сизга эслатмасалар ҳам, ҳар куни газ устини артиб, сув оқиб турадиган раковиналарни ювиб, ошхона полини бир сидра латта ҳўллаб артиб чиқяпсиз. Борган жойингизда ҳам шуларни канда қилмасангиз, ошхонангиз ҳамиша ярақлаб, кечаги совчиларнинггина эмас, ҳамма-нинг ҳаваси келади, кексалардан-ку дуо оласиз.

Ошхона ишларини бир сидра гапириб ўтганимга «Вой-бў!» деб ваҳимага тушмаяпсизми, она қизим? Йўқ, сиз ваҳима қилмайсиз. Чунки оингизга қарашиб ўрганиб қолгансиз, буларнинг бари одатга айланиб улгурган. Борган жойингизда ҳам ҳаммасини ёлғиз ўзингизга ташлаб қўйишмайди. Яхши гап билан қайнингиз, қайинсингиларингизни ишга соласиз, баҳонада улар ҳам узатилгунча кўп юмушларни ўрганиб олишади, шу тариқа «янга кўрган қиз» мақомига эришишади. Ошхоналарига совчи кирганда, кўнгиллари шу хонадонга чопаверадиган бўлади, она қизим!

Буларни ёдингиздан чиқармайсиз-а?!

* * *

Азиз қизларим!

Мазкур бўлимда кўпроқ дастёр бўлиб қолган, оналари, бувиларига жон-жон деб кўмаклашишга киришган, уларнинг қўлидан ишини олишга ҳаракат қилиб, шу тариқа келажак ҳаётга тўғри тайёрланаётган қизларга анъанавий таомлар, салатлар ва пишириқлар ҳақида озгина тўхталдик.

Сезган бўлсангиз, сизни чеклашдан, бир қолипга солиб қўйишдан қочиб, атай масаллиқлар ўлчовини бермадик. Биринчидан, ҳамма оилаларда оила аъзоларнинг сони ҳар хил. Қолаверса, айрим оилаларда кекса кишилар бор, айримларида эркаклар кўпроқ, айримларида эса ёш болалар кўп. Кундалик таомномаларни тузишда буларга эътибор бер-



май иложингиз йўқ. Қолаверса, сиз ҳамма ишни ойингиз билан маслаҳатлашиб бажарасиз-ку. Улар эса оила мўлжалини жуда яхши биладилар. Мўлжалнинг тўғриси улардан ўрганинг.

Ойингиздан кўп рўзгор юмушларига доир сирларни билиб, боз устига ўрганиб ҳам олдингиз. Бир яхши одатларини ўзингизга ҳам юқтирсангиз дуруст бўларди. Нима дейсизми? Сизниқига дарс тайёрлагани келган аксарият дугоналарингиз ошхонангизда махсус рамкага солиб қўйилган таомномани кўриб, ҳавас қилишиб ўзларига ҳам тузиб олишди. Ойингизнинг бу ишлари – режали аёл эканликларининг белгиси. Ойингизнинг икки ичар, уч ичар қилиб овқат пиширмасликлари ҳам ёқади сизга, тўғрими? Шуларни сиз ҳам одат қилиб олинг ўзингизга.

Ҳа, қизларнинг оналари, бувилари, келинройиларидан ўрганадиганлари кўп бўлади. Бу ўрганганлари кунда бўлмаса ҳам, кунда, албатта, иш беради ва сизни юзага олиб чиқади, юзингизни ёруғ қилади. Ахир «Ўрганганинг – ўзингга фойда, бажарганинг – менга фойда!» деб бежиз айтишмайди оналар.

Онангиздан ўрганганларингиз бир умр ўзингизга қувват бўлсин!



ҚАЛБ ТАРБИЯСИ

Қалб нури

«Ўзлигимни кўтардим...»

Авлодлар ўзининг унутиб бўлмас

Фурур – қалбга нур

Китобим – офтобим, содиқ дўстим

Ҳар одимингиз – сабоқ

Устоз – отангдек улуғ

Қалбнинг кўтарилишини кўзланг

Қайтар дунё



Бисмиллаҳир раҳманир раҳийм!

Аллоҳим, ниятларимизни хайрли, сўзимизни яхши дуолар билан қувватли, дуоларимизни вожибли, қадамимизни қутли қилгин!

Болалигимда эшитган бир ривоят ҳеч ёдимдан чиқмайди...

Қадим-қадим замонларда бир подшоҳ бўлган экан. У ўзининг битмас-туганмас бойликлари билан жуда мағрур экан. Назарида у билмайдиган, эриша олмайдиган нарса йўқдек экан... Подшоҳ разнасидаги олтин-жавоҳирларнинг қудрати ҳамма нарсага етади деб ишонар экан.

Ўша юртда бир ҳаким яшар экан. У одамларни даволар, ружини кўтарар, дилида ишонч ҳосил қилар экан. Унинг ҳузурига келган беморлар тезда тузалиб кетишар, баҳоли қудрат иштиёқ билан тирклик ҳаракатига тушиб, ҳакимга миннатдорлик билдириб, уни тинмай дуо қилишар экан. Ана шу ҳакимнинг довуғи қўшни давлатларга ҳам етиб борибди. Эшигидан одам аримай қолибди.

Подшоҳнинг назарида ҳакимнинг довуғи унинг довуғини босиб кетаётгандек туюлаверибди. Шундан подшоҳ ҳасад оловида ёна бошлабди. Кунларнинг бирида у ҳакимни чақиртирибди-да, ўз қудратини намойиш этиб, унинг попутини пайсайтириб қўймоқчи бўлибди.

– Тила тилагингни, эй ҳаким! – дебди у тахтида керилиб ўтирганича. – Мен истаган нарсангни муҳайё қилишим мумкин! Қудратимнинг чеки йўқ!

– Агарки қўлингдан ҳар нарса келса, одамларни ўлмайдиган қилиб қўй! – дебди ҳаким мулойимлик билан.

– Хўп! – деб юборибди подшоҳ қизиқ устида.

Аммо бир оз ўйлаб бу истакни бажара олмаслигига ақли етибди.

– Бунинг иложиси йўқ... – дебди секин у.

– Унда жила бўлмаса, одамларни қайтадан ёшартириб, умрини узайтириб бер, – деб илтижо қилибди ҳаким.

Подшоҳ ўйлаб-ўйлаб бу ишнинг ижросига ҳам ожизлигини тан олибди. Сўнгра ҳакимдан сўрабди:

– Кунда сенинг уйингга менинг даргоҳимга келувчилардан кўпроқ одам келади дейишади. Улар қайтаётганда сенинг ҳаққингга кўп дуо қилишармиш. Бунинг сири нимада-ю, сенинг қудратинг нимада?

– Эй, подшоҳи олам! Ҳамма гап қалбда, – деб жавоб берибди ҳаким. – Сенинг тиллоларинг кўп. Қалбинг ана шу бойликка асиру банди бўлиб қолган ва ҳеч тўймайди, ҳатто ўзини танймайди. Даргоҳингга бош уриб келганларга бир танга бергинг келмайди, чунки қалбинг шунга изн бермайди. Негаки қалбингнинг ўзи ҳам бойликка банди. Мен эса борига шукр қилиб яшайман, шунинг учун ўзимга ўзим ҳукмронман ва фақат қалбим буюргангани бажони дил ижро қиламан. Қалбим эса бор билимингни ишлат, одамларга яхшилик қилиб, уларни давола дейди. Унинг айтганини бекаму кўст бажарсам, одамлардан кўп дуо эшитаман. Аслида менинг давлатим ҳам, ҳеч қандай қудратим ҳам йўқ, олампаноҳ!

Яна ривоят қиладиларки, бир донишманддан сўрашибди:

– Киши қувватни қайдан олади?

– Киши қувватни қалбдан олади, – жавоб берибди донишманд.

– Одам ҳамма ишни қўли билан бажаради, қўл қувватни қайдан олади?

– Қўлга қувватни қалб беради, агар юрак берган қувват, ғайрат, уқув бўлмаса, қўл ҳеч нарсага қодир бўлмай қолади...

Шу ўринда бир ҳадисни эсга олсак: «Огоҳ бўлингим, албатта, жасадда бир парча гўшт бордир. Қачон у солиҳ бўлса, жасаднинг ҳаммаси солиҳ бўлур. Қачон у бузуқ бўлса, жасаднинг ҳаммаси бузуқ бўлур. Огоҳ бўлингим, ўша нарса қалбдир».

Шунга таяниб, донишмандлар дебдилар: «...Тиррик қалблар манзилардан иборат. Қалб қачонки нур билан тўлса, унинг нурларининг ортган қисми бутун аъзои баданга ёйилар. Қачонки қалб ботил билан тўлса, ундаги қоронғилик дарёси бутун аъзои баданга тарқалар...»

Англадингизми, ойим қизим? Ёдингизда тутинг – **кишининг қўли билан бажариладиган ишлар, оёғи босар йўллар, бошидан кечадиган йў-хаёллари, эртадан умиди, бугунги ишларининг ижроси – бари-бариси қалб измига, қалбнинг нечоғлик нур ёки қоронғилик билан тўлганлигига боғлиқдир.**

Ана шунинг учун ҳам миллатимиз кишилари қадим-қадимдан қалб деб аталмиш неъматнинг тарбиясига катта аҳамият бериб келишган. Аслида «Қизлар китоби», «Келиннома» чизгиларини битишдан муддаомиз ҳам шу – **қизларимиз, келинларимиз, набира қизларимизнинг қиёфаси ҳам, кийими ҳам, руҳи ҳам, фикри ҳам, дили ҳам гўзал бўлишини жуда-жуда истаймиз.** Ва бунга эришиш йўлида биз – оналар, бувилар, устозлар жуда серғайратмиз, урунчоғу куйинчакмиз, лозим



бўлса, оромимиздан ҳам кечамиз. Муддаомиз – фарзандларимиз қалбида нур устуворлик қилсин!

Қалбнинг нурга тўлиши, инсон кўнглининг доим осмонларни орзу қилиши, бу орзуларнинг қуввати ила одими дадил бўлиши учун қалбда яхши ниятнинг барқ уриши бирламчи шартдир. Лекин унутмаслик керак – ҳар бир яхши ният ортида беадоғ катта режалар, изланишлар, интилишлар ва, албатта, меҳнат ва яна меҳнат ётибди. Буларсиз киши яхши ниятнинг моддийлашувини амалга ошира олмайди. Моддийлашув деганда хаёлнинг рўёбга айланишини назарда тутаётганимизни сезиб тургандирсиз.

Кейинги суҳбатлар ана шу қалб деб аталмиш неъматнинг тарбияси ҳақида, уни нур билан тўлдириш омиллари ҳақида.

«ЎЗЛИГИМНИ КЎТАРДИМ...»

Сиз билан кишилар ҳаётида, қалбининг ёрқин нурга тўлишида ота-оналарнинг яхши ибрати катта аҳамиятга эга экани ҳақида суҳбатлашмоқчи бўлганимда яқин дугонамининг бир самимий рози эсимга тушаверди. Аниқроғи, у кишининг ўз ота-онаси ҳақидаги, уларнинг ибрати ўз ҳаётида қандай ўрин тутгани ҳақидаги ўй-кечинмалари оқибатида ёзганлари – каттагина шеърнинг бир байти шууримда айланаверди:

*Волидамни бошга қўйдим,
кўзга суртдим пойи гардин,
Оқибатда англадимки –
ўзлигимни кўтардим...*

– Ҳар бир кишининг ҳаётида ўз ота-онаси ҳақида жиддий ўйлайдиган пайти бўларкан. Фарзанд-

нинг ҳам ота-онасига баҳо берадиган, кейинги ҳаёти давомида шу берган баҳоси қуввати ила ота-онасини бошига кўтарадиган, уларни пиру комила деб тушунадиган ёки аксинча, йўлини ота-она йўлидан айро оладиган пайтлари бўларкан. Бу – биз киму, дунёга нега келдик, қандай яшаяпмизу, нималарга қодирмиз, деган саволларга виждонан тўғри жавоб беришимиз, ўзлигимизни англаб олишимиз, тўғрироғи, ўзлигимизни кўтариб олишимиз учун ҳам керак экан. Бировлар буни оддин, бировлар кейин бошдан кечиришар экан... – ҳикоя қилдилар олима дутонам Мавлудахон. – Етмишинчи йилларнинг ўрталари эди... Ота-онамиз етмишни қоралаб қолишган, фарзандлар бўй чўзиб бизнинг ортимиздан келишаётган вақт...

Айнан ўша кезлар отам ва онам ҳақида жиддий ва виждонан ўйлашга мени мажбур қилган икки воқеа содир бўлди. Қўшнимиз яккаю ёлғиз ўғлини рус мактабига берган эди. Кўп ўтмай шу ўғли онасига «Ойи, синф мажлисига сен (!) бормагин, йўқса синфдошларим менинг рус (!) эмаслигимни билиб қолишади, уяламан. Яхшиси, папам (!) бора қолсин, у русга ўхшайди». Қаранг-а, болаларимиз ўз тупроғида унган мевани еб туриб улғайса-ю, ўз миллатидан уялса...

Қалбим титраб кетди...

Уч йил кейин биз ҳам ўғлимизни ўша вақтнинг таъбири билан айтганда «европача» – рус мактабига ўқишга бердик. Ана шунда биринчи бор юқоридаги муаммога биз ҳам дуч келдик. Бир куни ўғлим билан дўконда унинг синфдошига дуч келиб қолдик. Ўғлимнинг зийрак кўзларидаги қандайдир хижолатли ҳолат менга қўшним ҳангомасини эслатди. Шунда боламга: «Ўғлим, сени русча ўқишга берганимиз биз – русмиз деганимиз эмас, балки сен ҳам



она тилингда қўшимча қилиб шу халқ тилини яхши ўргангин, унинг маданияти ва адабиётидан хабардор бўлгин деганимиздир. Инсон қанча кўп тил билса, қалби шунча юксалади. Синфдошларинг олдида бизнинг ўзбек миллатига мансуб эканимиздан уялишингда, хижолат бўлишингда ўрин йўқ! Биз билан уларни таништирганингда орийат қилма...» деган гапни айта олганимдан ҳалигача мамнун бўламан. Миллий ғурур, фахр туйғулари балки фарзандларимиз қалбига ўшанда жо бўлгандир.

Шу икки воқеа сабаб бўлиб, ўзимда ҳам «Менинг ота-онам ким? Менинг уларга муносабатим қандай?» деган саволлар пайдо бўлиб, қалбимни виждонан ва беаёв тафтиш қилишимга тўғри келди. Айтишим керакки, бу осон кечмади. Лекин шукрки, ота-онам қалбимизни тўғри тарбиялаган экан. Ўшанда қалбимга четдан ҳалол боқиб, ўзимда кўп иллатларни топдим. Бу иллатлар – ота-онам сабабли эмас, замон мафкураси таъсири эканини ичимда билиб турардим. Аввал сезганим, уят бўлса ҳам очиқ айтай – қалбимдаги кибр, ғурур бўлди. Яъни мен – қизил дипломли, олий маълумотли, нуфузли даргоҳнинг аспиранти, улар, яъни ота-онам эса – саводсиз кексалар. Яна бир сезганим – бир оз орланиш ҳам бор эди ичимда. Яъни мен замон тили – рус тилини аълога биламан, ҳатто Русияда, «бепоён ватанимиз пойтахти» – Москвада номзодлик диссертациясини ёқлашга қодир инсонман, улар эса – «тил билмаслар». Ўзимни аёвсиз тафтиш қилишим оқибати топганим бу яширин ҳислар менинг ота-онамга нисбатан қалбимдаги ҳақиқий ҳисларимга бутунлай қарама-қарши эди. Ана шу қарама-қаршилиқ туфайли унинг негизини қидириб, шунга амин бўлдимки, саводсиз улар эмас, аслида мен эканман. Чунки уларда бор бўл-



ган мумтоз билимлар биздаги собиқ тузум туфайли рад этилган, топталган, бор билимларим эса шундай чегараланган эдики, биз ота-оналаримиздаги хазина ҳақида тасаввурга эга ҳам эмас эканмиз ва шўроларнинг бутун саъй-ҳаракати бизнинг бу хазиналар ҳақида тасаввурга эга бўлмаслигимиз ва бу тасаввурлар охири бориб, қудратли миллий ғурурга айланмаслиги кераклигига қаратилган экан. Ота-она ҳаққи, уларга муносабат ҳартугул улардаги чуқур тафаккур ва билимлар туфайли бизга она сути ва ота меҳри билан сингдирилган эди, қадимий ўзбек қонидаги унинг изи бизнинг авлод онгида ухлоқ ҳолда, аммо қонимизда уйроқ ҳолда яшаб келаётган эканки, маълум бир туртки уни юзага чиқара олди.

Яхши ҳамки, инсонга Аллоҳ ирода ва шу иродага ишонч берган. Ҳар бир инсон онгида эрта-ми-кечми шундай ишончнинг уйғонгани яхши. Ана шу уйғонишга ҳам ота-оналаримиз қалбида барқ уриб, бизга мерос қолган ўша маънавий захиралар сабаб бўлгани аниқ. Улар томиримиздан йўқолмаганига шукрлар қиламиз.

Бу маънавий захиралар нима? Киши қалбини, ҳурматини юксақларга кўтарувчи устун фазилатлар нима?

Назаримда энг оғир дамларда, юрт бошига катта синовлар тушганда ҳам ота-онам бошини кўп олдида эгмаган, қалбига нур бериб турган фазилатларнинг *биринчиси* – атрофдагиларга хайрихоҳ бўлиш, яхшилик қилиш эди. *Иккинчиси* – ғийбатдан нари бўлиш. *Учинчиси* – эришганларини бу меникигина эмас, аввало умумники деб қабул қилиш, яъни борини кўп билан баҳам кўриш, бошқаларга илиниш. *Тўртинчиси* – ҳаммага бирдек «дада» ва «буви» бўлиш; ҳеч кимни нигоҳидан қочирмаслик. «Бир бола-



га етти кўшни – ота-она!» деган гап жуда тўғри. *Бешинчиси* – ҳалоллик. *Олтинчиси* – шукрли, сабрли бўлиш. Билсам «Шукрдан андоза олиб, сабрдан кўйлак тиккан» авлод экан ота-оналаримиз. Шу фазилатлари билан улар улуглик чўққисига кўтарилишган, улугланишган! *Еттинчиси* – бетама яшамоқ. *Саккизинчиси* – бошқаларга руҳий мадад бермоқ. Эсимда, ота-онам билан бўлган бир дамлик суҳбатдан сўнг дам ўтмай дунё ташвишларидан ғовлаган бошимиз кўтариларди, лабимизда табассум пайдо бўларди. *Тўққизинчиси* – нафақат фарзандларини, бошига мушкулот тушган таниш-ноганишларни, ётган беморларни, кексаларни, ёш келин-куёвларни, янги туғилган чақалоқларни узоқ ва чин дилдан дуо қилиш. Уларнинг бу дунёдан рози ва вожиби дуо мақомида кетишганига сабаб балки ўзларини ҳам тинмай «Иймонимизни Ўзинг басаломат қил, ибодатларимизни мукаммал қил, дуоларимизни ижобат эт!» деб дуо қилишгани ва бунга муттасил интилишганидир.


Кишилар чехрасини файзли қиладиган қалбидаги нурли чироқ шундай ажойиб фазилатлар туфайли пайдо бўлармикин деб кўп ўйлайман. Ахир кекса авлодни чароғбон, миллатнинг сўнмас ёғдуси деб бежиз аташмайди. Чунки улар қалбидаги шу чироқни кейинги авлодларга ўтказиш ҳақида кўп қайғуриб келишган. Бу чироқнинг тобора ёрқинроқ порлаши йўлида қилинган саъй-ҳаракатдан чарчашмаган, қалбларига малол олишмаган бу катта меҳнатни. Аксинча, ундан қувват олишган. Биздан кейинги авлоднинг биздан соғломроқ, бахтлироқ бўлиши учун улар – боболар, бувиларнинг ўз борлигини бахшийда этиши ҳам табиий. Ўтмишимизга, маънавиятимизга, тарихимизга ҳурмат билан қарашлари, уларнинг бир нуқрасига ҳам бепи-



санд бўлмаслик кераклиги ҳақидаги кўрсатмалари, даъватлари кейинги авлод тарбиясида, қалбининг ёрқин нурга тўлишида муҳим рол ўйнади-ку.

Қалбимни беаёв тафтиш қилишим оқибати англаганим яна шу бўлдики, ота-онанинг кимлиги эмас, балки сен уларни ким деб ҳисоблашинг болаларининг сени ким деб ҳисоблаши ва ким бўлиб тарбияланишига асос бўлар экан.

Ўзбекнинг қониди бу фаррош, бу ҳоким деб инсонларни табақалаштириш, молу дунёга ружу қўйиб, уни культ даражасига кўтариб олиш деган нарсани йўқ. Чунки биз аслида жуда кўзи тўқ, бағри кенг халқмиз. Мендаги ўша ғурур, кибр ҳолати онгимизни заҳарлаган мустамлаканинг, қарамликнинг, мутеликнинг изи экан билсам. Аслида эса кундалик ҳаётингдан розилик, бизга берилмиш ҳаёт деб аталимиш неъматга шукроналик, уни тўғри яшаб, чиройли из қолдириб ўтиш, ота-боболаримиздан қолган билимларни тиклаб, яхши удумларга амал қилиш уларга бўлган ададсиз эҳтиромимизнинг белгисидир. Атрофимизда яшаётган ҳамюртларимизнинг қайғуси ва кулгисига шерик бўлиш, бойлик ва тўкинликка эришиш фақат яшаш учун восита эканини англаб, бу беш кунлик дунёдаги ҳаётни руҳимизни такомиллаштиришга, умрни фақат эзгу ният ва яхши ишларга сафарбар қилишга, биздан кейинги авлодларимизнинг баркамоллиги йўлида хизмат эттиришга эришмоқ – мана шулар аслида ота-боболаримизнинг бизга юқтирган ва, албатта, бизнинг авлодларга юқтиришимиз керак бўлган ҳақиқий йўлидир. Аслида умр одамзодга уни сўнгги дақиқаларигача мардона ҳимоя қилиш шарти билан берилган неъматлигини улар яхши билишган ва шу эътиқодга содиқ қолишган.



Ҳусайн Воиз Кошифий ҳазратлари ўзларининг бундан неча асрлар илгари битилган, неча-неча авлодларга инсонийлик ва ахлоқий дастуруламал бўлиб хизмат қилган «Футувватномаи Султоний», «Ахлоқи Муҳсиний» асарларида бу масалаларга бежиз тўхталмаганлар. Шоҳлар учун битилган китобда подшоҳлар Ҳақ ва халқ ўртасидаги киши эканлиги ва бирига юзланганда ниҳоятда шойиста бўлса, иккинчисига юзланганда ниҳоятда одил ва меҳрибон бўлиши кераклиги, подшоҳлар ўта камтар бўлиши, чиройли хулқ йўлидан юрмай иззат ва шараф манзилига етиб бўлмаслигини уқтирадилар.

Фаррошлар, қассоблар, чодирбонлар, қўғирчоқбозлар ва бошқа касб эгаларига қўйилган талаблар, уларнинг пирлари ҳақида ўқир эканмиз, шуни таъкидлаш мумкинки, фаррош ҳам, ҳоким ҳам юртингнинг фарроши ёки ҳокими эканлигини, ҳар бири ўз ўрнида азизу мукаррам, ўз ўрнида керак эканлигини, ҳар бирининг ўз олдига қўйган вазифа ва ҳуқуқлари бор эканлигини, уларнинг ҳар бирини ўрнида қадрлаш ва тарбиялашга ўрганмас эканмиз, миллий маънавиятимизни ўзимиз хоҳлаётган юксакликларга кўтара олмаслигимизни қалбдан ҳис қилмоғимиз лозим. Имом Ғаззолий ҳазратларининг «Эй, фарзанд!», Муҳаммад Ҳайдар Мирзонинг «Тарихи Рашидий», Румий ҳазратларининг «Ичингдаги – ичингдадир» каби кўплаб асарлар мазмуни илдизимиз ниҳоятда терадлигини кўрсатади. Ота-оналарим қалби комил пирларнинг шундай умри узоқ асарлари билан нурланганини англаганимда, ростки, улар билан ғурурланиш туйғуси беадад бўлди. Ана шу ғурур уларнинг жуда катта ҳурматга лойиқликларини англатди. Ҳар сўзларида ҳикмат топдик, ҳар амалларида ибрат кўрдик. Фарзандларимиз қалбида ҳам ўзидан кат-



та авлодга нисбатан ҳурмат уйғотишга ғайрат қилдик. Бундан ўз қалбимиз ҳам, фарзандларимиз қалби ҳам нурланди...

Мавлудахоннинг суҳбатидан кўнглим осмонларга кўтарилгани сабаб, уни сизга шундайлигича етказдим.

АВЛОДЛАР ЎГИТИН УНУТИБ БЎЛМАС

Авлодлар ўғитини унутиб бўлмайди...

Мактабга отланиб, папкасини елкасига осиб олган набира қизим мурожаат қилди:

– Бувижон, омин қилинг!

– Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим! Илоҳо тану жонинг соғ, идрокинг баланд, қизиқишинг беадад бўлсин, омин оллоҳу акбар!

– Бувижон, «беадад» дегани нима?

– Беадад дегани, болажоним, адоғи, сони-саноғи, охири йўқ дегани.

– Адоғи йўқ нарсаларга қизиқса ҳам, киши ўша ниятларига етадими?

– Албатта, она қизим, фақат ҳар бир иш бошида «Бисмиллаҳир раҳмонир раҳим!» дейиш керак. Бисмиллаҳ билан бошланмаган ишнинг охирини берк деганлар. Яъни, киши қанча ҳаракат қилмасин, қилган ниятига ета олмас экан. Аллоҳдан аввал мадад сўраб, астойдил ҳаракат қилиб бажарилиган иш эса унумли бўлади.

Набира қизим яна кўп нарсаларни сўраб олмоқчилиги кўриниб турарди. Мен эса:

– Мактабдан кеч қолмагин, келганингдан сўнг суҳбатимизни давом эттирамиз. Келишдикми, онам? – дедим.

– Келишдик, бувижон! Сиз борингизда уйимиз бошқача бўлиб кетади-я!



Набира қизимнинг ширин сўзлари учун пешана-сидан ўпиб кузатдим-у, беихтиёр Тожиниса бувим ёдимга тушдилар. Ҳозир набирам айтган сўзларга ўхшаш гапни мен ҳам Тожиниса бувимнинг серажин бўйинларидан қучиб, эшитсинлар учун қулоқларига баланд овозда айтардим:


– Сиз келганингизда ҳовлимиз бирам чиройли бўлиб кетади!

Умрни оқар дарё дерлар, у тез оқиб ўтиб кетади, дейишгани рост экан. Қаранг-а! Шу набирамдек эканман-да ўшанда... Фақат менинг сочларим майда ўрилган, дўппимдан сал пастроқда, сочим учига бураб ўралган пахта пиликлар елкам билан битта бўлиб чувалиб ётарди. Набира қизгинамнинг қора зулфидаги оппоқ, тўлқин-тўлқин коптокдек келадиган чиройли бантиклар у вақтларда қайда дейсиз? Сочимни икки қатор майдалаб, ўтгиз-қирқ кокил қилиб ўриб бўлишгач, бувимми, ойимми калтагина сочларимни иккала кафтларига сиқиб тортиб-тортиб: «Олтин бошинг омон бўлсин! Ойда – қилич, йилда – қулоч!» деб елкамга қоқиб-қоқиб қўйишарди. Бу гапнинг яхши ният эканини кейинроқ англаганман. Яъни: ҳамиша соғ-саломат бўлгин, сочинг ойига қиличдек узунликда, йилда эса киши қулочидек ўссин деганлари экан.

Ҳаммамиз ҳам Тожиниса бувимдан кўп-кўп дуо эшитишни яхши кўрардик. Жуда чиройли дуолар қилардилар.

– Дуогўйлари бор хонадон ҳамиша файзли ва баракотлидир, – дердилар дадамлар.

Бу – тўғри гап. Дадам бизнинг дуоларга ихлосимиздан мамнун эдилар. Биз ҳам бу дуоларнинг меvasини ўша куниёқ ҳис қилардик. Чунки ҳар куни мактабга кетаётганимизда бувимдан яхши дуо олардик ва, албатта, икки-уч фандан «беш» баҳо олиб



қайтардик. Кеч бўлиб, овқатланиб, йиғиб-териб бўлганимиздан сўнг ҳаммамиз кундалик дафтарларимизни олиб келиб, бувим ва дадамга кўрсатар эдик. Тожиниса бувим саводсиз эдилар. Баъзида узатган дафтаримизни тескари ушлаганларини билмай, уни диққат билан ўқиётгандек бўлардилар. Биз эса қиқир-қиқир кулар, аммо уларга сездирмасдик. Ўзимизни уларнинг ҳар биримизни алоҳида дуо қилишларини эшитиб, бирам яйраётганга солардик. У дуолар ҳар биримизнинг қалбимизга мустаҳкам жо бўлган эканки, ҳеч ҳам эсимиздан чиқмаган:

– Илоҳо, юрт-оламга тинчликни берсин, жумлаи мўминнинг эътиқоди бир бўлсин!

– Илоҳо, жумлаи мўминнинг болалари қаторида болаларимнинг ҳам ҳамиша тани-жони соғ, умри узоқ, ниятлари хайрли, мушкуллари осон, иқболи баланд бўлиб, дуолари доимо вожибли бўлсин!

– Илоҳо, юрган йўлингиз нурли бўлиб, ундан терганингиз дур бўлсин! Даданга худойим ҳалолдан, ғойибдан, беминнатидан етказиб, топган-тутганига файзу барака ато этсин, сизга едиргани ҳалол лўқма бўлсин!

– Илоҳо, хотирингиз жам, дилингиз равшан, кўзингиз нурли бўлсин!

– Илоҳо, кўпнинг олдида бошингиз ҳеч қачон эгилмасин! Зеҳнингиз ўткир, идрокингиз ҳамиша баланд бўлсин!

– Илоҳо, андиша, ҳаё чеҳрангизнинг ҳамишалик кўрки бўлсин!

– Илоҳо, борган жойингиз гул бўлсин!

Кўп сўзларни тушунмай, кўп нарсага ақлимиз етмас эканми, у вақтлар дуодан кейин бувимга кўп-кўп саволлар берардик: «Бувижон, жумлаи мўмин ким?» «Эътиқод нима?» «Хайрли ният қандай



бўлади?» «Вожибли дуо қандай бўлади?» «Файзу ба-
рака нима?» «Ҳалол луқма қандай бўлади?» «Анди-
ша, ҳаё нима!»...

Агар болалигимизда бувимнинг самимий, чин
кўнгиладан айтган ҳамма дуоларини ёзиб борга-
нимизда, неча-неча дафтаримиз тўлган бўларди.
Берган саволаримизга дадам, ойим, бувимнинг
шошмай берган тушунтиришлари эса сизлар мана
кўп йиллар кейин ўтаётган одобнома дарсингиз-
нинг ўзгинаси эди. Нега дейсизми?

Ўшандай суҳбатлар оқибатида биз инсон доим
яхши ният билан яшаши кераклигини англаганмиз,
ёлгон гапириш катта гуноҳ эканлигини тушунган-
миз, жамоа билан яшаганда жамоа юкини баробар
тортишимиз кераклигини билганмиз, меҳнат ки-
шини ҳар қандай ғам-ҳасрат ва кулфатдан қутқа-
ра олишга қодирлигига ишонганмиз, бошқаларни
ҳурмат қилганингдан кейингина ўзинг ҳам иззат
топишинг мумкинлиги сабоғини олганмиз.

Биз бундай оқшом сабоқлари соатларини жуда
яхши кўрардик, чунки уларда катта авлоддан кўп
ўғит, насиҳатлар эшитиб, қалбимиз бойиб борар-
ди. Эшитганимиз ўша ўғитлар, ривоятлар қалби-
мизга ҳозир ҳам қувват бериб турибди.

Набира қизимнинг «Дуо қилинг, бувижон!» деган-
ни боис, мана шунча давр ўтган бўлишига қарамай,
Тожиниса бувим айтган дуо ва ўғитларнинг деярли
ҳаммаси эсимда турганини англадим. Демак, ав-
лодлар ўғитини унутиб бўлмаслиги рост экан.

Ажаб эмас, биз айтган дуолар ҳам ойдин набира
қизимгаю ундан кейинги авлодларга қувват бериб
турса.



Ойим қизим!

Ота-оналарнинг қалбни нурлантиришдаги ибрати ҳаётингиз давомида жуда-жуда зарурлигини юқорида бежиз таъкидлаб ўтмадик. Бир авлоднинг ўзидан аввалги ўтган бошқа авлодларнинг маънавий захирасидан қониб-қониб сиририб ўсиши – ҳаётинг заруратлигини сиз англаб олишингиз керак, англаб оляпсиз ҳам. Авлодлар ўзлари ўсиш-улгайиш, ривожланиш билан бирга эришганларини кейинги авлодларга туганмас мерос қилиб қолдирадилар. Бизга қолдирилган мерос қалбимиз ифтихорига айланади. Ҳар бир авлод аввал ўтган авлодлар ютуғи билан ғурурланиши керак. Бу нарса шу авлоднинг ривожини учунгина эмас, тамаддун ривожини учун ҳам зарур шартдир. Аммо ойим қизим, бундай ғурурли туйғу ўз-ўзидан пайдо бўлавермайди.

Эсимда... Менда шундай ғурурли туйғунинг дастлабкиларини Исломбек Ғаспранининг мақолалари уйғотганди.

Исломбек Ғаспранининг ўн тўққизинчи аср охири, йигирманчи аср аввалида Чин деворидан Оқ денгизгача чўзилган ўлкаларда яшаган кўп миллионли туркийларга яхши таниш бўлган инсон, у ношир ва мутафаккир, адиб эди. Уни фахр билан туркийларнинг Арасту ва Берунийдан кейинги учинчи муаллими деб ҳам аташган экан. Унинг «Туркистон саёҳатлари» туркумидаги мақолалари ҳақиқатда катта меҳр билан ёзилган. 1893 йил ёзида у киши Туркистон саёҳатида бўлиб, ўша йилнинг охирида Қримда нашр этиладиган «Таржимон» газетасида ўз таассуротларини қатор мақолаларида баён этадилар.



Китобимиз қизларга аталгани учун ҳам шу мақолалар туркумидан Тошкент аёлларига оид бир иқтибос келтирайлик:

«...Тошкентда бу каби зиёлилар, зодагонлар, муслима хотинлар фикру қарашларини ўрганиб, онгимда уларнинг турмушига оид анчагина яхши тушунчалар, кўнглимда эзгу ҳиссу туйғулар пайдо бўлди.

Шулардан бирини айтай: бир хоним ўн йилдан бери шифохонада хизмат ва марҳамат кўрсатмоқда. Яна бир ходим эса, маърифат тарқатишда гайратини аямайдир. Шундай қилиб, бир неча хотин-қизлар гул-чечаклар каби илму ирфон тараққийсида, халқ фикрининг очилиши йўлида равнақ бермоқдалар. Мастура ва паранжили бўлмасалар-да, том адабли ва тарбияли ҳаёт кечиришмоқда. **Юзи очиқ, бир-икки тилни билган муслималарни кўрмоқ кўп нодир ҳолдир.** Паранжини отган, янги илму маълумот ила мунаввара бўлган муслималар шу ислом жамиятида қандай ўрин тутарлар? **Уларнинг бир оилада яхши рафиқа, эътиборли уй соҳибаси, шафқатли она бўлишларини жаноби ҳақдан ёлвориб тилайдирман.** Адаби исломия тарк этилмаган ҳолатда илму маърифатдан фақат фойда келадир. Шунга кўра умидворманки, зиёли, маданий ва хизматга бел боғлаган мусулмонларнинг зиёли, орифона рафиқалари ва қизлари ўзларининг марҳума оналари ва бувилари даражасида адабли яшасалар, уларнинг маърифат ва камолотидан миллат ҳам наф кўрадир. Ана шу мақсад йўлидаги таҳсилу камолотдан, бу матлаб бирла кечирилган умрдан кўп хайр ва савоб бордир.



Ислом адаби ила тарбияланган, замонавий маърифатда камолга эришган муслималар дунёнинг энг яхши оналари бўлиши шубҳасиздир...»

Сизнинг-да қалбингиз ифтихор нурига тўлди-ми, қизим?

Келтирилган бу иқтибосдан кўриниб турибдики, қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, ҳамма халқларнинг ҳамма вақт ҳам оила, одоб, одамийлик, эзгуликни соғиниши бир хил бўлган. Қаранг-а, адиб бошқа миллат аёлларининг бир-икки тилни билишидан, кўпга хизмат қилаётганини кўрганидан *онгида уларнинг турмушига оид анчагина яхши тушунчалар, кўнглида эзгу ҳиссу туй-гулар пайдо бўлибди.*

Юртимиз мустақилликка эришганидан бери, ўтган авлодларимизнинг маънавияти ниҳоятда тўқ бўлганини кўрсатувчи бундай мақолалар кўплаб эълон қилиняпти, китоблар ёзиляпти. Ота-боболаримизнинг бой маънавий мероси сақланаётган мустаҳкам дарвозаларга сим-сим калитларини солишга қодир бўлганимиз оқибатида биз анча катта ёшимизда таниган, ўқиган, орқа-ўнгимизга қараб, ҳуркибгина фикр юрита бошлаган сермазмун маънавиятимиз захираларини сизлар, яъни набира қизларимиз балоғат ёшига етар-етмас билиб, ўрганиб, танишиб, ўзингизга сингдириб оляпсиз. Демак, сиз биздан кўра анча дадил фикр юри-тиш имкониятига эгасиз, демак, авлодлар ғурурини биздан-да кучлироқ туясиз. Бир-икки эмас, беш-олти тилни пухта биладиган қизларимиз, хорижий мамлакатларга бориб ўз билими, салоҳияти билан бошқаларни лол қолдираётган қизларимиз қанча! Уларни кузатганда Исломбек Ғаспратининг кўнглидан кечганлари менинг-да кўнглимни



тўлқинлантиради, уларнинг камолотидан миллатнинг наф кўришидан, уларнинг оналари ва буви-лари даражасидан-да юқорилашларидан, оқибат кечирган умрларидан **«кўп хайр ва савоб»** келишидан умидворман.

Қизларимизнинг шу даражаларга етишлари учун маънавиятини қувватлантирадиган кўп китоблар ўқишларини орзу қиламан. Балки уларни мактаб ва коллежларда дастурий, босқич-ма-босқич ўқитилиши тўғрироқ бўлар. Яхши адаб ва замонавий маърифатга қалб тарбияси, яъни ботиний илмларни эгаллаш орқали эришилишини унутмаслигимиз керак. Чин адаб ва чин маърифат эгалари доим яхшиликларга шошилгувчи, ёмонликдан ўзинигина эмас, жамиятни ҳам сақлашга интилгувчи зотлардир. Бундай кишилар амалларни бузувчи, қалбларни кирлантирувчи, васвасани кўзгатувчи омилларни чуқур ўрганадилар, ёмонлик идизини билмай туриб ундан сақланиб бўлмаслигини, ёмонликка зарба бериб бўлмаслигини англаганлари ҳолда иш кўрадилар. Булар ҳақида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «Руҳий тарбия» асарларига ўхшаш китоблардан кўп ва мукамал билим олиш мумкин.

КИТОВИМ – ОФТОВИМ, СОДИҚ ДЎСТИМ

Лицейдаги биринчи адабиёт дарси эсингизда-ми? Муаллимангизнинг бутун синфнинг эътиборини тортган қизиқ саволлари-чи?

Бир сизгина эмас, дугоналарингиз ҳам янги устоз кирганларидан бери у кишининг қоматига ярашиқ сипо кийимига, чиройли соч турмагига, билинар-билинмас пардозига маҳлиё бўлиб ўтиргандингиз. Хаёлингизда эса қандай қилсам мен



ҳам шундай чиройли кўринаркинман, деб ўйлаётгандингиз, тўғрими? Шу пайт янги устозингизнинг кутилмаган саволлари фикрингизни бўлди.

– Айтинг-чи, болалар, билимдон бўлишни истайсизми?

– Ҳа-а-а-а! – якдиллик билан жавоб берганди ўшанда бутун гуруҳ.

– Ҳамма сизни ҳурмат қилишини истайсизми?

– Истаймиз!

– Чин зиёли бўлишни истайсизми?

– Истаймиз!

– Бахтли бўлишни-чи?

– Албатта, истаймиз!

– Йигитлар, мард бўлишни истайсизми?

– Истаймиз, албатта!

– Қизлар, чиройли, назокатли бўлишни истайсизми?

– Истаймиз! Истаймиз!

– Бунга эришишнинг энг тўғри йўлини айтайми?

– Айтинг, устоз!

– Сиз билан ўтадиган биринчи дарсга тайёрланаётганимда китобдаги диққатимни тортган бир парчани ўқиб бермоқчиман: «Маълумки, Аллоҳ жамики тирик махлуқотни икки тоифа қилиб яратган: буларнинг бири чорпо, яъни тўрт оёқлилар – иккинчиси эса одамлар, икки оёқли махлуқлар. Чорполар ҳам, одамлар ҳам кўпгина муштарак хусусиятларга эга – улар ейди, ичади, урчийди, яъни фарзанд кўради, ўз жинсини давом эттиради. Бироқ шуниси ҳам маълумки, Аллоҳ инсонни борлиқнинг гултожи сифатида яратган, у ўз яратганини яхши кўради, унинг чорпо қаторида бўлишини истамайди. Шунингдек, Инсон Соҳиби Қудрат эмас, анча заиф ва мўрт, табиий майллардан ташқари салбий майлларга ҳам осонгина берилиб



кетиши мумкин. Шунинг учун суйган бандалари йиртқичлашиб чорпога айланиб кетмаслиги, ноҳўя ва ношойиста ҳаракатлари билан ҳайвон қаторига тушиб қолмаслиги учун унга **ақд, идрок, фаросат, ҳаё, уят, виждон, имон, диёнат ва инсоф** каби омилларни ҳам ато қилган. Инсон ҳаётининг энг улуғ маъноси бу дунёдаги ҳаётни муқаддас неъмат билиб, ундан баҳраманд бўлаётганига шукроналар қилиб, Соҳиби Қудратнинг яратувчанлиги орқали уни танишга интилиб яшамокдан иборатдир. Бу йўлга кирган одамлар ўзларини бахтиёр ҳис этсалар мутлақо ҳақли...» Бу фикрларни дорилфунунда дарс берган домламиз, адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновнинг (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин!) «Довондаги ўйлар» китобидан олдим. Демак, ҳар биримиз чин инсон бўлиб, руҳимизни ҳамиша баланд тутиб, сал қийинчилик олдида кўнгилини чўктирмай яшашга интилишимиз керак. Бунда бизга энг содиқ дўст, тўғри йўл кўрсатувчи омил – китобдир!

Китоб бизни дунё ва воқеаларга кенг қарашга ўргатади. Китоб донишманд ота-боболаримиз чиройли панд-насиҳатларида доим айтиб келганларидек, ҳаётнинг яхши ва ёмондан иборатлигини тан олишни, қалбимизни унисига ҳам, бунисига ҳам тайёрлашимиз кераклигини уқтиради. Буларга киши шукр ва сабр билан етажагини таъкидлайди. Муттасил китоб ўқиган одам борлиқ ва илмнинг чексиз-чегарасиз эканлигини англаш билан бир қаторда, бу илмнинг энг кичик зарраси ҳам Инсон қалбини ғоят нурлантириши, юксалтириши, руҳини қувватлантиришини англайди ва инсон заковатига қойил қолади. Одамлар китоб берган илм ёрдамида жисму руҳиятини ниҳоятда пок тутишга ўрганадилар, руҳий ажиб мувозанатга эришадилар, ниятлари, орзу-умидлари



дадиллашиб, уларга эришиш йўлида қўйган ҳар бир одимлари қатъий бўла боради. Муҳими, кўп китоб ўқиган одам аждодларга ўзгача қарай бошлайди. Улардан ўрганганларининг бари қалбларида кетмас сабоқ тарзида мустаҳкамланиб, ҳаётлари қувватига айланади.

Демак, биз ҳаммамиз ҳам аждодларимизнинг улкан маънавий захираларига катта ҳурмат билан қарашимиз, уларни дадилроқ ишғол этишимиз керак экан. Айниқса, инсон тарбияси, қалб тарбиясига оид китобларни кўпроқ ўқишимиз керак. Кишининг тақдири унинг маънавияти бутлигига боғлиқ дейишади. Маънавият захираларини эса биз китобдан, устозлардан олиб тўлдириб борамиз.

Негаки китоб инсоннинг ақли, қалбининг юксалишига, инсоннинг руҳан ўзини ўзи бошқарувига, аниқроғи, тўғри бошқарувига ёрдам беради. Бу, биринчи навбатда инсоннинг ўзини англаши ва ўзини тўғри бўлишга тўлиқ сафарбар этиши деганидир. Одам ўзининг руҳий мувозанатини сақлай билишида, оқил ва одил, шукри ва сабри мақомига эришувида китобнинг ўрнини бошқа бирон нарса билан таққослаб бўлмайди. У бевосита инсон қалбига, онгига, руҳига кириб боради.


Яшаш, ўсиш, улғайиш, ўқиган, билган, қилган хайри ишларимиздан юксалишимизни камтарона англашимиз бизни яна бир поғона кўтарадиган неъматдир. Бундай неъматга эга бўлган одам маънан бой, кўзи тўқ, руҳи пок бўлади, кўп-кўп билимларни эгаллашга дадил киришади, ғайрат ва шижоати кучли бўлади. Кўп ўқисангиз, мушоҳада қилиб мутолаа қилсангиз, инсоннинг жисмигина эмас, унинг руҳи ҳам алоҳида вужудлигини англайсиз. У ҳам соғ ва касал бўлиши мумкин. Руҳнинг чўкишига йўл қўйиш киши жисминигина



эмас, ҳаётини, умрини ҳам инқирозга олиб келиши мумкин. Кўп ўқиган одамда руҳий иммунитет кучли бўлиб, бундай инқирозга йўл қўймайди

Сиз ёшларга «Мана бу ёмон томонингни тузат!» деб ҳадеб ўша ёмон томонларингизни рўқач қилаверсак, албатта, бу сизга ёқмайди. Қайтага даққи бўлиб бораверасиз. Унинг ўрнига яхши китоб ўқисангиз, эзгу фазилатларни кўпайтириш, чин инсон бўлиш ҳақида кўпроқ йўл-йўриқ оласиз. Киши ўзининг яхши фазилатларини кўпайтириб борса, дакки эшитаётган ёмон хислатлари ўз-ўзидан йўқолиб бораверади.

Ҳеч эсимдан чиқмайди... Бир куни чет эл адабиёти домламиз шарқ ахлоқ ва одоби, тарбиясида намуна, ибрат, насиҳат усули катта ўрин тутганини айтар экан, XIII асрда яшаб ўтган машҳур олим ва мутафаккир ат-Тусийнинг ўн тўрт зид фазилат тавсифига тўхталиб ўтган эди. Домламиз инсон руҳияти, феъл-атвори ниҳоятда мураккаблигига урғу берар экан, девордаги тахтани тепадан пастга қарата икки қисмга ажратиб, унинг биринчи тарафига устун шаклида «меҳр-шафқат», «меҳрибонлик», «дўст-улфат бўлиш», «ёру биродарлик» каби ўн тўрт фазилатни, чизикнинг иккинчи тарафига эса «мақтанчоқлик», «мутакаббирлик», «омонатга хиёнат қилиш», «ёлғон гапириш», «макру ҳийла», «ёмонлик қилиш» каби яна ўн тўрт салбий хислатни ёзиб чиқди. Домламиз инсон қалбида иккала устундаги фазилатлар барабар келиши ҳам мумкинлигини айтар экан, шарқ одобномасида киши диққатини ёмон хислатларга кўпам жалб қилмаган ҳолда, оятлар ва ҳадислар кўрсатмасига риоя этиш орқали яхши фазилатларни ривсжлантиришга катта эътибор бериб тўғри қилинганини кўюниб гапирди. «Агар ҳар ким виждонан ўзининг яхши



ва ёмон фазилатларини мана шундай – бир-бирига қарама-қарши қилиб ёзиб чиқса, ўзидаги ёмон фазилатларнинг кўплигидан довдираб қолиши, улардан фориф бўлишга кучи етмаслигидан тушкунликка тушиши ҳеч гап эмас, – деди домламиз. – Чунки бу ёмон хислатлар Қуръон оятлари ва ҳадисларда ҳам қораланади». Эсимда, домламиз ўша дарсда кишини огоҳ торттирадиган, қалби тарбиясига ўзгача қарашни ўргатадиган кўплаб оят ва ҳадислардан мисоллар келтирган эди:

«Кибр ва худпарастлик иймонни фасод қилади».

«Ғийбат зинодан ёмондир».

«Олов ўтинни ёқиб тугатганидек, кин-адоват қилинган яхшиликларни ҳам еб тугатади».

«Фитна ухлайди. Уни уйғотганга Аллоҳнинг лаънати бўлсин».

«Хасис – обид бўлса ҳам жаннатга кира олмайди».

«Риё – махфий ширкдир».

«Чақимчилик қилувчи жаннатга кирмайди».

Бир умр эсимда қолган ўша дарсда домламиз одамзод ўзини ва руҳини поклаш билан бадғумонлик, жосуслик, ғийбат ва бўҳтондан, омонатга хиёнат қилиш, ваъдасида турмаслик, ёлғон гапириш ва чақимчилик, ҳаёсизликдан йироқ бўлишга интилиши кераклиги, инсонларнинг бир-бирларига лаънат айтиб қарғашлари жоҳиллик белгиси эканлиги, Пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в. «Кимда-ким бировга зиён етказса ёки макру ҳийла, сеҳру жоду қилса, у тўртта муқаддас китоб – Таврот, Инжил, Забур ва Қуръонда лаънатлангандир», деганлари ҳақида ҳаяжонланиб гапирди.



Китоб ҳақиқатда ҳам қалбга ёруғликкина эмас, тиниқлик ҳам олиб кирадиган офтоб бўлиб, одамнинг чорпо бўлиб қолишига қарши курашади. Ёруғлик киши қалбини юксакликка кўтарса, тиниқлик қалбни мувозанатга келтиради. Шунинг учун ҳам халқимиз адашганингда йўл кўрсатадиган маёқ ҳам китоб, беминнат, беназир дўст, устоз ҳам китоб, дейди.

Сизнинг ҳам китоб билан ажралмас дўст бўлиб қолишингизга ишонаман.

ҲАР ОДИМИНГИЗ – САБОҚ

Идрокли, истеъдодли, уқувли одамга ер ҳам сўз, кўк ҳам сўз, деган донишмандлар. Шунингдек, зеҳнли, фаҳму фаросатли кишига қўйган ҳар одими бир яхши сабоқдир.

Одамлар сайр ва саёҳатни жуда севишади. Бу бежиз эмас. Чунки сайр ва саёҳатлар даврида кишининг кўзи янги манзараларни кўради. Онги эса муттасил кўраётганларини илгари кўрган ва билганлари билан албатта солиштириб, таққослайди. Улар фарқини таҳлил этади, қалби ҳис қилаётган кўтарилиш ва чўкишларни чуқур мушоҳада қилади. Фикр қилади. Фикрлаш оқибати қалби, руҳида ўсиш ёки чўкиш содир бўлиб, шунга кўра айрим мулоҳазалар ақлини тобора чархлаб боради. Инсон кўраётган ҳар бир манзарадан, эшитаётган ҳар ҳикмат-ҳикоядан, босаётган ҳар одимидан сабоқ олиб, донишмандликка эришади дейишади.

Яқинда қадим Хитой мамлакатига сафар қилдик. Қадимий обидалардан, улкан ва бетакрор иншоотлардан, Буюк Хитой деворидан, олий ва ўрта таълим тизими билан яқиндан танишув, Ер киндиги – Экваторга ёндош бўлган иқлими баҳору ёздан



иборат Хайнан оролларида олган таассуротларимиз ҳақида айтиб берадиган бўлсак, ҳикояларни тугатиб бўлмайдигандек. Чунки кўнглимизни кўтарган, қалбимизни нурлантирган нарсалар кўп бўлди.

Саёҳатимиз пайтида бизга бир елпигич совға қилишганди. Қора шойидан жуда нафис қилиб ишланган, доира бўлиб тушган четларига чиройли тўр қўйилган елпигич... Нафислигига маҳлиё бўлиб қолдим. Елпигичнинг ҳар букланган ерида тепадан пастга қарата чиройли ёзувлар бор эди. Хитойча билмаганимга ачиниб, ҳуснихатда битилган бу ёзувларга қизиқиб қолдим. Қадимги хитой битиклари экан. Илтимосимизга кўра битикларни таржима қилиб беришди. Эшитганим бу ҳикмат ҳаётимда олган энг кучли сабоқдек кўнглимда ўчмас бўлиб қолди. Мана ўша ҳикмат:

«Ҳаёт – ўйинга монанд.

Ҳаётнинг узлуксизлигини таъминлаш мақсадида одамлар ўйланишади, эрга тегишади. Қўша қариш, умр поёнигача биргаликда етиш эса осон эмас, асло осон эмас.


Шукроналик билан яшаш одамга қувват бахш этади.

Киши ёшлигида арзимаган нарсалар туфайли бир-биридан хафа бўлиб, аразлашиб юрса, кексалигида «Ўшанда шундай қилишим шартмиди?» деган армон қалбини кемириши табиий.

Бу армон ёшликда, бировдан баланд келгандаги туйган нашидасидан анча аччиқроқ кечади.

Бир одам қилган хатони бошқалар такрорлаши шарт эмас.

Бировнинг хатоси туфайли мушкул аҳволга тушганини кўрганлар унга бефарқ бўлмасликлари керак.



«Мен ўлсам, хайрли амалларим кейинги авлодларга қолади», деган фикр кишига қувват бериб, гайратига гайрат қўшади.

Борди-ю киши хайрли амалларни бошқалардан сир тутиб, ўзи билан олиб кетса, кейинги авлодларнинг тобора кучсизланиб боришига, башари-ятнинг таназзулга юз тутишига сабаб бўлади.

Бошқаларнинг қозонига қараб, киши ўз қозонини осмаслиги керак. Шунингдек, бошқаларнинг жисмига қараб, киши ўзига лойиқ ва ярашиқ кийим бича олмайди.

Мушкул ва шодлик вақтларда бирга бўлиш – киши руҳини юксакларга кўтариб, қаддини адл қилади...»

Нечоғлик оддий, ҳаётий, одамзодга зарур ўғитлар...

Мени лол қилган яна бир нарса – хитой халқининг неча асрлар аввал ўтган донишмандларининг панду насиҳатларини авайлаб асрагани, уни турли йўллар билан (ҳатто елпигичга ёзиб!) ҳозирги авлод қалбига солиб, қувватлантириб туриши бўлди.

Бу мамлакатнинг ўтган асрнинг сўнгги ўн йилликларида ва янги асрнинг биринчи чорагидаёқ жаҳон мамлакатлари ичра ҳар тарафлама ривожланаётганида шу қувватнинг беқиёс кучи борлигига ишонч ҳосил қилдим.

Сафаримиз пайтида бизга совға қилинган китоб муқовасида ўқиганим бир ҳикмат ҳам қалбимга ёғду олиб кирди:

«Ўзингни кўрмаганга солиб, кичик яхшиликнинг ёнидан бепарво ўтиб кетма, у – бор, у – мавжуд ва у, албатта катта эзгуликни келтиради.

Кичик ёмонликнинг ҳам ёнидан пайқамангандек ўтиб кетма, у ҳам бор, у ҳам мавжуд,



унинг орқасидан катта кулфат келиши мумкинлигини унутма...»

Сайр ва саёҳатлар... Ҳар қўйган одимингдан сабоқ оласан киши...

Одамлар билан гаплашганда қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, эзгу инсоний қадриятлар миллат ажратмаслигидан, чегара билмаслигидан қалбинг гурурга тўлади. Ўзингни умуминсониятга даҳадор эканингни, ҲАЁТ учун жавобгарлигингни чуқур ҳис қиласан. Бу ҳисдан кўнглинг кўтарилиб, қалбинг нурланади.

УСТОЗ – ОТАНГДЕК УЛУҒ

Қалб тарбияси ҳақида гап кетар экан, суҳбатимиз аввалида Абу Ҳомид ибн Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг «Эй, фарзанд» («Аййюҳал валад») китобидан бир ҳикоятга тўхталиб ўтишни лозим топдик.

«Бир куни Шақиқ¹ Хотамдан² сўрадилар: – Мана ўттиз йилдирки, сен билан мен ҳамсуҳбат. Айт-чи, шу давр ичида бундан нима наф кўрдинг?»

Ҳотам айтдилар: – Шу ўрганган илмимдан саккиз фойда олдим. Умид қиламанки, шу саккиз фойда мени ўтдан (жаҳаннам ўтидан) сақлашга кифоя қилади.

¹ Абу Али Шақиқ Балхий – Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» китобида ёзилишича: «У яхшиларнинг таваккалчиси, сирлиларнинг мутасаввуфчиси, муҳтарам устун, муҳташам қутб, тариқат аҳлининг пешвоси, замона яғонаси, бутун умрини таваккал ичида ўтказган, барча илмларда комил, кўп китоблар тасниф қилган; Ҳотами Асаммнинг устози.

² Ҳотами Асамм – Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» китобида ёзилишича: «У замона зоҳиди, яғона обид, дунёдан юз ўтирувчи, охиратга юз берувчи, риёзат кони, вилоят маъдани, карам ҳокими, Хуросондан етишиб чиққан Балх машойиҳларидан, шайх Шақиқи Балхийнинг муриди, Аҳмад Хазравиянинг пири, художўйлик, тақво, риёзат ичида бемисл ва беназир эди.



Шақиқ: Бу нечук фойда? – деб сўраганларида, Ҳотам жавоб бердилар:

– **Биринчи фойда** шулки, халққа юз тутдим ва кўрдимки, ҳар бирининг маҳбубию маъшуқи бор. Баъзи маҳбублар то ўлим шарбатини тотгунча ҳамсуҳбатдирлар. Баъзи маҳбуб-маъшуқлар қабр ёқасигача бирга бўлишади. Кейин унинг ёлғиз ўзини (оламдан ўтганини) қабрга қўйиб қайтишади, бирон-бир маҳбуб ё маъшуқ йўқки, маҳбуби ё маъшуқи билан у ҳам қабрга кирса... (Оламдан ўтгач) бу маҳбуб ё маъшуқларнинг биронтаси унга ҳамдард ҳам бўлолмайди. Шуларни ўйлаб, ўзимга айтдим: энг афзал маҳбуб улким, киши билан бирга қабрга киради ва ҳамдардлик қилади. Ўзимга эзгу амалдан бошқа садоқатли маҳбубни топмадим ва уни дўст тутдим – токи ул қабримда мен учун ёруғ нур бўлсин ва ёлғиз қолдирмасин.

Иккинчи фойда – халққа юз тутдим ва кўрдимки, барчалари кўнгли тусаган мақомга эргашиб, нафси тилаган нарсаларга ошиқишади. Буни кўриб, Аллоҳ таолонинг шу сўзларини эсладим: «Кимки Аллоҳнинг ҳузурида жавоб беришдан кўрқиб, нафсини ёмон йўллардан қайтарса, албатта, жаннат унинг жойидур». Аниқ билдимки, Қуръон – ҳақ ва рост. Дафъатан Аллоҳнинг ибодатига рози бўлиб, бўйсунмагунча нафсимга қарши турдим, унга қарши уруш очиб, ёмон тилаклардан қайтаришга энг шимардим.

Учинчи фойда шу бўлдики, кўп инсонларни кўрдим, мол-дунё учун елиб-югуришади, тўплаган молларини маҳкам ушлаб, хайрли ва савоб ишларга сарфлашмайди. Буни кўриб Аллоҳ таолонинг сўзини эсладим: «Сизларда бўлган молу бойликлар тугайди. Аллоҳ ҳузуридаги бойликлар тугамас». Бу дунёда нимаики бойлик орттирган бўлсам, Ал-

лоҳнинг розилиги учун барчасини сарф этдим ва унинг ҳузурида менга захира бўлсин деб камбағалларга тарқатдим.

Тўртинчи фойда – баъзи халқларни кўрдим: «Бизнинг обрў-иззатимиз қавмимиз ва қариндошларимизнинг кўплиги туфайлидир», деб шунга мағрурланишади. Баъзи халқлар ўзларининг обрў-иззатлари сабабини моддий бисоти ва фарзандларининг кўплигида кўришади ва бу билан фахрланишади. Бошқалари эса ўз обрў-эътибори баландлиги боисини бировларга зулм қилиб, мол-мулкини зўравонлик билан тортиб олишда деб билса, яна бир тоифа борким, ўз мол-дунёсини нолойиқ жойларга исроф қилиб сарфлашда, деб гумон қиладилар. Шунда Аллоҳ таоло сўзи ёдга тушади: «Батаҳқиқ, сизларнинг обрў-иззатли бўлишингиз Аллоҳдан қўрқиб тақво қилганингиздир». Бас, тақвони ихтиёр этиб, Қуръоннинг ҳақ ва ростлиғига иймон келтирдим. Ҳалиги кишиларнинг фикр ва гумонлари ботил ва ғофиликлардан далолатдир.

Бешинчи фойда шу бўлдики, инсонларни кўрдим, баъзилари баъзиларини мазаммат, ҳақорат ва ғийбат қилурлар. Бунинг баҳонаси бандаларнинг мол-дунё, мансаб, мартаба учун бир-бировига ҳасад қилишида, деб билдим ва Аллоҳ таолонинг шу сўзларини эсга олдим: «Мен уларнинг бу дунёда тўкис яшамоқлари учун етарли ризқ-насибаларини бўлиб бердим». Билдимки, ризқ-рўз тақсимоти азалдан Аллоҳ таоло томонидан белгиланган экан. Бас, ҳеч бир кишига ҳасад қилмасдан, Аллоҳнинг қисматига рози бўлдим.

Олтинчи фойда шулким, одамларни кўрдим, бир-бировларини ўтқинчи дунёнинг мансаб-мартабаси, ҳою ҳаваси туфайли душман тутиб, ўзаро

ғараз-адоват сақлайдилар. Шунда Аллохнинг сўзини эсладим: «Шайтон сизларнинг душманингиздир. Шайтонни ўзингизга душман деб билинг». Ва билдимки, шайтондан ўзгани душман гумон этмоқ жоиз эмас экан.

Еттинчи фойда бул эрурки, баъзи бир кишиларни кўрдим, егулик, тирикчилик важдан, бойлик тўплаш илинжида жидду жаҳд ила елиб-югуриб, ўзларини ўтга-чўққа уриб, қийнаб юришибди: тирикчилик қиламан деб ҳаром шубҳалардан ҳам парҳез қилмасдан, қадрини пастга уриб, ўзини хор этиб... Шунда Аллоҳ таоло сўзини хотирладим. «Ер юзидаги барча махлуқларнинг ризқини берувчи ёлғиз Аллоҳ таолодир». Бас, иқрор бўлдимки, ризқим Аллоҳнинг инон-ихтиёрида экан ва унинг ибодати ила машғул бўлдим. Бошқа тарафлардан умидимни уздим.

Ниҳоят, **саккизинчи фойда** бул бўлди: Қай бир бандани кўрмай, суянчиғи, таянадиган ўзига ўхшаган яна бир банда, яъни, яратилмишдиким, шу махлуққа суянади. Баъзиси пулига, баъзиси бисотиға, баъзиси касб-ҳунариға ва яна баъзиси, ҳали айтганимдек, ўзига ўхшаган ночор махлуқ – яратилмишға таянади. Шунда Аллоҳ таолонинг ушбу каломи ёдимға тушди: «Кимки Аллоҳ таолоға таваккул қилса (суянса), Аллоҳ уни кифоя қилувчидир. Албатта, Аллоҳ у кишининг ишини мукамал қилувчидир». Батаҳқиқ, Аллоҳ таоло ҳар бир нарса ва ҳодисани ўз тақдири билан ато этган. Бас, Аллоҳ таолоға таваккул қилдим – у менинг кифоя қилувчидир, у менинг онқадар буюк суянчиғимдир».

Шақиқ Балхий айтдилар: «Мен Таврот, Инжил, Забур ва Қуръонни кўздан кечирдим. Шу тўрттала китоб мана шу саккиз фойдаға буюриб, шундан



амр қилади. Кимки шу саккиз фойдага амал қилса, шу тўрт самовий китобга амал қилган бўлади».

Устоз билан шогирднинг суҳбатига яна ва яна диққат қилинг-а. У сизнинг ҳам ҳавасингизни олов олдирган бўлса керак. Инсониятнинг камолот сари йўли ана шундай мукаммал тизим орқали, худди ҳалқалардан занжир ясагандек, бевосита ва узлуксиз давом этиб, устоздан шогирдга етказилаётганини англаяпсизми? Бу – инсон қалби тарбиясида, уни камолга етказишда энг мукаммал йўлдир.

Сизни ҳам етти ёшингиздан мактабга беришди. Керакли ўқув ашёларингизни муҳайё қилишди. Балоғат ёшига етгунча ўқидингиз, яна ўқишда давом этиясиз. Қанча устозларни кўрдингиз. Сиз ўзингизга ёки ота-онангиз сизга ҳеч вақтда юқоридагига ўхшаш савол бериб кўрганмисиз? Биринчи устозларингиздан бошлаб сизга ҳарф танитишгани рост. Ёзишни ўргатишгани ҳам рост. Бу билан улар сизга БИЛИМ деб аталувчи катта йўлнинг дарвозасини очиб беришди холос. Одоб ва ахлоқли бўлишингиз, муомала маданияти, одамлар билан муносабат ҳақида ҳар дарсда, уйда, жамоада сабоқ оласиз. Улар қай даражада мустаҳкам? Осон тойиб кетишингизга йўл бермайдими? Қарашларингизда қанчалик собитсиз?

Бу саволларни бераётганимизнинг боиси сизнинг олдингизда катта ҳаёт турибди. Унда ҳамма вақт ва ҳамма нарса сиз истаганчалик бўлмайди, албатта.

Инсон ҳаётида қалбни турли йўлларга киришга ундовчи орзу-ҳаваслар, истаклар ҳам кўп. Уларнинг ҳаммасини ҳам тўғри, одам бошини эгиб қўймайдиган, юзини шувут қилмайдиган деб бўлмайди. Бувингиз айтмоқчи «Ўртада шайтон бор». Унинг сизни йўлдан оздиришига, қалбингизни тўнтаришига қарши туришга кучингиз етадими?



Шайтон шайтон-да. Унинг минг бир ҳйласи борлигини, ўзини яхши инсон қиёфасида кўрсатишга ҳам устаси фаранг эканлигини асло унутманг. Қуръони каримда Аллоҳ таоло шайтоннинг ўз гапи билан бандасини шундай огоҳлантиради: «(Иблис) айтди: «Энди Сенинг қудратингга қасамки, албатта уларнинг ҳаммасини йўлдан оздирурман. Магар уларнинг орқасидаги айрим покиза бандаларинггина ҳақ йўлдан озмай қолурлар».

Ҳақ йўлдан оздириш қийин бўлган «покиза бандалар» сирасига бугунги кунда, албатта, маънавияти мустаҳкам, иродали, мақсади сари дадил ва сабот билан интиладиган ёшлар, маърифатли, ватанпарвар, илм чўққиларини дадил эгаллаётган, қисқаси Юртбошимиз катта умид боғлаган ёшлар, алоҳида ҳолатда эса – бизнинг набираларимиз кириши ҳақиқат. Биз, бир умр матбуот, маънавият соҳасида ишлаб келганлар, ёшларимиз қалбини эгалламоқчи, унга ёт мафкура унсурларини киргизмоқчи бўлганлар аввало пойдевори бўш, иродасизларни қидиришини яхши биламиз. Бир ерда ўқиганим бор эди, шайтон ҳам ўзи йўлдан оғдирмоқчи бўлган ўлжасига ҳеч қачон тўғридан-тўғри: «Мана шу ёмон ишни қил!» деб айтмас экан. Ёмон ишни қилиш азми гуноҳ эканлигини ҳамма билди-да. Шунинг учун шайтон аввал киши кўнглида иккиланиш, бошқаларга ишончсизлик, сал илгарилаганга нисбатан ҳасад уйғотиб, одамнинг ўзига нисбатан эса кибр пайдо этиб, ёмонликларни яхши, тўғри иш эканига обдон ишонтириб, кейин ўша ёмонликларни бажаришга ундаркан. Бунини қалбингизга маҳкам жо қилишингиз керак.

Сиз ҳам Ҳотам каби Қуръони карим кўрсатмаларига амал қилиб яшашни, айти пайтда дунё фарзанди бўлиб, нима яхши, нима ёмон эканли-

гини ажратиб олишни, бағрини очиб кутиб олаётган дунё сизга нималар ҳозирлаб қўйганини билишингиз керак. Кошкийди, дунёнинг сиз кутаётган ширинликлари ортидаги сизни ўз домига тортишга тайёр турган ҳирсли нигоҳлардан, зебу зийнатлар, дунё маишатлари каби турли хавфлардан мурғак қалбингизни зада қилиб қўймасдан огоҳлантира олсак. Бу хавфнинг турларини танитиш ва қалбларда уларга қарши тура олувчи қудратни тарбиялаш устозларнинг вазифаси, албатта. Аммо сиз ҳам жим турманг.

Шайх Абдулқодир Гилоний ҳазратлари «Сиррул асрор» китобларида банда ихлос соҳиби бўлмагунча ҳақиқатга етиша олмаслигини таъкидлаган эдилар. Сиз ҳам устозларингизга ихлос қилинг.

ҚАЛБНИНГ КЎТАРИЛИШINI КЎЗЛАНГ

Кўп кузатган бўлсангиз керак, кишилар бирон-бир давра ёки тадбирдан «Кўнглим юксакларга парвоз қилгандек бўлди» ёки «Шу даврадан кўнглимни кўтаргудек ҳеч нарса олмадим-а, эсиз вақтим», деб қайтадилар.

Яқинда дугоналаримиз билан Бухоронинг азиз қадамжоларини зиёрат қилиб қайтдик. Миллатимизнинг ўтган азизу авлиёлари билан ғурурланиш туйғуси, уларнинг руҳи қалбимизни беадад кўтарди. Аслида зиёратлардан кўзлаган мақсадимиз ҳам шу эди. Зеро, биз яхши биламизки, инсон тарбияси, инсонни такомиллаштириш йўлида маърифат, маънавият, Куръон, тариқат маъданларни олтинга айлантирувчи кимё вазифасини ўтаб келган. Кишининг дилини чин инсонга ёт унсурлардан тозалаб, руҳини поклаб келган. Ҳозир ниҳоятда катта аҳамият берилаётган маънавият фикрлашга қодир



инсон қалбини ёритади, уни юксакликка кўтаради, кучига куч қўшади, қалбида энг яхши орзу-истакларни уйғотади, ақлини чархлайди ва юрагини юмшатади. Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларида шундай ҳикмат бор: «Дил барча кудуратлардан пок ва мусаффо бўлмоғи лозим. Мабодо руҳ нафсоният натижасида зангланиб қолган бўлса, дил жило топиши зарурдир, шунда руҳ ҳам покланади».

Бухоро зиёратгоҳларида қалбимизни кўтарган, яхши эслаб қолганимиз кўп ҳикматлардан бир шингилани эслайлик:

Ҳазрат Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (қоддаса сирраҳу)нинг қуйидаги: «Солик (тариқат йўлидан борувчи) қай вақтки, Аллоҳ дўстларининг бири билан суҳбат қилса, ўз ҳолидан огоҳ бўлсин ва суҳбат вақтини ўтган суҳбат билан мувозанатга келтирсин (таққосласин). Агар тафовут, фарқ яхшиликка томон топса, бу азизнинг суҳбатини ганимат билсин», деган ҳикматлари кишилик жамиятининг ривожини, тамаддун ривожини кўп жиҳатдан инсонлар руҳидаги ана шу «яхшиликка томон» ўзгариш, кўнгили, қалб кўтарилишининг натижаси эканини эътироф этишдир.

Биргина шу ҳикматнинг ўзи ҳам инсониятни атрофидаги кишиларга огоҳ қараши кераклигини, кишилик равнақида устозлар, дўст ва биродарларнинг аҳамияти катталигини кўрсатади.

Ёшлик – кўп илм олиш, ҳар жиҳатдан малакани ошириш фасли бўлибгина қолмай, дўст орттириш фасли ҳамдир. Яхши, ҳақиқий дўсти бўлган одамнинг боши эгилишдан, қалби чўкишдан йироқ бўлади.

Қуйида сизга дўст танлашда ёрдам берадиган, ўзингизни идора этишга ўргатадиган айрим фойдали фикрларни айтиб ўтмоқчимиз. Сиз учун улар янгилик эмас. Чунки улар ҳақида бобо-бувиларингиз, ота-оналарингиз, ўқитувчиларингиз кўп гапи-



ришган. Бу панд-насиҳатларни ён дафтарингизга ёзиб қўйиш шарт эмасдир, аммо эслаб қолсангиз ёмон бўлмайди.

* Ёшлигингиздан дўст орттиришни одат қилинг. Катталар, яъни ҳаётнинг кўп синовларини кўрган одамлар дўст орттириш жуда қийин, уни сақлаб қолиш ундан ҳам қийин дейишади. Бу – тўғри. Бироқ дўстсиз киши маънавий қашшоқдир. Чунки биз эришган аксарият яхши нарсалар бошқалардан юқтирган яхши фазилатлардир. Бугун орттирган танишингиз вақтики келиб синовлардан ўтгач, қадрдонингизга айланиши мумкин. Демак, яна бир ишончли суянчга эга бўлдингиз.

* Агар дўстингиз сизни яхши кўрса, ҳурмат қилса, билингки, ўзингиз унга яхши дўстсиз. Агар сиз унга эътиборсиз, меҳрсиз бўлсангиз ва бу дўстликдан фақат ўз манфаатингизни кўзласангиз, дўст деб билганингиз бирин-кетин сизни тарк этиб кетади. Оқибатда, ёлғизланиб қоласиз. Бунинг сабабини ундан эмас, аввало ўзингиздан ахтаришингиз керак.

* Ким сизнинг муаммоларингизни тушуниб, баҳам кўрса, яхши дўст ўшадир.

* Ростгўй ва пок одамларга яқин бўлишга ҳаркат қилинг. Яхши билан курашиш, ёмонни мағлуб этишдан устунроқ. Ёмонлар қонун-қоидаларни тан олмайди, улар чин дўстликнинг қадрига етмайди, ори йўқлар билан келишиш ҳам қийин. Орияти йўқлар яхшилиқнинг қадрига етмайди.

* Ўзингиз ҳақингизда кўп гапирманг. Бундай ҳолатларда ё ўзингизни мақташингиз ёки ёмонлашин-

гиз керак бўлади. Бироқ мақтансангиз, иззатталаб бўлиб кўринасиз, ўзингизни ёмонлашингиз, сизни худбин қилиб кўрсатади. У ҳолда ҳам, бу ҳолда ҳам кўпчиликка кулги бўлиб қолишингиз мумкин.


* Бошқалар ҳақида, айниқса, танимаган кишилар ҳақида ўйламай-нетмай гапиравериш кишини ё лаганбардор ёки тарбиясиз кўрсатиб қўйиши мумкин. Чунки бундай ҳолда бошқаларни ё мақташга ёки ҳақорат қилишга тўғри келади.

* Кишилар билан муомалада эҳтиёт бўлинг. Бошқаларни ҳурмат қилсангиз, иззат топасиз. Айрим тенгдошларингизнинг бошқалар билан чиқишиб кетиши қийин бўлаётганига кўп дуч келасиз. Бундайларнинг бировларни хафа қилиб қўйиши ҳам, бировдан хафа бўлиши ҳам жуда осон. Аммо атрофдаги кишилар бундайларни севмайдилар ҳам, ҳурмат ҳам қилмайдилар. Кузатиб кўринг: мақтанчоқлардан ҳамма ҳам ўзини четга олгиси келади. Қилган ишингиз билан мақтанаверманг. Яхши фазилатларини кўз-кўз қилавермаган кишининг иззати бошқалардан баландроқлигини унутманг.

* Бошқаларни ёмонламанг. Ақли сакта кишиларгина бошқаларни ёмонлаш билан ўз камчиликларини яширмоқчи бўладилар.

* Айрим қизларга ўхшаб, ҳадеб нолийвериш ҳам яхшимас. Бундай қизлар кишиларда ачиниш ҳиссини уйғотишдан кўра ғазабини қўзғайди. Тўғрисўз, ширинсўз кишининг эса дўстлари кўп бўлади.

* «Суймаганга суйкалма!» деган нақлни унутманг. Кишиларга ўзини «суйдириш»нинг турли йўллари бор. Энг тўғри ва яхши йўли – қувноқ, қизиқувчан, изланувчан бўлиб, ишда ўзини кўрсатишдир. Бундайларни ҳамма яхши кўради.



* Бир иш бошлашдан олдин «Етти ўлчаб, бир кес» мақолини ўзингизга ўн тўрт марта таъкидланг.

* Ҳар бир ишнинг ўз вақти бор, дейишади кек-салар. Яқин дўстингизнинг иши юришиб турганида, сизнинг ишингиз унмаётган бўлса, тушкунликка тушманг. Сизнинг ҳам «кўчангизда байрам бўлишига» ишончингизни йўқотманг. Вақти келиб, ишингиз юришиб, ўзидан ўзи бажарилиб қолаётгандек туюлганида, ўтган гал битмаган ишларингизнинг ҳаммасини ҳам осонгина бажариб оласиз. Демак, унинг «вақти келибди».

* Кишига унинг яқин дўстларига қараб баҳо берилади. «Дўстингнинг кимлигини айт, мен сенинг кимлигингни айтаман», деган нақлни биласиз. Дўст танлашда эҳтиёт бўлинг, янглишманг. Ақлли дўст сизни ғам-ташвишдан нари қилади, ақсиз эса ташвиш чақиради, дейишади.

* Баҳсда, тортишувда ҳалол бўлинг, фирромга йўл қўйманг. Ғолиб келиш, ютиш муҳим эмас, қандай ғолиб бўлиш, қандай ютиш муҳимроқ. Фирромнинг охири вой бўлиб, яхши отингизни ёмонга чиқариб қўйиши мумкин.

* Ҳамиша аввало ўзингизга ўзингиз ёрдам беришга тайёр бўлинг. Бошга ташвиш тушиб, юрак ва асаб бўшашганда, ақлни ишга солинг. Куч ва қувват етмаган ерда ақл албатта ёрдам беради.

* Катталардан маслаҳат сўрашдан тортинманг. Маслаҳат сўраш билан қадрингизни ерга урмайсиз. Бу ҳол сизни билимсиз қилиб ҳам кўрсатмайди. Ақлли одамларгина маслаҳат билан иш тутадилар.

* Ёлғон гапирманг. Бир марта ёлғон гапирсангиз ҳам, ёлғончи номингиз бир умрга қолиши мумкин.



Сиз алдаган кишини «соддадил экан» дейишлари мумкин, сизнинг номингиз эса «ярамас, ёлгончи»га чиқади.

* Ақлсизнинг биргина яхши томони бор, у – ақли борга ибрат.

* Бир нодонликдан иккинчисини келтириб чиқарманг. Баъзан киши ўзини оқлайман деб ёлгон ишлатади ва бошқа кўп нодонликка йўл қўяди.

* Ҳозир кўп устомон қизларнинг ошиғи олчи-дек кўринса ҳам, ўзингизни устомон қилиб кўрсатманг. Устомон экан дегандан кўра эҳтиёткор номини олганингиз маъқул. Сизни мулоҳазали деб ҳурмат қилганлари, иккиюзламачи деб сиздан чўчиганларидан кўра яхшироқ.

* Бошқаларни кулдираман деб, ўзингиз кулги бўлиб қолманг.

Бу кўрсатмалар ёшларнинг кўп асрлардан бери синалиб келинган ахлоқий қоидаларидир. Уларга сиз ҳам риоя қилсангиз янглишмайсиз.

ҚАЙТАР ДУНЁ (Хотима ўрнида)

Шинжонга саёҳатимизнинг иккинчи ҳафтаси, кутилмаганда ҳаво анча салқинлади.

– Сизга енгилроқ камзул олмасак бўлмас экан, – дейишди ўғлим ва келиним кийим-кечагимни назардан ўтказишаркан.

– Она юртимга етиб оламан. Бизда ҳали ис-сиқ. Жуда кийимларим кўп, овора бўлманглар, – дедим ёшларга. – Дўконларда юришим ҳам амримаҳол...

Назаримда бозорни ёшларга чиқарган. Эрта-лабдан кечгача бўлса ҳам айланишаверади. Ме-

нинг эса савдо расталарига тобим йўқ. Буюк Хитой деворига чиққанимизда, шукр, ҳайрат кучи билан чарчаш нималигини билмай, беш-олти чақирим бемалол баланд чиқиб, паст тушиб юравердим, бироқ ҳозир бозорнинг бир дўкони-ни айланмаёқ бошим ғувиллаб қолиши аниқ.

– Бозорга бормаисиз, ойижон, ҳозир Хитойнинг манаман деган зўр супермаркетларидаги камзул-ларнинг бирини интернетдан танлаймиз...

– Тавба, – дейман болаларимга ишонқирамай қараб. – Интернетда ҳам бозор қилиб бўларканми? Вақтингизни беҳуда ўтказманг, қолаверса, Хитой корхоналарида ўзбекларнинг тўла, ностандарт аёлларига лойиқ кийим тикишмайди ҳам!

Ҳазилим ўтмади.

Набирам интернетдан Урумчи тугул Бежиндан ҳам узоқдаги Гуанжо деган катта шаҳарнинг марказий дўконидаги енгил пальтолари кўрсата бошлади. Мен эса ҳамон бу узоқ, самолётда беш соатлик масофадан, бутун буюрилган пальтонинг эрта билан эшикни қоқиб олиб келинишига ишонмайман. Хизмат ҳақи арзимас пулмиш... «Ҳмм, – дейман ичимда, – оббо хитойлар-ей!»

Интернетда алақачон фасон, пальтонинг ранги, эни-бўйи ҳақида музокара кетарди. Хитойчани билмаганим учун болаларимнинг бу тилда анча бийрон «се-се» (хитойча – раҳмат) лашганига завқим келиб турарди.

– Бувижон, ёшингиз етмишдан ошди-а? – Набирам Камроннинг саволи хаёлимни бўлди.

– Тавба, харидорнинг ёшини билиш сотувчига нима учун керак экан? – ҳайрон бўлдим.

Бунинг сабабини эрта тонг билан етиб келган камзулнинг чиройли халтачасини очганда билдим. Камзул болаларим меҳр билан танлаган фасонда, айна ўзимга лойиқ эди. Кийиб кўраётганимда чўн-



тагидан чиройли, узун гулли конвертда хитойча ёзувли мактуб чиқди.

– Супермаркетнинг рекламаси шекилли, – дедим унча эътибор бермай.

– Сизга мактуб экан, – деди набира қизим Ойзода ва мактубни ўқиб, ўзбекчага ўтириб берди.

«Меҳрибон онажон!

Сизга мактуб йўллайман-у, дилим ёришиб кетяпти. Ҳар гал шундай бўлади. Нима сабаблар биландир бошқа пайтлар Сизга айта олмаган розимни мактубда бемалол айтишим мумкиндек туюлаверади. Яна шу мактуб баҳона болалигимни, бағрингизда юрган вақтимни мириқиб эслайман. Мени кўп хурсанд қилардингиз.

Эсингиздами, биринчи бор мактабга чиқадиган йили чиройли гулли юбка олиб берган эдингиз. Бу менинг биринчи мактаб кийимим эди, шунинг учун узоқ вақт жуда ҳаяжонда юрганам ҳали ҳам кўз ўнгимда. Ҳар янги ўқув йили бошланишида бу ҳол такрорланарди. Мен янги кийимлар кийиб хурсанд бўлиб катта бўлавердим. Аммо уларни унутганим йўқ. Дарахт танасидаги унинг ёшини англатадиган доирачалар каби улар ҳам менинг қалбимни ҳамон қават-қават ўраб турибди. Бу – меҳр доирачалари...

Мана, институтни ҳам тугатдим. Ишляяпман. Лекин ҳали-ҳануз сиз совга-саломлар юборишни унутмайсиз. Улар аксарият менга ярашадиган ва ёқадиган кийимлар бўлади. Уларга қўшиб сиз менга бор ҳис-туйғуларингизни, муҳаббатингизни юборганингизни ҳам қалбдан сезаман. Мен ва дадамга кийим танлаётган вақтингиздаги илиқ меҳрингизни ҳис этаман. У дамлар кўз ўнгимга келиб, бағрим тўлади, кўнглим кўтарилади.

Аммо... Ўзим она бўлгачгина, сиз у пайтлар нима учун ўзингизга ҳеч нарса танламаганингизни англаётдим. Доим менга ва дадамга чиройли кийимлар



олаётганингизда ўзингизга ёққан айрим кийимларни қўлингизга олиб кўрар, кейин яна аста жойига илиб қўярдингиз. Ўша дамларда сизга нималар ёқишига зеҳнимни солардим. Вақтики келиб, мен ҳам катта бўлиб, ишлаб пул топсам, сизга чиройли-чиройли либослар олиб беришни орзу қилардим.

Болалигимда сизга нима ёқишини, қайси ўлчовда кийим кийишингизни билмасдим. Бугун сиз қайси рангларни ёқтиришингизни, қайси бичимдаги либослар сизга тўғри келишини, ҳатто сиз ёқтирадиган зеб-зийнатларни ҳам ўргандим. Шу кийимлар орқали сизни қайта кашф қилгандекман. Онажоним, сиз – оқила, меҳрибон, қалби нурли, гўзал аёлсиз!

Онажоним! Ишларим туфайли сиз билан тез-тез кўриша олмаяпмиз. Шу совга либосларни юборар эканман, ўтинаман, уларни аямай кийинг, кўнглингиз тусаган таомларни енг. Мен аллақачон катта бўлиб, сизнинг яхши, фаровон ҳаёт кечиришингиз учун ишляяпман. Ҳеч нарсадан сиқилиб, қимтинманг. Вақт ўтгани сари мен сизни тобора кўпроқ тушуниб боряпман. Онажоним, меҳрим сизга тобора кўпроқ товланиб боряпти.

Компаниямиз сизга омонлик тилайди.

Ўтирган жойимда, рости, жуда узоқ хаёл суриб қолдим. Ўғлим, келиним, набираларим бирма-бир келиб мени меҳр билан қучишди, кенжатой набирам Жавлонхон «ачом-ачом»га қўшиб ўпиб ҳам қўйди.

– Ичимиздагини топиб, жуда тўғри ёзишибди, – деди келиним.

– Қайтар дунё дейдилар буни, бувиси, – дедилар Хожам.

– Тўғри айтдингиз – қайтар дунё! – дейман дилим яйраб. – Камзулни тикиб берган компаниянинг номи ажиблигини қаранг: **«Минг бир меҳр ва гамхўрлик»**. Барака топгурлар-ей!





ОСМОНЛАРДА КЎНГЛИМ МЕНИНГ

*Осмонларда кўнглим менинг
Умрнинг масъулиятли даври
Эзгулик кишиларидан танланг
Ўн беш ёшимда
Бир байт ҳикмати
Интернет иншо*



Мана, балоғат ёшига етдингиз, минг бир ҳажонда паспорт ҳам олдингиз. Ётиб уйқунгиз келмайдиган, кўп нарсага ошиқадиган, интиладиган, кўнглингиз осмонларни кўзлайдиган, парвозларни кўмсайдиган пайтингиз. Буни ҳамма-ҳамма сезиб тургандек. Уйингиздагилар, айниқса, бувингиз, ойингизнинг сизгинага муомаласи бошқачароқ бўлиб қолганини ҳам сезяпсиз. Сизга қаттиқ гапиришмайди. Адангиз, акангиз бирон ишни буюришмоқчи бўлса оҳиста, мулойим одоб билан илтимос қилишади. Оилангиздаги сиздан катталар энди аввалгидек ҳар дамда сен катта қиз бўлиб қолдинг, деб эслатишмаяпти, тўғрими? Кўп жиҳатдан сизга энди жиддийроқ муомала қилишади. Сизни ўзларига тенг кўришади, чунки энди сиз катталарнинг қаторига қўшилдингиз-да. Уйингизга бир-икки совчилар келганидан ҳам хабарингиз бор. Энди яхши оилалардан келаётган, яхши ниятли совчиларнинг қадами узилмаслиги кўп жиҳатдан сизга боғлиқ.

Яратганнинг аёлларнинг, яъни сизнинг ҳам уҳдангизга юклаган асосий вазифа – бир хонадоннинг яхши бекаси бўлиш, ўша ерда уйингиздагидек, балки ундан ҳам маънавий бойроқ муҳит яратиш, тоза миллат наслини давом эттиришга тайёр бўлишингизда айнан бу давр, яъни балоғат ёши, «бўйга етиш» даври жуда муҳим давр ҳисобланади. «Соғ танда – соғлом ақл», деб бежиз айтилмаган. Соғлом қиз, соғлом аёлгина оилада юқорида айтилган яхши маънавий муҳитни яратишнинг, миллатга соғлом фарзанд ҳадея этишнинг уҳдасидан чиқа олади. Шунинг учун ҳам, эътибор бердингизми, мактабда



устозларингиз, коллежда ўқитувчи ва тарбиячиларингиз, уйда буви ва ойингиз, келинойингиз сизгинанинг ҳам ақлан, ҳам жисмонан соғлом ривожланишингизга жуда катта аҳамият беришяпти.

Кейинги вақтда ўзингиз жисмонан тез ўсаётганингиз каби, маънан ҳам ўзгараётганингизни сезаётгандирсиз. Ҳар жиҳатдан кўзга ташланадиган қиз бўлиб боряпсиз. Аммо унутмангки, ҳар дам ганимат. Шу ганимат дамларни телевидениенинг баъзи енгил-елпи кўрсатувларини кўриш, интернетнинг айрим «мияни суюлтирадиган» ўргимчак уясидек чалкаш бўлимларини кавлаштириш билан ўтказманг. Ҳақиқий ва сохта ҳаётнинг фарқига борадиган, яхши-ёмонни ажратадиган вақтингиз келди, буни унутманг.

Кўп нарсалар сиз кўраётган, эшитаётган дамда жуда муҳим кўринса ҳам, аслида миянгизни ғовлатишдан нарига ўтмайди. Демак, вақти-вақти билан мияни уй кўтаргандек «тозалаб» туришга, керак ахборотларни олиб қолиб, уларни файлларга киритиб қўйгандек, фикриётингизнинг керакли токчаларига расамадилаб теришга, қолганларини аёвсиз «корзинкага» ташлаб юборишга ўрганишингиз ҳам керак. Бу жуда қийин кўриняпти-а? Уларни саралашнинг осон йўлини айтайми?

Эслаб қолинг: Бир гап эшитганда, китоб ўқиганда, кино ё кўрсатув кўрганда, биров билан суҳбатлашганда, бирон даврага кирганда, бир оз вақт ўтказиб ўзингиз холис ўйлаб кўринг: шу гап, шу китоб, шу кўрсатув, шу суҳбат, шу давра сизни бойитдими, қалбингизни бир парда бўлса ҳам юқори кўтардимми? Агар бу саволларга «йўқ» деб жавоб беришингиз керак бўлса ёки қалбингиз «Ҳа, энди бир суҳбат, бир кўрсатув-да...» дейишга ундаётган бўлса, уларни аёвсиз «корзинка»га ташланг! Аммо зинҳор эсиз вақтим деманг, чунки улар изсиз кет-



мади. Ҳеч бўлмаганда сизни мушоҳада қилишга, вақтингизни бекорга ўтказмасликка, қалбни со-
витмасдан ҳамиша кўнгилни осмонларга кўтари-
лишга чоғлаб туриш кераклигига ўргатди-ку. Ҳа,
шундай. Шунинг учун ҳам уларни хато деб бил-
манг-у, аммо қайтармасликка ҳаракат қилинг.

ОСМОНЛАРДА КЎНГИМ МЕНИНГ

Инсон ҳамиша тўлиқ бахтга эришишни, кўнг-
ли осмонларда бўлишини орзу қилади десак, сиз
дарров: кўнгилни ҳамиша осмонларга кўтариб ту-
риш қийин масала-ку дейсиз. Бунинг учун одам
ўз кўнглини ҳамиша яхши ниятлар билан тўлди-
риб туриши керак десак, сиз шу дамнинг ўзидаёқ
ҳамма нарса, ҳатто ниятлар ҳам моддий шароитга
боғлиқ, дея эътироз билдиришга шошиласиз. Ва
буларга, албатта: «Сизнинг замонингиз бошқа эди,
эндиги замон тушунуксиз!» деб, ўзингиз бир-ик-
ки марта дуч келган қийинчилик ва ноҳақликни,
маълум даражада ҳозирги ёшлар орасидаги ен-
гилик, ахлоқсизлик ҳукмронлигини ва яна бошқа
кўп нарсаларни баҳона қилиб кўрсатасиз.

Аммо ҳар бир кишининг қандай замонда яша-
шидан қатъи назар, унинг ўз имкониятига қараб
кўнглини ҳамиша осмонларга кўтаришга интили-
ши, ҳаёт зарбаларидан руҳи синмай ўтишга ҳара-
кат қилиши табиийлигини унутманг.

Бу ҳаракатида, яъни бахтга интилишида киши
пок ёки нопок йўлни танлаб олиши ҳам мумкин.
Бахтли бўлиш осон эмас-да. Агар бу фақат унинг
ўзига, унинг уриниши, ҳаракатигагина боғлиқ бўл-
са, бошқа гап эди. Аммо кишининг яхши томонини,
бахтини кўра олмайдиганлар, унинг муваффақият-
га эришиши йўлидаги хайрли ишларига ҳалал бера-
диганлар ҳамма замонларда бўлган, ҳозир ҳам то-



пилади. Ўзидан омадлироқни кўра олмайдиганлар ҳамма даврларда ҳам бўлган. Чуқурроқ ўйлаб кўрсангиз, сизга ҳалал бериш ҳаракатида улар ҳам ўзича ҳақлигини англайсиз. Ахир улар ҳам ўзича бахтли бўлишга уринишяпти-да. Агар сизнинг эзгуликка эришиш учун танлаган йўлингиз хайри, яъни пок бўлса, сизга зўр бериб қаршилиқ қилаётган кишига нопок йўлдан ўзгаси қолмайди. Балки у ҳасад ботқоғига ботиб, унинг гирдобидан чиқиш йўлини топа олмаётгандир. Шуниси билан балки сизга фақат ноқулайликкина эмас, хайри йўлингизга тўғаноқ бўлиб, бахтсизлик ҳам келтираётгандир.

Атрофингизда ҳамма бирдек яхши эмаслигини, одамзод ўзининг борлиғи, феъл-атвори, қарашлари билан турли тоифалардан иборатлигини англаб ета бошлаганингизнинг ўзи – камолот йўлида қўйган тўғри қадамингизнинг белгиси. Аксинча, катта ёшингизгача ҳамма одамлар бирдек яхши деган ишончда қолсангиз, кўп адашиб юришингизга тўғри келарди. Энди сиз ўзингиз танлаган тўғри йўлдан боришда дадил давом этиб, анча огоҳ бўласиз. Аммо сиз шу ютуққагина маст бўлиб, мenden бошқа ҳамма ёмон экан, деган гирдобга тушиб ҳам қолманг-ки, ундан қутулишингиз, ботқоқликдаги кўнглингизни осмонга кўтаришингиз мушкул бўлади.

Аксинча, атрофимда яхши ниятли, яхшиликка интилан, бошқаларга эзгуликни соғинганлар ҳам анчагина деган тушунча қалбингизда турғун бўлса, бу сизга қанот бахш этиб, кўнглингизни осмонларга кўтаради.

Айнан шу фазилатингиз сизни бошқаларнинг ташвиш ва андуҳларига бепарво бўлишингизга йўл қўймайди. Бошқа яхши кишилар изтироб чекканини кўрганда нима қилиб бўлса ҳам, уларга кўмак беришга интилиш – яхшиларнинг иши. Бу ишга қодир бўлганлар ўзларининг ҳар доим бош-



қаларга кераклигини, бошқаларга таъсир кучи борлигини ҳис қилади ва бундан кўнгли осмонларга кўтарилади. Инсон кўнглининг, руҳининг кўтарилиши – ҳаётий зарурат.

Бунинг бирламчи ва асосий шарти – сиз ўзингизга ёқмайдиган, сизга шундай қилишганда кўнглингиз оғриб, изтиробга тушган хатти-ҳаракатларни бошқаларга асло раво кўрмасликдир.

Албатта, ҳеч ким ўз ибрати билан бошқа бир кишининг тўлиқ бахтли бўлишига кафил бўла олмайди. Аммо ўз ибрати билан ўша бошқа одамнинг бахтдан умидини узмаслигига ёрдам бериши мумкин. Яхшилик қилиш, эзгулик уруғини сочиш ҳамиша яхши мева беришига ишонинг. Бировда қилган яхшилигингиз мевасини кўрганда ўзингизнинг кўнглингиз яна бир поғона кўтарилишини унутманг.

Аввалам бор ёшлиқдаги кўтаринкилик, дадилликни умрингизнинг ҳамма фаслида сақлаб қолибгина эмас, ривожлантириб боришга ҳаракат қилинг. Ўн етти-ўн саккиз ёшлиқдаги ғайрат, завқ-шавқ ва жасоратларга тўлиқ туганмас шиддатли даврингиз эсингиздами? Орзуларингиз бағрингизга сиғмайдиган пайтлар эди-а?! Назарингизда ниманики ният қилсангиз, шунга бемалол эришадигандек эдингиз, бунга ҳеч муаммо, ҳеч тўсиқ йўқдек эди-а? Кўзингизга бутун олам гўзал кўринарди. Балки ҳақиқатда ҳам дунё ўша пайтлар пушти рангда бўлгандир?

«Кўнгли осмон қизим!» Бувингизнинг сизни шундай эркалаганлари ҳам эсингиздадир? Билсангиз, бу сизнинг шаънингизга айтилган энг яхши галдир. Чунки қиз боланинг шаъни бебаҳо нарса. Аммо шаънни юксак даражада ушлаб туриш анча қийин, албатта. Чунки бувингизнинг юқоридаги таърифларидан ташқари сиз атрофдан бошқа ибораларни ҳам эшитасиз. Қандай иборалар



дейсизми? Ўзингиз ҳам эсланг-чи: «Цивилизация даврида яшаяпмиз», «Ҳозир одоб-ахлоқ эркинлиги ҳукмрон», «Тушунчалар ўзгариб кетган», «Замон бошқа, унга мослашмоқ керак», «Ёшликда ўйнаб қолиш керак» ва ҳоказоларни кўплаб эшитасиз. Булар ҳаёсизликни, яланғочликни, шарм танқислигини оқлаш учун ўйлаб чиқарилган енгил иборалар эканига ақл-идрокингиз етиб улгурмай, улар таъсирига тушиб қолишингиз ҳам мумкин. Ўзининг «бозори чаққон»лигини намойиш этиш учунгина бир неча йигитлар билан хуфия «юрган» қизлар кўнглининг кейинчалик кўкларга кўтарилиши анча қийин нарса. Негаки «юрағон» йигит-қизларнинг шаънига тушган доғ жуда оғир юк, асорати ундан ҳам оғир! Улардан ўтган маънавий-тиббий доғ изтиробидан нафақат бир оила аъзолари, улар авлодлари, ҳатто миллат ҳам озор чекиши мумкин.

Қиз ва аёлларга хос фазилатлар ҳақида сўз кетганида дастлаб уларда меҳр ва шафқат устувор бўлиши табиийлиги, қизлар кечирувчан ва фидойи, жигаржон бўлиши кераклиги ҳақида кўп гапирилади. Бу фазилатлар уларга авлоддан-авлодга оналари ва бувиларидан ўтиб келиши ҳам аниқ. Демак, меҳр ва шафқат занжирининг келиб-келиб ҳозирги авлод бўғинида ва яна биз деб узиламаслиги устида ҳам қайғуришимиз кераклигини унутмайлик.

Бошқаларга, айниқса, болаларга меҳрли бўлиш, вақти келиб кўнглингизнинг осмонларга кўтарилишига сабаб бўлади. Чунки айнан болаларга берадиган меҳр-муҳаббатингиз сизнинг қалбингиз қай даража тозалигини, эзгулигини беҳато намоеън этади. Болалар маълум бир вақт, яъни улғайгунларича катталарнинг меҳр-шафқатига, беминнат ёрдамига муҳтож бўладилар. Улар катта бўлганларида сизга шунга муносиб жавоб берадилар – сизни бошларига кўтарадилар. Бунга ҳаётда мисол



лар кўп. Бошқача қилиб айтганда, сизнинг уларга берган меҳр-шафқатингиз, жонингизни фидо қилганингиз эвазига улар сизнинг фароғатли кексалигингизни таъминлайдилар, ҳаётга, одамларга, китобга қизиқишингизни сўндирмайдилар. Кўнглингизни осмонларга кўтарилишига ёрдам берганлари шу-да.

Худди шундай меҳр ва муҳаббат, шафқат қалбингизда ота-онангизга, кексаларга нисбатан ҳам бўлиши керак. Ахир ҳар биримиз ота-онамиз олдида доим бурчлимиз. Бу бурчни сидқидилдан ижро этсангиз, кўнглингиз осмонларда деяверинг. Бу ҳам болаларингиздан қайтади.

Уйингизда ота-онангиздан, мактаб ва бошқа ўқув юртларида устозлардан «ўзингдан яхши из қолдиришга ҳаракат қил», деган насиҳатни кўп эшитгансиз. Чунки ҳар бир одам ўз хатти-ҳаракати билан, ўзи шуни истайдими ёки йўқми, бошқаларга ибрат бўлади, атрофидагиларга маълум даражада таъсирини ўтказади. «Ўзингдан яхши из қолдиришга ҳаракат қил», дейишдан мурод, бу ибрат, бу таъсир яхши ва ёмон ҳам бўлиши мумкинлигини эслатишдир. Агар сиз яхши ибрат кўрсатсангиз, бу эртами, кечми мевасини беради, албатта. Бундайларни одамлар ҳурмат қилишади, бундайлар ортидан эргашишади. Ёмон ибрат кўрсатганлардан одамлар четлашади.

Кўпнинг олдида обрўйингизнигина эмас, оқибат кўнглингизни осмонларга кўтарадиган фазилатлардан яна бири – ҳар қандай шароитда ҳам ростгўй ва ҳақиқат учун курашда собит бўла олишингиздир. Ростгўй кишини ҳурмат қилишади, унга ишонишади. Ишонч эса кишиларнинг ўзаро муносабати ва илгарилашида энг муҳим фазилат ҳисобланади.

Сиз ҳозир шундай ёшдасизки, эрта-индин коллеж ёки институтни битириб, янги меҳнат жамо-

асига қўшиласиз. Ҳаракатчан, интилувчан, изланувчанлик сизнинг етакчи фазилатингиз бўлиши керак. Жамоанинг ютуғи, обрўси, бошқа жамоалар олдидаги нуфузи энди маълум даражада сизга ҳам боғлиқ бўлади. Қай даража ростгўй, ҳалол, тўғрилиқда собитлигингиз шунда аниқ кўринади. Кишилар сизга ишонч билдириб, сиз билан яқин бўлиб кетишса, айнан шу фазилатларингиз синовдан яхши ўтган бўлади. Борди-ю, ўзларини сиздан нари тутишга ҳаракат қилишса, ётсирашса, сиз бунинг сабабини аввал ўзингиздан қидиришингизга тўғри келади: Айрим ҳолларда интизомни бузмадингизми? Ё бирон-бир нарсани ваъда қилиб, бажармаган ҳолат бўлдимми? Айтилган буюртмани вақтида ижро этмадингизми? Балки бировга ёлғон сўз айтиб қўйгандирсиз? Агар шу саволларнинг ҳаммасига холисаниллоҳ фақат «Ҳа» деб жавоб берсангиз, энди ўз обрўингизни қайта тиклаш ҳақида жиддий қайғуришингиз керак. Тўғри, бу энди осон кечмайди. Аммо ишонч дегани оилада ҳам, жамоада ҳам жуда кераклиги, бусиз сиз ҳеч кимлигингизни ўйлаб, астойдил ҳаракат қилишингиз керак бўлади. Кўрқманг, яхши бўлишга интилаётган кишини одамлар дарров пайқайди, сизнинг ҳам интилишингиз астойдиллигини кўришгач, сизга ёрдам берадилар. Фақат улар умидини яна сўндириб қўйманг. Улар ишончини оқлаб олишингиз, ўз кўнглингизни қайта осмонларга кўтарганингиздир.

Киши кўнглини, руҳини кўтаришга ёрдам берадиган омиллардан яна бири меҳнат, аниқроғи, меҳнатсеварликдир. Ўзингиз ҳам буни неча бор синагансиз. Бирон нарсани ўринлатиб бажарганингизда кўнглингиз кўтарилган, «қушдек учгансиз». Ҳатто ўқувчи даврингизда бир кун олдин яхшилаб тайёрлаган дарсингиз учун эртасига олган баҳойингиздан хурсанд бўлиб формангиз этагини



айлантириб келардингиз. Эсингиздами? Бу ҳам чин меҳнат қувончи, кўнглингиз кўтарилганининг белгиси эди. Ҳа, меҳнат киши кўнглини кўтаришга қодир ажойиб нарса. Унинг ҳам жисмоний, ҳам руҳий шифо берувчи қудратини айтмайсизми. Ҳатто бошингизга бирон кулфат ё ташвиш тушганида, бирон нарса билан астойдил машғул бўлсангиз, ишингиз анча юришибгина қолмай, қайғунгиз ҳам чекинади. Бунга ҳаётда мисоллар жуда кўп.

Мақсадсиз, интилишсиз, демак, меҳнатсиз ўтган ҳаёт жуда зерикарлигина эмас, киши саломатлиги учун зарар ҳамдир. Шунинг учун ҳам ишқ-масларни бошқаларга тириктон деб аташади. Улар билан суҳбатлашганда, на кўнглинг кўтарилади, на бирон ишини кўриб завқ оласан киши. Аслида киши кўнглини, руҳини кўкларга кўтарадиган омил меҳнат ва унинг яхши натижаси эканлигига ўша дамда яна бир бор тан берасан.

Эътибор беряпсизми, бир оз суҳбатимиз чўзилиб кетгандек кўринса ҳам, кўнглингизни осмонларга кўтаришнинг зарурати, уни кўтаришнинг омиллари ҳақида анча батафсил тўхталяпмиз. Бу бежиз эмас. Киши кўнглини осмонларга кўтариб яшаши, бу унинг яшашга иштиёқи баланглигини, олдига аниқ мақсадлар қўйганлигини, уларга эришиш йўлида ҳаёт завқи-нашидасинигина эмас, тўсиқ бўладиган қийинчиликларни ҳам енгишга қодирлигини билдиради. Сиз худди суҳбатимиз аввалида бўлгани каби: «Лекин ҳамма ҳам шундай эмас-ку!» деб эътироз билдирарсиз. Ана шу эътирозингизнинг ўзи сизнинг яхши ва ёмонни кўра билганингизни англаяпти-ку. Сизга, демак, «ҳаммаси ҳам барибир» эмас. Сиз яхшиларга, кўнгли осмонларга интилаверинг. Шунда адашмайсиз.




Умрингизнинг масъулиятли даврига қадам қўйдингиз. Шунинг учун мактаб ё коллеждаги билим олиш дастуридан ташқари сиз билан эндиги суҳбатлар катта қизларнинг одоб ва ахлоқи, дўстлик, севги ва муҳаббат, бурч ва садоқат ҳамда яна қўп мавзулар ҳақида бўлади. Чунки сиз катта ҳаёт олдиди турибсиз. Жисмингизгина эмас, характерингиз ҳам, Олам ва Одамга қарашларингиз ҳам росмана шаклланиб, муайян муқимликка эришиб борадиган палладасиз. Бошқача қилиб айтганда, Оламни билиш, Одамни таниш, Ўзликни англаш ва Ўзни кўрсатиш, англатишга интилиш давридасиз.

Бу даврни руҳшунослар мураккаб давр, қарама-қаршиликка тўлиқ давр деб ҳам аташади.

Бу даврда сиз тўғри яшашга ҳам ўрганасиз. Мақсадингиз сари, эзгулик сари интилишингизда қувват бўладиган захира куч йиғасиз. Оладиган барча билимингиз, она сути ва ота ибрати, аждодлар ўғити билан сингдириладиган маънавиятингиз, ахлоқ кўникмаларингиз – ҳамма-ҳаммаси қалбингизга қувват бериб, келажакда комил инсон бўлиб етишишингизда ана шундай захира куч бўлиб хизмат қилади.

Кишининг маънавияти қанча бой бўлса, захира кучи шунча тўлиқ бўлади. Негаки маънавият инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасининг бақувват, иймон ва эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезони эканлиги ҳақида сизга қўп айтишган. Буни ўзингиз ҳам яхши англаб етасиз. Тўғрими?

Бу даврни яна «каттариш даври» деб ҳам аташади. Келажакда қандай инсон бўлишингиз айнан шу даврда ниш беради.



Бу ёшда қизлар ва йигитлар оламини қамраб олишга қодир бўлгудек ақлан тез ривожланганлари каби, уларнинг жинсий инстинктлари ҳам анча тез шаклланади. Бу даврда йигитлар қизларга, қизлар эса йигитларга кўпроқ эътибор бера бошлайдилар. Бу уларнинг жинсий аъзолари билан бирга ҳис-туйғулари ҳам ривожланаётганидан далолатдир.

Бу даврда қиз-ўғилларнинг онги, руҳиятида, асаб тизими фаолиятида ҳам ўзгаришлар содир бўлади. Баъзида ўзингизни ўзингиз тушунмай қолаётгандек бўласиз, ўзингизни идора эта олмайсиз, кайфиятингиз ҳам гоҳ ҳуд, гоҳ эса беҳуд, яъни гоҳ яхши, гоҳида эса ёмондир. Ўзингизни ёлғиз сезиб, гўё ҳеч кимга керак эмасдек кўринган вақтлар ҳам бўлади. Буларнинг ҳаммаси сиздаги руҳий, жисмоний, ақлий ўсишларнинг фаоллашганлигидан далолатдир.

Ижтимоий онгингиз шаклланиб, фаоллигингиз ошади. Сиз жамиятдан, оиладан, дўст-биродарлардан айри яшай олмаслигингизни яхши тушуна бошлайсиз, дўстлар орттиришга ҳаракат қиласиз. Жамоада – оила, мактаб, маҳаллада яшаш эса бошқалар билан мутгасил муносабатда бўлиш демакдир. Шу жамоада ўз муносиб ўрнингизга эга бўлишга астойдил ҳаракат қилишингиз керак бўлади.

Сиз «Қизлар китоби»нинг аввалги бобларида кўрсатиб ўтганимиздек, ота-онангиздан, бобо-бувилардан, ўқитувчилардан, ўқиган китобларингиз қаҳрамонларидан, хуллас, катталардан кўп нарса юқтирдингиз, бошқаларга ҳавас қилиб, ўзингиз устингизда ишлаб, кўпгина яхши инсоний фазилатларни шакллантирдингиз. Уларни ўзингизга бир умрга ҳамроҳ қилиб сақлаб қолинг. Булар сизнинг яна бошқа кўплаб фазилатларни эгаллашин-



гизда, чин инсон бўлишингизда юқорида айтиб ўтганимиз захира вазифасини ўтайди.

Бир умр кишига ҳамроҳ бўладиган чиройли инсоний фазилатлар нималар?

Одамнинг ички маданияти қай даражада эканлигини тез ошкор қиладиган фазилатлар борки, уларга эътибор бермай иложи йўқ.

Биринчи навбатда ўзингизни **одоб сақлай олиш, бошқаларни эшита билишга** одатлантиришингиз керак. Кичкиналигингизда катталарнинг панд-насиҳатига қулоқ солиш, катталар айтганини қилиш одатга айланган бўлса, булар энди ҳаёт талабларини онгли равишда бажариш кўникмасини ҳосил қилади, аста-секин бу ахлоқий нормага айланиб боради.

Агар отангиз ва онангизга ҳавас билан ўсган бўлсангиз – бу оилангизнинг яхшилигидан, отанангизнинг аҳиллигидан, фарзандга меҳрлилигидан, умуман олганда, оилангиз сиз ҳаминиша унга интиладиган илиқ муҳит эканлигидан далолат. Авваллари ота ва онангиздан ҳар жиҳатдан ибрат олган бўлсангиз, энди ўзингиз ҳам сиздан кичикларга ибрат кўрсата бошлайсиз. Оилада энди ўз ўрнингиз, бобо ва бувингиз, ота-онангиз, ака-опангиз, ука-сингилларингиз олдида ўзингизга яраша вазифа, масъулиятингиз бор.

Вазифа ва бурчни тўғри тушуниб, оила ташвишларининг бир қисмини зиммангизга олишга қодирлигингизни кўрсатиш билан сиз бошқа оила аъзоларининг ишончига, ҳурматига эриша бошлайсиз.

Аммо ҳамма оилалар ҳам шундай эмаслигини сезганингизда, энди кичкина бола эмассиз, айрим тенгдошларингизга ўхшаб, ўжарлик отига минмай, ота-онага терс кетмай, мумкин қадар оғирлик билан вазиятни тузатишга ҳаракат қилишингиз керак. Ўзбек оилаларида «Қизлик хонадон



– фаришталик хонадон» деган гап бор. Оилангиз, хонадонингиз фариштасини учуриб юборманг.

Одамларнинг яхши фазилатларидан яна бири **ҳақгўйлик ва ростгўйлик**дир. У кишига катта ҳурмат келтиради. Шунинг учун ота-она ҳам, устоз ҳам бу фазилатнинг сизда етакчи фазилат бўлиб қолишига катта аҳамият беради. Сиз ота-онангизнинг «Фарзандим қайси касбни танлашидан қатъи назар, у ростгўй, ҳақиқатгўй, чин инсон бўлсин!» деганини кўп эшитасиз.

Бурч – кишининг бирор шахс, оила, жамоа, эл-юрт, Ватан олдидаги мажбуриятини англатувчи ахлоқий тушунча. Бурч иймон-эътиқод, онглилик, ҳалоллик, виждон каби тушунчалар билан чамбарчас боғлиқ. Булар инсонда болалигидан бошлаб, айниқса, ўсмирлик вақтида собитлик билан шакллантирилади. Бурч қандай вазифа, кимнинг олдидаги мажбурият эканлигига қараб турлича бўлади: миллий бурч, ижтимоий бурч, умуминсоний бурч ва бошқалар. Бурч жамиятнинг барча кишиларига баробар таалуқли бўлган ахлоқий талабларнинг алоҳида шахснинг албатта бажариши шарт бўлган шахсий вазифаларига айланиши сабабли, инсон ўз зиммасидаги бурчлардан бўйинтовлаб кета олмайди. Бунга йўл қўйганлар турли жазога лойиқ бўлишини сиз яхши билишингиз керак.

Ирода деб одамнинг ўз фаолияти ва психик жараёнларини ўзи бошқара олишида намоён бўладиган қобилиятига айтилади. Иродали инсон ўзига ҳукмрон эҳтиёж ва хоҳишларига (агар улар одамлар, оила, жамият учун зарар бўлса) қарши тура олади, унинг онги ва хатти-ҳаракатларида «бу керак», «шуни бажаришим шарт» деган кўрсатма устунлик қилади. Айниқса, бурчга оид вазифаларни бажариш кишидан мустаҳкам ирода талаб этади. Агар эътибор берсангиз, иродали кишиларга



талай ижобий сифатлар ҳамроҳ эканлигини кўрасиз. Булар: *ташаббускорлик*, яъни ўз хоҳиши билан хатти-ҳаракат қила олиш; *қатъиятлик*, яъни иккиланмасдан, ҳар томонлама яхши ўйлаб қарор қабул қилиш ва уларни изчил суратда амалга ошириш; *саботлилиқ*, яъни қийинчиликларга қарши курашда ғайратни бўшаштирмасдан мақсад сари шижоат билан юриш, кўзланган иш режасини, қандай бўлмасин, амалга ошириш; *ийгинчоқлик*, яъни ўз амалий ишларини режалаштира олиш, уларни ижро этишда шу режаларига қатъий риоя қила билиш, тартибли иш тутиш; *дадиллик*, яъни қўйилган мақсадни амалга оширишда фурсатни бой бермаслик, қўрқмаслик; *ишчанлик*, яъни қийинчиликка қарамай, ишни охирига етказа билиш. Киши олдига қўйган юксак мақсадлари сари шундай онгли қатъият билан ҳаракат қилсагина, барча тўсиқларни енга олади ва кучли ирода эгаси деб тан олинади.

Инсонпарварлик ахлоқнинг муҳим умуминсоний меъёрларидан биридир. Инсонпарварлик инсоннинг қадри, эркинлиги, бахт-саодати, тенг ҳуқуқлилиги тўғрисида, инсонийликнинг барча тамойилларини юзага чиқариш учун шарт-шароитлар яратиб бериш ҳақида ғамхўрлик қилишни ифодаловчи тушунча. Инсонпарвар киши дунёда энг қимматли мавжудот инсондир, шунинг учун ҳам бутун борлиқ унга, яъни инсонга, унинг бахт-саодатига хизмат қилиши лозим деб ўйлайди ва шунинг билан бирга инсон тақдири, халқ манфаатлари, мамлакат кишиларининг фаровон ҳаёт кечириши ҳақида ғамхўрлик қилишни ўзининг асосий бурчи деб ҳисоблайди. Бу фазилатлар аслини олганда кишида энг яхши сифат ва қобилиятларнинг шаклланишига асос бўлиб, унинг ҳаётий кучи манбаидир.

Мардлик – олижаноб инсонларга хос бўлган энг ижобий фазилат. Бу сифат кўпроқ ўғил болаларга нисбатан ишлатилишини кузатгандирсиз. **Назокат** деган сифат эса кўпроқ ўсмир қизларга тегишли. Яхши қиз деганда ҳаёли, иболи, назокатли қизлар назарда тутилади. «Назокат»нинг маъносини яхши тушуниб олиш учун бу атаманинг синонимларига эътибор беринг. Назокатлик – *зарофатлик, нафосатлик, латофатлик, хушқадлик, хушандомлик, хиромандлик, нозиклик, майинлик, мулойимлик, юмшоқлик, латифлик, заифлик, ишвалилик* деганидир.

Назокатликнинг яна кўп бошқа сифатлари ҳам бор. Айримлар назокатли таърифи фақат чиройли, қадди-қомати келишганларга қарата айтилади деб тушунадилар ва бунга ўхшатиб пардоз қилиш билан эришса бўлади, деб ўйлашади. Йўқ, диққат қилинг, ахир бу сифатлар қиз-аёлнинг ҳуснига эмас, асосан дилига чирой берувчи фазилатлар. Чиройли дилларнинг эса ўзига яраша нури бўлиб, у юзга кўчади ва уни жуда чиройли қилиб юборади.

Назокатли деб юриш-туриши, ҳаракати ва муомаласи ёқимли, одобли, ўзи майин, бировларга қаттиқ гапирмайдиган, раҳмдил, такаллуфли, сезгир, фаҳм-фаросатли, зукко, жозибали, илтифотли, юмшоқ кўнгиллиларга айтилади. Назокатли деб назокатлиларга айтилади.

Биттагина сўз... Лекин қаранг, қандай сўз!

Энди бир ўйлаб кўринг, юқорида санаб ўтилган фазилатларга эга бўлганларни ким ҳам хунук дея оларди? Борди-ю, худо бундайларга керагича ҳусн бермаган тақдирда ҳам, ичидан нурлантириб қўйибди-ку! Ана шу нур ва чиройли одоблари уларни жуда чиройли, назокатли қилиб кўрсатади.

Умуман олганда, назокатли бўлиш қийинми? Ёшлиқдан ойингиз, бувингиз, опангиз, келин-



ойингиздан назокатли бўлишни ўрганиб борсангиз, қийин эмас.

Фақат уларга эътиборсиз бўлмаслик керак. Назокатли бўлиш аввало ташқи кўринишга, кийинишга, юриш-туриш, ўзини тутишга боғлиқ. Чунки *ташқи қиёфа, кийиниш, юриш-туриш одоб ва ички маданият* билан узвий боғлиқдир.

ЭЗГУЛИК КИШИЛАРИДАН ТАНЛАНГ

«...Эзгулик кишиларидан кимнидир танлаб олишинг ва уни ҳамиша кўз ўнгингда сақлашинг лозим, гўё у бизга қараб тургандек яшашинг, гўё у бизнинг ҳамма амалимизга баҳо бераётгандек иш тутишинг керак. Эпикур шундай сабоқ беради. Тўғриси ҳам шу – ёнимизда гувоҳ бўлганида эди, биз, яъни ҳар дамда гуноҳ қилиб қўйишга тайёр одамлар, кўп гуноҳлардан *фориф бўлардик*. Қалб эҳтиром кўрсатишимизга лойиқ бўлган кимнидир, ибрати билан қалбимизнинг энг туб-тубигача ёритиш, тозартишга ёрдам беришга қодир бўлган кимнидир, албатта, топиб олиши керак. Бошқа кишиларни кўрмай туриб ўйлаганингадەк улар ҳаётингда ҳаёлан иштирок этиши билан ҳам сени тузатса, йўналтирса, руҳингни кўтарса, билки, сен энг бахтлисан! Негаки ўз камолоти йўлида бошқа бировнинг хотира-ёдини ҳам ибрат даражада ҳурмат қиладиган киши, албатта, бахтлидир! Кимки бошқани шундай иззат қилса, ўзи ҳам тезда ҳурмат қозонади... Кимнингки ҳаёти ва нутқи, ҳаттоки қалби акс этиб турган юзи сенга хуш бўлса, «истараси иссиқ» келса, шуни танла ва у доим сени ё асрагувчи сифатида, ё ибрат олувчи киши сифатида кўз ўнгингда бўлсин. Бизга, яна қайтараман, бизга доим ахлоқимиз унинг ибрати билан расоланадиган кимдир керак. Ахир қийшиқ чизилган



чизиқни фақат чизғич билангина тўғрилашинг мумкин-да»...

Бу сатрлар эрамиз аввалидаги ўн йилликларда яшаб ўтган италиялик донишманд файласуф Луций Анней Сенекага тегишли. Бу гапларни мен унинг шогирдига йўллаган юздан ортиқ ахлоқий мактубларининг бирида ўқидим. Китоб яқинда, умрим еттинчи мучалига қадам қўйганида қўлимга тушди. Очирғи, шу пайтгача бу мактубларни ўқимаганимга жуда ачиндим. Ҳаёт ва ўлим, киши учун вақтнинг қадри, одамийлик, бойлик, қашшоқлик, ҳаётдан қониқиш ва қониқмаслик ҳақидаги юқорида зикр этилган фикрларга ўхшаш ёмби ҳикмат гаплардан бир-иккисини одатимга кўра иқтибос тарзида дафтаримга кўчириб олиш билан кўнглим тўлмади ва рус тилидаги бу каттагина китобни ёнимда олиб юрадиган ноотбукда эмас, худди бир вақтлардаги каби сиёҳли қаламда, мактаб ўқувчиларининг дафтарига қўлимдан келганича ўзбек тилига ўгиришга киришдим. Ростини айтсам, фалсафий асарни ўгириш осон эмас, ҳар жумла устида узоқ ўйлашга тўғри келарди. Аммо бу асарни ташлаб қўя олмадим. Юқоридагига ўхшаш икки минг йил илгари айтилганига қарамай, бугуннинг руҳини бериб турган гаплар кўп саҳифаларда ялт этиб, тафаккуримни бойитиб ўзига тортаверди.

Илгарилари ҳам ҳаётимда бир-икки шундай воқеа бўлганди. Бундан кўп йиллар аввал Москвада нашр этиладиган кўп минг ададли «Новый мир» адабий журналида ногаҳон кўзим тушгани – машҳур ёзувчи Лев Толстойнинг тўнғич қизи Татьяна Львовна Толстая-Сухотинанинг «Отам бағрида» деб номланган кундалигини, йигирманчи аср кишиларининг кўпига ахлоқий ўсишда бе-



миннат ёрдам бергани учун пири комилларга ўхшаб руҳан яқин бўлиб қолган академик Дмитрий Лихачевнинг «Эзгулик ҳақида мактублар» китобини ўқиш билангина кўнглим тўлмай, балоғат ёшига яқинлашаётган фарзандларим тарбиясига зарурлигини кўзлаб, қолаверса, аввало ўз қалбимга сингдириб олиш, қалбимни кўтариш учун мана шундай «берилиб» ўзбек тилига таржима қилгандим.

Инсон табиати қизиқ экан. Бошқаларга яхши гапни етказиш учун аввал у билан ўз қалбингни оролашинг керак эканлигини ўшанда яхши англаб олганман! Бу – журналист учун жуда керак.

Нега юқорида келтирганим Сенеканинг бу сўзлари юрагимни туб-тубигача титратди? Бу қандай туйғу бўлди? Юқорида айтилган эзгулик кишиларидан бир нечтасини ҳаётим йўлида учратиш бахти менга насиб қилганидан, уларни таниганим, билганим, чин дилдан ҳурмат қилганим, улардан ибрат олганимдан гурурланганим, кўнглимнинг осмонларга кўтарилаганимиди бу? Балки уларни танимаганимда, билмаганимда ҳаётим қандай кечарди, қалбим нақадар қашшоқ ва ғариб бўлиши мумкин эди-я деган тасаввурнинг ўзидан юрагимга ўрмалаб кирган даҳшатдир бу?

Холисанлиллоҳ айтганимда хотирасининг ўзиёқ қалбимда машғал ёққан бу кишилар «Ундай юр! Бундай қил!», деб менга чизғичда йўл чизиб беришмаган экан. Аммо ҳали-ҳануз ҳар ишимдан кейин хаёлимдан шу саволлар кечади: «Шу қилган ишим ойимга маъқул бўлармиди? Тожихон опам раҳматлининг кўзлари нурланиб «Баракалла, болажоним!» – дермидилар? Хайрихон опанинг овозлари гулдураб «Э, яшанг!» – деб қисик кўзларида нур учқунлари порлармиди? Журналга тайёрлаган мақолам чеккасида Зулфия опамнинг ҳар биримизга азиз



дастхатлари битган «Яшанг!», «Яхши!» ни кўрган-
нимда неча бор кўнглим осмонларга кўтарилган!
Киши кўнглининг осмонларга кўтарилиши – унинг
доим парвозга шайлиги белгисидир. Билсам, пар-
возга ҳамиша шай туришликни бир умрга менга
ана шу ибратли кишиларим юқтиришган экан.

Эпикур ҳам, Сенека ҳам нақадар ҳақ бўлган-
лар: ҳар кишининг ҳамиша ё асрагувчи сифатида,
ё ибрат кўрсатувчи сифатида кўз ўнгида хайрли
кишиси туриши керак.

Аслини олганда, Сенекадан неча-неча асрлар
кейин яшаган, бўйига қараб мен қоматимни рост-
лаган бу ибратли кишиларим ҳақида катта китоб-
лар ёзишга арзигулик. Ёзиляпти ҳам. Ёзаётган-
лар бир мен эмаслигимни ҳам биламан ва қалбим
шукр ва ғурурга тўлади.

Ҳозир эса улар ҳақидаги айрим хотираларимни
эслаш билангина кифояланамиз.

Онам кўзларидаги нур

Ҳамиша кўз ўнгимда турадиган эзгулик киши-
ларимнинг бири **онам – Букарима мулла Ман-
сур қизидир**. У кишининг қоматлари тик, кўзла-
ри нурли, ёноқлари қизил, юзларидаги кулгичлари
кишига доим ёруғлик ва ажиб осойишталик бахш
этиб турадиган аёл эдилар. Онагинамнинг ҳар
қандай шароитда ҳам биз – фарзандларидан ав-
валроқ уйқуга ётиб, ўринларидан биздан кечроқ
турган кунларини билмайман. Бирон кишининг
мушкулани осон қилган вақтларида онагинам чит
кўйлакда ҳам жуда ўзгача, рассомлар мўйқалами-
да тасвирлагандек чиройли бўлиб кетардилар. Бу
ичларидаги нурнинг ҳеч вақт ўчмаганидан бўлса
керак. Бировга яхшилик қилганларида ўз озорла-



рини бошқаларга сездирмай, кемтик ерларини билитирмасдилар.

Эсимда... Бир куни тўрт ҳовли нарида турадиган қўшнимиз озгина қарз сўраб чиқди... Онам тенги, онамдек серфарзанд, болаларининг аксари ҳали ёш аёл... Бизнинг ҳам пулимиз йўқ экан шекилли... Аммо онам уларни ноумид қайтармадилар. Кейин билсам, пешингача ўша пулни Қоратошдаги шаҳар ҳовлида яшайдиган тоғамдан олиб келибдилар. Қайтганларидан сўнг тез юриб келганлари учун жуда эрта оқарган сочлари устидан сирғалиб тушган чит рўмолларини тўғрилаб, пешаналаридаги терни артар эканлар, дастрўмолга ўралган пулни менга бериб дедилар:

– Буни тезгина Муҳаббат келинойингга олиб чиқиб бер, қизим!

Қўшникига чиқишим билан чоғроқ, ўша вақтларда «полуторка» деб аталадиган юк машинасида уларга кўмир келди. Қўшнимизнинг севинганини кўрсангиз! Қарзни шу кўмир учун сўрашган эканда. Ойижоним қўшнининг мушкулини осон қила олганларидан мен ҳам севинганим, кўнглим осмонларга кўтарилгани ҳамон эсимда!

Икковларини Аллоҳ раҳматига олган бўлсин!

«Мактаб оyi»

Ҳамиша кўз ўнгимда турадиган кишиларимнинг бири мен ўн йил таълим олган Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги 26- ўрта мактабнинг собиқ директори **Тожихон опа Абдуллаева**дир.

Биз ҳам биздан аввал ўқиб кетганлар каби уларни меҳр билан «мактаб оyi» деб атардик. Негалигини кейин англадим. Ўн йил ўқиган бўлсак, ҳар куни эрталаб «мактаб оyimиз» бизни юқори қаватга кўтариладиган зина ва ўнгга кетадиган узун йўлак



олдида биринчи бўлиб кутиб олардилар. Мактабда жами икки мингга яқин ўзбек, рус ва бошқа миллат болалари ўқиса, ҳар биримизни номма-ном билиб-гина қолмай, феълимиз, оилавий аҳволимизни ҳам яхши билардилар. Ҳозир энди қизиқ туюлади-ку, лекин ўша даврда мактаб директорининг ҳар биримизни шахсан танишидан суюнар, бизни ўзларига тенг кўриб муомала қилишлари қалбимизга катта ғурур берарди. Салом бергандаги овозимиз оҳангидан аҳволи руҳиятимизни билар, кези келса, суҳбатга тортиб қолардилар.

Эсимда, бир куни бешинчи синфдаги бир қизни энди зинадан кўтарилай деганда тўхтатиб: «Хонамга кириб тур!» дедилар. Мен кетма-кет келаётгандим. Бизнинг синф биринчи қаватда эди, салом бериб ўнг йўлакка бурилаётсам, менга ҳам: «Қани болажоним, хонамга кир-чи, ишим бор», – дедилар. Хўп, деб директор хонасига кирдик. Ортимиздан «мактаб ойи» кирди.

– Болажонларим, иккалангиз ҳам диванга ўтиринглар-да, оёқ кийимингизни ечинглар, ҳозир кўнғироқ чалиб қолади, дарсга кечикмай кириглар, – дедилар.

У вақтлар кўчаларнинг кўпига асфальт ётқизилмаган эди. Қишда лой кечиб, ёзда тупроққа ботиб уч-тўрт чақирим юриб келардик. «Мактаб ойи»нинг тўхтатганлари сабабини билмай, дарров оёқ кийимимиз лоймикин деб қарадик. Йўқ, ҳовлидаги водопровод олдига кўйилган катта тоғорадаги сувда тозалаб ювганмиз. Йўллар чатоқ бўлгани учун бу тоғора ёнига мактаб қоровули биз келмасимиздан анча олдин «мактаб ойимиз» кўрсатмалари билан беш-олтита ярим метрли таёқча учига латта боғлаб кўярдилар. Қўлимизни совуқ сувга урмасдан поёфзалимизни ювиб олардик. Мендан бир синф юқори ўқийдиган қизнинг оёғига қарадим ва гап



нимадалигини тушундим. Унинг калишидан сув ўтиб кетган, дийдираб турарди. Мен эса ўғил болаларнинг қўполроқ қўнжли ботинкасида эдим. Пайпоқларим ҳам қуруқ эди. «Мактаб ойимиз» иш столлари остидан тапочка олиб менга берди-да:

– Ўртоғингнинг пайпоғи ва калишини печка ёнига қўямиз, қуригунча сен шу тапочкани кийиб тур, ўртоғинг сенинг ботинкангни кийиб турсин, бўлмаса шамоллаб қолади, – деди ва оёғидаги жун пайпоғини ечиб, қизга узатди. – Дарслар тутагач, яна шу ерда учрашиб, пойафзалингизни алмашиб оласиз, қани энди боринглар, ана қўнғироқ ҳам чалинди...

Шу воқеани эсласам, ҳали-ҳали кўнглим ғалати бўлиб кетади.

Биринчи синфга опаларимга эргашиб кела бошлаганимда Иккинчи жаҳон уруши тутаганига эндигина тўрт йил бўлган эди. Мактабимиз ҳовлиси этагидаги пастдек девор ортидан тепалик бошланиб, унинг катта майдонида у ер-бу ерда сийрак қабрлар дўппайиб турар эди. Бу қабрларга урушда иштирок этган жангчилар кўмилганди. Ўқтин-ўқтин мактабнинг чап биқинидаги аравалар филдираги икки қатор чуқур из қолдирган қатқалоқ йўлдан тўрт филдиракли, тагига похол тўшалган ғариб аравада тахталари янги рандаланган, аммо бўялмаган тобут олиб ўтиларди. Арава ортидан уч-тўрт кишидан иборат мотам маршини чалиб келаётган оркестр ва арава ҳайдовчиси, баъзида пешанабоғига қизил қўшув ва ярим ой белгиси тикилган оқ халатли бир-икки ҳамшира эргашиб келарди. Демак, «мактаб ойимиз» айтиб берадиган урушда иштирок этган яна бир жангчи вафот этибди. Уруш тамом бўлганига беш-олти йил ўтган бўлса ҳам, Тошкент ҳарбий госпиталя ва бошқа касалхоналарда оғир ярадор бўлиб, эвакуация қи-



линган, бу шаҳардагина эмас, балки умуман ҳеч кими йўқ жангчилар ётишар, улар вафот этганида шу ерга кўмилар эди. Оркестрнинг ҳазин овозини эшитиш билан «мактаб ойимиз» албатта бир-икки синфни сафарбар қилар, биз арава кетидан жангчини сўнги йўлга кузатиб, у кўмилгач, фамилияси ёзилган тахтача ёнига қатор тизилишиб, қотиб турар, бир оз сукут сақлаб, кейин янги уйилган тупроқ устига тепалиқдан терган лолақизғалдоқ, чучмома ёки бошқа чечакларни сочиб келардик.

У вақтлар жуда ғариб бўлган бу жойлар анча йиллар кейин Волгоград шаҳридаги машҳур Мамай кўрғонидек одамларнинг пойи узилайдиган Биродарлик қабристонига, муқаддас зиёратгоҳга айланди.

Байнаминалчиликнинг илк ва чин сабоқларини биз «мактаб ойимиз» ибратида олганмиз.

Биз ўрта мактабда ўқиб юрган пайтимизда шаҳар мактаб ўқувчиларини еттинчи синфданоқ кузда пахтага олиб чиқиларди. Ҳар йили «мактаб ойимиз» мавсумнинг бошидан охиригача янги ўзлаштирила бошланган Мирзачўлда биз билан бирга бўларди. Кичкинагина қизалоқлар эдигу, ҳеч биримизнинг уйни соғиндик, онамизни соғиндик, деб йиғлаганимизни эслолмайман. Бунга ҳам, албатта, «мактаб ойимиз», муаллимларимиз сабаб. Ўша соғинч туйғуларимиз ўрнини улар бошқа, янада бойроқ, қалбимизни кўкларга кўтарадиган туйғулар билан тўлдиришар экан.

Ҳали-ҳали дала шийпонидаги тушликларни, вақтинча ётоғимиз бўлган қишлоқ мактабининг мажлислар залида ёки энг катта синфида ўтадиган мароқли оқшомларни, ёфингарчилик пайтлари эса шийпонда гулхан ёнидаги сеҳрли суҳбатларни қалбим илиб-илиб эслайман. Кўнглимиз осмон-



ларга кўтарилишга мойилликни ўша вақтлар одат қилган бўлса ажаб эмас. Қалбимизда Ҳаётни, Одам ва Оламни англаш, яхшилик ва ёмонликни кўнгилда фарқлаш, ватанимизга, ота-оналаримизга, дўсту биродарларимизга нисбатан қалбимизда меҳр-муҳаббат, яхши ниятнинг ҳамиша бўлиши кераклиги ўша суҳбатлар оқибатида мустақкамлангани, одамийлик, ростгўйлик, диёнат, ҳалолликка нисбатан қалбимиздаги ниш урган ирода ўшанда эгилмас бўлиб тоблангани аниқ. Яна китобга, адабиёт ва санъатга муҳаббат ҳар биримизнинг қалбимизда мактабдан пайвандлигини кўп эътироф этамиз. Пахта мавсуми тамом бўлгач, мактабимизда юқори синф ўқувчилари ўртасида бадий китоб алмашиш фасли бошланарди. Биз жуда кўп ўқирдик. Китоб бизга эрта тонг қуёшнинг заррин нурларига салом беришни, оқшомлар қуёш ботишини алоҳида ҳаяжон билан кузатишни, ёмғирни «оби раҳмат» билиб, оппоқ қор парчаларида эса ёруғлик туйишни ўргатди, қалбимизни ўша вақтлар шукроналикнинг илк туйғулари ила тўлдириб, мурғак кўнглимизни осмонларга кўтарди.

Шундай фазилатлари, ибратлари бўлгани учун ҳам «мактаб ойимиз»нинг руҳлари ҳамон қалбимизни эзгуликка сошлаб турибди!

Қуёш парчаси

Юрагимга шукроналикни ҳамишаликка олиб кирган, дарахт баргларидаю тонг шабнамида ёруғлик кўришга ўргатган, қалбимни осмонларга кўтарилишини мойил қилганлардан бири **халқимизнинг ардоқли шоираси Зулфияхонимдир**. Ҳар тонгу шомда «вал волидаи» қаторида уларга

ҳам «вал устозия» деб чин дилдан Аллоҳдан раҳ-
матлар сўрайман! Чунки уларнинг қайноқ қалбла-
ридан чиққан кўп хайрли ниятлари, чиройли амал-
лари бошқаларнинг кўнглини баланд-баландларга
кўтарди-да!

Эсингиздами:

*Мен қуёшдан узиб берай сенга бир парча,
Юрагимдан узган сингари...*

Бу сатрлар эзгулиги, самимияти билан юракдан юракка тўппа-тўғри ришта боғлайди. Опанинг ай-
нан шу самимиятлари ҳар биримизни юракдан
чиққан фараҳли сўзларни чин дилдан опа-сингил-
ларимизга бахш этишни ўргатди. Энг асосийси,
Зулфияхоним ҳамиша эл ардоғида юриб, машҳур-
ликда ягона бўлишларига қарамай, ҳамма билан
бирдек эдилар. Аёл номига бирон доғ тушишига
асло йўл қўймасдилар.

Оламга машҳур, тилидану қаламидан катта гап-
лар чиқадиган буюк шоира тавсифига булар арзи-
мас чизгидек кўринар, бироқ хизмат жараёнидаги
айрим воқеалар назаримизнинг тўқ, феълимизнинг
кенг бўлишига ундовчи сабоқ бўлгани аниқ...

1976 йил. «Саодат»нинг 50 йиллигини кенг нишон-
лаётган эдик. Собиқ иттифоқнинг ҳамма республи-
каларидан қирққа яқин меҳмон келган. Барчалари
иттифоққа таниқди, Зулфияхоним сингари машҳур
аёллар. Катта анжуманлар, тадбирлар, саёҳатлар қа-
торида «бир пиёла чой» устида «Саодат»да, Зулфия
опамнинг хоналарида улар билан журналлар иши-
ни ривожлантириш, ўзимизга тегишли муаммолар
хақида сўз юритишни ният қилдик.

Бош муҳарриримиз:

– Қизларжон, дастурхонга фақат чой ва ширин-
лик қўйинглар холос, чунки бу – меҳмондорчилик



эмас, анча жиддий суҳбат бўлади, – деб тайинладилар. – Марказқўмдаги бизга мутасадди кишилар, Тошкент шаҳридаги айрим аёллар бошқараётган ишлаб чиқариш сардорлари ҳам таклиф этилган. Диктофонларни ишга солинг, ҳеч бир мулоҳаза, фикр, таклиф эътиборимиздан четда қолмасин. Келажакда улар бизга катта дастур бўлади...

Таклиф этилган сардорлардан бири, журналимизда яқиндагина рангли суратлари билан фаолияти ёритилган Тошкент кондитер комбинатининг бош директори эди. Ўзбекчилик-да, аёл даврага қуруқ келишни эп билмай, ё маҳсулотларининг ҳақиқатда ҳам сифатли чиқарилишини кўрсатмоқчи бўлибми, идорага жуда катта, нақ иш столимиз юзидек келадиган торт олиб келибди. Кўплашиб хонага олиб кирдик. Зулфия опам кўришлари билан:

– Ҳақиқий санъат асари бўлибди-ку! – дедилар. – Қизлар, Роза опангиздан накладнойни олиб, ҳужжатларга қўшиб қўйинглар.

Аммо ҳеч қандай накладнойнинг ўзи йўқ экан.

– Зулфия опажон, катта комбинатда ўн йилдан бери бош директор бўлиб ишлайман, ўз корхонамга чиройли, яхши торт буюртма беришга ҳаққим йўқми?

Ҳеч эсимдан чиқмайди, ўшанда Зулфия опам комбинат сардорини елкасидан қучиб, диванга таклиф қилар эканлар, шундай дегандилар:

– Сингилжоним, илоҳо мартабангиз бундан ҳам улуғ бўлиб, ишингизнинг ривожини берсин. Мен фақат аёлларимизнинг боши кўп олдида эгилиб қолмасин, ёмон гап соядек кетидан эргашмасин дейман. Иш юритувчингиз қандайлигини билмайман-у аммо ортингиздан: «Бош директоримиз журналда яқинда катта расмлари чиққани учун



шундай катта тортнинг пулини тўламай «Саодат»-га совға қилиб олиб кетди», демасин-да. Ҳозир қизимиз бориб ҳисоб-китоб қилиб келади, кимга учрашиши кераклигини айтсангиз бўлди... – Кейин менга юзланиб, – пастда машинамиз бор, мана бу пулдан керагини нақд тўлаб, чекини ҳисоботларга қўшиб қўйинг, – деб илтимос қилдилар...

Авжи жўшиб юрган вақтларимиз эмасми. Баъзан журналнинг бир сонида бир нечта материалимиз бериларди. Қалам ҳақи эса журнал ходимларига фақат умумийнинг ўттиз фоизигина тегишли эди. Баъзан чет муаллифларга нисбатан бизнинг қалам ҳақимиз анча оз бўларди. Аммо юрагимиз увишмасди. Кимдир бир гал ўз гонорарини бошқа кишининг номига ёздириб олмоқчи бўлганида опа қаттиқ ранжиган ва:

– Қалам аҳлининг номи қалам ҳақидан анча устун! – дегандилар.

Шунга ўхшаш воқеалар бир умрлик сабоқ бўлиб, ҳар биримиз «аёл киши бошининг кўп олдида эгилишидан», «ёмон гап ортидан соядек эргашишидан» қўрқибгина қолмай, доим огоҳ бўлиб, эҳтиёт чораларини кўриб юриши кераклигини англаганмиз.

Республикамизнинг таниқли аёлларидан аксарияти беадад ғурур билан: «Зулфия опамиздек паноҳимиз бор!» деганларини кўп эшитганман. Халқнинг чин қалбдан берган баҳоси энг олий баҳолигини ўшанда англаб етганман ва яна кўнглим бундан осмонларга кўтариларди. Яна билардимки, Зулфия опам бу баҳони ўзгача қадрлар, ўзгача фахрланар эдилар.

Юқоридаги мисралар ёдингиздами? Шоираи даврон «*Мен қуёшдан узиб берай сенга бир парча, юрагимдан узган сингари...*» деб ваъда бердилар-у, амалда ҳам ўзлари кўнглимизни осмонларга ундайдиган сўнмас қуёш парчаси бўлиб ҳаммамизнинг қалбимизда қолдилар.



Суҳбатимиз аввалида айтганимиздек, хотира-сининг ўзи ҳам кишига ибрат бўлгулик кишиларимдан яна бири билан мени бош муҳарриримиз Зулфия опам таништирган эдилар:

– Болаларингиз ёш бўлиб, вилоятларга хизмат сафарларига боролмаяпсиз, ижоддан жуда орқада қолиб кетдим деб ташвишланаётгандирсиз, яхши очерк ва лавҳалар ёзишни қўмсаётгандирсиз... Эрта-индин депутатларнинг навбатдаги йиғилиши очилади. Мана шу аёл билан танишиб, ўрганиб кўринг, балки бир ҳовурингиздан тушарсиз, – дедилар кафтдеккина келадиган оқ қоғозни узатиб. – Бир неча чақириқлар Андижон вилоятидан Олий Советга депутат қилиб сайланиб келади. Кўп фарзандлик... Навбатдаги журналга бир яхши очерк ёзиб берсангиз ажаб эмас. Сизга муваффақият!

Қоғозчада **«Хайрихон Эргашева – Андижон вилояти, Балиқчи туманидаги «Правда» колхозининг кўп йиллик раисаси»** деб ёзилган эди.

Пойтахтда хизмат қиладиган ёш журналистга қишлоқда яшайдиган пахтакор аёл нимаси билан ибрат бўлиши мумкин, деб ҳайрон бўлаётгандирсиз. «Саодат» журналида, кейин эса бошқа ижодий жамоаларда хизмат қилганимда кўп деҳқон аёллар ҳақида кўрганим, билганимни юрагим буюрганича самимий ёздим. Бироқ, ростини айтсам, қалбимда бир умр қолганлари Хайрихон опага ўхшашлари бўлди. Бу исмига мос барчага хайр илингани учун бўлса керак.

Икки кун мажлисининг танаффус вақти ва яна кечқурун меҳмонхонада учрашиб, анчагина суҳбатлашдик. Дафтарим ёзувларга тўлди. Ҳаётига тегишли кўп маълумотларни олдим, колхоз ривожига оид статистика ҳам етарли. Хаёлимда билимдон,



гайратли, янгиликка ўч деҳқон аёли кўриниши гавдаланди. Аммо мен бу фақат соягина эканини ич-ичимдан сезиб турардим. Ана шу кўринишининг офтобда қорайган юзлари ширмойдек бўртган, бодом қовоқлари остидан кўзлари сизга самимий қараб турган аёлга айланиб, ўзига хос шахдам қадамлар билан юриб кетиши учун унга нимадир етишмасди. Нима етишмаяпти, деб ўйлаб, излаганимни тополмасдим. Очерким қаҳрамонига жон, руҳ керакдек... Ҳамма маълумотлар етарли-ку, нега уни жонлантира олмаяпман? Дарвоқе, у қишлоғида, далада қандай кийимда юради? Одамлар билан қандай гаплашади? Ҳозиргидек кўксига орден ва медаллари қадалган қора костюм, оқ кофтада, ялтироқ қора пошнали туфлида чикмаса керак далага? Негадир бу кийимлари ўз қоматига мослаб тикилган ва ўзига ярашиб турса ҳам, уларга қовуша олмаяпти, назаримда қисилиб кетаётгандек...

– Қандай бўлди ишларингиз? Раиса ҳақидаги очеркингизни журналнинг навбатдаги сони режасига киритаверамизми? – деб сўрадилар Зулфия опам икки-уч кун ўтгач.

– Қоралаганларим ўзимга ёқмаяпти, назаримда жон йўқ, руҳ йўқ... – дедим йиғлагудек бўлиб. – Рухсат берсангиз, уни уйи, болалари, даласида кўрсам...

Зулфия опамнинг кўзлари алланечук нурланиб кетди. Журналда бериладиган очерк қаҳрамонларининг ҳаммасида ўзига хос жон, руҳ бўлишини, аёллар бири бирига ўхшамай, бетакрор бўлишини талаб қилардилар-да доим!

Масъул котибимиз Салоҳ Ҳасаннинг (Жуда ажойиб одам эди, худо раҳмат қилсин!) Зулфия опам номидан кўрсатган ёрдамлари билан ўша



қуннинг эртасигаёқ Наманганга учадиган биринчи рейсга чипта олинди. Намангандан Балиқчига бориш, Андижон орқали борганга нисбатан 60-70 км яқинроқ экан. Буни қандай билишганини самолётдан тушган заҳоти англадим. Чунки аэропортда мени раиса кутиб турган экан. Аммо дастлаб уни танимай, ёнидан ўтиб кетибман...

Қаршимда турган аёл мен пойтахтда учрашиб, гаплашган аёлга ўхшамасди. Бошида оддий рўмол, эгнида кўкрак бурма штапел кўйлак, оёғида қўнжиси тиззадан пастроқ ағдарма этик (юмшоқ бўлса керак)... Фақат овоз ўша... Ҳа, бу ўша, мен «жони, руҳини» излаб келган аёл эди... Излаганимни топганимни шу ондаёқ англадим! Очерким яхши бўлишини ҳам юрагим сезиб турарди...

– Кеча «Саодат»дан қўнғироқ қилиб қолишди. Ёш болангиз борлигини айтишди, керакли материалларни йиғишингиз, тезда Тошкентга қайтишингизга ёрдам беришимни илтимос қилишди. Вақтдан ютиш учун бизга Наманган орқали келишингиз анча яқин эканлигини айтдим. Райком мени бугун буткул сизнинг ихтиёрингизга топширди. Тушликка яқин биринчи котиб билан кўришиб, яна керакли маълумотларни олишингиз мумкин эканлигини ҳам айтишди...

– Опажон, сиз бамайлихотир ишингизни қилаверинг. Менга эътибор берманг. Мен атай кенг далаларингизнинг сиз нафас олган ҳаволаридан бир тўйиб-тўйиб нафас олай деб келдим...

У дастлаб тушунмагандек менга синовчан назар ташлади. Кейин бодом қовоқлари бирлашиб, ширмой юзлари таранглашиб, бирам самимий кулиб юборди:

– Тушунарли, бу аёлни қишлоғида ҳам бир кўрай, депсиз-да! Одамни ўрганиш қийин иш-а? Аммо касбингизга ҳавасим келади...

Назаримда мухбир ва қаҳрамон ўртасидаги парда буткул кўтарилди...

Эртасигаёқ очерк қораламасини бош муҳаррирга ўқиб бердим.

– Ҳа, бу бошқа гап, яшанг! – дедилар Зулфия опам. – Ҳақиқий ҳаётини ўз кўзингиз билан кўриб, қаҳрамонга бетакрорлик бахш этибсиз...

Кейинчалик ҳам кўп, жуда кўп учрашдим бу аёл билан. Кўп ёздим ҳам. Мақтаб-мақтаб ёздим. Тўнғич ўғли билан баробар ўрта мактабни ўқиб битирганини (уруш даврида ўрта мактабни тугатолмай қолган экан), ўша ўғли билан бир йилда (фақат она – сиртдан ўқиб) Андижон пахтачилик институтини тугатганини, содда феълени, Москва, Тошкентда бўладиган кенгашлар ёки чет эл сафарларидан ҳам албатта деҳқончиликкагина эмас, рўзгор маданиятига ҳам кўплаб янгилик ола келишини, уларни қишлоқда татбиқ этишини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатдим. «Республикада аёл раислар кўпу – Хайрихон битта!» деган гапни ҳам кўп эшитдим.

Ҳатто шундай аёлнинг ҳам дилини нимадир кемирадди. Ҳатто шундай аёлнинг ҳам кўзида ўқтин-ўқтин мунг пайдо бўларди. Нега?! Юрса, ерлар гурсиллайдиган аёлни кишилар кўз ўнгида қовжиратиб дард енгди (Аллоҳ раҳматига олсин). Бу фақат тан дардигинамиди эди, деб кўп ўйлайман.

Бир гап мажлисга келганида анҳор бўйида ўтириб узоқ суҳбатлашдик. Мавҳум қайта қуриш даври авж олган, қўшиб ёзиш ривожланган давр эди. Юксак мукофотларига битта Олтин Юлдуз етишмаётган, замонанинг билимдон ва заҳматкаш эрка қизи ҳисобланган бу аёлнинг ичини қандайдир армонлар ўртаётганини ўшанда сезганман. Ўшанда иккимиз ёлғиз эдик. Фурсатдан фойдаланиб, замондошимнинг армонларини била олмаганим, малҳам бўла олмаганим, эркакшодадек кўринган



бу аёлнинг ички назокатини етарлича очиб бера олмаганим – бугун мен учун йигирманчи асрнинг энг катта армони! Янги асрда ҳам умрим охиригача дил ўртар хотира... Ўттиз йил у раис бўлган хўжалик ҳозир унинг – Хайрихон Эргашеванинг номи билан аталади. Бу армонларнинг яхши ечими, албатта... Яхши хотира... Балки шунинг учун куйидаги хулосага келгандирман: одамзод шундай яшасинки, унинг ҳаётидаги ҳар бир воқеа ёрқин хотира бўлиб, машъалдек қоронғи тунни ёритсин. Олдинга, фақат олдинга етакласин. Эсланинг сари баҳри-байтнинг ўчмас ва боғловчи сўзи каби ҳар гал янги маъно касб этиб, янгитдан умр кўраётгандек одамни ҳаяжонга солсин!

* * *

Умр бўйи менга ҳар жиҳатдан ибрат бўлган бу азиз кишиларимдан кўп ҳаёт сабоқларини олдим. Улардан эшитган гаплар йиллар ўтгани сайин мен доим оғишмай амал қилган тўғри ва мазмунли яшаш дастурининг мустаҳкам қондаларига айланиб борди.

Сухбатимизни ана шу «ҳаёт сабоқлари»дан оила, турмушга оидлари, ҳамма аёлларга тегишли айрим намуналар билан якунлаймиз:

- Оила – кишининг ҳаёти, тақдири, қисматини белгиловчи муҳим уюшма.

- Оила – яхши оила кишини катта довлардан олиб ўтишга, катта оқимларга қўшишга, эзгу тилақларини юзага олиб чиқишга қодир даргоҳ.

- Оила – аёлнинг суюнчларига қўш суюнч берадиган, ташвишларида юпатадиган, эгилганида суюйдиган даргоҳ.

- Оила – аёлнинг, онанинг ўқ тешмас зирҳли қалъаси.

● Оила – улуғ адабгоҳ бўлиб, у оила аъзоларининг каттаю кичигига довон орти довонлигини кўрса-тади, сўқмоқ сўнгги равонлигини уқтиради, ирмоқ охир уммонлигига ишонтиради, инсон қалби ҳами-ша ўт билан сув ўртасида тобланишини англатади, Аёл-Она ҳаётдан беиз кетмаслигини далиллайди.

● Ота-она аввал болаларини меҳр билан кўтари-шади, кейин эса болалари – уларни.

● Кексайганида кишининг қаддини тик қилув-чи фарзандлардир. Ана шу тик бўлиш тадоригини ота-оналар аввалдан, фарзандлик бўлишга инти-лаётган вақтдан кўриши шарт.

● Фарзандларнинг ўз ота-оналари билан фахрла-ниб юришлари учун ота-оналар муттасил ўз қалбла-рини бойитиб боришлари, барабар ўсишлари керак.

● Оилани файзли гўшага айлантириш кўп жиҳатдан аёлга боғлиқ.

● Ўз фарзандларининггина эмас, миллатни асраш, авайлаш, тарбиялаш ҳам аёлдан.

● Ўсиш, улғайиш, тараққий этиш ва тозариш тангрининг бандага буюргани эканини билгувчи аёлнинг қалби ҳамиша қувватлидир. Шунинг учун оналар ўтда ёнмайдилар, сувда чўкмайдилар, ҳар не балолардан улар Аллоҳ инъом этган сабр ва шукр қудрати ила омон чиқадилар.

● Ҳар бир аёл бошида ҳаёт синовлари жуда кўп. Улардан яхши ўтгани сари иззат-ҳурмати аввало ўз оиласида, қолаверса, чор атрофда, жамиятда ҳам барқарорлашиб бораверади.

● Инсон эканини ўражагини англаш сабоғи – аёлнинг ҳаётдан оладиган ва бир умр қалбида маҳкам тутадиган энг улуғ сабоқдир.

● Ёлғон – кечириб бўлмас катта гуноҳ.

• Пора олиш, пора бериш – инсон номини топ-тайдиган тубан амал.

• Бошқаларнинг кўнглини ёритган инсонларнинг кўнгли ҳеч қачон ғуссага енгилмайди.


ЎН БЕШ ЁШИМДА...

Ойим қизим, сиз билан мазкур суҳбатда билим олиш, ўқиш, ўрганишдан асло чарчамаслигингиз, бу ишлардан ҳафсалангиз совимаслиги керак деб айтмоқчи бўлиб турганимда, беихтиёр яқинда ўқиганим бир китобдан дафтаримга кўчириб олган иқтибос эсимга тушди:

«Ўн беш ёшимда борлигимни ўқишга қаратганман, ўттиз ёшимда мустаҳкам пойдеворга эга бўлганман, қирқ ёшимда гумонлардан фориг бўлганман, эллик ёшимда Илоҳий иродасини англаганман, олтмиш ёшда ҳақни ноҳақдан ажратишга ўрганганман, етмиш ёшимда юрагим буюрган ишни қиладиган бўлганман ва бу қоидани бирон марта ҳам бузган эмасман...»

Бу гаплар Хитойнинг буюк донишманди Конфуцийга тегишли бўлиб, уларнинг айтилганига йигирма асрдан ошган.

Англаяпсизми, киши бутун умри давомида узлуксиз, ҳатто кексайганда ҳам ақлий ва маънавий ўсиб бориши керак экан. Ахир умрнинг бир босқичида гумонлардан фориг бўлиш, яна бир босқичида илоҳий иродасини англаш, яна бир босқичида ҳақни ноҳақдан ажратиш, улуг ёшларга етганда юраги буюрган ишни қилиш ҳуқуқига эга бўлиши учун киши ўн беш, йигирма, ўттиз ёшлик даврида борлигини ўқишга қаратиб, мустаҳкам билим пойдеворида эга бўлиши керак



экан. Ҳозир сизнинг айна шундай ўқийдиган, ўрганадиган даврингиз.

Кузатган бўлсангиз, тенгдошларингиз орасида маълум обрўга, ҳурматга эга бўлган дугоналарингизнинг ҳаммангиз бирдек ҳавас қилган фазилати – ўз фикрига, ўз қарашига эга бўлгани ва тинимсиз олдинга интилганидир. Шундайми? Яна сезгандирсиз, бундайларнинг аксарияти синф ёки гуруҳ сардорлари, сизнинг иборангиз билан айтганда «лидер», яъни «бошловчилар», бошқача қилиб айтганда «етакчилар» бўладилар. Одамларнинг «етакчилар» ва «етакланадиганлар»га бўлиниши ҳақида эшитгандирсиз? Буни ҳеч мушоҳада қилиб кўрганмисиз?

Кишининг ўз мустақил фикрига эга бўлиши ва унда собит туриши осонми? Ахир ҳар бир фикрнинг тўғри ёки аксинча нотўғрилигини аниқлаш учун ва унда собит туриш, яъни курашиш учун шу фикрни бошқаларники билан таққослаб билиш, маълум даражада синовдан ўтказиш ҳам керак-ку. Бунинг учун эса вақт керак, дерсиз. Тўғри ўйлаясиз. Ана шу зарур жараёни тезлатиш мумкинми? Ҳа, мумкин. Бунда китоб сизга бир умрлик содиқ ҳамроҳ бўлади.

Ёшим катта бўла боргани сари тобора инсониятнинг интеллектуал ривожини, умумжаҳон тамаддуни ривожига китобнинг қўшган ҳиссасига қойил қолишим ортади... Қалбимда китобга, маърифатга меҳр уйғотганлар, китобсеварликда ибрат бўлган устозлар ва дўстларимдан миннатдорчилигим беадад. Дўстларим деганда...

Болалигимдан ҳавасимни келтирган бир дугонама ҳақида озгина сўзлаб бермоқчиман. Солиҳа мактабда аъло баҳоларга ўқиди. Ўқувчилик вақтимиздаёқ уларнинг уйидаги шахсий кутубхонасини кўриб ҳавасим келарди. Ўқиган китобларининг



рўйхати ҳам бизникидан анча катта эди. Дугонам ўша мактаб ёшидаёқ онасининг маслаҳати билан алоҳида катта дафтар тутиб, унга ўқиган китобларидан олган таассуротларини, яъни ўз фикрини ёзиб қўярди. Ўқувчи давримизда «Солиҳага китоб бўлса – бўлди!» дердик биримиз ҳавас билан, бошқаларимиз кулиб. Ҳарқалай унга кўпларимиз ҳавас қилиб эргашардик. Менинг ўша вақтларда тутган китоблардан олган иқтибослар дафтарим юқорида айтганимдек, ҳали ҳам бор. Солиҳа айрим қизлар каби тақинчоқлар, янги кўйлақларга кўп ҳам қизиқмас эди. Вақтини бекор ўтказмасди. Дарслардан бўшаган, уй ишларига кўмаклашиб бўлган вақтлари у ё китоб ўқиётган, ё тўғарақларга қатнашаётган бўларди. Эвазига у ичимизда биринчилардан бўлиб олий мактабга имтиҳонсиз қабул қилинди. Чунки Солиҳа мактабни олтин медалга битирганди.

Эндиликда оила кутубхонасидан ўғил-қизлари, набираларигина эмас, жуда кўп кишилар ҳам фойдаланишади. Демак, улар ҳам муттасил бойиб боришади. «Бойиб» деганда, биласизми, нимани назарда тутяпман? Бир донишманд, агар икки одамнинг қўлида биттадан олма бўлиб, улар бир-бирлари билан шу олмани алмашишса, охир-оқибат иккалови ҳам боягидек биттадан олмага эга бўлиб қолаверади, борди-ю биттадан фикр алмашишса, иккаласи ҳам камида икки фикрга эга бўлади, фикриёти бойийди, деган экан. Битта китоб ўқиган киши ундан турфа фикрлар олишини назарга олсак, Солиҳанинг фикриёти китобдан жуда бойиганини англаш қийин эмас.


Ўқувчи давримиздаёқ ҳамма унга талпинарди, ҳамманинг у билан ўртоқ бўлгиси келарди. Катта бўлгач, яхши кимёгар олима бўлиб етишди. Яқинда дугонамни таваллуд куни билан табриклага-



ни бордим. Ҳамкасблари билан суҳбатда бўлдим. Улар Солиҳанинг илмда ва кимё саноатида жорий этилган кашфиётлари, муаллифлик гувоҳномалари кўплигини ғурур билан гапиришди. Дугонам билан фахрландим. Китобларини кўриб ҳаммамиз ҳавас қилдик. Кутубхонаси яна ҳам бойибди.

Улар ичида исломга оид китоблар ҳам кўп экан. Уларни кўриб яна Конфуцийнинг **«элик ёшимда Илоҳий иродасини англаганман»**, деган сўзлари ёдимга тушди. Дугонам суҳбатларимизда ислом динининг авлодлар занжиридаги ўрни, моҳиятининг беқиёслигини, айни пайтда унинг дунёвий илм билан ҳамиша уйғунлигини, бетиним тараққий этишлигини, бу ўсиш инсон камолоти билан боғлиқлигини ғурур билан эътироф этади. Юртбошимизнинг сўзлари эсингиздами: «Дин, шу жумладан, ислом дини ҳам, минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганлигининг ўзиёқ у инсон табиатида чуқур идиз отганлигидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради. Энг аввало, жамият, гуруҳ, алоҳида шахс маънавий ҳаётининг муайян соҳаси бўлган дин умуминсоний ахлоқ меъёрларини ўзига сингдириб олган, уларни жонлантирган, ҳамма учун мажбурий хулқ-атвор қоидаларига айлантирган. Маданиятга катта таъсир кўрсатган. Инсоннинг одамлар билан баҳамжиҳат яшашига кўмаклашган ва кўмаклашмоқда».

Бу гаплар ҳаммамизни аждодларимизнинг улкан маънавий захираларига катта ҳурмат билан қарашга, уларни дадилроқ ишғол этишга чорлайди. Биз айниқса, инсон тарбияси, қалб тарбияси масаласига доим ниҳоятда жиддий ёндашмоғимиз керак. Негаки ўзбек оиласи, ўзбек аёлининг шаклланиш тарихи халқимизнинг кўҳна тарихи билан



уйқашдир. Шарқ аёллари, жумладан, ўзбек аёлининг шаклу шамойили, сийрати, маънавий оламининг шаклланишида, айниқса, Ислом ақидаларининг таъсири беқиёс. Ўтмишда оила бошлиғи бўлган эркакка ҳурмат, шарм-ҳаё, андиша ўзбек аёлининг муҳим хислати саналган. Бундай хислатли аёллар яшаган оилаларда тотувлик, ҳамжиҳатлик вазияти қарор топиб, фарзандлар ажойиб инсонлар бўлиб вояга етишган.

– Ўқиган китобларимизнинг аксарияти инсоннинг ақли, қалби, фикрининг юксалишига, инсоннинг руҳан ўзини ўзи бошқарувига ва тўғри бошқарувига қаратилганидир. Кўнглим кўтарилди, – дейди дугонам. – Бу, биринчи навбатда инсоннинг ўзини англаши ва ўзини тўғри бўлишга тўлиқ сафарбар этиши деганидир. Одамлар бундай комилликка ислом арконларига амал қилиш, иймонли, солиҳ инсон бўлиш билан эришишлари мумкин. Диннинг инсон руҳий мувозанатини сақлашдаги, инсоннинг оқил ва одил, шукрли ва сабрли мақомига эришувидаги ўрни буюклигини англадик.

Солиҳани тинглаб туриб, яшаш, ўсиш, улғайиш, ўқиган, билган, қилган хайрли амаллардан киши юксалишини камроқна англаш инсонни яна бир поғона кўтарадиган неъматлигини ҳис қилдим. Ҳа, китоб кишининг маънан бойиши, назарининг тўқлиги, руҳининг поклигига эришишида биринчи омилдир. Китоблардан олган шу қувватни дунёвий билимларни чуқурроқ эгаллаш истакларимизни кучлантиришга сафарбар этиш асосий йўлимиздир.

Маънавиятимизнинг мағзини тўқ киладиган омил – ўқиш, ўрганиш.

Бир мактубдан иқтибос:

«Киши ўз умри давомида кўп қийинчиликларга дуч келиши мумкин экан. Тўйимдан сал олдин бувижоним: «Она қизим, оила жуда мураккаб нарса. Ўзинг оқила қизсан, кузатганинг бордир, киши йўли ҳамиша ҳам равон бўлавермайди, бу йўлда тошу тупроқлар, баланд-пастликлар ҳам бор. Уларга дуч келганда айрим енгил қизларга ўхшаб ўзингни йўқотиб қўйма. Ақл ва мулоҳаза, сабр ва тоқат, ҳаё ва андиша билан иш тут, онам! Бу фазилатлар кишининг устун фазилатлари. Улар маънисини чақиб, маъзини чайна! Унутма, ҳаёт фақат сенинг ташвишингдан иборат эмас, биргина сени ҳам енгса, ҳаёт тўхтаб қолмайди. Киши кўнглидаги умид учқунининг сўнишига йўл бермаслик керак. Ахир машойихлар:

«Бешинчи кун келур албат, вале тўрт кун оғир ўтар...» деб бекорга айтмаганлар... Бу байт аввалида, қара, бешинчи куннинг келиши муқаррарлигига одам кўнглида умид уйғотилиб, унга етгунча тўрт куннинг оғирлигига албатта чидашинг керак, деб насиҳат қилишяпти... Ўзинг тўғри, ҳалол, покиза, ҳаракатчан бўлсанг, ҳаётда қоқилганинг билан йиқилмайсан, бурнинг ҳам қонамайди. Меҳнатдан, бировга яхшилик илинишдан бандаси ўлмайди, қайтага қаддини ростлайди, иззатини топади. Юк кўтарган ютади деб бежиз айтишмаган, болам. Бешинчи куннинг албатта келишига ишонсанг, яъни яхши кунларнинг келишига умидингни йўқотмасанггина, бошингда қилич ўйнатиб туришгандек кўринаётган бошқа кунларнинг оғирлигига дош бера оласан...», деб гапирганларида аввалига бу сўзларнинг маъносига унча тушунмаган эканман. Тўғри айтган эканлар.



Яхшики, оиламиздаги муҳитга бувим қаттиққи-на туриб, ойим ҳамма болаларни ёшига қараб ишга солган эканлар. Ўрта мактабни тугатиб, аввал лицей, кейин ўзим истаган чет тиллар институтига ўқишга киргунимча таомлар пиширишни, пишириқларнинг анчагина хилини тайёрлашни ўргатишган эди.

Ўқишни тугатиш олдидан ёлғиз ўғилли оилага келин бўлдим. Илгари танимаган бўлсам ҳам, куёв бўлмиш бувимнинг иборалари билан айтганда «сара йигит» экан. Қайнона-қайнота, узатилган уч қайинэгачиларим билан ҳам тез тил топишиб кетдик. Оиламиз иноқлигига кўпларнинг ҳаваси келарди. Аммо бувим айтмоқчи «яхшиликнинг ҳам ўз синови бўлар экан»...

Ўша синов бошимга тушган кунни эсласам, юрагим увишиб кетади, беихтиёр кўзимга ёш келади... Болам ёш бўлгани учун амакимизникига тўйга мен бора олмадим. Тунда тўйдан қайтишга ётганда машинамизни ҳайдовчиси маст бўлган бошқа машина келиб қаттиқ урибди. Қайнонам ҳам, Рустам акам ҳам, адажон ҳам қаттиқ шикастланишибди. «Тез ёрдам» уларни тўғри травматология касалхонасига олиб кетибди. Бир ҳафтадан сўнг бирлари носилкада, бирлари аравачада, бирлари қўлтиқтаёқда уйга қайтишди. Битта ёш болам тўртта бўлгандек бўлди.

– Худога шукр қил, ҳаммалигининг боши омон қолибди. Боланг ҳам соғлом ўсяпти, вақтида овқатини бериб, вақтида ухлатиб, вақтида ўйнатсанг, ўзингни ҳам дилинг яйрайди, чарчоқларинг анча тарқайди. Бу бечораларга эса жуда жабр бўлибди, – дедилар бувим уйимдагиларни кўргани келганларида. – Бу ҳам сенга бир синов, улар парвариши сенинг бўйнингда-да, болам. Қайинэгачиларинг ҳам қараб турмас-у, илло асосий юк – ўзингда... Худо



сенга туганмас сабр, қувват ва энг кераги – меҳр берсин. Ҳали ҳаммаси унут бўлиб кетади, кўрасан...

Институтни тугатган эдим-у, болам ёш бўлгани учун ишга кириб улгурмаган эдим. Врачлар ҳар бирларини уч-тўрт ойсиз оёққа туриша олмайди деб айтишди. Кўнглим жуда чўкиб кетди. Уларни даволаш учун дори-дармонга, озиқ-овқатга жуда кўп маблағ керак эди. Йигирма кунга етмай оиламизнинг унча-мунча жамғармаси тамом бўлди. Беморларга билинтирмасликка ҳаракат қилар эдим-у, аммо бошим қотган эди: энди нима қиламан? Шунда бувим:

– Сийратингни намоён этадиган вақт келибди, она қизим, илоҳо бу синовдан ҳам қадр топиб ўтгин, машойихлар бежиз демаганлар:

*Муҳаббатнинг адабгоҳи кўтармас
қувнамакликни,
Ки шабнамдан очилур гул ва кўз
ёшлардан нигоҳ анда...*

Шундай кунларнинг бирида қўшнимизнинг келини чиқиб, қайнисини уйлантиришаётганини, иложини топа олсам, пишириқларни тайёрлашда ёрдам беришимни илтимос қилди. Керакли масаллиқлар солинган халтанинг тагига пул қистириб қўйди, қайтарсам олмади:

– Рўзғорга яратарсиз...

Шундан сўнг маҳаллада «пишириқларга уста келин» номим чиқиб, кўпларга айтган пишириқларини тайёрлаб берадиган бўлдим. Бора-бора фақат маҳалламиздагиларгина эмас, шаҳарнинг бошқа узоқ туманларидан ҳам телефон орқали буюртма беришадиган бўлишди. Қаердан хабар топишибди, деб мен ҳайрон бўлардим. Маҳалламиздаги



бир-икки иши тушган аёллар ишхоналарига бориб, таърифимни келтиришар экан. Тайёрлаб берадиган пиширикларнинг хили ошиб боргани каби, буюртмачилар ҳам тобора кўпайиб борарди. Айтилган вақтга кўнгилдагидек қилиб бажаришга ҳаракат қилардим. Муаммоларимнинг ечими топилгандек эди. Дори-дармонлар учун, керакли парҳез таомлар учун энди бировлардан қарз олмасдим. Фақат... боламга тўймасдим, уйқум ҳам тунда 3-4 соатгина эди. Кундузлари қайинэгачиларим галма-гал бирлари боламни олиб кетишса, бирлари беморларимга мен пиширган таомларни бериб парвона бўлишарди. Қайнонам ўтирадиган бўлганларида, болагинам уларга қаттиқ ўрганиб қолди. Атак-чечак қилганича улар олдига бориб ачомлар, оёқ-қўлларини силар, кейин «ашула айтинг» деб хархаша қиларди. Ҳар гал беморларимга тушлик овқатларини бераётганимда «ашула»ни мен ҳам ичим илиб эшитардим:

*Дукур-дукур от келди,
Чиқиб қаранг – ким келди?
Рустамимнинг эркаси –
Лобаргинам – ой келди.*

*Ой келди-ю, ой келди,
Юзлари ширмой келди,
Кўзлари шахло-шахло,
Ўзи асал, мой келди...*

Қайнонамнинг менга тикилган кўзларида ёш милтилларди. Энгашиб бағримга босиб, секин қулоқларига «Ҳаммаси яхши бўлади, ойижон!» дердим. «Иншаоллоҳ!» дердилар ҳароратли овоз билан. Қизим галма-гал адаси ва буваси ёнларига бориб



«ой телди, ой телди» деб ачом қилиб юзларидан ўпиб қўярди. Қайнотам ҳам ёшли кўзлари билан пешанасидан ўпиб қўярдилар: «Илоҳо, пешананг кўҳлик бўлсин, ойм қизим!» дердилар.

Шу аҳволда икки ярим ой ўтди. Биринчи бўлиб Рустам акам девор ушлаб ошхонага чиққанлари ҳеч ёдимдан чиқмайди.

– Бу ер ошхона эмас, ҳақиқий кондитер цехи бўлибди-ку! – дедилар суриб берган стулга ўтирар эканлар, столдаги ва айвончадаги салқин ерга қўйилган турли-туман пирог ва тортларга ишора қилиб. – Маҳалла раиси дадамни кўргани чиққанида «Келинингиз маҳалламиз мактабидаги юқори синфларда, лицей ва коллежларда ўқийдиган қизларга пишириқлар тайёрлашни ўргатсин, бир ўзи аёл боши билан учта беморни, болани эплаётганини, қизларни жамоатчилик асосида ўқитаётганини назарга олиб, даромад солиқлардан озод этиб, маҳалла кўмитаси паноҳига оламиз», деб илтимос қилганида ҳайрон бўлгандим. Иш бу ёқда экан-да! Баракалла!

Рустам акамнинг овозлари ҳаяжондан титрар эди... Уларга яқинлашиб, оқара бошлаган бошларидан силамоқчи бўлганимда қўлимни ўпиб, фақат ўзим эшитадиган даражада паст овоз билан:

– Халоскорим! – дея кафтларимни юзларига тутдилар. Кафтим кўз ёшларидан намланиб қолди.

Беихтиёр бувижоним айтган байтлар эсимга тушди. Уларнинг маъносига энди етаётгандекман. Уйқусиз тунлар йиғлаганларим, ҳаммалигини қандай оёққа турғазиб оламан деб куюнганларим, ҳамма-ҳаммаси тезда унут бўлди. Байтда айтилган «бешинчи кун» келганида, беморларимнинг ҳаммалари соғайиб кетишганида унинг севинчидан маст бўлиб, мен «тўрт куннинг оғир»лигини ҳам унутдим. Оиламга, турмуш ўртоғимга муҳаббатим ҳам



кўз ёшларда чиниққанини англадим. Бувим айтмоқчи сийратимни, ўзлигимни шундай топдим.

Ҳозир уйимизга яқин мактабда чет тилидан дарс берапман. Аммо ҳаммамизни ночорликдан олиб чиққан пишириқларни ҳам унутганим йўқ. Маҳалламиздаги қизларнинг ҳаммаси «Қизлар мактаби» деб аталган бу мактабни битириб узатилишяпти.

Мана шунақа гаплар...»

ИНТЕРНЕТ ИНШО

Адабиёт ўқитувчиси дарсни тугатар экан, битирувчи синф ўқувчиларига келаси дарсгача «Меҳнат инсонни улуғлайди» мавзуида иншо ёзиб келишни топширди.

– Болалар, келгуси дарсимизгача уч кун бор. Мавзу ҳаммангизга жуда таниш туюлгани билан, ҳар бирингиз унга ижодий ёндашиб, ўзингизга хос ҳаётий мисоллар билан бойитиб ёзиб келсангиз, бу иншо илк ижодингизнинг яхши намунаси бўлиб қолади.

Ўқувчилар мавзуни кундалик дафтарларига ёзиб олишар экан:

– Албатта ёзиб келамиз, устоз! – деб ваъда беришди.

Уч кун ўтди. Синф сардори ҳамманинг иншосини йиғиб, устозга топширди.

– Иншоларни ўқиб чиққанимдан сўнг келаси дарсда таҳлил қиламиз, – дея устоз янги дарс ўта бошлади.

– Севинчнинг ажи-бужи ёзувини ҳам ўқийсизми? – сўради синф сардори ошкор кесатиқ билан.

– Ҳамма иншоларни албатта диққат билан ўқиб чиқаман, болалар, чунки ҳар бир иншо уни ёзган ўқувчининг қалбини, хуснихати эса характерини намоён этишига ишонаман, – деб уларни тинчлантирди устоз.



Устоз иншоларни сумкасига солар экан, аксарият иншолар компьютерда ёзилиб, принтерда оппоқ қоғозга кўчирилганига, биргина Севинчнинг иншоси дафтар ўртасидан суғуриб олинган икки қўшалок варақларда қўлда ёзилганига эътибор берган эди.

Келаси дарсда устознинг гаплари синфнинг чуқур сукутига сабаб бўлди:

– Болалар, бутун мен фақат Севинчнинг иншосига мазмунига ҳам, бир-икки тиниш белгиларидаги хатосига қарамай, имлосига ҳам аъло баҳо қўйдим. Қолган иншоларни ҳам диққат билан ўқиб чиқдим, аммо уларга баҳо қўйганим йўқ. Олти ўқувчи интернетдан бир иншони, саккиз ўқувчи бошқа иншони, яна беш ўқувчи бироз бошқачароқ иншони айнан кўчирибсизлар. Диққат билан ўқиганимнинг сабаби ҳеч бўлмаса биронта ўқувчи уларнинг бирон жумласини, бирон сўзини ўзгартириб, ўз ҳаётидан қўшдимикин дея умид қилган эдим. Афсус...

– Жуда яхши, чиройли ёзилган иншолар эдида... – синф сардорининг шивирлаб айтган гапи синф сукутида чўкиб кетди.

– Тўғри, жуда чиройли ёзилган иншолар, лекин улар сизники эмас! Бу иншолар қайсидир мактабнинг аълочи ўқувчиларининг иншоси, – деди устоз стол устидаги иншоларни елпигичдек ёйиб кўрсатар экан. – Улар жуда яхши ёзилгани, мавзуни етарлича ёритиб бергани учун ҳам, бошқа ўқувчиларга намуна сифатида интернетга жойлаштирилган. Уларни ўқиган кишиларда янги фикр уйғонади, ҳаваси келиб ўзи ҳам шундай чиройли иншолар ёзгиси келади. Сиз эса уларни ҳеч уялмай, айнан кўчирибсиз, яна тагига ўз фамилиянгишни ёзиб қўйибсиз...

Устоз столлар орасида у ёқдан-бу ёққа аста юрар экан, оғир гапни айтишга қийналаётгандек секин, лекин ҳамма эшитадиган қилиб деди:


– Болалар, бу – ўғрилиқ... Қолаверса, сиз ўз иншойингизга қаҳрамон қилиб ўз яқинларингизни танлабсиз, лекин уларга ҳурматсизлик кўрсатибсиз. Ростини айтсам, сиз ота-онангиз, бува-бувингиз, яқинларингизни ҳақорат қилибсиз. Мен синф раҳбари сифатида ҳаммангизнинг ота-онангизни, бува-бувингизни яхши танийман. Уларнинг аксарияти имзойингизни қўйиб, менга топширган иншойингизда тасвирлаганингиздек касбларда ишлашмаганини ҳам биламан. Рустамнинг ҳақиқий буvasида унинг кўчирма иншосида таърифлаган сохта буvasидаги каби орден ва медаллари йўқ...

Кимдир пиқ этиб кулиб юборди... Устоз эса чуқур хўрсиниб қўйди.

– Аммо Рустамнинг буvasини ажойиб инсон эканликлари учун ҳамма ҳурмат қилади. Бироқ Рустам ўзининг яқин кишисидаги ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлгулик фазилатларни кўра билмагани, уларга ўз эҳтиромини билдирмагани мени бугун жуда ранжитди. Мен бугун сизларга Севинчнинг иншосини ўқиб бермоқчи эдим. Аммо уни ҳар бирингиз алоҳида, чуқур ўйлаб ўқиб чиққанингиз маъқул деган қарорга келдим. Қолаверса, мактаб директори билан маслаҳатлашиб, шаҳар маориф бўлими рухсати билан Севинчнинг иншосини интернетга жойлаштиришга қарор қилдик. Сизларнинг иншойингизни ҳам маорифга топширамыз...

– Битта биз эмас, ҳамма мактабларда ҳам шундай қилишади-ку... – орқадан кимдир норозилик билдирди.

– Тўғри айтяпсиз. Кейинги вақтларда фақат мактаб ўқувчиларигина эмас, лицей ва институт-



ларда ҳам курс ва диплом ишлари, ҳатто илмий ишларни интернетдан шундайлигича кўчириб олиш урф бўлган. Бу ёшларнинг фикрлаш, ижод қилиш, мулоҳаза юритиш, ўзининг мустақил фикрига эга бўлиш, ташаббускорлик салоҳиятларини топтаб ташлаяпти. Мана бугун йигирма иншодан ўн тўққизтаси интернетдан айнан кўчирилганлиги, сиздаги ана шу яхши фазилатларингиз ўликлридан далолатдир.

– Жа унчалик эмасдир, устоз, – эътироз билдирди синф сардори.

– Унчалик бўлмаса эди, иншоларни йиғиштириб олаётганда Севинчнинг «ажид-бужисини ҳам ўқийсизми?» деб сўрашга уялган бўлардинг. – Устознинг кескинроқ гапидан ҳамма огоҳ тортди. – Сизда бор компьютер ва интернет Севинчда ҳам бор. Лекин у меҳнатдан қадр топган онаси ҳақидаги иншога ёлғон ва сохталик аралаштиришни истамаган. У ўқувчиларнинг оддий дафтари варақларига гўё юрагининг тафтини ўтказишни истагандек қўлида ёзибди. Ҳарфлар ҳам синф сардори таърифидек «ажид-бужид» эмас. Жумлалар оддий. Ўқиган кишининг кўз олдига меҳнаткаш, самимий, кишиларга ҳамиша яхшилик илинадиган аёл келади. Ростини айтсам, шу аёлга ҳавасим келди, у билан суҳбатлашгим, мен ҳам унга кўйлақ тиктиргим келди... Маълумоти олий бўлишига қарамай, уйда кексалари бўлгани, ёш болалари борлиги учун Севинчнинг ойиси ҳарна оилага ёрдам деб, уйда иш тикишга мажбур бўлибди. Беш-олти йил ичида беш-ўн нафар қизларни шогирдликка олиб иш ўргатибди. Маҳалла қошида чеварчилик цехини очиб, уни бошқара бошлабди. Шу тариқа элга танилибди, обрў топибди. Севинчнинг иншо-сида онасига меҳри, ҳар ишда унинг ибрати сези-



либ турибди. Севинч онасига ўхшамоқчи эканини фахр билан ёзибди...

– Аъло баҳо олиб ниятига эришибди-ку, яна... – бетоқат шивирлади орқада ўтирган ўқувчи.

– Яна нима демоқчисиз, айтадиган гапни айтдингиз-ку, демоқчисан-да? Мени ранжитган нарса – синфнинг ўн тўққиз боласи бирдек ўз яқинларида ана шу ибратни кўра билмагани, ўз оиласи, ўша яқин кишилари билан ифтихор қилмагани бўлди. Ўз иншоларингизнинг интернетдан кўчирма эмас, ҳақиқий қаҳрамонларига сиз ҳам яхшилаб қаранг! Наҳотки уларда кўнглингизни илтадиган, сизда ва бошқаларда фахр туйғусини уйғотадиган фазилатлар кўра билмадингиз? Ўзга сайёрада эмас, шу муҳитда, шу кишилар орасида ўсиб, шундай «доно» бўлгансиз-ку... Лекин қилган ишингиз ўша бир хил тоифадаги роботга ўхшаш ўзга сайёраликларнинг иши бўлибди. На ўзингизни, на ўзлигингизни намоён этгансиз... Назаримда ўн тўққизта бир хил қолипдан чиққан роботлар синфда мана бундай оёқ-қўлини қимирлатиб, Севинчга ёмон қараш қилиб юргандек туюляпти...

Устоз қатор ораларида роботларнинг юришини кўрсатганида синф ўзини тутолмай кулгидан портлади. Таранг вазият бир оз юмшагандек бўлди. Синф сардори ўрнидан туриб:

– Устоз! Биз кўп нарсани тушуниб етдик. Ҳақиқатда онгимиз тормозланиб қолибди... Мен аввало ўзим, қолаверса синфдошларим номидан Севинчдан кечирим сўрайман! Ва яна синф номидан ваъда берман: келгуси дарсга шу мавзудаги иншони ўзимиз, сиз айтгандек ўзлигимизни кўрсатиб ёзиб келамиз. Бу иншоларни эса, майли, маорифга топшираве-ринг. Ахир шундай қилаётганлар бир биз эмасмиз-ку. Балки маориф вазири интернетдан кўчирилган



иншоларни ўқитувчилар қабул қилмасин деган қарор чиқарар. Фақат яна бир илтимосимиз бор: қайта ёзган иншоларимизни ҳам уларга юборинг, бизнинг хатоимизни англаганимизни, бошқалар ҳам худди биз каби тушуниб етишини улар билишсин. Ваъда берамизми, болалар?

Ҳамма ўқувчилар ўринларидан туриб бараварига:

– Ваъда берамиз! – дейишди.

Устоз улардан мамнун бўлиб, дарсни тугатди:

– Шундай қилиб, интернет иншоларга якун ясаймиз ва келгуси дарсда янги иншолар таҳлилини ўтказамиз.



КЕЛИН БЎЛИШ СИРЛАРИ

*Тилло остона орзуси
Қиз бола – элнинг кўрки
Тангрининг тақдиридан қочиб бўлмас
Сизнинг остонангиз
Сизнинг таширфномангиз
Оддий нарса-ю...
Назокат
Аёл – ўқилмаган китоб
«Сиз»га нима етсин
Сиз – онангиз қайтариғисиз
Ҳавасдан – ҳасадгача
Меники... Сеники...
Бирлари – қуёш, бирлари – ой
Йиғлома қиз, йиғлома...
Кўнда барака, аҳилликда ҳикмат бор
Туркана ўғитлар
Бахтли бўлинг!*



**Йиғлама қиз, йиғлама, тўй сеники, ёр-ёр.
Остонаси тиллодан уй уй сеники, ёр-ёр...**

Халқ термаларидан

Эртага эшигида сурнай хонишини кутаётган қиз борки, тилло остонани орзу қилади. Ойдин бахтли, олтин тахтли бўлишни ким ҳам истамайди, дейсиз?

Келинлик китобини ҳар бир келин ўзи ёзади, деб айтишади. Тўғримикин?

Тўғридир.

Лекин эътироф этиш ҳам керакки, аёллар умрининг ана шу нозик фаслига – келинликка оид кўп китоблар ёзилган, ёзиляпти ва яна кўп ёзилишига шубҳа йўқ. Ҳаёт, бу – ҳаёт ахир! Унинг энг кичкина манзаралари ҳам катта-катта китобларга туганмас мавзу бўлиб келган. Бироқ уларнинг ҳеч бирининг «**алиф**»идан «**ё**»сигача алоҳида олганда бир келиннинг ҳаётига бобма-боб тўғри келади, деб бўлмайди. У ери бўлмаса, бу ерида энг ақлли китоблар ҳам панд бериб қолади. У ҳолда бундай китоблардан нима фойда, дерсиз.

Уларни ёзишдан, кўпчилигингиз қўлингизга етказишга уринишдан мақсад сизни – келинлик остонасида турган қизларни сал сезгир, мулоҳазали бўлишга чақириб холос.


Ҳар гал баловатга етган қизлар билан учрашувларга юрагим титрабгина бораман. Ёшлигимда бў-



либ ўтган шундай ҳайратли ва ҳаяжонли учрашувлар кўз ўнгимга келавради.

«Саодат» журналида янги иш бошлаган кезларим журнал атрофида замондош донишманд аёлларнинг кўплиги мени ёқимли ҳайратга соларди. Адиба ва шоира, олимаю фозила, актрисаю бастакор аёллар тез-тез йиғилишиб туришар, дилдан суҳбатларга бош муҳарриримиз Зулфияхоним биз – ёшларни ҳам чорлардилар. Музайяна Алавия, Саида Зуннуова, Маҳбуба Раҳим қизи, Саодат Шамсиева каби адиба ва журналистлар, Мукаррама Турғунбоева каби санъаткорлар, Ҳалима Муҳитдинова, Зоҳида Жамолова, Асолат Қодирова каби олималар, Ёдгор Насриддинова, Қамара Маҳкамова каби жамоат арбобларининг давраси кўз ўнгимда, овозлари, сўзлари қулоғимда турибди.

Ишдан, адабиётдан, санъату маданиятдан кўчиб суҳбатимиз кўпинча **турмуш, қизлар-келиндар-аёллар, ҳаёт, унинг пасту баланд сўқмоқлари, ёрқин ва хира руҳияти, турфа қарашлар** устида турғун бўлиб қоларди. Биз ёш эдик, уларнинг ҳар бир сўзини жон қулоғимиз билан эшитардик. Кўп кўрганлари, кўп куйганлари учунми, уларнинг ҳар гапида кишининг кўнглини тозартирадиган, умидли яшашга ўргатадиган ҳикмат, маънавий юксакликка ундайдиган ажиб виқор доимо бўртиб турарди. Кишининг томирини тўлғизадиган суҳбатлар бўларди. Ҳар бирлари ўз соҳаларининг баркамол кишилари бўлганлари ҳолда, сўзда, санъатда, илмда кўп юртларни лол қолдирганлари ҳолда, улар ўзимизнинг оддий қиз-аёлларимизни ҳаётнинг, турмушнинг маънавий устунни деб билишар, ўзбек аёлининг қиёси йўқлигини тан олишар, элнинг кўрки бўлган қизлар тарбиясига катта аҳамият беришарди.



Устозларнинг охирати обод бўлсин!

Ажабо, дунё бир айланиб, энди ўзимиз ўша ёшга етибмиз. Умрнинг муайян, лекин катта қисми орқада қолганидан кейин киши ҳаётнинг қадри ва маъносига ета бошларкан. Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу – ҳақиқат. Яна бир ҳақиқатни англаб тургандекман: катта ёшдагилар ёшларнинг руҳи бемаврид ёки бемаҳал синмасин учун ҳам, уларнинг болалигиданоқ ҳаётга, унинг пасту баландига тўғри қарашларини ўрганиб олишларини истайдилар. Ҳаётга тўғри қараган одам умри давомида мураккабликларга дуч келса ҳам, уларни енгиб ўтиши осон бўлади.

Оддийгина «Кишининг бахти ўз қўлида» деган иборани олинг. Жуда кўп эшитгансиз бу иборани. Катталар ўғитига қулоқ солсангиз, инсон ўз бахти учун курашни ўзи билан курашишдан бошлаши кераклигини англайсиз. Ҳа-ҳа, киши ўзини муттасил тарбиялаб бориши, ўзида бахтли бўла билиш малакасини, бахтиёрлик истеъдодини ривожлантириши кераклигини англайсиз! Кейинни кўзлаб ўзингиздаги ғазаб, жаҳолатни вақтида тизгинлай билиш, атрофингиздагиларни бахтсиз қилмасликка уриниш ҳам – шу малака, шу истеъдод қирралари. Буларни айниқса ёшлигимиздан ўзимизга сингдириб олишимиз керак. Бунинг учун айнан шу даврда қиз боланинг кўзига мумкин қадар кўпроқ атроф-муҳитни кўрсатиб, қулоғига кўпроқ нарса қуйиш керак экан. Бу вазифани бажариш оналар, бувилар, устозлар, умуман – катта ёшдаги кишилар зиммасидадир.

Гарчи келинлик ҳақидаги сабоқ-суҳбатларни олиб бориш «қарилик гаштини сураётган», умрининг катта қисми ортда қолган даврга тўғри келган бўлса ҳам, сиз билан суҳбатга юрагим титрабгина



киришдим. Сизнинг қулоғингизга бугун ва кейин қуймоқчи бўлган гапларнинг ҳаммаси меникимикин? Айтилаётган гапларнинг аксарияти юқорида айтганимдек, катталардан жон қулоғим билан эшитганларим, бир умр кўнглим мулки бўлиб Олам ва Одамга қарашларимни, инсон бахти ҳақидаги тушунчамни белгилаган ҳикмат-насиҳатлар бўлса ажаб эмас.


Буни биргаликда муҳокама ва мулоҳаза этамиз. Биргаликда орзуйингиз – остонаси тиллодан уйингиз томон одимлаймиз.

Ҳаёт кечириш – тайёр рецепт билан бирон таом пишириш эмас, албатта. Хойнаҳой, ҳозир хаёлингиздан «Аниқ битта рецепт билан ўн киши тайёрлаган ўнта пишириқ ҳам ўн хил чиқади-ку!» фикри ўтгандир-а? Тўғри фикрляяпсиз. Чунки ҳар кимнинг қўли, кўзи, онги, меҳри, руҳияти ҳар хил бўлади! Ҳар бири-мизни Яратган турлук-турлук қилиб яратган!

Келинлик ҳақидаги сабоқлар ҳам сизнинг янги ҳаётингизни аниқ кўрсатиб беради, демоқчи эмасмиз. Сиз уларни ўқинг, мушоҳада қилинг. Излаганингиз – тўғри йўлни эса юрагингиз, онгингиз кўрсатади.

Яратгувчи ҳар бир инсонни бир-бирига ўхшамайдиган қилиб яратгани каби, қизлар ҳам келинлик, оила, аёллик, оналик ролини фақат ўзларига атаб яратилган, пешаналарига битилган *сценарийга* кўра ўйнайдилар.

Оилада янги тушган келинларга дастлаб кичик-кичик роллар ажратилади. Уларга аввал оила, рўзгор юритишнинг *умумий саҳна кўринишлари*да иштирок этиш ўргатилади. Моҳир артистлар кичкина ролни ҳам маҳорат билан ўйнаб, етакчи роллар даражасига кўтарганларидек, чиндан ўз бахтини топиб, шу уйда *«туб қўйиб, палак отиш»*



ни истаган келинлар ўзларига ажратилган шу кичкина ролларни очиққўнгиллик, дил равшанлиги, энг асосийси – самимият ва яхши мақсадни кўзлаб ўйнайдилар ва шу оиланинг тенг аъзоси даражасига кўтарилла оладилар. Бундайларнинг оддий остонаси ҳам тилло бўлиб туюлади.

Келинлик даврини фақат ясан-тусан давридир деб билганлар бундан мустасно, албатта.

Аслини олганда келинлик – оиланинг энг кичик роли. Бу ролга айрим қизларимиз кўп эътибор беришмаганидан афсусдамиз. Ҳолбуки, умрнинг ҳеч бир дамига безътибор бўлинмаганидек, келинлик даврини ҳам умрнинг бундан кейинги катта қисмининг пойдевори деб билиш керак. Пойдеворга жуда катта аҳамият берилиши зарурлигини ҳозир айтиб ўтиришнинг мавриди эмас, албатта. Лекин сиз эртага остонасидан қадам қўйиб ўтадиган оилада келин, аёлнинг ўрни буюклигини эътироф этмай иложимиз йўқ.

Бу воқеага кўп йиллар бўлди. Аммо шу воқеа томиримизга киритган илиқлик ва тиниқлик ҳали ҳам руҳимизга қувват бериб туради.

Катта келинимизни тушираётганимизда, яхши ниятлар билан чарм муқовали катта дафтарнинг биринчи саҳифасига «ОИЛАНОМА» деб ёздириб, янги келинга совға қилар эканмиз:

– Бугундан эътиборан шу дафтар оилангизнинг энг ёруғ кунлари хотираси ёзиб қўйиладиган кундалик вазифасини ўтасин! Илоҳим ёруғ кунларингиз кўп бўлсин! – деб истак билдирдик.

Келин боламиз шу дафтарни уйидагиларга ҳам кўрсатган экан, дадалари – қудамиз, таниқли олим, академик Наби Мажидов (Охиратлари обод бўлсин!) қизларига бир оз насиҳат қилиб, сўнг дафтар саҳифасига бир ривоят битиб берибдилар:



«Тангри таоло Одам Ато ва Момо Ҳавони яратиб, уларга фазилат улашаётганда Одам Атога куч-қудрат, уддабуронлик, тадбиркорлик, шафқатлилиқ бериб, Момо Ҳавога биргина калит берган экан. Шунда Момо Ҳаво дилида исён кўтарилибди:

– Нега Одамга кўп фазилат берилди-ю, менга эса фақат биргина калит!?

– Одамни сизга қўриқчи, сиз суюнадиган тоғ қилиб яратдик! – деган жавоб бўлибди. – Одам – сизга ризқ келтириб бергувчи, сизни ҳимоя қилгувчи қалқондир. Сиз эса унинг тоғганини баракотли қилиб, унинг кўнглини олиб, шу калит билан бахт, осойишталик, файзу баракотли хонадон эшигини очиб ўтирасиз. Файзу барака сочилмасин учун қулфини қўлда маҳкам тутасиз...»

Демак, бугунги учрашувимизда ва кейинги суҳбатларимизда айнан қизларнинг, келин-аёлларнинг оиладаги ўрни хусусида сўзлашамиз.

Бизнингча, балоғатга етган қизнинг, эртага **келин – хотин – она – хонадон соҳибаси** бўладиган қизнинг етакчи фазилати мулоҳазакорлик бўлиши керак.

Инсон учун фикр юритиш – кўзгуга қараш билан баробар – унда ақли бор киши ўзининг яхши ва ёмон томонларини кўриши мумкин. Ақлини ишлатган одам ўз тақдирининг ёмон томонга бурилиб кетишидан асраб қола олади, оддий остонасини тиллога айлантиради. Бу гапни фозил кишилардан эшитгандик!

Келинлик остонасида турганлар айниқса «Оила нима?», «Эр ким?» саволини ўзларига кўп беришлари, ота-она қадри, жигарларнинг ўрни, оилада ўз ўрни ва ўзлиги ҳақида кўп мулоҳаза юритишлари керак. Мулоҳазакорлик билан улар ўзларида қай-



тарилиши мумкин бўлган «Нега Одамга шунча нарса, менга эса фақат калит?!» каби Момо Ҳаво исённинг олдини олиб қоладилар. Остоналарининг тилло зарини кўчирмайдилар.

Шуни эсдан чиқармангки, айниқса, келинлик даврида исёнкорлик кўнглингизга тез-тез меҳмон бўлиб, унда тез илдиз отадиган туйғуларнинг бирига айланиб қолади. Унинг оқибатида ўзингизга тикмоқчи бўлган кўйлагингизни кўшнига, бошқаларга қараб бича бошлайсиз. Бировнинг кийими бошқага тўғри келмаслигини унутасиз. Бунга йўл кўйдингизми, кейин келадигани маълум:

– Нега фалончида бор, менда йўқ?

– Нега фалончининг эри топармон, меники эса...

– Нега фалончи тунги клубда ялло қилиб юради, мен эса йўқ?

Ва ҳоказо...


Ва ҳоказо...

Оқибат икки оила бошида пайдо бўлган бу можаро географияси тобора кенгая боради. Аввал бу можаро яқин қариндошлар ўртасида муҳокама этилса, кейин маҳаллага чиқади... Кўпинча эслик-хушлик қиз бу саволларни дилига асло яқинлаштирамайди, тилига эса чиқармайди.

Келинлик ҳақидаги сабоқ-суҳбатларда шунга йўл кўймасликнинг айрим қирралари ҳақида суҳбатлашамиз. Келинлик остонасидан ўтаётган қизлар, яъни сизлар ўз иродангиз, ўз ақлингиз, ўз муҳаббатингизга ишонсангиз, фикрингиз тиниқ бўлса бўлди. Демак, сиз ҳам бахтингизни маҳкам ушлай оласиз.

Илоҳо, шундай бўлсин! Сабоқ-суҳбатлар сўнгида келинлик остонасида турган қизларимизни дуо қилинг, деб илтимос қилишганди. Шунга кўра:

Дуо: *Илоҳо, қалбингиз меҳрли, кўзингиз нурли, ниятларингиз хайрли бўлиб, чин уйим деб босган янги уйингиз остонаси тиллодан бўлсин! Омин!*



«Қиз бола – элнинг кўрки» деган гапни сиз ҳам, албатта, кўп эшитгансиз. Балки маъносига етишга ҳам кўп урингандирсиз.

Қадим-қадимдан шарқ оилаларида қизлар тарбиясига алоҳида аҳамият бериб келинади. Қизларимиз ҳам **қизлик – аёллик – оналик** даврларида ўз зиммаларига уй тутишдек қутлуғ иш юклатилганини англаб, ёшлиқданоқ эплик бўлиш тадоригини кўриб келадилар. Болаликда қўғирчоқ ўйнаганингиз, унинг юз-қўлини ювиб, сочини тараганингиз, яъни уни ораста бўлишига интилиб, жажжи идишчаларда вақтида унга таом беришга уринганингиз, ойингизга ҳар ишда қарашишга интилиб, атрофларида гилдилаб юрганингиз – шу тадорик ибтидоси. «Хола-хола», «Меҳмон-меҳмон» ўйинлари эсингиздами? Аслида бу сизнинг дастурхон безаш, меҳмон кутиш, муомала, мулозатни ўрганиш йўлидаги биринчи сабоқларингиз эмасмиди? Йиллар ўтгани сайин бу сабоқлар тобора жиддий тус олиб, мураккаблашиб борди-а.

Ҳозир қай бирингиздан «Қандай курс ёки тўғарақларга боргансиз?» деб сўрасак, ҳар бирингиз бундай курсларнинг камида уч-тўрт хилини тилга олишингиз турган гап.

Мактабнинг бошланғич қисмини тугатишингиз билан ойингиз сизларни бичиш-тикиш, тўқиш, каштачилик тўғарақларига олиб борганлар. Бармоқлар «игна ушлашни билиши», қўлингиз сал «келиб қолиши» биланоқ, сизни яна «Буларни ҳам ўрганиб ол!» дея пазандачилик, ҳар хил пишириқлар курсларида ўқитишган. Тўғрими? Ҳа, баракалла. Илоҳим, ҳамма билганларингиз ўзингизга бир умр қувват бўлсин, обрўйингизга файз ва барака олиб келсин.



Ҳозирги энг «замонавий» курслар – оила иқтисодиёти, назокат сири, рўзгор юритиш, дизайн курсларидан, ҳатто бошланғич тиббиёт сабоқлари, соч турмаги ва маникюр-педикюр каби курсларидан ҳам қуруқ қолмагансиз. Ойингиз сизнинг ўрганган ва билганларингизни юзага олиб чиқадиغان, ўзингизнинг кимлигингизни кўрсатадиган давр – келинлик остонасида турганингизни билганлар. Эрта-индин, «бошингизга тушганда» булар сизга асқатади.

Ўрганиш учун киши ёшининг аҳамияти йўқлигини унутманг. Кўпроқ билишга интилангиз бас. Бундай интилиши бор киши билмаганини ўрганишга вақт ҳам, имкон ҳам албатта топади. Янги оилангиздаги кишилар ҳам сизнинг билишга интилишингиздан севинишади, сизга рағбат беришади. Чунки улар ҳам сизнинг «элнинг кўрки» бўлиб юришингизни исташади. Ўзи лобар, тили дилбар, назокатли, уйига меҳмон келса, минг турли ноз-неъмат билан, жонини фидо қилиб кутиб оладиган келинни ким ҳам хоҳламайди дейсиз? Келинининг турмушида, болалари тарбиясида асқатади деб, ўзлари турли курслар қидириб юрадиган қайноналар ҳам кўп. Бўлажак қайнонангиз шундай қилса, у кишига парвона бўлинг, энг яқин кишингиз деб билинг.

Эътибор берган бўлсангиз, бутун дунё сизга ёрдам беришга, сизнинг элнинг кўрки бўлиб ўсишингизга пойдевор бўлаётганга ўхшайди. Мактабдаги «Одобнома»лардан ташқари, турли-туман тўғарақлар, ҳар маҳалла гузари қошида эса сизнинг имкон қадар кўп нарсани билишингиз, ҳар ишда уқувли бўлишингиз учун пулсиз бичиш-тикиш ва пазандачилик курслари очилган.

Балки орангизда «Буларнинг ҳаммасини билиш менга зарурми?» деб ўйлайдиганлар ҳам топилиб



қолар. Бадавлат жойга тушдим, хонадонимда уч-тўрт хизматкор бор деб, ўзингизни асосий вазифа – уй тутишдан четга олсангиз, келажакнингиз ҳам, бахтингиз ҳам қил устида деяверинг.

Тўйгача бўлган уч-тўрт ойлик учрашувлар фасли ва тўйнинг кўтаринки руҳиятини катта ёшдаги аёллар «поэзия» даври деб атайдилар. Тўйдан кейин эса айтишларича «проза» бошланармиш.


Бу ўхшатиш нечоғлик тўғрилигини билмадиму, аммо айрим насрий асарларни қўлдан қўймай ўқиладиган даражада зўр ёзилишига ишончим комил бўлгани учун ҳам, тўйдан кейинги ҳаётимизни қандай ўтказиш – кўнгилини кўкларга кўтарадиган руҳдами ёки бир хил ва зерикарлими – бу кўп, жуда кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ, деб ўйлайман. Ҳаётимизнинг чиройли ёки хунук кечиши, борингки, бахтли ёки бахтсиз бўлишимиз ҳам кўп жиҳатдан бизнинг қанча кўп билишимизга, уқувимизга, эплигимизга, ҳаётдан нима излаб, нималарга интилаётганимизга боғлиқ.

«Ҳикмат излаганга – ҳикматдир дунё», деб бежиз айтишмаган.

Яхши уй бекаси бўлиш, уқув билан уй тутиш қутлуғ вазифа. Шунингизни уйдасангиз, билингки, сиз жамиятнинг олди кишисисиз?

«Мен бир оила келиниман холос, менинг жамиятга қандай алоқам бор?» деб ҳайрон бўлаётгандирсиз. Чуқурроқ ўйлаб кўринг-чи.

Бугун ақлли, эсли-ҳушли қиз деган ном олиб, эртага лобар келин, дилбар аёл, меҳрибон она «мартаба»сига эришсангиз – билингки сиз баркамол жамият учун курашаётганларнинг энг пешқадамисиз. Бугун озода, саранжом-сариншта бўлиб, соғлигингизга қараб юрсангиз – эртага сиз келажакнинг соғлом авлодини таъминлагувчи кишисиз.



Яхши фарзандларни тарбиялаш, жамиятга олижаноб кишиларни етказиб бериш ҳам аслида келинлик фаслидан бошланади. Келажақда эрингиз – оила бошлиғи топармон бўлиши, оғзингиздан чиққанини муҳайё қилиши мумкин. Аммо унинг муҳайё қилганини билиб-билиб ишлатмасангиз, юзага олиб чиқмасангиз, ёнига қўшмасангиз, эртага кексалар айтгандек «Ётиб еганга – тоғ ҳам чидамас» лигига ўзингиз ҳам амин бўласиз. Эрининг топганига файзу баракани уйдаги аёли бағишлайди. «Қилич тутган саркардадан, игна ушлаган аёл афзал!», деб бекорга айтилмаган.

Пул топиб, уйига ризқ-рўз йиғиб келишдан ортиқ бойлигига яна бойлик қўшиш илнжиде юрган эркаклар ана шу яхши ниятларига эришишлари учун доим ёнларида энг садоқатли, ақли, идрокли, заковатли, фаросатли, иродали, жасоратли, меҳрли, ҳалол, покиза ва шунга ўхшаш кўп-кўп фазилатларга эга аёлнинг доимий ҳамроҳ бўлишини орзу қилишлари табиий. Аёлларни оиланинг устунни, яхшиликка илҳомлантирувчи хилқат, деб қарайдиган бўлсак, «Эрни эр қилиш», уй тутишни уддалаш, атрофдагиларга нур таратиб туриш учун ҳам юқорида санаб ўтилган фазилатлар сизга ортиқ даражада керак. Илм ва одоб тенги йўқ хазина деб элимиз бекорга урғу бермаган. Оиласида ақли, фаросатли, ҳалол, покизалик билан донг таратган аёлнинг бойлиги ортиши билан бирга қадру қиммати ҳам ортиб боради. Бу фазилатлар ёшликда «Элнинг кўрки» сифатини олишга муваффақ бўлган, илм ўрганган, тарбия кўрган, яхши ниятли, фидойи аёлларга юқади. Бундай аёллар умр бўйи яна ўқиб-ўрганиш билан камини тўлдириб бораверадилар, ҳеч қачон тинмайдилар. Бундайларнинг чиройи тобора очилиб, файз кириб, кўзлари нур-



ли бўла боргани каби, қадамлари етган ер гулзорга айланаверади.

Суҳбат охирида илтимосингизга кўра, яхши одамлардан эшитганим бир

Дуо: *Борган ерингизда ҳар бирингиз ҳам бахтли, тожу тахтли бўлинг! Тебратганингиз бешик, кўрганингиз бир эшик бўлсин! Бир оиланинг беназир бекаси, кўпнинг тўрға ўтар ўктам эркаси бўлинг! Омин, Аллоҳу Акбар!*

ТАНГРИНИНГ ТАҚДИРИДАН ҚОЧИБ БЎЛМАС

Ота-она уйида «меҳмон»лик муддати тугаб бо-раётганини ҳар куни юрагингиз увишибгина сезяпсиз. Тўғрими? Йигирманчи, айримларингиз йигирма биринчи, йигирма иккинчи баҳорингизда «Пешанангизга битилганини», яъни «Тақдир кишингизни» танлаб бўлдингиз. У кишини аввал ота-онангиз танлашди. Кейин ҳар томонлама мулоҳазаларини сизга етказишди. Ойингиз, опангиз, келинойингиз билан қилинган суҳбатлар эсингиздами? Улар куёвнинг оиласи, ота-онаси, ака ва укаси, уй-жойи ҳақида, куёвнинг ўзлари пайқаган айрим фазилатлари ҳақида гапириб беришди. Аммо ҳеч бирлари «Фақат шу йигитга турмушга чиқасан, вассалом!» деб туриб олишгани йўқ. Тўғрими? Ўзингизга ҳавола қилишди. Агар билсангиз, бу ҳам миллатимиз ички маданияти юксаклигининг тимсоли. Бизда қизларни, уларнинг эркини жуда ҳурмат қилишади.

Бир қарорга келгунингизча неча-неча тунларни юлдуз санаб ўтказдингиз.

Келажагингизни лоақал тасаввурда ҳам кўра олаяпсиз-а? Ўйлаяпсиз... Ўйлаяпсиз... Ўйламай

иложи борми? Чунки турмушни сиз қиласиз. Чунки сиз яшайсиз кўплашиб танланган куёв билан...

Аксарияти энди сизнинг ҳаётга нечоғлик тайёригингизга, феълингизга, одобингиз, олган тарбиянгиз, уқувингизга, иродангизга, оила тутиш сирларини эгаллашга қанчалик уринганлигингизга ва сиз билан суҳбатлашувчиларга ишонишингизга, уларга ҳурматингизга боғлиқ.

*Заргар қилган занжирни узиб бўлмас ёр-ёр,
Аллоҳ битган тақдирни бузиб бўлмас ёр-ёр...*

Тўйингиз оқшомида жаранглайдиган бу сўзлар сизга бир умр қувват бўлсин, қизларжон!

*Эй, Навоий, қочмоқ ўлмас,
Тангрининг тақдиридан...*

Буюк Навоий айтмоқчи «Тангрининг тақдиридан қочиб бўлмас»лиги руҳингизга мадад берсин, она қизларим!

Ана шу мадад ва қувватни яхши ҳис қилиш учун бугун яхшилаб ўйланг. Тўйдан сўнг кўп нарсага кўз юмишга тўғри келгани сабабли ҳам, тўйдан олдин ҳамма нарсага кўзни катта очиб қараш керак, деган гапни сиз ҳам кўп марта эшитган бўлсангиз керак. Янги уйингиздаги ҳаётингизнинг ҳар сонияси ана шу ўйлаганингиз оқибати қабул қилган қарорингиз амалига имтиҳондир. Қарорида муқим бўлган одам амалда ҳам муқимдир.

Иррадали, мулоҳазали келин сифатини олиш учун ҳар қадамингизни ўйлаб босишингизга тўғри келади. Шунинг учун ҳар сўз, ҳар иш, ҳар фикрингизни изҳор этишдан аввал яхшилаб ўйлаб олиш керак. Кейин эса ҳар сўз, ҳар иш, ҳар фикрингизда муқим



бўлинг. Фикрингизни тез-тез ўзгартираверманг. Хато қилганингизни англаган бўлсангиз, яхшиси секингина қайнонанингизга айтиб кўринг. Яхши оналар ўз уйларидаги сирни кўчага олиб чиқмаслик чорасини кўрадилар. Сизнинг уларга бўлган ишончингиз уларни сизга сирдош қилади.

Ким нима деса, ўшанга оғиб кетаверманг. Чунки тил, фикр бошқаларники, турмуш савдоси эса – сизнинг бошингизда. Ҳар нарса ҳақида ўз қарашингиз бўлгани яхши, албатта. Аммо бу қарашни бўлар-бўлмасга «кўз-кўз» қилавериш яхши эмас.

Ҳаммага сир айтаверманг. Ёшларнинг катталарга ақл ўргатавериши ҳам хунук кўринади.

Янги уйингиздагиларга (энди бу сизнинг ҳам чин уйингиз) энг аввало қайнона-қайнотангиз, куёвингиз, қайин ака-укалар, опа-сингилларга ишонинг.

Аввало, жуфтингиз олдида, ўз оилангизда қадр топсангизгина бошқалар олдида ҳам қадр топингизни унутманг. «Элга суюкли бўлиш учун аввало эрга суюкли бўлиш керак», деган гапни дилингиздан чиқарманг.

Айрим вақтлар бу уй аъзолари ва эрингизнинг кўнглини олиш, уларга хуш ёқадиган ишни қилиш учун ўз кўнглингизни, ўз раъйингизни вақтинча унутишга, қарашларингиздан бир оз чекинишга тўғри келади. Бундан келадиган ютуқ – бахтибекамликдир. Вақтида бир гапдан қола билган аёллар ўз уйларининг маликасига айланганларига мисоллар жуда кўп. Юк кўтарган ютади, деб бежиз айтишмаган.

Ҳа, она қизларим, Тангрининг тақдиридан осонликча кечиб бўлмайди. «Эрдан кечмоқлик – жондан кечмоқлик» лигини унутманг.

Момоларимизнинг айтишларича, ҳар бир аёлинг бошида уч ўлим бор эмиш. Бири унинг таби-

ий ўлими, яъни вақти қазоси келиб, ажали етганда-
ги ўлими экан. Иккинчисига аёл ўз ихтиёри билан
бир неча бор рўбарў келармиш. Тўлғоқ дардларини,
маълумки, аёллар бир неча бор бошларидан кечи-
радилар. Ҳар гал, ўхшатиш жоиз бўлса, ажал билан
юзма-юз турадилар. Чақалоқнинг ингаси аслида
аёл матонатига мадҳиядир дегувчилар ҳақ.

Эрдан ажраш номуси шу даража кучли эканки,
уни аёлнинг учинчи ўлими билан тенглаштиради-
лар. Бунда турмушнинг икир-чикирларига, кичик
синовларга дош бера олмай ёки оилада тенг ҳуқуқ-
лилиқ даъвоси ўлароқ «Характеримиз тўғри келма-
ди», «Юлдузимиз бир-бирига мос эмас экан», деб
оила бузилиши назарда тутиляпти, албатта. Аф-
суски, бунга мисолларни ўзингиз ҳам кўплаб кел-
тиришингиз мумкин. Айрим келин-куёвлар никоҳ
кийимларининг оҳори тўкилиб улгурмай, ажралиш
ҳақида ариза кўтариб юрибдилар.

Қадим-қадимдан халқимизда «Бир оғирга – бир
енгил», «Бир яхшига – бир ёмон» деган гаплар бор.
Дунёда нечта одам бўлса, шунча феъл-атвор бўла-
ди. Кишиларнинг ҳамиша мижози бир-бирига
тўғри келиши қийин. Биров «пов-в» этиб ёнса, би-
ровнинг кўзида битта учқун ёқиш қиёматдан қи-
йин дейишади.

Одамга феъл, мижоз, «оғирлик» ва «енгилик»
туғма берилгани билан, улар доимий ва ўзгар-
мас экан деб ўйлаш нотўғри. Одам – тирик жон
ахир! Унинг ёши улғайиши, оила ва иш шароити,
таълим-тарбия таъсири натижасида инсон руҳи-
ятида ҳам турфа ўзгаришлар рўй беради. Демок-
чимизки, эр-хотиннинг юлдузи бир-бирига мос
келмаган, турли характердаги ва турли мижозда-
ги одамлар бўлишига қарамай, ният яхши, мақсад
тўғри бўлса, юлдузларни бир-бирига мослаб, муро-




саи мадора қилиб келишиб, муносабатни мослаб бориш керак.

Одамий яшаш, одамий ният қилиш, шу ниятларнинг амалга ошишида одамий ҳаракат қилиш керак деганимизда, инсоннинг ўз ҳиссий ва ақлий туйғуларни бошқаришга қодирлиги, зарур ерда бу туйғуларга муайян йўналиш бера олишини назарда тутяпмиз. Баркамол кишиларнинг бунга қодирлигига фозил одамлар қадимдан урғу бериб келганлар.

Қизлар, келинлар, аёл-оналар ҳақида гап кетганида кўпинча уларга оиланинг маънавий муҳитини яратувчилар, бу муҳитни яхшилик ва умидлик пардасида сақлаб турувчилар деб баҳо берилишини унутмасангиз бўлгани. Бизнинг ўзлимизни ифода этувчи асосий фазилатлар – келишувчанлик, кечирувчанлик, фидойилиқдир.

Аёл зоти табиатан моҳир руҳшунос. Аёллар ўз ҳиссий ва ақлий туйғуларини бошқара олишга, юраккиналариغا керакли йўналиш бера олишга қодирдирлар. Бежиз бизга «Сув келса симириб, тош келса кемириб кетишади», дея нисбат берилмаган.

Юлдуз юлдузга чап бўлиб турган вақтларда моларимиз ҳамиша оила масъулияти юкини кўпроқ аёллар уҳдасига ортадилар. «Ақл билан иш қилинг! Бир гапдан қолинг!» деб ўргатадилар. Ақл ва виждон жиловини қўлида маҳкам тутган аёл ҳам, эр ҳам асосий мақсадни аниқ белгилаб олиши мумкин бўлади. Бирга турмуш қуриб, бирга яшашдан мақсад – оилани муқаддас билиб, болалар боши узра ёвду сочиб турган Қуёш – отани, Ой – онани асраб қолиш бўлса, демак, аввало икки томон, қолаверса, асосан аёллар кўпроқ юлдузни юлдузга мослаштиришга уринишлари, келишишга ҳаракат қилишлари лозим. Инсон ўз жуфти ҳалолининг юлдузини кўзлаб, юлдузларни бир-бирига мослаб юришга



интилиши билан ҳам табиатнинг бошқа мавжудотларидан фарқ қилишини доим эсда тутинг. Шунга эришилгандагина «Тангрининг тақдиридан қочиб», «Аллоҳ битган тақдирни бузиб» бўлмайди.

Қизлар доим ёрқин муҳаббатга ташна бўладилар. Ёрқин, энг садоқатли муҳаббатнинг бирдан келиши кам учрайдиган ҳолат. Бундай муҳаббат умрини чақмоқ умри билан қиёс қилишади. Бир-биридан яхшилик излаб, бир-бирининг яхшилигини ошириб, йиллар давомида бир-бирининг кўнглини овлаш эвазига эришилган муҳаббатнинг умри узун, меваси шириндир.

Дуо: *Илоҳо, Аллоҳ ҳар бирингизнинг пешанангизни кўҳлик қилиб, ёрқин тақдирни манзуга битган бўлсин. Танлаганингиз сизга меҳр-муҳаббатли бўлиб, юлдузингиз ҳамиша бир-бирингизга иссиқ кўринсин! Бахт юлдузингиз ҳамиша чарақлаб турсин! Омин, Аллоҳу Акбар!*

СИЗНИНГ ОСТОНАНГИЗ

Бугун сизлар билан остона ҳақида сўзлашишни ҳаёлимдан ўтказганимдан бери хотирамга бир вақтлар бувимдан эшитган бир ривоят келаверди.

Қадим замонларда бир мусофир йигит кўҳна кентда ов қилиб, ўтин териб тирикчилик қилар экан. Кунларнинг бирида у уйланибди. Кўп вақт ўтар-ўтмас унинг уйланганини эшитган отаси ҳол-аҳволдан хабар олиш учун бошқа узоқ кентдан туя миниб келибди. Сўраб-суриштириб ўғлининг уйини топиб, дарвозасини қоқибди.

Эшикни очган аёл мўйсафидга салом берибди. Аёл қайнотасини ҳали кўрмагани учун келган кишининг қайнотаси эканини билмабди. Ўғлининг уйда йўқлигини эшитган ота уйга кирмабди. Шу ерда турибоқ ҳол-аҳвол сўрабди:



– Рўзғорингиз бутми, ҳаётингиз яхшими, болам?
– Аҳволимиз анча ночор. Рўзғорда ҳеч вақо йўқ.
Овқат қилай десам, гўшт ҳам йўқ...
– Майли, уй эгасига салом денг.
– Ким келди деб айтай?
– Кимлигимни ўзи билиб олади. Овдан қайтганида, унга: «Бир мўйсафид келди, ўғлим остонасини алмаштирсин!» деб тайинлаб кетди, десангиз бўлгани.

Мўйсафид шундай деб йўлга отланди. Аёл эса ҳеч нарсани англамай, остонасига тикилганича қолаверибди.

Эри қайтгач, хотини унга бўлган воқеани ва чол тайинлаб кетган гапни айтибди.

– Остонанинг нимасини алмаштирамиз, бинойи турибди-ку, – дебди хотин ҳайратини яширмай.

Йигит ўйланиб қолибди. Эртаси куни у хотинининг жавобини бериб, кўп ўтмай бошқа аёлга уйланибди.

Орадан анча вақт ўтибди. Ўша мўйсафид бир куни яна шу эшикни тақиллатибди.

Аммо бу гал эшикни бошқа аёл очибди.

– Ассалому алайкум! – дебди у тавозе билан чолга. Чол алик олгач, аёл мулойим дебди:

– Уйга марҳамат қилинг, отахон! Узоқ йўл босиб келаётган экансиз. Тезда хошам ҳам қайтиб қоладилар.

Чол мамнуният билан мўйлабини силаб қўйибди, аммо бу келини ҳам уни ҳали таниб улгурмагани учун ўғлиники бўлса ҳам, эркаги йўқ уйга кирмабди.

– Тирикчилигингиз қандай ўтяпти, қизим? – сўрабди чол.

– Аллоҳга шукрлар бўлсин, ўзи берган ризқимизни териб юрибмиз. Юрт қаторимиз, – дебди келин.

Аёл тезда уйга кириб, косани тўладириб сув олиб чиқиб, мўйсафиднинг чанқоғини қондирибди,



маҳси-кавушларини артиб қўйибди. Эри келганида албатта келиб меҳмон бўлишини тайинлабди.

– Йўлингиз анча олисга ўжшайди, отахон, – деб сочиққа нон ўраб берибди.

Чол уни узоқ дуо қилибди.

– Кимлигингизни, қайси қавмдан эканлигингизни айтинг, отахон. Ҳали замон хошам келиб қоладилар. Фалончи ота келдилар, сиз йўқ бўлганингиз учун уйга кирмадилар. Дуо қилдилар, деб айтаман.

– Барака топ, қизим. Эринг келганида айт, остонасини маҳкам ушласин. Шу гапни айтсанг, кимлигимни ўзи билади, – дебди ва йўлга равона бўлибди.

Ов қилиб, йўлакай ўтин териб келган эрини аёл очиқ чеҳра билан кутиб олибди. Йигит чангини қоқиб, қўлини ювгач, олдига чой билан бир бурда нон қўйибди. Сўнгра унинг ёнига ўтириб, кундузи бир мўйсафид эшик қоқиб келганини, аммо уйда эркак киши бўлмагани сабабли ичкари кирмаганини айтибди. Аёл бу нуроний чолга раҳми келиб, уйда бор нонни – икковининг насибасини бериб юборганини узр билан айтибди.

Қўлидаги қотган нонини сувга ботирар экан, йигит сўрабди:

– Мўйсафид қайси қавмдан эканини айтмади-ми?

Шунда аёл чолнинг тайинлаб кетган ғалати гапини айтибди:

– «Эрингизга айтинг, остонасини энди топибди, уни маҳкам ушласин!» деб тайинлади. Шу гапни айтсам, сиз у кишининг кимлигини билар эмишсиз... У кишини танийсизми?

– Эшигимизга келган мўйсафид – отам! Сенинг муомалангдан у киши жуда мамнун бўлибдилар. «Остонасини энди топибди, уни маҳкам ушласин!»



дейишлари билан оиламни мустаҳкамлашни буюрибдилар, – тушунтирибди йигит.

Бу ривоятни эслаганимнинг боиси, шу ерда учраган *остона* сўзининг ҳаётда неча хил маънода келишига, келинг, биргаликда аҳамият берайлик.

Остона – оила... Остона – уй... Остона – аёл, қиз, хотин... Остона – оиланинг маънавий муҳити, ахлоқ даражасини кўрсатувчи кўзгу... Остона – эрта-индин сизларга бериладиган рамзий баҳо...

Чунки халқимизда «Келинлик уйга тезда кулф тушмайди» деган гап бор. Келинлик уйдан вақт-бевақт меҳмон аримайди. Буни келинлар жуда яхши билишади. Барвақт эшик очиб, ҳовлини супуриб-сидириб, ҳамма ёқни озода тутишади. Кексаларнинг гапига қараганда тонг саҳарда очилган эшикдан кут-барака кириб келармиш. Озода остонадан ўтганларнинг дуолари вожиб бўлармиш.

Оилани кўпинча бир кичик мамлакатга ўхшатишади. Бу бежиз эмас. Аёл кишининг вазифаси шу кичик мамлакатнинг ичкаридаги ҳаётини бошқариш. Бу сўзларни эшитганда, демак, аёл кишининг вазифаси уйни озода тутиш, овқат пишириш, болага қараш экан-да, дегувчилар бўлади, албатта. Тўғри, бу – уларнинг бирламчи вазифаси. Аммо юқоридаги ривоятдан кўриниб турибдики, аёл – шу кичик мамлакатнинг ташқари билан муносабатининг рамзи, юзи ҳам экан.

Овчининг биринчи аёли ўзи ҳали таниб улгурмаган, эндигина кўриб турган кишиси – қайнотасига сирини олдириди, рўзғорида ҳеч нарса йўқлигидан зорланиб ҳам улгурди. Шу билан остонасининг – турмушининг омонатлигини ошкор этди. Эътибор беринг, иккинчи аёли ҳам айнан шундай шароитда турмуш кечиради. Аммо берилган саволга «Худога шукр, эл қатори насибамизни териб юриб-



миз!» деб жавоб берди. Яна ночорлигини мутлақ ошкор қилмайдиган ҳаракатни қилди – уйдаги бор нонини «Йўлда ерсиз!» деб берди. Эвазига дуо олди. Эрининг ови бароридан келганини шу мўйсафид кишининг дуоסי туфайли деб қабул қилди, суюнди ва хушнуд кайфиятда эрини кутиб олди. Ўзининг ҳам, эрининг ҳам кўнгли кўтарилди. Шундан кўриниб турибдики, келиннинг гул-гул очилиб юришигина эмас, балки ўзидан нур таратиб туришида ҳам гап кўп экан.

Диққат қилган бўлсангиз, уйда ойингизнинг йиғ-тер, ишга бориб келишдан ташқари яна кўп вазифалари бор. Улар ўз болалари ўртасидаги муносабатнинг яхши бўлиши учун астойдил ҳаракат қиладилар. Ҳар бирингизнинг иш-ўқишингиздан бохабарлар. Барчага тегишли жуда яхши маслаҳатлар берадилар. Баъзида ойингизнинг жуда кўп нарсаларни билишидан, ҳар соҳада билимдон эканлигидан ўзингиз ҳам завқланасиз. Қўни-қўшни, қариндош-уруғ билан муроса қилишларини кузатганмисиз? Нақ дипломат бўлиб кетадилар-а! Чунки улар ўз «мамлакатлари» – оилалари ҳақида атрофда заррача бўлса ҳам ёмон фикр туғилишини истамайдилар. Бунга йўл қўймайдилар ҳам. Бу сизларга ўрнак бўлсин!

Келин бўлиб тушаётган хонадонингизда ҳам остонасини муқаддас биладиган шундай аёл – қайнонанинг бор. Сидқидилдан уларга эргашсангиз, сизни бека, соҳибалик йўлидан аста авайлаб олиб ўтадилар, остонангни асрашга ўргатадилар.

Яхши ният, яхши ҳаракат, меҳр-муҳаббат билангина тўйингизда айтилган «Ёр-ёр»да ваъда қилинган тилло остоналик уйга эришасиз.

Дуо: Илоҳим, остонангни ҳаммиша покиза ва мустаҳкам, қулфи дилингни очиқ бўлсин! Остонангни



сизни шу хонадон аъзоларию меҳмонларига ҳамиша меҳрли, марҳаматли кўрсатсин! Остонангиздан ўтганларнинг яхши ниятлари вожиб бўлиб, сизга рисоладагидек келин мақомини олиш ва бахтибекам бўлиш насиб этсин! Буларнинг оқибати ўлароқ шу кичик мамлакатингизнинг чин маликасига айланинг! Омин!

СИЗНИНГ ТАШРИФНОМАНГИЗ

Ҳозир кўпчилик ёнида ташрифнома (визитка) олиб юришни урф қилган. Сизларда ҳам бордир. Унинг кўп қулайликлари борлиги, шубҳасиз.

Аммо ёнингиздаги шу жажжи ташрифномани узатгунингизга қадар қаршингизда турган кишида сиз ҳақингизда муайян фикр уйғотадиган бошқа «ташрифнома» ҳам бўлади. Кўпинча биринчи таассурот тўғри бўлиб чиқади.

Бу – сизнинг суратингиз, яъни ташқи кўринишингиз. Бу ташрифнома билан сиз дастлаб кишилар қалбига бамайлихотир кириб борасиз. Баъзида эндигина танишган кишининг сизни негадир хушламаётганини сезасиз, улар сиз билан номигагина муомала қилади. Баъзида эса суратингиз, яъни ташқи кўринишингиз, кийинишингиз ёрдамида одамларда ишонч уйғотасиз, улар қалбида узоқ қоласиз. Кишининг кўзига биринчи ташланадиган нарсалар жуда муҳимлигини англаб етдингизми? Яна бир нарсани – сизнинг очиқ кўнглингиз ва самимиятингиз рамзи бўлган ним табассум ҳам жуда муҳимлигини унутманг.

«Кутиб олиш – суратга, кузатиш сийратга қараб» деган гап бор. Одамнинг сурати ҳам, сийрати ҳам гўзал бўлиши керак, деган гапни ҳам кўп эшитгансиз. Аммо уларнинг иккаласини уйғун, яхлит

уйғунликда олиб юриш нақадар қийинлигини сиз ҳозир ҳатто тасаввур ҳам қила олмайсиз!

Балки суҳбатимиз мавзуси сизга жуда эски туюлар. Балки минг марта эшитганингизни қайтараётгандирмиз... Панд бериб қўяётганлар бўлмаганида-ку, суҳбатимиз мавзуси ҳам ўзгача бўларди. На илож, такрор-такрор ўтилган дарс эсда кўпроқ қолишини яхши биласиз. Қолаверса, ҳаётнинг ҳар сонияси сабоқ, имтиҳонлардан иборат...

Бу воқеани бировдан эшитганим йўқ. Ўз кўзим билан кунни кеча, шу сизга яқин бекатда кўрдим ва билмадим, нечанчи бор ёшларимизнинг суратию сийрати ҳақидаги, яширмай айтишим керак, оғир ўйлар яна дилимни ўртади. Шу сабабли уни сиз билан ўртоқлашмоқчиман...

– Кийими яланғочнинг фикри яланғоч, юзи беҳаё, оғзи шармсиз! Ҳозирги қизларимизнинг сурати гўзал кўрингани билан сийрати ана шунақа – мажруҳ! – Буни дегувчи киши ойнадан кўчага қараб ўтирарди, чамаси ички алғов-далғов фикрларига яқун ясади шекилли...

Автобусга чиққанимда орқадаги ўриндиқда уч қиз атрофларида улардан бошқа ҳеч ким йўқдек, автобусни бошларига кўтаргудек бўлиб, баралла чақчақлашиб келишарди. Олдинги ўриндиқда ўтирган йўловчилар бот-бот ортига ўтирилиб, ҳайдовчи ҳам тепасидаги кўзгудан қизларга норизо қараб кўярди. Қизлар буни пайқашса ҳам парво қилишмасди. Бирининг мини юбкаси ўтирганида яна ҳам юқори кўтарилган, беўшшов керилган оёқлари орасидан яланғоч сонигина эмас, ич кийимлари ҳам бемалол кўриниб турарди. Иккинчисининг икки ёни баланд қийилган кўйлагининг олд этаги тиззалари орасига тушиб, оппоқ сони очилиб қолганди. Учинчиси ҳартугул шим кийган



экан. Бироқ у ҳам оёқларини бесўнақай чалиштириб, олдинги ўриндиқнинг суянчиғини ҳайдовчи радиосидан таралаётган мусиқа оҳангига мос таптап тепиб ўтирарди.

Қизлар сўнги бекатда ҳам тушишмади. Уларнинг хатти-ҳаракатидан ҳайдовчининг тоқати тугади шекилли, автобус силжиганда тепасидаги кўзгу орқали қизларга мурожаат қилди:

– Қизлар, қаерда тушасизлар?

– Оқтепада! – жавоб берди уларнинг бири чимирилиб.

Учаловининг вужудидан «Сенга нима?!» деган таъна ёғилиб турарди.

– Ҳозир ўтдик-ку Оқтепадан! Нега туша қолмадинглар? Маҳалла ичини айланиб, охирига бориб қайтгунча қанча вақтингиз бекор кетади!

– Йўлкирангни олгандан кейин нима ишинг бор? Йўлга қараб кетавер!


Ёни кесикли кўйлак кийган қиз оёғини ликиллатиб, бу гапни хўмрайиб ойнага қараб гўё секин айтди. Лекин ҳамма бемалол эшитди.

Ҳайдовчининг ижирғангани кўриниб турарди-ю, индамади. Ундан кейин қизларнинг бири томонидан айтилган куракда турмайдиган сўзни ҳам эшитмаганга олди. Қизларнинг отаси тенги бу одам ичидаги зардобини тупугига жамлаб, кўчага қараб тупурди...

– Болам, тўхтат мошинани! Тушириб юбор бу юзсизларни! – Бу мўйсафид кишининг сўзлари эди. – Ёшларни кўрганда дилинг яйрагувчи эди, булар бўлса автобуснинг ҳам ҳавосини бузади-я! Падари лаънатилар...

– Ҳозир тушамиз, бобой! Кейин сизга ўхшаган эзмалардан тўрт соат дарс эшитамиз...

– Хайф сенларга дарс! – кекса киши титраб кетди.



Автобус Оқтепага яқинлашганда қизлар ўринларидан туришди, худди кийимларини намойиш қилаётган модел қизлар каби саллоланиб юриб, олдинги эшикка яқинлашишди.

– Фақат бизни уришасизми? Мана бу хотинлар ҳам биз билан баробар катайса қилиб юришибди. Йўл ҳақини «двойной» олинг улардан ҳам, – деди уларнинг бири ҳайдовчига олдинда ўтирган аёлларни кўрсатиб.

Ерга қараб жим келаётган аёлларнинг бири бехосдан тилга кирди:

– Сизни келин қилмоқчи эдим... Кеча уйингизга совчиликка бориб, онангиз билан танишдим. Бугун ўғлимдан қаерда ўқишингизни билиб, кўчада, ўқишда қандай экансиз, ўғлим янглишмаяптими, деб ортингиздан кузатиб келаётган эдим... Афсус...

– Вой, Зебош, шунақа «простой» хотинга келин бўласанми? – Узун, аммо икки ёни баланд қирқилган кўйлак кийган қиз аёл мурожаат этган дугонсининг елкасига бир туртиб, хахолаб куларди.

Автобус тўхташи билан қизлар сакраб тушиб кетишди.


– Зебош, қайнанашикангга «бай-бай» де! – ҳамон куларди бояги қиз.

– Бирпас жим бўл, – шим кийган қиз аёлнинг гапидан тош қотган эди.

– Вой, опа, сизни худо бир асради! Ҳозирги қизлар жуда ўзгариб кетган... Шуларнинг бири уйингизга келин бўлиб бўлса борми? Зебо эмас, офат-а, офат!

Иккинчи аёл секин гапираётган бўлса-да, унинг сўзлари ҳаммага эшитилиб турарди.

Қизларнинг иккитаси автобусдан тушгач, билим юрти томон кулишиб, тез юриб кетишди. Фақат ҳалиги аёл мурожаат қилган қизгина автобусдан



тушган жойида михлангандек, дугоналари кетидан юришини ҳам, автобусга чиқиб аёлларга бир нима дейишини ҳам билмай тек қотиб қолган эди. У кўзини ердан узмасди. Айни пайтда дугоналари унинг орқада қолиб кетганини пайқашмади ҳам.

Ана шу жимжитликда мўйсафиднинг ранжиб айтган сўзлари яққол эшитилди:

– Кийими яланғочнинг фикри яланғоч, юзи беҳаё, оғзи шармсиз. Ҳозирги кўп қизларимизнинг сурати гўзалдек кўрингани билан сийрати мана шунақа – мажруҳ!

Орага оғир сукунат чўкди.

Одатда, автобус охирги бекатда узоқ туради. Ниҳоят, у силжиди. Автобус бурилаётганида аёл секин орқага қаради. Қиз ҳамон жойида қотиб турарди...

У ҳали жуда ниҳол эди... Унинг жойида қотиб қолгани, ниҳоллиги дилимга умид бериб, беихтиёр унинг олдига қайтиб, қулоғига аста шивирлагим келди. Уни сиз ҳам эшитинг:

– Оҳ, қизгинам-а! Мана ҳаётдаги биринчи зарбани ҳам олдингиз... Илоҳим бу охиргиси бўлсин. Бу эса асосан ўзингизга боғлиқ.

Сиз ҳозир шундай ёшдасизки, ҳамма нарсага тез бериласиз. Ҳозир кийимингиз туфайли жуда оғир гапни эшитдингиз. Эҳтимол, бу кийимни сиз кўр-кўрона дугоналарингизга эргашиб кийгандирсиз. Шунинг учун берилган баҳо ҳам умумий бўлди.

Ҳозир шундай ёшдасиз, кўзгу қаршисида узоқ-узоқ туриб қоласиз. Хонада ҳеч ким бўлмаган пайтларда унга умидвор тикилиб, гоҳ ўнгга буриласиз, гоҳ чапга... Қани энди кўзгуга жон кирса-ю, ўз тили билан сизга баҳо бериб деса: «Нақадар гўзалсан! Нақадар чиройлисан!» Буни кўзгудан эшитмасангиз ҳам, кўча-кўйда ортин-



гиздан қараб қолганларини сезасиз. Бу гапни ҳеч ким тили билан айтмаган бўлса ҳам, кўзларидаги чўғни пайқайсиз. Бу сизга қувват беради, одимингиз шўхроқ, кулгингиз жилғалар оҳангини олади. Одамлар орасида шоиртабиати кўп бўлади. Шулар тилидан бирдамас-бирда бу сифатни очиқ-ошкор эшитганингизда ҳам ҳаволаниб кетманг.

Яратган чиройда кам қилмаган айрим тенгдошларингизнинг ўринли-ўринсиз ўз ҳуснини кўз-кўз қилиши, ҳаёсиз кийиниб, ахлоқини ҳам шунга мослашга ҳаракат қилиши, ўзингиз шоҳиди бўлгандек, атрофдагиларнинг гагини келтиради. Шундай қилсам, гўзал ва замонавий кўринаман, деб гул юзингизни ерга қаратадиган иш қилманг. Ҳар бир аёл-қиз ўзича чиройлилигига, лекин ҳар бир аёл-қиз боридан кўра чиройлироқ кўринишга уринишига ўзингиз ҳам кўп ўтмай ишонч ҳосил қиласиз. Қизларни кўпинча гулга қиёс қилишади. Ҳар бир гулнинг эса ўз таровати бўлишини унутманг, қизим.

Лекин сиз ҳамон кўзгу олдидан кетмаяпсиз. Бунинг боиси балки кийган кийимингизнинг ўзингизга ярашган ёки ярашмаганини билмоқчидирсиз? Энди катта қиз бўлиб қолдингиз. Кўзгуга тикилишдан мақсад фақат қадду қомат, қошу кўз, қўлу оёқни кўриш эмаслигини сиз энди яхши биласиз. Кийинишда ҳам ўз жозибангиз, ўз йўлингиз, ўз усулингизни кашф қиладиган даврга келганингизни ҳис қиляпсиз. Кийинишда ҳам «йўл», «услуга» бўлиши сизни бир оз чўчитяптими?

Оддийроқ қилиб айта қолайлик. Қайси кийимларда ўзингизни эркин ҳис қиляпсиз? Қайси либосларингизда юрганингизда, юқорида айтганимиздек, орқангиздан сездириб-сездирмай кексалар меҳр билан, бояги аёлларга ўхшаганлар келин қилиш ҳаваси билан, йигитлар мафтункор,



тенгдошларингиз ҳам ўрганиш, ҳам ҳавас билан қараб қолишаётганини сезяпсиз? Ҳамма кийимларингизда яхши юраётган, ҳамма вақт ҳам маъқул қарашаётганини сезаётган бўлсангиз – кийимларингиз буюрсин! Ўйнаб-ўйнаб кияверинг! Демак, сиз ўз «йўл» ва «услуб»ингизни топиб олибсиз.

Айрим қизларга ўхшаб, бошламасида билиб-билмай мода кетидан кўр-кўрона қувиб кетиш яхшимас. Мода осмондан тушмайди. Модага эргашилмайди, негаки мода ҳар даврнинг ички зарурий талабига кўра кашф қилинади. Баъзи пайтлар эски киноларни кўрганда ёки бувингизнинг ёшлиқдаги суратларини кўздан кечираётганда бувингизнинг моданинг олдида бўлганларига ҳавасингиз келгандир? Бу ҳам моданинг осмондан тушмаганига далил. Яна бир жиҳатга диққат қилинг: модага кўр-кўрона эргашиш анча давлатманд аёлларни ҳам хонавайрон қилиши мумкин, лекин аксарият ҳолларда ўша аёлнинг заррача бўлса ҳам ўзлигини намоён этмайди. Ҳа, ҳайрон бўлманг, кийим ҳам кишининг ички дунёсини ошкор қиладиган энг аниқ восита ҳисобланади. Ўзингиз мана бугун автобусда бунинг шоҳиди бўлдингиз. Дугоналарингизнинг ярим яланғоч кийингани боис, ўзларига эрк беришлари осон бўлди. Масала тақдирингизга бориб тақалгач, сиз мана, қотиб турибсиз. Ичингизда балки хатога йўл қўйганингиздан пушаймондирсиз. Эҳтимол, «замонавий» бўлиш асло ярим яланғоч кийиниш эмаслигини айнан бугун тушунгандирсиз, илоҳим шундай бўлсин.

Сизнинг ёшингиздагилар кўпинча яна бир хатога йўл қўядилар. Улар кийим олаётганларида унинг ўзларига ярашиш-ярашмаслигига эмас, қайси машҳур фирманинг маҳсули эканига қараб олишади. Яна шу фирманинг ёрлиғи буюмнинг энг

кўринадиган жойида бўлиши керак! Кийимнинг қулайлиги, унинг қайси ерларга ва қачон кийилиши ҳақида мутлақо ўйламайдилар. Ҳолбуки, сиз кийимда ўзингизни қулай сезаётган бўлсангиз, у сизга ярашиб турса ва уни ўрнида кийсангизгина бошқалардан фарқланиб турасиз. Бу – сиз! Сизнинг жозибангиз, сизнинг услубингиз. Сизни ҳеч ким билан адаштирамайдилар, «ҳамма қаторида» йўқолиб ҳам кетмайсиз.

Ўз кийиниш услубингизни танлаб олгунча, қадди-қоматингиз, бўйингиз, танангиз аъзоларининг тузилиши билан ҳисоблашишга тўғри келади. Ҳеч ким сизнинг гавдангиз тузилишини, айрим аъзоларингизнинг ўзига хослигини ўзингизчалик яхши билмайди. Ўзига хослиги деб айтяпмиз, зинҳор уларни нуқсон деб тушунманг ва хоҳ пинҳон, хоҳ ошкор бундан изтироб чекманг. Кийим харид қилаётганда, кийим тиктираётганда шуларни инobatга олсангиз, чевар уларнинг чорасини топади. Ишонинг, шунда сиздан кўҳлик қиз бўлмайди.

Бошқалардан қолмасликка интилишингиз вақтинчалик, албатта. Айниқса кийиниш масаласида ўзингизга талабчан бўлишга тўғри келади. Чунки сиз оилада битта эмассиз. Ота-онангизнинг ҳам сизнинг «ҳаммадан қолмаслик» талабингизни бажо қилишга имкони борми-йўқми, буни ҳам инobatга олишингиз керак. Ҳамма айтганларингизни бажо қилмаётганларининг бошқа сабаблари ҳам йўқ эмасдир. Суратга берилиб, сийратингиз оқсамаслигини исташаётгандир.


Ҳозир шундай ёшдасизки, ота-онангиз сизнинг ясан-тусанга чексиз ружу қўйиш, кийинишга ортиқча берилиб кетишингиз оқибатида юқоридагидек ҳолат юз бериши ва у ҳаётингизга ўз таъсирини ўтказиши мумкинлигидан ҳам кўрқишар. Четдагиларга



«замонавий» кўриниш учун мода ва ясан-тусанга берилиш ёмон оқибатларга олиб келишини улар яхши билишади-да. Ёшингизга, ярашишига ва имкони-ятингизга қараб кийиниб юрсангиз, бошқаларнинг яхши фикрини қозонган, қадрингизни сақлаган бўласиз. Уларнинг асосий мақсади – қизларининг эсли-хушли бўлиб етилишини кўриш. Эсли-хушлиликнинг биринчи аломати ўз тоифадошларидан ажралмаслик, имкони етган кийимга қаноатланиш, озода ва покиза юриш, кийимларнинг келишимли ва бежиримини танлай билишдир.

Қолаверса, сиз ҳозир шундай ёшдасизки, унда модалар ҳақида эмас, кўпроқ онангизнинг гапига кириб, аксарият ўзингизни ораста тутиш, соч ва баданингизни озода сақлаш ҳақида ўйлашингиз тўғрироқ бўлади. Чунки кишининг ўз услубига эришуви сиз ўйлаганчалик тез рўёбга чиқмайди, бир-икки кийим билан киши ўзини намоён эта олмайди. Бунинг учун ҳам йиллар керак, ўқиш, ўрганиш, изланиш керак. Киши аввало ўзига нисбатан талабчан бўлиши керак. Сизнинг ёшингизда биров айтган нуқсон ва камчиликлар кўнглингизга оғир ботади. Яхшиси, бу нуқсон ва камчиликларни ўзингиз кўра билганингиз, ўз иродангиз билан тузатганингиз маъқул.

Ўзингизга хос жозоба, услубларга келсак, улар балоғатнинг иккинчи босқичида албатта яратилади. Ёшингиз йигирма бешларга яқинлашганда сизни на кўринишда, на кийинишда ҳеч ким билан алмаштириб ҳам, адаштириб ҳам бўлмайди. Сиз – фақат сиз бўлиб қоласиз. Бутун мисол келтирилганга ўхшаш ҳолатлар сиз билан асло рўй бермайди. Сиз бундай воқеаларнинг синглингиз ёки қайинсинглингизда содир бўлишининг ҳам олдини ола биладиган ажойиб келин бўласиз. Мен бунга ишонаман.



Ахир сиз шунга эришишни жуда ҳам иста-
япсиз-ку, тўғрими?

Дуо: *Сурат ва сийратингиз ҳамиша гўзал ва
уйғун бўлсин! Сиз келин бўлиб тушаётган хона-
дондагиларнинг сизни келин қилиб танлаётган-
даги туйгулари меҳр-муҳаббат, ишонч ва суяниш
туйгуларига қадар ўсиб, қалбларини бир умрга
илитиб турсин! Омин!*

ОДДИЙ НАРСА-Ю...

(Талаба қизлар одобига уларнинг ўз назари)

Муҳаббатнинг адабгоҳи кўтармас

қувнамакликни,

Ки шабнамдан очилур гул ва кўз ёшлардан

нигоҳ анда...

Мирзо Бедил

Иқтибосдан сезиб турибсизки, бугунги суҳбати-
миз одоб ҳақида...

Бу жуда оддий нарса-ку, шунга бутун бир мав-
зуни бағишлаш тўғрими, деб ўйлаётгандирсиз.
Чунки кўп ёшлар айнан шу ҳақда суҳбат юритиш –
вақтни беҳудага ўтказиш деб ўйлайдилар. Аслида
мана шу жуда оддий бўлиб кўринаётган масала-
лар бизнинг кимлигимизни, ички маданиятимиз,
борлиғимиз, ҳаётга қарашимизни рўй-рост ошкор
қилади. Шунинг учун ҳам шоир Мирзо Бедил ин-
соннинг одоб ва адаб олами енгил-елпиликни син-
гиштирмайди, деб таъкидлаган.

Ҳар ёшда, ҳар жойда, ҳар иш ижросида ўзига
яраша одоб қоидалари бўлади ва ҳаммамиз унга
итоат этишга мажбурмиз.

Эртага келинлик либосини кийишга тайёрлана-
ётган оyim қизларимизнинг аксарияти бугун та-



лаба. Келинг, бутун қурбимиз етганича талабалар, яъни илм олувчиларнинг одоби ҳақида суҳбат юри- тайлик. Бу суҳбатни сизнинг фаол иштирокингиз билан ўтказамиз, деб умид қиламан. Бунинг учун ҳозир ҳар бирингиз талаба қизларнинг одоби чиз- гиларини айтиб чиқасиз. Фикрларингизни ҳамма- миз эшитамиз, мунозара, баҳсли фикрларни бир- галикда ҳал этамиз. Шу тариқа бутун кўплашиб илм олувчининг ўзига хос кодексини яратамиз. Биринчи фикрни ижозатингиз билан мен ўртага ташлайман:

– Аввало талаба қиз бахти кулиб, олий ёки ўрта махсус ўқув юртига кирган экан, ўзининг илм олиш, ўқиш мақсади ҳақиқатда ҳам қатъийми- ди деб ўйлаши, мақсади қатъий бўлса, унга эри- шишда собит бўлиши керак. Шу тезис маъқул бўлса, уни ўзингиз давом эттириб кўринг-чи. Мен фикрингизни ёзиб бораман, кейин бирга муҳока- ма қиламиз. Маъқулми?

– Бунинг учун у дарс вақтидагина эмас, ҳаёти- нинг бутун талабалик фаслида шу эзгу мақсадига эришишида унга бевосита халақит берадиган ва асосий мақсадига нисбатан иккинчи даражали бў- либ кўринган нарсалардан ўзини тия билиши ке- рак...

– Аввалам бор у ўзи аъзо бўлган жамоанинг ўзи- га яраша қоидаларига сўзсиз итоат этиши керак...

– Жамоанинг бошқа аъзоларини ҳурмат қили- ши, камтар, камсуқум бўлиши керак...

– Қизлар ҳар бир ҳаракатларида ўзларининг гў- зал хулқ-одобларини намоён этишлари керак...

– Яхши хулққа эга бўлиш учун аввало ёмон хулқ- дан тийилиш керак...

– Бу тезисни аввалгисининг давомидан ёзилса тўғрироқ бўларди. Яъни: «Қизлар ўз ҳаракатлари-

да гўзал хулқ-одобни намоён этишлари, бунинг учун аввало ёмон хулқдан тийилишлари керак»...

– Диққат билан эшитаётганингиздан мамнунмиз, қизим. Ўзингизнинг шу мулоҳазаларга айтадиган қўшимча фикрингиз ҳам борми?

– Боболаримиз илм олишни игна билан қудуқ қазишдек машаққатли дейишади. Талаба қиз қийинчиликлардан қўрқмаслиги, чўчимаслиги керак...

– Талаба қизларнинг башанг кийинишига йўл қўймаслик керак.

– Бу – инсон эркини бўғиш-ку!

– Мен кийинишда қизларнинг одоб доирасидан четга чиқмасликларини назарда тутяпман. Дарсга худди тўйга келгандек кийиниш, қизнинг диди ҳали шакланмаганининг, унинг мешчанлик ботқоғига ботиш хавфи борлигини намоёиш этади, холос!

– Фикрларингиз тўғри...

– Ўқитувчидан ўтказиб кийиниш ҳам тўғри эмас. Аввал ўқитувчидаги бор билимларга эга бўлиб олсин-чи! Бу – муаллимга нисбатан ҳурматсизлик ҳам!

– Тўғри, аксарият башанг кийинган қизлар аудиторияда ҳам, автобусда ҳам баланд овозда гаплашадилар. Қўл-оёқларини ножўя ҳаракатлантириб, ҳаммани ўзларига жалб этадилар... Улар оилада, боғча ва мактабда, коллеж ва институтда кийиниш маданияти ҳақида эшитмаганга ўхшашади...

– Бундайлар мавзуни ўзлаштиришига ишониб бўлмайди. Имтиҳонни ҳам амма-тоғалар воситасида топширишади...

– Олим ва фозил кишилар ўзларининг хушфеъллиги, кишига салобат бахш этадиган чиройли виқори билан ажралиб туришади. Салга жизилаб



кетишмайди. Қизлар характерида айниқса шу фазилатлар устувор бўлиши керак...

– Ўзидан аълочироқларга ҳасад қилиш қизларда кўп учрайдиган иллат... Йиғи-сиғи, ёлғон-яшиқ билан дугонасининг биқинидан туртиб, олдиндагининг товонини босиб, оёғидан чалиб, олдинга ўтиб олувчилар ҳам йўқ эмас. Илм олишга астойдил интиланганларни шундай ҳам муаллимлар, дугоналар зарур пайтда сийлашади...

– Бировларни ғийбат қилишдан йироқ бўлиши керак...

– Илм, билим олиш учун қизлар биринчи навбатда қалбни ҳар хил нопокликдан, масалан, мақтанчоқлик ва кибрдан тоза тутишлари керак. Донишмандлар кибрли ва такаббур одамларга билим беришни баланд жойга сув чиқариш азоби билан тенглаштиришади...

– Шунга яқин яна бир гап айтмоқчиман. Муаллимни ҳурмат қилган талаба ақли бемор шифокорнинг айтганини қилиб, тез тузалганидек, кундан-кунга билими ортиб боради. Демак, ўзига сабоқ бераётган муаллимга унинг ишончи кучли бўлиши керак...

– Дарсга бирон сабаб билан кеч келган талаба қиз ўзига ҳамманинг эътиборини тортиб, туфлисини тақиллатиб олдинга ўтмасдан, бир чеккадан жой топиб ўтириб, танаффусгача сабр қилиши керак...

– Қизларнинг ўз билимларини намоёйиш этиш учун бировларнинг суҳбатини бузиб, ўртага суқилиб, ўзиникини маъқуллаши хунук кўринади...

– Айтилганни ўқиб бўлдим, бундан ортиқ билишим – ортиқ, деб қаноатланиш калтабинликни англаатади. Киши ўзи билганидан ортиқроқ яна нима ўзлаштириш имкони бўлса, албатта, ўрганиши керак...



– Ўзи билганларини дугоналарига ўргатишга қизганмаслиги керак. Шу ўргатгани учун бирон нарса тама қилиши ҳам яхши эмас. Тама – кишининг кишидан кўнгли қолишига олиб келадиган, ишончини йўқотадиган ярамас илат...

– Қийинчиликлар инсон зеҳни, идроки, ақли, тафаккурини чархлайди, деб бежиз айтишмаган, ҳақиқий илм ҳеч қачон осонгина киши онгига жойлашиб олмайди. Дугоналаримиз қийинчиликдан кўрқишса, ожизлик ботқоғига ботишади...

– ...

– Ойим қизлар! Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни ҳаммамиз ҳам диққат билан эшитганимиздан, бир-биримизни тўлдирганимиздан, айрим фикрларга ҳатто кескинроқ бўлса-да эътироз билдирганимиздан, бугунги мавзуга ҳеч биримиз бепарқ эмаслигимизни англаш мумкин. Бугунги суҳбат мавзусини ҳаммамиз биргаликда ва кўп қиррали қилиб ёритганимиз яхши бўлди. Айтганларимиз фақат талабаларгагина оид эмас. Фақат уларга амал қилиш ёдингиздан чиқмасин! Шунга кўра:

***Дуо:** Илоҳо илмга, билимга бўлган самимий ва чин ихлосингиз кам бўлмасин! Кишининг ҳақиқий бойлиги илми ортидан келадиган маънавий бойликлигига ишонч қалбингизни машъалдек ёритиб турсин!*

НАЗОКАТ

Ёшлиқда инсон куй ва кўшиққа жуда берилувчан бўлади. Сиз ҳам шундайсиз, албатта. Баъзида уйда ҳеч ким йўқ вақтида ойингиз буюриб кетган, аммо ўзингизга унчалик ҳам ёқинқирамайдиган уй йиғиштириш, чанг артиш, чинни турган жавонларни тозалаш каби ишларни бажаришни ен-



гиллатиш учун магнитофонни аста хиргойи қилдириб қўясиз-а? Кейин ўзингиз ҳам сезмаганингиз ҳолда қалбингизга тўлқин бўлиб кирган куй оҳангига шундай эшилиб рақс тушасизки, кўрган одам сизга маҳлиё бўлмай иложи йўқ. Аммо сизни ҳеч ким кўрмайди. Бу кичик сирингизни ошкор қилаётганимиз учун узр. Лекин айна мана шундай қалб «эриган» пайтда қалбу жисм ҳаракати уйғунлиги содир бўлади. Буни ўзингиз ҳам сезасиз. Назарингизда ҳаётингизда бир пиллапоя кўтарилгандек бўласиз. Шундай ҳис қилишингиз ҳам табиий, чунки бу хаёлий пиллапоя – назокат пиллапоясидир.

Янги келинчаклар каби, бизга хиром айлаб келинг...

Бу қўшиқни ҳам кўп эшитгансиз. Балки дилингизда байтнинг оҳангига эргашиб, қилаётган ишингизни ҳам унутиб, у ёқдан бу ёққа «янги келинчаклар каби» юриб ҳам кўргандирсиз?

Янги келинчакнинг чиройли юриши – хиромида ўзига хос ибто, иффо, назокат ва гўзаллик бўлгани учун неча-неча бор уларга маҳлиё боққансиз, албатта. Ҳозир эса уларга тақлид қилиясиз.

Янги келинчакларнинг юриши бўлакча эканининг сири нимадалигини билишни истайсизми? Янги келинчаклар ўзларига ҳамма қизиқсиниб қарашини яхши биладилар. Шундан ҳар бир хатти-ҳаракатларини ўзлари синчковлик билан назорат қиладилар. Ҳар бир одим, бурилишигача кўзгу олдида, бунинг имкони бўлмаса, хаёлан неча бор машқ қиладилар. Улар шунчаки юрмайдилар – хиром айлайдилар, яъни чиройли ва нафис қадам ташлайдилар. Янги келинлар шарақлаб кулмайдилар – чиройли ва майин табассум қиладилар... Айна келинлик пайтида улар ҳамма нарсалари чиройли бўлишини жуда-жуда истайдилар. Ис-



так ва ҳаракатлари уйғунлашиб, оқибат шоирона ташбеҳларга лойиқ бўладилар. Келинликнинг ўзи назокат, гўзаллик, нафосат тимсолига айланади. Ишончим комил, бу туйғуларни ҳар бирингиз, албатта, бошингиздан кечирасиз. Фақат бу жуда тез ўтиб кетмаслиги керак.

Қиз-аёлларга чиройли, назокатли кўриниш истаги, шундай бўлишга интилиш ва уриниш ҳаммаша ҳамроҳ бўлиши кераклигини суҳбатларда қайта-қайта таъкидлаб ўтишимиз бежиз эмас. У ёғи ўзингизга боғлиқ.

Бу гапларни келинлик остонасида турганингизда айтаётганимизнинг боиси, айнан ҳозир сизнинг оламгаю одамга, ҳамма-ҳамма нарсага қизиқшингиз ортган пайт. Айнан ҳозир ҳаёт, турмуш, муносабатлар, муҳаббат ва назокат бобида кўрган, эшитганларингизни илиб олиб, умр дастурингиз бобларига «михлаб» қўясиз.

Қиз боланинг, аёлнинг юриш-туриши, гап-сўзи назокатли, дилбар бўлиши керак деган кўрсатмани қалбингизда айнан шу вақтда қарор топтирсангиз яхши бўлади.

«Агар аёл эркакликни даъво қилмай, охиригача аёллигини қилса, у кўпроқ иззат-ҳурматга сазовор бўлади. Аёлда аёлга хос фазилатларни чеклаб, эркаклик хислатларини кучайтириш унга зиён етказиш демакдир», деган экан бир донишманд.

Бу фикрни бир мушоҳада қилиб кўринг.

Аёллик... Эркаклик... Бу тоифаларни бир-биридан ажратиб турадиган хислатларни яхши биласиз. Қолаверса, «қиз бола», «аёл» тушунчалари, уларга ҳамроҳ жисмоний ва маънавий фазилатлар ҳақида кўп эшитгансиз, кўп ўйлагансиз. Ҳамма нарса сизга тушунарлидек. Бироқ негадир бунга лўнда таъриф беришга қийналяпсиз-а?

Одатда, имтиҳон вақтида жуда яхши тайёрланган саволингиз тушиб қолганда ҳам шундай бўлади-а? Лўнда таъриф қидириб уринмай ҳам қўя қолинг. Аёллик бу – аёллик! Ана шу қисқа сўзда аёлларга, яъни бизга хос бўлган ташқи ва ички дунё акс этмайдими ахир?!

Сифатларга келсак, улар жуда кўп. Эркакларга кўпроқ меҳнатга ғайрати, жамоатчилик фаолияти, ташкилотчилиги, рўзгор сардори, куч-қудратига қараб баҳо берилади. Бу сифат, фазилатлар уларда етакчи ҳисобланади. Аёлларда эса кўпроқ назокат, меҳр-шафқат, эзгу ҳис-туйғуларга тўлиқлик устувордир. Нафсиламрини айтганда, айнан шу хислатлар аёлга кўп қийинчиликларни енгиш ва зиддиятларни бартараф этишига ёрдам беради.


Кўриб турганингиздек қиз ва аёлларга нисбат берилганда биринчи бўлиб «назокат», «дилбарлик» сифатлари эсга келади. Айнан шу сўзларда қиз ва аёлларга хос бўлган хулқ, ахлоқ, одоб акс этади-да.

Назокат, дилбарлик деганда мулойимлик, нозик хатти-ҳаракат, юмшоқлик тушунилади. Қаттиқ гапириш, қаттиқ кулиш, қўлларни силтаб, ҳаммани ўзига қаратиш назокатдан йироқдир. Аксинча, тили ширин, чеҳраси гулгун, иболи, малоҳатли қизу аёллар ўз оиласининг бахту саодати, ота-онасининг фахри бўлибгина қолмай, ўз эли ва миллатининг кўрки ҳам.

Демак, қизларда, аёл кишида, биринчи навбатда, ақлу фаросат, идроку назокат бўлиши керак.

Яна бир жиҳатга эътибор бериш керак. Назокат ҳамиша меҳр булоғидан сув ичади. Меҳр эса аёллигини англаган, уҳдасидаги вазифа ва бурчини шараф деб билганларда тинимсиз жўшиб туради.

Дилида меҳри йўқнинг файзи, назокати ҳам йўқ. Аёл киши нима учун яшаётганини, оила, тур-



муш, бола-чақа, эрнинг кимлигини чуқур англаб етмаган бўлса, турмушдан ҳеч қандай лаззат топа олмайди.

Назокатли аёл ҳар қандай шароитда ҳам ўзини тута билади, иффати, қадр-қиммати, шарм-ҳаёсини сақлаб қола олади. Том маънодаги назокатли аёлга (қизга) ёмон эркакларнинг тегажаклик қилишга ҳам ҳадди сифмайди. Бундайлар қаршисида энг чапани эркак ҳам вазминлашади. Кўп давраларда назокатли аёлларнинг салобати босиб, зиёфатлар чиройли ўтади.

Бундан чиқадиган хулоса шуки, қиз-аёлларнинг назокати уларнинг феъл-атворида, хулқининг латифлигида, одоб, тарбия ва садоқатида намоён бўларкан. Қизлар маънавий камол топаётганда ўз руҳиятига масъулик, бурч, уят, меҳрибонлик, фидойижонлик, жигаржонлик, вафо билан бирга назокатни ҳам сингдириб боришлари керак. Шарқона феъллимиздаги қондан-қонга, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган орият туйғуси, авлодларнинг, хусусан, қиз-аёллар шаънини пок сақлаш, оилани муқаддас билиб, унинг шаънига доғ туширмаслик туйғуси қизлар учун жавоҳирлардан ҳам юксакроқ фазилатдир.

Шундай назокатга эга бўлган қизлар ўз уйларида ҳам, келин бўлиб тушган оилаларида ҳам, жамиятда ҳам нозик гул мисол ардоқланадилар ва эъзоз топадилар.

Дуо: Илоҳо қалбингизнинг нафосату назокати кўзларингизни ҳамиша нурлантириб турсин! Илоҳо «дилбар келин», «дилбар аёл» ташбеҳи сизга ҳамиша йўлдош бўлсин! Омин!



Аёл – ўқилмаган китоб...

Бу ташбеҳни биринчи марта ўтган асрнинг олтинчи йилларининг бошида, «Саодат» журналида янги иш бошлаганимда, журналимизнинг бош муҳаррири, асримизнинг буюк шоираси Зулфияхонимдан эшитгандим. Кейин ҳам бошқалардан кўп эшитганман. Лекин ҳар гал эшитганимда, яширмайман, ҳайратдан лол қолиш билан бирга ичимда тушуниксиз ва бир-бирига зид туйғулар пайдо бўларди: аёл зоти шунчалар сирлими? Унга не-не сифатларни лойиқ кўришмайди! Бир АЁЛ бошига шунча сифатлар кўплик қилмасмикин?

Ҳар гал ҳайратим билан тенг ёшлигимда ўқиганим бир шеър бот-бот эсимга тушаверарди. Шеър «Муҳаббат, Хиёнат ва Сеҳргар» деб аталарди. Москвада чиқадиган газеталарнинг бирида ўқигандим уни ва одатимга кўра, қалбимнинг бир изтиробли нуқтасига малҳам бўлгани учунми, ўйлантиргани учунми, ўша таниш туйғуларни уйғотгани учунми, дафтаримга кўчириб ҳам олгандим.

Орадан кўп йиллар ўтди. Навбатдаги юрак хуружидан сўнг Қибрайдаги санаторийга қувватлангани юборишди.

– Қандайсиз бугун? – деб сўради эрта билан ишга келган даволовчи шифокор Валентина Фёдорова. – Оғриқлар йўқми юракда?

– Оғриқлар йўқ ҳисоби-ю...

– Аммо-лекинчи? – деди енгил, аммо ишончли табассум билан.

Мен ҳам борини яширмадим:

– Ҳаловатим йўқ...

– Ҳа-а! Хайрият-ей! Бу энди ҳақиқий аёлларга, айниқса, ижодкорларга, кўп мулоҳаза юритадиган аёлларга таниш туйғу! Бусиз иложи ҳам йўқ-да...



– Беҳаловатликнинг нимаси яхши? Яна навбатдаги инфарктга олиб келади-ку?

– Менимча, йўқ. Биласизми, менга шундай ҳолатимда мана бу шеър ёрдам беради. Беҳаловатлигимнинг асл илдизини топаман уни ўқиб. Кейин ҳаммасини яхши томонга буришга ҳаракат қиламан.

– Психолог бўлиб кетинг-а!

– Рост айтяпман! Ишонмасангиз, ўзингиз синаб кўринг!

Бу ўша таниш шеър эди. Бизнинг авлодда бу шеърга мурожаат қилиб турадиган бир мен эмас эканман, шекилли. Ҳам бекорчилик, ҳам руҳан қувват олишни ният қилиб, ўшанда кўлдан келганча уни ўзбекчага ўтирдим. Мана эшитинг:

Э. АСАДОВ

МУҲАББАТ, ХИЁНАТ ВА СЕҲРГАР

Қаҳрдан суяги қоқ, хаёли бузгун,
Ўлтирар Хиёнат қояга миниб.
Ёнида Муҳаббат, олча тагида
Ўлтирмиш шамс нури сочларин ювиб.

Эрта тонгдан териб ўт-илдиз, энди
Тоғ кўли бўйида ором олишар.
Бирин юзи чақнаб, иккинчиси тунд,
Охири кўринмас баҳс юритишар.

Муҳаббат дер: – Оламда энг кераги –
Садоқат, диёнат, покликдир асли!
Юзимиз меҳр-ла нурларга тўлсин,
Гўзаллик – ҳар недан устувор ахир!

Хиёнат дер дарғазаб: – Бекор!
Раҳмат демас шунга ҳеч биров!



Устингдан куладир миясизлар ҳам,
Ичаги узилар, гўё сен мохов!
Яшаш – бу сабоқ: айёр бўл, ҳам оқил,
Кезида – ожиза, кези – юлғич бўл!
Бойлик кўрсанг, жойин тишла, узу қоч!
Ол! Олавер! Жавобини берар гўл!

– Андишасиз яшаш – қоидамда йўқ!
Сен ҳалол бўла кўр! Бўлсин севгинг зўр!
– Айт, гуноҳ завқидан юксак нима бор!
«Ҳалол бўл» эмиш! Ҳе, ўқимаган, гўр!

Авжга минди баҳсу суронлар бир кун,
Уйғонди серсоқол қария ҳатто.
Уч минг йил ғорида ухлаб ётганди,
Бу улуғ Сеҳргар, жаҳли қаттиқ чол.

Қаҳри қайнаб деди: – Бу нима уруш?!
Жодугарнинг тинчин бузиш! Хап, сенга!
Ҳозироқ унингни ўчириш учун
Сизни хумга тиқиб эритай бирга!

Жоду қўли ила тутди Севгини,
Хиёнатни олди бошқа қўлига.
Аямай фикимлаб шодлик тамни ҳам,
Ҳаммасини тиқди қора ..у мига!

Садоқату қаҳр, эзгулик ва оғу,
Чину ночин, ҳатто қабих ёлғонни,
Хумга солиб олов ёққани замон,
Қора тутун қошлаб олди жаҳонни!

Тутун ўрлаб кетди чўққилар томон,
Жодугар хумидан бир дам кўз узмас.
Ҳаммаси эригач, оқиб, қуйилгач,
Не бало чиқаркин хумидан – билмас!

Мана хум совиди. Тажриба тайёр,
Чарсиллаб ёрилди хум ости хиёл.
Атрофга сочилди юзлаб бўлақлар,
Ва... Чиқиб келди (Ё, Раб!) хумчадан АЁЛ!

Бу – бизнинг мураккаблигимизга урғу эмасми?
Балки шунинг учун ҳам кўп кишилар кўнглида
«Ҳар бир аёлда ҳам ерлилик, ҳам самовийлик му-
жассам!» деган ақида яшар? Балки шунинг учун
ҳам «Аёл – муқаддас!», «Аёл – ўқилмаган китоб!»,
«Аёлнинг турган-битгани – сирлилик!» дейишар.


Қаранг-а, хумдан-ку биргина аёл чиқиб келиб-
ди. Лекин хумга солинганлари нақадар кўп эди:
муҳаббат, хиёнат, меҳр, шодлик, ғам, садоқат,
қаҳр, эзгулик, чин ва ёлгон, оғу... Бир-бирига зид
фазилатлар ва иллатлар...

Инсон ҳамиша зид орасида яшашга мажбурли-
гига, аёл зоти, айниқса, мураккаб олам эканлигига
ишора эмасми бу?

Инсон қалбида, айниқса, биз аёллар қалбимиз-
нинг тубида доим кулча илон вишиллаб туриши
билан бирга, қалбимиз тепасида оппоқ кабутар-
нинг парпираб туришига аниқ ишора-ку бу!

Сиз ҳам шу АЁЛ жинсига мансубсиз, сиз ҳам
«ўқилмаган китоблар» сирасига кирасиз. Ўзингиз-
ни яхшилаб имтиҳон қилиб кўринг. Сизнинг ҳам
муштдеккина қалбингизда шеърда тасвирланган
фазилат, хислат, ҳатто иллат ҳисобланганларнинг
ҳаммаси мавжудлигига ишонч ҳосил қиласиз.

Шунинг оқибати яна ўзингиз билан ўзингиз
баҳслашиб кетасиз: бир одамда шунча фазилатлару
иллатлар бир вақтнинг ўзида мужассам бўлса, нега
айрим аёлларда бир хил сифат турғун бўлади? Нега
айрим аёлларни «рисоладагидек аёл» дейишса, ай-
римларини «илондек совуқ» дейишади? Нега ҳар бир



аёлнинг ҳеч ўзгармайдиган «яхши аёл», «ёмон аёл» деган содда ташбеҳи ҳамиша ўзи билан бирга юради?

Ҳар биримизнинг ичимизда шеърда санаб ўтилган фазилатлар ва иллатларнинг ҳаммаси мавжудлиги рост. Бизга бериладиган «яхши» ёки «ёмон» сифатлари хумга сиққани каби кичкинагина қалбимизга жо бўлгани ҳам рост. Шу «яхши» ва «ёмон»ларнинг қай бири қалбимизни забт этиб, бутун аъзои баданимизга тарқалса, вужудимизда ҳукмронлик қилса, бундан кейин тилимиздан чиқадиган сўзимиз, бажарадиган амалларимиз, хатги-ҳаракатимиз уларга боғлиқ бўлади.

Бундан келиб чиқадиган мантиқий хулоса ҳам доимгидек битта: ҳар сўзимизни айтардан олдин, қадамимизни қўярдан олдин унинг оқибатини, шундан кейин бизга «ёпиштириладиган ёрлик»ни, яъни аксарият умр бўйи бизга ҳамроҳ бўладиган ташбеҳни ўйлашимиз керак бўлади.

«...Аёл ҳақиқатан мўрт! – деб ёзадилар Турсуной Содиқова ўзларининг «Ҳазрати аёл» китобларида бизга берилган минг бир сифатга яна бир сифат қўшиб. – Тўрт-беш етимни битта қанот билан боқса-да, лочиндай боқади, болаларига келган балони арслондай даф қилади, бу заҳматларни тортар экан, битта жонида ўнта эркакнинг иродасини ясайди. Аммо кунлардан бир кун битта фаҳми калта: «Эрингиз ўттиз йил бурун ўлиб кетган фалончини ёқтирган экан», деб қўйса, бўш қопдай ер бағирлаб қолади. Қадди дол бўлади. Ўлиб кетган эрининг ўлиб кетган муҳаббати учун!..»

Менга қолса, Турсунойнинг китобига ўхшаган китобларни ҳар бир узатилаётган қизларга сеп қилиб, гулдор зар қоғозларга ўраб беришни таклиф қилардим. Фақат – ўқиш, тушуниб ўқиш, уқиб ўқиш шарти билан, албатта!



Ўқиганини тушуниб ўқишга, уқиб ўқишга ҳаракат қилганлар, эшитган гапни мушоҳада қилиб, тегишли хулосалар чиқара билганлар, кўрганидан қалбига чиройли рангларни олиб кира билганлар, ўз қалбидаги доим мавжуд зид фазилатлар ичида яхшиларининг устун бўлишига эришишлари, ўзларида яхши фазилатларини тарбиялашдан ортиқ, уларни идора этишга қодир ҳам бўладилар. Аксарият шундай аёлларга муҳаббатлари, меҳрлари, назокатлари, ҳаётсеварликлари, яхши умидлари ва келажакка ишончлари, садоқатлари, ростгўйликлари ва яна кўп фазилатлари учун «Рисоладагидек аёл», «Комила аёл» сифати берилади. Аксарият шундай аёлларимизга «Сеҳри қирқ туяга юк бўлгулик», деб айтишади. Шунча сеҳрларини улар оила мустаҳкамлигига, болалар тарбиясига бағишлайдилар.

Бу эса бахтибекамликнинг энг мустаҳкам устунидир.

***Дуо:** Илоҳо қирқ туяларга юк бўлгулик сеҳрининг ҳаммаси меҳр ва муҳаббатингиз, қалбингизнинг туганмас ёдусидан қувват олсин! Комила аёл ташбеҳи сизнинг бир умрлик ёрлигингиз бўлсин!*

«СИЗ»ГА НИМА ЕТСИН

Эрта-индин бошланадиган янги келинлик даврингизда кўп латифанамо воқеаларни эшитасиз.

Эмишки бир келинчак эрталаб ҳаммани чойга чақирмоқчи бўлиб:

– Ойижон, чойгум қайнадилар! – деганмиш...

Яна бир келинчак азонда ҳовлини сув сепиб супурай деб ташқарига чиқмоқчи бўлса, эшиги остонасида куёвнинг ёшлиқдан боқиб катта қилган Олапари ётганини кўриб:



– Вой, пошѐлинг! Мен ўтиб олай, пошѐлинг! – дермиш (русча «пошѐл» – «нари кет!» дегани).

– Эшик тақиллаяптилар! – деганмиш яна бир келингина...

Сиз нима ўйласангиз, ўйлайверингу бу гапларда менимча асос бор: шарқ одобномасига кўра, янги келин тушган ерининг каттаю кичигини албатта «сиз»лайди!

Бунинг ҳеч эриш жойи йўқ. «Уф-ф!» дейишга шошилманг, кўнглингизга бир боқинг: чиройли муомаладан дилингиз равшан тортмаяптими? Яхши гап эшитган кишининг дили равшангина эмас, иши ҳам унумли бўлади.

Ҳа, ахир буларнинг ҳаммаси ҳазил-ку, дерсиз. Сиз ҳақсиз. Лекин ҳар қандай ҳазил асосида мошдек ҳақиқат бўлиши ҳам рост. Келинларнинг янги оиладагиларни ўзига ийдириб олиши дастлаб ана шу самимий «сиз»дан, яъни яхши муомаладан бошланади. Келин бахти тилида деб бежиз айтишмаган. Аслида ҳам, «сиз»га нима етсин!

Айниқса, энг яқин кишимиз ҳақида сўзлаётган ёки шу яқинимизнинг ўзи билан муомала қилаётганимиздаги «сиз»лаб гапиришимизда бўлакча маъно бор. Шу кишимизга нисбатан меҳр-муҳаббатимиз яширинган шу маънога...

Орқадан бировнинг ғийбатини қилиш яхши эмас. Бунинг катта гуноҳлигини жуда ҳам яхши биламан. Лекин ҳозир сизларнинг олдингизга келатганимда эшитганим, бутун автобусга эшиттириб гапирилган бемаъни гап кўп қатори юрагимни шу даражада сирқиратдики... Кўринишидан бинойи бу келинларнинг сўзлаганларидаги важоҳатларини кўрсангиз эди. Қулоғимдан нари кетмаётган, айниқса, икки жумлани ҳозир сизларга айтиб беришга жазм қилдим. Бу ғийбат эмас, бошқалар, айниқ-



са, шу келинчакларнинг тенгдошлари сифатида сиз ҳам тегишли хулоса чиқарармикинсиз, деган умид мени сиз билан шу ҳақида сўзлашишга ундади.

Автобусда кетаётган ёш келинчакларнинг бири иккинчисига мақтанди:

– Кеча сериални кўраман деб, қозондаги овқатим эсимдан чиқиб кетибди. Ўлгур тагига олиб, «кўмир кони»га айланибди! Ҳидини ҳам билмай, кинога маҳлиё бўлиб қотиб қолибман! Эрим бир нима демади-ю, тумшайиб ётиб олди. Қайнонам ишдан келиб, қозоннинг аҳволини кўрса-да индамади. Эй, оч қолсангиз менга нима, дедим-у иккита тухумни ёққа солиб еб олдим...

– Вой, Наси (аслида қизнинг исми «Насиба» бўлса керак), жа боплабсан! Кеча мен ҳам эримни наказат қилдим («жазоладим» дегани)! Сотруднигининг («ҳамкасбининг» бўлса керак) туғилган куни экан. Кайфи анча чоғ келди. Ечиниб, ўрнига ётай деганида «Иди! Мамам қилган каравотга маст ҳолда ётма!» – дедим. Не ҳасратда квартира олиб, қайнонамдан бўлак бўлиб чиқиб кетдик-ку, бирон ёққа олиб бормайди ҳам! Менсиз туғилган кунда бало борми?! Гапирган гапимга кайфи тарқаб кетди шекилли, хўмрайиб залга кўрпача солиб ётди. Эрталаб нонуштага ҳам қарамай, ишга кетиб қолибди...

Автобусдаги бу суҳбатни эшитган кўп кишилар келинларга ғалати қараш қилишди. Мен ҳам хаёл оғушига фарқ бўлибман... Кўнгилини бундай чилчил қилишларнинг қайтими қандай бўларкин-а ҳали, қизларим, деб ўйладим. Ботган кун-ку қайтиб чиқар-а... Аммо ўша келинларнинг бахт қуёши қайтиб чарақлармикин? Келинг, биргаликда бир мушоҳада қилиб кўрайлик.

Биринчи сўз бошлаган келиннинг бахтига қайнотаси хизмат сафарида экан. Кеча ўзи ва онаси

оч ётиб қолганидан ори келган куёв бола бугун тўртта кабобни нон орасига солиб келиб, онаси билан бирга ўтирса-ю, келингинага «Келинг!» демаса, унинг аҳволи руҳияти нима кечаркин? «Ундай қилишга ҳаққи йўқ!» – деб эътироз билдирад балки ҳаққини яхши биладиган келинлар. Сиз ҳам балки унинг гапига қўшиларсиз. Мен эса...


«Нега ҳаққи бўлмас экан? – мен хаёлан уларга эътироз билдираман. – Кеча тухумни ёлғиз ўзингиз ейишга «ҳаққингиз» бўлди-ку ахир! Бошқа вақт эрингизнинг нон орасида кабоб келтирганида уйингизда нақ байрам бўлиб кетарди-а, қизим, эсингиздами? Қайнонанинг имоси билан дарров дастурхон тузардингиз, иссиққина кўк чой дамлаб, ҳаммани чақирардингиз, «Олинг-олинг!» қилишиб, яйраб-чақнаб ўтирардинглар...

Бугун бундай бўлмаса керак...

Негаки, кеча «сиз» тилингиз аллақачон дилингизга «сен» бўлиб кўчиб улгурганини, уйингиздагиларни писанд қилмай қўйганингизни яққол намоёйиш қилдингиз. Кеча ёлғиз ўз қорнингиз қайғусини қилган бўлсангиз, бугун қилган ишингиздан уялиш, ўкиниш ўрнига автобусни бошингизга кўтариб мақтаняпсиз! Энг яқинларингиз – эрингизни, қайнонанингизни ортидан бўлса ҳам «сен»лаяпсиз... Дилингизда шу яқинларингизга ҳурмат, меҳр, муҳаббат йўқлигини очиқ-ойдин ошкор қиляпсиз.

«Ўлсинки, меҳр-муҳаббат иккита тухум ва «сиз»да бўлса!» деманг, қизим! Ёшлар кўпинча тил ва хатти-ҳаракатлар дил кўзгусилигини унутиб қўйишади. Сиз ҳам аллақачон хотирадан чиқарибсиз...

Чамаси қозондагининг «кўмир кони»га айланиши биринчи марта эмас шекилли, қайнонанингизнинг энсаси қотиб, хоналарига кириб кетибдилар. Агар биринчи марта бўлганида, ишончим комил, ҳар қан-



дай она, шу жумладан, сизнинг қайнонангиз ҳам кечирардилар. Хато қилганингиздан уялиб, қизариб турганингизда ёнингизга тушиб, тезда бошқа овқатнинг тадоригини кўрардилар, бўлган воқеани қайнотангизга, эрингизга сездирмасликка ҳаракат қилардилар. Бу икковингиз орангизда кичкина сир бўлиб қоларди. Қайнона-келин ўртасидаги бундай «сир»лар, агар билсангиз, уларни бир-бирига ишонадиган, суянадиган яқинларига айлантиради.

Кеча «сиз» дилингиз аллақачон «сен»га бориб қолгани учун ҳам андиша қилмадингиз. Ўзингизга алоҳида тухум пишириш ўрнига секин қайнонангиз олдига бориб, уялибгина «Вой, ойижон, шундай бўлиб қолибди. Яхшики, адажон йўқларида бўлди. Акс ҳолда бошимни қандай кўтариб юрардим-а?» десангиз олам гулистон эди. Шугинани дейиш билан қайнонангизни ўзингизга яқин олаётганингизни, у кишидан паноҳ излаётганингизни, бу уйнинг кишиларини, айниқса, уйдаги эркакларнинг ҳурматини жойига қўяётганингизни кўрсатардингиз. Бу андишани кўрган онангиз уйдаги эркаклар олдига сизга «қалқон» бўлардилар.

Бундай қилиш хаёлингизга ҳам келмади. Сизнинг қалқонингиз «Эй, оч қолсангиз, қолаверинг, менга нима?» бўлди. Мен сизга айтсам, бу қалқон эмас, сизни бу уйга омонат қилиб қўядиган сабаб – жарлардан бири. Сиз билан уйингиздагилар масофасини тобора узоқлаштираётган жарлик! Лекин бу жар аввал сизнинг дилингизда пайдо бўлганини, кеча ва бугунги ошкор «сен» билан ифода этилаётганини тушунмаяпсиз, келингина қизим, тушунмаяпсиз!

Дугонангизнинг ҳам эришган «мартабаси» шу. Ишқилиб эри кечқурун уйига қайтармикин? «Мама»сининг қизига яхши ниятлар билан қилган ка-

равотидан дутонангиз «Иди!» деб бездириб қўйди. Энди эри онасининг бағрига қайтиб кетмасмикин? Онасиникига қайтишга номус қилиб, ишдан қайтаётганида ўзига алоҳида каравот олиб келса-чи? Ундан ҳам баттари, «Иди!»ни қайтиб эшитмаслик учун аллапайтгача кўча кезса, улфатчилик домига шўнғиса-чи? «Сен»нинг касрини кўряпсизми, қизим?..

Йўқ, автобусда мен у келинлар билан мунозарага киришганим йўқ, албатта. Демокчи бўлганларимни ҳам мана сизларга айтиб турибман. Чунки бундай мисоллар турмушда кўп учрайди. Ачинарлиси шундаки, баъзан оилада йилт этаётган бундай мисоллар, айниқса, ёшларимиз фикрининг саёзлиги, нутқининг тобора нўноқлашиб бораётгани маданияти ҳаминқадарлигини ошкор қиляпти. Эсиз-эсиз деймиз...

Сизларнинг ичингиздан шундайлар чиқмаса хурсанд бўлардим.

Дуо: *Илоҳим меҳр-муҳаббатли дилингизнинг кўзгуси бўлган «сиз» тилингиз «сен»га бормасин. Чиройли бахтингизнинг яратувчиси ҳам, қалқони ҳам бўлган тилингизнинг ўттиз икки посбони ҳамиша сергак бўлиб, қалбингизга доғ туширмасин! Омин!*

СИЗ – ОНАНГИЗ ҚАЙТАРИҒИСИЗ

Бугун суҳбатимизда сиз эрта-индин дуч келади-ган ва балки сизга ғалати туюладиган айрим удумларимиз ҳақида қисқа тўхталиб ўтмоқчимиз. Сабаби...

Келинбарорда қолган аёлларнинг зериккандан ёки тунни тонгга улашнинг чорасини излаганларидан эмас, келингинанинг қулоғига кирсин, чилаллик уйда унинг қалбида турғун бўлиб қолсин, деган ниятда ижросига жон дилдан киришадиган удумларимиз кўп:

Келин ва куёвни муқаддас Қуръони Карим китобига тикилтириб, чин дилдан яхши ниятлар тилашга ундаш...

Келиннинг файзли-фариштали она бўлган даврини олдиндан «башорат» қилгандек, унинг қўлига бир жуфт нон ва ширинликлар бериб, унинг боши узра майин алла айтиш...

Қизини узатиб келган онага «Бу ер ҳам энди ўз уйингиз, қўниб ўтар бир работингиз бўлди, тортинмай келиб туринг, доимо иззатда бўлинг!» дегандек қудаларга нонушта тортиш...

Эрталабки салом-ку алоҳида таърифларга лойиқ урф...

Аmmo гапнинг рости, бугунги суҳбатимизга сабаб бўлган кўрганим бир воқеадан, эшитганимдан кўнглим тўлдигина эмас, тўлқинланда ҳам.

Куни кеча қариндошимиз келин туширдилар... Она бўлмиш қизини бағрига босиб, у билан хайрлашар экан, эрталабда «Келин салом»га чорлаб чиройли тўртликлар айтган аёл яна байтлар бошлади. Шеърда оналик меҳри билан ҳаёли-иболи, илмли-билимли қиз ўстириб, бахти очилгач, учирма қушдек узатган онанинг қизи билан хайрлашув пайтида қизига деганлари ифода этилган эди:

Сурнайларнинг навосию
Карнайлар жарангида.
Нур юзликлар дуосию,
Оқ тилаклар баргида,
Чин уйингга олиб келдик,
Суюклигим, яхши қол!

Оқ тонгларим орзусида
Кўрган маскан – шу эди!
Аллаларим таъриф этган
Асқ қасринг – шу эди!



Таъзим айла соҳибларга,
Яшнар қизим, яхши қол!

Чин уйингга, аслзодам,
Ярашганинг рост бўлсин!
Тилакларинг кўп хайрли,
Муродинг ҳосил бўлсин!
Туб қўйгин, палак отгин –
Ўчмас изим, яхши қол!

Бахтинг – шунда, тахтинг – шунда,
Саодат бисёр бунда.
Сенда бўлса ҳаё, иффат,
Садоқат кўмиқ бунда!
Муруввату табассум-ла,
Излаб топгин, яхши қол!

Муҳаббатинг – чин қуролинг,
Сабр-тоқат унга эш.
«Ассалом!», «Хуш кўрдик биз!»
Ёдингдан чиқмасин ҳеч!
Келин бахти – тилдадир,
Ширин сўзим, яхши қол!

Не бор яхшим – сенга бўлсин!
Қанот бўлгай умрбод.
Хатоларим менга қолдир –
Қаддимни айлама дол!
Толейингни Аллоҳ берсин,
Қайтаригим, яхши қол!

Билгил, довон орти довон,
Сўқмоқ сўнгги албат равон.
Ирмоқ охир бўлур уммон,
Чунки: «Сабр тағи – Раҳмон!»,

Дуо билан Шамсга эриш,
Моҳим қизим, яхши қол!

Қўшганинг-ла қўш қаригин,
Йўлингиз – ойдин чироқ!
Аямасин сиздан фарзанд,
Ҳам давлатин Раббим Аллоҳ!
Қизлар – она қайтариғи,
Битмас умрим, яхши қол!

Чин уйингга, аслзодам,
Ярашганинг рост бўлсин!
Тилакларинг кўп хайраи,
Муродинг ҳосил бўлсин!
Пойинг узра очилсин гул –
Ўчмас изим, яхши қол!

Эшитганимда бир менинг эмас, кўпларнинг дили ҳам яйраган, ҳам ғалати бир ҳолатга келганди. Ҳамма аёлларнинг кўзлари ёшга тўлди. Аммо бу ёш на дув тўкилмади, на келган изига қайтиб кетмади. Назаримда, бунда йиғилган қиз-аёлларнинг кўпчилиги янги келин бошида кўп синовлар борлигини ўйлар, бундан муносиб ўтганлар қалбида аёл қисматига бардоши, шукрини чуқур ҳис қилар, ёшлар эса улардан кам бўлмасликлари кераклигини англаётган дам эди.

Эшитганимдан бери унута олмаётганим бу шеър халқ оҳанглирида, урф-удумларимиз кайфиятида битилгани учунми кишиларга ўз кўнглига бир назар ташлашга даъват этарди. Унда биз кўришни, эшитишни истаган нарсалар айтилаётгани учун шунчалик таъсирчандир балки.

Шеър гарчи узатилаётган қиз ва қиз узатмиш она учун энг ҳаяжонли дақиқалар ҳақида бўлса



ҳам, она сўзидан шу кунларга етиб келгунича у қизини том маънода муҳаббатли, ифбатли, меҳрибон, иродали, тоқатли, вафодор, бир сўз билан айтганда, онанинг юзини ерга қаратмайдиган қилиб ўстирганига ишора бор. У ана шу «ўчмас нишонини» шукроналик билан «бир жойга», «чин уйига» қўйиб қайтяди. Иккинчи томондан она, қиз ўстирган оналарга хос халқона одобни ҳам маҳкам ушлаб турибди. Ҳайрон бўларлик жойи йўқ.

Уйида қизи вояга етаётган оналарнинг ўзига хос одоби бўлиши керак. Қиз уйига келган совчилар биринчи навбатда шунга эътибор берадилар. «Онасини кўриб, қизини ол», деган гап бор-ку ахир. Агар қизнинг онаси «Мен қизимни фалон жойда ўқитдим, фалон едирдим, фалон кийдирдим!» деб турса, ўз қизининг бахтига ўзи зомин бўлиб қолиши мумкин.

Эшитган шеъримда аёл зотининг томирига илиқлик олиб кирадиган нарса ҳам айнан шу – она қизига: «чин уйингда» қоляпсан, биз сени гулдек авайлаб ўстирган уйимизда меҳмон эдинг, бу чин уйинг эса – бўстон, сен унга жуда ярашдинг, сўзингни ассаломдан бошлагин, келиннинг бахти тилида бўлади, муҳаббатингни авайла, рост сўзла, хизматдан оғринма, юзимни ерга қаратма деяпти. Сатр тагида эса она буни қизига аввалдан сингдириб боргани сезилиб турибди. Қизига қаттиқ ишонапти ҳам.

Қиз боланинг момоларимиз айтмоқчи «бировнинг хасми» эканини билган ақлли оналар қиз томирига кибр аралашувига йўл қўймайдилар. Шу гапга эътиборингизни алоҳида қаратмоқчиман.

Кўпинча «бой жойга келин бўлди», «ўзи бойвачанинг боласию пастроқ жойга тушиб қолди» кабиларни эшитиб қоламиз-а? Сиз келин бўлиб бораётган жой қандай?

Ақлли оналар ўзлари қанчалик бой бўлмасин, қизларини бу уйга эмас, «чин уйга» болалигиданоқ меҳрли қилиб ўстирадилар. Агар сизни ҳам шундай тарбиялашган бўлса, сиз бир ёш ниҳол сифатида борган жойингизда тез илдиз олиб, гуркираб кетишингиз осонроқ бўлади. Бу фазилатлар қалбингизда келин бўлгунингизгача шаклланган бўлиши керак.

Қизи келин бўлган, уни чин уйида қолдириб келаётган онанинг кечмишлари туғёнини ҳеч бир асбоб билан ўлчаб бўлмайди дейишади. Лекин қизнинг онаси ҳар бир асаб толасини тизгинлай билиши ҳам керак.

Аввал айтган бўлсак ҳам яна такрорлаб қўяйлик: кексаларимиз қудалар уйини «ўзга юрт», «ўзга қўрғон», «ўз подшоҳи, ўз аъмоли бор ўзга мамлакат» деб аташади. Бу бежиз эмас. Қизини эсли-хушли, меҳрли, тоқатли, сабрли ўстирган оналар «ўзга юрт»нинг ички ишларига асло аралашмайдилар. Аммо қизларига бу янги юртнинг яхши томонларини кўрсатиб, уларда меҳр уйғотишга ҳаракат қиладилар.

Аммо қизи уйига аралашган оналар ҳам кўп. Кузатувларимизга асосланиб айтиш мумкинки, бундай оналар аксарият ҳолларда қизлари тарбиясида ўзлари йўл қўйган хатоларни яшириш учун ёки қизнинг тарбиясидаги оқсоқ томонлари юзага чиқиб, панд бериб қўйишидан чўчиб аралашадилар. Шу ўринда бир муаллима дугонамининг сўзлари эсимга келди:

– Баъзида уйга келгач, берган дарсимизнинг заиф томонларини пайқаб қолсак, эртасига шуни киши билмас тўғрилаб кетамиз... Аммо қизини узатган оналар қизи келин бўлгач, унинг ҳаётини «кейинги дарс» деб, унга сабоқ беришни давом эттира олмайдилар. У ерда бошқа муаллимлар бор...

Яхши ўхшатиш-а?!

Авалло қиз ўстираётган онада, отада қизининг тақдир илоҳий битган ерда ўзидан тиниб-тинчиб, ўсиб-униб кетиши ҳақида яхши ният бўлсин! Она қизига сеп йиғмасаям майли, юрагини яхшилиқ билан тўлдирсин, назарини тўқ қилсин. Қизига берган мол-дунёни чамалаб кўрилса, янги оиланинг кўражак фаровонлиги олдида урвоқчалиқ ҳам бўлмас. Лекин қилган молини пеш қилиш билан янги оила пойдеворини дарз кетказиш мумкин.

Ўзига эмас, ўзгага, «бировларга» меҳри, яхши ниятли қилиб қиз ўстирган кўксида шукроналик, оқилалиқ илдиз отган, ўз «ўчмас нишонлари»нинг бахтли бўлишини чин дилдан тилаган оналар битдилармикин бу таъсирчан байтларни?

Дуо: *Ҳаммангизга ҳам оналарингизнинг чиройли орзуларига муносиб яшаш насиб этсин! Ҳар бирингизга оналарингиз шукри, сабри, орзу-умидидан юққан бўлсин! Оналарингизга, яхши умид ва орзуларга тўла келажак авлодга муносиб яшашга қувватни тоза қалбингиздан олинг!*

ҲАВАСДАН ҲАСАДГАЧА...

Бугунги суҳбатимиз сизга ғалатироқ туюлмасин. Янги ҳаёт остонасида турибсиз. Тўйдан кейин ҳаётингиз ҳақиқатдан ҳам тубдан ўзгаради. Янги кишилар, янги туйғулар, янгича муносабатлар, янгича тушунчалар... Ҳаётга бошқача қарай бошлайсиз. Ҳатто ўзингиз бундан буён кўп дуч келадиган ҳавас билан ҳасадга ҳам...

Аслида ҳавас ва ҳасад ҳам худди оқ ва қора, яхши ва ёмон, эзгулик ва ёвузлик каби бир-бирига қарама-қарши тушунчалар. Аммо улар ораси...

Элда «Ҳавасдан ҳасадгача бир қадам!» деган гап бор. «Ҳавас билан ҳасад оралиғи – қош билан кўз



ўртаси!» ҳам дейишади. Қош билан кўзнинг ўртасида эса ҳеч масофа йўқ. Бошига тушганлар: «Бу гаплар бекормас!» дейишади.

Умрингизда бирон марта бўлса ҳам бировга ҳавас қилмаган бўлишингиз мумкин эмас. Бундай бўлмайди. Ҳавас инсонни илгарилашга, камолга етишга, руҳан кўтарилишга ундовчи қувватлардан бири. Том маънодаги ҳавас ҳамиша ўз-ўзидан ва четдан рағбат олиб келган.

Ҳасад эса жуда ёмон туйғу. Кишини гуноҳ ишларга ундайдиган, қалбни занг бостирадиган, эркин нафасни бўғадиган қабих туйғу. Ошкор бўлса, одамни ерга урадиган ҳам у.

Эсланг: «Қара, анави қиз қандай яхши экан, сен ҳам унга ўхшаган одобли, озода бўлгин! Шунда ҳамма сени ҳам яхши кўрадиган бўлади»ни биринчи бор эшитганингизда сизда ўша қизга нисбатан ҳавас уйғонган эди-а?

Инсон шаклангунигача, ўзлигини муқим қилгунигача унинг диққатини яхшига қаратиб, дилида ҳавас уйғотишга ҳаракат қилинади. Бунинг яхши мевасидан ҳаммамиз ҳам баҳраманд бўлганмиз. Бува-бувиларимиз, дада-ойиларимиз панду насихатлари заминда яхшига эргашгин деган гап бор. Чунки бу маънавий тарбиянинг энг ишончли йўли, Одам Ато ва Момо Ҳаво яралганидан бери намуна қилиш ўзини энг оқлаб келаётган тадбиқ.

Шундай эмасми?

Яна эсланг: синг.дошингиз янги, чиройли кўйлагини биринчи марта кийиб келганда сизда пайдо бўлган фикр: «Мен ундан аълочироқ бўлсам ҳам, нега менга шундай кўйлак олиб беришмайди?» бўлди-а? Кейинчи? Кейин сиз киши билмас дугонангиз кўйлагининг этагига доғ ҳам туширдингиз, гўё унинг ўзи ёмон ерга ўтириб олгандек... Бу энди



сиздаги ҳасаднинг қабиҳ кучи эди... Ақлингиз етмаган-да... Нимага ақлим етмади дейсизми?

Кишилардаги яхши фазилатларни намуна қилиб кўрсатиш – уларнинг «сиздан ортиқ» яратилганининг белгиси эмас асло. Ҳар бир инсон ўзича қайтарилмас бўлиб яратилади. Дунёда неча миллиард одам бўлса, ҳар бири алоҳида, бетакрор дир. Аммо бунинг фарқига бориш учун кишида етарли ақл, мулоҳаза бўлиши керак.

Фаросатли одам «Фалончига қара!» дейилганда унга кўр-кўрона эргашишдан олдин унинг барча яхши-ёмон томонини тарозининг икки палласига солиб кўради. Агар намуна қилинаётган кишининг «минуслари» кўпроқ бўлса, дарров қувониб кетмасдан, аввало ўзидаги ўзига хос «ўз»ни, яхши, бошқаларда йўқ фазилатларини кучлантиришга киришади.

Ҳар бир инсон том маънода ноёблигини унутманг! Сизнинг ўзлингизни топишда ёрдам берадиган, қалбингизда ҳасад деган балонинг ин қуришига йўл қўймайдиган куч айнан шу – ноёблигингизни англашингиздир. Гар ақлингиз бўлса, буни тез тушуниб етасиз, албатта.

Онглиликка, ақллиликка бекор урғу қилаётганимиз йўқ.

Ўйланг: кимга ҳавас, кимларга эса ҳасад қилдилар?

Аслида ҳавас ҳам, ҳасад ҳам тенгсизликдан келиб чиқаётганини илғаяпсизми? Негаки, бирон кишида ўзингиздан устунроқ томонни кўрсангиз, унга ҳавас қиласиз. Шундай эмасми? Ўзингиздаги ўзликни унутмай, маълум даражада шу устунликларни ўзингизда ҳам ниш олдирсангиз, бундан янада бойиётганингизни сезсангиз – бу ҳавас.

Борди-ю ўша тенгсизлик сизнинг одамийлигингиз синовига айланса, яъни шу бировда кўраётган



устуналикларни тақдирнинг адолатсизлиги деб би-
лаётган, ичингизда «Нега худо унга бериб, менга
шу нарсани раво кўрмади?!» деяётган бўлсангиз-у,
бу муттасил вужудингизни кемираётган бўлса-чи?
Бу тенгсизлик туйғуси дилингизда аста-аста йиғи-
либ, аввал ўша одамнинг ҳар муваффақияти ға-
шингизни келтириб, бора-бора бир кун ўша одамга
нафрат бўлиб портласа-чи? Бу энди – ҳасад! «Ҳа-
вас билан ҳасаднинг ораси – қош билан кўзнинг
ўртаси!» дейишганини, худо сизни ҳам ноёб қилиб
яратганини унутдингиз-да! Ақл кетиб, сиз ҳатто-
ки ўзингизда ҳам бошқалар ҳавас қилса арзигу-
лик томонларингиз кўплигини, яъни ўзлигингизни
унутиб қўйдингиз.

Ақлингиз бўлганида, ичингизда ҳасаднинг олов-
ланишига йўл қўймас эдингиз. Аввал бошидан ха-
ёлингизни бир жойга тўплаб, «Шу одамнинг қайси
томонларига ҳавасим келяпти ўзи?» деб ўйлаган
бўлардингиз. Ақлингиз бўлганида ҳаваснинг ҳа-
садга айланишига йўл қўймаган бўлардингиз.
Чунки одам жуда ловиллаб турганида ақл уни
анча совитади!

Ақл шундай кучки, совуққонлик билан «Ўша
аёлнинг нимасига ҳавасим келди ўзи?» саволи
билан ёнма-ён «Шу ҳавас қилганларим менга жу-
даям керакми ўзи?» саволини ҳам қўярди. Совуқ
ақл билан ўйланг ахир: ёшингиз бир жойга бориб
қолган бўлса, яна «лўмбиллагангина» бўлсангизу,
нозик-ниҳол келинингизнинг башанг кийинишига
ҳавасингиз келиб, юрагингиз ўртаниб турса – бу
келишмаган қилиқ-ку! Ҳа, совуқ ақл сизга ҳасад
остонасидан ўтишингизга йўл бермайди.

Борди-ю совуқ ақл кимнингдир нимасигадир
ўринли ҳавасингиз келаётганини тасдиқласа-чи?
Унда ўша ақлнинг ўзи чора ҳам топиб беради.

Дейлик, ишда ҳамхонангизнинг ишга жон-жон деб келиши, куни билан бир дунё иш қилса ҳам, чарчамай яшнаб юриши, ҳамма билан кулиб муомала қилишига ҳавасингиз келади. «У – ўз жойида!» дейсиз ўйингиз якунида.

Совуқ ақл сизга ўзингиз ҳақингизда бунинг тескарисини айтади. Ишга бўйнингиздан арқон солиб судрагандек зўрға келасиз, дам-бадам соатга қарайсиз, кунингиз мазмуни эмас, куннинг ўтгани – бирдан-бир қувончингиз. Ҳар куни шу. «Жойингда эмассан-да!» дейди совуқ ақл сизга.

Лекин шу ишхонанинг ўзида, ҳув нариги хонада сиз онда-сонда учрашадиган аёлнинг иш юриши раҳингизни келтиради. «Мана бундай қилса-ку – олам гулистон!» – хаёлан ақл ўргатасиз унга. Сиз шу ишларни тез ва соз бажарган бўлардингиз. «Сизнинг жойингиз – шу!» – яна хулоса қилади ақл.

Балки иш жойингизни ўзгартирганингиз, ҳалиги ҳавасингиз келган ҳамхонангиз каби фақат «ўз жойингиз»да ёниб ишлаганингиз маъқулдир? Бунга эришсангиз, бу ҳам ақлнинг сизга ёрдами – ҳаваснинг ҳасадга айланишига йўл қўймай, сизга йўл кўрсатгани.

Ҳа, ҳавас... ҳасад...

Иккиси ҳам у ёки бу даражадаги тенгсизликдан пайдо бўлади дедик. Сиздан устунроққа ҳавас қиласиз, агар мулоҳаза қилмасангиз, у ҳасадга айланиши ҳеч гап эмас экан. Мулоҳаза кишига ҳаммаша керак.

Дейлик, мана сиз талабасиз. Тасаввур қилинг: Сиз ҳам, дугонангиз ҳам яқиндагина турмуш қургансизлар. Неча ойдирки дугонангиз танаффусларда гуруҳ қизларининг ҳавасини келтириб, ўз бахти ҳақида бетиним гапиради. Ҳали эрининг кеча қилган савдосининг ярмини унга сарф қи-

либ, зўр «готовий» кўйлак олиб бергани ҳақида... Ҳали шу замонда эл оғзида бўлган фалончининг концертига олиб боргани, ҳали бўйнига солиб кўйган тилло занжир ҳақида, анжомлари, упа-элик ҳақида-ку гапирмаса ҳам майлига: ётоғидаги трюмоси олдида уларни кўйишга жой қолмаганмиш... Шунақа мақтанчоқ дугоналарингиз йўқ эмас-а атрофингизда?

Сиз эса индамайсиз. Ҳаётингиз бошқачароқ. Сизнинг эрингиз олий мактабни битириб, эндигина ишга тушган. Сизга ҳам, унга ҳам «ақд ўргатувчилар», яъни қайнона-қайнотангиз, қайинбўйнингиз бутунлай бошқача тоифадаги одамлар. Улар дугонангиз оламидаги, ўша хонадон муҳитидаги «орзу-ҳавас»ларни тушунмайдилар ҳам. Уларнинг орзу-ҳаваси бўлакча. Сизга ҳам айнан шундай муҳит ёқарди, аслида худди шундай хонадонни орзу қилган эдингиз. Қайнонангиз, қайнотангиз суратию сийрати ҳам кўзингизга салобатли кўри-нишарди авваллари. Улар паноҳида ўзингизни хотиржам ҳис қилардингиз. Лекин...

Беихтиёр дугонангизнинг оғзини кўпиртириб гапирган гапларига сиз ҳам қулоқ соласиз. Айрим «ишонувчан» дугоналарингиз каби бу гапларнинг ҳаммасига ишона бошлайсиз. Аста-аста дугонангизнинг турмуш ўртоғи кунда олиб келадиган совғалар сизга ҳам «ҳақиқий бахт» мезони бўлиб туюла бошлайди...

Сизга айнан шулар етишмаётгандек кўринади! Кўнглингиз чўккан кунлар ҳам кўп бўлди-а? Ҳавасми, ҳасадми ичингизни роса кемирди-а?

Оҳ, у дақиқаларнинг оғирлиги!

Бу ҳасад деганлари шунақанги қора ҳиссиёт эканки, ичингизда шамдек нурни ҳам қолдиргиси келмаса-я!



Ҳартугул ўз бахтсизлигингизга ўзингиз аза очиб улгурмасингиздан дугонангизнинг ниқоби очилди. Унинг ўзи хаёлида ясаган ёлғон бахт кошонаси қулади, кунпаякун бўлди!

Қаранг-а, «эрим бўйнимга солди» деб мақта-ниланган тилло занжири қайинсингилдан «прокат-га» олиниб, қайнонанинг «Ўзимники деб, дугоналарингиз кўзини бир ўйнатинг!» деб зўрлаб тақиб қўйилган, савдонинг ярми сарф қилиниб олиб келинган кўйлақлар дўкондаги анча камомадни ошкор қилган... Хуллас...

Хуллас «топармон» эрларнинг муомаласи ҳам бўлакча, оналари-ку нақ «губернатор» бўлишади», деб эшитган гапларингиз мағзини энди тушуна бошладингиз-а? Бундай шароитга чидаганлар чидайди, чидамаганлар...

Дугонангиз ҳозир боласи билан бирга отасининг уйида...

Ниҳоят... Қайнона-қайнотангиз салобати кўз ўнгингизда яна ҳам юксалди. Ва ниҳоят, эрингиз ҳам аввалгидек кўзингизга бошқача, ношуд эмас, бирам яхши кўрина бошлади-а? Бир-бирингизни қайтиб топганингиз, меҳр ришталари энди жуда мустаҳкам боғланганини ҳис қилганингиз рост бўлсин!

Сиздаги бу ўзгаришларни ёлғиз ўзингиз қилганингиз йўқ. Айнан янги уйингиздагилар ёрдами билан «Нега худо бировларга ҳамма-ҳамма нарса ни раво кўради-ю, бошқаларга эса ҳеч нарса бермайди?!» деган туби йўқ савол дилингиздан анча нари кетди. Ниҳоят, ҳасад кўпинча ақлсизлар дилига ин қуриб, унинг ичидан туриб бахтингизни кемиришига тушуниб етдингиз. Ниҳоят, ҳасад ҳавасингиз келаётганлар ҳаётининг фақат ташқи суратини ялтироқ кўрсатишини, бу ялтироқлик аксарият ёлғонлигини тушуниб етдингиз.

Энди бировга ҳавас қилишдан олдин ўз-ўзингизга кўплаб саволлар берасиз-а? «Топармон»ларнинг ҳаммаси ҳам меҳрибонми? Дугонангиз эрининг бир челақ сувни кўтариб юборишганини эслай олмади-ку! Шунда турмуш ўртоғингизнинг сизни «сиз»лаши эсингизга тушди-а? Умуман, унинг бошқаларга ўжшамаслигини, унинг ишонса, таянса бўладиган томонлари кўплигидан дилингиз яйраб кетди-а?

«Бахт фақат пулдами?» ўйлаяпсиз энди. Тобора мулоҳазакорроқ ҳам бўлиб боряпсиз. Ниҳоят чиқарган ҳулосангиз жуда оддий бўлди: бошқалар нимагадир эга бўлса-ю, шу сизда бўлмаса, «шунга ҳам қулоғимни қирқиш шартми?» деб ўйлаяпсиз. Қаранг-а, илгаригидагидек энди ичингизни «ит тирнамаяпти» ҳам.

Ниҳоят, атрофда сизга ҳам ҳаваси келаётганлар борлигини сеза бошладингиз. Аммо бундан нигоҳингиз ҳамон тиниқ, қалбингизни ҳам ғурур лойқалатмаяпти. Ўзингизни мутлақо «бошқача» ҳис қилмаяпсиз. Ноўрин ғурур асло сизни ёлғизлатиб, атрофингиздагиларга бегона қилиб қўймапти. Биласизми нега шундай? Сизда ақл, мулоҳазакорлик аллақачон ниш уриб бўлган-да! Мақтаниш, «бурун кўтариш» сизга ярашмаслигини тушунганингиз сари, ҳавас қилаётганларга яқинроқ бўлишга, оддийроқ муомала қилишга ҳаракат қиляпсиз.

Сиздаги ақл, мулоҳазакорлик доим бошқаларнинг камчилигини атай уларнинг юзига солиб туришингиз уларни камситиш билан тенглигини сизга эслатиб туради. Дугонангиз мақтанганида қийналганларингиз сизга яхши сабоқ бўлди-а! Сиз дугонангиз каби иш тутмайсиз. Аксинча, сизга ҳавас қилаётганлар диққатини Аллоҳ ҳар бир одамни қайтарилмас ўзлик билан яратганини англашга,



уларнинг ўзида ҳам ҳар ким ҳавас қилса арзийдиган фазилатлар бисёрлигига қаратасиз.

Ҳа, самимият, одамийлик, меҳр, оқибат ва яхши ҳавас кишини юксакларга кўтарадиган туйғу эканига инсон чин дилдан ишонганидан кейингина ҳасад киши ичидаги бор эзгулик ва шодликни кемирувчи туйғу эканига ишонч ҳосил қилади.

Ҳа, ҳавас... ҳасад... Улар ораси бир қадам...

Озгина ақли, озгина ишонувчан, озгина мулоҳазакор бўлсангиз, ичингиздаги чироқни ўчирувчи қора кучни енгишга ўзингизда қувват топасиз.

Дуо: *Омин! Илоҳим яхши кишилар, яхши фазилатлар, эзгу ишларга ҳавасингиз бахтингизни барқарор қилсин! Илоҳим яхшиларга ҳавас дилингизни равшан қилиб, йўлингизни нурли қилсин! Ҳавас қилса арзигулик яхшилар ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин! Аллоҳу Акбар!*

МЕНИКИ... СЕНИКИ...

Меҳмонлар тарқалишгач, қайнона келинларига деди:

– Набираларнинг уйқуси келибди. Эркакларнинг ёрдам қиладиган иши қолмаган бўлса, эрингизни ва болаларингизни ётқизиб чиқинглар. Мен унгача дадангизга бир пиёла чой дамлаб бераман. Кейин тезда ишлатилган чинниларни ювиб, жой-жойига қўямиз. Бўлақолинглар...

– Ойижон, анча кеч бўлиб қолди, сиз ҳам бамайлихотир кириб ётаверинг, овсиним билан ишни айтганингиздан зиёда қилиб бажарамиз, – деди катта келин.

Унга қайнонадан олдин кичик келин жавоб берди:

– Ойим бизни контрол қилиб туришни яхши кўрадилар. Иш битмагунча ётмайдилар ҳам,



ётқизмайдилар ҳам. – Унинг овозида истеҳзо аниқ сезилиб турарди. Норозилигини яширишга ҳам уринмас, қовоғи тунд эди.

«Осмон жин юзидек қорайди ўнгиб» – хаёлидан ўтди қайнонанинг.

Яшириб нима қилади, агар «менинг ҳам ёрдамим тегсин», деб қарашиш баҳонасида ҳақиқатда ҳам келинлар олдида гувраниб турмаса, кичик келин шу кириб кетганича қайтиб чиқмайди. Катта келиннинг бир ўзига шунча иш оғирлик қилади. Эрталаб ишга боради бояқиш... Қайнонасининг феълига тез тушуниб қолгани учун, мана, тушганига неча йил бўлган бўлса, ҳар меҳмондан кейин бир оз уйқудан қолса ҳамки, ҳамма ишини қилиб, хотиржам уйига кириб кетади.

Ҳали чоли бир пиёла чойини ичиб тугатмай, кичик келин биринчи бўлиб чиқди.

– Тойчоғингизни адасининг ўзлари ухлатар эмишлар: «Сиз оймигиларга қарашиб юборинг!» дедилар. Бу уйда ҳамма иш қилдиришни яхши кўради! Меҳмонлар йигирма кишига яқин бўлишди. Шунча харажатнинг бири, идиш ювадиган ходим олиб келинг, десам, ўғлингизга ёқмади. Бозор тўла шундай аёллар, бирпасда ювиб ташларди ўшалар...

Қайнонанинг чап қоши бир оз кўтарилди. Энди жавоб берай деб турган эди, ичкаридан катта келин чиқиб деди:

– Вой, овсинжон, катта тўй қилибмизмики, махсус идиш ювувчиларни айтиб келсак. Тағинам қайинсинглимиз билан кичик опоқимиз ҳамма ёқни йиғиштириб кетишди-ку. Барака топишсин. Тунда кир ювадиган машина сочиқ ва дастурхонларни ювиб, чайиб, сиқиб, ёйишга тайёр қилиб қўяди. Эрталаб дорга осиб қўйсак бўлди! Бу



ёғи ўзимиздан қочиб қутулмайди, келақолинг... Кейин... Ўша идиш ювадиганлар ҳам бизга ўхшаган аёллар. Билмадим, улар ишласа-ю биз ҳай-ҳай кийим кийиб саллоланиб юрсак... Биласизми, ўтган гал негадир улардан андиша қилдим...

– Нега уяласиз? Идиш ювиш – уларнинг иши! Қилган меҳнатининг ҳақини олади, бекорга ишламайди-ку!

– Билмадим, овсинжон, уларнинг ҳам бола-чақаси, уйи, эри бор...

– Ҳа, бизга кўз тегади деб кўрқасизми?

– Нега кўрқаман?! Ўзимизнинг идрокимиз, вақтимиз, имконимиз етиб, қилишимиз мумкин бўлган ишга мардикор солсак, яна улар аёллар бўлса, одам андиша қилади-да! Бунинг болалар тарбиясига ҳам таъсири яхши бўлмаса керак. Қолаверса, ўша аёллар уйига боргунча ўкинмайдими?

– Қизиқсиз-а?! Бировнинг ўкиниш-ўкинмаслиги билан нима ишингиз бор?! Бўлмаса улар ҳам сизга ўхшаб ўқишсин, олий маълумотли бўлишсин эди! Нима, биров уларнинг қўлидан ушлаб турибмиди ўқийман деганида? Сиз билан менга ўхшаб ўқисин!

– Бундай дейишингиз нотўғри, овсинжон! Ҳаманинг шароити ҳар хил. Мен шароитимиз шуни кўтараркан деб уларнинг кўнглини чўктириб, кўз ўнгида ял-ял юришимиз чиройли эмас, деб айт-япман. Қолаверса, шу арзимас ишларни ўзимиз қилсак, ҳарна оила бюджети озгина тежалади, уни бошқа бирон зарур жойга ишлатамиз. Эрта-индин болаларнинг мактаби очилади...

«Худоё покиза кўнглингдан топ!» – қайнона ичида катта келинни алқади.

– Вой-бў! Қачондан бери болаларингизга тежалган пулни харж қиладиган бўлиб қолдингиз?!



Кичкина келин овсинига гал уқтиролмаслигини англаб, иссиқ сувни буради-ю тахланиб турган ликобча ва косалар ичидан ўзиникини ажратиб олиб, сув тагига қўйиб тез-тез юва бошлади.

– Озгина идиш ювиш кукунидан қўшинг, болам, ёғли идишлар тоза бўлади, – деди қайнона.

– Ҳеч нарса қилмайди! Барибир кейинги меҳмондорчиликкача сервантда туради. Сизни билман-ку, кейинги гал ишлатишдан олдин албатта тозалаб ювдирасиз...

«Ҳа-а, айрим феълимни яхши ўрганибсиз!» – хаёлидан ўтди қайнонанинг. У олдига ўзининг кенг фартугини боғлади-да келин юва бошлаган идишларни тоза сочиқ билан артиб, столнинг бир чеккасини очиб, ўша ерга тахлай бошлади.

– Қўяверинг, ойи, ўзимникини ювиб, тозалаб, кириб кетаман, эрталаб ўқишга боришим керак...

Қайнонанинг чап қоши яна бир кўтарилиб тушди.

Ёшлигида бувисидан эшитгани бор эди. Қадимда мис билан олтинни ажратишда сир тоши деган нарсадан фойдаланилар экан. Сир тоши мисга теккизилса, миснинг ранги кўкимтир тусга киради. Сир тоши олтинга теккизилса, олтиннинг ранги ўзгармас экан. Қанийди, одамзоднинг ичидан ҳам билиб берадиган шундай сир тоши бўлса-ю, соф олтин билан мисни фарқлаб берганидек, одамнинг ҳам яхши-ёмонлигини, сахий ё бахиллигини, оқибатли ёки қизғанчиқлигини аниқлаб берса, хаёлидан кечди қайнонанинг. Яна ичида ўзига ўзи таъкидлади: «Эр ўзин сўз бирла бор қилди йўқдан». Ҳа, одамзод бир ҳаракати, бир сўзи билан ўзини намоён этади. Одам учун сир тоши – унинг сўзию амали эмасми? Аммо ташида келинига «Мис чиқиб қолдинг-ку!» демади.



– Бу хонадонга келган меҳмоннинг сеники-меникиси бўлмагани каби, уларга хизмат қилган идишларнинг ҳам сеники-меникиси йўқ, болам, – зардаси қайнаганини сездирмаслик ва қайнотага эшиттирмаслик учун атай секин деди қайнона. – Ўзингизникини айириб, қолганини қайси юз билан опангизга ташлаб кетасиз? «Ол, керак бўлса ювиб ол!» деганингизми бу? Бу чиройли иш эмас, болам!

– Кексаларга ақл ўргатиш бўлса! – Кичик келин зарда билан ликобчани қўяётган эди, қўлидан отилиб кетиб, чил-чил бўлди. Дастадаги бир-икки ликобчанинг ҳам чети учди.


– Бу ақл ўргатиш эмас, болам! Борингки, шундай бўлса, билмаганингизни айтиб турсак ёмонми? Ахир шу ишларни бугун саранжом қилиб ётсак, эртага эрта билан ўзингиз, овсингиз ёруф юз билан ишга, ўқишга кетасизлар...

– Ўзбеклар ҳам қизиқ! – Кичик келиннинг бутун авзойидан «Жим турсанг-чи!» ёғилиб турар, аммо буни қайнонасига айтолмасдан, синган ликобчаларининг аламини бошқа нарсадан олишга ҳаракат қиларди. – Ота-онаси қизига бир дунё мол-мулк қилади, бу ёқдагилар уни аямай ишлатиб, тез орада синдириб йўқ қилади, – у ликобча учқунларини териб, ахлат челақка солар экан, тўнғиллашини қўймасди.

– Қизига асбоб қилганида оналар ичида «Қизим дастурхонлик бўлсин, меҳмон-изломни чиройли кутсин, мулозаматли бўлсин!» деб орзу қилади. Назарингизда бир дунё мол-мулк билан келган бўлсангиз, уларни асрашнинг, мана бундай борни йўқ қилмасликнинг ўзига яраша шартлари бор. Илгари эшитмаган бўлсангиз, эшитиб, қулофингизга чиқмас қилиб жойлаб олинг! Келинлик сепининг умрини узоқ қилмоқчи бўлсангиз, аввало қилифингизни



равон, қўнглингизни юмшоқ, тил ва сўзингизни ширин қилинг. Шуларга риоя этмасангиз, зумда чинниларингиз ҳам чил-чил бўлади. Буни ҳозир ўзингиз кўрдингиз. Ўзини хонадонининг бошқа келинларидан бойроқман деб юрган келинлар ҳам катталарга хизматини, кичикларга ширин сўзини раво билмаса, аҳвол чатоқ. Бойлигидан гердайиб, кишиларни оёқости қилган, ўзидан бошқаларни менсимаган, феъл-атворини тўғри қилмаган кишидан бойлик ҳам кийикдек ҳуркиб қочиб кетади. Бундай бойликнинг баракаси бўлмайди. Дили равшан, камтар, ҳасаддан йироқ кишининг давлатига эса давлат қўшилса қўшиладики, камаймайди. Агар кишининг қилиғи суқ бўлса, кўзи оч бўлса, бошқаларга ғазаб қилса, қаҳр қилса, бундай одамларнинг қўлида дунё ҳам чил-чилдир. Э, нимасини айтасиз, ҳатто бойлик ҳам одам танлайди, болажоним! Бувим раҳматли дили равшан, эзгүликка тўлиқ кишидан бошқа кишиларга ҳар куни, ҳар соатда наф тегади. Буни у ҳеч маҳал миннат ҳам қилмайди. Бировга яхшилик қилганда ўзини кўзлаб бирон наф ахтармайди. Аммо худонинг ўзи бундайларнинг мукофотини беради, дердилар. Агар зориқиб турган одамга озгина нафнинг тегса, худо ҳам шуни ўн ҳисса қилиб қайтаради. Қарабсанки, сендан бой одам йўқ! Чунки бировга озгина нафнинг текканидан кўксинг кўтарилади, дилинг равшанлашади, деб таъкидлардилар. Бу гапларнинг нечоғлик тўғрилигини мана ҳозир ўзингиз мисолингизда кўрдингиз. Бировга эмас, ўз уйингиздагиларга бир оз қарашиб юборишдан оғринган эдингиз, саники-маникига борган эдингизки, мана чинниларингиз сони камайди, энг асосийси, ўзингизни ўта феъли тор, зиқна қилиб кўрсатиб қўйдингиз. Бу биринчи марта эмас, болам, ав-



валдан кўриб-билиб юрибман, чамаси ҳаммасини ўзингизга айтиш вақти энди келди. Жоним болам, буларни яхшилаб ўйлаб кўринг...

Кичик келин индамай овсини ёнига ўтиб, унга кўмаклаша бошлади...

Яқингинада ўзим гувоҳи бўлган бу воқеани сизларга бекор айтиб бераётганим йўқ.

Дуо: *Омин! Илоҳо феълингизнинг кенглиги, назарингизнинг тўқлиги нур бўлиб чехрангизга файз бахш этсин. Бу дунёда ҳар қадамингиз синов, ҳар кўргангиз катта сабоқ эканини англаб туриш туйғусидан, улардан сизни юксалтирадиган хулосалар чиқариш идрокдан бенасиб қилмасин!*

БИРЛАРИ – ҚУЁШ, БИРЛАРИ – ОЙ

(Уч йиллик келин иқрори)

Тасаввур қилинг...

Тўй ўтди... Эртасидан янги ҳаётингиз бошланади. Атрофингизда янги одамлар... Одатда, бир кунда ўтадиган тўй тараддудига кўп вақт сарф қилинади. Ундан кейинги ҳаёт, янги шароит, янги одамлар билан муносабат ҳақида эса кўп қайғурмаймиз ҳам.

Дастлаб нотаниш кўринган бу одамлар сизга бегона эмас. Келинг, бир ҳикоя айтиб берай...

Бола эдим... Кўшни аёл чиқиб ойим билан ҳасратлашиб ўтирарди:

– Бирон марта бўлсин «Ойи!» деганини эшитмадим-а?! Бегонаманми унга, оппоғойи, айтинг, бегонаманми? Қанча жафо чекиб келин қилганман ахир! Аёл боши билан у билмаса қадримни – ким билади?! Отаси насиҳат қилмабди, онаси ўргатмабди-да! «Қизим, у ердагилар ҳам бундан кейин сенга – ота, она!» дейишмабди. Тилларига тирсак чиқибдимми уларнинг...



– Эссизгина... «Келин бахти – тилида» деб шунга айтадилар-да...

Кўшни аёл чиқиб кетганига анча бўлган эди. Катталарнинг гапига қулоқ солишга одатланмаган эдик. Шунинг учун ҳам ойим ўша куни кўшни аёлни қандай, нима деб овутдилар, билолмадим. Ҳозирги гапни эса улар чамаси ўз хаёлларига якун ясаб айтдилар шекилли. Балки биз, қизларини эшитишсин деб, атай айтгандирлар. Опаларим ўшанда юқори синфларда ўқишар эди-да.

Ҳа, анча йиллар ўтди. У вақтда бола эдик, мана энди ўзимиз ҳам қайнона-қайнога, бува-буви бўлиб ўтирибмиз. Хўш, қайнона-келин муносабатларию оиладаги бошқа муаммолар ўзгардимиз? Ҳаммаси аввалдагидек...

Икки йилча аввал дарсдан чиқиб келаётсам, яқинда келин бўлган талабамиз мен билан маслаҳатлашмоқчи эканини, бир оз вақт ажратишимни илтимос қилди. Бўш аудиторияга кирганда келин шундай деб нолиб қолди:

– Тўйимизга бир йил ўтмасдан қайнонам ҳам, қайнотам ҳам жуда ўзгариб қолишган. Авваллари жуда меҳрибон эдилар. Дастурхонга ўтирганимизда доим олдимга уни-буни суриб қўйишарди. Тансиқроқ пишириқларни дастурхоннинг бир чеккасига ўраб, келгунимча илиниб ўтиришар эди. Ҳозир ҳамма нарса ўзгарган... Гўё мен йўқдекман... Турмуш ўртоғим эрта кетиб, кеч келадилар. Устоз, мен оиламга тобора бегоналашиб бораётганимни сезиб, даҳшатга тушяпман... Нима қилай? Онамга айтсам, икки оила ўртасига совуқчилик тушириб қўяманми деб қўрқяпман...

Гапнинг рости, келингинанинг мулоҳазақорлиги ёқди менга. Кўза синиб улгурмай, ташвишга тушибдимиз, худо хоҳласа, бахтини маҳкам ушлай-



диган қизлардан бўлади, деган ишонч билан чин дидан уч-тўрт марта суҳбат қурдик. Аниқроғи, опа-сингил бўлиб, турмушларини холис таҳлил этдик. Ўша келинимиз яқинда миннатдорчилик билдиргани атай келибди. Келинг, бор гапни шу келингинанинг ўзидан эшитайлик. Сабоҳатой, келинг, ўзингиз сўзлаб беринг...

– Устоз тўғри айтдилар, опа-сингилдек самимий бир сидра турмушимизни таҳлил қилгандан сўнг кўп нарсага бошқача кўз билан қарай бошладим.

Кўплар тилидан «Ойижон! Адажон!» сўзларини қўймайдиган келинларни «устомон, артист келин экан» дейишади. Аммо ютгандан тили ширин келинлар ютар экан! Чунки кексалар яхши гапнинг гадоси, уларга ширин сўздан бўлак ҳеч нарса керак эмас экан... Буни англаб етмаганлар турмушда кўп муаммоларга дуч келишади. Шуларнинг бири мана мен бўлдим...

Авваллари уйдагиларнинг менга бунчалик меҳрибон бўлганларининг асл сабаби менинг бу оилага янги келиб қўшилганлигим, уларга тез ўрганиб, ўз уйимдек ҳис қилишим учун эканлигини устоз айтганларидан кейин англадим. Тортинмаслигим учун қайнонам ва қайнотам уни-буни олдимга суриб қўйишар, ўғлилари, қизлари кўргани келганда олиб келишган нарсаларни емай, менга илинишар экан. Мен бўлсам буларни улар менинг бу уйга бойвачча келин номи билан келганим учун, мол-ҳолим тўқислиги учун қилишяпти деб ўйлабман. Калтабинликни кўринг... Бу меҳрлари учун мен уларга ҳатто раҳмат ҳам демасдим. Худди ҳаммаси шундай бўлиши керакдек. Билсам, улар менга меҳр кўргизиб, меҳр кутишган экан. Баъзи дугоналарим «уйимдаги кексаларни сийлай» деб у-бу ширинликлар олиб кетишса, менинг гашим келарди. Мен-чи...



Ўқишдан келишимни кутиб, илиниб ўтирган овқатларини ердим-у, раҳмат демай, идишни ҳам ювмай кириб кетардим. Дарсим кўплигини баҳона қилардим. Айвонда мўлтайиб қолишарди. Кейин қайнонам инқилаб (беллари оғрийди) туриб, ўзлари ювиб, дастурхонни қоқиб, тахлаб қўярдилар. Уйда бўлган кунларим ҳам уларни бирон тансиқ таомлар билан сийламасдим. Бир дамгина ёнларида суҳбатлашиб ўтирмасдим...

Шу тариқа секин-секин узоқлашиб боравердик. Аввал мен уларни пайқамагандек бўлсам, бора-бора уларга уйда бор-йўғим ҳам билинмайдиган бўлди. Қилмишимга яраша жазоимни олдим.

Кўзимни устоз очдилар. У киши «Боқиманда бўлиб қолибсиз-ку!» дедилар. Аввал жаҳлим чиқди. Кейин тушуниб етдим. Тўғри айтибдилар. Ундан ҳам баттар, тириктонувон бўлиб қолибман. Вақти-вақти билан одам ўзини таҳлил қилиб туриши кераклигини ўргатдилар. «Ўзингиз ўйланг... Сиз шу оилага келиб қўшилибсиз-у, бирон бир нарсага ўз ҳиссангизни қўшмабсиз... Йўлкира ва овқатингизга куёв берса, кексалар қўлларидан келганича қўнглингизга қарашса... Сиз нима қилдингиз, дедилар... Биринчи навбатда кексаларнинг қўнглини олинг, деб тайинладилар. Сизни уч йилдан бери биламиз, аммо сиз бундай эмас эдингиз», деб ўзимга четдан назар ташлашни ўргатдилар.

«Ота-онангизнинг иқтисодий мавқеи қайнона-қайнотангизникидан бир оз «баландроқ» бўлиши мумкин дир. Аммо бундай ҳол сизни уларга нисбатан такаббурроқ бўлишингизга сабаб бўла олмайди. Негаки биринчидан, ҳеч ким сизни шу хонадонга келин бўлишга мажбурлагани йўқ. Ўз ихтиёрингиз билан уларни ўзингизга тенг билиб келгансиз. Шунингиз билан бўлсангиз, шу ерда униб-ўсишни,



уларга яхши фарзанд тенгида бўлишни чин дилдан ният қилсангиз, такаббурлик, манманликни ўзингиздан йироқ қилинг. Негаки яхши фарзанд ота-онани ҳурмат ва иззат қилади. Асло улардан олдинда юрмайди. Ҳар сўзларини инобатга олади. Такаббур ва манман кишига сўз уқтириш эса баланд жойга сув чиқариш каби амримаҳолдир. Бирларини қуёш, бирларини ой билиб, улар «етовига юрсангиз»гина, сўзларини қулоққа олсангизгина, яхши табибнинг маслаҳатларига кирган бемор тез тузалиб кетгани каби, сиз ҳам ўзингизга кўп манфаат келтирасиз. Яъни шу ерда «ўсиб-унишингиз» тез ва соз кечади. Қайнона-қайнотангиз, қайинбўйингиз олдида сиз қанча камтар ва одобли, мулойим бўлсангиз, даражангиз шунча ошиб, улар учун қадрли бўлиб бораверасиз. Доим атрофидагиларга мурувват кўрсатганларгина бошқалардан меҳр, иззат ва икром топади», дедилар.

Орадан кўп вақт ўтгани йўқ. Турмуш тарзим бутунлай ўзгарди. Яхшилик билан кишининг кўнглини олиш осон экан. Қайнона-қайнотамнинг аввалги меҳрлари қайтди. Яхшилик кўрса одамлар, айниқса, кексалар дилларини хира қилган вақтларни тез унутиб, юзлари ёруғлашиб бораверар экан. Йўнилмаган таёқдек юрган эринман. Энди бирам яйраяпман улар бағрида. Ўғилчам катта бўляпти...

Дуо: *Илоҳо қалбингизни меҳр ва муҳаббат тарк этмасин! Бошингиз узра ёрқин қуёшингиз, сўлимгина моҳингиз сўнмасин!*

ЙИҒЛОМА ҚИЗ, ЙИҒЛОМА...

Бугун суҳбатимизга икки келин мактубини олиб келганман. Шуларни ўқиб, бир мулоҳаза юритсак девдим. Маъқулми?

Биринчи мактуб:

«...Ўз тўйида йиғлаган қизларни кўрганмисиз?

Мен кўп дугоналаримда кўрганман...

Дарвозаси олдида сурнай хониш қилиб турганида узатилаётган ҳамма қизлар ҳам, уларнинг оналари, амма-холалари, опа-сингиллари ҳам йиғлайдилар.

Сурнай одам юрагини нега бундай тўлқинлан-тираркин? Нега одамни кўкдаги камалакнинг нақ учига олиб чиқиб қўйгандек бўларкин?!

Атроф бирам тоза! Бирам бегубор! Одамлар бирам сертабассум ва фариштали... Бу ёруглик-ка кўзларинг дош беролмай шаффоф шудринг мисол кўз ёшларинг милкинга инади.

Қиз уйимдан қалбим шу шудринг мисол топ-тоза чиқиб кетаётгандекман. Ниятларим ҳам қуёш нурида ялтиллаётган шудринг мисол, қалбимни заррин нурга тўлдиради...

Бувам фотиҳага қўл очганларида ана шундай туйғу чўққисиди эдим... Ҳамма менга қараб турар, кафтлари кўксиларидаги тоза ниятларини илиб олишга тайёрдек кўксилари узра фотиҳага очилган эди... Уларнинг кўзлари ҳам нам...

Шу дам...

– Тўхтанг, дада! Келинга бошқа мошина юборишмагунча «Омин» қилманг! – Бу онамнинг сўзлари эди.

Уларнинггина кўзларида нам йўқ. Уларнинггина кўзлари ўтли эди. Уларгина менинг туйғуларимдан йироқ эдилар...

Ҳамма саросимада қолди.

– Кўча тўла минг хил чиройли қора чет эл мошиналари бўлса-ю, куёвнинг дидига куйдирги чиққанми нима бало, оппоқ «Волга» юборганини қаранг! Қизим ўтириб қолган қиз бўлганида ҳам «Ҳа, майли!» дердим. Энди ўн тўққизга чиққан қиз



бўлса! Бундай келинга «Мерседес»ми ёки бошқа чиройли мошина юборса, асакаси кетадимми?!

Эшигимиз олдида ярақлаб турган машина русуми ва ранзига онамдан бошқа ҳеч ким эътибор бермаган эди. Бир менгина дераза ойнасидан кўрган эдим. Ойимга ёқмаган шу машина кўзимга бахтим манзили томон элтадиган оққуш, йўқ, оппоқ елканли кема бўлиб кўринганди...

Онамнинг гаплари мени ҳам саросимага солди. Кипригимдаги шудринглар юзимга дув тўкилди. Негадир улар энди шаффоф эмас, ҳам қайноқ, ҳам аччиқ эди...

Нега ойим мени худди бегонадек «келин» деб атаптилар? Нега қалбим ишонган, бир умр суянмоқчи бўлган кишимни ёт одамдек «куёв» деяптилар? Назаримда ойимнинг газаб чақмоғи ҳозир бахтимни чок-чок қиладигандек...

– Буважон! – дедим секингина ёнимда фотиҳа бераётган бувамга. – Биз набира куёвингиз билан айнан шу машинани танлагандик. У худди сиз айтган эртаклардаги оқ кемага ўхшайди...

Бувамнинг чимирилган қошлари қанотини қўйиб юборди, кўзлари нурланди. Улар мени бағриларига маҳкам босиб, секингина қулогимга «Раҳмат!» дедилар-да, пешанамдан ўпиб, қўлларини баланд кўтардилар:

– Қани, Оми-и-ин! – дедилар. – Эшигимизда турган ана шу оқ тулпор болагинамни куёв болам олдига, ўз чин манзилига, чин бахтига элтиб қўйсин! Болаларимнинг бахтига гард юқмасин! Илоҳо, қўшгани билан қўша қариб, серфарзанд, сердавлат, сермеҳр бўлишсин! Омин, Аллоҳу Акбар!

Ўша кунни ойимлардан бошқа ҳамма тўйимизда яйраб ўтирди, чиройли тилаклар билдиришди. Дилимдаги гашликни ҳайдашга қанча уринмай,


барибир унда нуқтадек кичик доғ қолди. Ишқилиб бувам дуо қилганларидек, бахтимизга гард юқмасин-да...»

Одамни анча ўйлантириб қўядиган мактуб-а? Аммо у ҳақида фикр юритиш, қизларни тўйларида аччиқ йиғлашга мажбур қиладиган, дилларида доғ қолдирадиган оналарга «Ҳай ўртоқ, озгина мулоҳаза билан иш тутинг!» дейишдан олдин **Иккинчи мактуб**ни келтирайлик-да, кейин дилимиздагини айтайлик.

«...Ҳайит яқинлашганда қайнонам менга шундай дедилар:

– Икки уйнинг пайвандчиси сизсиз, келин болам! Яна ўн беш кундан сўнг Рамазон ҳайити. Рўза тутмасангиз ҳам, илоҳо икки жонни саломат қилсин, рўза ҳурмати, рўзадорлар, уйимиздаги кексалар ҳурмати кунда саҳарда мен билан баробар туриб, саҳарлик тайёрлаярсиз. Яхши ниятларингиз ижобат бўлсин! Дадангиз ҳар кунни сизни «Худойим шу келинингни кўпдан кам қилмасин, дилини ҳамиша равшан қилсин!» деб дуо қиладилар. Шунинг ўзи сизнинг уйимизнинг ҳақиқий аъзоси бўлишга уринаётганингиздан далолатдир. Дадангиз билан маслаҳатлашиб, қудаларимиз ҳайит йўқловга уринишмасин, биз ўзимиз чирой... қилиб дастурхон безайлик, яқинларимиз келиб қўлингиздан ҳайит чойи ичишсин деган қарорга келдик. Билишимизча, айрим келинларнинг оналари рамазон бошланмасиданоқ ҳайит йўқлови ташвишига тушиб қолишибди.

Ўзингизга борганингизда айтинг, уринишмасин. Биронта ҳам тоғора юбориб, овора бўлишмасин. Керак нарсаларни ўзимиз тайёрлаймиз, деб кўнгилларини хотиржам қилинг, келин болам. Имконлари бўлса, ҳайитнинг биринчи кунни дам олиш



куни-ку, яқинлари билан келиб, бирон фурсат ўтиришиб, кўнгиллари яйраб кетишсин!

Ойижоннинг айтган гапларини қандай эшитган бўлсам, шундайлигича ойимга айтдим. Хурсанд бўлсалар керак деб ўйлагандим, кутилмаганда қовоқларини уйиб олдилар. Кейин дилимни парчин қиладиган даражада ойижоннинг таклифларига терс жавоб қайтардилар:

– Бунча паст бўлмаса қайнонамг?! Майли, сен индама, аммо арафа куни тўртта енгил машинада эликдан ортиқ тоғора юбориб, бир шоширмасам, отимни бошқа қўяман! Кўнгилларида бизни камбагал деб аядиларми? Ерга уряптиларми ҳали бизни? Ота-боболаримиз удуми – албатта қиламан йўқловни!

Ойим тайинлаганларидек, қайнонамга ҳеч нима демадим. Аммо келин бўлиб тушган уйимдагилар олдидан ўзимни гуноҳкор сезар, кўнгилим синиб нима қилишимни билмас эдим.

Арафа ҳам келди... Ойим айтган йўқловларини юбордилар ҳам. Назаримда қайнонам ойимнинг жуда ўжарликларини яхши сездилару оғир бўлдилар. Яхши ҳамки, бозор деган нарса бор. Ҳайит арафасида у ерда «одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса топилиши мумкин» экан.

Ойим кутганларидек, қайнонам «шошиб» ҳам қолмадилар. Ҳайит йўқлов олиб келганлар бир пиёла чой ичиб, арафа ошини еб бўлгунларича, Анвар акам билан қайним бозордан қайнонам айтган нарсаларни олиб чиқиб беришди. Тоғоралар тўлдириб-тўлдириб тугиб қайтарилди. Билмайман, бундан ойимнинг кўнгиллари тўлдимикин?

Ойим қайтган тоғораларни қўни-қўшниларга тарқатибдилар, қолганини ҳайитимдан кейин қўшинининг молига олиб чиқиб беришибди. Нарсаларнинг увол бўлгани бир сари, икки уйим орасига



киши билмас совуқчилик тушганини, бунга асосан ўз онам сабабчи эканларини ҳам сезиб турибман. Лекин ўз туққан онамга қандай қилиб ақл ўргатаман?

Қандай қилсам бахтимни маҳкам ушлаб қоламан?!»

Иккала мактубда ҳам мени севинтиргани – қизларимизнинг ўз бахти устида қайғуриши, мустақил фикрлашга интилиши бўлди.

Бундайлар ўз бахти ҳимоясида қаттиқ турадилар. Қанча қийинчилик бўлса ҳам, улар иродаси мустаҳкам. Элда «Тош келса – кемиради, сув келса – симиради» сифати ана шундайларга берилади. Ўз бахти учун киши аввал ўзи курашмоғи кераклигини улар яхши билишади.

Афсуски, ҳамма қизлар ҳам шундай ўйламайдилар. Ўз тақдирини ота-онасининг, асосан онасининг юқорида бир учини кўрсатган ўжар феъли ихтиёрига ташлаб қўйганлар ва бундан аччиқ йиғлаб қолаётганлар қанча?!

Келинг, бирга мулоҳаза қилайлик. Суҳбатни иккинчи мактубдан бошлай қолайлик...

Сир эмас, ўзбекчиликда, қудачиликда кўпинча ташаббус йигит томонда бўлади. Ана шу ўзбекчилигимиз ва асрий ахлоқимизга риоя қилган қиз томон аксарият «етовга юради», «пастроқ тушади» ва кўп нарсада ютади.

Мактубдан кўриниб турибдики, ташаббус кўрсатаётган қайнона анча мулоҳазали фикр юритяпти. Ҳомиладорлиги туфайли рўза тута олмаётган, аммо уйдаги рўзадорларга хизматини аямаётган келинга қайнона ташаккур билдириб, уни ўз оиласининг тенг аъзоси бўлиб қолганини айтяпти.

Дарҳақиқат, Рамазон ҳайити биз учун дилларимизга жило бериш, руҳимизни поклаш йўлида



муқаддас ибодатларимиздан ҳисобланган Рамазон ойининг ўттиз кунлик рўзасини тутиб, бажарган ибодатимиз шукронаси, бундан қалбимизнинг юмшаганини ҳис қилишдан суюнч нишонаси байрами. Бу ниятимиз, ҳаракатимизнинг Китобу ҳадисларда буюрилганига мослиги руҳимизни янада кўтаради, дилимизга равшанлик, хотиржамлик келтиради.

Шу дамда бундан кўп асрлар аввал яшаган, лекин бутун ижоди халқимиз орасида дониш ҳикматига айланган, ўғитлари ҳамон дилимизга қувват бериб турадиган Мирзо Бедилнинг бир байти эсимга тушди:

*Умримиз тўлса-да манманликка
Бир нафас бирла бари бекордир...*

Бу байтни эслаганимнинг боиси айрим ҳолларда ва яна қайд этаманки, айримларимизнинг ниҳоятда калта ўйлашимиз, кейинни кўзлаб иш тутмаслигимиз, сувнинг оқимини, замоннинг нафасини ҳис қилмай иш қилишимиз оқибатида шундай ёруғ байрам иккинчи мактубда қайд этилганидек кибр, манманлик, ўринсиз ғурур намойишига айланиб, қизларимиз кўз ёшига сабаб бўлиб қолаётганининг гувоҳи бўляпмиз.

Гап аёллар ҳақида, қалбида кибри устун аёллар ҳақида кетяпти, албатта.

Аслида биз, яъни аёллар ўзимизни нечоғлик заифа, ожиза деб таърифлашга, вақти келса, бор иқтидоримизни кўрсатиб шуни намойиш этишга ҳаракат қилмайлик, яна қайтараман, айнан биз уйнинг об-ҳавосини яратамиз, айнан биз оиланинг ахлоқий, маънавий-маърифий муҳитини таъминлаймиз. Айнан биз шу кичкинаги-



на вужудимизга момолардан олган яхши урф-одатларимизнинг оғир юкини жо қилибгина қолмай, уни тўлдириб, бойитиб келажак авлодга етказамиз.

Бу ҳол фақат ўзбекларда эмас, дунёдаги барча миллатларда ҳам шундай. Шунинг учун ҳам бизни – Аёл, Оналарни оиланинг устун дейишади.

Шу нозик қад билан устун бўлиш осонми?

Қийин албатта!

Бизни яратган Аллоҳ ана шу мушкул ва савобли амалларимиз учун: «Жаннат оналар оёғи остидадир» деб мукофотини олдиндан ваъда қилиб ҳам қўйибди. Бир жон билангина эмас, «қирқ жон» билан бу мукофотга лойиқ бўлишга интилаётган, етмиш икки томиримиздан бунга қувват топаётган ҳам биз ўзимиз.

Лекин юқоридаги мактубларда келтирилгани каби баъзида панд бериб қўяётган ҳам ўзимиз эканимизни, бу билан порлоқ бахти томон интилаётган фарзандларимизни қийнаб қўяётганимизни чин юракдан тан олмагунимизча, ўзимизда, руҳимизда, қарашимизда ўзгариш ясамагунимизча буни тузатишимиз мушкул.

Негаки, «ота-бувамиздан қолган урф-одат»нинг аслини тўғри тушуниб етмагунимизча, чамаси кибру манманлик отига миниб юраверишимиз аниқ.

Ҳайит йўқловлар ота-бувамиздан қолганми?

Ҳа, қолган! Аммо қандай шаклда?

Азалдан янги қудалар бундай катта байрамларда бир-бирини йўқлашган, албатта. Ҳайитлар орасида янги қариндошлик, қизи орқасида куёвлик, ўғли орқасида келинлик бўлганлиги шукронасининг ифодаси бу йўқловлар.

Нондек азиз бўлишсин учун нону патир, заминдек серҳосил бўлишсин учун ундан қилинган бўғирсоғу қуштили дегандек...



Ҳайитларда оила аъзолари покланиб, яна шу дамларга етказганига шукроналик рамзи сифатида оҳорлик кийинишганми?

Ҳа, имкон қадар шунга ҳаракат қилинган!

Уйда қизлар оналари бошчилигида оталари, акалари, укаларига дўппи-қийиқлар, яхтақлар тикишиб, ҳайитларда совға қилишган. Оиланинг узатилган қизи бўлса, «сен ҳам бизнинг хотирамиздасан» маъносида қизларига ҳалиги нон-патирга қўшиб оҳорлик рўмолми, қўйлакми юборишган. Уйларига янги келин туширилган бўлса, «сен ҳам энди ўз боламиз бўлдинг» маъносида уни ҳам совғасиз қолдиришмаган. Бу чиройли урф-одатларимиз ҳақида агар ўз оиламиз шажарасини, тарихини, тузугини яхши билмасак, адабиётдан мисоллар қўплаб топилади.

Лекин биз адабиётни ўқимаймиз, ўз маънавий илдизимиз моҳиятини билмаймиз, япроқмиз-ку қувватни илдизимиздан олмаймиз. Шу сабабли кўп амалларни урф-одат деб ўзимиз ўйлаб чиқарамиз. Унча-мунча билганларимизни бемалол ўзимиз истаганча ислоҳ қилаверамиз. Ҳеч қандай асосга таянмаган «янгиликларни» ўйлаб чиқараверамиз. Кейин яна айнан ўзимиз «Қирқ тоғоранинг қирқ ноғораси»га бир кулиб - бир йиғлаб, бир кулиб - бир йиғлаб муқом қилаверамиз!

Кибр, манманлик билан қизнинг онаси «бир нафас бирла барини бекор» қилди. Энди қизи тўйдан кейин ҳам йиғлар даражада кўнгли паришон.

Биринчи мактубни ёзган қиз мени кўп жиҳатдан хурсанд қилди. Сезяпсизми, ўз тақдири, ўз бахти учун жуда зукколик билан курашадиган авлод етишиб келяпти!

Тутган оқилона йўриғини қаранг: балки машина масаласида куёв бола билан келишмагандир ҳам, андиша кучлилиқ қилиб ундан балки «Қандай машина юборасиз?» деб сўрамагандир ҳам!

Аммо шу бир оғиз «Биз шунга келишгандик...» дейиш билан у кўп олдида куёв ҳурматини тикладигина эмас (мурося учун ёлғонни Аллоҳ ҳам кечирйшга ваъда берган), бундан бу ёқ куёвнинг етовига юриш, борига қаноат қилишга тайёрлигини ҳам намоёйиш этди чамамда.

Онанинг ўринсиз кибрли сўзига кириб, бошқа машина келтирилмагунча ҳаммани тик оёқда тургазиб қўймади, сурнай хонишини керагидан ортиқ чўздириб, мотам маршига айлантормади, тўй уники эканини шу «келишганмиз» билан исбот этди қўйди.

*Ййглама, қиз, ййглама-ё, тўй сеники,
Остонаси тиллодано уй сеники...*


Қўшиқда куйланаётган «тилло остона»нинг аслида рамзийлигини тушунмай, бошқаларнинг исёнига кўр-кўрона қўшилаётган қизлар қанча! Аслида ўзларининг-ку исён кўтариш хаёлларига ҳам келмас.

Юқоридагиларга ўхшаш «доно» оналар «уларнинг кўзини очадилар». Ва, аксарият бир умр қизларининг гоҳ ошкор, гоҳ яширин ййглаб ўтишларига сабабчи бўладилар.

Аслида-чи? Аслида қандай бўлиши керак?

Аслида тўй маросими қизини узатаётган она учун қизига берган тарбиясини кўп ўртасида намоён этадиган имтиҳон эмасми? Қизини том маънода муҳаббатли, иффатли, меҳрибон, иродали, тоқатли, вафодор, бир сўз билан айтганда онанинг юзини ерга қаратмайдиган қилиб ўстирди-ми? Қизларни оналарнинг қайтариғи деб бежиз айтишмайди ахир.

Қиз ўстирган, халқона одобини маҳкам ушлаган, унга риоя этган она бойликни, ҳашамни би-



ринчи ўринга қўйишига гумоним бор. Қолаверса, оқила она «Мен бир вақтлар шундай қийналган эдим, қизим асло қийинчилик кўрмасин!», «Менга мана бундай машиналарда юришлик насиб қилмаган эди, энди қизим нашидасини сурсин!» қабилида иш тутмай, қизининг ўша қийинчиликларни руҳий оғриқсиз енгиб ўтишига ёрдам беради, фаровонлик аста-секинлигини қизи руҳиятига сингдиради.

Уйда қизи вояга етаётган онанинг ўзига хос одоби бўлиши керак, албатта. Қизлик уйга келган совчилар, биринчи навбатда, қизнинг онасига эътибор беришлари бежиз эмас. «Онасини кўриб, қизини ол!» деган гап бор-ку ахир! Агар қизнинг онаси «Мен қизимни фалон жойда ўқитдим, фалон едирдим, фалон кийдирдим! Қизим энди фалон иззатларни кўриши керак!» деб турса, ўз қизининг бахтига зомин бўлиб қолиши мумкин.

Биринчи мактубдан кўриниб турибдики, қиз оқилалик қилиб, бува донолик қилмаганларида, қиз бошидаги бахт қушининг «пар-р» этиб учиб кетиши ҳеч гап эмасди.

Қизи бор онанинг ҳеч ерда битилмаган, аммо ҳаёт синовларидан обдон ўтган ўзига хос йўриқномаси бор. Унга риоя этган она қизини янги уйга меҳрли қилиб ўстиради. «Сув келса – симириб, тош келса – кемириб» бўлса ҳам, чин уйини бўстон қилишга даъват этади. Муҳаббатини авайлашга, рост сўзлашга, хизматдан оғринмасликка ундайди.

Қиз боланинг момоларимиз айтмоқчи «бировнинг хасми» эканини билган ақлли оналар, қиз томирига иккинчи мактубда айтилганидек, кибр аралашувининг олдини оладилар. Ўзлари қанча бадавлат эканликларидан қатъи назар қизларининг ана шу бадавлат уйларига эмас, балки «чин уй»ла-



рига, «борадиган жойларига» болалигидан меҳрли қилиб ўстирадилар. Айнан шу меҳр қиз боланинг, яъни ёш ниҳолнинг борган жойида тез илдири олиб, гуркираб кетишига ёрдам беради.

Кези келганда қиз узатаётган онанинг кечмишлари, туғёнларини ҳеч бир асбоб билан ўлчаб бўлмаслигини, лекин қизнинг онаси ҳар бир асаб толасини тизгинлаш билиши кераклигини айтмоқчимиз.

Момоларимиз қудалар уйини «ўзга юрт», «ўзга қўрғон», «ўз подшоҳи, ўз аъмоли бор ўзга мамлакат» деб аташади. Қизларини эсли-хушли, меҳрли, сабр-тоқатли ўстирган оналар «ўзга юрт»нинг ички ишларига аралашидан тийиладилар.

Аввало қиз ўстираётган онада қизининг тақдир илоҳий битган ерда тиниб-тинчиб, ўсиб-униб кетишига яхши ният, ишонч бўлсин! Она қизига сеп йиғмасаям майли, юрагини яхшилиқ билан тўлдирсин, назарини тўқ қилсин. Қизига берган мол-дунёни чамаласа, янги оиланинг кўражак фаровонлиги олдида урвоқ ҳам бўлмас. Аммо қилинган молини, йўқловини пеш қилиш билан қизнинг онаси яхшигина бўлиб келаётган оила пойдевори-ни дарз кетказиши мумкинлигини иккинчи мактуб мисолида яққол кўрдик.

Ўзига эмас, ўзгага, «бироваарга», «ўзга юртга» меҳрли, яхши ниятли қилиб қиз ўстирган оқила оналарнинг хаёлига заруратсиз қизининг оила ишига аралашиди келмайди.

Биринчи ва иккинчи мактубга қиссадан ҳисса маъносида Мирзо Бедилнинг юқорида келтирган байти давомини келтирмоқчимиз:

*Буюрибдир хокисорлар ташириф,
Шул сабабдан бул замин гулзордир.*

Камтарин бўлиб бу заминни гуллатиб юришимизнинг ўзида савоб қўп.

Ҳар биримиз шуни қўнғилга тутиб, шунга амал қилсак, аввало ўзимизнинг, қолаверса, фарзандларимизнинг, оиламизнинг, демак, юртимизнинг тинчлигига ҳисса қўшган, дилимизнинг равшанлигини, хотиржамлигимизни таъминлаган бўламиз.

Икки тенгдошингиз, янги келинлар мактуби баҳонасида қиз ўстирган оналар ҳақида бир оз фикр юритдик. Мақсад сизни бир оз мулоҳазаю мушоҳадага тортиш. Иккала мактуб муаллифига ўхшаб ҳаётга, оилага жиддий қарашингизга ишонамиз.

***Дуо:** Илоҳо назарингиз ҳамиша тўқ, нигоҳингиз олам ва одамга тиниқ бўлсин! Бойлик ичида энг қимматлиги ва барқарори, сизни қўша қариганлар бекатига элтадигани – эру хотин ўз меҳнатингиз билан топилган бойлик. Шу бекатларга пиру бадавлат бўлиб етишлик насиб этсин! Омин!*

КЎПДА БАРАКА, АҲИЛЛИКДА ҲИКМАТ БОР

Аксарият қизлар катта хонадонга келин бўлганларидан нолийдилар:

– Келин бўлганимдан бери ҳар оқшом ўн иккита коса, шунча қошиқ, шунча пиёла юваман!

Ўзини билган киши катта ва аҳил хонадонга келин бўлганидан хурсанд бўлиши керак. Чунки **кўпда барака, иноқликда қудрат, аҳилликда ҳикмат, сахийликда файз бор.**

Сиз-чи, сиз қандай жойга келин бўляпсиз? Агар сиз ҳам катта хонадонга келин бўлиб тушаётган бўлсангиз, суюнишингиз керак. Негаки сизнинг камолга етиш суръатингиз тезлашади. Нега тезлашмасин? Ахир сизда оила аъзоларининг ҳар би-



ридан ўзингизда йўқ бир кичик фазилатини бўлса ҳам юқтириш имкони яратилади-ку.

Биринчи суҳбатларимизданоқ эътиборингизни қаратаётганимиз ҳамда ҳар томонлама таърифини бераётганимиз ОИЛА аввало жамоадир. Жамоанинг зарур шарти – узоқ йиллар бирга яшашни мақсад қилиб, бир-бирига мослашув, келишув, бир-бирини қўллаган ҳолда илгарилаш. Кексаларимиз буни сермаъно қилиб *муросаи мадора* дейдилар. Сиз жамоанинг аъзосимисиз, шуни истайсизми – истамайсизми, жамоа билан ҳисоблашмай ҳеч бир иложингиз йўқ. «Келин киши – кенг киши» деган гапни эшитганмисиз? Бу бизнинг феълимиз ниҳоятда кенг бўлиши, барчага баробар муомала қилишимиз кераклигига, ҳуда-беҳудага ўзимизни биринчи, яъни «йирик план»га олиб чиқаверишимиз ноўринлигига ишора.

Оила қуриш остонасида турган экансиз, сиз буни тўғри тушунишингиз, чуқур англаб етишингиз керак.

Жамоага қўшилган киши шу жамоа билан ҳамнафас бўлиш, ҳамқадам бўлиш каби хайрли ниятдан мосуво бўлса, янги жамоани қабул қилишга интиlmаса, унинг ажралмас аъзосига айланмаса, жамоа уни ёт унсурдек ўзидан ситиб чиқариб ташлайди. Чунки оила узоқ йиллар мураккаб синовлардан ўтган жуда мукамал жамоа, мустаҳкам қурилмадир. Унинг ҳар бир мурвати ўз вақтида ишламаса, яъни оила аъзоларининг ҳар бири ўз зиммасидаги вазифани сидқидилдан бажармаса, унинг вазифаси оиланинг бошқа аъзолари зиммасига тушади. Демак, мураккаб қурилманинг бошқа мурвати бу ортиқ юкдан зўриқиб, охири бузилиши муқаррар. Бунга ҳаётда мисоллар жуда кўп.



Ўйлаб чиқараётганим йўқ, яқинда бир қўшнимиз келин туширди. Оила аъзолари беш кишидангина иборат жамоа бўлди: қайнона, куёв, келин, келин айтмиш «эрини ўлдириб қайтиб келган» қайинэгачи ва унинг беш яшар қизи.

«Қайинэгачи» сўзидан ва «қайтиб келган» сифатиданоқ кўпчилигингиз бир салтчиб тушдингиз-а? Аммо ҳаминша ҳам уларга шундай «ёв қараш» қилишимиз керакмикин. Худо ҳаммамизни ҳар турлук қилиб яратгани каби, қисматимиз ҳам ҳар турлук-ку. Шу турлук қисматни турлукча кўтарамиз ҳам.

Қўшнимиз хонадонидаги қайнона олтмиш ёшларда, касалманд, аммо ҳали ҳам хизматда, уй ишларига қарашишга ҳам қодир. Қайнота қазо қилганлари сабаб, бу хонадонни бошқариш ҳам она зиммасида. Ўғил энди оила қурди ва она елкасидаги шу «бошқарувни» тезроқ ўғилга ўтказиб, зиммасидаги офир юкдан қутулсам дейди.

Баланд қаватли бинонинг беш хонали хонадонида яшашади. Келиннинг феъли торлик қилмаса, «муросаи-мадора» тақчиллиги бўлмаса, бинойи яшаш мумкин. Бинойи яшаб келинаётган эди ҳам. Тиқ этган товуш чиқмасди бу хонадондан. Келин келгунича шундай эди. Келин келгач эса...

Келин янги оилани, янги жамоани қабул қила олмади шекилли, улар билан ҳамнафас бўлишга ҳаракат қилмади. Мураккаб қуриламанинг бир мурвати бўлиб оилага кирди-ю, ўзига лойиқ юкни зиммасига олмади. Чамаси у сила тутишга тайёрланмаган ёки ўзини шундай тутишчи кераклиги ҳақида кўрсатма олган. Балки ўзига ўзи бергандир бу кўрсатмани. Аммо бунинг нотўғрилигини вақтида англаб етмади. Оқибат – яккаланиб қолди. Гаҳ десам, қўлимда-ку деб ўйлаган эри ҳам унга суянч бўла олмади. Чунки унинг тарбияси бўлакча, ўзига



кўрсатмалари бўлакча. Хуллас, келин янги оилага ёт унсурдек қўшила олмади, унинг ажралмас аъзоси бўла олмади...

Тўйдан кейиноқ у ҳаммадан кеч туришни одат қилди. Ўрнидан тургач, шоҳи халатига ўралганича чиқиб, бир япроқ пишлоқ билан бир бокал кофе ичиб, яна қайтиб ўз ётоғига кириб кетади. Бир-икки ҳафта шундай давом этди. Бир куни пешинда тушлик қилишаётганда:

– Ҳамма келин-куёвларнинг «асал ойи» бўлади. Бизда ҳам ҳеч бўлмаса уч кун «асал ойи» бўлсин! Биз Бахтиёр акам билан ана шу «асал ойи» мизни тоғда, «Пирамида»да ўтказамиз... – деб эълон қилди.

Бахтиёр акасининг юзида ажабланиш ҳисси қотди-ю, индамади.

Қайтиб келишгандан кейин ҳам кунлар шу тариқа ўтаверди. Келин пешингача ухлайди. Пешинда туриб, эрталаб қайнона ёки қайинэгачи тайёрлаган нонуштани ейди. Кейин икки соатлар телефонга «осилади». Сўнг ўз хонасига кирганича йўқ бўлиб кетади.

Эри ишдан қайтишига яқин пардоз-андоз қилиб, эрни кутиб олишга эшик олдида шай туради. Эрининг юзидан ўпиб, қўлтиқлаб ўз хоналарига етаклайди.

– Овқатга чиқинглар, – дейилгачгина шоҳи халатда столга келиб ўтиради. Худди овқатни ўзи пиширгандек қозон тепасига бориб, овқат олдини ўзи ва эрига сузиб олади. Бошқаларни кутиб ҳам ўтирмай, ликобчалардаги салатларни олдига сурганича еябошлайди.

Ўзини ўта эркин тутишидан янги уйга тез киришиб кетибди, ўзиники қилиб олибди, деётгандирсиз? Шундаймикин? Бир ойдан сўнг ўртага нозик масала қўйилди-ю, ўзи таранг муҳит портлаш даражасига келди ва портлади.



– Уйимиз катта, уни сотиб учта квартира олиш мумкин, – деди келин, – бизга, ойимга, қайинэга-чимга... Ҳамманинг бир ерда яшаши шарт эмас-ку...

Дабдурустдан айтилган гап қайнонани шўшириб қўйди. Мияси ғувиллаб кетди гўё.

– Болаларимнинг отасидан қолган уй бу... Сотилмайди... Бир мусулмон набира қизимга оталик қиламан деса, опангизнинг бахти очилиб кетар... Шундайлар ҳам бор... Аввал укамни уйлантирайлик, сизни укам ва келиним қўлига топшириб, хотиржам бўлай, деб опангиз кўнмай юрувди...

– Мен современный келинман!.. – шундан кейин келин бемор онага меҳр кўрсатиш унинг зиммасига кирмаслиги, колхоз бўлиб яшашга унинг иштиёқи йўқлиги, эри топганини катта оилага сарф қилиб, ўз орзу-ҳавасига қарай олмаётгани ҳақида ҳаяжон билан гапирди. У ҳозир айтиб олмаса, кейин ҳамма ўйлагани парчин бўладигандек тез-тез ва мантиқсиз гапирарди. Ёшлигидан чиройли жойларга келин бўлишни орзу қилганини ҳам, «шўрпешана» бўлмаса, домга тушмаган бўлишини ҳам, онаси отасини «Қизингга участка олиб берасан!» деб қийнаётганини, лекин у участкага булар билан кўчмаслигини... Хуллас, ҳеч нарса қолмади – ҳаммасини тўкиб солди...

Ва ўша куни «ғишт қолипдан кўчди». Бир янги қурилган оиланинг икки аъзоси икки ёққа қараб кетди. Йигит бундай хотин билан яшай олмайман деб туриб олганида, она ҳам, опа ҳам келиннинг ёнига тушиш, уни қайириш учун келиннинг бирон яхшилигини топиша олмади. Яхшининг ёнига тушилади-да.

Уларнинг ҳаёт йўли қайта яна кесишиши амри-маҳол... Сутда орзи куйган, сувни ҳам пуфлаб ичди...



Ҳозир мени тинглаб туриб, овозимдаги афсус, бир оз ранж ва ачинишни сезиб ҳайрон бўлаётгандирсиз. Ҳа, тўғри, афсус ва ранж кўпроқ. Бировлар экан-ку, сизга нима дерсиз. Умуман, озгина ёмонлик олдидан ҳам бефарқ ўтиб бўлмайди, у катта кулфат келтириши мумкин. Афсус ва ранжим келиннинг ўз ҳаёти, бахти учун жонини фидо қилишни истамаганидан. Ўздан кечиб бўлса ҳам, бировларнинг кўнглини олмаганидан. Ахир у шу оилага ўз ихтиёри билан келин бўлди, лекин нега шу жамоага киришиб кетишга ҳаракат қилмади?

Ўзингиз ўйланг. Ҳар биримизнинг ҳаётимиз умр бўйи асосан икки жамоа билан боғлиқ экан. Биринчи жамоамиз – оиламиз. Иккинчи жамоамиз – боғча, мактаб, институт, идора, муассаса, корхона ва ҳоказо... Қайси ёшда ва қандай жамоада бўлмайлик, кўпчилигимиз шу асосий икки жамоада ўзимизга икки хил кўрсатма берар эканмиз. Қандай дейсизми?

Диққат қилинг: турли тоифа, турли ёш, турли феъл-атвордаги кишилардан таркиб топган иккинчи жамоамиз – боғча, мактаб, институт, иш жойимизда биз атрофдагилар билан юлдузимизни юлдузимизга тўғрилаш учун қўлимиздан келган барча ишни (баъзида қўлимиздан келмайдиганини ҳам) бажарамиз. Бошлиқнинг қош-қовоғига қараб турамиз. Унга нима ёқишини, нимани хуш кўрмаслигини махсус ўрганамиз. Унинг яққол кўзга ташланиб турган камчиликларини кўриб туриб, кўрмаганга оламиз ёки кечирамиз. Бошлиқнинг кўп ишларига гашимиз келганда ҳам, буни асло сездирмаймиз.

Бундай диққат билан мулоҳаза қилсак... Айнан иккинчи жамоада биз ёшлиқдан кўп маротаба эшитганимиз, турмушимизда дастуримиз бўлиши керак бўлган «умр – муросаи мадора» нақлига риоя



қилиб яшашнинг олий намунасини кўрсатаркан-миз! Ўзимизга шундай кўрсатма берганмиз-да!

Боғчага қатнай бошлагандан бери «уришқоқ қиз» номини олмаслик учун бошқа болалар билан таллашиб-тортишмаслик, озода қиз бўлиш, бошқалардан ўйинчоғимизни қизғанмаслик кўрсатмасини берганмиз. Буни бизга ота-онамиз ҳар куни сингдиришга ҳаракат қилишарди. Лекин «ёмон қиз» бўлиб қолмаслик учун айтганларини эсимиздан ҳеч чиқармасликка ҳаракат қилардик.

Мактабда кўплар билан аҳил бўлишга ҳаракат қилмасмидик?

Нега ҳаётимизда асосий жамоа ҳисобланган – ОИЛАда айримларимиз ҳалиги келин каби ёт унсурдек тутамиз ўзимизни? Оқибатини эса кўрдингиз.

Дуо: Илоҳо ҳеч бирингизни атрофдагиларга меҳр, шафқат, мурувват кўрсатиб завқ олиш, тозарини ва юксалиш бахтидан бенасиб қилмасин. Кўндан оладиганимиз барака, иноқликдан оладиганимиз қудрат, аҳилликдан оладиганимиз ҳикмат, сахийликдан эришадиганимиз файз қалбимизга қувват бериб турсин!

ТУРКАНА ЎГИТЛАР

Яқинда бир китобда «туркана» сўзи «туркона» сўзидан келиб чиққани ҳақида ўқиб қолдим. Шунинг учун ҳам бу сўз аксарият ҳолларда туркий халқларга, яъни «ўзимизники», «шарқона», «халқона» маъноларини ўзида яшириб келар экан-да, деган хаёлга бордим. Халқ табобатида туркана дори-дармонларнинг тез таъсир қилиши ҳақида кўп эшитганмиз. Ўзимизники-да! Туркана ўғит-сабоқларнинг ҳам таъсири ниҳоятда кучлилигига неча бор тан берганмиз.

Бу ўғитларнинг қуруқ илмий тилда эмас, ҳикоятлар, ривоятлар, ҳатто «фалончи айтди» тарзида келиши ҳам кўпчилигимизга маъқул. Ўша фалончи ўз ҳаёт тажрибасидан, яъни «бошидан ўтказганига» ҳам ишончимиз комил!

Вундай ўғитлар бир томондан зериктирмаса, иккинчи томондан уларда ўзингизга албатта сингдиринг деган мажбурият ҳам йўқ. Хоҳланг – қабул қилинг, хоҳланг йўқ! Ҳа, бир эшитиб қўйсангиз бас! Яна бир сирни ҳам айтиб қўяй. Шу ўғитларда келтирилган ҳикоят, ривоят, насиҳат, ўғитлар ҳозир миянгизга жо бўлмаётгандек кўринса ҳам, ахир бир кун хотирангиз захирасидан албатта қалқиб чиқади. Қалқиганда ҳам айнан сизнинг дунёқарашингиз, лўнда ҳаётий хулосангиз сифатида қалқади. Вақтики келиб, ўзингиз ҳам туркана ўғитлар айта бошлаганингизни сезмай қоласиз.

Қуйида турли вақтда баъзи ҳаётий воқеалар сабаб бўлиб, бир эшитганда хотирамга жо бўлган, кейинчалик мана шундай учрашувларда турмуш сабоқлари тарзида хотирамда қалққан туркана ўғитлардан намуналар келтирамиз.

ЕТИЛАНШ

– Бошоқ тўлишганда, пишгандагина ўрилади, айланай болам! Вақтидан аввал ўрилса, ейдиган нонимизнинг сифати ҳам айтарлик бўлмайди. Кўтарган хирмоннинг ҳам ичидан чириш, қизиб, ўт кетиш хавфи бор. Вақти ўтказилса -- бошоқлар тўкилиб, исроф бўлиб барака кетади... Ёшларнинг балоғат ёшига етди дегани, ҳали уларнинг оила қуриш учун етилганини билдирмайди. Кўпинча боламизнинг бўйи бўйимиз билан тенг бўлди, ёши балоғат ёшига етди деб, ҳовлиқиб сарполарини



тайёрлаб, ўғлимизга келин қидирамиз, қизимизга куёв мўлжаллаймиз...

Аслида улар ҳали етилмагандирлар ҳам. Яъни ақл ва идрок, юрак қўри билан ҳаётнинг, турмушнинг моҳиятини, оиланинг шоҳ масаласини тушуниб етмагандирлар ҳам. Том маънода етилиб улгурмаганлар турмушнинг илк «мушти» даноқ ўзларини йўқотадилар. Майда икир-чикирлар ҳам уларга муҳим ва биринчи даражали бўлиб кўринаверади. Оқибат – ажралиш...

Масаланинг яна бир томони: осон топилганни йўқотиш ҳам осон бўлади. Тўғри, биз болаларимиздан ҳеч нарсани аямаймиз. Лекин улар шуни англаш, қадрлаш даражасида етилмай туриб, тайёргинага эга бўляптилар-да. Ажралишларнинг кўплигига сабаблардан бири уларнинг ҳаётнинг асосий, яъни шоҳ масаласини англаб етмаганларидир...

Одатда, бу мавзу суҳбатлари ҳеч кимни бепарқ қолдирмайди. Ёшларни оилага тайёрлашнинг энг зарур шартлари ҳақида бетиним баҳслашилади.

Ёшнинг улғайгачгина мунозарадан ҳоли хулосага келиш мумкин экан. Назаримда ёшларга кичиклигидан меҳрни, ҳалолликни, ички-ташқи покликни, одамга ҳурматни, энг муҳими, ўзингдан ўзгага шафқат, ҳамдардликни сингдирилса, улар кейин кўпда қийналмайдилар.

Қиз-йигитларни ҳаётга, оилага тайёрлаганда улар қалбида шу қадриятлар жой олмаган бўлса, оиладаги ҳар бир иш ўз-ўзидан «ўғил болалар иши» ва «қиз болалар иши»га, кейинчалик эса «эрнинг» ва «хотиннинг» ишига бўлинади. Бунинг оқибати бу юмушлар катта-кичиклигидан, оғир-енгиллигидан қатъи назар – «менинг ишим нима!» дир. Инсон шу тариқа бировга яхшилик қилиб, бировга



ҳамдард бўлиб завқ олиш, ҳузур қилиш бахтидан бенасиб бўлади. Бу қалб қашшоқлигига олиб келадиган йўлдир.

Биринчи галда биз ўзимизга ўзимиз хизмат қилишни ўрганишимиз керак. Катта оиланинг бир аъзоси сифатида шу оилага тегишли бирон юмуш қилганда, биринчи галда бу ўзимизга кераклигини ҳисобга олишимиз даркор. Қилаётган ишимизни кўнглимизга малол олиб, унинг натижасидан олдиндан завқ олиб, қувониб ишламасак (ахир яхши бажарсак «баракалло!» эшитамиз, бировнинг хурсанд бўлганини кўрамиз-ку), меҳнатдан оғринадиган, буни миннат биладиган бўлсак, биринчи навбатда ўзимизга жабр. Бундан бировнинг эмас, ўзимизнинг кўнглимиз кун сайин бир поғона кўтарилиш ўрнига, бир поғона чўкиб, ғуссага кўмилиб бораверади. Негаки, бировга яхшилик қилиб завқ олаолмаган киши, бировнинг унга қилаётган меҳрибончилигини ҳам, яхшилигини ҳам пайқашга қодир бўлмайди. Бировлар билан оддий одамий муносабатлардан яйрай олмайди. Дили ҳам, тили ҳам «Яхшилигингизга яхшилик билан жавоб қайтариб, мен ҳам бир яйрай!» деёлмайди.

Етилиш бу – инсон инсонсиз яшай олмаслигини тушуниш, оиланинг тенг аъзоси сифатида унинг завқи, қувончи билан яшаши кераклигини англашдир.

Оталар сўзи...

Киши болалигидан бошлаб ота-онасидан, кексалардан кўп панд-насиҳат эшитади. Шу заҳотиёқ ёки эртасигаёқ эшитганларига амал қилиб кетмаслиги мумкин. Эшитганлари эътиқодга айланиши учун ҳам, киши муайян даврни, оғир-енгил си-

новларни бошидан ўтказиши керакдир. Аммо бир нарсага: ёшимиз, мавқеимиз, маданиятимиздан қатъи назар умримиз давомида ҳар биримиз энг мўътабар мезон – ота-оналаримиз ўғитларига тез-тез мурожаат қилиб туришимизга ишонаман.

«Қари билганини – пари билмайди» дейилгани шумикин? Оталар сўзи – ақлнинг кўзи эканлиги ҳам рост-ку. Шулар ҳақида ўйлаганда тўрда мўйсафид ёки оппоқ сочли онахон ўтирган давра кўз олдимга келади. Қўлларидаги пиёладан оз-оз чой ҳўплаб, улар офир-босиқ, паст овозда сўзлайдилар. Кеча билан бутун, бутун билан эрта ўртасида кўприк бўладилар.

Кўприкда турган кишига икки қирроқ яхши кўринади. Ёшлар уларнинг салмоқлаб айтган ҳар бир сўзларини диққат билан эшитадилар, бу сўзлар уларнинг томирига ўт бераётгандек, руҳига жон ато этаётгандек, секин бошларини тебрантириб қўйишади... Ўғитлар – ҳаётнинг жон озиғи.

Бу мумтоз кинофильмдан бир кўриниш эмас. Бу – ҳаёт. Минг шукрки, кўп оилаларда сақланиб қолган урф... Бобосидан панд-насихат эшитган миллат ёшларининг илдизи нақадар чуқур...

– ...Мусиқа асбобларининг бири соз бўлиб, иккинчиси созланмаган бўлса, улар билан ижро этиладиган куй яхши чиқмайди. Оилада ҳам эр хотинга, хотин эса эрга мос бўлиши, ҳар бир хатти-ҳаракати бир-бирига созланган бўлиши керак. Аммо турмушда ҳамиша ҳам шундай бўлавермайди. Худо ҳаммани ўзига яраша феъл-атвор билан яратади-да. Уй-дунёчиликда эр-хотиннинг бир-бирига мослашиб олғунига қадар неча фасл, неча қовун пишиғи ўтади. Кўпинча бу чолғу асбобларини мослашга нисбатан узоқроқ ва офирроқ кечади. Барибир одам деган Тангри берган ақл билан иш



қилсин. Баъзан баланд чиқиб, баъзан паст тушиб, шеригининг ҳам ўзига мослашиб олишига қарашсин... Оила қурмоқдан асл мақсад қўлга соз олгандаги мақсад билан ўхшашми – аввал шуни англаш керак. Оила қуришдан мақсад бахтли, тотув яшаш, серфарзанд ва солиҳ одам бўлиш. Қўлга соз олишдан мақсад – чиройли куй чалиб, ўзини ҳам, бошқаларни ҳам хурсанд қилиш. Созлар бир-бирига соз бўлмаса, чолғуси соз бўлган созанда маълум пардаларни сабр билан лозим бўлгунча чалиб туриши керак. Чолғусини унинг чолғусига созлаётган созанда эса унга қунт ва сабр билан, ихлос ва энг кераги – катта истак билан эргашмоғи, чолғусини айнан ўша пардада чалиб туриб, оҳанглар бир бўлгунича чарчамаслиги керак. Ана шунда куй чиройли чиқади...

Ҳаётнинг ўзи каби кўҳна бу гапларни машҳур созанда Турғун Алиматов (Аллоҳ раҳматига олсин!) қизлари Мухтасархоннинг элик йиллик юбилейларида унинг ҳаётидан кўнглилари тўлиб айтган эдилар.

Бу гапларни билганлар, ўз қалбларига жойлаб олганларнинг оилавий турмушда, ҳаётда гармонияга, камолотга, муштаракликка интилмасликларига ишонмайман.

Оғриқ тишинг давоси доим омбир эмас...

– Куни кеча Фалончихоннинг келини кетиб қолибди деб эшитдим. Ҳамма қатори бир оиланинг бузилганига ачиндим. Аёл бўлганим учун аёллар ҳақида ёмон гап айтилишига қаршиман. Лекин айнан шу келиннинг кетиб қолганига хайрон бўлганим йўқ. Анча енгилтабиатли кўринганди кўзимга...

Маҳалла идораси ичига жойлашган стоматология поликлиникасида даволовчи врач бўлиб ишлайман. Бир куни Фалончихон келинини бош-

лаб келиб қолди. Дугонамниниг келин туширганига уч-тўрт ой бўлган эди. Ойдеккина келин экан. Аммо биринчи мулоқотданоқ, хуснини ҳам унутиб, уни зарядланган минага ўхшатдим. Фалончихон:

– Келинимизнинг тишлари икки-уч кундан бери безовта қилаётган экан, бир кўриб қўйинг, ўртоқжон, қийналиб юрмасинлар, – деди.

Кетаётганида келинига тайинлади:

– Зебохон, мана, доктор опангиз билан таништириб қўйдим. Қўллари енгил. Маҳалламизда ҳамма бу кишидан миннатдор. Айтган вақтларида келиб, тишларингизни даволатиб олинг!

Навбат келинга келганида уни юмшоқ ўриндиққа аранг ўтқаздим. Оғзини ҳам очишни истамасди.

– Тишингиз оғрияптими? – сўрадим.

– Ҳа, жудаям!

– Унда келинг, кўрайлик!

– Оғритасиз!

– Тўғри, балки оғрир, лекин чорасини албатта кўрамиз. Қани, оғзингизни очинг-чи?

– Оғритасиз! Яхшиси укол билан олиб ташланг, – ақл ўргатди келин.

– Оғриқ тишнинг давоси ҳамиша ҳам омбир эмас, қизим, – дедим унга тасалли бериб.

Биз врачлар беморлар билан муомала қилишда анча оғирмиз. Касбимиз шуни тақозо қилади. Лекин келин ўша куни мени жуда қийнаб юборди. Тишининг касали ётар олдида тиши ва оғиз бўшлиғини тозалаб ювмаганининг оқибати эканини айтганимда:

– Катгаларнинг ҳаммаси насихат қилишни яхши кўради! – деб ранжиди ҳам. У ҳар бир ҳаракатимга ишончсизлик билан қарар, ҳатто даво учун пул беришини писанда қилиб қўярди. Гўё пул берса,

оғриқ қоладигандек. Хуллас, унга кетган вақтимда икки-уч беморнинг тишини даволаган бўлардим...

Ниҳоят, тишига пломба қўйиб бўлдим. Оғриги қолганига ишончим комил. Чунки эҳтиётини қилиб, укол қилганман, малҳам қўйганман. Бир оз фурсатдан кейин уни қайта ўриндиққа ўтказдим.

– Яна нима қиласиз? Пломба қўйиб бўлдингиз-ку! – деди.

– Тўғри айтдингиз, ўша қўйилган пломба бир оз қотди, энди унинг ғадир-будур жойларини текислаб, ўз тишингиз билан бараварлаб, силлиқлаб қўяман. Шунда лунжингизни ҳам, тилингизни ҳам чақа қилмайди, – дедим унга тушунтириб.

– Керак эмас, яна оғритасиз, – деди ўжарлик билан.

Мен унга энди ҳеч оғриқ бўлмаслигини, лекин текисланмаса, тилини чақа қилиб оғритишини, овқат чайнашга қийналишини айтдим.

Йўқ, кўндиролмадим. Оҳиста яна тушунтирдим. Инсон тиши учун пломба бегона жисм ҳисобланишини, у тиш билан реакцияга киришиб, уч-тўрт кун ўтмай яна ўз тишидай бўлиб кетишини, оғирроқ бўлиб уч-тўрт кун чидаса, олам гулистонлигини айтдим. Борди-ю табиий озгина оғриқ эмас, ноқулайликка чидамай пломбани кавлаб олиб ташласа, кейинги даво бундан анча оғирроқ кечишини ёш болага тушунтиргандек тушунтирдим. Барибир гапларимни бир мирига ҳам олмади. Оғзидаги сўлак шимишга қўйган пахта золдирларини ҳам олмасимданоқ шартта ўрнидан туриб чиқиб кетди. Раҳмат ҳам насия қолди... Дугонамга ачиниб кетдим. Бундай келинлар билан муомала қилишнинг, йўлга солиб олишнинг ўзи бўлмайди... Келиннинг оиласини ташлаб кетиб қолганига шунинг учун ҳам ҳеч ҳайрон бўлмадим. Оғзидаги битта тишининг пломбаси бир-бирига сингишиб



кетгунича сабр қила олмаган енгил келин, бутун бошли одам – ўзининг янги оиласи билан сингишиб кетишига қандай чидайди?

Келинлар тушган оилаларида ўзлариники бўлиб кетгунларича неча семириб, неча озадилар. Ҳаётда «Юк кўтарган – ютади» дейилиши бежиз эмас.

Яхшики, яхшилар бор...

Яхши одамларга омадим борлигини кўп марта синаганман. Ҳар дам улар борлигига ва кўплагига шуқр қиламан. Яхши одамлар бор экан, дунёнинг мувозанати бузилмайди, деган хаёл юрагимда азалдан турғун.


...Эрта саҳар кўрган тушимдан юрагим қинидан чиққудек бўлиб уйғондим. Юз-кўзимдан майда ва муздек терни артар эканман: «Ё раб! Булар недан аломат?» деганимча узоқ ўйланиб қолдим.

Нонушта тайёрлаб уйдагиларни ишга кузатяпман ҳамки, дилим чигили ёзилмайди. Телефон жирингласа, бирон нохуш хабар эшитаманми деб, гўшакни хавотир билан кўтараман... Ёлғиз қолдим... Бироқ на ўқиш, на телевизор ичимдаги тошни эритишга ёрдам бера олмади.

Эшик қўнғироғи жиринглади. Очсам – яқин дугонам Раънохон. Қўлида бир даста гул! Саралаб олинган, ним очилган атиргул гунчалари «Нафосат мана – менман!» дейганга ўхшарди.

– Сабаб?! – дедим дугонамга қўлимга тутқазилган гулларига ишора қилиб. – Таваллуд бўлмаса, байрам бўлмаса...

– Вой, жуда соддасиз-да! – дедилар аслида гулни кўриб севинганимдан мақсадига етган одамдек самимий қувониб, ҳам завқланиб кулиб. – Сабаб – Сиз, баҳор, Наврўз! Бир зиёрат қилгим келди Сизни!



Кейин эрталаб бир юмуш билан кўчага чиққанларини, гул бозоридан ўтаётганда негадир шу дастага кўнгиллари ийиб, мен кўзларига кўринганимни, соғинч устун келиб, кўнғироқсиз ҳам келаверганларини айтдилар.

– Юмушдан қолдирган бўлсам, узр, – дедилар.

Мен эса уларнинг келганига ўзимда йўқ хурсанд эдим.

Бир пиёла чой устида гулларга тикила-тикила дугонамга дилимдаги ғашликни айтдим. Кўрган тушимни тафсилоти билан гапириб бердим.

– Инсон ўнгидаю тушида кўрганини яхшиликка йўйиб яшаши керак деб уқтиришарди ота-боларимиз, донишмандлар ҳам буни кўп бор таъкидлашган, – дугонам сокин ва тиниқ кўзларини кўзларимга қаратиб шундай деди. – Одам руҳий мувозанатини йўқотганида китобларга мурожат қилиши кераклигини ўзингиз ҳам айттардингиз. Китобларда инсон руҳиятини яхшиликка чоғлаш, йўналтириш ҳақида кўп ҳикматлар бор. Эсингиздами, Куръоннинг «Нисо» сурасида яхши нарсаларни ёмон нарсалар ичига ўраб қўйиб берилгани ҳақида айтилган. Яхшига етгунга қадар инсоннинг сабр ва тоқати, иродаси, иймони синовдан ўтиши, ўзи-ю иймонининг кўпнинг олдида имтиҳон қилинишига ишора-ку бу. Тушларингиз бир қадар силлиқ кечатган турмушингиз, руҳиятингизни безовта қилибди. Аслида уларда ёмонликдан кўра яхшилик бисёр эмасми? Андак заҳмат, куйиниш, астойдил меҳнат оқибатида ҳалол ва яхши натижага эришишингизга ишора-ку бу. Ҳа, яхшилик аломати бу, опажон...

Мен дугонамнинг тиниқ кўзларига тикилганимча кулоқ солардим. Айни пайтда юрагимдаги ғулувлар тарқаб, ажабтовур сокинлик ҳукмронлик қила бошлаганини сезардим.

Яхшики, яхшилар бор, дедим ичимда.

...Қадим-қадим замонларда бир савдогар бўлган экан. Умрининг кўп қисми ўзга юртларда ўтар экан. Шунинг учунми ёши анча катта бўлиб қолган бўлса ҳам, уйланишга кўнмас экан. Ахири кўпнинг маслаҳати билан уйланибди. Сафарга чиққунига қадар беш-олти ой саодатли ҳаёт кечирибди. Вақти келиб, савдогар яна сафарга отланибди. Йўл машаққатлари кўз олдига келиб, хотинини аяб, уни уйда қолдиришга қарор қилибди. Ёш ва гўзал келинга ўзгаларнинг кўзи тушмасин учун ҳовлиси деворларини баланд қилиб урдирибди. Зорикмасин, толиқмасин деб рўзғорини қайтгунича етадиган қилиб бадастир қилибди. Зерикмасин деб ҳовлиси ичига гулу райҳонлар экиб, шуларга қараб, парваришлаб овуниб юришни тийинлабди.

Кунлар ўтибди. Кунлар кетидан ойлар ўтибди. Бора-бора навжувоннинг чеҳраси сўлиб, иштаҳаси ҳам йўқолиб борибди. Гулу райҳонлардан баҳра олай деб уларга яқинлашса, улар ҳам сўлиб, эгилибди. Мева дарахтларининг барги сарғая бошлабди.

Вақти-куни келиб, савдогар уйига қайтганида не кўз билан кўрсинки, гулдек ҳовлиси чўлу биёбон ўртасидаги жазирама нуқтага айланибди. Гўзал хотини қазо қилибди...

Савдогар куйибди, қайғурибди, аммо тақдирга тан бермай иложи йўқ. Дўсту биродарлари уни яна уйлантириб қўйишибди. Ҳовлиси яна яшнабди. Келин унда яйраб юрибди. Вақти келиб, савдогар ўзга юртларга яна карвон сурибди.

Қайтиб келса... Яна аввалги ҳолатни кўрибди.

Ҳайратининг, қайғусининг чеки бўлмабди. Яна тақдирга тан бериб уйланибди. Аммо қалб аламлари ҳали битмаганидан, бу гал хотинини ўзи билан олиб кетишга қарор қилибди.



Фикрини айтганда аёли кўнмабди.

– Биз кетсак, гулдек ҳовли чўлу биёбонга айланади. Яхшиси, шу ерда худо деб, сизнинг қайтишингизни кутиб, ҳаққингизга дуо қилиб ўтирмаман, – дебди.

Юраги увишса ҳам савдогар рози бўлибди.

Орадан ойлар ўтибди, йиллар ўтибди. Сафардан қайтган савдогар бу гал хотинини омон кўрибди. У ўйнаб-кулиб юрганмиш. Гулу райҳонлар ҳам барқуриб, жаннат исини келтириб турганмиш. Шохдан шохга шўх сакраётган булбуллар хонишига киши маст бўлармиш...

Савдогар ҳайратдан донг қолибди. Суюнганидан тили калимага келмабди.

Орадан бир қанча вақт ўтганидан кейин савдогар хотинидан аввалги хотинларининг нима учун ўлганини, ўзи қандай қилиб омон қолгани сабабини сўрабди. Уй-жойини яшнатиб ўтирганининг сирини очишни илтимос қилибди.

– Бунинг ҳеч бир сири йўқ, – дебди аёл кулиб. – Сирнинг ҳаммаси анави мум энамнинг ичида! – Аёл токчада турган мумдан ясалган аёл ҳайкалга ишора қилибди. – Мен уни бир куни ертўлангиздан топиб олдим. Кейин у менинг бирдан-бир суҳбатдошимга, узун тунлар ҳасратдошимга айланди. Ҳасратларимни тинглайвериб, мум кўкси эриб, зардобга тўлган бўлса керак...

Савдогар мум ҳайкалчага яқинлашиб, кўлини унга теккизиб улгурмасиданоқ, унинг кўкси ёрилиб садо чиқибди: «Бешинчи кун келур албат, вале тўрт кун оғир ўтар!» Шундан сўнг ундаги бор зардоб оқиб тушиб, мум эна яна ўз ҳолига қайтибди...

Мум эна ҳақидаги бу қиссани эшитганмидингиз? Йўқми? Мен ҳам яқинда эшитдим. Эшитдим у одамнинг одамга нақадар кераклигини, одамнинг



тафтини одам олишини, одамга қувватни одам беришини англадим шекилли, шу ривоят ҳам умрим баҳрибайтининг боғловчи сўзидек хотирамга жойланиб, руҳимга жон берувчи булоқларнинг бирига айланди.

«Сабр – шодликлар каантидир»

Ёшлари бир асрни қоралаб қолган бувижоним бизга ҳамиша Худодан сабр ва қаноат тилаб дуо қилардилар:

– Парвардигоро! Болаларимга сабр ва қаноат ато эт! Кўнгилларини шу сабр ва қаноат орқасидан келадиган хотиржамлик ва ҳаловатдан, фаровонлик ва роҳатдан бенасиб қилма!

Ёшлигимдан бу икки тушунчанинг буюк қудратига ишониб келганман.

Яқинда улар таърифини излаб топмоқчи бўлдим-да, «Ўзбек тилининг изоҳли луғати» га мурожаат қилдим:

«**Сабр** – биринчи маъноси – ошиқмасдан кута билиш ёки ўзини тия олиш; тўзим; тоқат. Иккинчи маъноси – чидам, бардош. Учинчи маъноси эса қаноат».

Ростини айтай, ўқиганларимдан кўнглим тўлмади. Хаёлимдан бувим ўз дуоларига бу таърифлардан кўра кўпроқ маъно сингдирганлар, деган фикр қайта-қайта ўтаверди. Бувим руҳларига бу таърифлардан-да кучлироқ нарсалар қувват берганига ишонардим. Бувимнинг кўнгиллари сув ичган булоқлардан мен ҳам тўйиб-тўйиб ичишни, қалбим бойишини истардим.

Кунларнинг бирида Алишер Навоийнинг қаноат ва сабр ҳақидаги мухтасар таърифини ўқиб қолдим. Излаганимни топганимдан қувончимнинг чеки бўлмади. Бувижонимнинг Навоийни билган-



ларига ҳавасим келди. Ичимга сиғдира олмай, бу таърифни сиз билан ўртоқлашмоқчиман:

«ҚАНОАТ – булоқдир – суви олган билан қуримайди;

казинадир – нақдинаси сочган билан камаймайди;

экинзордир – уруғи иззат ва шавкат меваси беради;

дарахтдир – шохи тортинчоқлик ва ҳурмат ҳосили етказади.

ҚАНОАТ – кўрғондир – у ерга кирсанг, нафс ёмонлигидан қутуласан;

тоғликдур – у ерга чиқсанг, дўстга ва душманга қарамликдан халос бўласан;

қуйналашишдир – натижаси юксаклик;

зорикшиликдир – фойдаси эҳтиёжсизлик, фаровонлик;

йўлдир – қаттиқ, аммо севинтирувчи.

САБР – аччиқдир – бироқ фойда берувчи;

қаттиқдир – лекин заҳарни даф этувчи;

ўртоқдир – суҳбати зерикарли, аммо мақсадга олиб борувчи;

улфатдир – умиди узун, бироқ охири истакка элтувчи;

уловдир – юриши тихир, аммо манзилга етказувчи;

туядир – қадами офир, лекин бекатга туширгувчи;

САБР – шодликлар калитидир – ҳамма бандлар очқичидур...»

Ҳаётимда нечанчи марта аждодларимиз донишмандлигига, деганларининг турган-битгани ҳикматлигига тан бердим.



Тун сокиналигини қўшни уйдаги чақалоқнинг йиғиси бузди. Кўп ўтмай қаршимиздаги балконнинг чироғи ёнди. Ёш она аввал нималардир деб болани овутмоқчи бўлди. Бола тинчимагач, ғўнғиллаганича ўтириб унга кўкрак тутди. Бола бир-икки эмгандек бўлди, аммо қорни тўқ шекилли, яна йиғлай бошлади. Она уни бағрига босганича, ўнгдан чапга, чапдан ўнгга айлана-айлана алла айта бошлади:

– Об-бў-ў-ў-ў!

– Об-бў-ў-ў-ў!

Унинг охирги «ў-ў-ў!» си ўпкасидан бўғилиб чиқаётгандек кишининг қулоғига ўқдек тегарди. Бу оҳангда назаримда болани юпатувчи, «Онанг ўргилсин! Жоним сенга гиргиттон! Тинчлан, қўзичоғим!» дан кўра «Оббо! Яна тинчимни буздинг-а! Ахир бу нечанчиси!» каби зарда бор эди. Бола тинчиш ўрнига қаттиқроқ йиғлай бошлади. Она «Ухлай қолсангчи-ей!» деганича «алла» сини яна ҳам баландлатди:

– Об-бў-ў-ў-ў!

Баланд қаватли уйнинг яна бир-икки қўшни хонадонларида чироқ ёқилди. Ёш она бундан хижолат бўлдими, энди «Об-бў-у!» сига монанд ҳар «ў-ў!»да боланинг елкасига тап-тап уриб турарди. Онанинг ҳаракати ҳам ўзгарди. У энди у ёқдан-бу ёққа чайқалмас, худди зикр тушаётгандек, ўғир янчаётгандек болани тепадан пастга, бағридан тиззасигача силталаб силкитарди.

Шу вақт ичқўйлаги устидан халат ташлаб олган Саври опа чиқдилар.

– Маним отажоним «умма» сўраётгандирлар. Ҳозир у кишига «умма» берамиз. Кейин алла айтиб



ухлаймиз. Осмондаги оймомалар мўлтираб қолади бизнинг алламизга... Оқаётган сувлар тўхтаб қолади бизнинг алламизга... – Бувижоннинг овози майин, сокин, ниҳоятда секин ҳам эди.

У шу сўзларни айтиш асносида ошхонадан пиёлада чой олиб чиқди, болани келинидан олиб, унга чой ичирди. Кейин болани бағрига босганича унинг пешанасини силаб, елкаларини сийпалаганича секин алла айта бошлади:

*Худойимдан айланай,
Муродимга етказди, аллаё, алла.
Ҳилол ой қанотида
Сизни менга тутқазди, аллаё, алла!*

Бувижоннинг қўллари ёки сўзлари сеҳрлимиди – болажоннинг йиғлаган овози бошқа эшитилмади.

Бола ҳали яхши ухламадими ёки Саври опа ўзлари шўнғиган олам сеҳридан чиқиб кета олмадиларми, ишқилиб тун сокинлигида уларнинг майин, кишининг қалбига кириб борадиган аллалари беш-ўн дақиқа эшитилиб турди.

*Онам айтган аллалар
Юраккинам тубида, аллаё, алла,
Меҳрим қўшиб сўзимга
Сизга айтаман алла, аллаё, алла!*

Саври опа ҳали «Осмондаги оймомалар ҳам лол қолади!» деб, билиб айтдилар шекилли, ҳарқалай кўкда тўлин ой муаллақ қотди, катта йўлдаги машиналар овози ҳам эшитилмай қолди. Уларнинг балконига қадар кўтарилган мажнун толнинг сўлим шохлари ҳарир пардадек тебранарди.

*Ўроқ ойга аргимчоқ
Солиб бераман сизга, аллаё, алла.
Юлдузлардан бир қучоқ
Олиб бераман сизга, аллаё, алла!*

Инсон дунёга келишидан не эъзозу не мукофотларга лойиқлигини, не меҳрларга зорлиги, муҳтожлигини умр аввалидан билиб, умр аввалидан ўзида туйишга ҳаракат қилиши, истаганини топмаганида исён кўтариши рост. Меҳрга, аллага қониб ўсганлар бошқача бўлиши ҳам рост.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, бир кун қайнонам набираларига алла айтаётганларида қайнотам шундай деган эдилар:

– Онаси, алланг шундай майинки, одамни эритиб юборади-я! Ҳар гал алла айтганингда кап-ката бўлсам ҳам, йиғлагим келаверади...

Ҳар гал алла эшитганимизда, алла айтганимизда ўзимизда ҳам шундай кўтарилиш сезмасмидик! Алла эшитганда кишининг қалби шу энг майин, энг мунис, энг покиза ва ҳамиша ўзига хос қўшиқ билан тўйинади. Бу тўйинишни бола умри аввалиданок ҳис қилиб турганига нима етсин! Алла орқали болага онанинг, демак, башариятнинг чексиз муҳаббати, умид ва орзулари, ният ва тилаклари, покиза дуолари сингади.

Кексаларнинг ривоят қилишларича, «Алла» аслида «Аллоҳ» сўзидан келиб чиққанмиш. Балки ҳақиқатда ҳам шундайдир. Аммо ҳар бир онанинг ўз алласида Яратганга муножот қилиши, ундан дилбанди, жигарбандини асрашни илтижо қилиши – кундек равшан нарса.

Эътибор берган бўлсангиз, ҳеч бир онанинг алласи, оҳанги бошқаларникига ўхшамайди. Уни ҳар бир она ўзича қуйлайди. Балки Тангрининг ҳар

бир онанинг жонию танига ўзига хос алла сўзи, ўзига хос оҳанг сингдириши ҳақидаги ривоятлар ҳам ростдир? Балки бу ҳолатда, онанинг алла айтиш ҳолатида ҳеч ким тагига ета олмайдиган сеҳр борлиги ҳам ростдир?

Унда алла айтаётганингизда ўзингизга Аллоҳдан бутун чарху дун эриб, ийиб, чайқалар ҳолатга келадиган майинлик, эзгулик ато этишини сўранг!


Дуо: *Илоҳо, эшигингизга сурнай хонишини олиб келадиганингиз фақат сизга аталган киши бўлсин! Қалбингиз ҳозирданоқ «Сиз – менинг керагим!» деб турсинки, бундай қалбда орзу қилганингиз Кумуш муҳаббати, Кумуш вафоси, Кумуш идроки, Кумуш сабри, Кумуш фидойилиги ниш уриши шубҳасиз! Илоҳо, оталаримиз ўгити, момоларимиз алласи қалбингизга муҳрлангани рост бўлсин! Омин!*

БАХТЛИ БЎЛИНГ!

(Хотима ўрнида)

Бутун сизлар билан йил давомида ўтказилган туркум суҳбатларимизни яқунлаяпмиз. Беихтиёр Соҳиббахон опанинг аёлларнинг бир йиғинида деганлари эсимга тушиб кетди:

– Оналарнинг қизларига айтар гапи кўп бўлади, аф ўнайлар. Унашилгач, тўйдан кейин ҳам мавриди билан набира қизларимни ёнимга олиб, кўп насиҳат қиламан. Турмушдан, у ёқ-бу ёқдан гапирараман. Бир-икки шундай суҳбатлардан сўнг «Гапимни яхшилаб уқтингми, болажоним, қулоғингга сирғ қилиб тақиб олдингми? Айтганларим бу қулоғингдан кириб, унисидан елвизак бўлиб чиқиб кетмадимми?» деб сўрайман. Нима эсида қолдию, нимани уққанини синаш учун «тест» ҳам ўтказиб кўраман... Агар билсангиз, оналар ҳам, бувилар



ҳам қиз узатганда тест синовидан ўтадилар. Узатган қизлари борган ерида тиниб-тинчиб кетса, қизнинг онаси ҳам, бувиси ҳам ҳаёт тестидан яхши ўтганини билдиради. Бир набира қудам борлар. Наргизагинамнинг ойижонлари. Шулар ҳар ҳафтада бир-икки кўнғироқ қилиб турадилар. «Катта ойилари, сизга раҳмат, келин қизимни жуда яхши тарбиялаган экансизлар. Умру жонларига Аллоҳ барака берсин! Яқин-яқингача ҳам отасиз катта қилган ёлғизимга қандай келин насиб қиларкин, ўзи кемтик дилим яна ўртаниб қолмасмикин, деган фикр миямда чиғириқдек айланарди. Шукр, ўқишдан келгунларича соғиниб қоламан. Олинг, олинг қилишиб чой ичамиз. Бир жойга борадиган бўлсак, киядиган эгнимни бир-бирига мослаб, модний қилиб кийинтириб юборадилар...» дейдилар. Ўша қизим унашилгач, уй кўрарга мени олиб боришган эди. Қайтиб келгач, Наргизамни олдимга олдим-у, қулоғига кўп гапни қуйдим. Қайнона бўлмиш эрдан ёш қолган экан. Соғлом бўлса ҳам кўнгли яримта экан. Шу ўғлидан бўлак уйда ҳеч кими йўқ. Унинг кўнглини сен кўтарасан, болам. Ёш бўлсалар ҳам, одми кийимларда анча катта кўринадилар. Парваришларини қил, деб тайинладим. Болам ҳартугул ҳамма айтганимни қулоғига сирга қилган экан. Кечқурун онасининг ўрнигача ўзи тайёрлаб, у ёқ-бу ёғига қараб, ўзи ўраб ётқизиб, чиқиб кетармиш. Қайнона бўлмиш телефонда айтади бу гапларни, қизим индамайди. Ҳар гал келганида ойсини ҳам бирга юринг, деб зўрлармиш. Оқшомлари бирга сайрга чиқишармиш. Ҳа, кўрсатганингга, шу гапларни эшитишга муносиб қилганингга шукр деб, дуо қилиб ўтираман. Бошқа қизларимга Наргизамни ибрат қиламан... Тестдан яхши ўтганимиз шу-да, айланай!



Бу гапларни эслаётганим бежиз эмас.

Мен ўтган суҳбатларимизни қандай ўзлаштирганингиз ҳақида Соҳиба опа каби тест ўтказмоқчи эмасман. Чунки бу суҳбатларда ҳар бирингиз фаол қатнашиб турдингиз. Ахир ҳар суҳбатимиз айнан сиз ҳақингизда бўлмаса ҳам, яқин келажагингизни белгилаб берувчи турмуш ҳақида бўлди-да. Баъзан баҳсларимиз қизиқ, белгиланган вақтнинг қандай ўтиб кетганини ҳам билмай қолдик. Кўплашиб дилдан суҳбатлашдик. Баъзан онангизга ҳам айтолмаган фикр-мулоҳазаларингизни секингина менга айтдингиз. Ишонч учун ташаккур. Сўроқларингизга қониқарли жавоб бера олдимикин? Суҳбатлар мавзусини танлашда асосан шу фикр-мулоҳазаларингизга таяндик. Баъзан бу суҳбатлар хаёлимдан кетмай, кейинроқ сизга ўхшаган қизларимга китоб қилиб тайёрлаш мақсадида чизгилар қоралаб қўйдим. Озгина бўлса ҳам бу суҳбатлар қалбингизни нурлантиргани рост бўлсин.

Гарчи суҳбатларимизда кўп масалаларга тўхталган бўлсак ҳам, ҳамма керакли гапни айтиб бўлдик, дея олармиканмиз. Фикримга қўшилсангиз керак: ҳали олдингизда кутилмаган муаммолар кўп бўлади. Чунки ҳаёт сержило. Умрингизнинг ҳар куни янги синов келтиришига, янги сабоқ беришига тайёр туринг. Бу гап билан сизни чўчитмоқчи эмасман, асло. Дунё яралгандан бери оила бор, унинг шакли ўзгариши мумкин, лекин мазмунан ўша-ўшалигини эслатмоқчиман холос. Эртага келинсиз, индинга – онасиз, эртаси чин соҳиба, кейин бувисиз. Момо Ҳаводан бери аёл қисматидагилар мана энди сизнинг ҳам бошингизда. Эсингиздами, донишмандлар «Муҳаббат ўзи эски нарса, аммо ҳар бир қалб уни янгилаб туради!» демишлар. Оила ҳам шундай... Ҳаммаси ўзингизга боғлиқ.



Энг ривожланган мамлакатларда ҳам, тамаддун тақозоси билан турмуш тарзи инсониятнинг ибтидоий даврига яқинлигича қолган қабилаларда ҳам оила қалъаси бор ва унинг ичида аёлнинг мавқеи устунлигича қолган. Чунки қалъа ичидаги маънавий муҳитни аёл яратади. Шу муҳит кўпинча бутун жамиятга ҳам таъсир қилади. Аёл кишини юртнинг юзи деб бекорга айтишмайди.

Касбим туфайли ва ҳаёт тақозоси билан кўп миллатларнинг оила мавзуига оид китобларини ўқиб чиқишга тўғри келди. Китоблар инсон фикри маъзини тўқ қилади, дейишгани рост. Англаганим шу бўлдики, миллатидан қатъи назар, ҳамма халқлар ҳам оилани муқаддас даргоҳ, ўзгаларнинг мўралашни ман этилган мустаҳкам қалъа деб тушунишар экан.

Ҳақиқатда ҳам замонлар ўзгаради. Аммо башариятнинг энг нодир кашфи бўлган ОИЛА мангу! Бу муқаддас даргоҳнинг устувор қонун-қоидалари мангу.

Ҳа, башариятнинг оила, муҳаббат дарди бир. Бу борада йўл қўйиладиган хатолар оқибатида юракларни ўртайдиган изтироб дардлари ҳам бир.

Китобимизнинг бир ерида она ўз қизига шундай дейди: *«Борлигим сенга сеп бўлсин, бир умрлик, вафоли сеп бўлсин! Шу уйдан барча яхши нарсаларни, мендаги бор фазилатларни ол! Илтижойим: хатоларим, адашганларимни – қўй! Қўлингдан келса – уларни тузат, бироқ зинҳор тақрорлама! Негаки сен – менсан, буни унутма! Яна бир илтижойим – сен мендан кейинги ҳалққа бўлганингдек, менинг кечмишларимни ўзингдан кейинги боқира ҳалққа янада тозароқ етказ!»*

Оналарнинг қизларига айтадиган гаплари ҳаммиша кўп бўлиши рост. Нуронийлик, дуоғўйлик



фаслига етганим шукри қуввати ила мен набира қизларимга айтмоқчи бўлганларимни сиз билан суҳбатларда ўртага ташладим. Давраминизни кенгроқ олиш умидида бу суҳбатларимиз чизгиларини жамлаб, тўлдириб, расамади билан жойлаштириб китоб тайёрладим.

Назаримда ҳали яна кўп гаплар айтилиши керакдек. Ҳаёт ахир қўлмак эмас, бетиним ўзгариб оқувчи дарё! Айтилганлар ҳам – бошимдан кечирганлар, дугоналаримдан эшитганларим, кўрганларим, одамлардан эшитган ривоятлар ва ҳикоятлар, қалбимни қачонлардир қуш мисол осмонга кўтариб – офтобда чўмилтирган, айрим пайтлар тубсиз жарга ирғитгандаги каби шувиллатиб, музлатган кўп, ниҳоятда кўп ўйлантирган воқеалар!

Ҳа, оналарнинг қизларига айтар гапи кўп бўлади...

Кексаликнинг эзмалигига йўйманг-у, лекин шу охириги сабоғимизда қизини узатаётган онанинг дил сўзларини айнан келтиришни лозим билдим:

«Суюкли қизим!

*Мен сен каби балогатга етиб, бувижонинг билан сирдош бўлган пайтларимда улар менга бир китоб кўрсатгандилар ва ундаги отам тагига чизиб қўйган сатрларни эсдан чиқармаслигим кераклигини тайинлаган эдилар. Унда шундай ёзилганди: **«Тирик қалблар манзиллардан иборат. Қалб қачонки нур билан тўлса, унинг нурларининг ортган қисми бутун аъзойи баданга ёйилади. Қачонки қалб ботил билан тўлса, ундаги қоронғилик дарёси бутун аъзойи баданга тарқалади».***

Бувинг ўшанда бошланаётган янги ҳаётим анча мураккаблигини таъкидлар эканлар, инсон доим икки зид орасида яшагани учун ҳам, ҳаммиша огоҳ бўлиши кераклигини уқтирган эдилар. Огоҳ бў-



лиш керак деганлари, албатта, қалбда қоронғилик устун бўлишига йўл қўймаслигим кераклиги эди. Мен буни яхши тушундим. Киши ҳаммша ўз қалбини тозартириб, тоблаб бориши керак. Айниқса янги уйингда, чин уйингда фақат яхшилик изла, қалбингда яхшиликни олиб қол! Янги уйимдаги одамлар менга фақат эзгулик тилашади, шунга муносиб бўлишига интилишим керак, деб ўзингга кўрсатма бер, жоним қизим. Мени ва дадангинг юзларини ерга қаратма! Катта олимлар, элга нур таратувчи зиёлилар оиласида тарбия топганингни унутма!» – деб тайинлаган эдилар онажоним.

Бугун бу гапларни сенга етказишни ўзимнинг бурчим деб билияман. Сен уларни қулогинггагина эмас, қалбингга жойлаб ол, қизим!

Одамнинг қандайлигини билиш учун асл инсоннинг ўзгармаслигини, чин инсонлик мақомини бирдек юқори сақлаб туриш мушкуллигини, олтин зангламаслигини англаш учун кўп йиллар, кўп фасллар керак бўларкан. Инсон муттасил синовлардан ўтиб боради, она қизим. Буни унутма!

Мана салкам чорак асрдан бери шу хонадондаман. Оддий талаба эдим. Ўсдим, ундим, фан номзоди бўлдим. Сен ва уканг шу табарруқ хонадонда катта бўлдинглар. Орзуларимнинг ҳаммаси бекамму кўст ушалди, десам хато бўлмас. Чунки бағримиз бутун, бобонг ва бувижонинг борлар. Улар оиламиз файзи ва баракоти, суянчи, карвонбоиши... Бағри бутунликда ҳикмат ҳам кўп, қувват ҳам кўп. Бу – қалбингнинг туғи бўлсин!

Мен келин бўлиб тушганимда улар ҳам худди қайнонанг ва қайнотанг каби ёш эдилар. Улар менга оналик-оталик қилиш билан бирга кўп жиҳатдан чин намуна бўлишди. Қайнона бувимлар билан бирга бўлган давримизни-ку бир мактаб дейман. Сени



эркалаб, алла айтганлари ёдингдадир? Мактабдан келар вақтинг тиқ этса, эшикка қараб ўтирардилар. Насиб бўлсин, укангнинг, сенинг ҳам бола-набираларингга уларга ўхшаган «катта ойи» бўлишни орзу қиламан. Улардан кўп нарса олдим. Шу ўрганганларимни, албатта, сизларга етказишим керак.

Баъзан ўйлаб қоламан: бошқалар ихлос қилар даражада ва нузли бўлиш учун киши қандай яшаши керак? Бобожон билан бувижоннинг турмуш қуришганига элик йил бўлганда бир мен эмас, ҳамма уларга ҳавас қилишини англадим.

Бу оила тарихини сўзлаб охирига етиш қийин, она қизим. Сен шу оиланинг маънавий аъмолидастурда катта бўлгансан. Шунинг учун сени узатаётганда қалбим оналарга хос тушуниксиз туйғуларга тўлиқ бўлгани ҳолда, бу дастур сенга қувват беражагига ишонаман. Бу қувват сени тўғри яшашига, оламга ва одамларга тиниқ қарашга, ўз оиланг, ўз бахтингни маҳкам ушлашига ўргатади, деб ўйлайман. Ва буни оқибати мен ҳам вақти келиб гурур ила дерман:

Ё Раббим! Оҳларим ижобат – қиз бердинг,
Ўзингга шукр!

Жисмимдан мўъжиза қайтариқ – из бердинг,
Ўзингга шукр!

Кичикка иззатли, улугга қилиб мени тенг улуг,
Қизим деб баҳамни эл ичра – «Сиз» бердинг,
Ўзингга шукр!»

* * *

Шундай, ойим қизим, оналарнинг ҳамиша қизларига айтар гаплари кўп бўлади. Уларни қулоғингизгагина эмас, қалбингизга оласиз, деган умиддамиз.

Яна кўришгунча!

Дуо: *Илоҳо эшитганларингиз қалбингизнинг бебаҳо мулкига айлансин! Илоҳо бахтибекамлик манзили томон йўлингиздаги нурли пойандоз бўлсин улар! Илоҳо улар қуввати ила барча яхши ниятларингизга етинг. Юрган йўлингиз нур бўлсин, тергангиз дур бўлсин! Ҳазрат Навоий таишбеҳидаги дили пок, тили пок, ўзи пок дилбар аёл мартабасига эришиш насиб этсин! Ҳар бирингиз ўзингизнинг эрка бахтингиз бекаси бўлинг! Омин!*





АЁЛЛАР ИҚЛИМИ

Бека
Сийрат қадам
Кўғирчоқ
Болаларим туфайли
«Қоши ёсинму дейин...»
«Губернатор» қайнона
Қоидасиз ўйин
Кўнгилнинг туби
Элакка чиққан аёллар
Муножот
Азага борган хотин
Ёстиқ остидаги дафтар
Уч карра жаннати
Купедаги тўрт аёл
Китобий аёллар
(Икки ҳикоя)
«Сиз бор – мен бор!» деёлмадим
Сўнгсўз



Қизларга аталган мазкур китобга катта ёшдаги аёллар ҳақидаги ҳаётий ҳикояларни киритаётганимизга ҳайрон бўлманг. Улар ҳамиша ёнингизда бўлишган. Ҳозиргача улар онангиз, опангиз, келинойингиз, амма-холангиз тимсолида эдилар... Сиз улардан ибрат олиб улғайдингиз.

Бундай аёллар билан тўйингизнинг эртасигаёқ янги уйингизда ҳам қайнонангиз, қайинэгачиларингиз, овсинлар, қудалар тимсолида яна бирга бўласиз.

Янги ҳаёт бошлаётган сизгинага улар ҳақидаги ҳаётий ҳикояларни беришдан мурод, улар сизга кўзгу вазифасини ўтайди, деган умиддамиз.

Кўзгуга қараган киши ўзининг кўп яхши ва ёмон томонларини кўради ва агар мулоҳазали бўлса, албатта, яхши фазилатларини кўпайтириш, ёмон иллатларини йўқотиш тадоригини кўриб, бахтини маҳкам ушлайди.

* * *

Шундай қилиб, мана юраккинангиз ҳаприқиб кутганингиз тўй ҳам ўтди...

Бу – «ўзга юрт»да уйғонган биринчи тонгингиз!

Кечаги ҳаяжонлар, тўй тантаналарининг баланд пардадаги хонишлари ўрнида энди қалбингизда ажабтовур бошқача туйғулар сезяпсизми?

Дилингиздан кечаётганини сиз тугул, бошидан аллақачон кечирганлар ҳам сўз билан ифодалаши мушкул.

Келин бўлиб тушган янги хонадонда биринчи тонгни қаршилаган келинлар кечинмаси бир хил эмас, албатта.

Нималар кечяпти ҳозир дилингиздан?



Тун ярмидан сўнг сиз билан бирга ёлғиз қолган «ўз тақдирингиз»га нисбатан ўзингиз ҳам англаб етмаган бирам қизиқ, бирам сирли, бирам илиқ, бирам нурли, бирам ғалати туйғулар оғушидасиз-а? Илоҳим шу туйғулар кеча эшитганингиз: «Қўша қаринглар», «Бахтли бўлинглар», «Серфарзанд, сердават бўлинглар» каби кўплаб дуолар қанотида муҳаббат бўлиб ниш урсин! Бора-бора бутун қалбингизни эгаллаб борсин бу **муҳаббат** деганлари!

Ҳозир эса қалбингизни ҳадик ва яна сизга ҳозирча тушуниксиз бўлган туйғулар эгаллаб олган-а? Эсингиздами, унаштириш маросимидан кейиноқ қалбингизни мавҳумлик, келажакдан қўрқув, хавотирлик эгаллаган эди-а? Ўша туйғулар бу тонг авжга чиққанини сезяпсизми? Кечагина бу туйғулар кўпчиликнинг дуолари соясида бир оз пасайгандек туюлмабмиди сизга? Бугун эса улар яна киприкларингизни пириллатяпти, бармоқларингизни енгил титратяпти.

Ҳозир келинсаломга олиб чиқишади сизни.

Ойна олдида туриб неча марта келинсалом қилишни машқ қилгансиз, таъзимингиз бирам чиройли эди-а! Аммо сизни ҳозирда қийнаётган кечинмалар ана шу ярим соат нари-берисидаги «келинсалом» маросими эмас, албатта.

Сизни қийнаётгани, сизнинг бу уйдаги ҳаётингиз лаҳзаликми ёки ҳамшишаликми деган савол-а? Яна ўйлаяпсиз: бу хонадон соҳиблари қандай одамлар? Сиз ишондим деб қўлидан тутиб келганингиз «ўша» киши аслида қандай одам? У билан турмушингиз қандай кечади? Худойим чекингизга қандай **келин**, қандай **аёл**, қандай **она** бўлишни ёзган?

Қизлик уйингизда **ой қизим**, **оймома қизим**, **ойим қизим**, **она қизим** деб аташарди-а сизни! Ҳамманинг суюклиси, маълум даражада эркаси, меҳрибони эдингиз. Сизсиз уйингиздагиларнинг то-



могидан тансиқ таом ўтмасди. Неки яхиши нарса,
гўзал нарса бўлса, сизга илинишарди-а!

Бу ерда-чи? Эртага қандай номингиз чиқади?
Чақмоқдеккина келин экан дебми? Ойдек келин
дебми? Ёки... тунд келин дебми? Типпа-тик келин
дебми?

**Оилани, уйни аёл кишининг метин қалъ-
аси, эрни унга қалқон, ўқ теккизмайдиган
зирҳ, дейишади.** Оҳ, абад қалъангизга келганин-
гиз, зирҳ-қалқонга пана бўлганингиз рост бўлсин-а!
Буни сизга чин кўнгулдан қанча-қанча кишилар
истаётганини билсангиз эди!

Тушуниксиз кечинмалар қалбингизни тезроқ
тарк этиши, ҳаётингизнинг мувозанати мус-
таҳкам бўлиши учун қулогингизга бир-икки гап
айтмоқчимиз. Уларни унутманг.

* Сизни дуо қилувчиларнинг тилаклари сами-
мий эканига чин дилдан ишонинг ва фақат келин-
лик давридагина эмас, балки бир умр шу дуоларга
лойиқ ва содиқ бўлишга интилинг.

* Дуолар кишига ўз-ўзидан юқиб қолмайди, буни
унутманг. Дуо вожибига лойиқ амал, ҳаракат ке-
рак ҳамиша.

* Кишилардан қанчалик кўп яхшилик излаб, ях-
шилик кашф қилиб яшасангиз, бахтибекамликка
шунча тез эришасиз.

* Келинликнинг дастлабки уч-тўрт йилида сиз-
га насиҳат қилувчилар кўп бўлади. Уларни сабр
ва сабот билан тингланг. Айниқса, янги хонадо-
нингиз кишиларининг насиҳат ва маслаҳатлари-
га безътибор бўлманг. Унутманг, ҳар панду на-
сиҳатнинг ўз юки бўлади.

* «Одобни беодобдан ҳам ўрган» деган гапни
эшитгансиз. Қандай қилиб, дейсизми? Бунинг учун
ичингизда унинг беодоблигини эътироф этасиз-да,
камчиликларини қайтармасликка интиласиз.



Бундан кейинги демоқчи бўлганларимизни шу китобда келтирган ҳаётий ҳикоялардан уқиб оларсиз, деган умиддамиз.

Китоб қаҳрамонларига диққат қилинг. Қай бирларига сизнинг ҳавасингиз келди? Қай бирларига ўхшагингиз келяпти? Бахтингизнинг бекамлиги шунга боғлиқ.

Чунки келажакда сизнинг бахтли ёки бахтсиз бўлишингиз, кўрган, билган, ўқиган, эшитганларингиздан нималарни уққанингиз, қандай хулоса чиқарганингиз ва қандай мулоҳазалар юритаётганингиз ҳамда шуларга асосан тутадиган амалларингизга боғлиқ.


Оилангизга муҳаббат, садоқат, фаровонлик ва фароғат тилаймиз.

БЕКА

Бека – аёл, хотин, хонадон соҳибаси ҳар бир оиланинг асосий кишиси ҳисобланади. У оиланинг маънавияти, иқтисоди, ташқи алоқасидан тортиб, саломатлиги, ҳуқуқи, болалар тарбияси, рўзғор юритиш... Хуллас, ҳамма-ҳамма томонига тўлиқ мутасадди, яъни жавоб берадиган шахс. Шунинг учун ҳам яхши хотин, яхши бекани «Уйнинг фариштаси», «Оиланинг устун» дейишади.

Бека зиммасидаги барча маънавий ва маиший ишларни санаб поёнига етиб бўлмайди дейдилар. Шунга қарамай, уни тасвирлашга уринганлар кўп. Мана, шундайлардан бир мисол:

«Хотин вазифасини ёлғиз ош пиширмоғу ётиш учун ўрин хозирламоқ, уй супурмоқ, боласи бўлса эмизиб, бешикка беламоқдан иборат билувчи эрлар ҳам бўлади, – дейилади ўтган аср бошида ёзилган бир китобда. – Ўшандоқ ўз вазифаларини



билмаганларидан устларига юкланган вазифаларни оз нарсадан иборат деб, эътиқод этувчи хотинлар ҳам борлиги маълум.

Кичкина бир мамлакат мисолида бўлган оилани бутун идора қилиш хотин зотининг бошида бўлганидан унинг вазифаси ҳам оз эмас, балки бир мамлакат ишидек деб қарашдай улуғвордир. Оилада бўлганларга гўзал тарбия бермоқ, оила ичида кириму чиқимларни тартиб-интизом билан тутмоқ, оила аъзосини муносиб хизматлар тайин этиб ишлатмоқ, ораларида ихтилоф чиққанида икки тарафни ҳам мамнун этарлик даражада келиштирмоқ, қўшнилар ёки бошқалар билан оила орасига совуқлик тушиганда дўстлаштирмоқ каби нарсалар хотин зиммасидадир.

«Хотин фақирликка қарши бир аскардир, Ватани – уй, истеҳкоми – тиришқоқлик, фани – ҳарбий идора, қуроли – игна балан қайчидир», дерлар. Лекин хотин ёлғиз аскаргина эмас, балки бунинг устига сулҳ-келишув қозиси, тарбиячи ва насихатгўйи ҳамдир.

Ақлли хотин оила аҳволини яхшилаш хусусида заррача бўлса ҳам энгиллик қилмас. Ҳар ишда меъёрли бўлувчи. Эрининг ризолигини олиб, унинг ота-онасига, қариндош-уруғ, биродарларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатувчи. Эрининг душманлари билан асло муносабатда бўлмас. Қўлидан келганича маишатда тежамкор бўлиб, исрофгарчиликдан сақланувчи. Эрининг малини сақлаб, мумкин қадар мол йиғувчи...»

Бу иқтибосни келтиришдан мақсад **жотин**, яъни **бека** вазифаларини яна бир эслатиб ўтишгина эмас, албатта. Бошқа тилдан ўтирилган бу китоб дунёдаги ҳамма халқларда ҳам оила қизларни маънавий баркамол тарбияловчи, уй-рўзгор ишларига ўргатиб борувчи, оила иқтисодиётини тўғри юритишга кўниктирувчи, юрагига сабр-бардош



тошини солувчи асосий тарбия маскани эканига эътиборни қаратиш ҳамдир.

Ўзбекларда оилага келин қидирилаётганда қизнинг маънавий яхши тарбия кўрганми, яъни ўқиганми, янга кўрганми, яъни удликми, оила маданияти, муомала-муроса маданиятидан хабари борми деб ҳам кўпинча суриштирилади.

Маънавий бой келин олган оила кўп жиҳатдан ютади. Негаки бундай келин ҳар қандай оғир вазиятда ҳам тадбир топа билади. Бундай бека ишнинг кўзини, эрининг кўнглини, оиланинг эҳтиёжи, боласининг феълени, қайин-бўйиннинг орзу-ҳавасини... кичик бир имо-ишорадан, кўз қиридан англай олади.

Маънавияти юксак, яъни тарбия кўрган бека оиланинг ташвишлари, эр камчиликлари, қайнона инжиқликларини бошқаларга дастурхон қилмайди.

Маънавий юксак бека пешана тери билан топилган ҳар нарсанинг қадрига етади. Исрофгарчиликка йўл қўймайди. Янгисини олмагунча, эскисидан кечмайди. Кийим-кечак, озиқ-овқатни чиқитга чиқармайди. Кўп нарсани ўзи эплаб, кучи етмаган ердагина эрига мурожаат қилади.

Бундай бекалар мисли хазина, дейишади донишмандлар. Бундай бекаларга эри ва бошқалар тўла ишонишади, унга суянишади, ундан яхши маслаҳатлар олишади. Бундай даражага бекалар ўз билими, фаҳм-фаросати, меҳр-муҳаббат, яхши муомаласи билан кўп йиллар давомида ва анча синовлардан ўтиб эришадилар.

Биронта оила саранжом-саришталиксиз ва оила иқтисодиётини (яъни рўзгорни) тўғри юритишсиз том маънода фаровонликка эриша олмаган. Оилада ҳўжалик машинасининг бу икки мурватини ушлаб туришгина эмас, тўғри йўналтириб турадиганлар асосан бекалардир. Буни эплаганлар «*Бир қўлимда қалам, бир қўлимда болам*» ни ифтихор билан айтадилар. Яна айтиш жоизки, бу икки ва-



зифани аъло бажарувчиларнинг бошқа кўп камчиликлари ювилиб, кечирилиб кетади.

Дейлик, бека ўз иш жойида яхши ходим бўлса-ю, «ишликман» деб, ўз уйидаги вазифаларини ўринлата олмаётган бўлса, бунинг устига уйидаги ўрнини сидқидилдан билдирмай келадиганлар: «яхшилигини ошириб, ёмонлигини яшириб» келаётган қайнонаси ёки уй ишларига қараб турадиган ходимаси бўлмаса – ишда нечоғлик яхши ходим бўлса ҳам, уйдаги айблари кўпчиб-кўпчиб юзага чиқаверади, бўйнига осилаверади. Бундайларнинг обрўси тобора нураб бораверади.

Аввало уйдаги ва ишдаги мавқеини қадрлайдиган бекалар уларга сидқидилдан қарашаётган қайноналарини «Бахтимга яхшиям сиз бор экансиз, илоҳо доимо соғ бўлинг!» каби ширин тил билан кўнгилларини кўтариб, вақти-вақтида ўз ойликларидан дурустроқ зарур буюмларини совға тариқасида олиб берибми, кўнгилларини овлаб турсалар, улар беканинг уйдаги ишини қилишаётганидан оғринишмайди. Уй ишига қараб турадиган ходиманинг иш ҳақини ҳам ўз маошидан бериш билан бека ҳам уйни, ҳам ишни баробар олиб боришга интилаётганини кўрсатади. Бошқа дугоналари ишини ҳам, уйини ҳам эплаяпти-ку ахир... Бека минг иш билан банд бўлмасин (раҳбарлар орасида ҳам аёллар кўп), уйдаги юмушларга умумий раҳбарлик жиловининг қўлида бўлиши керак. Ахир у – аёл, ахир у – она. Аёллиги ва оналигини бой бериб қўймаслик учун ёрдамчилари билан бўлса-да, уй бошқарувини қўлдан ҳам, кўнгилдан ҳам бой бермаслиги керак.

Аёл, беканинг ўрнини уй тутишда ҳеч ким эплолмайди. Вақтинча (дейлик, келини туғруқхонадан ёки хизмат сафаридан қайтгунича) унинг уйини бошқариб турган зукко қайноналарнинг ҳам келинлари уйга келиши билан айтадиган би-



ринчи гаплари икки жонга омонлик тилаш бўлса, иккинчи гаплари: «Уй-жойингиз ўзингизга буюрсин! Амаллаб томини-ю деворини ушлаб турдим, бу ёғини ўзингиз эплаб оласиз! Қадимгилар: бир шалтоқ хотиннинг уйини ўнта чаққон эплормаиди, деб тўғри айтишган экан!» бўлади. Бу гапларни **аёл-хотин-бекага** берилган энг юксак баҳо, унвон деб қабул қилиш керак.


Ҳа, уйда бека энг керакли ва қадрли одам!

Тартиб, саранжом-саришталик деб уйдаги ҳар бир буюм ўз жойида ва яхши турувига айтилади. Бундай уй тутмоқнинг ўзи зўр санъат. Бекалар йилдан-йилга аста-секин эринмай ва оғринмай эгаллаб борадиган санъат! Иқтисодиёт, рўзғор тутиш – кирим-чиқимни оқилона бошқариш, режали иш юритиш санъати.

Сариштали, фаол аёл – бека оила фаровонлигининг асосидир.

Буюмларнинг кўплиги асло бойлик аломати эмас. Ҳар бир буюмнинг ўз вазифаси бор. Уларнинг асли жойи қайдалигини фақат бекалар биледи. Дейлик, пардоз анжомларининг бири эрининг иш столи устида турса ёки минг чиройли бўлмасин, гул тувак пианино устига қўйилган бўлса, бу эрининг алоҳида иш кабинети борлигини, гуллари кўплигини кўрсатувчи бойлик аломати эмас. Аксинча, бека қалбининг, дидининг қашшоқ – мешчанлигини билдиради.

Энг муҳими, агар хотин ўз бекалик вазифаларини тан олмаса, уларни ўзи учун ҳақорат деб билса, шу ўйлаши билан қаттиқ янглишаётганини вақтида англаб етмаса, бундай бека ўз эри, оиласи бўйнидаги боқиманда мавқеини эгаллайди. Элда уларни «кана хотин» дейишлиги бежиз эмас. Афсус, бундай аёллар оиланинг устуниси эмас, оғир юкига айланадилар. Энг ёмон томони шундаки, бундайлар оилада ўз қайтариқлари бўлган қизла-



рига яхши ибрат бўла олмайдилар, уларни тўғри тарбиялай олмайдилар.

Хотин ўз мазмун-моҳиятига кўра эрининг кўмакчиси эканлиги, уй юмушларига ўзининг беминнат меҳнати, улушини қўшиш билан бутун оиланинг фаровонлигини таъминлайди ва фарзандларига ибрат бўлади.

Оилада фақат хотин-бекагина оз вақт сарф қилиб, кўпга эриша олиш қобилиятига эгаллигини кўрсатувчи мисоллар кўп. Аммо фақат хотин-бекагина нафсиламрини айтганда, уйини керак ва нокерак буюмларга тўлдириб ташлашга қодирлигини кўрсатувчи мисоллар ҳам йўқ эмас. Вақт-вақти билан бекалар холис туриб уйидаги, атрофидаги буюмларнинг ҳаммаси ҳам зарурми деб ўзларидан сўраб туришлари ҳам керак.

Айрим бекалар жуда бесаранжом, беҳаловат бўладилар. Улар фикрича яхши бекалик хонадан хонага бетиним юраверишдан, бурчак-бурчак, кавак-кавакларга бош суқаверишлардан, жавонлар тортма ва эшикларини очиб-ёпаверишдан, соатлаб уларни титкилашдан, оила аъзоларининг бирига уст-устига бир дунё топшириқ бераверишдан, ўз бесаранжомлиги билан ҳаммани толиқтиришдан, охир-оқибат ўзини ҳам қийнаб, толиқиб «Оҳ!» деб кўрпачага ўзини отишдан иборат деб ўйлашади. Кейин узундан узоқ ҳасрат, нолиш бошланади:

– Воей! Қийналиб кетдим! Уй ишининг нечоғлик оғирлигини ҳеч ким билмайди, ҳеч ким қадримга етмайди! – ва ҳоказо, ва ҳоказо.

Бу гапларни эшитувчи одамнинг кўнглида айтувчига нисбатан раҳм уйғониши тайин: «Вой, бечора-ей, ҳамма юмуш бўйнида экан! Усиз ҳеч бир иш битмас экан-а! Бояқишга қийин экан!»

Аслида беканинг изтироблари, беҳаловатлигига асли сабаб унинг ишбилмаслиги, уй юмушига уқувсизлигидир. Бундай муҳит кўп оилаларда



оилавий низога олиб келади. Чунки бундай бека ҳукмронлик қилган уйда тартиб эмас, росмана хаос, бесаранжомлик ҳукм суради! Ҳа, ишнинг кўзини билиш, укувлик бўлишда гап кўп.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳар бир бека уйни бошқаришга киришишдан олдин ўзини бошқаришни ўрганиб олиши керак. Ўзини тутиб олган аёлдан жуда яхши бека чиқади. Бундай аёллар эркакларни оиладан бездирмайдилар, уй юмушларига эгилиб, «йўқдан бор қилишга» эришадилар.

Айни вақтда аксарият йигитларнинг уйланишга кўнмаётгани ҳақида кўп гапиришади. Бунга сабаб ҳозирги нарх-наволарнинг баланд бўлиши билан бир қаторда бекаларнинг «бер-топ» деб туриши, ўринлидан кўра ўринсиз талабининг кўплиги ҳамдир.

Вақтинигина эмас, пулини ҳам тежай билган, уй ишларини ўзига қийноқ деб эмас, завқ-шавқ деб қабул қилган, оила аъзоларини мувозанатли тута билган аёл, албатта, яхши бекадир.

Аввало бека барвақт туриши керак. Бека кеч уй-фонса, оилада ҳаёт тартиби бузилади. Кўп хонадонларда оиланинг шу кунги режаси эрталабда, ҳамма баробар нонуштага ўтирганида келишиб олинади.

Яхши бека уйда қолса ёки ҳамма қатори ишга кетса ҳам, оила аъзоларининг ҳар бири кун давомида қаерда, нима иш билан машғуллигини яхши билади. Яхши бекага эрталабда ҳамма ўз «жиловини» тутқизиб, «симини» боғлаб кетади.

Тўғри, ҳаммадан барвақт турадиган, лекин на нонуштаси, на тушлиги вақтида тайёр бўлмайдиган бекалар ҳам бор. Бу уларнинг вақт меъёрини билмасликларидан, вақтни икир-чикирга сарф қилиб, асосий ишларга келганда вақтни бой беришларидан. Бошқаларни (оила аъзоларини) нонушта ёки тушликни кутдириш билан бундай бекалар уларнинг қимматли вақтини ўғирлайдилар. «Вақтинг кетди – нақдинг кетди!» деган гапда асос бор. Эри ишхона-



даги буфетда ёки бирон ресторанда нонушта ёки тушлик қилса, бунга сабаб беканинг ўзидир.

Кўпчилик бекалар иқтисод, тежаш деганда асо-сан керакли маҳсулотни арзонга олишни тушунади-лар. Айрим вақтлар «арзоннинг шўрваси татимас» мақолини унутиб қўядилар. Бир ерда тийинлари-ни тежаб, бошқа ерда катта сўмларни ҳеч ўйламай совуриб юборадилар. Уйда кўзга яхши кўрингани учунгина олинган буюмлар ёки ҳозир зарур бўлмаса ҳам, «ўтган гал бозорга тушганимда бу буюм фалон пул эди», деб олинганлари ҳам оз эмас.

Бекаликнинг энг асосий қоидаси: ҳар бир бека ўз уйи – ўз мамлакатада оиласи даромадларига қараб яшай билиши керак. «Кўрпага қараб оёғи-ни узатади» ҳар ким. Бунинг учун яхши бека ўз сарф-харажатлари ҳисобини яхши билиши керак. Ҳисоб-китобни яхши билган оилада келишмовчи-ликлар бўлмайди.

Қўлига пул тушган бека авваламбор унинг чўғи-ни, кейин пул қўлига яна қачон ва тахминан қан-ча миқдорда тушишини, шу муддат ичида нима-лар олинини зарурлигини қайта-қайта чамалаб олади. Пулнинг чўғига қараб зарурлар ичидан энг зарурларини ҳам ажратади. Агар бека аввалдан чамалаб эмас, нарсаларни олиб бўлганидан сўнг ҳисоб-китоб қила бошласа, иши вой! Унда маблағи озик-овқат, болаларнинг сут-қатиғи, совун, даф-тар каби майда ва арзон кўрингани билан энг зарур нарсаларга етмай қолади. Қарабсизки, оилада яна низо чиқади...

Фикримизча, ҳар бир бека ҳисоб-китоб дафтари (оила дафтари) тутгани маъкул. Шунда эри ишониб топширгани-ю ўзи ишлаб топган пулини ўрнида сарф қилишга тез ўрганади. Бундай бекалар эрла-рини юзага чиқарадилар. Ҳарқалай халқда «Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам – хотин»,



деб бежиз айтишмаган. Удли, шудли, тежамли, саранжом-саришта хотин эрининг топганига қўшади. Акси бўлса, эрининг боши қарздан чиқмайди. Рўзғорда тартиб, саранжомлик бўлса, топиш-тутиши унчалик бўлмаган оилаларда ҳам уйга керак нарсаларнинг ҳаммасига эришиш мумкин.

Қариндош ёки таниш мулк олса, «Қайдан олдинг?» деб эмас, «Қандай қилиб эришдинг?» деб сўраш керак. Ўрганадиган томони бўлса, уялмай ўрганиш керак. Бундай беканинг бири икки бўлса бўладики, асло борида кам бўлмайди. Кўп ўрганиш, кўп билишнинг айби йўқ ҳозир.

Аввал кўп гапирилган бўлса ҳам, яна бир эсла-тиб ўтмоқчимиз. Уйдаги низоларнинг кўпи кийинишдан, айниқса, бекаларнинг уйда кийиниб юришдан чиқади.

Тўртта одам орасига кирадиган бўлса, аксарият бекалар ясан-тусанни хўп ўрнига қўядилар. Қошларини бўяб, кўзларига сурма тортадилар. Қўйган жойи аллақачон эсидан чиқиб кетган нозик ифори атирни ҳам излаб топадилар...

«Шу ўзимнинг хотинимми?» дейишади ёқа ушлаб уларни кўрганда жуфтлари. Жуфтларининг кўнглини кетказиб ҳадеб бир хил (яна эзилган, чўзилган, қийшайган, ранги кетган) кийимларда юравермай, болалари, жуфтлари, жигарлари, қудалари совға қилганларни сандиқзада қилмай, бекалар – «Ўзимизга буюрсин, ўзимиз кийиб, бегоналар кўзини эмас, эрларимиз, болаларимиз, келинларимиз кўзини уйда ҳам қувнатиб юрайлик!» дейишлари, шунга муносиб кийинишлари ҳам керак.


Шу ерда бир чекиниш қилайлик. Ўзбек хонадонлари қадим-қадимдан бир, икки, ҳатто уч бекалик хонадон. Яъни ёш соҳиба, бекалар билан бирга қайноналар, айрим жойларда қайнонанинг қайноналари (қайнона бувилар) ҳам бўлади. Аксарият



бундай хонадоннинг файзи-таровати ўзгачадир. Чунки бундай хонадонларда, одатда, кексалар дуода бўлиб, ташаббусни ҳамиша ёшларга инъом этадилар. Уларнинг вақти-вақтида кўрсатган йўл-йўриқ ва дуолари оилага файз, барака олиб киряди. Кексаларнинг панд-насихатларини инобатга олмайдиган, ҳар маслаҳатларини «якка ҳокимлик», устунлик, оилада фақат ўзининг бош бекалигини кўрсатишга интилиш деб ўйлайдиган айрим ёш бекалар ҳам бор. Бу, албатта катта хатодир.

Кўп оилаларда аксарият ёш бекалар ишлайдилар. Айрим бекалар оиланинг бир жамоа эканини, жамоа қонунига кўра ҳамма даромад (шу жумладан, бекаларнинг ишлаб топгани ҳам) ўртада бўлиши кераклигини ё билмайдилар ёки оила иқтисодиёти қонунига бўйсунгилари келмайди. Бу ҳам оиланинг бошқа аъзолари ўртасида нифоқ келтириб чиқарувчи ҳолдир. Чунки улар ишлаб топганларини яширин тутиб, фақат ўзларига сарф қиладилар, ўз манфаатларинигина ўйлайдилар. Ўртага эримнинг маблағи ташланаётгани етади деб, яна ўша ўртадан ўз улушларини талаб қилишга ор қилмайдилар. Аммо аксарият бундай аёлларнинг топганларида барака бўлмайди, пуллари ҳам ҳурматлари каби аста созурилиб ўзлари ёлғизланиб қоладилар. Уларга кексаларнинг дуоси етиб бормади-да.

Аёл ўз эрининг уйдан безмаслигини, уйи, хотини, болаларини соғиниб келишини, улар билан ўтадиган ҳар сония байрамдек бўлишини истаса, бор истезодини ишга солиши керак. Бу борада бировлардан қарз оладиган жойи йўқ: «Аёл кишининг макри қирқ туяга юк бўлади!» деб бекорга айтишмаган. Уй эркак кишининг ҳаловатини топадиган бирдан-бир маскан бўлиб қолиши керак. Фақат шундагина эр оғир меҳнатини унутиб, янада ғайратига ғайрат қўшилиши мумкин. Бундай



туйғу уни қанотлантиради, кучига-куч қўшади, энг муҳими, у жонидан азизлари – ота-онаси, хотини, болалари учун меҳнат қилаётганидан ғурурланади. Оиласига муҳаббатли бўлади.


Агар эр ва хотиннинг, шунингдек, оиланинг бошқа аъзоларининг ҳам асосий мақсади кейинги авлодни, яъни болаларни яхши тарбиялаш бўлса-ю, уларнинг ўзлари ўртасида ўзаро ҳурмат, саясий, илиқлик, меҳр-оқибат, муҳаббат бўлмаса, уларнинг болаларга юқтирмоқчи бўлган ҳамма яхши хислат-фазилатлари, барча уринишлари зоедир. Гарчи улар тарбиянинг энг тўғри, энг оқилона йўлини танлаган бўлсалар-да, бу воситалар ожиз бўлиб қолади.

СИЙРАТ ҚАДАМ

Энг узоқ саёҳат ҳам дастлабки кичик одимдан бошлангани каби, кишининг иймонини яққол намоён этадиган илк сийрат қадамлари бўлади.

Ҳикмат

Беш ойлик келин Дилоромнинг бир оғиз «Мен шу ерда қоламан, ойи! Пешанамда нима бўлса, шуни кўраман!» дейиши икки томондаги қудалар кўнглида ўзига хос портлаш содир қилди. Қайнонаси унинг тимсолида ўзига бир умрлик тиргак кўриб, оловли нафас билан «Худодан умидим кўп, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, болажоним!» деб бағрига босди. Ўз онаси эса қизининг бошига ёпирилиб келаётгандек кўринган ғам-андуҳларни доимий деб билди, ҳозирданоқ ўзини йўқотиб, куёвининг жони узилмасидан: «Кейин бу уйдан чиқиб кетшинг қийин бўлади, нодон!» деб ўртанди, қизини ҳали ўлмаган эридан ажралишга ундади...



Шундан сўнг Дилором ҳақида турли гап-сўзлар пайдо бўла бошлади. Кимдир «Шундай чиройли, маълумотли қиз эрсиз қолишидан кўрқяптими? Ё бирон тили қисиклик жойи бормикан?» деса, бошқа биров «Эссизгина, эри операциядан чиқмаса, гулдеккина қиз тул қоладими? Онаси бир нима-ни билиб, олиб кетаман деяётгандир!» дерди. Уни ҳали гўдак деб юрган қайнотаси умид билан олган келини жез эмас, тилло чиққанини англаб, тинмай дуо қиларди. Ўз отасининг туйғулари ҳам шунга яқин. Хотинининг кажбаҳслигини билгани учун у «Қуш уясида кўрганини қилиши»дан хавотири доим кучли эди. Қизи онасининг сўзини кескин қайтарганида отанинг ичига ёруғлик кирди. «Фариштагинам!» деб қизини алқади. Қайинэгачилари учун эса Дилором қиёматлик сингилга айланди.

Бу гапларнинг биронтасини Дилором ҳам, қайнонаси Дилбархон ҳам эшитишмасди. Иккала аёлнинг хаёли тўрт-беш кундан бери оғир ётган Бахтиёрда бўлиб, бири кетса, бирлари қолиб, касалхонадан бери келишмасди.

Шундай дил хуфтон оғир кунларнинг бирида Дилоромнинг онаси бир юк машинаси ва икки-уч одам олиб келиб, қизининг сепини олиб кетди. Шундай қилиб, у қайнонасиникида уларга ажратилган икки хонада, аммо энди шип-шийдам хоналарда қолди. Эрининг бетоблиги Дилоромнинг ичини бир ўртаса, онаси учун уят борлигини куйдириб юборди. Қайинэгачиларининг кийимларини кийиб, ўқишига бориб турди.

Врачлар кейин ҳам Бахтиёрнинг аҳволини жуда оғир дейишди, уни операцияга тайёрлашаётганда кейинчалик йигитнинг бир умр ногирон бўлиб қолиш эҳтимоли йўқ эмаслигини яширишмади.

Ҳаёт ва мамот ўртасидаги олишув билан кўп кунлар ўтди. Тиббиёт академиясини битираётган



қизнинг ақли кўп нарсага етиб қоларкан. У эрининг касалини кўп таҳлил қилиб, домлаларидан суриштириб билиб, яхши бўлиб кетишига ишонди. Эндигина йигирма бешга кирган Бахтиёрнинг бу дарди – ошқозон яраси армияда чўлда хизмат қилганининг, кейинчалик ҳам иш, ўқиш деб вақтида ва тўғри овқатланмаганининг натижаси эканини билди. Бу дарднинг саратон эмаслигига ўз онасидан бўлак бошқаларни ҳам ишонттира олди. Бахтиёрнинг ўзи ҳам ҳеч иккиланмай операцияга розилик берди.

– Ошқозоним кичикроқ, ичагим сал калтароқ бўлса ёмонми, сизлардан камроқ овқат талаб қиламан, вассалом, – деди у онасига далда бериш учун шикаста жилмаяр экан.

Дилором Бахтиёрни бир дақиқага ҳам ёлғиз қолдирмасди. Қари энагалардек ёнидан силжирмасди. Дилбархон уни зўрлаб ўқишига юборарди. «Ёш нарса бир оз чалғиб ҳам келади», ўйларди у.

– Операциядан кейин мен барибир жонлантириш хонасида бўламан. Олдимга ҳеч кимни қўйишмайди. Сен уч-тўрт кун уйингга бориб, дамингни олиб, ўқишларингни етказиб олсанг бўларди, – деди операция куни арафасида эри.

– Менинг салкам врач эканимни унутдингизми, Бахтиёр ака? Мен шифокорлардан аллақачон рухсат олиб қўйганман. Операциядан сўнг менинг ихтиёримда бўласиз, қани айтганларимга кирмай кўринг-чи! – ҳазиллашди Дилором, кейин аста қўшиб қўйди: – Аллоҳ таоло Момо Ҳавони Одам Атога ҳамроҳ, маҳбуба, ёрдамчи қилиб яратган экан. Сизни асраш, авайлаш, парвариш қилиш – энди менинг бурчим. Никоҳимиздан кейин мен сиздан ўзга ҳаётни тасаввур қила олмайман. Пешанамизга шу дард, шу кўргиликлар ёзилган экан, уларни



биргаликда енгамиз... – бу эрининг яширин «кетма!» ларига унинг жўнгина жавоби эди.

Дилором эрининг ёлғиз қолишдан кўрқаётганини, тузалиб кетишига ҳам ишонмаётганини сезарди.

– Ёмон нарсаларни хаёлингизга келтирманг. Ҳаммаси яхши бўлади, мени айтди дерсиз! Юрагим сезиб турибди, ҳаммаси яхши бўлади...

Ҳақиқатда ҳам Дилором йўқ пайтларда Бахтиёр ўз дарди билан ўзи ёлғиз қолишдан кўрқарди. Бу ерда ҳамма нарсадан, ҳатто деворлардан ҳам дори ҳиди уфураётганга ўхшайди, тунларнинг тонги кўринмайди, қанча ҳаракат қилма, уйку келмайди. Атрофдан оҳ-воҳ эшитилади, кимлардир ҳаёт билан видолашади... Ақлдан озиш ҳеч гап эмас...

Фақат қанийди кишида ҳеч бўлмаса ўлимингни муносиб кутиб оладиган куч бўлса. Биров келиб, қўлингни кесиб оламан ёки оёғингни бер, эвазига жонинг омон қолади, деса Бахтиёр жон-жон деб берарди. Жони омон қолса бўлгани. Фақат анча кейин, операциядан чиққач, узоқ тунлар Дилором билан биргаликда тонг оттирганида у ўзи учун бир фалати кашфиёт қилди: ўша жони омон қолса бас деганларида, ич-ичида қандай бўлсам ҳам Дилором билан бирга бўлсам бўлди, деган фоний бир истак борлигини англади.

Бахтиёр хотини ундан ҳам кўпроқ дард чекаётганини биларди. Вужудини парвариш қила туриб, дилига йўл топишга ҳаракат қилаётганини, қалбини ёлғизлик ва умидсизлик гирдобидан қутқаришга уринаётганини сезарди. Унинг кўз ўнгида чин аёл уйғонаётганди.

Операциядан бир ҳафталаар ўтгач, Бахтиёрни палатага олиб чиқишганида, тунда уйғониб кетиб, шундайгина оёғи томонида Дилоромнинг ерга оппоқ чойшаб солганича қиблага қараб сажда қилаётганини кўрди... Бадавлат одамларнинг



боласи, нуфузли академиянинг талабаси кўзларида шашқатор ёш билан Аллоҳдан Бахтиёрнинг соғлиғини тиларди... Бахтиёр ғалати бўлиб кетди. Ичида ёнғоқдек оташ у ёқдан-бу ёққа думалай бошлаганини сезди. Кўзларидан унсиз қайноқ ёш оқиб туша бошлади. Унинг уйғонганидан беҳабар Дилором кўлларини юзига олиб бориб узоқ ва астойдил дуо қилди. Ўрнидан турар экан, Бахтиёрнинг ҳолатини кўриб саросимага тушди. Жойнамоз вазифасини ўтаган чойшабнинг бир чети билан эрининг кўз ёшларини аста артди. Ўша тунда келин бўлиб тушганидан бери биринчи бор ўз ихтиёри билан Бахтиёрнинг озғин ва дардманд юзидан ўпиб қўйди.

– Оғриқ зўридан, касаллик ваҳимасидан эсингиз оғиб қолмасайди деб бирам кўрқдимки! Одам ёлғиз бўлса, миясига ҳар нарсалар келаверади-да...

Ўша тундан кейин Бахтиёрнинг қалбида қандайдир ўзгариш содир бўлди. У ўзи ҳам билмагани ҳолда бутун борлиғи билан қаршисида турган, ўзи каби озиб, шаҳло кўзлари яна ҳам катталашиб, маъсумлашиб қолган Дилором билан боғланганини ҳис қилди. Ва жон деб ўзини унинг ихтиёрига, изнига топширди. Улар ўртасида жуда мустаҳкам ришталар бор эдики, улар энди бир умрлик эканига унинг ақли етарди. Муҳаббат деганлари балки шумикин?

Тунлари Дилором унинг парваришини қилар, бошқа пайтлар Бахтиёр қайрилиб боқмайдиган касаллар овқатини ҳам ширин уннатиб ичирар, унинг кичкина гўдақлардек барча хархашаларини кўтарарди. Бахтиёр ухламаган пайтлар у билан узоқ гаплашиб ўтирарди. «Ухла, эрталаб ўқишга борасан!» деса ҳам ухламасди. У Бахтиёр каравоти олдидаги паст курсига ўтириб, унинг мадорсиз кўлини аста силаб туриб, бирга кечира бошлаган ҳаётларини дақиқама-дақиқа эсларди. Ўз ҳикоясидан ўзи сархуш бўлиб, юзлари қизарарди, Бахти-



ёрни унинг ўз тасаввуридан бошқача – китобларда, киноларда тасвирланадиган илоҳий муҳаббат соҳиби қилиб кўрсатарди.


«Ажабо, қизлар, келинлар ҳақиқий аёл бўлиб қачон уйғонаркин? – ўйларди ичида Бахтиёр. – Менинг маҳбубам қачон камолга ета қолди? Наҳотки кутилмаганда бошимизга тушган бу синовлар унинг аёл сифатида ўзлигини топишига туртки бўлган бўлса? Ё Аллоҳ! Маҳбубамни топганимда ундан, чин муҳаббатимдан жудо бўлишдан Ўзинг асра!»

Аллоҳ унинг дуоларини ижобат этди: у тузала бошлади. Ёшлиги учун операциядан кейинги жараёнлар Дилором ўйлаганидек жуда тез ўтди. Бир ойлардан сўнг уйига жавоб беришди. Уйига келгандан кейингина Дилоромнинг онаси унинг мебелларию уй жиҳозларини олиб кетганини билди. Демак, унинг тирик қолишига ишонмаган. Қизи эса ишонибди. Бахтиёрнинг юраги яна ажиб тўлқинланди.

Ота-онаси, опалари ёрдамида хоналар тўлдирилган, бу хоналарда саранжомликдан ўзга яна меҳр-оқибат, муҳаббат ҳукмрон эди. Ўзигина эмас, уйдагиларнинг ҳаммаси Дилоромни ўзлариники деб қабул қилишаётганидан йигит ўзгача яйради.

– Тузалганинг эвазига аданглар янги мебел, янги жиҳозлар олиб бераман деган эдилар. У ёқдан қудам ҳам «Молларини қандай олиб кетган бўлсак, шундайлигича олиб келиб берайлик», дедилар. Бироқ қизим кўнмадилар: «Ўғлингиз касал бўлиб, анча чиқим қилдингиз. Бизга ортиқча ҳашам керак эмас. Тузалиб ишга тушиб кетсалар, худо хоҳласа, ҳаммасини ўзимиз оламиз!» дедилар, – вазминлик билан тушунтирди онаси. Унинг «қизим» сўзида меҳрдан ортиқ яна бир нарса бор эди.

– Бувижон, набира келинингиз мен билан бўлиб, сизга аввалгидек қаролмадиям. Уни уришма-



япсизми? – мавзуни бошқа ёққа буриш илинжида аста сўради Бахтиёр хаёл оғушига чўмган бувисининг қўлларини силар экан.

Йигит ўртадаги ички вазминликни йўқотгиси келарди.

– Оҳ болажоним-а! Қадимда келинларни синаш учун уни ёз чилласи, қиш чилласидаги аҳволи руҳиятини кўрилар экан! Ҳамма ҳам бу синовлардан яхши ўта олмаслиги аён. Келин бўлиб тушганига кўп вақт ўтмаёқ, набира келиним ўзининг сийрат қадами қутлуғлигини кўрсатди-қўйди! Илоҳо қўша қаринглар! Меҳрли-муҳаббатли, тоза кўнгли келин болагинамни ҳали юрт сўрайдиган маликалардан ортиқроқ бойвучча қилади!

– Ия, бувижон, келинингиз малика бўлса, мен бечора «Чол ва олтин балиқ ҳақидаги эртақ» қаҳрамони – чолга ўхшаб қувилмайманми уйдан?!

Гурр кўтарилган беғубор кулги ҳамманинг кўнгидаги ғашликни қувди.

ҚЎҒИРЧОҚ

Бу янги йилдан кейинги уни йўқлаган биринчи қўнғироқ эди. Қўл телефонининг жажжи мониторида таниш рақамларни кўриб, янги йил кечасида пайдо бўлган ва шундан бери кўнглини тарк этмаётган тушуниксиз ғашлик ва охиққликка ёруғлик киришини кутиб, нозланиброқ жавоб берди:

– Салом бердик! Бор экансиз-ку! Болаларингизни олиб, юртингизга кетиб қолдингизми деб ўйлабман...

– Ҳақиқатда ҳам узоқдаман. Чимёнда оилавий дам оляпмиз... – кейин хотини олдида гаплашишга хижолат чекди шекилли, муддаога ўта қолди. – Проректоримиз Жаҳонгир ака ҳам шу ердалар. Бугун тушликда бир маслаҳатлик иш бор, дегандилар. Шунга гаплашиб, ҳозироқ сизга телефон



қиялпман. Японияга малака ошириш учун кетган ўзбекистонлик ёшларга япон ва ўзбек тилида яхши сўзлаша оладиган тилмоч керакмиш. Ойлиги ёмон эмас экан. Муддати ҳам дуруст – икки йил... Биринчи бўлиб сиз эсимга келдингиз. Келинойингиз ҳам сизнинг номзодингизни маъқуллаяптилар... Кейинги ойдан иш бошлайсиз. Эртаданоқ хужжатларни тайёрлайверинг!

Зебонинг бошидаги алақайси томири зинғиллаб кетгандек бўлди. «Бу – сургун!» Миясига келган биринчи фикр шу бўлди. «Биринчи бўлиб сиз эсимга келдингиз!» эмиш. «Келинойингиз ҳам маъқуллаяпти...» эмиш. «Кейинги уч-тўрт йил ичида ўша келинойининг томоғига кўндаланг туриб қолган суяк бўлсам, албатта, маъқуллайди-да! Унга нима, ўйнаш кетиб, эри ёнида қолади...» хаёлидан ўтган фикр шу бўлди.

Зебо йилнинг охирига ойларида ўзи билан кафедра мудири Шодмон Қиличевичнинг ораларидан «ола мушук» ўтганини ҳис қилар, аммо улар ўртасидаги ришта шунчалик тез ва «сургун бўлиш» тарзида узилади деб хаёлига ҳам келтирмаган эди. Мустақкаммиди ўзи бу ришта? Нега тилмочликка айнан уни, кафедранинг катта ўқитувчиси, «умидли олима», фан номзодини танлади Шодмон Қиличевич? Одатдагидек, ҳар гал тилмоч сўраганларидаги каби: «Кўрт кўради, ўзга юртларда мусофирчиликда пишийди, тилни яхши мустақкамлайди, баҳонада уч-тўрт тангалик бўлиб, қилган яхшилигимизни унутмай, умр бўйи пирининг этагини тутгандек, этагимизни тутуди!» демади бу гал? Ахир бундай жўн ишларга тўртинчи-бешинчи курсдаги йигитларни юборарди-ку. Кафедра тарихида ҳали бундай «паст ишларга» фан номзодлари юборилмаган. Ахир яқингинада эмасмиди, «Бизнинг қизларимизни ҳам кўриб қўйинглар!» дегандек, аслида Зебога яхши кўриниш, унга хушомад



маъносида сенаторлар делегациясига тилмоч қилиб қўшган эди.

Зебонинг кейинги вақтларда ичини кемираётган «Шодмон Қиличевичда янги ёр пайдо бўлган!» деган хаёл ҳозирги эшитган гапидан кейин ҳамма хаёллардан устун бўлди қўйди. Лекин ким ўша янги ёр? Янги битириб, кафедрада олиб қолинганларми? Ёшларни бирма-бир кўз олдига келтира туриб, ҳеч бирини ўзига тенглаштира олмади. Ўзи назарида ҳаммадан чиройли, кўркем, илмий пойдевори ҳам мустаҳкам – мана номзодлик диссертациясини ёқлаганига ҳам салкам икки йил бўлди.

Шуни ўйлаганида ичини яна бир нарса ачиштириб ўтди... Илгари тан олиши қийин бўлган нарсани ҳозир эътироф этмай иложи йўқ: номзодлик дипломини олганида ўзидан бошқа ҳеч ким севингани ҳам йўқ. Акаси зиёфатига бош бўлди, онаси ўз қўли билан Шодмон Қиличевичга зар чопон кийгазди. Аммо улар ҳам севинишганидан эмас, зиммаларидаги бир юкдан қутулиш учун қилишгандек, у ҳаяжон тез унут бўлди. Зебонинг «эрдан ажралган» ҳаётида эса ҳеч қандай ўзгариш бўлмади. Катта ўқитувчи даражасини олиб, маошига бир оз қўшилди демаса юриш-туриши ўша-ўша.

Диссертация ёқлашга мунча уринмаса? Фақат дипломини олгандан кейингина қалби бундан ўн йил олдин, эридан ажралганидаги каби яна ғашли ва бўм-бўш бўлиб қолганини пайқади. Ўша вақтлар эридан кетиш баҳонасини оқлаш учун шу бўшлиқни тўлдирган, яъни диссертацияни ўйлаб топган, уй, бола, жигарларини ҳам унутганга олиб, гўё муккасидан илмга шўнғиган эди. Гўё у олима бўламан деган-у, эри унамаган, шунинг учун ажралишган. Мана энди у нимага қодирлигини кўрсатиб қўяди эрига!



Интилсанг – етар экансан. Муддатидан илгари ёқлади. Шу Шодмон Қиличевич кўп ёрдам берди. Эвазига...

Аввалига устоз ва шогирд шундай бўлиши керак, деб ўйлади. Домласи ва ўзининг муносабатларида ўзини уятга қўйиши мумкин бўлган ҳеч нарса топмади. Очиғи, бу ҳақида ўйламади ҳам. Ҳаммасини замонавийликка йўйди, муҳит талаби деб билди. Икки-уч марта узоқроққа бориб бирга дам ҳам олишди. Кафедра мудирини бу муносабатларни ҳеч кимга сездирмади. Зебо ҳам. Ҳеч ким ҳеч нарса билмайди деган ишончда эди. Фақат чамаси олти ойлар бўлди шекилли, бир куни шогирди, кафедра аспиранти бўлган йигитнинг тўйига Шодмон Қиличевич рафиқаси билан бирга келди. Аёл кафедрадагилар билан кўришар экан, Зебонинг қулогига секин:

– Ҳа-а, энди сиз сепаетган экансиз-да бундай атирни, – деб қўйди.

Зебо ўшанда аёлнинг ҳамма нарсадан хабардорлигини, лекин дами ичида эканлигини англади. «Энди сиз...» билан эса у «Эримда бир ўзинг эмассан, сенгача ҳам бўлган, сендан кейин ҳам бўлади. Ишинг битиб, диссертациянгни ёқлабсан, эсингни йиғиб ол!» демоқчи бўлдимикин?

Бугунги Шодмон Қиличевичнинг «Келинойинги ҳам сизнинг номзодингизни маъқуллаяпти» дегани, аслида хотинининг «Йўқотинг уни!» амрини бажараётганидир. Мана энди устози Зебони ўз ҳаётидангина эмас, юртидан, уйдан ҳам сургун қиляпти. Томири шунга зириллаб кетди шекилли... Энг аламлиси, бунга қарши чиқа олмайди...

Энди билса, ўша гашли бўшлиқ ичини ҳеч қачон тарк этмаган, ўзини чалғитиб юрган экан. Шунинг англаш учун наҳотки ўн йил ўтиши керак эди?!

Телефонни қўйганидан кейин ҳам у серқор ҳовлига, оғир қордан ларзон бўлган дарахт шохларига



узоқ тикилиб қолди. Қоронғи тушиб, хонага кирган онаси чироқни ёққанида ҳам у ойнадан кўзини узмаган, ундаги кўғирчоқдек чиройли аксига тикилиб турарди. Аммо бу аксда фаришта йўқ эди. У ҳар галгидек ўзига ўзи маҳлиё бўла олмади.

– Ўзингизга ўхшаган чиройли! – деганди Шодмон Қиличевич туғилган кунда кафедра ходимлари номидан чиройли кўғирчоқ совға қилар экан. Шу сўзи билан иккови ўртасидаги сирли риштани боғлади... Ўзига нисбатан ҳеч бир ёмонликни кўрмаган эди бу яширин хушоматда. Чиройли чиройли-да...

Аёлларга яхши гап бўлса бўлди. Ўша кезлари эри билан боғламоқчи бўлган ярашув иплари осонгина узилди-кетди. «Чиройлисан!»ни эридан бирон марта эшитмаганди. «Яхши кўраман!» деган гапни-ку эри ҳеч қачон айтмаган. Шодмон Қиличевичнинг ана шу «Ўзингизга ўхшаган чиройли!» хушомати туфайли эрининг туғруқхона атрофида туни билан беҳаловат юриб чиққанларини ҳам, тунда бола йиғласа ундан олдин туриб, овқатини бериб, ухлатиб кўйишларини ҳам унутди. Ярашишга интилиш у ёқда турсин, унинг ўрнини «Шундай тўпори йигит билан уч йил умрим ўтди-я!» ачиниши эгаллади.

Ана шундан кейин дилида «Мен ҳаммадан гўзалман, демак, устунман! Истаган одамимни маҳлиё қила оламан, истаган одамимни етовимга юргизишга қодирман!» деган ҳис ривожлангандан ривожланди. Унинг назарида ҳамма, айниқса, чиройли муомалага нўноқ бўлган эрига ўхшаганлар Зебо каби аёлларнинг ноз-карашмаларини сўзсиз кўтариши, кўтарибгина қолмай, аллада азиз қилиши керак эди. Мана шундай профессор одам ҳам унинг чиройига тан беряпти-ку! Эри ҳам усиз яшай олмайди, ундан кейин бошқа аёлга уйланишга журъат қила олмайди...

Тўғри, Зебо ўзининг ҳам нуқсонлари кўплигини биларди. Лекин улар турмушининг бузилишига,



боласининг етим бўлишига дахли йўқ деб ишонарди. Чунки у аёл. Аёл киши қандай бўлса ҳам, эркак киши кечириши керак. Ҳақиқий эркак аёл кишининг нуқсонларини «просто пайқаманга олиши, аёл киши аслида шундай бўлиши керак деб, уни кечириши керак» деб тасдиқларди дугоналарига, эри билан ажралишининг сабабини унинг «слишком серьёзный» эканлигига йўйиб.

Дастлаб мурғак боласига ҳам «ада бжи» деб уқтиришни эплади-ю, яхши ада «олиб бериш» ҳақидаги ваъдасини бажаришни мана ўн йилдирки эплай олмади. Яхши адалар кўчада ётмас эканда, бировларники эса мана Шодмон Қиличевичга ўхшаб омонат экан.

Ўша қўнғироқдан йигирма кун ўтиб, Зебо Токиога учиб кетадиган бўлди. Шу вақтгача ўзидан айро тасаввур қила олмайдиган Шодмон Қиличевич билан совуққина хайрлашди. Айни шу хайрлашув вақтида у ўзининг кафедра мудири қўлида бир қўғирчоқ бўлганини, албатта, у биринчиси ва охиргиси ҳам эмаслигини англаб етди.

Кашф қилган яна бошқа бир ҳақиқати ундан ҳам аламли эди.

У шу ўн йилнинг дастлабки уч-тўрт йили ичида эрига гоҳ умид бериб, гоҳ унинг устидан аямай маъзава тўкиб юрган бўлса ҳам, у билан алақачон расман ажралишиб бўлган, эри алақачон уйланган ва уч болали бўлган бўлса ҳам, шу тўпори эрини қўнғлидан чиқариб, юрагидан сидириб ташлай олмаганини англади. У Шодмон Қиличевичдан олдинги гуноҳларини ҳам, шу охирги уч йилги гуноҳларини ҳам ўша эрига аччиқ қилиб қилганини тан олди. Аммо авваллари эри, кейин онаси айтганидек, орқага қайтиш вақти ўтиб кетган эди. Дилини аламлар ўртагани, тилини армонлар гунг қилгани билан, энди фойдаси йўқ. Ичининг ачишгани ўтмас, кетаётгани «чет эл» ҳам қўнғлини илитмасди...



Отланаётган вақтида ўша қўғирчоқни қалин пакетга солиб, ҳеч кимга сездирмай ахлат идишга ташлади. Аммо бундан ичидаги ғашлик кетиб, руҳи енгил тортмади.

Ахлат машина келганида ахлат челақни ағдарган ўғли пакет орасидан тушган қўғирчоқни кўриб, ҳанг-манг бўлди-ю, машина ичидан олиб, онасига берди.

– Ташлаб юбор! Нега олдинг?!


Онасининг ўша дамдаги вазоҳатидан ўғли эсини йўқотаёзди. Ҳали кетиб улгурмаган машинага тезда қўғирчоқни ижирганиб иргитиб келди. Кейин анчагача дарс столи ёнида хаёл суриб ўтирди.

Зебо ўғлига қараб-қараб қўяр экан, унинг тобора отасига ўхшаб ўсаётганини пайқади. Ўзининг ҳам энди шу бола туфайли кўп имтиҳонлар олдида турганини англади.

БОЛАЛАРИМ ТУФАЙЛИ

Агар болалар аёл кишининг, яъни онанинг оёқ-қўлига кишан дейишса, асло ишонманг. Мен, масалан, бундай қарашга мутлақо қаршиман. Нега дейсизми? Шу болаларим туфайли ўзимнинг қандай қилиб кўлмак сувдан жўшқин оқар дарёга айланганимни айтиб берайми? Балки сиз ишон-массиз, лекин ҳақиқатдан ҳам шундай бўлган...

Оиламиз миқёсидан чиқиб, менинг иш фаолиятим ва ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборган бу қизиқ воқеалар телевидениенинг битта кўрсатувидан кейин бошланди. Эсингиздами, унда болалар ота-оналарига, ака-опаларига, амаки ва тоғаларига сон-саноқсиз саволлар бераверадилар, бераверадилар... Катталарнинг бўлса бу жумбоқ саволларга жавоб беришга билимларию тоқатлари етмай, болаларидан қочиб, бир жойга яшириниб



оладилар. Аммо бўш келса, бола бола бўлармиди? Бу кўрсатувда ҳам болалар катталарни яширинган жойларидан топиб оладилар-да, саволларига тўғри ва қониқарли жавоб беришга кўндирадилар. Ноилож қолган катталар охири навбатчилик қилишга, болаларнинг беҳисоб «Ким?», «Қачон?», «Қаерда?», «Қандай?» деган саволларига жавоб топиб беришга рози бўладилар.

Ўша кўрсатувни бутун оила биргаликда тамоша қилган эдик. Ҳаммамизга маъқул бўлди. Болаларнинг беҳисоб саволларидан бошлари гангиб, боши берк кўчага кириб қолган катталарнинг аҳволини кўриб, кўзимиздан ёш чиққунча мириқиб кулдик.

– Бўлди! Энди биз ҳам шундай қиламиз! – деди ўртанча ўғлим кўрсатув тугаши билан.

– Қандай қиламиз? – дедик биз эр-хотин тушунмай.

Юрагим алланарсани сезгандек шиф этди. Ҳозиргина устидан кулган катталарнинг аҳволига тушиб қолмасак эди, деб кўрқдим. Ахир бу болаларнинг кўнглига нималар келмайди дейсиз. Ростини айтсам, юрагим шифиллаганича бор экан.

– Бизнинг сизга берадиган саволларимиз ҳам жуда кўп. Сиз ҳам биздан қочиб юрманг! Биз сизларни саволларимиз билан кунда қийнаб юрмаймиз. Яхшиси...

Болаларимиз атиги учта. Катта ўғлимиз тўртинчи синфда, ўртанчамиз – учинчида, кичкина қизимиз – биринчи синфда ўқишарди. Улар ўша куни бир-бирларини тўлдира кетишди, баҳслашишди. Болаларнинг тасаввури гоҳо уч босқичли ракетадан ҳам тез ишлар экан. Дам ўтмай шартларини қалаштириб ташлашди:

– Яхшиси, ҳафтанинг бир кунини савол-жавоб куни деб белгилаймиз. Шу куни ҳамма дарсимизни сизлар айтмасингиздан аввал бажариб қўямиз. Кечки овқатни битта қолдирмай еб ташлаймиз!




Идишларни ҳам ўзимиз ювиб қўямиз. Ҳатто телевизор ҳам қўймаймиз. Сиз фақат «Ахборот»нигина кўришингиз мумкин... Қолган вақтда сиз билан адам «Ўзбекистон» каналининг катта залида ўтиргандек, мана бу креслоларда ўтирасизлар, биз савол берамиз – сизлар эса жавоб берасизлар...

Эр-хотин икковимиз ҳам олий маълумотлимиз. Иккита олий маълумотлига учта кичкина боланинг берган саволи нима бўларди, деб «Ҳа, хўп!» деб юбордик. Бир чеккаси болаларимнинг дадасига орқа қилардим – нима бўлса ҳам, ҳадемай диссертация ҳимоя қилай деб турибдилар!

Мен ҳам институтни битирган йилим аспирантурага кирган эдим. Орзу ва қизиқишларимнинг чеки йўқ эди. Бироқ диссертация ёзиш фикридан шу болаларим туфайли воз кечганман. Улар кетма-кет туғилишди. Катта қилишнинг ўзи бўладими? Уч бола билан фанда нима кашфиёт қилардим? Мана энди илмий текшириш институтида ўртамиёна кичик илмий ходимман. Вақтида ишга бориб-келиб турганимга ҳам севинаман. Шунга ҳам шуқр.

...Шундай қилиб, ўша куни болаларга «Хўп!» дедигу балого қолганимизни биринчи душанбадаёқ ҳис қилдик. Боласи тушмагурлар савол-жавоб куни қилиб бир овоздан душанба кунини танлагани бежиз эмас экан. Кейин билсак, бу куни телевизорда қизиқарли кўрсатувлар кам бўларкан. «Қувноқ стартлар», «Мўъжизасиз мўъжизалар», «Бойчечак» ва яна кўпгина кўрсатувлар ҳафтанинг бошқа кунларига қўйилган экан. Болаларимиз шу кундан унумли фойдаланишга аҳд қилишибди-да.

Хуллас, биринчи душанбадаёқ учала боламиздан йигирма бешта савол тушди. Бирига жавоб излағунимизча, бошқаси эсимиздан чиқмасин деб, саволларни қоғозга ёзиб турдим. Савол-жавоб кечамиз тугагунча уч варақ қоғоз тўлди. Йигирма бешта саволнинг бор-йўғи тўрттасига тўлиқ жавоб



бера олдик. Учасига болаларимнинг дадаси жавоб бердилар, мен эса биттасига. Болалар тўғри берилган жавобнинг ҳар бирини беш баллдан баҳолашди. Ҳаммаси бўлиб йигирма балл олдик. Қолган саволларига берган жавобимиздан кўнгиллари тўлмади. Кейинги душанба куни тўлиқ жавоб берасизлар, деб муҳлат беришди. Саволлар ёзилган қоғозларни тахлаб, чўнтагимизга солиб қўйишди.

Эртаси тонг отиши билан буларнинг ҳаммаси эсимдан чиқиб кетди, албатта. Аёл кишининг бошида шундан бошқа ҳам ташвишлари кўп. Кунни билан ҳам эсимга келмади.

Кечқурун ишдан қайтсак, кираверишда болалар тушмагур қизиқ бир жадвал осиб қўйишибди. Унда берилган саволларнинг сони, тўғри жавоб берилганида уларнинг жами неча балл бўлиши кераклиги, неча балл олингани турли рангдаги фломастер билан ёзиб қўйилган эди.

Бу антиқа жадвалга кўзим тушди-ю, кеча телевизордаги айрим аёлларнинг аҳволига мен ҳам шерик бўлдим. Чунки мен бир юз йигирма беш баллдан бор-йўғи беш баллгина олган эдим. Жиддий киришмасам бўлмайди, шекилли. Лекин атторнинг қутисига йўқ саволларни беришган, мен уларга жавобни қайдан оламан?

Хуллас, эртасига мен – институтнинг ўртамиёна кичик илмий ходими, эшиги аллақачон эсимдан чиқиб кетган институт кутубхонасига бош уриб бордим. Кутубхоначи янги бўлган экан, мени танимади ва гувоҳнома талаб қиладди. Янгитдан карточка очди. Мен талаб қилаётган адабиётлар рўйхатини кўрди-ю, менга бошқачароқ қараб қўйди. Дилида ҳойнаҳой нақадар кўп нарсага қизиқишимга қойил қолган бўлса ажаб эмас. Ахир бу рўйхатда нималар йўқ эди дейсиз? Бошқа иложим ҳам бормиди? Болаларимнинг «Ернинг киндиги борми?», «Нима учун Ер тушиб кетмайди?»,



«Маймун одамга айланган бўлса, одам энди нимага айланади?», «Космонавтлар нега скафандр кияди?», «Дунёда сув тамом бўладими?», «Укол нега оғрийди?»... ва ҳоказо ва ҳоказо саволларига қаердан жавоб топаман? Энди тайёрланиб бормасам, уларнинг олдида изза бўламан. Қолаверса, бу янги билимларни болаларимга тушунарли қилиб айтиб бера олишим ҳам керак.

Шундан кейин кутубхонага кунда кириб турадиган бўлдим. Кутубхоначи яхшигина қиз экан, менинг илтимосим билан биз олмайдиган журналларни ҳам топиб қўядиган, айрим китоб ва журналларни кечасига уйимга ҳам бериб юборадиган бўлди. Негадир кутубхоначи қиз мени жуда ҳурмат қилиб, ёрдам бергиси келарди.

Энг асосийси, у менга интернет имкониятларидан кенг фойдаланишни ўргатди. Қизиққан соҳаларим бўйича шундай сайтларни очиб берди-ки, ўзим ҳам ҳайрон қолардим. Уйда ҳам болаларга асқотади деб компьютер олгандик. Лекин унда болалар фақат ўйин ўйнашарди. Кутубхоначи қиздан ўрганиб, компьютерни интернетга улатиб олдик, керак сайтларни бемалол очиб фойдаланадиган бўлдик. Болаларимнинг севинганини кўрсангиз. Гўё туганмас хазина топгандек бўлдик. Болаларимнинг дадаси ҳам энди шанба ва якшанба кунлари ишхона компьютеридан фойдаланиш учун ишхонага бориб ўтирмай, бемалол уйда ишларини битирадиган бўлдилар.

Кутубхоначи қиз бир кун ийғилишда менинг кутубхонада кўп бўлишимни, бошқа ходимлар эса камдан-кам киришини айтибди. Хуллас, институтда ҳам обрўйим ошиб қолди анча. Бунга ҳатто ўзим ҳам асос йўқ деб айта олмасдим. Мен энди ҳар душанбани ҳамон юрагим зирллаб кутсам-да, болаларим билан рингга жиддий тайёрланадиган бўлдим.



Болаларим катта бўлгани сари уларнинг саволлари ҳам мураккаблашиб борарди. Мен эса адабиёт, театр, физика, химия, хуллас, савол қайси соҳага оид бўлмасин, жавобсиз қолдирмасликка ҳаракат қилардим. Ростини айтсам, тахминан бир йиллардан кейин болаларимнинг менга қўйган баллари (улар махсус дафтар тутишган эди) диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилган адабининг балларидан анча юқори бўла бошлади.

Кўп ўқиб, кўп қизиқиб, изланганларим ўз ишимда ҳам асқотди. Шу вақтгача ўта зерикарли туюлган касбимга энди бошқача иштиёқ билан ёндаша бошладим. Мен энди кунда қилаётган ишларим, лабораториядаги тажрибалар ҳақида шундай берилиб сўзлардимки, болаларим мени буюк кашфиётчи деб ҳисоблаб, галимга жон-жон деб қулоқ солишарди. Мактабда учала боламиз ҳам аълочи ва одобли болалар қаторидан жой олишди. Туман, шаҳар миқёсидаги олимпиадаларда совринлар ола бошлашди. Мактаб мажлисларида бизни бошқа ота-оналарга ўрнатқилиб кўрсатишарди. Буларнинг ҳаммаси, айниқса, болаларимнинг аълочилиги, қизиқувчанлиги мени руҳлантирар, ўзимни яхши мутахассис, кучли олимадек ҳис қилардим. Шунинг учун кейинги вақтларда лаборатория мудири Раҳмон Бердиевичнинг турли топшириқлари ҳам ўзимга эриш туюладиган бўлиб қолди:

– Фалончихон, ундай қилинг!

– Фалончихон, бундай қилинг!

Сирасини айтганда мен ҳам, менга ўхшаган яна тўртта кичик илмий ходим ҳам Раҳмон Бердиевич учун ишлардик. Биз ўтказаетган тажрибаларнинг натижаси шундоққина унинг докторлик диссертацияси саҳифаларига ёзиларди. Илгарилари сезмасдим. Аммо болаларим туфайли энди уйқудан уйғонгандек эдим. Билимим кўпайган сари биров учун ишлаш алам қила бошлади. Ундан кам ерим борми,



деб сўрардим ўзимдан-ўзим. Баъзида у буюрган ишларни чалкаш-чулкаш қилиб юборгим келарди. Бир-икки бор шундай қилдим ҳам. Айтилган моддалар ўрнига бошқасини солиб юбордим, айтилгандан кўра кўпроқ зарядлантирдим. Натижалари борасида у билан тортишиб ҳам олардик.

Бора-бора мендаги ташаббускорлик кўпнинг назарига тушди. Илмий ишим учун менга мустақил мавзу беришди. Илмий кенгашда институт директорининг ўзи менга илмий раҳбар бўламан деб истак билдирди. Лабораториянинг бир чеккасидан мен учун махсус жой ажратишди, керакли анжомларни олиб беришди. Мана, болаларингиз ҳам катта бўлиб қолишди, энди ўз устингизда ишланг, изланинг дейишди. Менга катта умид боғлаётганларини ҳис қилиб, ўзим ҳам руҳланардим. Болаларнинг дадаси ҳам: «Энди навбат сизга, хоним!» дедилар. Истеъдод булоғи қайтадан қулф ура бошлади. Ким нима деса десин, аммо бу булоқнинг кўзини уйимдаги уч қора кўзим очиб қўйганини ўзим яхши билардим. Унинг қулф урганга душанбалар сабаб эканлигини ҳамкасбларим қайдан билсин?

Орадан беш йил ўтди.

Номзодлик диссертациямни ҳимоя қилдим. Жуда муваффақиятли чиқди деб мақташди. Катта ўғлим шаҳарнинг нуфузли ва замон талабларига жавоб берадиган информатика коллежига ўқишга кирди.

Душанбалар ҳамон давом этипти. Саволларга жавоб излаганим учун ҳали ҳам кутубхонанинг энг фаол аъзосиман. Ёш олимлар ичида айрим номинациялар бўйича танловларда совринлар олишга муваффақ бўлдим.

Бир сирни айтайми? Ўтган ойда саволларнинг иккитасига жавоб топа олмай, роса қийналдим, кейин ҳийла ишлатишга мажбур бўлдим. Битта саволни ўғлим номидан, биттасини қизим номидан телевиде-



ниega – «Заковат» кўрсатувига юбордим. Эшитгандирсиз, болаларимнинг номини айтишиб, уларнинг қизиқувчанлигини мақташди, саволларнинг мураккаблигини қайд этишиб, кўплашиб жавоб беришди. Жавоб болаларимни қониқтиргани учун улар «гуноҳим»дан ўтишди. Менга яна яхши балл қўйишди.

Мана шунақа гаплар.

Шу болаларим туфайли ўртамиёна кичик илмий ходимдан ташаббускор, иқтидорли катта илмий ходимга айландим. Душанбалар омон бўлса, ҳали докторлик диссертациясини ёқласам ҳам ажаб эмас.

«ҚОШИ ЁСИНМУ ДЕЙИН...»

*Ўзбекистон халқ шоирлари Ҳамид Олимжон ва
Зулфияхонимларнинг суюкли қизлари
Ҳулкархоним Олимжоновага*

Ҳулкар опажон! Эртага таваллуд кунингиз. Табриклаймиз! Илоҳо тану жонингиз соғ, умрингиз узоқ, ниятларингиз хайрли ва вожибли, дилингиз ҳамиша равшан бўлсин! Фарзандларингиз камолини кўриб яйраб юринг!

Эртага сизни табриклагувчилар ҳам биз каби қай фазилатларингизни олдин айтишга шошиб қолишлари аниқ! Мен ҳам Сиз ҳақингизда ёзмоқчи бўлдим дилим куйлаб кетди: «Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин...»

Кишилар Сизга не ташбеҳлар беришганидан хабарингиз борми?

... Сизни зуваласи шеърятдан, сўз оҳанграбосидан олинган, вужуди ўлмас мисралар билан йўртакланган, дейишади. Танглайи баҳри-байт билан кўтарилган, тили ширу-шакар билан чиққан, дейишади. Ҳар тонг одамларга ёниқлик ато этадиган кўкдаги адашингиз каби танҳо эмишсиз. Ҳамид Олимжон ва Зулфияхонимнинг ёлғиз қизи, дейи-



шади. Домла Ойбек ва академик Зарифахонимнинг суюкли келини... Омон Тошмухамедовдек талабчан олимнинг чин муҳаббатига лойиқ беқиёс аёл, дейишади. Ҳамиша юксакликка интилган олима... Жон фидо опа... Фидойи она... Набиралар кўнглини юксалтиргувчи бувижон...

Баъзида энг сара сифат ва ташбеҳлар ҳам унга ортмоқчи бўлган юкни истаганингизчалик ифода эта олмаётганга ўхшаркан...

Онага қувват қизлигингизниму дейин...

Эсимда, биз – «Зулфия қизлари»нинг Сизга ҳавасимиз ҳавасликдан ўсиб, бир чиройли муҳаббатга айланган эди. Биз учун Сиз рисоладагидек қиз, АЁЛнинг ҳаётдаги тайёр прототиби эдингиз! Биз Сизни эсимизни анча таниб олганда, Зулфияхоним қанотлари, демакки, паноҳларига кирганимизда таниганмиз. Бу ёшдаги муҳаббат, Сиз биласиз, чин ва умрбоқий бўлади. Бир ҳадиси шарифда айтилишича, агар кишининг бировга меҳри бўлса, шу одамга муҳаббатини сездириб қўйиши керак экан. Шу мақсадда Сиз ҳақингизда ёзмоқчи бўлдиму, очерк десам, мендан бир оз узоқлашиб қолаётганга ўхшай бердингиз. Келинг, бағрингизда бир яйраб, дилимдагини ўзингизга айтиб, хумордан чиқай, опажон!

Ҳозир кези келганда самимий айтяпман: биз – Зулфияхоним қизлари ҳаммамиз бирдек Сизга ҳавасимиз келарди, Сизга ўхшашга, Сиздек илтифотли, назокатли, мулойим, сербилим, китоб кўрганда – кўзи нурланадиган, шеърият деса – қалби мавжланадиган бўлгимиз келарди. Сизга интиганимиз сари Сиз яна ҳам юксалиб борардингиз. Сиздаги бу ўсишнинг замини тинмай изланишингизда, ҳаётда ота-онангиз шуҳрати соясида қолибгина кетмай, унга лойиқ, аниқроғи, муносиб бўлишга астойдил интилишингизда экан...



Ҳавасимизнинг яна бир боиси, Аллоҳнинг Хулқархонимни ҳалиги таърифларда айтилганидек «Икки нурдан аъло нур» қилиб яратгани учунгина эмас, у кишининг ҳуснда оналари каби бекаму кўстлиги учунгина эмас, суратлари ва сийратларининг оналарига тенглигидагина ҳам эмас эди. Қизлари бўлсангиз ҳам, Зулфияхон опамларда Сизга нисбатан алоҳида меҳр, аниқроғи, ҳурмат, эҳтиромни сезардик, бунинг асоссиз эмаслигини ҳам билардик. Хотирангизнинг ўткирлигини, ўзларининг, Ҳамид Олимжоннинг, Ойбек домла, Миртемир ва бошқа кўп шоирларнинг шеърларини ёд билишингизни, чуқур тушунишингизни кўп мамнун бўлиб гапирардилар. Зулфияхонимдек аёл Сиз билан ифтихор қилардилар, Хулқар опа! Биз ҳам кўп хислатларингизни ўзимизга юқтиргимиз келарди...

Менинг сал бошқачароқ ҳавасим ҳам бор эди. У вақтларга нисбатан бир ғалат орзуйим бўлганини айтиб ўтмоқчиман. Элигинчи йиллар охири эди. Зулфияхонимнинг «Юрагимга яқин кишилар» тўплами чоп этилганида ундан руҳланиб, қалбим тўлиб, Зулфия опамга бир «шеърый бағишлов» юборибман. Унда ўрта мактаб битирувчиси эдим. Орадан уч-тўрт йил ўтиб, университетда ўқиб, журналда амалиётни ўтаб юрганымда «Ўзбекистон хотин-қизлари» таҳририятига ишга таклиф қилишди. Орадан яна уч-тўрт йил ўтди. Бир куни одатдагидек адабиёт бўлими материалларини кўраётганимизда Зулфия опам:

– Менга қаранг-чи, – дедилар бирдан. – Сиз кўп йиллар олдин менга шеър бағишлаган ўқувчи қиз – Раҳима эмасмисиз?

Довдираб қолибман денг! Яна ичимдан ўтган «Шунча вақт ўтиб энди нега эсладилар? Ёки ёзганларим маъқул бўлмадимикан?» хаёлининг ўзидан



лов этиб ёндим. Мени бу вазиятдан яна Зулфия опамнинг ўзлари чиқардилар:

– Кеча Хулкар опангиз билан архивимни тартибга солгандик. Мактублар ичида юборган ўша шеърингиз ҳам бор экан. Мактубларни йиртадиган одатим йўқ. Аекин биласиз, бағишловларга жавоб ёзилмайди. Шеър ҳам ёмон эмас. Хулкар опангиз билан шеърятни ёқтирган одамдан ёмонлик чиқмайди, унинг қалб олами доимо ўсишда бўлади, деган ишончим мустаҳкамлангани ҳақида гаплашдик. Керакли тортмага солар эканман, эртага Раҳимахондан сўрайман, исм-фамилияси бир экан – у эмасмикан, деб ўйлаб қўйгандим...

Билсангиз эди, мен ўзга бир оламда ҳис қилдим ўзимни. Ижод... Архив... Тегишли тортмалар... Ўша дамда ичимдан кечган «Зулфия опамдек катта шоирага яхши бир адабий котиба керак экан. Қанийди шу ишни мен бажарсам, шахсий котибалари бўлсам...» хаёли кейин доимий орзумга айланди. Аммо Зулфия опамнинг сиздек ёрдамчилари бўлгани учун ҳам, улар котибага муҳтож эмасдилар.

Сингилларингизнинг кўплигиму дейин...

«Сингилларингиз»ни ўқиб кўпчилик Хулкархон Зулфияхонимнинг ёлғиз қизлари-ку, дейишади албатта. Бу рост. Ҳаётда шундай... Аслида катта ижод маъносида Зулфияхоним қизлари ҳам бор ва улар, ўзингиз неча бор таъкидлаганингиздек, Сизнинг ҳақиқий сингилларингиз бўлиб қолишган.

Ижодий тетапоя даврида Сиз катта бўлган даргоҳда паноҳ топган кўп қизларнинг қадди ҳамишати. Улар, аксарият ўзлари адабий ташбеҳ билан айтмоқчи «сахройи чечаклар» Зулфияхоним уйида ва у ерда кўпинча кўрадиганлари Хулкар опаларига тақлидан чаман бўлиб очилганларини, ҳар



чечакнинг ўз иси, ўз тароватини сақлаб қолишда айнан Сизнинг, Ойбек домла бир кўришдаёқ «Баркамол! Баркамол!» дея баҳолаган Хулкар опаларининг ҳам беназир ўрни борлигини айтишади. Бу – ижодда... Ҳаётда-чи... Аёлликнинг кўп нозик томонларини, инсоний илтифот, мулозамат, маданият, меҳмондўстлик, кийиниш, ўзни тутиш – дунё миқёсида ЭТИКЕТ деб аталадиган дарсни юқори даражада сизлардан, таъби ниҳоятда нозик кишилардан ўрганганимиз ҳам рост...

Қутлябека Раҳимбоева (шоира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими): – Биз, вилоятлардан пойтахтга ўқишга келган кўп қизлар Зулфия опамнинг ва Хулкар опамнинг том маънодаги яхши тарбиясини олганмиз. Саҳройилигимиз бор. Бу қутлуғ хонадондаги назокат, ички маданият талабларига тўлиқ жавоб бермаганимиз аниқ. Лекин бирон марта бўлсин – йўқ, бу мана бундай қилинади деган танбеҳ олмаганмиз. Бизга бу хонадонда иш буюрилмасди. Ўз фаҳм-фаросатимиз билан бир юмуш бажариб қўйган бўлсак, албатта, хизматимизга яраша назокатли ва қадримизни кўтарадиган ташаккур эшитардик. Ўзимизни шахс деб билишимизга шу хонадон муҳити сабаб.

Биз Зулфия опа, Хулкар опадек инсонлар олдида ким эдикки, шунчалик ҳурматлансак?! Бизда ўзимизга нисбатан аввало инсон, кейин шоир ҳурмати, оддий дунёни бошқача кўз билан кўриш, киши қалбини нурлантириш, шунга яраша масъулиятни Зулфияхоним ва Хулкар опалар ўргатишган...

Ойдин Ҳожиева (Ўзбекистон халқ шоираси): – Бу хонадон эшиги биз учун ҳар доим очиқ эди. Кўпинча Хулкар опам ҳам шу ерда бўлардилар. Кийик яраланганда тиниқ ва соф булоқдан сув ичиб, малҳам топганидек, улар қанча дардларимизни эшитишган, ҳамма шеърларимизни тингашган... Ўз қалбимиздан қувват олишни ҳам ўр-



гатишган. Зулфияхоним неча бор «Уй остонасидан чиққанимдан кейин ундаги барча муаммолар ортда қолади. Бу ёғи борлигим – халқимга!» дердилар. Ҳаммамизга ҳам шуни ўргатган эдилар. Сермаҳсуллимиз шундан.

Ота-онам, опаларим кийгазмаган тилло кавушни бу хонадонга келганимда Зулфияхоним ёки Хулқар опа кийгазардилар. Шу кичик ҳаётий лавҳада ҳам бу хонадон, бундаги кишиларнинг инсонга, сўзга, шеъриятга бўлган улуғ бир ҳурмати, ҳикмати рамзини кўраман. Қалбим шундай соф булоқдан сув ичиб, юксалганидан мағрурман...

Зукко олималигингизни му дейин...

Хулқар опа, умрингизнинг ярим асрлик даври университетда – талабалик, аспирантлик, ўқитувчилик, олималик билан ўтди. Айтишгагина осон – ярим аср... Лекин бу йиллар ўз ичига қанча ишлар, воқеалар, қанча топиш ва йўқотишларни олади! Шу йиллар ва йўлларда топганларингиз қанча, бир-бир йўқотганларингиз қанча...

Аяжонингиз Зулфияхонимнинг ҳаёт синовларидан ҳикматли ҳулосалар чиқаришлари, уни шеъриятнинг нозик, аммо ўтда ҳам куймайдиган зирҳларига ўрай билишларига олима бўлмасингиздан анча илгари шоҳид бўлгансиз... Уларнинг дадангиз – Ҳамид Олимжондан кейин ёзган туркум-туркум шеърлари чамаси аёл матонати, муҳаббати, садоқати, ҳижронларга бардошлиги ва яна кўп, киши сўз билан ифодалашга ожиз бўлган, аёлга самовийлик бахш этадиган фазилатларни ошкор этиб, аёл қалбига муносиб хайкал қўйганларини биздан анча илгари англагансиз.

Сиз фан номзодлиги диссертациясини ҳимоя қилганингизда у кишининг қизлари бўлсангиз ҳам, Зулфия опамларнинг бир ажиб ҳайрат ва ҳаяжон билан деганлари ҳамон эсимда: «Мавзуси бирам қийин! Шоирларнинг ўзлари ҳам қачон



қандай шеър ёзишларини билмасалар керак. Хулкар опангиз эса диссертациясини Миртемир ака, Шайх акаларга ўхшаш неча-неча забардаст шоирлар билан қайта-қайта суҳбатлашиб, ижодкорнинг бирон асарни ният қилишидан то шу ният ижро этилгунгача бўлган изтиробли ва мураккаб ижодий жараёни ёритишга бағишлади...»

Аmmo Сиз олима бўлганингиздан кейин ҳам, адабиёт оламида танилиб, ўз қувваи фикрингизга эга бўлганингиздан кейин ҳам, Зулфия опамлар журналимизда мақолаларингизни бердирмаганлари эсимда. «Кўйинглар, мен шу ердаман...» дердилар бизга асло сингишмайдиган радларини оқлаб. Ҳа, инсон шаънига нолойиқ ишлардан тийилишга Зулфияхоним ҳамиша намуна эдилар!

Ўқитувчиликни фараҳли касб деб билардингиз. Адабиётни сирли олам деб бу даргоҳга келганларга унинг сеҳрларини, адилларнинг ижодий жараёнларини очиб беришдан дилингиз равшан тортарди. Атрофингиздагилар – Озод Шарафиддинов, Лазиз Қаюмов, Умарали Норматовларга қараб бўй ростлардингиз. Адабиётдаги олтмишинчи йиллар кўтаринкилиги адабий таҳлилга ҳам эпкин шамоллини эсган бир пайт эди ўшанда. Ана шу кўтаринкилик билан ишга шўнғиб кетдингиз... Ҳаётнинг ўзи, ундаги воқеалар, ҳодисалар, табиат манзаралари, ногаҳон эшитилган ҳаётий ҳикоя, айтилган сўз ҳам «идрок этганлар» учун туганмас ҳикмат беришини ўшанда жуда ҳис қилгандирсиз балки.

Зулфияхоним шеърятига ташбеҳ берилганда олтмишинчи йиллардаёқ у кишининг поэзиясини бешйилликлар шиддати, давр суръатига зид бетон қоришмасидан йироқ, ниҳоятда ҳароратли ва назокатли поэзия дейишарди. Сиз дарсга кирганингизда аяжонингиз овозларига ўхшаш нафис овозингиз катта аудиториянинг охириги қаторларига қандай



етарди? Талабалар дарсингизда қилт этиб тупук ютишга ҳам юраклари бетламасди дейишарди.

Адабиётдан дарс бериш, муайян ахборотни талабаларга етказишгина эмас ахир. Бу – маълум асар, унинг ёзувчи ҳаётида тутган ўрни ҳақидаги суҳбатгина ҳам эмас.

Адабиёт – бу ҳаёт, бу руҳ, бу қанот...

Адабиёт – инсон характери, ҳаракатига импульс берадиган буюк маънавият.

Сиз талабаларга адабиётни севишнигина эмас, усиз яшаб бўлмаслигини англатардингиз дейишарди.

Талабаларни ҳайратга солган нарса – Сизнинг кўп, жуда кўп асарларни ёд билишингизгина эмас, асл, тоза асарни чуқур англашингиз эди. Сиз талабаларда худди ўз уйингизда ўзингизга сингдирганингиздек ишонч, ўзига ишонч, сўзига ишонч, эрта адабиётда кўтариб чиқадиган ғоясига ишонч уйғотардингиз. Қисқаси, аянгиз шеърятда, журналистикада ижро этганлари каби, сиз олимликда ўзингизда борини аямай улар қалбига қуярдингиз.

Биз билган Зулфияхоним умр бўйи аёлни улуғлаб келдилар, аёл руҳининг қудрати, имкониятлари чексизлигига ҳайратланиб яшадилар. Ана шу ҳайратлари умр шомида ҳам сўниш билмагани учун сўнги нафасгача ижодий кўтарилиш, ижодий юксалишда бўлдилар. Сиз эса у кишининг ёнида бўлдингиз. Дилда йиғилган дардни тўкиб солишга, «оғир булутдек бир ёғиб олишга» ўзларида қудрат топишларига, энг юқори пардадаги сўзларни дил тубидан игна билан суғуриб олишларига нафақат гувоҳ, қувват ҳам бўлдингиз. Бу ишлар неча докторлик диссертацияларидан аъло-ку, Хулқар опажон!

Ибратли келинлигингизниму дейин...

Айни пайтда тўрт фарзанднинг онаси, катта олимнинг умр йўлдоши, остонасидан кеча-кундуз

ижодкорлар аримайдиган буюк адиб – академик Ойбекнинг ва буюк олима – академик Зарифа Саидносироваларнинг келини эдингиз. Тўрт фарзанднинг оналарига инжиқлиги, ҳар талабининг ижросида бесабрлиги маълум нарса ва бу табиий ҳам. Аммо атрофдаги катталарнинг, айтиш керакки, ўзбек адабиёти ва фанида бетакрор шахсларнинг ҳам юмшоқ қилиб айтганда, «ўзига яраша феъл-атвори»га дош бериш, ундан ортиб, илмда ўз сўзини айтиш...

Биз университетга кириш учун тарихдан сочлари жингалак, қарашлари Ойбекона теран домла – Омон Тошмуҳамедовга имтиҳон топширганмиз. Яширмайман, у кишининг ниҳоятда билимдонлигию шунга яраша талабчанлиги, инжиқлиги, шиддатлилиги хусусида талабаларни ўзига қараб юришга чорлайдиган кўп гаплар эшитганмиз... Домлалар бизга фақат ўз дарсларинигина эмас, ҳаётга тиниқ қарашни ҳам ўргатишарди.

Сиз университетни биз ўқишга кирган йили битирган экансиз. Демак, икки-уч йиллик келинсиз. Эсимда, бир куни Субутой домла (Аллоҳ у кишидан рози бўлсин!) балки талабаларнинг чарчоғини ёзиш учун дарсдан чекинибми ёки биз билан бирга ўқийдиган айрим «каттаконлар»нинг олифта қизларига теккизибми, Ойбек домланикига борганларида, кўча деразаларига баланд нарвон қўйиб, фартук боғлаб, ойна юваётган аёлни кўрганларида хизматкор бўлса керак деб ўйлаганларини, лекин бу Сиз – домланинг келинлари, талабалигингизда тирноқларингиздан маникюр аримайдиган, ширингина юришингиз билан домлаларга эркагина бўлиб кўринган, Зулфияхонимдек буюк шоиранинг ёлғиз қизилигингизни билиб, ниҳоятда ҳайратланганларини меҳр билан айтиб берган эдилар... Аллоҳ раҳмат қилсин, домламиз тирноғини маникюр қилганларни унча ёқтирмас эдилар... Ҳолбуки, талаба Ҳулқар Олимжонова анча яйраб, уйларига неча



марта бориб юрадиган домлаларга эркаланиб, номига ўқиб, номига ишлаб юришлари ҳам мумкин эди! Буюклар шухрати уларни ўз қанотида курсдан-курсга ўтказиб қўйиши, кейин ҳам номига мавзу олиб, диссертация ёқлаши, лавозимдан-лавозимга кўтариши мумкин эди. Сиз эса шундай одамларга яқин бўлганингиз, муттасил уларнинг кўнглини олиб туришингиз кераклиги Сизни тезкор бўлишга ва мазмунли яшашга чорлади. Вақтни қадрлашга, бир сонияни ҳам зое кетказмасликка, ортиқча бир сўзни ҳавога учирмасликка, тез ўқишга, ўқиган, кўрганларингиздан муттасил ҳикмат излаб топишга ҳаракат қилдингиз. Ҳаётнинг ҳар дами гўзаллигига ва бунинг қадрига етмоқлик кераклигига ишонч ҳосил қилдингиз. Атрофдагиларга нигоҳингиз тиниқлашиб бораётганини, буюкларнинг боласи бўлганингиз ҳам, асли – Ҳулкар эканингизни тобора ҳис қилардингиз.

Олdda турган ишларниму дейин...

Ҳулкар опагон! Яқиндаги бир кичик ҳамкорлигимиз Зулфияхоним ҳақидаги «Ҳаётнинг ўзидай пок ва ёрқин» хотиралар тўпламини тайёрлаётганимизда азалий орзуларимиз амалга ошганидан жуда мамнун бўлгандим. Бир умр «қалам деҳқони бўлган» кишилар, бетиним ижод қилган, қуёшдан парча юлиб, уни юракларидан ўтказиб, элга ёғду қилиб узатганлар, шогирдларию инсониятга кўп фазилатларини юқтирган кишилар – дадангиз Ҳамид Олимжон ва аяжонингиз Зулфияхонимлар ўзлари тирикликларидан ортиқроқ шукуҳли мавзуга айланиб бораётганларини англадик ҳам.

Фарзандлару шогирдлар бажариши керак бўлган ишлар кўп экан.


Бир суҳбатимизда Зулфия опамларнинг мавлоно Ойбекнинг Зарифахоним, домла Абдулла Қаҳҳорнинг Кибриёхонимдек кишилари борлигига ҳаваслари келганини ва ўша сўзни деганларида



ўксикка ўхшаш чуқур хаёлот оғушида бўлганларини айтгандингиз.

Яна ўз даврининг буюк ва ҳақиқий халқ шоири бўлган Зулфияхонимнинг турли ижод дафтарларида ўз дастхатлари билан «Босилмаган... балки босилмас ҳам...», «Турли йилларда ёзилган шеърлар», «Маромига етмаган қораламалар»... ёзувли шеърлар кўплигини ҳам айтгандингиз.

Адабиётда мемуар, кундалик, эссе, хотира жанрлари жуда ривожланган. Етук олималигингиз, элнинг ёғду кишиларига ҳамроҳ бўлганингиз туфайли Ойбек, Ҳамид Олимжон, Зулфияхоним ҳақида ҳаётий ва меҳрли талайгина мақолаларингиз чоп этиляпти. Ва айтиш мумкинки, улардан катта асарларнинг, ўчмас хотира китобларининг умиди эсиб турибди. Бир вақтлар Татьяна Толстая-Суходаннинг «Отам бағрида» деб номланган кундалиги адабиёт оламида катта воқеа бўлган, буюк адибга қўйилган энг муносиб ҳайкал деб баҳоланган эди. Ўзбекларда ҳам анча кейин Зарифа Саидносированинг «Ойбегим маним», Кибриё Қаҳҳорованинг «Чорак аср ҳамнафас» каби китобларини ўқиганда, негадир ичимда Ҳамид Олимжон ва Зулфияхонимлар ҳақидаги шундай китобларни Ҳулкар опамлар, Омон акалар ёзадилар деган умид пайдо бўлганди. Зулфияхоним таваллудининг 90 йиллигига бағишлаб укангиз олим Омонбек Олимжонов билан биргаликда нашрга тайёрлаган «Ҳаётнинг ўзидай пок ва ёрқин» деган каттагина хотиралар тўпламини, Зулфияхоним асарларидан саралаб олинган янги шеърый тўпламни тайёрлаганингиз умидларимизни куртак ёздирди. Минг шукрки, Зулфияхонимнинг Ҳулкар қизлари, «алп Омонлари» бор. Уларнинг катта оилавий, адабий, демак, башариятбоп айтар сўзлари ҳам бор ва бу сўзлар етилган. Зулфияхонимнинг беҳисоб Зулфия қизла-



ри – сизнинг сингилларингиз бор ва улар сизга кўмак беришга шай.

Бу ижод денгизи бисотларини ўрганишни масъулиятли бурчингиз деб билаётганингизни ҳам сезиб турибмиз.

Бир буюк мутафаккир одамийлик, донишмандлик, яратувчиликнинг асоси оилададир, ўз онасини эъзозламаган киши ўз келажагини йўққа чиқаради, деган экан. Суҳбатларимиз давомида Ҳамид Олимжон, Зулфияхонимлар ҳақида кўп эслашамиз. Қалб кўп қувват олади. Уларнинг руҳлари шод бўлсин! Шогирдлар тушига кўп кириб туришлари ҳам бежиз эмасдир...

Эрта таваллуд кунингиз! Сизни билган, таниганлар, Сиздан сабоқ олганлар дилига ёруғлик кирадиган кун!

Борингизга, нур таратганингизга шукр! Сизга омонлик тилаб, **Раҳима**.

«ГУБЕРНАТОР» ҚАЙНОНА

«Чашма» маҳалласида «Губернатор қайнона» деб ном олган Рисолатхон ая маҳаллага етакчи қилиб сайландилар-у, маҳаллада «қайноналар ва келинлар проблемаси» ҳал бўлди-қўйди.

Шу ечиб бўлмас муаммоларни ҳал қилишга кетадиган олам-жаҳон вақтни энди маҳалла фаоллари маҳалланинг балоғатга етай деган қизларига бичиш-тикиш, пазандалиқ тўғарагини очишга, маҳалладаги ҳар бир ўқувчи боланинг ўзлаштиришини яхшилашга, ҳатто ҳаёт синовларини ифода этадиган турли-туман психологик тестлар ўтказишга сарф қиладиган бўлишибди. Яна денг, антиқа мусобақалар, кўриклар ўтказишаркан. Масалан, энг кўп китоб ўқиган, ўқидим деган китоблари бўйича берилган саволларга бурро-бурро жавоб берган уч қизга тикув машиналари совға



қилишибди. «Менинг маҳаллам кишилари» мавзусида бинойи ҳикоялар ёзганларга қайсидир жамғарманинг ҳомийлигида компьютер ундириб беришибди. Аълога ўқийдиган болаларга футбол ўйинларига маҳалла ҳисобидан стадионга чипта олиб беришибди. Оила тотувлигини намойиш этиб, ибрат кўрсатган қайнона-келинларни Самарқанд ва Бухорога зиёратга олиб боришармиш.

Хуллас, «Маҳалла кўмитасининг иши қайнона-келинлар машмашасию уй-жой можароларини кўришдангина иборат» деб, шу масала атрофида ўралишиб қолганлар «Чашма» маҳалласига келаверсин, иш қайнаб ётганини кўраверсинмиш!

Тўғри, дастлаб «қайнона-келин ишлари» бу ерда ҳам кўп кўрилар экан. Рисолатхон ая келинидан ёзғириб келган қайнонани обдон эшитаркан. Ичидаги борини тўкиб солгунича, оғирлик билан ҳеч гапини бўлмасдан, гап майда, икир-чикир ҳақида бўлса ҳам, катта сабот билан қулоқ солар экан. «Э, шунини ҳам гап деб маҳаллага кўтариб юрибсизми?» деб ҳеч дашном бермас экан. Аслида қайнона гапини бўлмасликда гап кўп экан-да! Нега, дейсизми? Рисолатхон ая худди шу «Ичидагини тўкиб солиш» жараёнида уйдаги борини олиб чиққан ёки шу борига ҳам қўшиб-чатган аксарият аёллар сўзининг охирига борганда дами чиққан пуфакдек бўшашиб қолишларини яхши биларкан. Фақат ўшандагина озгина бўлса ҳам эси бор аёл бирданига шу вақтгача унинг қаддини шу арзимас нарсалар тутиб турганини англаб етаркан ва атрофдагилардан уяларкан.

Нима бўлса ҳам, биз аёлларга вақти-вақти билан ичимиздаги борини гапириб олишга имкон берилса басда-а!

– Ҳа, биродар, – деркан Рисолатхон ая ичини тўкиб солган қайнонага, – қаранг-а, бир томондан



ўйлаб кўрсам, сизга жуда жабр бўлибди! Бошқа томондан қаралганда эса... Э, биродарим-а, ўғил уйламангиз, келин қайдайди-ю, бу машмашалар қайда эди?!

– Ҳа, келин болам, – деркан Рисолат ая қайнонасини пулемёт билан отишга тайёр турган келиннинг узук-юлуқ гапларини сабот билан обдон эшитганидан кейин. – Ёш бошингизга анча жабр бўлибди... Иккинчи томондан қараганда эса, она қизим, эрга тегмасангиз, қайнона қайдайди-ю, бу машмашалар қайдай эди?!

Ҳаммаси айнан шу гапларни қай пайтда айтишда қолган, аёлларнинг бу гапнинг маъзини уқадиган, қулоғига гап кирадиган вақтини пойлаб туриб айтишда қолган. Бу вақтни Рисолат ая жуда яхши биларкан.

Рисолат ая бу гапларни қайнонага ҳам, келинга ҳам улар ичидаги борини обдон тўкиб солганларидан кейингина айтаркан. Ўзингиз бир ўйлаб кўринг, ҳар хил бўлмағур нарсалар бижриб ётган тупроққа яхши уруғ қадасангиз, униб чиқадими? Йўқ, албатта! Рисолат ая қайнонанинг ҳам, келиннинг ҳам қалбидаги барча патос чиқиб, қалби тозаргачгина унга секин мулоҳаза уруғини солишини англаб етдингизми?

«Ҳа-я! – ўйлай бошларкан қайнона, – худога шукр, ўғил кўрдим, вояга етказдим, унинг барча қийиқликларини финг демай кўтардим. Энди уни уйлантириб, бир болам икки бўлганда, бировнинг боласини бола қилиб олиб келганимда келиннинг эркалиги, боринги, билмай қилган хато-камчилигини кўтара олмай қолдимми? Уят-а!»

«Ҳа-я! – ўйлай бошларкан қайнонасиндан дод деб чиққан келин ҳам. – Туққан онам ҳам вақти келса, мени эркаларди, вақти келса, койирди. Ҳаммасини миқ этмай кўтарардим-ку! Қайнонам ҳам мени



болам деб койигандир, оила обрўси учун кураша-
ётгандир! Келиб-келиб суянган тоғимнинг онаси
устидан маҳаллага шикоят қилиб чиқдимми-а,
мен нодон? Уят-а!»

Дастлаб шундай ўйлашга фаҳм-фаросати ет-
майдиганлар, ичидаги патосдан қутула олмай,
икир-чикирларга қул бўлиб, унинг чангалидан
қутула олмайдиганлар ҳам топилади. Уларга Ри-
солатхон ая бошқача «подход» қилиб, бошқа чора-
лар изларкан. Ахир уларнинг олти келинлари бў-
либ, уларни йўлга солишда катта тажрибалари бор
экан-да. Бекорга уларни «Губернатор қайнона» деб
аташмас экан.

– Кимки «Келин эшикдан рисоладагидек тайёр
бўлиб, таъзим қилиб кириб келади» деса, бекор ай-
тибди, – дейдилар Рисолат ая баъзан сал шошиб
қолган қайноналарга. – Келинлар ҳам янги туғил-
ган чақалоқдек гап, фарқи фақат уларнинг салга
онасиникига чопишга тайёр оёғи бор, гап қайта-
ришга тили чиққан, ўзига яраша феъли ҳам шакл-
ланиб бўлган! Шуни ҳисобга олиб, ботиғига қараб
силайсиз келинингиз елкасини! Қайноналарга осон
тутадиганлар, қайноналар фақат «ўғил туғдим деб
керилиб юришади!» деганлар ҳам номаъқул гапни
айтишибди! Қайноналик ҳам юрт сўрашдек оғир
савдо. Фақат бу юртнинг сирини сиртга чиқариб
бўлмайди. Бир ерда панд бериб, сирингизни сиртга
чиқариб қўйсангиз, камчилигингиз ошиб, тошиб,
зарбаси залворлироқ бўлиб, ўз юзингизгаю юрагин-
гизга келиб оғир тегади. Олти келинни йўлга солга-
нимдан кўра олти институтни битирганим осонроқ
бўларди... Ҳар бир келиннинг росмана аёл бўлиб,
ўз хонадонининг устунига айланиши бу – ёшлиги-
мизда кўрган машҳур «Қийиқ қизнинг қуйилиши»
киносигаги ҳаётий ҳангомалар билан тенг савдо-
лигини бошидан ўтганлар билади. Сал эркинликни



бўғсангиз, кеча елкасини суйиб силаб турган келинингиз нақ кинодаги Офатга айланади!

Ҳозирда қариндош-уруғлару қўни-қўшнилар Рисолат аянинг олти келини ҳақида оғзиларидан бол томиб гапиришади. Чунки олти келиннинг орасалиги бир таъриф бўлса, юзларидаги доимги мулойим табассуми бошқа бир таъриф. «Хуш кўрдик!» деган гап ҳеч оғзиларидан тушмайди. Бекорга қариндошлару яқин қўшнилар «Аяжон, келинларингиз меҳмонларимизни кутишиб, обрў олиб беришсин!» дейишмайди. Улар чиройли муомаласи билан ўз уйидагина эмас, маҳаллага ҳам файз киритган келинлар-да! Илоҳим, барака топишсин, деб дуо қилади ҳамма.

Келинларининг ҳаммаси бўлак-бўлак туришса ҳам, ҳамма маслаҳат аввалгидек «губернаторхонада»! Келинлар бир-бирининг обрўси учун ўз обрўсидек курашишади. Бу – сенинг боланг, бу – менинг болам дейиш йўқ. Бири юмуш билан банд бўлса, бошқаси унинг ўрнини билинтирмайди. Олти келиннинг ҳар бирини нақ «Келинлар қўзғолони»даги Фармонбибининг Соттиси деяверинг! Эригагина эмас, қайнонага, овсинларга ҳам вафодор! Оилапарвар, жигарпарвар, фидойи аёллар!

Осонликча эришдиларми бунга Рисолатхон ая! Вой бў-ў! Неча тунлар юлдуз санаб чиқилди, неча кунлар ибрат бўла қолай деб заҳматда ўтди. Ҳар келинга вақти келса она бўлди, вақти келса – опа, вақти келса – сирдош дугона, вақти келса... қаттиққўл қайнона!

– Ҳамма гап янги келин туширгандан кейинги уч-тўрт йил ичида қудалар ва келин ўртасидаги парданинг кўтарилишига йўл қўймасликда! – дейдилар ая. – Қайнона ҳам, келин ҳам, қудалар ҳам ўз иззатида тура билмоқлари керак. Инсон, айниқса, аёллар ўз борлиги билан Яратганнинг энг улуғ ва мураккаб неъматини эканини англаб етмоқликда



гап кўп. Қайнона бўлганимда қайнона ойим бир ривоят айтиб берган эдилар. Шунинг асло эсимдан чиқармаслигим кераклигини тайинлаганлар ҳам. Мана ўша ривоят:

«Қадим замонларда Ҳумоюнфол деган подшо овга чиқибди. Тоғ сўқмоқларидан кўтарилиб борар экан, дарахтлар ковагида уя қўйган асалариларни кўриб қолибди. Подшо асалариларнинг тартиб-интизом билан ишлашларини, бир бошлиққа сўзсиз итоат қилишларини кўриб ҳайрон қолибди. Шунда Ҳумоюнфол подшо доно вазирга мурожаат қилиб сўрабди:

– Арилар нега мана шундай интизомга бўйсундилару, одамлар бунақа эмас?

Доно вазир шундай жавоб берибди:

– Арининг табиати бир хилдир, унинг хилқати бир хил унсурлардан яратилган, унда ақл ва шуур йўқ. Ари ўз амалларини беихтиёр бажаради. Инсон табиати эса бир-бирига зид турли моддалар, унсурлардан яратилган, бунинг устига Аллоҳ унга ақл ва фаҳму фаросат берган. Шунинг учун инсонлар ўзаро мухолифликда, зиддиятли курашда яшайдилар... Агар инсонлар ҳам арилар каби табиий итоат ва тартиб бўйича ҳаракат қилсалар эди, унда шохга ҳожат қолмас эди. Шохнинг вазифаси ана шу зид табиатли одамлар орасини келиштириш, адолат йўли билан ҳар кимга яраша муомала қилиш ва жамият тартибини сақлашдан иборатдир...»

Қайноналик ҳам юрт сўраш билан баробар, деганим шундан. Олти келиннинг олти хил характери бор. Қайноналик шу олти хил феълни бир ўзанга тушириб, уларни асалари ҳолига келтириш эмас, албатта. Уларнинг аҳлилиги маънавий бирлигида, бир-бирини онгли ҳурмат қилишида, бир-бирига ҳамиша зарурлигини англашида. Одам одамга ҳамиша азиз-да!



Турмушда ҳамиша шунга амал қилиб келганлари учун ҳам Рисолат аяни «Губернатор қайнона» деб аташади.

ҚОИДАСИЗ ҲҲҲ

Келин орзусида юрганларга ибратли ҳадис:

Пайгамбаримиз саллоллоҳу алайҳи васалламдан уйланиш учун қиз танлаш борасида сўраганларида:

«Нажосатга яқин жойда унган гулдан эҳтиёт бўлинглар», дея марҳамат этган эканлар.

«Бу қандайин гул?» деб сўрасалар: «Қусурли, ёмон оилавий муҳитда камол топган, ташқи чеҳраси гўзал кўринса-да, асл сийрати нопок қиз», – дея жавоб берган эканлар.

Рихсихон уч кундан бери ёлғиз ётган жонлан-тириш хонасига кўп мутахассисларни таклиф қилишяпти. Уларни кўп саволлар қизиқтиради. Ҳатто гарчи бу воқеалар кўп йил олдин бўлган бўлса ҳам, неча ҳомила кўтаргани, туғруқ оғир-енгил кечгани, бола олдиргани ё йўқлиги (Аллоҳнинг ўзи кечирсин!) тўғрисида ҳам сўрашади. Баъзида, буларнинг юрак хуружига нима дахли бор, деб унинг жаҳди чиқади. Лекин бу саволларга берган жавоблари муҳимдирки, врачлар уларни, албатта, касаллик тарихига ёзиб қўйишади.

Врачларнинг яхши муомаласи, томчи дорилар бир бўлиб оғриқни қолдириб, Рихсихонни анча тинчлантирди. Қон босимини ўлчайдиган асбобнинг резинка коптогидан чиқаётган «виш-виш»лар энди унинг асабини қақшатмаяпти. Билагидаги брезент тасма томирларини энди оғритмаяпти. Сокин кўзлари билан симобнинг устун бўйлаб тепаю пастга югуришига бамайлихотир тикилиб ётибди.

Рихсихон уч кундан бери бу баланд каравотдан тушгиси келади-ю, шифокорлар рухсат бе-



ришмайди. Кўкрагидан «Тез ёрдам» олиб келган вақтидаги қаттиқ оғриқ кетгани сабабли, уларнинг қатъиятини Рихсихон тушунмайди. Умрида бировнинг «пах-пах»лашига ўрганмагани учун унинг гоҳ жаҳли чиқади, гоҳ хўрлиги келиб, кўзидан ҳеч бир унсиз ёш оқиб, юзларини куйдиради: «Ё худойим! Қайси гуноҳларим учун?! – дейди ичида қамалиб қолган олов тафтида ўртаниб, – кимга, қачон, нима ёмонлик қилувдим!» Бу саволни у ўзига пинҳон кўп беради. Жавоб топмагач, ичи ўртанади. Чунки ҳамма ишда у фақат ўзини айблайти: «Сен – каттасан! Сен – онасан! Атрофингдагиларни йўлга солиш – сенинг вазифанг!»

Бугун яна бир мутахассис – анча ёшга бориб қолган, сочлари оппоқ, қовоғи уйилганидан жуда баджаҳл кўринадиган профессор келди. Жонлантириш бўлими бошлиғи касаллик тарихига тикилганча унга қисқа ахборот берди. Кейин профессор ҳам монитордан кўзини узмай Рихсихон билан узоқ суҳбатлашди. Касаллик тарихи орасидан яна қандайдир қоғозларни олиб ўқиди.

– Ҳа, азизим, – деди у бўлим бошлиғига, – қаранг-а, ёшлари олтмишдан ўтиб, туғруқхонадан бошқа касалхона кўрмаган эканлар опамиз. Мана энди бизнинг баланд каравотларни бир безай дебдилар. Майли, уч-тўрт кун дам олсинлар... Бироқ, – бу гал у Рихсихонга мурожаат қилди: – «ҳаёт энди тамом! Ризқимни ошаб бўлдим!» деган хулосага келмадингизми ишқилиб? Набиралар нечта?

– Саккизта, – жавоб берди Рихсихон. Шикаста овози ўзига ёқмади.

– Ҳа, ана! Яшанг! Ана шу набираларнинг ҳаммасини тўйини кўраман, деб олдингизга катта мақсад кўяверинг, опагон! Бўшашиб, бошвоғини кўйиб юборадиганларни Аллоҳ ҳам суймаслигини биласиз-а? Бу касални иродаси кучлилар енгиб чиқади...



Лекин ташхисни очиқ-ойдин унга айтишма-
япти. Болаларининг қадами узилмаётганидан,
эрининг кўзлари маъюслигидан, мана бу симлар
кўкрагидан олинмаётганидан ўзича юрагим ин-
фаркт бўлибди шекилли, деб ўйлаяпти. Ташхис
унга айтилганда ҳам, бошланғич мактаб ўқитув-
чисининг ақли нимага етарди? Ундан қўлидаги
йигирма тўққизта боланинг ўқиши, дилию руҳия-
тини, набираларини сўрашсин, бир дунё нарса ай-
тиб беради! Эсиз, таътилга бир ҳафта қолувди-я!

Ҳа, ҳали ҳам ўз касбига берилганлар бор экан.
Оқ сочли профессор унга астойдил ёрдам бергиси
келяпти:

– Ўқитувчи экансиз... Демак, кўп нарсага ақ-
лингиз етади. Бу касаллик – жисмоний ёки ақлий
зўриқиш, қаттиқ сиқилиш, тушкунликка тушиш
оқибати...

Рихсихон касалликка сабаб бўлгулик жисмо-
ний зўриқиш, руҳий тушкунликни ишида ҳам, ке-
йинги вақтгача уйида ҳам сезмасди. Чунки ўша
зўриқишларни аёл зоти «кемириб», «симириб» ке-
тиши шарт, деб ўйларди. Буни аёлнинг, онанинг
қисмати дерди. Турмушидан нолиганларни асло
жини суймасди.

Ўттиз-қирқ болага ҳарф ўргатиб, тилини бурро
қилиш, уйидаги олий маълумоти диплом олишига
бир баҳя қолган битта келинни йўлга солиб юбо-
ришдан анча енгилроқ кўчаётганини ичида билар,
аммо сиртида тан олмасди. Ҳамма вақт кажбаҳс
келинни эмас, фақат ўзини айбларди. Сал сиқил-
гани шундан. Қўлига келган норасидаларнинг чи-
дам билан саводини чиқарарди. Бўйига, идроки-
га, зеҳнига қараб расамадига келтирарди. Болалар
унинг айтганини бажаришарди.

– Бола бамисоли оппоқ қоғоз, – дерди Рихсихон
аввал ўтган машҳур педагогларнинг айтган ҳик-
матини қайтариб. – Унга фақат яхшиликни ёзиб



борсанг, ундан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди! – Бу гапларга ўзи ҳам қаттиқ ишонарди.


Шунча яшаб, кўнглида фақат яхшилик бўлгани, бировга ёмонликни раво кўрмагани учунми, ёмонни яхши қилишга уриниш беҳуда дегувчиларга ишонмасди. Ишнолмасди. Бошланғич таълим дастурида бўлгани учунгина болаларга Алишер Навоийнинг машҳур

*Кучук билан хўтикка
Қанча берма тарбия,
Ит бўлур, эшшак бўлур,
Бўлмас асло одами!*

тўртлагини ёд олдирар, аммо ичида ҳазратдан ўп-каланиши ҳеч кетмас эди.

Шунинг учун келинининг бетгачопарлигини тарбиясизликка эмас, ёшлигига йўяр, келинининг кети кўринмайдиган, вақтида бажариш мушкул бўлган талаблари асосида ҳам инсоннинг доим яхши яшашга интилиши мантисини кўрарди холос. Фақат фаровонлик аста-секин эканлиги ҳақидаги насиҳатлари негадир келинига қор қилмас, келин кўнглига бу гаплар йўламас, харсангга урилиб чатнаган тошдек, қайтиб унинг юрагига санчиларди. Оғриқни эса у ҳамиша ичига ютиб келишга ўрганганди.

Ҳамма келинлар бирдек фаровон яшашга интилишини, бироқ айримларининг бетоқатлигидан ҳали ҳаётда пишмаган ўғилларга нисбатан ҳаётнинг муштини еявериб пишиб кетган қайноналарнинг дили кўпроқ озор чекишини мана бу сочи оппоқ профессорга қандай қилиб тушунтиради? Шу ёшида оиласидан ҳасрат қилгандек бўлмайдами? «Ўла! Оналик, аёлликни чидаганга чиқарган!» демайдами бу одам? Демаса керак. Кўпни кўрганга ўхшайди. Келини бормикин? Бу одам уйида қандай сиёсат тутаркин?



Ана шу «сиёсат» сўзи уни кейинги уч йиллик умрини галвирга солди. Шу давр ичида юраги санчибгина эмас, руҳи ҳам тушиб, бошига қаттиқ оғриқ турган дамларнинг ҳаммаси келини билан боғлиқлигини яхши биларди-ю, тан олгиси келмасди. Чунки рисоладаги келинлар йўлда ётмаслигига, уларни тарбиялаш кераклигига ақли етарди.

«Сиринг сиртга чиқишини истасанг – келин қил!» деган мақол маъносини шу учинчи келинни туширганда билди. Бир маромда кечаётган ҳаёт, дарё терсга оққандек ўзгарди-қолди. Рихсихон эса сирининг сиртга чиқишини ҳеч ҳам истамасди. Бу профессор чол аёл киши бўлсайканки, ичини куйдираётган дарди ҳақида, ўзини ҳам аямай гапириб, бир маслаҳат олса.

Ҳудди мониторда унинг хаёлларини аниқ ўқиётгандек профессор деди:

– Бир ажойиб шогирдим бор, жуда дилбар аёл, сизни энди у даволайди.

Кейин бўлим мудирига тайинлади:

– Бугун тушдан кейиноқ опамизни палатага, Ойқизга ўтказинг!

Бўлим мудирини маъқул дегандек бош ирғади.

– Шундай бўлсин, опа. Асло касалликка енгилманг. Сиз учун ҳаёт энди бошланяпти деб ўйланг. Болалардан қутулибсиз. Энди ўзингиз учун ҳам яшанг. Ҳаёт нашидасини суринг. Аста-секин боққа чиқаришади. Атиргуллар қийғос очилган. Бирам гуркираяпти! Жуда гўзал вақти! Баъзида сиздек мулоҳазакор одамлар ҳаётнинг қоидасиз ўйинларига чап беришни ўзларига ор биладилар, оқибатда мана шундай аҳволга тушиб қоладилар... – Улар палатадан чиқишар экан, профессор бўлим мудирига деди: – мен Ойқизга ҳам тайинлайман. Бу бемор учун дори-дармондан кўра руҳияти муҳимроқ. Руҳиятини мувозанатга келтириш керак.



Рихсихон буни эшитди. Ичида нимадир яна жазилаб кетди. Яна кўзлари тўлди. Ахир у бир умр шу мувозанатга интилиб келмабмиди?

Улар чиқишгач, у бошини аста дераза томонга ўтирди. Шифохонанинг боғи баланд каравотидан аниқ кўриниб турарди. Беморлар сайр қилиб юришибди. Дераза тагидаги ўриндиқда икки бемор аёл суҳбатлашиб ўтиришар, уларнинг гапи бемалол унга эшитиларди:

– ...Нимасини айтасиз, дунё жуда мураккаб экан. Ўзини яхши кўрсатиб юрганлар ҳам кўп. Китобда айтилгандек, «қалби тўнтарилган»лар ҳам талай...

– Тўғри айтасиз, биродар! – дегиси келди Рихсихон унга жавобан. – Ҳаёт ўйинида улар қоидани билмайдилар...

– Устоз, наҳотки сиз?! – Ойқизнинг овози унинг хаёлини бўлди. – Сизга нима бўлди? Палатангизга олинг, дейишганди. Касаллик тарихини варақлаб, кўзларимга ишонмай, тўғри олдингизга кириб кел-япман...

Ойқизни кўрибоқ, Рихсихоннинг кўнгли романа бўшашиб кетди. Талай вақтдан бери тўғон бўлган милклар кўз ёши дамбасини очиб юборди. Онасининг бағрига сингиган гўдакдек ўксиб-ўксиб йиғлади... Олдин чорак аср аввал ҳарф таниган қизча Ойқиз билан, доцент Ойқизни бир кўнглида кўриб севиниб йиғлади. Чамаси у энди, боши ёстиққа етгандагина учинчи келинини нобоп жойдан олгани учун ўзини ҳам, уйда кўпларни ҳам қийнаб қўйганини англади. Айб асосан ўзида. Ўша эшикни у очган! Кўзига гулдек қиз бўлиб кўриганди ўшанда. Онаси ҳам бинойидек эди гўё. Бир келин туширган экан. Обрўликкина идо-рада ишлар экан. Аммо уч боласи билан эри нима учун ташлаб кетганини суриштиришга ор қилди. Бу жуда нозик масала, бунга менинг, зиёли бир



аёлнинг аралашига нима ҳаққим бор, қиз яхши бўлса бўлди, деб ўйлади. Мана уч йилдан бери ўғлига сабр-қаноат тилаб келяпти... Эр-хотин ўртасидаги ҳар можародан кейин унинг юраги сиқилади. Тағинам ўғлида андиша кучли, мулоҳаза кучли...

Ё худо! У қалбида синиқишдан кўра ажабтовур бир кўтарилиш пайдо бўлаётганини сезарди. Ахир уйидаги биргина келинини изга соллмаётган бўлса, бошқа икки келини рисоладагидек-ку! Уларнинг, невараларининг шукрини унутдими? Қолаверса, мана шу Ойқизга ўхшаб неча-нечаларни катта ҳаёт йўлида дадил одимлашга ўргатди! Ҳарф танитганлари шукрини унутдими? Эри ҳам ҳеч ким олдида ҳеч қандай гуноҳи йўқлигини таъкидлаб турибди. «Катта бўлганинг, рисоладагидек яшаб келаётганинг учун ҳам бировларнинг айбини ўзингга оляпсан!» – деди эри куни кеча шу касалхонада. Оиласи шукрини унутдими? Шукрлари ташвишларидан кўплигини энди англаб етганидан, енгил тортганидан йиғлаяптими ёки? У кўз ёшлари ичидаги биқиқлик, зардобни юваётгани, бироқ ичини аввалдагидек куйдириб, ўртамаётганини сизди.

– Қаранг-а, сизнинг шу касалхонада ишлашингизни билмас эканман. Ҳали профессор «Ойқизга ўтказинглар!» деганларида ҳам ўз ўйим билан бўлиб, сиз деб ўйламабман... – Рихсихон ёстиқ остидаги рўмолчасини олиб, кўз ёшларини артди. Сочларини тўғрилагандек бўлди. – Домлангиз тўғри айтдилар, ҳаётнинг қоидасиз ўйинига дуч келиб, ўзимни йўқотиб қўйдим шекилли. Домлангиз жуда донишманд одам эканлар...

– У кишининг деганлари доим бир ҳикмат! Инсон ўзлигини англаши, оёғида маҳкам туриши, руҳиятини мувозанатга келтириши учун баъзида ўзига боғланиб қолган бегона бошвоқларни қўйиб



юбориши керак. Ёмонни яхши қилишга уриниш беҳудалигини англаган заҳотиёқ, киши бу асида одамий ниятидан қайтиб, яхшироқ натижа берадиган бошқа иш қилиши керак, деб уқтирардилар. Шунақа қизиқ фикрлари кўп. Ҳозир сизни палатага олиб чиқамиз, кейин ҳалиги айтганингиз «қоидасиз ўйинлар» ҳақида кўп гаплашамиз. – Ойқиз кириб келган ҳамшира ёрдамида Рихсихон опани аравачага ўтказмоқчи бўлди.

Ойқиз тўғри айтяпти, ўйлади у ичида. Сўзга киришни истамаётган, ўзбилармон келини этагини ўзидан руҳан қўйиб юбориши керак. Нима қилса ҳам – ўзига! Ҳаётнинг ўзи тарбияласин. Ҳаётнинг ўзи кўзини очсин. Ўғлими? Ўғли ҳам ёш бола эмас энди. Турмуш уларники. Тақдирда нима ёзилган бўлса, шуни кўришади... Ҳаётнинг ўйинида қоидага риоя этмайдиганларни ҳаётнинг ўзи жазолайди. У қўлидан келадиганини қилди, бир сидра огоҳантирди...

Оналарнинг шундай қарорга келиши нақадар қийин-а!

Рихсихон кўнгли оғир бир юқдан ҳоли бўлгандек енгил тортди. Профессору бошқаларга сир олдирмаганига суюнди. Ҳасратдан фойда чиқармиди?

– Болажоним, шу аравачага ўзим ўтирай? – илтижо қилди Ойқизга унинг ёрдамга чўзилган қўларидан ушлар экан.

Ерга теккан оёқларида, этагини тўғрилаётган қўлларида енгил титроқ сизди. Бироқ кўзларида энди аввалгидек нурли учқунлар ўйнардди.



Тирик қалблар манзиллардан иборат. Қалб қачонки нур билан тўлса, унинг нурлари ортган қисми бутун аъзойи баданга ёйилар. Қачонки қалб ботил билан тўлса, ундаги қоронғилик дарёси бутун аъзойи баданга тарқалар.

«Тазкират ул-авлиё» дан

Кечагина ўзи совчиликка чиққан кўшни қиз Нилуфарнинг кимга келин бўлаётганини эшитганида Сабоҳатхоннинг хаёли бирдан сочилиб кетди. Уйнинг қайси юмуши билан банд бўлса ҳам, бирдан исён кўтарган кўнглини тинчитиш истагидами бир неча бор ичидан бехос «Майли! Майли! Майли!» отилиб чиқди. Шу сўзлардан кейин қизиб турган кўнглига муздек сув сепилгандек, сал ҳовури босилгандек бўлди. Лекин бир оз туриб ошхонада қилаётган иши ҳам чала қолиб, шу ердаги курсига мажолсиз чўкди.

Одатда, кишининг дилигаю тилига араз, ғазаб, зарда, ўч олиш иштиёқи ҳолатларида келадиган шу «Майли! Майли!»ларни у ҳозир нима кўнглида айтди? Шу ўчли «Майли! Майли!»лардан кейин «Баттар бўлсин!», «Майли кўрсин!», «Кўрарман аҳволини!» ва ҳоказо маъно келмайдими ахир?

«Наҳотки мен ҳам шундай қаттиқ қаҳрга қодир бўлсам!? Наҳотки шуларни дегувчигина эмас, ҳатто ўйлагувчи менман? – Сабоҳатхон сал ўзига келиб, шу хаёлларидан ўзи даҳшатга тушди. – Наҳотки шу қизни келинликка сўраб чиққанымда, умидимизни пучга чиқаргани учун кўнглимда ўч олиш туйғуси оловланган бўлса. Наҳотки «Майли!»лар кўнглим тубидаги шу ўчнинг ифодаси бўлса? Наҳотки кун кеча ўзимга келин қилиб, қизимдек кўрмоққа лойиқ деб турганим бир қизга бутун мен беадад ёмонликни раво кўраётган бўлсам? Қалбим шунча қабиҳликка қодирми? Нақадар даҳшат!»



Совчиликка чиққанида Нилуфарнинг ота-онаси томонидан ҳеч қандай монеликни сезмади. Аксинча, қизнинг онаси ҳатто ичида чироқ ёқилганини яширмади ҳам:

– Сизлардан қизимиз тугул, жонимизни ҳам аямаймиз. Буни шунчаки мулозамат учун айтаётганим йўқ, – деди у. – Худога шукр, кўп йиллардан бери синаштамиз. Ташрифингиз биз учун қутилмаган бўлса ҳам, очиғини айтаман. Қизлар тақдирини ўйлаганда сизларнинг хонадон, сизларнинг оилангизга ўхшаш жойларга узатсак қошки, дердим. Аммо... Биласиз, замонасига яраша дадамизнинг, Нилуфарнинг олдидан ўтмасак бўлмас... Менга қолса, ҳозироқ оқ ўратиб юборардим, – аёл бир энтикиб қўйди.

Сабоҳатхоннинг ҳам кўнгли чарақлади. Эртага икки уйдан сурнай навоси эшитилаётгандек кўнгли осмонларга кўтарилди. «Қизиқ-а, уйимизда карнай-сурнай чалинса, бу ерга ҳам эшитилиб, бундагиларнинг дили ҳаприқса керак. Куёв навкарлардан сўнг бу ерда сурнай хониш қилса, бизникидагиларнинг кўзига ёш келса керак... Ҳам яқин, ҳам синашта...» Хаёлида у тўй режаларини тузарди...

Аммо унинг севинчи узоққа бормади. Икки ёқнинг умидларини қиз бўлмиш пучга чиқарди. Қиз «Йўқ!»ни кескин ва қатъий айтмабди-ю, ерга қараб нуқул «Вой, қизиқ-ку!» дермиш. Ёки ўғлининг нуфузли ўқишда ўқигани, ҳозир обрўли жойда ишлаши чўчитдимикин уни? Балки шунинг учун ҳам:

– Ундай йигитларга менга ўхшаган уй қизлари, оддий қизлар ёқмайди, – дедимикин?

«Қизгина икки ўт орасида қолмасин яна» деган хаёлга бориб, ўшанда Сабоҳатхон у хонадондан қадамини узди. Чунки Нилуфар билан бир синфда ўқиган, шу маҳаллада яшайдиган йигитнинг ҳали ҳам ундан умидворлигини эшитганди. Балки қизнинг ҳам унда кўнгли бордир, уни бошқа хижолат



қилмайлик, чин муҳаббат бўлса, уволига қолмайлик, деб ҳам ўйлади.

Сабоҳатхоннинг кўнглидаги бутунги исёнли, зардали «Майли!»ларга сабаб Нилуфарнинг ўша синфдошига эмас, бошқа йигитга турмушга чиқишга розилик бергани эди. Шаҳарнинг нариги чеккасида яшайдиган бу оиланинг Сабоҳатхонларга бир оз қариндошлиги ҳам бор. Йигитнинг мактабдан сўнг ҳеч ерда ўқимаганини, расман никоҳдан ўтмаган бўлса ҳам, унинг шу шаҳарда хотини, бир боласи борлигини эшитган эди. Қора дорига айланишибди, деб ҳам эшитганди. Мана, энди ота-она унга ўзлари хоҳлаган қизни олиб беришмоқчи. Ўша нобоп хонадонга келин бўлиш Нилуфарнинг чекига тушибди... Аммо йигитнинг кўчада хотини, боласи борлигини, нашаванд эканлигини Нилуфарнинг ота-онаси билишармикин...

Сабоҳатхон тинчини йўқотди.

«Бизга йўқ дейишиб, топишгани шулар бўлдими?» – дастлаб шу хаёл чақирди шекилли ўша «Майли!»ларни.

Ўзига келган Сабоҳатхон кўнгли қоралигидан уялиб кетди.

Аммо нима қилсин энди? Нилуфарларникига чиқиб онасига:

– Қизингизни қандай хонадонга унашганингизни ўзингиз биласизми? Суриштирдингизми? Йигитнинг ҳеч ерда ишламаслигидан, «тижорат» бир ниқоблигидан, боласи борлигидан, ота-онаси норози бўлгани учун хотини ва боласини уйига олиб кела олмаётганидан хабарингиз борми, десинми?

– Бизнинг ишимизга нега аралашяпсиз? – демайдими? – Қизимиз сизларга келин бўлишга кўнмагани учун қуда бўлаётган жойга тухмат қиляпсиз! Унашувни бузиш катта гуноҳ! Йигит киши ёшлигида кўнгилашушлик қилиб юрса юрибди-да. Норасмий хотиннинг кучи нимага етарди, дейишса-чи?



Сабоҳатхон урф-одатларни маҳкам тутадиган оилалар ҳам борлигини яхши биларди. Шунинг учун икки ўт орасида қолди.

Борди-ю буларнинг ҳеч биридан улар хабардор бўлмаса-чи? Унда ойдек қизнинг бахтига зомин бўлмайдимми? Худо кўрсатмасин, бир кун кўзининг ёши оқиб қолса, «Нега айтмадингиз?!» дейишмай-дими қўшнилар? Нима дейди ўшанда?

У ошхонада анча узоқ хаёл суриб ўтирди. Охири шундай ўйга чўмиб ўтиришимнинг ўзи ирода-сизлигим белгиси. Нилуфарнинг онасига учрашиб, бор гапни айтишим керак, қай йўлни тутишни кейин ўзлари ҳал қилади, деган қарор билан ўрнидан турди.

ЭЛАККА ЧИҚҚАН АЁЛЛАР

(Чорраҳадаги диалог)

– Ассалому алайкум! Омонмисиз? Вой, сизни кўрганим яхши бўлди-я! Ҳеч телефонда топа олмаётган эдим. Телефонда кўнгила сўрашнинг ўзи бўлмағур ишқу-я, лекин эзилганингизни кўрсам, юрагим дош беролмай қоладими, деб кўрқдим... Эрингизни ҳурмат қилишдан ортиқ, сизнинг у кишига нисбатан бирам чиройли, садоқатли муҳаббатингиз борлигига ҳавасим келарди. Аллоҳ раҳмат қилсин уларни. Сал вақт ўтказиб чиқсам, хизмат билан кетган экансиз...

– Келганингизни қизларим айтишди. Кўнгила сўраганингиз учун раҳмат...

– Худо раҳмат қилсин эрингизни, ҳеч қачон ҳам-суҳбат бўлмаган бўлсам ҳам, сизнинг гапларингиздан у кишининг ажойиб оилапарвар инсон бўлганларини билардим. Жойлари жаннатда бўлсин!

– Илоҳим айтганингиз келсин! Орадан икки ой ўтган бўлса ҳам, ҳамон ўзимга кела олмаяпман.



Баъзида нима ишлар бўлиб кетди ўзи, деб узоқ ўйланиб қоламан...

– Ҳаёт ўзи, азизам, шу – муттасил ўзингни-ўзинг тафтишу ислоҳ қилишдан иборат экан-да. Шунисиға ҳам шукр. Ҳар қилган ишингни тўғри деб билиб, ўзингдан ўзинг ҳамиша ризо бўлиб, кибр билан яшашдан худо асрасин! Одамзод тўнкафеъа бўлиб қолса керак унда...

– Тўғри айтасиз. Баъзида қўлим иш билан банд бўлса ҳам, хаёлим қандан-қаёқларни кезиб юрганини пайқаб қоламан. Тўғри яшадикми? Уларни рози қила олдими, деб кўп ўйлайман... Хотирам тўлқинлари қалб тубидаги лавҳаларни ҳам юзага қалқитади. У кишига гапирган гапларим энди ўз қулоғим остида жаранглайверади. У гапнинг ўрнига бундай десам бўларкан, анави буюрган ишларини бундай қилсам бўларкан, деб ўйлайвераман.

– Бу кечинмалар эгангизнинг юрагингизда қолдирган ёруғ изларидан нишона. Бунга жавобан Сиз ҳам у кишининг кўнглига ёруғлик олиб кира олдимики деб ўйлайсиз-да, албатта. Бир умр шунга ҳаракат қилиб келгансиз. Хаёлингизда улар ҳали ҳам тириклар, Сиз билан биргалар. Бир умр меҳр ва муҳаббат билан яшаган кишилар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам айрилмаслар дейишади. Бу ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган катта бахт, неъмат. Бир-бирларидан қутулганларига шукр қиладиган одамлар ҳам учраб туради...

– Бир кун раҳматли эрим бир воқеани айтиб берган эдилар. Ҳамкасбларининг хотини билан муроса қилиши жуда қийин кечаркан. Бечора киши ҳеч чора топа олмабди. Кунларнинг бирида шундай ғиди-ғидилардан кейин ўзини ушлай олмабди – хотинининг юзига тарсаки тортиб юборибди. Хотинга шу керак экан шекилли, юзининг қизили кетмасидан дарров милицияга югурибди, суд тиб-



бий текширувини қилдирибди денг. Қўни-қўш-
нилар, қариндошлар, кексалар аралашсалар ҳам
ўжарлик қилиб, эрининг «гуноҳидан» кечмабди. Оз
эмас, қаранг, саккиз йил бирга ҳаёт кечиришган
экан. Ҳазил эмас, шу тарсакини деб, йигит бечора
икки ярим йилга қамаладиган бўлибди. Залдан қў-
лига кишан солиб олиб чиқишаётса бечора йигит:
«Саккиз йиллик қамоқдан қутуладиган бўлдим,
хайрият! У азоб олдида бу икки ярим йиллик қа-
моқ ҳеч гап эмас...» дермиш. Раҳматли эримга шу
воқеа жуда қаттиқ таъсир қилган экан. Доим: «Эй,
Аллоҳ, шундай аёлларга йўлиқтирмаганинг учун
Ўзингга шукр! Худо сени менга кўп кўрмасин-да,
хотин!» дердилар. Қизларига мулойимроқ бўлишни
тайинлаб, аёлларнинг гўзаллиги назокати, фидо-
йилиги, кечирувчанлигида дердилар. Энг яхши
аёл бировга оғирлигини солмайди, деган ҳадисни
кўп эслардилар.

– Бир-бирлари билан муҳаббатли яшаган ки-
шиларнинг фарзандлари ҳам фариштали бўла-
ди, деганлари рост экан. Қизларингизни қаранг,
бирам асал! Илоҳим, пешаналари кўҳлик, сий-
ратлари ҳам суратларидек чиройли бўлсин! Биз
қўшниларнинг сизларга ҳавасимиз келарди. Ёни-
миздаги уйда турадиган шифокор аёл бор-ку, ўша
сизларни бирга кўрганида доим: «Икковларидан
атрофга чиройли нур таралади-я! Шу нур сизни
ҳам ўзига йўргаклаб олгандек, борлигингиз илиқ-
лик билан тўлади. Уларга кўз тегмасин!» дерди.
Худо раҳмат қилсин, мана ўзларидан кейин қанча
яхши хотира қолдирдилар... Бу ҳам ҳаммага на-
сиб қилавермас экан. Жаннатларда жавлон уриб
юргандирлар, худо хоҳласа. Баъзилар «Жаннатни
ким кўрибди, бу ҳам бир гап-да», – дейишади. Бир
ўқувчим кеча шунга ўхшаш: «Одам ўлганидан ке-
йин унинг жаннатдами, дўзахдами эканини билиб
бўладими?» деб савол берди. Дарс дастуридан бир



оз четласам ҳам, унга кенгроқ тушунтиришга ҳаракат қилдим. Одамнинг ўзидан кейин қолдирган хотирасига қараб унинг жаннатдами, дўзахдами эканини тахмин қилса бўлади-ку ахир. Айримлардан кейин ўтган одам ҳақида ёмон гап айтиб бўлмайди дейсиз-у, бироқ унинг бирон яхши томонини эслолмайсиз. Бировга яхшилик софиганини, бировнинг оғирини енгил қилганини, бировга тансиқ нарса илинганини, минг ҳаракат қилманг, хотирангиз қудуғини қанча қазиманг, изламанг – топа олмайсиз! Бунинг оқибатида тилингизга одадий «раҳматли» сўзининг келиши ҳам амримаҳол. Тавба деб гапирай, уларни эслаганингда қалбингнинг ёришмагани – қандай одам бўлганини, охирати ҳам қандайлигини кўрсатмаяптими? Айримлар ҳақида эслаганингда эса, ўтиб кетганига кўп йиллар бўлган бўлса ҳам, сўзингнинг бошида ҳам, охирида ҳам «Аллоҳ раҳмат қилсин!» келади. Мана ҳозир биз эрингизни эслаб, ичимиз илиб боргани каби, ўша одамнинг қилган ишлари, гапирган гаплари, яхшиликларини эслаганинг сари кўнглинг ёришиб бораверади. Менимча, бу ўша одамнинг жаннати эканлигидан нишона бўлса керак...

– Киши ўз охиратини бу дунёда таъминлайди, деганлари рост...

– Ҳамма одамлар ўзларидан нур таратишлари ҳам рост. Фақат кучли нур таратганлар ўша нурни ўзлари билан олиб кетмайдилар шекилли-да. Ўша нур уларнинг жаннатда эканларидан далолат бериб, кишилар дилига ёруғлик сочиб турса керак...

– Худо раҳмат қилгурнинг дилга ёруғлик олиб кирадиган шунақа ишлари кўп эди. Бир йили қаттиқ оғридим. Зотилжамни ўтказиб юборган эканман. Анча вақт касалхонада ётдим. Бир куни денг, саҳарда касалхонага келиб, ёнимга киритишларини илтижо қилибдилар. Зарур, жуда зарур гапим



бор, деб қоровулнинг ҳам ҳоли-жонига қўймабдилар. Ёнимга кириб, ёш болани аврагандек менга ялиниб, олиб келган қайнатмаларини ичирдилар. Кейин бўлса шундай мўлтайиб турдилар-да, ўша зарур гапларини айтдилар. Нима дедилар денг? «Биласанми, хотин? Мен сенгача ҳам, сендан кейин ҳам бошқа аёлларни танимаганман... Сен шуни яхши билиб қўйишинг керак! Мени ташлаб кетишга ҳаққинг йўқ, билиб қўй!» эмиш! Қулишимни ҳам, койишимни ҳам билмай, уларга қараб донг қотиб қолибман. «Шу гапни айтиш учун туни билан ухламай шўрва пишириб, саҳарда касалхонага келиш шартмиди?! Шу гапни айтмасангиз ҳам, буни яхши биламан, сизга ишонаман!» дегим келди-ю дея олмадим. Ўзлари эса мана ҳаммамизни ташлаб кетдилар...

– Қўйинг, йиғламанг, ўртоқ! Азбаройи сизни севганларидан, қандай қилиб дардингизни енгиллаштиришни билмаганларидан шундай деганлар. Кўп эркаклар, биласиз-ку, дил изҳорига нўноқроқ бўлишади. Аммо амалда сизга энг ишончли суянчиқ, қаддингизни алифдек тик тутгувчи, руҳингизга қувват бергувчи бўлишади. Мана ҳатто улардан сўнг ҳам бу хайрли амалларини меҳр билан эслаб, дилингиз ёруғлашяпти. Худоё жаннатларда жавлон уриб юрган бўлсинлар...

МУНОЖОТ

(Буви монологи)

Субҳи-саҳар чоғи Шукрия бувининг томирларидан аъзои-баданини сирқиратиб, улуғворлик ҳолатига чулғаб, бир ғалати оғриқли оқим югуриб ўтди-ю, кўзларидан уйқусини ўғирлади. Бир зумда кўз ўнги-дан ҳамма болалари, набиралари бир-бир ўтишди.



– Ё, Парвардигор! Жаҳонга тинчлик, бандаларинга осойишталик ато эт! – ўтли нафас билан шивирлади Шукрия буви.

Ўртанча келини ҳомиладор, ой-куни яқин эди... Хаёлидан ўтган заҳоти навбатдаги сирқирашдан бўғинлари бўшашди. Ҳаво етмай, айвонга чиқди.

– Ё, Қодири олам! Иккала жонни паноҳингда асра! – илтижо қилди яна.

Илтижо қилгани худо кўкда деб ишонганиданми кўзда ёши билан субҳи-саҳар осмонига, ёрқин юлдузларга тикилди. Бирдан юраги алланечук бўлиб кетди: янги ҳилол ингичка тилла ёй бўлиб унга – шу субҳи-сабода уни биринчи бўлиб кўрган одамга нурли-нурли боқиб турибди! Негадир унинг бокиралигидан кўнгли тинчлангандек бўлди – бу гўзал тонг унга, барчага ҳеч бир ёмонлик келтириши мумкин эмас! Ҳилол кўп, жуда кўп яхшилик ваъда қилаётгандек эди...

Шу дам олам-жаҳонга салобат ато этиб азон айтилди! Шукрия буви азон сўзларини қалбан такрор этаркан, эшик очилиб, ўртанча ўғли кириб келди:

– Янги меҳмон муборак бўлсин, Онажоним! Дуо қилинг!

Шукрия бувининг кўзларидан ёш қуйилиб, қўллари «Омин!»га кўтарилди, тили шукрона изҳор қилди:

*Тангрига минг ташаккур, муродимга етмишдир!
Ҳилол ой қанотида Комронимни бермишдир!
Кўзига бокиралик, қалбига поклик солиб,
Чехрасига файз нурин бисёр ато этмишдир!*

Нуронийлик – йўл бошламоқ фаслига, дуоғўйлик фаслига етказганинг учун Ўзинга беадад шукрлар бўлсин! Титраётган юрагимга шодлик ила қувват берганинг учун ҳам Ўзинга шукр! Дуо сўрагувчиларнинг қалбини тўлдиришга лойиқ сўз дейишни насиб эт!



Ё, Қодир худо! Илтижоларимни мустажо этганинг учун шукр! Илоҳим, икки жонни ҳамиша омон қил!

Оппоқ субҳда туғилган болагинамнинг ҳаёт йўли ёрқин, толейи ёруғ, ризқу насибаси тўлиқ ва бўлиқ, пешанаси ярқиллаган бўлсин!

Набирам иймонли, раҳмонли, ризқли-насибали, отали-онали, бували-бувили бўлсин!

Илоҳим, унинг манглайига битганинг яхшилик бўлсин! Илоҳим, ота-онасига меҳрли, бува-бувиларига муҳаббатли, кўзини тўқ, илитини тўлиқ қилиб яратган бўлгин, олижаноб инсонлардан бўлсин болажоним!

Илоҳим, унинг юрар йўлига нуринг пойандоз бўлсин!

Илоҳим, шафқат ила саховатни, меҳр ила муҳаббатни, оқиллик ва донишмандликни унга ҳамиша ёр қилгин!

Аллоҳим! Руҳини ёниқ, томирини ўтлик қилгин!

Аллоҳим! Умрига, жонига, бахту иқболига Ўзинг барака бер!

Ё, Қодир худо! Ҳаммамизнинг етти мучамизни саломат қил, узоқ умр, бут иймон, яхшилик ато эт!

Парвардигорим! Болаларимнинг қаддини ҳамиша тик, кўзларини нурли, дилларини равшан қил! Бирларини бирларидан кам қилмаки, бундан менинг қаддим дол, руҳим сўник бўлиши Ўзингга аён!

Парвардигорим! Ўз иноятинг билан дунёга келтирган фарзандларимизни, улар туфайли эришган келин-куёвларимизни, Ўзинг берган набираларимизни Ўзинг асра!

Ўз бахтларида қаришликни насиб эт! Ризқларини мўл, насибаларини бут қил! Ўзинг ҳамиша ҳалолингдан, ғойибингдан, беминнатингдан етказ! Қалбларини шукр билан лиммо-лим қил! Умру жонларига, бахту иқболларига барака бер!

Тану жонларини соғ, умрларини узоқ, мушкулларини осон, иқболларини баланд қил!



Парвардигоро! Болаларим файзини кам қилма!
Ҳадя этган қувончларинг охири билан қутлуғ келсин!

Аллоҳим! Сенга шукрим беадад бўлганидек, Сендан сўрарим ҳам чексиздир: Болажонимнинг умрини зиёда қил! Ўзинг яратган ҳар аъзосини бекаму кўст, томирини ўтлағ, қалбини қувватли қил!

Аллоҳим, онаси кўксидан меҳр булоғини оч, оқ сутига набирам меъдаси тўлсин, қалби меҳрига тўйсин!

Онасининг бисёр меҳри тилини аллага бийрон қилсин, тўлиб-тўлиб, жўшиб-жўшиб алла айтсинки, болагинамнинг юраккинаси иймонли, инсофли бўлсин!

Парвардигорим! Кўзимиз ҳали кўзига тушмаган боламизга меҳримизни, муҳаббатимизни, шафқатимизни, марҳаматимизни зиёда қил!

Болажоним бобосига ўхшаган илмли-билимли, меҳрли, муҳаббатли, диёнатли бўлсин! Дадасига ўхшаган серҳиммат, қалби очиқ, сермеҳр, амакисига ўхшаган пок, қалби мулойим, аҳдида қаттиқ, қалби ва қўли очиқ, инсофли бўлсин!

Болажонимнинг меҳр-муруввати, муҳаббати кишилар учун оиламиз эшигини ҳамиша талпинадиган, қайда бўлса ҳам орзиқиб интиладиган эшикка, хонадонимизни кишининг кемтик қалбини тўлдирадиган, томирига ўт бағишлайдиган хонадонга айлантирсин! Ҳеч кимдан иссиқ меҳрини дариг тутмасин!

Аллоҳим, қудратинг беададлигига, караминг чексизлигига имоним комил! Шукримнинг беададлиги болажонимни битмайдигандек кўринган яраларимизга малҳам сифатида бердинг деган ишонч қувватидандир. Бу ишончни сўнмас қилиб берганингга шукр! Яратгувчи, кўргувчи, билгувчи, кечиргувчи, туганмас марҳамат ва карам эгаси ёлғиз Ўзингсан!

Сендан бутун сўрарим беадад: Набирамнинг умрини зиёда қил! Ҳилол ой мавсумида туғилган



болам бахтини, иқболини, ризқини, насибасини
тўлиқ қилиб берган бўлгин!

Қалбини эзгу орзуларга тўлдир, идрокини ўт-
кир, ақлини зукко, ниятларини хайри қилгин!
Дуоларимни зиёда ижобат қилки, умрим пировар-
дидаги ҳаётим фалсафаси унга ҳам қувват бўлсин:

*Довон орти довон экан – минг шукр, кўрдим,
Сўқмоқ сўнғи равон экан – минг шукр, кўрдим.
Ирмоқ охир уммон экан – минг шукр, кўрдим,
Сабр туби Раҳмон экан – минг шукр, кўрдим,
Умрим Жавҳар, Комрон экан – минг шукр, кўрдим!*

АЗАГА БОРГАН ХОТИН

*...Жоним қудрати қўлида бўлган Аллоҳга
қасамки, жаннатга кира олмайсизлар, токи
мўмин бўлмагунча; мўмин бўла олмайсиз-
лар, токи бир-бирингизни яхши кўрмагунча.*

Ҳадис

– Нафасингни ростлаб ол. Тез юрдингми дей-
ман? «Жийда халтанг» оғир эмасмиди ишқилиб?

– Йўқ, юким йўқ. Ўқиётган китобим холос. Шу-
нинг учун ҳам болаларни безовта қилмай, авто-
бусда келавергандим...

Назариди эри безовтароқ кўринди. Балки келгу-
нича хавотир олгандир?

– Ҳозиргина кичик укангнинг хотини телефон
қилган эди...

Унинг юраги «шув» этди.

– Опам соғ эканларми? Нима гап, айтинг!

– Акангнинг мазаси қочганмиш, тез етиб келинг-
лар, дейишди...

– Опамларми деб ўтим ёрилай деди-я!.. – ёқа-
сининг бир четини кўтариб кўксига «туф-туф»ла-
ди. Айни пайтда миясига негадир «Акам ўтибди-



микан?» деган фикр келди. Чунки акасиникига беҳудага чақиринмайди. Сингиллар вақт-бевақт акасиникига яйраб кириб боравермас, акаси ҳам уни-бунини баҳона қилиб сингил, куёвларини сийлай бермасди. Шунини яхши билгани учун бўшашибгина сўради:

– Акам ўтибдимми? Яширмай, айтаверинг... – Яна эридан эшитадиган гапига олдиндан қаноатланмагандек, қўлини ёнгинасидаги телефонга узатди.

– Ва алайкум ассалом! Тинчмисизлар, нима гап? – деди анъанавий «Алло!» дан сўнг. Кейин бир дам кулоқ солиб турди-да: – болаларининг ҳаммаси тепасидамиди? Ҳозир борамиз! – деди.

Нима кийим олишини билмай, хонадан хонага гангиб юра бошлади.

– Бундай ҳолларда нимадир қилинарди шекилли-а, дадаси? Нима қилай? – Эрига шу гапни айтди-ю ичида «Ростдан ҳам гангидимми бу нохуш хабарни эшитиб ёки ўзимни гангиганга соляпманми?» деб ўйлади. Яна эрига: – Мана бу қовоғим учтўрт кундан бери лип-лип қилади, ҳеч тўхтамайди-я! – деди.

Бу – рост. Қовоғи неча кундан бери учади. Лекин ўнг қовоғи бўлгани учун зўр севинч – яхшилик кутаётган эди.

«Наҳотки акам ўлими мен учун яхшилик бўлса?» даҳшатли фикр хаёлидан ўтди. Аммо шу заҳоти бу воқеа унинг учун ўзини ўзи уриб йиғлаш, куйиниш даражасидаги ёмонлик ҳам эмаслигини ич-ичида англади-ю, бунини ўзидан бошқа ҳеч ким билмагани, сезмагани учунми, ҳатто уялмади ҳам.

Инсон табиати нега шундай экан-а? Инсон кўзи учун у – бир турлук, ўзи учун эса – бошқачалигига умрида нечанчи марта ҳайратланыпти.

Мошранг кўйлагини киятуриб, катта холсининг бир вақтлар онаси қазо қилганда айтган гапига эсига тушди:

– «Одми кўйлаги, рўмоли, калиш-маҳсиси тахт хотин – эгарланган от!»

Яхши ҳам олган экан шу кўйлагини. Неча ювилса ҳам – яп-янгидек. Ишга кийганида – кишилик эди, мана бундай ҳолатларда – азалик...

Азага келганлар уни ҳам зимдан кузатишади, албатта...

Аммо калиш-маҳсисини киймади. Калиши эскироқ экан. Уч-тўрт кун аза деб янги калиш олдирадими энди? Қаердадир ичида яна «Ҳарсиллаб, қийналиб маҳси тортганимни билармиди акам?» хаёлидан ўтди. Яна ичидан ўтган бу хаёл тагида «Жон куйдиришга арзирмиди акам?» ётганини ҳеч ким билмаганига ишончи комил – уялмади ҳам. Кичкина сочиқ, юмшоққина тунги кўйлак, одмироқ халатини, тиш четкасини, икки-уч дастрўмол олиб елим халтачага солди.

– Шароитга қарайман, дадаси. Опамгилар, амма-холалар еттигача туришса, менинг сирғалиб чиқиб кетишим чиройли бўлмас... Мен ҳам қолсам керак...

Машина дарров ўт ола қолди. Шу дам негандир хаёлидан «Ҳа-а, вақти қазоси келса, ўзидан бошқасини билмай, жонини аллада азиз қилиб юрадиганлар ҳам ўтар экан-да... Аммо ўлимдан жуда кўрқар эдилар бояқиш...» – деган фикр ўтди.

Ҳозир ўзи катта бўлган ҳовлига кириб боришини кўз олдига келтирди. У – кичик сингил майитга (худо раҳмат қилсин!), болаларига кичик амма. Кириб бораётганда бир-икки куйиниб (жигар учун куймайсанми ахир?) айтиб йиғлаши, ҳаммага сабр тилаши керак. Аммо кўзида нам йўқ ҳозир. Кейин ҳам кўзига ёш келиш-келмаслигини билмайди. Бошқалар олдида тошбағир сифатини олмаслик учун зўр бериб акасининг киши кўнглини илтандиган яхши ишларини эслашга ҳаракат қилди. Ёш



ҳам эриган кўнгиладан чиқаркан-да! Қалбинг юмшаб, ийиб турмаса, кўз ёш қайдан ҳам келарди?

Қизиқ-а! На ўзининг, на иккала опаси, на укаларининг акасига меҳр билан талпинганини ҳам эслолмайди. Ҳатто янгасининг яйраб юрганини ҳам билмайди. «Бўлиши мумкин эмас. Инсон ҳамиша бир қутбда яшай олмайди!» хаёлидан кечди унинг. Зўр бериб акасининг қилган яхшилигини эслашга, хотирасини кавлаштиришга ҳаракат қилди. Топди!

Биринчи синфдами эди. Бир куни оёғи қаттиқ оғриб, мактабдан кела олмай қолди. Шунда ҳеч кутмаганида акаси келиб, опичлаб олиб кетган эди. Кела-келгунича акасининг елкасида ғурурланганди. Бироқ уйга олиб келиши билан акаси «Олинг бунингизни!» деб каравотга итқитиб юборди. Чамаси, у қилиб қўйган яхшилигидан ўзи уялаётгандек эди. Онасининг зўри билан борган экан шекилли...

«Ўлган одам ҳақида ёмон ўйлаш ҳам гуноҳ!» ўзини ўзи койиди ва яна хотираларини титкилай кетди. Лекин акасининг эшикдан иккита нон кўтариб «Она, яхши ўтирибсизми?» деганини эслолмади. Ҳайитми, байрамми, тўйдами – онаси ёки сингиллари бошига оҳорлик солганини, қутлаганини ҳам билмайди.

«Латтафуруш бўлма! – уришди яна ўзини ўзи. – Иззат матодами?!»

Тўғри, иззат матодамас...

Акаси оппоқ жужун китель ва шимини ҳар куни ювдириб, сингилларига дазмоллатиб, оқ брезент туфлисига тиш порошогини намлаб яхшилаб сурттириб (анчагина сатанг эди бояқиш), кечқурунлари боғ сайлига чиқиб кетарди.

Шуни эслаганида кўз олдига ҳовлидаги экинлар ичида куймаланиб юрган онасининг гуллари оқариб кетган штапель кўйлаги келди-ю, юраги бир ғалати бўлиб увишди, кўзларидан тирқираб ёш чиқиб кетди. Бояги биқиқлик кўкрагини энди



ёриб чиқди шекилли, дастрўмолини юзига босганича силкина бошлади. Эри машинани йўл четига олиб чиқиб тўхтатди:

– Шунақамас-да... Сал орқага ташла энди, ўлганни тирилтириб бўлармиди?

Ота уйдан ўтганини эрига сир бой бермасди. Ота-онасидан кейин эри бу уйга фақат укасининг тўйларида келар, қайнағасини унча хушламасди.

– Тўғри айтасиз, – дарров енгилла қолди. – Болалигимиз эсимга тушди... Нима қилса ҳам, бир қориндан таллашиб тушганмиз... Юраверинг...

Акасининг бир умр ўзидан кейингиларни ёқтирмаганини эслаб, кўзи тезда яна қуриди. Кўзига акасининг чимирилган қошлари, даканг хўроздек бўйнини мағрур тутиши кўринди. Яна қулоғи остида унинг: «Шуларингиз туғилмаганда бир ўзим яйраб юрардим!» деган гапи жаранглагандек бўлди.

Акаси бир умр яйрашга ҳаракат қилди-ю, лекин ўтган кунларидан рози бўлмаганидек, атрофидагилардан ҳам ҳеч хурсанд бўлмади. Бировларнинг хурсандчилигини кўтара олмасди бояқиш. Акасининг шарақлаб кулганини, бировга сидқидилдан ёрдам берганини ҳам эслолмайди. Ҳамманинг доим сўзсиз ўзига итоат этишини хоҳларди. Бир куни сўзига кирмаган укасини калтаклаётганида онаси ўртага тушганда, онасини ҳам елкасидан туртиб юборди, юзига қаттиқ сўкинди. Шунда қиз бола бўлишига қарамай, чидаб туrolмади. Онаси, укаси ёнига тушди. Бу ишлар бўлиб ўтганига кўп вақт бўлди-ю, ўшандан бери акасига ҳеч кўнгли илимайди. Ака унга талпинмаганидек, у ҳам акага меҳр илинмайди.

Онасининг неча марта йиғлаганини кўрган бўлса, ҳар гал бу акаси билан боғлиқ бўларди...

Ўша воқеалар кўз ўнгига келиб, муюлишга келгунгача сизиб чиқаётган ёшларини арта-арта келди. Аммо бу кўз ёшлари акаси учун эмас, онаси учун, ўзининг, опалари, укаларининг анчагина



оғир кечган болалиги учун эканлигини ич-ичидан сезиб турарди.

Ёши бир жойга бориб қолгани, ҳаёт аччиқ-чучу-гини бир қадар кўргани учун ҳам, шу қийинчиликларни келтириб чиқаришда акасининг «хизмати» катта эканини, дунёда ҳамма одамлар бир хил эмаслигини биларди. Бир қориндан тушган олти фарзанднинг бештаси бир қутбда, бир акаси иккинчи қутбда эканлигига, бунинг ғайритабиийлик жойи йўқлигига ақли энди етарди. Ақли етарди-ю, барибир ҳозир кўпчилик олдида кўзи қуруқ турса...

«Эй, худойим! Ўзинг берган феълингни мулойим қил! Ўзинг шарманда қилма!» дея кўксини сийпа-лаб қўйди қизлик уйига яқинлашар экан.

Эшиклари олдида ҳали ҳеч ким йўқ эди.

Ҳовлидаги ёғоч каравотда катта опаси хомуш ўтирар, чамаси у ҳам ҳозиргина келгану, нима қилишини билмасди. Бориб опаси билан кўришди, унинг кўзидан мунгсиз оқаётган ёшни кўриб ғалати бўлиб кетди. Қўлидаги рўмолчаси билан унинг ёшларини артиб, ёнига чўкди. Ҳовли этагидаги ошхона тарафда ғивирсиб юрган ёшлар келиб кичик амма билан кўришишди.

Акаси шу сўрида ўтириб, тепасидаги радиодан дунёнинг ишларидан хабардор бўларди. Айрим пайтлар «Доим ёлгон гапиреди бу падари лаънатилар!», деб радиони улоқтириб юборгиси келарди. Лекин улоқтирмасди.

Акасининг жони шу сўрида узилибди. Балки вақти қазоси яқинлашганига ҳам ишонмагандир... Бўлмаса, жилла бўлмаганда ўртанча сингилга сим қоқмасмиди? Кейинги пайтда фақат ўртанча сингисини билан сал чиқиша оларди. Феъли ўта юмшоқ катта сингил ҳатто акаси тирик пайтида ҳам, аканинг ёнига ёлғиз яқинлашмас, «Тавба, қайси мавзуда гаплашишни ҳам билмайсан-а, нима десанг ҳам у кишига ёқмайди», дерди.



Шу пайт эшик олдига машина келиб тўхтади.

– Вой жигаре-е-ем!!!

Жимжит бўлиб турган ҳовли бирданига катта кулфатли, мотамсаро ҳовли тусини олди. Эшикдан кичик опа кўзларидан шашқатор ёш оқиб, бошига тушган навбатдаги кулфатдан қадди букилганча деворни ушлаб келарди. Унга пешвоз чиққан катта опанинг ҳам кўзларидан бетиним ёш оқа бошлади, иккалови кўришаётганда овоз чиқариб йиғи беришди:

– Оқ сутларнинг қаймоғини эмган жигаре-е-ем...

– Тўнғичим деб тўрларда сийланган жигаре-е-ем...

Акаси кичик опани «Оиланинг режиссёри, дирижёри – шу!» дерди. Дарҳақиқат, мана ўртанча сингил келди-ю, назарида кўп нарсага ойдинлик кирди. Қизу келинларнинг, ҳатто ўзининг ҳам қуруқ кўзларига ёш қалқиди. Кичик опа ҳовлидагилар билан кўришиб, йиғлашиб бўлгач, йиғи овозини эшитиб чиққан кўни-кўшни, етиб келган қуда билан биргаликда майит ётган хонага киришди.

Боши қибла томонга қилиб ётқизилган акаси бурчакма-бурчак аранг сифган, атроф уй анжомлари билан тўла эди. Ҳатто майит атрофига кўрпача солишга ҳам жой йўқ.

Опаларининг иккаласи акаси ёнига ноқулай мук тушиб яна бир оз «жигарим»лашди. У эса худди карахтдек, дастрўмолини лабига босганича эшик олдида тик турар, нима қилишини, нима дейишини ҳам билмасди. Кейин ақли ўзига кела бошлади шекилли, миясига келган биринчи хаёл «бу хонани бўшатиш, хонанинг тўрт томонига кўрпача тўшаш керак», бўлди. Ҳовлига чиқиб, акасининг кичик ўғлига секин:

– Жиян, аданг ётган уйни бўшатиб, жой солмасак бўлмайди. Тобутни кўтариб олиб чиқиш ҳам ҳозирги аҳволда амримаҳол... – деганини била-



ди, жияни тутақиб, ҳаммага эшитиладиган қилиб чўрт кесди:

– Билиб қўйинг: ҳамма нарса отам тириклигида қандай бўлса, шундайлигича қолади! Адамнинг хоҳиши шу!

Жиянининг худди акасидек чўрткесар ва кажбаҳслигига ҳайрон қолди: «Икки томчи сув каби акамга ўхшабди-я! Ҳа, олдин отангни саранжомлаб кел, кейин уйингни қандай тутсанг тутаверасан!» Ичида титроқ турганини сезиб, қайтиб уйга кирди.

– Эришмаган мағсудингиз шунча кўпмиди, жигарим! Армонларингиз кўпмиди, жон чиқарда ҳам бармоқларингиз ёзилмабди...

«Дирижёр» опа майитнинг ҳали жуда совиб улгурмаган қўлини ёнига чўзганича бармоқларини биттама-битта аста-аста силаб тўғрилаётган эди...

– Қай биримиздан кўнглингиз тўлмади?! Айтилмаган нима гапингиз қолди?

Акаси ука-сингиллари тугул, ўз фарзандларини ҳам чиқиштирмасди. Қизларига оталик меҳри йўқ, катта ўғли билан юзкўрмас эди. Улар билан соғ ё касал пайтида розилик тилашганига ҳам кўзи етмайди. Опасининг бу сўзлари, бу ҳаракатида ҳали совимаган тандан шу ризоликни чиқариш илинжини сизди. Нима бўлса ҳам акам оёқ-қўлини узатиб кетсин деб уриняптими? «Акам катта ўғлини кечирдимикин? Ота розилигисиз бунинг ҳоли энди нима кечади?»

Катта жиянининг ҳозир талмовсираб юриши фақат отасининг ўлимидан қайғуришнинг ўзигина эмасдир. Ёшлик кўчаларидаги саргузаштларини бир вақтлар ўзи собит туриб ҳимоя қилган бўлса-да, отасининг ўлими у собитликни синдирган бўлиши, «Ота розилигини олмаган фарзанднинг боғи кўкармас» ақидаси энди ичини кемираётган бўлиши ҳам мумкин. Ўзига ўхшаб у ҳам изтироб чекаётгандир балки.



Катта ўғли армияда Узоқ Шарқда хизмат қилганида акаси уни кўргани янгаси билан бирга борган, қайтишда янгасини поезддан олиб, касалхонага ётқизишган эди. Ўшанда кичик опаси куйиниб:

– Ҳаммаси худоданку-я, лекин янгамни акамнинг тор феъли еди, шекилли! Нима бўлганини янгам сир бой бермаяпти, «Акангизни биласизку!» деди-қўйди. Аммо одамни қулатар даражада нимадир бўлган! – деганди.

Аслида аскар йигит ота-онасига Тошкентда севгилиси борлигини, уни хизматини тугатиб боргунигача уйларига қабул қилиб, боласини набира ўрнида суйиб, тарбия қилишларини сўраган... Ўша ердаёқ отанинг қаҳри келиб, агар ўша аёлни дейдиган бўлса, уйга киритмаслигини, оқ қилишини айтган. Онанинг зорига қулоқ солмай, ўғил армиядан қайтганида акаси уйга киргизмаган. Янгаси худонинг зорини қилиб:

– Ўзингиз ҳам ёшлигингизда шу кўчадан ўтдингиз-ку! Мана бинойи беш фарзандлик бўлиб ўтирибмиз! – деб таъна қилса ҳам, – болангиз янглишган, ўзига келиб қолар, уйдан безиса, кейин қайириб олишимиз қийин бўлади! Ўғилнинг уволига қоламиз, бунини худо ҳам, бандаси ҳам кечирмайди, дадаси! – деб ялиниб-ёлворса ҳам, ўжарлик эгаридан тушмаган. Аксинча кажбаҳслик билан деганди:

– Агар ота-онам менга қаттиқ туришганида, ҳозир «уч уйланган» тамғаси билан юрмасдим!

Чамаси у шу вақтгача фақат ўзини ўйлабгина яшагани учунми, бола тарбиясига, бу йўлдаги машаққатларга, руҳий силкинишларга тайёр эмаслигини ўғлига қаттиқ туриб, уни оқ қилиш билан ўзининг одамийлик имтиҳонларига ожизлигини яширишга уринди. Ўша инсульт оқибати янгаси элик ёшда қазо қилди...

Ҳозир кичик опасининг бу гапларини эшитар, жигарининг совуқ бармоқларидан чўчимай сила-



ётганини кузатар экан, эти бир жунжикди. Бир зум кўнглидан «Опамнинг ёнига мук тушиб мен ҳам акамнинг қўлларини силашим, у ер-бу ерини тузатишим керакмиди? Ахир мен ҳам шулардек сингилман!» деган ўй кечди. Лекин оёғи ҳам, қўли ҳам бу хаёлига юрмади. Опасига қараб туриб ўйлагани шу бўлди: «О, инсон-а! Қанча кўп дард чексанг, жабр кўрсанг, шунчалар хокисор бўлишинг, шунчалар дилинг покланиши, кечирувчан бўлишинг ростми? Опагинам, шу силаётган қўллар юзингизга тарсаки туширганларини наҳот унутдингиз?! Ҳозир жонсиз шу тиллар: «Менга ўнта сингилдан, ўз вақтида берилган бир коса шўрва афзал! – деганини ҳам унутдингизми?!»

Наҳот опаси ҳаммасини унутди? Нега ўзи унута олмаяпти? Нега жигари тепасида опасичалик куя олмаяпти? Шунчалар тошбағир бўлиб кетдим қалби?!

Ёки опаси ҳам киши кўзига меҳрибон сингил родини ўйнаяптими?

«Нега унда мен ҳам шундай қила олмайман?» – яна хаёлидан кечди. Шунини ўйлади-ю, опасининг минг жабрлардан омон чиқишига сабаб шу жигаржонлиги, кечирувчанлиги деган хулосага келди. Опаси жигари учун хўжакўрсинга эмас, астойдил куюняпти. Шу куюниб йиғлаши билан ўзининггина эмас, акасининг ҳам гуноҳларини кечиритишни ўтинаяпти. Жигар жигардан астойдил рози бўлмаса, майит тугул ўзининг ҳам жаннатга йўли берк. Буни опаси алақачон англаган. Ўзига эса энди етиб келди шекилли. Аста акасининг совиган жасади устига энгашар экан, ёноқларини кўзларидан оққан ёш юваётганини сезди:

– Сиздан минг бор розиман, жигарим! Сингилгиздан рози бўлинг, жоним жигарим! – деди оловли нафас билан.

Бу нафас ичидан, ўша оловли ёш чиқаётган юракданлигини англаб, кўнгли бирам енгил торт-



ди. Буни эътироф этар экан, ичидан акасининг ўлимини эшитгандан бери ўзини қийнаётган тушуниксиз уят ҳам, ўзидан нафратланишга ўхшаш бир ғалати туйғу ҳам йўқолаётганини сизди.

ЁСТИҚ ОСТИДАГИ ДАФТАР

Ўтган аср садоси

*Эй дўст, бу дунёнинг поёни йўқдир,
Ким шоҳу ким гадо, ким оч, ким тўқдир...*

Дафтардаги битикдан

Аслида бу дафтарни кундалик деб бўлмасди. Чунки ёзувларда муайян тақвим изчилиги йўқ, айрим кунлар воқеалари узук-юлуқ ёзиб қўйилган эди холос. Аммо дафтар эгаси дилидаги кўп нарсаларни ҳафсала билан қоғозга туширмоқни истаган шекилли, айрим саҳифаларда саналар қўйилган. Айрим саҳифаларда эса

*Эй дўст, қанча йўлни юриб қўйдик биз,
Яхши-ю ёмонни кўриб қўйдик биз*

каби ва

Айшни нодон суриб, кулфатни доно тортадур...

байтларидан сўнг муаллиф ичидан кўп нарса ўтгану, бироқ уларни шу оқ дафтарга ҳам ишонмаётгандек, саҳифаю варақлар оппоқ бўлиб қолаверган... Икки-уч жойдагина кўнгилни ёритган, юракка мадор берган кечинмалар тўлиқ ёзилганди. Дастхат умрида араб, лотин, кирилл, яна лотин имлосини кўрган, бирига энди мослашай деганда яна бошқа имлога ўтишга мажбур бўлиб, қалами юришга тижирлик қилган кишининг дастхатидек нотекис, ўқилиши анча қийин.

«1988 йил 10 март.

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳийм!

Раҳматли Карима опамларнинг кенжа қизлари Санобархон кеча Рамазон олдидан шаклик қилиб кўргани келибди. Юрагим тўлиб ўтирган эдим, унга ҳам юролмай қолганимдан, зерикаётганимдан зорланиб кўз ёши қилиб бердим. Ёшлигида ҳам меҳрли эди. Елкаларимни уқалаб овутди, иссиқ чой қуйиб берар экан, сумкасидан қалин дафтар чиқариб, қўлимга тутди. Таклифи мени ҳайрон қолдирди:

– Холагинам, ҳаётингизда кўп ўқиган, кўпни кўрган, кўп савдоларни бошдан кечирган аёлсиз. Зериккан вақтингизда ёшликда бошингиздан кечирган чиройли кунларни эслаб, мазза қилиб шу дафтарга ёзиб ўтиринг. Бу дафтар Сизга жуда яхши ҳамсуҳбат бўлади. Мени айтди дерсиз, бу юрагингизга анча қувват ҳам бўлади. Сизни нолиш, гийбат, норозилик гуноҳларидан ҳам фориғ қилади. Чунки одам ўзи билан ўзи суҳбатлашганда сохталикдан, ёлгондан йироқ бўлади, ўзини боридан яхши қилиб кўрсатишига ҳам эҳтиёж қолмайди. Қолаверса, холажоним, аслида шоиртабиат одамсиз, кўрарсиз, ҳали бу ёзганларингиз бир ажойиб мемуар бўлади... Агар ишонсангиз, вақти-вақти билан менга ҳам кўрсатиб турарсиз...

Вой, тавба, мемуар дегани нимасийкин? «Бошингиздан кўп савдоларни кечиргансиз» деганида нималарни назарда тутяпти бу қиз? Ҳаёт аталмиш денгизнинг нотинч тўлқинлари мени ҳасдек қаърига ютиб-чиқариб ўйнатганида бу қиз жама-лак сочли, аммо жуда шўх ёш бола эди. Эсимда, у уруш бошланганида тугилган... Оғир-вазмин камолга етибди барака топкур...

Бугун шу дафтарни қўлимга олдим. Нималарни ёзаман унга? Бир умр сут комбинати лабораториясида ишлаган оддий бир ходим бўлсам. Менинг нима «шоиртабиат» экан?



Мен – Ҳафиза мулла Мансур қизи 1918 йил 18 январда таваллуд топганман.

Мен 3 ёшимда етим қолиб, ота-она меҳрига тўймай ўсдим. Отам мулла Мансур маҳалланинг энг обрўли ва бадавлат кишиларидан бўлганлар. Бу ҳақида Тожиниса бувим ва катта опаларим кўп гапиришарди. 7 ёшимда мени эскича мактабга беришди. Икки йил ўқиганимдан сўнг катта акам мени шўролар мактабига кўчирди. Кўп ўтмай акамнинг катта ўқиши битиб, уларни Самарқанднинг бир чекка туманига судья қилиб ишга юборишди. 1932–1933 йилларда акам у ерларда оғир касал бўлиб қолиб, яна Тошкентга қайтиб келди. Тили дудуқ ногирон бўлиб қолди. Мен кичик акам қўлида қолдим...

Ёш бўлсам ҳам, кўп тийрак эдим. Қоратошдаги кўп тоқили, шийпонли уйимизда кўп тўйлар бўлди – опаларим узатилиб, акаларим уйланишди... Опаларим кўча кўришмаган. Ҳатто Бувмарзия опам узатилаётганда маҳалламиздаги кишилар «Мулла Мансурнинг шунақа узатиладиган қизлари бор эканми?» деб ҳайрон бўлишган экан. Бувҳожар опам ҳам, Бувқарима опам ҳам куёвларини гўшангадагина кўришган. Қори поччамнинг бўйи Қарима опамнинг бўйидан пастроқ эканини ҳайитда билганмиз! Тожиниса бувим раҳматли қизлар ичида мени «мактаб кўрган доно қизим», деб эркалардилар. Куёвини тўйдан олдин кўрган ҳам – фақат менман! Бўлажак куёв Эски жўвада қурилган биринчи босмахонанинг ҳарф терувчиси экан. Уни анча «пўрим» йигит дейишди. Худо раҳмат қилгур, қайда ётган бўлса ҳам гўри нурга тўлгур: «Қизни кўрмай уйланмайман», деб туриб олибди. Гулсум кеннойим мени Ҳадрага, Султон чўлоқ дўконига олиб чиқдилар. Паранжи ёпинтиришмади. Баҳонада мен ҳам куёвни кўриб олдим. Яқинда газетада бир қатор халқ душманларининг



расмини беришган эди. Шуларнинг бирига жуда ўхшаб кетар экан. Куёвнинг исми ҳам ёзувчиларникига ўхшаши – Турғун Ёқуб.

Турмушимизнинг учинчи йили ўғил кўрдик...

Шу ерда сиёҳ тамом бўлганми ёки кейинги турмуш юки оғир тош бўлиб елкадан босганми... Ёзув санасиз, бошқа сиёҳда, кейинги саҳифадан давом эттирилган.

...Уруш бошланганда у кишини ҳам урушга олиб кетишди. Келинлик кўйлагимнинг оҳори тўкилмай, ўғлим билан ёлғиз қолдим. Келаси йил қиши қиличини жуда қайраб келди. Шу қаҳратон ва қаҳатчиликда келган қора хат мени «фронт-викнинг беваси»га айлантирди...

Вокзал тарафидаги сут заводига ўшанда ишга кирганман...

Уруш тамом бўлганига уч йил бўлганда акаларим, Қори поччам мени яна акамникига, отамнинг кўп тоқилик уйига кўчириб келишди. Ҳовли этагидаги кичик уй ва даҳлизни бизга ажратиб беришди. Ўғлимни заводнинг кеча-кундуз ишлайдиган боғчасига бердим. Заводга яқин, баъзида кечаси сменадан тўғри ўша ерга ўтаман. Зулфи опа деган энага кампир мудиранинг хонасига иккаламизга болаларнинг тўшагидан солиб берарди. Боламни бағримга босганимча бирпас мизғиб олардим, кейин яна ишга чиқиб кетардим. Бор алашимни ишдан олардим...

Шу сатрлар устига беҳосдан чой тўкилган шекилли, сиёҳ беш сўмлик тангадек ёйилиб кетган. Балки оғир хотира аёл юрагининг тубидан йирик ёш томчисини томдиргандир...

Мулла Мансурнинг шунча болалари ичида орден олгани ҳам, газетга мақтаб чиқилгани ҳам менман! Шунинг учун бўлса керак, Санобархон «Менинг замонавий холамсиз!» деб гурурланиб юради. Омон бўлгур яхши одамни кўрса, олтин топгандек яй-



раб кетади. Болалигидан китобларга мук тушиб ўтирарди. Инсон боласи ўзгармас экан. Ҳали ҳам қариндошлар уни «китобий» деб аташади. Мана мени ҳам бинойи ёзувчи қилиб кўйдим... Ҳарқалай оғир ўйлар дилимни тигламаяпти. Санобархон берган дафтарга 5-6 варақ ёзиб қўйдим...

1988 йил, 4 август.

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳийм!

Чилла охирлаб қолди. Ҳаво бирдан совиб кетди. Бетоблигимга ҳаводаги шу кескин ўзгаришлар сабаб бўлаётганмиш. Докторлар шундай дейди. Докторларнинг билгани шу. Ё ҳавони баҳона қилади, ё кексалигингни! Менинг эса тушларим, хаёлларим нотинч. Худога илтижо қилиб ётибман.

Худойим! Қазом қачонлиги ёлғиз Ўзингагина аён! Фақат илтижойим, болаларим хаёлини бевақт фаромуш қилма.

Бир гуноҳкор банданг сифатида илтижойим: ўша дам яқинлашганда кўзимни юмгани, юзимга шакл бергани энг покиза фариштангни юборким, қанотлари ила кўзларимни сўнги бор юмганида, сўнги бор юзимни силаганида нигоҳимда сокинлик, сочларимда нуронийлик, лабларимда ним табассум қотсин! Мен Сен томон кетяпман ахир!

Оғриқ азоби изларини ол. Тушларимда кўрган им товуспейшонли сохта келин-жувонлару, қамчин тутган бароқ қош қаҳрли эркаклардан чўчиш, сесканиш изини ол юзу танамдан! Мен Сен томон кетяпман ахир!

Ҳаётим сўқмоғи чақиртиканакли эди. Товонларим ёригидан оққан қонлар юраккинамни қандай жазиллатар эди-я! Улар бир умрга таниш ва туганмас оғриқ бўлиб қолди. Илтижойим – сўнги дам шу оғриқ изларини юрагимдангина эмас, юзимдан ҳам сидириб ташла! Оҳим ҳеч кимга эшитилмасин, фарёд изидан юзимда асар ҳам



қолмасин! Ахир шу вақтгача улардан фақат Сен-
гина огоҳ эдинг, худойим!

Ҳаётимда неки қабиҳлик кўрган бўлсам, разо-
лат, шайтонлик, ёмонлик, ёлгон, ялтоқлик, қасос,
мунофиқлик, падарқушлик, ортдан пичоқ уришлик
– барисини унутишга, кечирिशга ёрдам бер.

Мен Сен томон кетяпман ахир!

Дунёдаги бор севгининг бори ҳам битта Сен-
га экан! Шунинг англаганим учун Ўзингга беҳисоб
шукрлар айтаман!

Мени-да севганинг, кўп балолардан омон олиб
чиққанинг, отимни тупроқ қилмаганинг, неча бор
дард бериб, кетидан ҳар гал шифосини юборганинг
учун ҳам Ўзингга беадад шукр!

Мен Сен томон кетаётганимда бутун умрим
давомида пинҳон бўлсада юрагимда менга меҳринг-
ни туйганим, Сенга шукр қилганимни англаганим
учун ҳам беадад шукр!

Ўзингга бўлган ишқим қувватими ё фаришта-
ларинг қанотида кўтариб турибдими, руҳим ва
танам бирам енгил, оғриқлар ҳам оромли!

Сен томон кетаётганим учундир бу!

Ёлғиз Ўзинг билган гуноҳларим кўп. Оташла-
рингдан асра. Неки гуноҳ қилган бўлсам, Сени менси-
маганимдан, Сени тан олмаганимдан эмас, ғазабинг,
қаҳрингдан қўрқа-қўрқа ноилоҳликдан қилдим.

Бир Сен билган гуноҳларим кўп,
Оташларга солишинг тайин.
Куяр дилни бердинг-ку Ўзинг,
Куйиб ўтмай энди найлайин!?

Кимдан эшитгандим-а бу байтни? Ҳойнаҳой
Карима опамдандир... Ҳазалу лапарларга жуда
моҳир эдилар, раҳматли. Юзлари, кўзлари ку-
либ туриб, бир нарсаларни айтиб қўярдилар. Ал-

лоҳим, менинг ҳам Сен томон кетаётганимда
юзимга сокин таъба шаклини ато эт!

Яратгувчи – Ўзинг, ўлдиргувчи – Ўзинг, тирил-
тиргувчи – Ўзингсан!

Боланинг зеҳни ўткир бўлиши рост экан. Она-
нинг сўнги кунларидан бирида эшитганим, бир
умр хотирамда михланиб қолган байтларни ҳеч
бир болам мендан сўнг мен каби армон билан қай-
тармасин:

Чангчи қулнинг қизиман,
Чангга ботиб бороман.
Оғригим йўқ, силжигим йўқ,
Шундай ўтиб бороман...

Яна бир байт сўнги вақтлар дилимгаю ти-
лимга кўп чиқяпти:

Турфа расволиг билан,
Қолди қозонда ошимиз...

Ризқ-насибамизни чала қилма, ишимизни чала
қолишидан Ўзинг асра! Болаларим, набираларим-
нинг хаёлини бевақт паришон қилма!

Менинг тушларим нотинч! Хаёлларим фаро-
муш!

Шукрингдан, сабрингдан бенасиб этма!

Ё Тангрим, болаларимнинг ҳаммасини Сенинг
паноҳингга топширдим! Ёмон кўздан, ёмон сўздан
Ўзинг асра! Ғойибингдан, ҳалолингдан, беминна-
тингдан етказганинг рост бўлсин!

Қалбим кўп ёнганин белгиси бошда –
Оқ тутун рангига кирмиш сочларим.
Ҳамон майин тортар – қайтиш йўқ ортга,
Тобора мулойим тортмиш кажларим.
Шукрким (Асрасин!) ёлгон йўқ сўзда,
Боримдан яхшироқ кўринмадим ҳам.



*Бу сохта дунёга яна бир сохта
Қўшилса посонги бузиларди ҳам!*

* * *

Тўрт фарзандлик, ўн олти набиралик, олти аваралик бўлиб ҳам нега доим ёлғизман, деб кўп ўйлайман. Худойим олдида гуноҳларим шунча кўпмики, умри минг ойни босиб ўтган, юролмай қолган аёлни қариганида ёлғизликка мубтало этди, деб кўп ўйлайман. Балки Санобар айтмоқчи, фикрларимни тўплаб, ўтган умримни галвирга солиш, сарани сарага, пучакни пучакка ажратиб, энг асосийси келинимга кўнглимни ҳеч илита олмаётганимни ўзига изҳор қилиб қўймаслик, гийбатлардан нари бўлишим учундир бу? Саводимни чиқариб, умрим охирида ўзимни бир кўзгуга солишга имкон яратганинг учун ҳам Ўзингга шуқр, худойим!

Ойнага киши ўз ҳусни-латофатини кўриш учунгина эмас, бор қусурини кўриш учун ҳам қарайди-ку ахир.

* * *

Ўтган ҳафтада иккала ўғлим ёрдамида дарвоза-хонанинг тепасидаги катта болохонага кўчиб чиқдим. Каравотимни кўча деразасига яқинроқ қўйдик. Ўтган-кетган кўриниб туради. Кўчага чиққан қўшниларни кўриб ўтирибман. Улар саломлашиб, бир оғиз ҳол-аҳвол сўрашиб ўтиб кетишади. Фақат Нуринисагина ҳамон кунда ёки кунора чиқиб, бир дам олдимда суҳбатлашиб ўтиради. Нафақага чиққанидан кейин намоз ўқишни ўргатинг, деб туриб олган эди. Ҳафсала билан намоз ўқияпти. Аллоҳ ибодатларини қабул қилсин, деб дуо қиламан! Яратган менинг дуоларимни мустажо қилармикин?

Инсон умр йўллари ҳаминиша бир хил текисмас. Руҳиятининг ранглари ҳам турфади. Боболар,



момолар ҳаёти ёшларга ибрат! Ҳаёт сўқмоқла-
рида кўнглим неча бор қуёш нурига гарқ бўлиб,
баланд-баландларга кўтарилдим. Кўнглим синган
вақтлар ҳам оз эмас!

* * *

Кеча яқшанба эди. Эрталаб нонуштадан сўнг
ниҳоятда секин юриб, санаторий боғини айланиб
чиқдим. Шифокорлар айтганидек, ўзгалар эшит-
майдиغان қилиб алланарсаларни хиргойи қиламан.
Нафас йўлини очиш, юракка энгиллик бериш, модда
алмашинувини яхшилаш учун чуқур-чуқур нафас
ола билиш керакмиш. Назаримда нафасим илгари-
лари кўкрагимдан нарига ўтмаётгандек туюлар-
ди...

Ё, Тангрим! Бугун нигоҳимдаги тиниқлик, ичим-
даги нур ҳаётнинг яхши-ёмони борлигини тан ол-
ганим, аччиқ-чучугига чидаганимдандир. Сувдану
ўтдан неча бор Ўзинг омон олиб чиққан қалбимни
Ўзинг пок тут! Баъзан ҳаётнинг оддий ҳикматини
англамоқ учун қанчалар жафо чекмоқ кераклигини
болалигимдан англаганинг учун ҳам беадад шукр-
лар айтаман Ўзингга! Қўлимиздан тутгувчи, тўғри
йўл кўрсатгувчи ёлғиз Ўзингдирсан!...

Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадун расулуллоҳ!
Субҳоналлоҳи вабиҳамдики! Субҳоналлоҳил
аълам!...»

УЧ ҚАРРА ЖАННАТИ

Эрининг гапига қараганда, қўшнимиз Нафиса
опани бешинчи-олтинчи мучалида «Мўминниса»
деб атаган маъқулмиш. Ёшлик пайтларида эса
уларни «Ғалваниса», «Тўполонниса» деб чақирса
тўғрироқ бўларкан...

Ҳеч ҳам ундай эмасди ўша аёл. Қўлимни кўк-
симга қўйиб айтай, мен гувоҳман бунга. Тўғри,



ишсиз, юмушсиз ўтиролмасди. Атрофида бекорчи бўлса, гапнинг рости, жуда зардаси қайнарди. Ҳеч кимга тинчлик бермасди, эрининг ҳам ястаниб ётишига қўймасди. Ялинарди, яхши гапирарди, сўзга кирмаса, ўзи жаҳл билан ишга тушиб кетарди. Аммо битмаган иши қолмасди. Бу – «эркакларнинг иши», бу – «аёлларнинг иши» деб ҳеч ажратмасди. Шу уйи қурилаётганда эри билан баробар липпасини қимариб лой тепиб, фишт қуйишди. Бетон қорилганида жилла бўлмаса челақда сув қуйиб, хокандозда цемент солиб турди. Фиштнинг лойи қандай пишитилади-ю, қолип қандай қилиб бир уришда лой билан тўлдирилади – жуда яхши билади. Ер қимирлаганда вайрон бўлган уйларини кўчириб келиб, икки ойда болалари ўқишга тушгунича, мана шу ерга янгитдан уй солиб улгуришди-да.

Нимасини айтасиз. Ярим асрдан ортиқ турмуши давомида тўққиз қизнинг тўлғоғи Нафиса опани ҳаёту мамот қирғоғига ирғитавериб, жуда пишитиб юборган-да! Шундан маҳалладагина эмас, туманда ҳам, уруғ-аймоғи ичида ҳам, унинг гапини икки қиладиган журъатли киши топилмасди. Тўйларнинг тўрига ярашиқлик аёл бўлиб юрарди. Ўн йилча бўлдими, маҳалла оқсоқоли ундан:

– Маҳалламиз хотин-қизларига бош бўлинг, – деб илтимос қилади.

– Қўлимдан келганича қарашиб турай, илоё имом бой бўлинг, илло-билло женотдел бўлмайман. Ҳозирги ёшларга замонавий раҳбар керак, оқсоқол. Мен умримда идорада қоғоз варақлаб ўтирмаганман, – деб рад этди Нафиса опа.

– Агар ойим маҳалла хотин-қизлари кенгашининг раиси бўлсалар борми, амаки, маҳалла хотин-қизларининг ҳаммасини уч ойга қолмай тўққиз қизларидек «Ванька-встанька!» қилиб қўядилар! – деди

оқсоқол билан адасига дастурхон ёзиб, чой олиб келган кенжа қизи чиройли кулиб.


Қизларининг гапи Нафиса опага ҳам таъсир қилди-ю, «Ҳа, шундан ёмон бўлдиларингми?» деб кулибгина қўя қолди. Кейинги йиллар қизларининг гапи ҳазил бўлса ҳам, уларда сал дашном борлигини билади. Фарзандларига болалигида тинчлик бермагани рост, уларга ачиниб, юраги ачишиб, ичидан чуқур «Уф-ф!» келса ҳам, ташида кулибгина қўя қолади.

Қизларига қаттиқ турди. Оҳ, жуда қаттиқ турди.

Уй-рўзғор деб-ку ўзини аямагани аямаган, қизларини ҳам аямасди. Саҳар турганида, кўзини аранг очиб, қизларнинг кичигигача барабар турарди. Катта хитойи тоғорада нонга хамир қорса, бири илиқ сув олиб келган, бири тандирга ўтин қалаган, бири катта супрани айвонга ёйган, бири майда жўжаларига сув бериб, емишини идишларга солиб чиққан, бири қўйларга қараган, бири адаси билан «аренда» ерга кетган... Нонуштагача, қизларнинг мактаб вақтигача бир дунё иш қилиб улгуришарди.

Кўшнилар бирин-сирин нонушталарига нон сўраб чиққанларида (нон дўкони маҳалланинг нариги чеккасида эди-да), улар катта сўрини тўлдириб ўтириб, чойларини аллақачон ичиб бўлишган, қизлар мактабига отланишаётган бўларди. Биз кўшнилар болаларимизга доим уларнинг қизларини ибрат қилиб кўрсатардик.

Аммо ростини айтай, саҳарда туришгани эвазига тушлиқдан кейин икки соат дам олишига, ухлаб олишига имкон берарди. Қизларини қўғирчоқдек кийинтириб қўярди. Баъзи-баъзида бир бекат наридаги кинотеатрда қўйилаётган янги кинога ўзи бош бўлиб олиб тушар, қизларнинг бирини ҳам қўймай ёзда музқаймоқ, қишда пряник билан сийларди. Аммо ҳеч қачон қизларининг дутонасида



кўриб ҳаваси келган кийимни олиб берасиз, деган хархашасига қулоқ солмасди. Гапи ҳамиша битта бўларди:

– Ҳозир аданг билан қурбимиз етганини, сенга зарур билганимизни олиб беряпмиз. Ўзинг катта бўлиб, пул топа бошласанг, орзуларингдагини олаверасан, – кейин аста қўшиб қўярди: – болаларингдан орттира олсанг, ўзингга муносиб кўрсанг, албатта...


Қизларига қаттиқ турди. Оҳ, жуда қаттиқ турди.

Уларни узатганидан кейин ҳам биронтасининг уйдан бир гап ўтса (ўтмай иложи борми?), қизининг ҳақлигини била туриб, унга жони ачишса ҳам, Нафиса опа куёвининг ёнини оларди. Ёлғондан пўписа қилиш маъносида эмас, ростдан қизига «Фақат сен айбдорсан!» деб, попутини пасайтириб, куёвнинг қаддини тикларди. Эвазига, тўғри, ўша заҳоти эмас, сал кейинроқ, «бўронлар тинганидан кейин» куёвидан ҳам, қизидан ҳам ҳурмат оларди. Шунинг учун бўлса керак, Нафиса опанинг уйида «Ойимнинг айтгани – тўғри!» ҳукми ҳамиша устун бўлиб келган.

Нима, ҳаёт ҳеч панд бермадими, дейсизми? Оҳ, панд берганда қандоқ!

Ҳеч кимни «Вой, болам!» деб бўзлатмасин... Қизларининг бири нобоп жойга тушиб қолди. Узоқ қариндошлари экан, йўқ дейишолмади шекилли. Куёв бўлмиш ҳеч ерда ишламас, устига-устак армиядан нашаванд бўлиб қайтган экан. Йигит шу маҳаллада яшайдиган опаси ёрдамида қизнинг мурғак кўнглини ёлғон-яшиқ билан овлади шекилли-да.

Қизгина олдиларидаги мактабда бошланғич синфга дарс берар эди. Бир-икки у ер-бу ери кўкариб келганини ҳам кўрдик. Йигитнинг қора оғуни истеъмола қилиши ошкор бўлгунига қадар, номус кучлилиқ қилиб, «Авлодимизда қайтган қиз йўқ!» деб, Нафиса опа боласи билан бир неча бор қайтиб келган қизига оғирроқ бўлишни тайинлаб, уйига



олиб бориб қўйди. Қора дори кушандаси экани аниқлангач, қизининг ҳақлигига ишонч ҳосил қилишиб, ота уйига қайтариб олиб келишди.

Йигит оғуни хотинининг пулига олиб юрган экан, уч-тўрт ойдан сўнг ота-онасининг ўлимликка олиб қўйганини ҳам ишлатиб бўлиб, чорасиз қолди. Гангиб юрган кезлари ажралиш ҳақидаги масалани кўриш учун судга чақирилибди. Мактабга бориб, майли ажралишга розиман, юр ҳал қилиб келамиз, деб уни олиб чиқиб кетибди. Бу гапни бошқа муаллима эшитган экан, унинг ўрнига дарсга кириб туришга рози бўлибди.

Шу кетганича қизи ҳам, куёви ҳам дом-дараксиз кетишди. Қидирмаган жойлари қолмади. Уч кундан кейингина шаҳар чеккасидаги теракзордан қизнинг жасади топилди. Унга бир неча марта бигиз тикиб...

Нафиса опанинг ўша вақтдаги ҳолатини айтиб беролмайман... Аммо қизининг жасадини ювишга ўзи кирди... Қандай чидади, билмайман, аммо ёш болани чўмилтиргандек, нималарнидир аста гапириб-гапириб, бигиз ўринларини силаб-силаб... Кейин чақалоқни йўргаклагандек кафанлаб, тобутга солишаётганида ичидан бир «Ёҳув-в!..» деган нидо чиқди-ю, тобут устига узала тушди...

Бир набира қиз қолди ёдгор бўлиб. Уни ҳам ўзи тўққизинчи қизидек катга қилди. Узатди...

Ҳадисларда каромат қилинишича, уч қизни яхши тарбиялаб ўстирганлар жаннати эмиш. Нафиса опанинг пешанасига тўққиз қизни рисоладагидек тарбиялаш битилган экан. Биз «уч карра жаннатисиз», деб айтардик уларга.

Ҳа, қаттиқ турди Нафиса опа қизларига, жуда қаттиқ турди...

Ҳатто ўқимишли, илмли, ҳозир мактаб директори, боғча мудираси, доктор бўлиб ишлаётган қизлари ҳам, илгари «Педагогикага қарши иш



қиялпсиз», дегувчилари ҳам, вақти келиб унинг «қаттиқ педагогикасини» тан олишди. Ўз болаларини оналарига ўжшаб тарбиялашяпти.

Онаси каби жуда жигаржон бўлиб ўсишди қизларнинг тўққизталови ҳам. Нафиса опа бир вақтлар ҳарна эримнинг топганига қўшилар, нафақа пулим ҳам кўпаяр, бировга қарам бўлиб қолмасмиз деб, икки ҳисса ишласа ҳам, «тўққиз қизнинг тўлғоғи аксарият баробар келиб» турса ҳам, тиқ этиб овоз келган жигарларидан (ҳамма гапни айнан у биринчи бўлиб эшитарди) дарров хабар оларди.

Ҳозир мана қизлари шунақа. Ота-оналари устидаку, жонларини фидо қилишарди. Бирининг ўғли уйланишга келди, бирининг қизи узатишга. Набираларининг ҳисоби йўқ. Аммо Нафиса опанинг айтгани-айтган, дегани деган эди шу пайтгача.

– Вой тавба! Ойим «қовуриб ташлаганларида» ҳам биронтамизнинг улардан кўнглимиз қолмабди-я! – Мулоҳаза юритади ҳозир катта қиз. – Куёвларининг олдида урушсалар ҳам, «Она, бизнинг кўнглимиз сабиами?» – демабмиз-а. Қайтага: «Ҳаёт тегирмонига тушса, бутун чиқадиған қизлар» сифатини олдик. Кишининг бошига ҳар қандай иш тушаркан-да... Ойим ҳар қандай шароитда ҳам ўзимизни йўқотиб қўймаслигимизни ўйлабдилар-да. Улар учун ҳалоллик ва поклик, ростгўйлик ва меҳнаткашлик инсоннинг энг улуғ фазилати эди. «Бир ҳунар эгаси бўлсангиз, бировга ёрдамингиз тегса, тегадики, бошқа одамларга муте бўлмайсиз!» дердилар доим. Сингилларимнинг ҳар бири ўғилдан аъло! Куёвларни айтмайсизми? Ҳар қандай мушкул ишда ҳам биздан олдин ойимга маслаҳатга келишарди. Набиралар ҳам ейдиганининг олдини бувисига, бувасига илиниб туришарди...

Ҳа, Нафиса опа аввалига ўғли йўқлигига кўп ўксиди. Кейин-кейин куйинмайдиган бўлди. Қиз-



ларига қаттиқ турганининг боиси балки ўғил бўлмагани учунмикин? Буларнинг эрка нозини ким кўтаради, ёнида ёнбосар акаси, суянадиган укаси бўлмаса, деб ўйладимикин? Иссиқ жон, қаттиқ оғриганида «Вақти қазом етиб, дорулбақога йўл олсам, жасадимни гўрга ким қўяди?» деб ўйлагандир балки?

Ҳа, ҳаёл кишини қайси кўчаларга олиб кирмайди дейсиз...

Бу қизларнинг ҳаммаси муштдек пайтидан Нафиса опанинг ўзига ўхшаб кишиларга чин дилдан чиройли мулозамат қилишни ўрганишган.

Аммо, мен сизга айтсам, ҳаётнинг ичингни кабоб қилиб юборадиган синовлари кўп бўларкан. Ўзинг, яқинларинг тугул, Ўзи кечирсин-у худодан ҳам ёзғириб кетаркансан киши. Аммо бу Нафиса опанинг нолиганини кўрганим, эшитганим йўқ. Тағинам юраги фил экан. Инсон зоти тағинам ёниб кетмас экан-да... Аммо ҳеч бир сассиз кўзларидан олов ёшлар оққанининг кўп шоҳиди бўлганман. Метин иродасига қойил қолганман.

Бир йили асабданми, оғир меҳнатлар оқибати-ми – оёқ-қўллари қаттиқ оғриб ётиб қолди. Гурсилаб иш қилиб юрган одам оёғида тура олмаса, қўлида битта пиёлани тутиб, оғзига олиб бора олмаса... Кўзикди шекилли, деб ўйлаганимиз ҳам бўлди... Яхшиям эгачи-сингиллар, овсинлар, қўни-қўшнилар бор экан.

Бир куни келсам, уйда иккига тўлмаган, ҳали тили чиқмаган қизи ўйинчоқларини ўйнаб ўтирган экан. Ойисини сўрасам, «ух қиляпти» ишорасини қилди. Дори-дармондан кейин бир оз тинчиганлар шекили. Бир чеккадаги хонтахта устида боланинг егулиги, бир пиёла чойи илиқ турибди. Демак, иккинчи сменада ўқийдиган қизлар ҳозир кетишган, эрталабкилар ҳали замон келиб қолишадди. Улар келгунича боланинг олдида ўтириб турай



деб, кўрпачага чўкдим. Қизча қўлимдан ушлаб, ўрнимдан турғазди, тахмон олдига бориб, оҳорли кўрпачани ол, мана бу ерга сол, дегандек хонанинг тўрини кўрсатди. Ўзининг кучи етмайди-да... Аввалига унинг қилиғига кулибгина қўйдим, айтганини қилдим. Янги кўрпачага энди ўтирай десам, инқилаб хонтахтани олдимга сурмоқчи бўляпти. Ўрнимдан туриб уни ҳам сурдим. Сервантдан қизгина оппоқ дастурхон олиб берди. Хонтахта устига ёздим. Қизча сервантнинг ўрта бўлмасидан мевали талинкаларни битта-битта олиб хонтахтага тизиб, сочиққа ўроғлик иккита ёпган нонни олдимга суриб қўйди.

Айтсам, ишонмассиз, тили чиқмаган боланинг кишининг кўнглини олишга интилишини кўриб, йиғлаб юборай дедим. «Қуш уясида кўрганини қилади», деганлари шу. Онаси, опаларида кўрган-да!

– Эй, худойим! Шу норасидаларнинг бахтига онасини омон қил! – деб ёлвордим, газга чой кўяр эканман.

Чойимиз қайнар-қайнамас уч опаси мактабдан келишди. Онага ҳам овқат бериш учун аста уйғотишди. Ҳалиги кичик қизнинг имосига кўра хонтахта ва кўрпачани онаси ёнига олиб кирдик. Мени ҳам ўша ерга етаклади. Қизларнинг бири онасини суяб, орқасига ёстиқ қўйди. Иккинчиси рўмолини тўғрилади...

– Умрингиз узоқ бўлади, худо хоҳласа, Нафиса опа, бу қизларнинг ҳаракатини қаранг! Ҳали ҳаммаси унут бўлиб, тўйларини қилиб, бойвучча хотин бўлиб юрасиз... – уларнинг кўзларидан сизиб чиққан ёшни кўриб, мен ҳам чидай олмадим.

Одамни элнинг дуоси асрайди деганлари рост экан. Нафиса опа еттинчи мучалнинг ярмигача яшади.

Одамга тўғри баҳони эл бераркан. Мурувват кўрсатган – ҳурмат кўради, иззат топади. Шу оила

маҳалла, қариндош-уруғнинг тўй ва маъракаларида жонингга оро кириб тик туриб берарди. Бир йили эрта баҳорда уйлари ёниб кетди. Маҳалланинг қадрини шунда билдим. Уларнинг уйида ҳашарчилар шунчалик кўпайиб кетишди-ки, тушлиқда катта қозонда овқат қилиб, нақ эллик тўрт косада овқат сузиб берибмиз!

Маҳалладаги, қариндош-уруғлардаги тўй-маъракаларда Нафиса опа тўрга чиқариларди. Сўралганда, гапнинг индаллосини айтарди. Ҳамма бирдек маслаҳатига кирарди. Тўйларнинг тўрига ярашган бу аёл ҳолис худойи гапни айтади-да. Бировнинг ўзи тугул, кўнглидаги хаёлига ҳам хиёнат қилмасди. Уч карра жаннати дейишганича бор.

КУПЕДАГИ ТЎРТ АЁЛ

Поезд ўрнидан жилганидан кўп ўтмасдан ғувур-ғувур тинди. Пойтахтга мажлисга чақирилган тўрт аёл ҳам енгилгина юқларини ўриндиқ четига кўйишиб, икки кишидан бўлиб, бир-бирларига қарама-қарши ўтириб олишди. Бир-бирларига яхши таниш, елка қоқиб кўришган, ҳол-аҳвол сўрашган бўлишса-да, деразага тикилишганича узоқ жим қолишди. Бу – поезд жилишидаги одатий ҳол. Ҳар кимнинг бошида ўз хаёли, ўз муаммолари...

Шаҳар чеккасиданоқ бошланган қор босган кенг далалар пўлат излар бўйлаб тизилган симёғочлар билан баробар айланяпти. Вилоят ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитасининг раиси Ойқизнинг назарида бу улкан гирдоб тўрт-тала аёлнинг хаёлини ўз домига тортарди. Нималарни ўйлашяпти улар?

Насибахон вилоят марказига туташ туман ҳокимининг ўринбосари. Уйи шаҳар ичида бўлса ҳам, ҳеч башанг кийиниб, кўпдан ажралиб турмайди.



Суқсурхон – Насибахондан уч-тўрт ёш катта, энг чекка туман ҳокимининг ўринбосари. Иши асосан чекка қишлоқлар, чорвадорлар билан боғлиқ. Аммо тирноқларидан бўёқ аримайди, кийиниши шаҳар аёллариникидан башангроқ ҳам. Ўқтин-ўқтин таъзияларда демаса, жазирамаю совуқда ҳам бошига рўмол ўрамайди. Соч турмаги ҳозиргина аёллар салонидан чиққандек доим ялтиллаб туради.

Рухсорахон пойтахтга ишга ўтказилган туман хотин-қизлар кенгашининг раиси ўрнига ўтган ҳафта сайланди. У тумандаги биттаю битта коллежнинг илмий мудири эди. Анча ташаббускор, ҳаракатчан аёл. Турмуш қурганига кўп бўлгани йўқ. Мана, уч ойлик келинни пойтахтга мажлисга олиб кетишяпти.

Тўртовлари ҳам ўз хаёллари билан банд, деразага қараганларича жим ўтиришарди.

Жимжитликни Насиба чўнтагидаги телефоннинг қўнғироғи бузди. У дарров телефон тугмасини босди-ю, «Кечирасизлар» деганича йўлакка чиқди.

– Ишимиз ҳам бор бўлсин! Ишқилиб туманида бирон гап бўлмадимикан? – деди норози оҳангда Суқсурхон. – Турли можаролардан жуда тўйдим-да, Ойқиз опа! Одамларга ҳам ҳайронсан, ҳоқимиятни худо деб билишади шекилли...

Дам ўтмай Насибахон қайтиб кирди. Ойқизнинг саволи назарига қисқа қилиб:

– Куёвингиз эканлар, кузата олмадим, яхши кетяпсизларми, болалардан хавотир бўлманг, деяптилар. Сизларга ҳам салом деб, оқ йўл тиладилар!

Ойқизнинг кўзлари нурланиб кетди. Насибахонга меҳрли боқиб:

– Барака топсинлар, раҳмат! – деди.

Бу сўзлар ортидаги маънодан иккисининг ҳам юрагига илиқлик кирди.



– Вой, поччамизга инсоф кириб қолибдими? – Суқсурхоннинг тагдор саволига аёллар жилмайбгина қўя қолишди.

Эшик аста тақиллаб, очилди. Проводник йигитнинг юзи кўринди:

– Опажонлар, мана ўрин-кўрпаларингиз филофи. Бирпас чиқиб турсангиз, ҳаммасини солиб, тўғрилаб қўярдим, – деди у.

– Яхши бўларди, – деди беихтиёр Суқсурхон.

– Йўғ-ей! Ўзимизга ташлаб кетаверинг, – қатъий деди Насибахон.

– Майли, унда мен ҳозир қайноқ чой келтираман, – деди проводник.

– Эркак кишига жой солдирамизми, қизиқсиз-а, Суқсурхон опа, – деди Насибахон проводник чиқиб кетгач.

– Нима қилибди, ҳақини олганидан кейин ишини бажарсин-да...

Бир пиёладан чой ичиб улгуришмасданоқ ташқарини қоронғилик босди. Суҳбат ҳам негадир унча қовушмаётганди.

– Суқсурхон! Янги шеърлардан йўқми? Жуда шеърхонлик бўладиган кеча-я! Қаранг: қор... милтилаган чироқлар... поезд... купедаги тўрт аёл... – деди Ойқиз. – Ҳеч зериктирмас эдингиз-ку!

– Кўрмайсизми, радио сабилда ҳам бирон дурустроқ нарса йўқ. Шўхроқ мусиқа бўлганида бир ўйнаб ҳам берардим, агар Рухсорахон айб қилмасалар...

– Нега айб қиламан? Рақсларингизни вилоят хотин-қизлар анжуманларида кўп кўрганман, – деди секин Рухсора.

– Ҳозир янги шеърдан бўлса ўқийверинг, шеърбоп кеча бўляпти.

– Албатта бор, опа! Қишнинг узун тунлари қоғозга ичимизни тўкишдан бўлак ишимиз бормиди бизнинг? Мана охиргиси:



Мен дедим:
«Худойим!
Мени унга тенг қилгин!»
Сен дединг:
«Мени – бўй,
Уни менга – енг қилгин!»
Ҳар не бўлса –
Ниятдан.
Тақдир – Илоҳ битиги!
Ниятлар
Бўлмади тенг...
Шундан – бахтим кемтиги!

– Кам бўланг! – деди Ойқиз шеърдан кейинги чуқур сукутни бўлиб. – Энди навбат сизники, Насибaxon! Биламан, шеърятни жуда севасиз.

– Майли, сўзингиз ерда қолмасин, Ойқиз опа, яхши кўрган бир шеърни ўқиб бераман, унут бўлган жойларини кечирасизлар.

Вагонларнинг бир маромда аллаловчи тақ-туқида унинг овози қалбга аллақандай хотиржамлик бағишларди:

... Сизни мен ўзимга ҳам лойиқ кўрмам, рости гап,
Ўзгага бермоқ эса, тушимга кирмас ухлаб.
Ўзга билан кетсангиз, равон йўллар қолмасин,
Бегим, иккиланмасдан ер юзин ташланг михлаб.
Михнинг, тигнинг захрини сезмай ёниб бораман,
Ишқ – зардобли шаробдир, қониб-қониб бораман.
Ҳеч ким билан сирлашмай, ҳеч кимсага
тутмай май,
Ўз қоним билан ўзим алвонланиб бораман...
Ҳайратларда қотгайсиз мени кўрганда ул дам,
Ёнингиздаги совуқ сулувдан совирсиз ҳам.
Сизни обдон музлатгач, ўзим қайтарман, чунки
Бугунча йўқ садоқат, бундан сўнг ҳам бўлар кам.



*Ўзга тортмам чексам ҳам шунча жабру жафони,
Ўзгага ҳам бермасман сиздек бир бевафони.*

Бегим, сизни табиат расо қилиб яратган...

Шеърхонлик билан вақт ҳам алламаҳал бўлди. Тўрттала аёл галма-гал жой солиб ётиш ҳаракатини қилишди.

Тонггача бир тўйиб ухлаб, дам олишни орзу қилган Ойқизнинг ҳеч уйқуси келмади. Суқсур шеърисидаги тақдирдан энгил зорланиш, Насиба ўқиган шеърисидаги ажиб бир ғурур, Рухсора шеърисидаги умид қулоғи остидан кетмади.

Насибахон ва Суқсурхонлар билан танишибди-ки, улар ҳақида кўп ўйлайди. Аёллик ҳурмати, ғурури, бахти ҳақида баҳс кетди дегунча, шу икки аёл кўз ўнгига келаверади. Ҳеч кимнинг тақдири бир-бириникига ўхшамас экан, гарчи бир хил лавозимда ишлашса ҳам. Хаёлан Ойқиз улар билан кўп мунозарага киришади. Баҳсда гоҳ энгиб, гоҳида энгилади. Баъзида кўз олдига киприкларига тонгги шудрингдек томчи инган, лекин ўзи аёллик ғурури ҳақида сўзлаётган аёл келса, баъзида кўзлари порлаб туриб ҳам, якка бахтини топтаётган аёл келади. Баъзида уларнинг иккиси ҳам бир чехра, бир сурат бўлиб уйғунлашиб кетади. Шунда ўзи ҳам фикри тизгинини кўлидан чиқариб юборганини сезмай қолади.

Унинг бу аёллар билан танишганига уч йилча бўлди. Ойқизни вилоят ҳокимининг ўринбосари этиб тайинлашганда, Суқсур ҳам, Насиба ҳам ўз туман ҳокимлигида ишлашарди. Ойқиз ишни бевосита туманларга чиқиб, ҳам кадрлар, ҳам ишнинг аҳволи билан танишишдан бошлади.

Суқсурхон ишлайдиган туманга борганида бу лобар аёлнинг кўп ишларидан мамнун бўлди. Суқсурхон унга ишбилармонлиги, меҳнаткашлиги, ширинсўзлиги билан ёқди. Масалани чувалатмай



шарт-шарт ҳал қилиши билан яхши таассурот қолдирди.

– Чекка туманимизга бир келиб қолибсиз, бир пиёла чойимизни ичмагунингизча рухсат бермаймиз, – деди Суқсурхон кечки пайт. – Бегона жой эмас, ўз уйимиз.

Суқсурхон машинага ўтирар экан, бир неча фаол аёлларни ҳам таклиф этди.

Уйда Суқсурхон тезда куни билан юрган кийимини енгил шоҳи халатга алмаштириб, дилбар бекага айланди. Ўрта мактабда ўқийдиган ширингина қизи билан ўзи хизмат қилди. Ойқизнинг кундузги таассуротлари яна ҳам бойиди. Бироқ бу таассуротларни Суқсур ошхонага чиққанида фаоллардан бирининг айтган гапи бузиб юборди.

– Эсизгина, шундай аёлнинг бахти бўлмади-да...

Суқсурхон бир йилча аввал эридан ажрашган экан. Қизи билан ҳокимият берган мана шу уйда яшаркан. Оиланинг бузилишига, қизининг отасиз ўсишига эрининг сўнгги пайтларда ичкиликка ружу қўйиши сабаб бўлибди. Суқсурхон уни йўлга сола олмабди. Масалани кескин ҳал қилибди-қўйибди:

– Мен масъул ходим бўлсам, бу аҳволда эрим менинг ҳам обрўйимни тушириб қўяди. Қолаверса, қизим катта бўляпти, пиёниста отанинг қизига ким ҳам совчи қўярди?!

Ўша оқшом уйига етгунича Ойқиз Суқсурхонни ўйлаб келди. Дилида баъзан «Тўғри қилибди!» деса, дам ўтмай «Йўқ, уят!» дерди. Суқсурни оқлашни ҳам, қоралашни ҳам билмасди. Бир кўнгли ўша кунлари Суқсурни ҳоли учратиб:

– «Эр – лой, хотин – кулол» дейдилар, синглим. Турмушда аёл киши фақат фарзандларинигина эмас, эрини ҳам тарбиялаши, буни гоят зукколик билан бажариши керак, – дегиси ҳам келди.

Бироқ насиҳат ҳаммага ёқавермаслигини Ойқиз яхши биларди. Қолаверса, замонага яраша



ақли, шиддатли Суқсурхон ўзича ҳақ эди, албатта. Ойқизнинг ичида Суқсурхонни оқлаётганининг боиси, «Ёмон эрнинг боридан – йўғи афзал!» эканлигини у ҳам билади.

Аммо ўшандан бери Ойқизнинг дилини қандайдир мулоҳаза, оғир ўй, иккиланиш тарк этмасди... Насибахонни унга ибрат қилиб кўрсатсинми ё?

Насибахон ишлайдиган туманга борганида Ойқиз уни янги мактаб қурилишидан топди. Янги ўқув йилининг бошланишига беш ой қолган. Бироқ мактабнинг чала жойлари ҳали ҳам кўп эди.

– Баҳор ўтиб кетмай қишлоқ аҳолисини ҳашарга таклиф қилиб, дарахт кўчатларини режалаб экиб оляпмиз. Хатоларини кузда тўлдираммиз... – деди у.

Сўзлаётганида яшнаб турган мактаб ҳовлисини кўз олдига келтирганидан бўлса керак ёки ишлаётганларнинг ғайрати унга ҳам ўтибми, кўзлари нузли эди.


Шу вақт унинг ёнига саккиз ёшлар чамасидаги бола келиб, аёлларга салом берди. Кейин секин Насибахоннинг қулоғига:

– Дадам сизни чақиряптилар, – деди. Унинг кўзлари маънос эди.

– Ҳозир бораман, тойчоғим, – деди Насибахон энгил жонсарақлик билан. Кейин ҳокимиятдаги ёрдамчисига тайинлади: – Сизлар Ойқиз опа билан ҳокимиятга ўтиб турунглар, мен изингиздан етиб бораман...

У кўп ўтмай қайтиб келди. Унинг кўзларидан ҳам хижолат, ҳам алланечук ташвишни уқиб олиш қийин эмасди. Аммо буни у бор кучи билан яширишга уринар, туман хотин-қизлари ўртасида олиб борилаётган ишлар, яхши ташаббуслар ҳақида берилиб гапирарди. Шу тариқа ўз ташвишларини ҳам унутгандек бўлди.

– Куёвингиз кейинги вақтларда унча-мунча ичкилик ичадиган бўлиб қолдилар, – деди Насибахон



тушлиқдан сўнг бир оз боғни айланишар экан. – Бир-икки оғзига кучи етмайдиган оғайнилари «Хотининг олий маълумотли ва раҳбар лавозимда бўлгани учун ҳам ундан қўрққанингдан ичмайсан!» деб қистовга олишаркан. «Адаси, бундай қилиш бизга ярашмайди» десам, «Ҳа, ҳокима хоним, энди мени ўзларига тенг билмаяптиларми? Насихатингни йиғиштир!» деб жеркийдиган бўлиб қолдилар. Бошқачароқ йўл топишим керак экан, шекилли. Айрим дугоналарим ҳатто ажралишни ҳам маслаҳат беришяпти. Ичмасалар жуда яхши одамлар, болаларига меҳрибон, жигарларига оқибатли... «Эр тутиш ҳам катта мактаб!» дейдилар онам. Қайнонам ҳам «Болам сизларсиз хароб бўлади!» дейдилар йиғлаб... Бугунгига ўхшаш ҳолларда яхши гапириб, ялиниб жойларига ётқизаман. Қўни-қўшни, ҳамкасблар олдида андишага ҳам қолдим, Ойқиз опа. Сизни уйга ҳам таклиф қила олмаяпман...

– Қўйинг, синглим, инсофга келиб қолсалар ажаб эмас. Ҳали бу кунлар ортда қолади, унут бўлади... – Ойқиз бошқа ҳеч нарса дея олмади.

Шаҳарга қайтар экан, Кумушбиби каби табиат бекам яратган бу аёлнинг кемтик бахтига ачиниб кетди. Гоҳи дилидан «На ўзини, на рисоладагидек хотинини, на гулдек болаларини, на оила шаънини ўйламайдиган ўша эрнинг нимасига шунча ялинади? Ёш боладай авраб муомалада бўлишини қаранг. Аслида ҳайдаб юборишга лойиқ эр экан!» деган кескин фикрлар ўтади. Насибахоннинг иш юзасидан ёниб сўзлаганларини эшитганда қанча қанотланган бўлса, бу аёлнинг оилавий аҳволдан шунча кўнгли чўкди. Бугунгига ўхшаш воқеалар қанча такрорланаркин?

Ҳали оқшом кўлидаги телефон жиринглаганда Насибахоннинг кўзидаги учқунни кўриб ва «Куйингиз эканлар, кузата оламим, яхши кетяпсизларми, болалардан хавотир бўлманг, деяптилар.



Сизларга ҳам салом деб, оқ йўл тиладилар!» деганини эшитиб ўзи ҳам суюнди. Ўша кўнгилни чўктирадиган, бошни эгадиган кун, ой, йилларни қандай енгиб ўтдийкин? Шунча сабот, шунча бардошни қайдан олдийкин?

Ҳа, Ойқиз Насибахон ва Суқсурхонлар билан танишибди-ки, улар ҳақида кўп ўйлайди. Аёллик ҳурмати, ғурури, бахти ҳақида баҳс кетди дегунча, шу икки аёл кўз ўнгига келаверади. Бирининг сабр-бардоши, аёллик маҳорати, латофати олдида таъзим қилгиси келади. Иккинчисининг ҳам ўз ғурури, инсонлик ҳурматининг топталишига йўл қўймагани, дадил ва кескин ҳаракати ёқади. Бироқ қалбининг тубида «Бахт учун бундай курашмайдилар, сал оғирроқ бўлиш керак эди. Юк кўтарган юзага чиқмай иложи йўқ», деган фикр ётади.

Тонг оқариб қолибди. Шерикларининг ширин уйқусига ҳаваси келиб, Ойқиз ҳам бошини ёстиққа қулайроқ қўйди. Икки-уч соат мизғиб олса бўлади. Шу дам Рухсоранинг уйқусидаги майин табассумига кўзи тушиб «Ишқилиб сенинг бахтинг бекам бўлсин, келинчак!» дея шивирлаб қўйди.


КИТОВИЙ АЁЛЛАР

Икки ҳикоя

Биринчи ҳикоя

– Бувижон, телефонни олинг, мен – Ферузбекман!

– Ҳа, дардингни олай! Биз мана шунақа «супер буви» бўлиб қолганмиз, опа! Тошкентда ҳам топиб олишади булар! – Салимахон тезда сумкасидан овоз бераётган қўл телефонини олди. Унинг кўзлари нурланиб, чеҳраси ёришди. Бу бувиларга хос тасвирлаб бўлмас ёруғлик эди. Шу бир оғиз сўз



билан у борлиғини намоён этгандек, менинг ҳам қалбим ёришиб кетди. Ҳа, бу – Карманалик Салимахоннинг айнан ўзи!

Салимахон Умаровани кўпдан танийман.

Ҳамдардлик, ҳамфикрлик – инсоннинг улуғ фазилатлари ҳисобланади. Бировнинг дардини, фикрини эшита билгангина шундай фазилатларга эга бўлиши мумкин. Қолаверса, худо юқтирган одамларгина йўл топиб ана шу ҳамдардлиги, ҳамфикрлигини изҳор этибгина қолмай, кишининг кўнглига ойдинлик кирита олади ҳам.

Навоий вилоятининг «Дўстлик байроғи» газетасида кўп йиллардан бери хизмат қилиб келаётган Салимахон Умаровада шу фазилатлар йилдан-йилга, китобларидан-китобларига тобора ўсиб бораётганидан жуда хурсандман.

Салимахоннинг биринчи китоби ўттиз беш ёшида «Инсон ҳақида қўшиқ» номи билан 1989 йилда «Ўзбекистон» нашриётида чоп этилганди. Дорилфунунни сиртдан битираётган эди ўшанда. Шу китобига муҳаррирлик қилган эдим. Китобча кичик, аммо ҳақиқатда ҳам муаллифнинг меҳнаткаш инсонга мадҳиясидек туюлганди менга. Суҳбатлар, ижодий ҳамкорлик жараёнида Салимахоннинг сунган ёридан бевақт жудо бўлганини, икки ўғилгина бола билан ўзини ўқиш ва ижодга урганини билдим. Очиғи, аёлдаги ўз фикрида турғунлик, шиддат, бир сўзлилиқ ва ҳатто катта ижодкорларга хос озгина жиззакилик унга бўлган ҳурматимни оширди. Ижодда покликка интилиши, тўғрилиги, ҳаётда боридан яхшироқ кўринишга уринмаслигини ҳакамкасбларга кўп ибрат қилдим.

Кейинги ижодий жараёнларини ҳам доим кузатиб бораман: «Қалб дафтари», «Юракнинг ранглари», «Дил тилаклари», «Райҳон ҳиди», мана яқингинада чоп этилган – «Менинг келинчак қизим», «Мунаввар дунё», «Суюк қизалоғим, азиз ўғлоним»...



Бу китоблар Салимахоннинг кейинги йиллар ижоди маҳсули. Унинг вилоят ва пойтахт газета, журналларидаги долзарб масалаларга бағишланган ҳамда маънавий-ахлоқий чиқишларида мени ҳамкасб сифатида қувонтирган нарса – Салимахоннинг бирон дам тафаккур қилишдан, яратувчиликдан тўхтамай олға одимлаётганидир. Китобларидаги қаҳрамонлар ҳаммишадагидек – оддий ва фидойи аёллар. Салимахон бир китобида ўз қаҳрамонларига таъриф берар экан, уларни ҳаммиша ардоғимизда бўладиган райҳонга ўхшатади: «...Бозору бозорчаларни тўлдириб, атрофига харидор чорлаб, минг бир рангда жилоланиб турган, аммо табиат ато қилган муаттар ҳиддан бенасиб ажабтовур гуллар сирасига кирмайдиган» – райҳонга. «...Миллион йиллардан бери азизланиб келинувчи, мактублар қатида маъшуқа қалбининг изҳори дилига айланган гул япроғи ...» – райҳонга.

Табиатан Салимахон Умарова «китобий аёллар»дан. Йўқ-йўқ, у кишини хаёлпарастлар сирасига киритиб бўлмайди. Китобийлиги шундаки, Салимахон одамлардан, унинг табиати, борлиғи, ҳаттоки изтиробларидан, табиат ва ҳодисалардан ҳам китобий ҳикмат ахтаради, излаганларини ортиғи билан топади ҳам. Бундайлар юрт, жамият, аёл дардини юракка яқин оладилар, изтироб билан ундан чиқиш йўлларини излайдилар... Курашда энг керакли, энг кучли қудратни ўз қалблари тубидан, изтироблардан тилиш бўлган юракларидан топадилар. Шунинг учун ҳам бошларига оғир мусибат тушганда ҳам қаддилари дол бўлмади. Аёл учун эр ва элга елка тутиш фаслига етган ўғилни йўқотиш юракни ларзага солувчи ғам... Не-не оловлардан бошларини омон олиб чиқа олдилар. Фақат бу бош бир фасл олдингидан оппоқроқ бўлди, ҳаётнинг аёвсиз фалсафасини не чиғириқлардан ўтказган бу бош олдингидан донишроқ бўлди...



Ҳазрат Румийнинг ҳикматлари ёдингиздами:

«...Дард доимо инсонга йўл очади. Дунёдаги ҳар иш учун инсон юрагида иштиёқ, ҳавас ва дард бўлиши лозим. Акс ҳолда инсон бу ишни қилмас. Дардсиз ва заҳматсиз иш ҳам унга муяссар бўлмас. Дунё ва охират, тижорат ва шоҳлик, илм ва бошқа ишларда бўлсин, барчасида аҳвол шундоқ...»

Карманалик Салимахонга қалам аталмиш неъматни юқорида том маънода илоҳий таърифланган Дард тутқазганига, Ҳаёт ва Эзгулик аталмиш тушунчалар қаламни муқаддас билишга ўргатганига ишонаман. Салимахон бутун борлигини шу устун тушунча – қаламнинг ҳалол нонини ейиш, ижод дардини, заҳматини чекиш билан боғлаган ижодкор. Ўзи билан гаплашганимда, ёзганларини ўқиганимда буни неча бор сезганман. У билан суҳбатлашган киши бу Дарднинг аниқ атамалари борлигини ҳам англайди. Бу – Ҳаётга муҳаббат. Одамларга муҳаббат. Аёл, Онани, Отани эъзозлаш. Фарзандга меҳр. Меҳнатни, ҳалол меҳнатни улуғлаш. Ростгўйлик. Садоқат ва вафо. Тан ва руҳ поклиги. Аёлнинг асосий фазилати – сабр, бардош, тоқатни улуғлаш. Шукроналикни шарафлаш...

Кўриб турганингиздек, бу бир инсон вужуди теграсидан чиқиб кетгудек нарсалар эмас. Бироқ ҳаммаси бир вужудда жам бўлиши ҳам анча мушкул фазилатлар. Ёзганларига қараганда, Салимахон ана шу катта Дардни кичкина вужудига сиғдира олган. У учун мавзунинг катта-кичиги йўқлиги шундан бўлса керак. Ўша Дардни ҳам у катта ва кичикка бўлмайди. Ахир қай еринг оғриса – шу еринг жонку!

«Инсон ҳақида қўшиқ» деб аталган Салимахоннинг биринчи китобида бу қутлуғ дардни у киши муттасил туйишини, бу фазилат ижодкорга яхши мевалар беришига умид қилгандим. У куртаклар яхши унди. Руҳу тан ва қалам баробар улғайди.



Бугунги Салимахон – пирларимизнинг «Идрок эта билгани учун кўкларнинг, ернинг ҳаммаси сўз-дир», деган ҳикматларини дилига мустаҳкам жойлаган ижодкор. Ўзига нисбатан аёвсиз ва талабчан ижодкор. Изланувчан ижодкор. Шунинг учун ҳам Салимахоннинг ёзганларини ўқиганингизда улардаги самимият, ростгўйлик, соддалик сизни ҲАЁТ деб аташмиш ҳикматнинг нақ ўртасида етаклаб юргандек бўлади.

Шарқ китобатида мавзуси қизлар тарбиясига бағишланган китоблар кўп. Бу – ҳамма даврларда ҳам оилада қизлар тарбиясига жуда катта аҳамият бериб келинганидан далолат. Карманалик Салима Умарованинг кейинги китоблари кишининг қалбига ёруғлик олиб кирадиган шу китоблар шодаси сирасидан.

Фикримиз далили сифатида Салимахоннинг кейинги китоби билан танишган Мавлудахоннинг фикрларини келтирамиз:

«Ростини айтсам, бу китобни ўртамиёна қизиқши билан қўлга олган эдим. Муаллифнинг аввалги китобларини ўқимаганман. Одатда, китобни биринчи бор кўрганда бир сидра энгил варақлаб, «кўз танишуви»дан ўтказилади. Аммо китобни ўқиш мобайнида хаёлимни банд этиб юрган ўйларга бир ҳамдард, ҳамфикрни топдим. Биласиз, аёл номи борки, унинг бошида аксарият – оила, болаларининг маънавий-ахлоқий тарбияси; уларни билимдон, оқкўнгил, одам ва оламга теран - тиниқ қарашли қилиб тарбиялаш билан боғлиқ минг бир фикрлар бўлади. Мазкур китоб мутолааси мобайнида ана шу гужгон ўйнаган ўй ва фикрларим расадига тушиб бораётганини ҳис қилдим. Салимахон «ҲАЁТ» исмли устознинг қўлидан қалам олган етук шогирд сифатида ёзганларида излаганларимни анча ойдинлаштириб кўзимга кўрсатгандек бўлдилар. Бундайлар юрт, жами-



ят, аёл дардини юракка яқин оладилар, изтироб билан ундан чиқиш йўлларини излайдилар...»

Салимахон қаҳрамонларининг ўзи ҳам, сўзи ҳам оддий, лекин ҳаётнинг ўзидек серҳикмат. Мана улардан айрим иқтибослар: «Оила деб аталмиш улуғ бир оламнинг бутунлигини асраб турувчи кўргон – эр ва хотин ўртасидаги ишончдир», «Рашикнинг ози дори, кўпи оғу. Меъёридан ошиғи – жаҳолат меваси», «Аёл ҳаммиша туйғулар оғушида юради. Таъсирчанлиги шундан», «Сал билан кўнгли тўлади, сал билан чилчил бўлади», «Одатда, боласи бўла туриб ажрашиб кетган эр-хотинлардан нафратланаман. Ўз дилхушлигини деб норасида қалбга ярим кўнглилик азобини раво кўрган аёлдан нафратланмай бўладими? Кўпинча бундай болалар тоғанинг болалари билан катта бўладилар. Улар кунда туш кўрсалар керак. Онасини... Отасини... Аммо оёғи юрмайди тушида, овози чиқмайди. Бола бўғилиб уйғонади. Эртасига у кун бўйи ўйчан бўлади...»

Бу – Салимахон дардларидан шингил, шингилчалар... Қизларимизни, келинларимизни ҳаётнинг ҳар дақиқасидан сабоқ яратишга ўргатадиган лавҳалар. Бу – фикрлаш, мулоҳаза қилиш, ўзни том маънода таниш, хулоса чиқаришга ўргатадиган лавҳалар... Киши қалбидан бўшлиқни қувадиган лавҳалар... Салимахоннинг ёзганлари қизларни турмушга тайёрлаш номли «**ўқиниш**»дир.

«Халқимизда «Аввало одам бўл!» деган гап бор. Инсон одамийлик дарсини аввало оилада олади. Биз узатаётган қизларимиздан оқила бўлишни талаб қиламиз. Оқила бўлиш эса мулоҳазакор бўлиш, яхшига таҳассуб қилиш, ҳаётда «турмушнинг мушти»га рўпара келганда ўзни йўқотмаслик демакдир. Қиз-келинларимизга ҳаётнинг ўзидай кўҳна нарсалардан сабоқ ҳаммиша зарурдир», – деганида Салимахон, албатта, ҳақдир.



Искинчи ҳикоя

Туни билан навбатчилик қилган ҳамшира ёнида қош-кўзлари қоп-қора, оқ халат ва қалпоқчаси ўзига ярашиб турган, юзи нурли аёлни бошлаб келди ва деди:

– Бугун Маҳбуба опам навбатчилик қиладилар, у киши яхши ҳамширагина эмас, дурустгина шоира ҳам. Беморларга ширин сўзлари малҳамдек кор қилади.

Газета-журналларда хизмат қиладиганлар орасида «Ҳар икки ўзбек қизининг бири – шоира!» деган ақида яшайди. Яна онгимизда «шоир» ташбеҳи кишилар исмига бевосита шеър ёзгани учунгина эмас, сухандонлиги, ҳаётга чуқур ва теран қарагани, ҳар бир ҳолатда яхшилик излагани, мулоҳазакорлиги, чиройли фалсафаси борлиги учун қўшиб айтилишини ҳам эътироф этамиз.

Маҳбубахон ҳақида юқоридаги гапни эшитганимда у киши ана шундай шоира, китобий аёлларнинг бири бўлсалар керак, деб ўйладим. Янгилишмаган эканман.

Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли касалхонанинг юрак хасталиклари бўлимида даволанганимда Маҳбубахон ҳар навбатчиликка келганида аста суҳбатга тортиб, беш фарзанди борлигини, келин-куёвли, набирали бахти бекам аёл эканлигини билдим. Ҳақиқатда ҳам шеър машқ қилиб турар экан. Лекин шеър у учун асло эрмак эмаслигини ҳам англадим.

Шеърларидан намуналар олиб келишни илтимос қилдим. Улар билан танишгач, Маҳбубахоннинг таржимаи ҳолини сўрашга ҳам ҳожат қолмади.

Маҳбубахон шеърни шакл учун эмас, мазмун учун ёзадиганлардан. У киши шеърни тирикчилик учун эмас, тириклик учун, ўзлигини барқарорлаштириш, руҳини адо тутиш учун ёзади. Шуҳрат



ҳам Маҳбубахонни чамаси қизиқтирмайди. Беморларнинг оппоқ халатли ҳамшираларга ҳурмат ва эътибори, самимияти унинг учун шуҳрат чўққиси. Шулар билан ғурурланади ҳам, қаноатланади ҳам. Шуҳратга зор бўлганида шеърларини даста-даста қилиб газета-журналларга, радио ва телевидениега олиб борган бўларди. У бундай қилмайди. Менга ҳам «Шеърларингизни бир кўрай?» деб бир неча бор илтимос қилганимдан сўнггина «Диққатингизни олишга арзигулик нарсалармикин?» деган андиша билан берди.

Шунда шеърият Маҳбубахон учун ҳаётий зарурат эканлигини англадим. Шеърларини шунчаки ўқиганим йўқ, аёл оламини ўрганишимда асқотади деб, айрим банд ва байтларини кўчириб ҳам олдим.

Маҳбубахон сўзсиз «китобий», «самовий» аёллар сирасига киради. Ва бу шеърлар ҳам баъзида унинг ўзигина эшитадиган қалб нидоси эканига ишондим. Бу нидо унинг ўз қаддини тик тутиб туришига ёрдам беради, қошидан ўсмани аритмасликка чорлайди, кўзини учқунли қилади, ўзини рисоладаги аёллардек тутишига кўмаклашади. Шеърият Маҳбубахон учун мана шунақа – кўп аёллар излаб топа олмайдиган антиқа дори!

Мен Маҳбубахонни китобийлар сирасига киритганим бежиз эмас. Бундай аёллар ҳаётда қоқилдилар, суқуладилар, изтироб чекадилар, лекин енгилмайдилар, йиқилмайдилар, синмайдилар. Улар енгувчанлик қудратини ўз қалбларидан оладилар. Ҳар бир хатти-ҳаракатларини «хўжақўрсин»га эмас, ўзлари учун тўлиқ ва бўлиқ ижро этадилар. Шунинг учун уларни кўплар «тўғрилар» сирасига ҳам киритишади.

– Тўққизинчи синфни битиришингиз биланоқ турмушга узатишибди. Тақдирга тан бериб уйда қолиб кетмаганингизнинг боиси нима? Йигирма ёшда икки фарзанд билан кечки мактабни туга-



тишга, яна етти йилдан сўнг ўқишни давом эттиришга, тўрт фарзанд билан тиббиёт билим юртини қизил диплом билан битиришга кучни қайдан олдингиз? – деб Маҳбубахондан сўрай олмадим. Унинг ҳаёт йўлини эсласам, кўз олдимга «Москва кўз ёшларга ишонмайди» фильмининг асосий қаҳрамони келаверди. Маҳбубахоннинг аҳволи уникидан қолишмагандир. Ахир ўзбекчилик деган гапни бир сония унутиб бўлмаса!

Маҳбубахон ўз тақдирини ўзи идора эта оладиган аёллардан. Яъни ўз тақдирини ўзи яратадиганлардан. Яратганда ҳам уруш-жанжаларсиз, араз ва ситамсиз, қўйди-чиқдисиз... Унинг ҳаммаша ишонч ва эзгуликка тўлиқ китобий қалби учун бу тушунчалар бегона. Аёл отлиғ мўъжизага унинг ҳурмати бўлакча! Билим юртини тугатган йилларда ёзган бир шеърдан бир байт келтирамиз:

*Йўқ нарсадан бор қилган ижодкорсиз, аёллар,
Иш ва уйни тиндирган миришкорсиз, аёллар!*

Яна бу метин қалбга, беш болалик аёлга оила, иш ташвишлари аро маъсумлик ва ҳижрон аламлари бегона бўлмаган. Бу кечинмаларни ажиб ўхшатиш билан ифодалашга ўзида куч, иштиёқ, завқ топа олган:

*...Қарс тундан қаро бўлди
Бу кўзлар сенинг ҳажрингда...*

Сезяпсизми, Маҳбубахон шеърларидан мисол келтиряпмиз-у уларнинг бадийлиги ҳақида эмас, шу бандларда ўзини ифода этган аёл қалби ҳақида кўпроқ тўхталяпмиз. Зеро, Маҳбубахон ҳаётда аёл ўрни, вазифаси, аҳамиятини тўғри тушунган аёллардан. Шу тўғри тушуниш, аёллигидан ифти-

хор қилиш, шукроналик ифодаси ўзлигини мустақкамлаш, барқарорлаштириш, келажакка куч тўплаш учун хизмат қилишни акс этган бандлар унинг дафтарыда жуда кўп:

*...Оилани мустақкам қилган,
Севги, ҳурмат, вафо ҳислари.
Ҳаётингни завққа тўлдирган
Фарзандларнинг шод кулгулари...*

Ёки:

...Аёлман, гўёки мевали боғман...

Ёки:

*...Аёлга ярашар завжалик бахти,
Шоҳларнинг тахтига бергусиз тахти.
Сезилмай ўтади ҳар кун, ҳар вақти
Ҳаётда ўрнини топган аёлнинг...*

Аёллар даврасида Маҳбубахонга ўхшаганларга, китобий, самовий аёлларга кўп дуч келинади. Аммо уларни дарров пайқаб, меҳр қўя олмаймиз. Чунки улар айримларимизга ўхшаб зеб-зийнат, ялтироқ либослар билан кўпнинг эътиборини ўзларига тортмайдилар. Уларнинг аксарияти давраларда кейинроқ, гап гапга қовушгачгина ўртага ташланган бир-икки мулоҳазадан сўнг пайқалади. Кўнгли очиклиги юзида, эзгу тилаги сўзида бўлади уларнинг. Суратларига қараб айримлар уларни унча рўйхуш бермай кутиб олган бўлсалар-да, сийратларини билиб олгач, яна суҳбатини олсам дейишади.

Маҳбубахонга ўхшаган аёллар (биз уларни китобий аёллар деб атадик) ҳаётда кўп қийинчилик кўрсалар-да, «ҳасратларидан чанг» чиқармайди. Ҳаммага кўнгиларини дастурхон қилавермайди. Оғир кунларида сабрни, яхши кунда шукрни шу сокин қалбларидан топадилар. Аллоҳнинг бир



ёмондан сўнг икки яхшини бериш ваъдасига ишон-
надилар. Тойганни йўлга солиш, қоқилганни суяш
куватини ҳам улар шу ишонч тўла кўнгилларидан
оладилар. Маҳбубахон ўз кўнглига шундай ташбеҳ
берган бандни келтирай:

*...Ҳаммага омонлик, омад тилайсан,
Кенгликда самога қиёссан кўнгил...*

Тўғри, айримлар Маҳбубахонга ўхшаган кито-
бийларни мутлақо тушунмаслиги, «Модный кийи-
нишни, дуруст тақинчоқ тақишни билмапти-ю ки-
тобий сўзлаганига ўлайми?» дейиши ҳам мумкин.
Чунки улар китобийларнинг Маҳбубахон бир бай-
тида ифода этган ва дастурига айланиб қолган:

*...Хашамат, давлатга ўрганмаганмиз,
Бойликка етолмай ўртанмаганмиз...*

қарашларидан анча йироқ. Лекин айнан шу қа-
рашлар китобий аёлларни давраларнинг тўрига
олиб чиқади.

Йиллар ўтаверади. Бундай аёлларнинг сочига оқ
ораласа ҳам, кўнгли қаримайди, қийинчиликларда
бир чиройли сабр ва сабоқ кўради, хуллас, китобий-
лигича, самовийлигича қолаверадилар. Ажаб, бун-
дайлар ҳатто ёмғир шивалаганида ҳам, Маҳбубахон
бир шеърида ифода этганидек, ажиб қўшиқ оҳан-
гини топадилар. Оддий уй бекаси, Маҳбубахондек
оддий ҳамшира бўлиб ҳам кичик кўксига кенг Ва-
таннинг ғурур ва ифтихорини жо қиладилар:

*...Бундан буён ўзбегимни жами инсон танигай,
Наки инсон, эндиликда жумла жаҳон танигай!*



Аёл кишининг ёшига урғу бериб бўлмайди дейишади.

Палатадошим уч кам етмишга чиқибдилар. Катта ёш... Кишининг руҳи анча ҳаловат топадиган, хаёл дарёлари сокин оқадиган палла. Уларда ҳам аввалига шуларни кўргандек эдим. Чунки саҳарда бировнинг турткисисиз ўринларидан туриб, шарпа чиқармай таҳорат оладилар. Кейин каравотга сочиқларини ёзиб ўтирганларича намоз ўқийдилар. Кафтларини очиб узоқ дуо қиладилар.

Кейин саҳар ғира-ширасида кўзойнак тақиб бир оз Китоб ўқийдилар...

– Кунда бомдоддан сўнг «Ёсин»ни бир ўқиб туширсам, кўнглим хижил бўлиб тураверади. Овқат есам, қорнимнинг оч жойига тушмаётгандек туюлаверади... – дегандилар дастлабки кунларда.

Аммо хаёллари тугул ҳаётлари ҳам, руҳ ҳам сокинликдан, ҳаловатдан анча йироқ экан. Айрим кунлари кундузлари ҳам аллақандай носоғлом уйқу билан тош қотиб ухлайдилар. Баъзида эса бир жилдга тиқилган икки ёстиқ эрмак – дам каравотнинг у ёрига, дам бу ёрига кўчаверади, дуркун вужудлари туни билан тўлғаниб чиқади...

Томчи дориларининг охири томиб бўлгунича жуда бетоқат ётадилар.

– Сизнинг одатингиз яхши экан, – дедилар кеча ҳамшира томчи дорини томирга улаб кетганидан сўнг. – Китоб ўқиб, вақтнинг қандай ўтганини билмай ётаверар экансиз. Китоб олиб келиш менинг хаёлимга келмабди...

Бугун муолажалар бошлангунича касалхона кутубхонасига кириб, у кишига китоблар олдик. Ҳамшира томчи дори қўйгани кирганида мени йўқлаб келиб қолишди. Дадамиз эканлар.



– Капелницадан олдин оз-оз тамадди қилиб ола-
сизларми деб қайноққина кабоб келтиргандим.
Сал кечикибман-да, эсиз, – дедилар палатадо-
шимга томчи дори қўйилганини кўриб, йўлакка
қайтиб чиқар эканлар.

– Ҳечқиси йўқ, ҳозир чой дамлайман, Ҳуринисо
опа капелницадан турсинлар, бирга тамадди қи-
ламиз. Яна овора бўлди-гизми, дадажониси? Айт-
димку: ҳеч нарса керакмас, касалхонанинг овқати
яхши, бизга шулар етарли, деб. Ҳозир болалар ҳам
телефон қилиб ҳол-аҳвол сўрашди. Айтиб қўйинг,
хотиржам ишларини қилаверишсин. Уч-тўрт кун
сизлар ҳам биздан дам олинглар, а, Ҳуринисо опа?

– Нега ундай дейсиз, онаси, сизсиз уй ютиб ке-
таётганмиш. Набиралар кунда «Бувимни қачон
олиб келасиз?» деб ҳоли жонимга қўйишмаяпти.
Сиз уйда бўлсангиз, «Ҳовли ҳам бошқача бўлар-
миш!» Уларнинг топган гапини қаранг!

– Танлари дард билмасин, умрлари узоқ бўлсин!
Озгина қолди деб айтинг, бирон ҳафтадан кейин
муолажаларни тугатамиз. Кўп овора бўлиб келиб
юрманглар, болаларимга салом айтинг, – дадасини
кузатар эканман шуларни тайинладим.

Ҳамширага Ҳуринисо опанинг томчи дорилари
тугай деб қолганини, хабардош бўлиб вақтида иг-
нани олишини тайинладим.

Лифт олдида дадаси билан бир оз гаплашиб ту-
риб қолдик. Палатага қайтганимда Ҳуринисо опа
ҳиқиллаб йиғлар, қовоқлари шишиб кетган, ҳам-
шира унга тинчлантирадиган дори бераётган эди.
Дорининг ҳиди палатани тутиб кетганди.

Нима бўлдийкин?

– Вақтида игнани олдингизми? – секин сўрадим
ҳамширадан.

– Ҳа, келсам, мана шундай йиғлаб ётибдилар.
Врачимиз уч-тўрт хил тинчлантирадиган дорилар-



дан «коктейл» тайёрлаб беришни тайинладилар. Бу истерия экан. Ҳозир яхши бўлиб қоладилар...

Истерия?! Нега дабдурустдан?

Ҳамшира айтмоқчи ярим соатлардан кейин кичкина столнинг икки томонида кабоб еб, хотир-жам гаплашиб ўтирардик. Аниғи, асосан Ҳуринисо опа гапирдилар, мен уларни диққат билан тинглар эканман, минг бир хаёл кўчасига кириб чиқдим.

– Ҳасад қиялпти деманг, ҳавасим келганидан юзингизга айтяпман. Касалхонага ётқизиб кетганларидан бери эрингиз кунда келадилар. Илоҳим кўша қаринглар! Бир-бирини севиш, ардоқлаш, бир-бирига суюнч бўлиш шунчалик бўлар! Мана бундай қариган чоғингда иззатланиш ҳаммага ҳам насиб қилавермас экан, синглим... Мендан тўрт-беш ёш кичик бўлсангиз ҳам, оғир дардингизни енгиб ўтишингизга қувват берадиган жуфти ҳалолингиз, меҳрибон болаларингиз, энг кераклиси – ёшингиз бир жойга борганда пардозсиз ҳам юзингизни нурли, фариштали қилиб турадиган ҳаловатингиз бор экан. Бу – аёл киши учун жуда катта бахт, жуда катта бойлик... Сизда бор ўғил-қизлар сони сизникидан ортиқроқ, менда ҳам бор, худога шукр! Қирқ йил бирга яшаган эр ҳам бор эди... Қазолари етганига икки йил бўлди...

Бугун кутубхонадан олган китобларимизга ўхшаган китобларни қирқ йил олдин ўқимаймани! Балки ақллироқ йўриқ тутган бўлармидим... Ҳаётим бошқачароқ бўлармиди. Рўзгор тутишни билибман-у, эр тутишни асло билмабман... Биласизми, бугун ўтган умримга аза очдим шекилли...


Чунки бугун салкам етмиш йилнинг беҳуда ўтиб кетганига ишончим комил... Чунки бугун қирқ йил бирга яшаб туриб ҳам, эримнинг кўнглида ёрқин муҳаббат уйғота олмаганимга, энг ачинарлиси, қайси бир ғурур чўққисидан тушмай, тушишга ҳатто интилмаганимни ҳам яхши тушуниб турибман.



Кўнглида хотинига, оиласига муҳаббати бор эркакларгина меҳрга, шафқатга эга бўлишлигини, бунинг заминини анча олдин, бир ёстиққа бош қўйгандан бошлабоқ аёл киши тайёрлашини бугун яхши англаб, буни эпламаган аёл сифатида катта гуноҳлар тагида қолмадиммикин деб ҳам ўйляяпман.

Энг даҳшатлиси, биласизми, бугун болаларимнинг меҳри самимий эканига ҳам ишонмайман. Менга кўрсатишаётган оқибатлари чин дилдан «Онам!» деб эмас, шунчаки, менинг ҳадеб «Ахир мен – онангман!» деб писанда қилаверишим оқибати зириллабгина қилишаётгандек кўриняпти. Тўғри, тўрт ўил кунига бир мартадан навбатма-навбат хабар олиб туришибди, тансиқ таомлар олиб келишяпти. Кузатган бўлсангиз, ҳеч қайси беморнинг олдига менга келгандек кўп одам келмайди. Лекин назаримда улар мени кўргани муҳаббатлари туфайли эмас, мардум нима деркин андишасидан келишаётганга ўхшаб туюлаверади. Келинларнинг ҳаммаси турли тоифа! Бири биридан ўзсам дейди! Фалончининг боласиман, деб ҳар бири ҳушига келганини қилаверади. Айниқса, иккита каттаси асло бошвоғини тутқазгиси келмайди... Нега улардан фақат ёмонлик қидирдим деб, мана фақат бугун бир жиддий ўйлаб қолдим. Рост, ишонинг. Бугунгача ҳамма келинлар менинг келинлигимдаги каби қайнонанинг айтгани айтган, дегани деган бўлиши керак, деб ўйлаб келардим.

Эрим тириклигида туғруқхоналарда ётганимни демаса, ҳеч қачон касалхоналарга ётган эмасман. Ҳатто болаларимни туғиб ётганимда ҳам бирон марта борган эмаслар. Туғруққа ҳам ўзим бориб, ўзим қайтардим... Ҳозирги келинларга учта машина юбормагунингизча туғруқхонадан чиқишмайди... Деразадан хотинининг исмини айтиб чақирган оталарга ҳавасим келарди. Ҳалати эркалаш оҳанги бор бу чақириқда, биласизми? Менинг



эса бир умр отим «хўв!» бўлиб ўтди... Ахир мен ҳам аёл, она эдим-ку! Яна оддий, уйда ўтирган аёл эмас, олий маълумотли, районда обрўли, ёшларнинг қарийб ҳаммаси танийдиган, ахир райком комсомолнинг секретари бўлганман... Анча шахдам, адл эдим... Оилада эса...

Сизнинг оилангиздаги каби бирлик, ҳамжиҳатлик бизда умуман йўқ эди. Назаримда оиламизда ҳамманинг, айниқса, эримнинг ўз ҳаёти, менинг эса ўз ҳаётим бор эди. У киши ўз оқимида оқса, мен эса ўзга, тушуниксиз ўзанда эдим... Лекин бу мени ташвишга солгани ҳам йўқ...

Лекин шу одамдан беш фарзандлик бўлдим... Ижозатларисиз лоақал ота-онамни кўргани бир йилда бир марта бора олмасдим... Хотин бўлиб «Вой, адажониси-ей, сиз борсиз – мен борман-да!» дея олган хотин эмасман. Эр-хотин бўлиб бундай ҳоли ўтириб ҳасратлашганимизни ҳам эслолмайман. Ҳеч бир ишларига, муаммоларига мени яқинлаштирмасдилар. Ҳатто қазолари ҳам менсиз бўлди... Охирги «либос»ларини ўз қўлим билан олиб бериш насиб этмади... Операциядан кейин жонлантириш бўлимида ётган эдим... Етти маъракаларидан кейин менга айтишди. Ўзимни йўқотганим йўқ-ку, аммо танг қотганим рост: бир-биримизга ким эдик, деб ўшанда биринчи марта жиддий ўйладим...

Кунда кутадиган талай-талай меҳмонларига махсус ошпаз, пазанда эдим холос... Ертўла масаллиққа тўла бўларди. Аммо қайнонам «Бу – кечқурун келадиган меҳмонларники!» деб қўл урдирмасдилар. Неча қутилаб лимонлар ириб кетса, кетардики, биттасини олишга йўл қўймасдилар... Бу зиддият, бу тарангликни аввало ўзим сезмаслик учун, қолаверса, бошқаларга писанда қилмай хизмат қилиш учун, гуноҳ бўлса ҳам айтай, кунда ертўлага тушганимда бир коса-бир коса шароб



ичиб олардим. Ўшанинг кучи билан сунъий руҳимни кўтариб юраверардим...

У кишидан кейин ўз ҳаётимни бошқа оилалар билан таққослаб, мана бугунгидек ичим сидирилиб кетадиган бўлиб қолди...

Нега шундай бўлди деб кўп ўйлайман.

«Эр-хотин – кўш хўкиз!» деган гапнинг маъноси-га ҳеч эътибор берганмисиз? Бу ҳикматда гап кўп! Назаримда эрим билан иккимизнинг юкимиз етарлича оғир бўлди-ю, лекин уни тортишда уйғунлик йўқ эди. Мақсадимиз ҳам бир бўлмади чоғи. Фикримча, яхши топар эдилар. Рўзгоримда камчилик бўлмасди. Кунига икки-учта меҳмон келарди. Аммо шунча давлатни қаердан топяпсиз деб суриштирмаганимдек, келаётган меҳмонлар кимлар, қандай одамлар деб сўрамасдим. Нима ишим бор? Қорним тўқ, эғним бут! Биламан, эрим катта бир корхонани юргизяпти. Даромади кўпдир-да! Оилада ҳам нафаслик, ҳамфикрлик, «бир ёқадан бош чиқариш» нималигини билмасдик. Аслида шундай бўлиши кераклигига ақлим ҳам етмасди!

Эрим кўп топиш пайида бўлгани учун менга бепарвомиди?

Мен-чи, мен нега у кишини худди бегонадек тутдим? Айтяпман-ку, биз бирга томошаларга бориш у ёнда турсин, ҳатто уйда ёлғиз қолган вақтларда ҳам мана бу китобда айтилганидек, бир-биримиз билан соғинишиб суҳбатлашмасдик, умримда нимадандир шод ёки норози бўлибми, эримга кўнглимни ёзган эмасман, у киши эса менга ҳеч қачон «Кел, бирпас ёнимда тин олгин! Бир чойнак чойни иккимиз бир майдалаб ичайлик!» демаганлар. Вазирларми, бошқарма бошлиқлари, райком котиблариникига ясан-тусан қилиб, катта тоғораларда тансиқ таомлар тайёрлаб бориш бундан мустасно! Зеб-зийнатим жойида, пардоз-андозим жойида,




ҳамманинг ҳаваси келгудек жуфт бўлиб кўринардик. «Дунё – сахна! Одамлар – актёр!» деб ким айтган бўлса ҳам, тўғри айтган экан! Эру хотин бўлиб роль ўйнаб ўтдик.


Тўрт ўғил, бир қизим топармон-тутармон бўлишини орзу қилардим. Овози яхши бўлмай, ашулачи бўлса ҳам майли, кўп пул топса бўлгани! Пули кўпларни жуда яхши кўраман, пайқадингизми? Ҳаётнинг маъноси – пул! Суягим қотиб қолгани учунми, аслида педагог бўлсам ҳам, ҳозир сизга шундай деишига ҳам уялмаяпман... Балки бу тавбамдир...

Айри кетган кўчалар учрашмас экан! Саксонга кириб қазо қилдилар, аммо йўлимиз айри бўлди. Ҳали айтганимдек, ҳатто сўнги йўлларига ўзим кузатмадим... Болаларнинг топиши яхши. Бири – милиса, бири – солиқда, бири – божхона майори... Аммо ўзим шунчалик яхши кўрган пулларни қўлимда узоқ тутиб туролмайман. Қарзларига кетяпти... Эрим ўлганларидан кейин ҳар кимдан катта-катта қарз кўтарганлари маълум бўлди. Уч катта ўғилга деб солинган данғиллама участка корхонадан кўрилган фойдага эмас, қарз эвазига қурилган экан... Мен атоқли кишиларникига тақиб борадиган зеб-зийнатлар ҳам эримнинг ҳалол топганига эмас, кейин тилхатлар юзага олиб чиққан қарзлар эвазига... Қиз бўйига етганда келтирилган антиқа мебеллар ҳам қарзга олинган экан... Икки йилдан бери қарз тўлаб чарчадик... Касалхонага ҳам мени шу вазият олиб келди шекилли...

Умримда биринчи марта аёл кишининг оиладаги ҳақиқий ўрни ҳақида ўйлай бошладим. Иккимизга иккитадан тўртта кабоб нима деган нарса... Аммо шуни ҳам олиб келманглар деб хўжайинингизга тайинлаяпсиз. Қизғанганингиздан эмас, албатта... Режали эканингизданми? Оилангиз, болаларингиз аҳволи-руҳиятидан хабардор-



лигиздандир балки? Қайдан оляпсан, қайга сарф қияпсан деб қизиқшингиздандир, яхши маънода тергаб туришингиздандир балки? Тунов кун қизингизга ҳам янги ичкўйлак олиб келгани учун раҳмат айтдингиз-у «уйдаги борини олиб келавермабсан-да, онам», деб койидингиз. Болаларингиз эса сизнинг хаста кўнглингизни кўтаришга орзумандлиги шундай сезилиб турибди! Муомалаларининг самимийлигини қаранг! Мен каби катта еб, катта киймагандирсиз... Лекин борингизга қаноат қилиб, болаларингизнинг кўпдан кам бўлмаслигига, бири-бирига оқибатли бўлишига интилиб келар экансиз, буни аввало эр-хотин икковингизнинг меҳрибончиликларингиздан сездим. Аёл киши уйнинг устун дейишади. Сиз ҳақиқий устун бўла олибсиз. Сизсиз уйда ҳатто набираларингизнинг ҳам ҳаёти бошқачароқ кечаётганини айтишди... Мен ўзим ҳақимда ундай дея олмайман...



Мана китобимизни ҳам тугатдик. Аммо суҳбатларимиз тугагани йўқ.

Олти мучалли умримнинг охириги икки мучали давомида «Қизлар китоби» ва «Келиннома» дилимга тинчлик бермади. Мана, шунча вақт ўтиб, уларни кўнглимдагидек бита олганимга, алқисса, ниятимга етказганига қалбим Ўзига беадад шукрлар билан тўлиқ. «Келиннома» 2013 йил бошида «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» илмий нашриётида чоп этилди. «Қизлар китоби»ни ҳам мана варақлаб турибсиз. Демак, умр беҳуда кетмабди.

Назаримда, шунча йиллар бу икки китобнинг кўнглимга тинчлик бермагани бежиз эмасдек. Кишининг ёши каттариб боргани сари унинг қалбида муттасил «Болаларим учун нималар қилдим, уларга ўзимдан нималар қолдираман?» деган ўйнинг бўлиши табиий. Ахир инсон фарзандларни дунёга келтирган экан, улар олдида ҳисоб бериши кераклиги табиий-ку. Шундай ўйлар исён кўтарган вақтлар кўз олдимга шу икки китоб келаварарди. Орада неча бор юрак хуружлари ва офир жарроҳлик амалиёти туфайли бошимни ёстиқдан, жисмимни тўшакдан кўтара олмаган, ҳамма билан видолашган вақтларим бўлди. Балки қиз-келинларга китоблар ёзиб қолдириш ниятларим хайрлилиги эвазига тақдир мени ҳар гал сийлагандир, ичингдагини айтиб қол дегандир. Яратган менга меҳр кўзи билан қараб келяпти, Ўзи куч-қувват беради деган ишонч қалбимда доим турғун эди.

«Қадим замонларда одамлар болаларига мерос қолдиришган. Яхшиликками, ёмонликками, ҳар қолда ҳар ким қурбига яраша мерос қолдирган. Айрим мерослар ёвузлик, гуноҳкорлик ва адолатсизликлар билан тўлиб тошган бўлади. Менинг қолдирган меросим ҳеч кимга зиён-заҳмат келтирмайди. Бу ёзганларим менинг руҳимгина холос. Болаларимга қолдирадиган бошқа бойлигим йўқ...» – деган эди



Чингиз Айтматовнинг биз астойдил ҳурмат қилган қаҳрамонларидан бири.

Сирасини айтганда, замонлар ўзгариб, тобора техника тараққий этгани, шуларга ўлароқ замон чархпалаги тезлашиб, шиддатлироқ бўлиб боргани билан, авлодларни боғлаб турадиган муқаддас нарса – айнан **МИЛЛАТ РУҲИДИР**.

Миллат руҳи ота-она меҳри, бобо-бувилар ўтитла-ри орқали гўдаклигимиздаёқ қалбимизга сингиб ке-тади. Ҳали тили чиқмаган, атак-чечак қилмаган бо-ланинг ота-онасини, бува-бувисини кўрганида худди дунё ичидан тошиб чиқаётгандек топ-тоза жилма-йишига, уларга талпинишига эътибор берганмисиз? Ўзига нисбатан меҳрни, самимиятни қалби билан қабул қилади-да улар! Руҳ билан руҳ муомаласидир бу. Шунинг учун ҳам улар назарида катталар талай вақтгача энг ақлли, эътиборли, адолатли кўринади-лар. Улғайгандан сўнг эса улар наздида ўша меҳрли катталар содда, гўл, эзма бўлиб кўрина бошлайди. Саҳарлаб кўча супуришга чиққан аёлнинг ўз ишидан қониқишига, асфальтдаги шу ердан ўтган минглаб кишиларнинг оёқ изларида бутун бир ҳаётни, чар-хи дунни кўриши, қалби шундан кўтарилиши ҳақи-даги ҳикоясига ишонишмайди. Кўз юмиб туриб ҳам ўзлари бутун дунёни кўра оладиган компьютерлари-да бу руҳий кўтарилиш, эл хизматидалиги савобини туйиш, шундан қониқишни кўрсатадиган мезонлар йўқ-да. Айрим ёшлар кексалар устидан кулишга ҳам андиша қилишмайди. Замон шитоби, тамаддуннинг тезоб одими ўлароқ ёшларимиз қалб, юрак, миллий руҳ, одамийлик асносида катта бўлганларини уну-тишяпти чоғи. Ҳолбуки, биз маънавияти бўлиқ, руҳи ҳамиша тўлиқ, шундан ўзимиз улур кишилармиз.

«Қизлар китоби» ва «Келиннома»ни тайёрлаётган-да айнан шу туйғулар туганмас қувват бериб турди.

2009 – 2016 йиллар

Абдулазиз Мансур. Куръони Карим *маъноларининг таржимаси*. «Тошкент ислом университети» нашриёти, – Т.: 2001 й.

«Илоҳий ҳадислар». «Чўлпон» нашриёти, 1994 й.

Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари) «Ўзбекистон», – Т.: 1990 й.

Аҳмад Яссавий. Девони ҳикмат. – Т.: 1992 й.

Юсуф Хос Ҳожиб. Кутадғу билиг. «Юлдузча», – Т.: 1990 й.

Хусайн Вонз Кошифий. Футувватномаи султоний ёхуд жавонмардлик тариқати. «А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти», – Т.: 1994 й.

Хусайн Вонз Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. «ЎзМЭ». – Т.: 2010 й.

Имом Ғаззолий. Эй, фарзанд. «Мовароуннаҳр», – Т.: 2005 й.

Муҳаммад Ҳайдар мирзо. Тарихи Рашидий. – Т.: «Шарқ».

Ғуломуддин Акбарзода. Таълими соний. «А. Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти», – Т.: 1993 й.

Ғариддин Аттор. Тазкират ул-авлиё. – Т.: 1997 й. «ЎзМЭ»

Ҳожин Аҳмадҷон Бобомурод. Ислом одоби ва ахлоқи. «Мовароуннаҳр» – Т.: 2008 й.

Ризоуддин ибн Фаҳруддин. «Оила»

Олимат ул-Банот. «Муошарат одоби». «Меҳнат», – Т.: 1991 й.

«Маънолар маҳзани». «ЎзМЭ» –Т.: 2001 й.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Руҳий тарбия. 1-3 китоб.

Ғаҳриддин Расул. Ахлоқнома. «Фан». 1996 й.

«Энциклопедия молодой женщины». «Прогресс». – Москва: 1985 г.

«Для вас, девочки!» «Детская литература». – Новосибирск: 1993 г.

«Ҳотин-қизлар энциклопедияси». «ЎзМЭ» – Т.: 1999, 2002, 2009, 2010 й.й.



- «Ўзбек пазандалик санъати».** «ЎзМЭ» – Т.: 2005 й.
«1001 саволга психологнинг 1001 жавоби».
 «Меҳнат», – Т.: 2001 й.
- Чингиз Айтматов.** Асрга татигулик кун, Қиёмат,
 романлар.
- Тоҳир Маалик.** Меҳмон туйғулар. «Шарқ». – Т.: 2002
 й. **Тоҳир Маалик.** Тош қалбларга зинҳор назар солин-
 мас. – Т.: 2010 й.
- Тоҳир Маалик.** Келинлар дафтарига. «DAVR
 PRESS», – Т.: 2009 й.
- Маҳмудхўжа Нуриддинов.** Либос ва ҳижоб.
- Зиёвуддин Раҳим, Севара Абдуллоҳ қизи.**
 «Қуръони Карим фазилатлари ва одоблари. «Моваро-
 уннаҳр». – Т.: 2005 й.
- «Ислом энциклопедияси».** «ЎзМЭ» – Т.: 2004 й.
- Санд Аҳрорий.** Танланган асарлар. – Т.: «Маъна-
 вият» 2001. «Оила китоби» (*Хоним-қизларимизга тор-
 тик*) бўлими.
- Раҳима Шомансурова.** Руҳ поклиги – дил жило-
 сидан. – Т.: «ЎзМЭ» 2004.
- Раҳима Шомансурова.** Келиннома. – Т.: «ЎзМЭ».
 2013.
- Секреты настоящей женщины.** Популярная эн-
 циклопедия. 1-2 том. – Санкт-Петербург: Издатель-
 ская группа «Весь». 2005 г.
- Ойша Тўраева.** Хуш келибсиз! – Т.: «Ўзбекистон»
 1988 й.
- Карим Маҳмудов.** Ўзбек таомлари.
- Исломбек Ғаспран.** Туркистон саёҳатлари.
 «Жаҳон адабиёти» журн. 2010. № 10.
- Тарбия.** (Ота-оналар ва мураббийлар учун энцик-
 лопедия) «ЎзМЭ». – Т.: 2010.
- Семейное воспитание.** *Краткий словарь.* – М.:
 Издательство политической литературы. 1990.
- Луций Анней Сенека.** Нравственные письма к
 Луцилию. Научно-издательский центр «Ладомир» –
 «Наука». – М.: 1993.
- Беморларни уйда ва шифохонада парваршиш
 қилиш.** «ЎзМЭ». – Т.: 2011.



МУНДАРИЖА


Азиз набира қизларим!..... 6

Қирқ қизнинг ибрати

Ойзода ва Севинчнинг китоби.....	12
Ассалому алайкум.....	14
Қўшни эшик.....	17
Ҳавас.....	19
Қадр.....	23
Бойчечак.....	27
Фариштали қизлар.....	29
Тақлид.....	33
Энг билимдон китоб.....	37
«Мен бувимнинг қизиман...».....	41
Опа ва ука.....	44
Жамоа қудрати.....	47
Қалбнинг қувват олар чашмаси.....	50
Тунги қўнғироқ.....	55
Қиз боланинг ҳусни – ҳаё ва одоб.....	59
Симда ҳам жон бор... ..	64
Китобларда битилмаган одобнома.....	68
Бу – бобомга, бу – бувимга.....	71
Қиз – кўнгил малҳами.....	75
Биринчи мактуб.....	77
«Уй кўтариш» шартми?.....	81
Ойимлардан ўргандим.....	85
Ҳавас қилинг, яхшилиқка интилинг!.....	87

Ўрганганинг – ўзингга...

Нондек азиз бўлинг.....	99
Уйга меҳмон келди.....	103
Чойга марҳамат.....	105
Кўрпача нечун?.....	109
Дастурхонли хонадон.....	110
Байрам дастурхонлари.....	112
Нонушта.....	116
Тушки овқатлар.....	123
Аср чойи.....	128
Кечки овқатлар.....	129



Тузнинг ортиги – ортиқ	132
Тансиқ таомлар	134
Шифобахш таомлар.....	143
Сомсалар	148
Салатлар	150
Ширин пишириқлар.....	158
Меҳмон ётиб қолса... ..	163
Совчилар ошхонага нега мўралайдилар?.....	164

Қалб тарбияси

Қалб нури	174
«Ўзлимни кўтардим...».....	177
Авлодлар ўғитин унутиб бўлмас... ..	184
Фурур – қалбга нур.....	188
Китобим – офтобим, содиқ дўстим.....	191
Ҳар одимингиз – сабоқ.....	197
Устоз – отангдек улуф.....	200
Қалбнинг кўтарилишини кўзланг.....	206
Қайтар дунё.....	211

Осмонларда кўнглим менинг

Осмонларда кўнглим менинг.....	218
Умрнинг масъулиятли даври.....	225
Эзгулик кишиларидан танланг.....	231
«Ўн беш ёшимда...»	249
Бир байт ҳикмати	254
Интернет иншо.....	259

Келди бўлиш сирлари

Тилло остона орзуси	266
Қиз бола – элнинг кўрки	273
Тангрининг тақдиридан қочиб бўлмас.....	277
Сизнинг остонангиз.....	282
Сизнинг ташрифномангиз	287
Оддий нарса-ю... ..	296
Назокат.....	300
Аёл – ўқилмаган китоб.....	305
«Сиз»га нима етсин	310
Сиз – онангиз қайтариғисиз!.....	315
Ҳавасдан ҳасадгача.....	321



Меники... Сеники.....	329
Бирлари – қуёш, бирлари – ой	335
Йиғлома қиз, йиғлома.....	339
Кўпда барака, аҳилликда ҳикмат бор	351
Туркана ўғитлар	357
Бахтли бўлинг!	374

Аёллар иқдими

Бека.....	387
Сийрат қадам.....	397
Қўғирчоқ.....	403
Болаларим туфайли.....	409
«Қоши ёсинму дейин...»	416
«Губернатор» қайнона.....	427
Қоидасиз ўйин.....	433
Кўнгилинг туби.....	441
Элакка чиққан аёллар	444
Муножот	448
Азага борган хотин	452
Ёстиқ остидаги дафтар	462
«Уч карра жаннати».....	470
Купедаги тўрт аёл.....	478
Китобий аёллар (икки ҳикоя).....	486
«Сиз бор – мен бор!» деёлмадим.....	497
Сўнгсўз	505
Фойдаланилган адабиётлар	507

Бадий-публицистик нашр

РАҶИМА ШОМАНСУРОВА

ҚИЗЛАР КИТОВИ

Муҳаррир
Гавҳар МИРЗАЕВА

Бадий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Мусахҳиҳ
Мадина МАҲМУДОВА

Техник муҳаррир
Умид ЯХШИМОВ

Компьютерда саҳифаловчи
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Лицензия рақами: АІ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 30.05.2016 й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоғи 32,0. Шартли босма тобоғи 53,76.

Гарнитура «Bookman Old Style». Оффсет қоғози.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 122.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қаторгол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 129-09-69, 129-09-71.

Маркетинг бўлими – 128-78-43. факс – 273-00-14;

[e-mail: yangiasravlodi@mail.ru](mailto:yangiasravlodi@mail.ru)